


«ТОШКЕНТ»
БАДИИИ АДАБИЁТ
НАШРИЕТИ


1964

A decorative border with intricate floral and scrollwork patterns surrounds the text. The top border features a large, stylized floral motif. The right border is a vertical strip of repeating floral elements. The bottom border includes a large, detailed floral illustration with leaves and a flower. The left border is a vertical strip of repeating floral elements.

Садриддин
АЙНИШ

АСАРЛАР

САККИЗ
ТОМЛИК



Садриддин
АЙНУЎ

АСАРЛАР

УЧИНЧИ ТОМ


Редколлегия

Филология фанлари кандидимлаги:

Х. АБДУСАМАТОВ, Х. ҚУРБОНОВА
Н. РАҲИМОВ, К. АЙНИЙ

Редактор


РУСТАМ КОМИЛОВ



КУЛЛАД

РОМАН





БИРИНЧИ БУЛИМ

I

Кенг сахро. Қуруқ чўл. Яйлов чоғларида қўй суриларини суғориш учун бир-биридан ўн-йигирма чақирим узоқликда қазилган қудуқлардан ўзга сув манбаидан дарак йўқ. Юмшоқ қум хома (кўма)лари, уларнинг устларида баҳор чоғларида ўсиб, ёз бошланар-бошланмас қовдек қуриб қоладиган ёвшонлар, шувоқлар, тиканлар ва туятовондек қумга хос ўсимликлар бу саҳронинг табиий кўринишларидан бирини ташкил қиларди. Бир-биридан икки-уч чақирим узоқликда солинган пахса гумбазчалар, унда-мунда учрайдиган лойдан ясалган жевахоналар¹ у замонлардаги туркман маданиятининг кўркем қурилишларидан саналар эди.

Бу саҳронинг бир ерида етти пахса девор билан ўраб олинган кенг бир қўрғон кўринарди. Қўрғон девори устида сўйилган ҳайвонлар қонининг асари кўриниб туриши у иморатнинг яқин бир замонда қурилганидан далолат берарди. Туя, қўчқор ва такаларнинг қўрғон дарвозаси устига териб қўйилган бош суюклари, икки чеккада қора бўёқ билан ола-була қилиб бўйланган, икки мўнди бу қўрғоннинг энг биринчи иморатлардан эканлигини ва ёмон кўздан сақлаш учун бу нарсаларни дар-

¹ Жевахона — қоровулхона маъносида бўлиб, қўрғонларнинг бурчакларида ёки очиқ саҳрода минора шаклида лойдан ясалади, унинг устида туриб, ёв кузатилар эди.

воза устига, биринчи қарашдаёқ кўзга кўринадиган жойга қўйилганлигини кўрсатарди.

Қўрғон дарвозаси олдида минг бош қўй сиғарлик катта ва кенг бир чуқур қазилган, унинг теварағи эса, одам бўйича ёвшон ва шuvoқ бостириб ўраб олинган бўлиб, бу қўрғон эгасига мол кўраси хизматини адо этар эди. Қўранинг теварағига босилган, ёвшонлар ва шuvoқлар ундаги чорваларни қор бўрони ва қум тўфонидан сақлар эди.

Қўра яқинига қазилиб, устига ғарғара ўтқазилган бир қудуқ у ердагиларнинг сув манбаи эди. Қудуқнинг ғарғарасига ўралган йўғон арқоннинг бир учига боғланган икки машк (меш) сув сиғарлик қовға ва арқоннинг иккинчи учига боғланиб чўктирилиб қўйилган ориқ ва яғир бир туя бу қудуқнинг насоси саналар эди. Керак бўлган вақтда туя ўрнидан турғизилиб, қудуқдан узоққа ҳайдалар ва шу восита билан қудуқдан бирдан икки машк сув тортилиб, қудуқ яқинидаги катта ёғоч охурга қўйилар ва сувсаган қўйлардан бир нечасини қондирар эди.

Қўрғоннинг ичида бир неча қора уй қатор тикилган ва буларнинг олдида ёш болалар икковлашиб таралган туя юнгидан урчуқ билан ип йигирадилар.

Бу қатор қора уйларнинг бир томонига бир неча ўчоқ ва қозон қурилган. Урта ёшдаги бир туркман хотин юнглари қозонлардаги аччиқтош сувида қайнатмоқда. Учоқлар яқинига бир неча тоғора қўйилган. Уларда сариқ, қизил, бинафша, занғори, кўк ва шулар сингари турли ранглар тайёрланган ва бир неча туркман хотин аччиқтошда қайнатилиб қуритилган юнглари шу тоғоралардаги турли-туман рангларга бўямоқда.

Қора уйлардан узоқроқда уч-тўрт мураббаъ метр ер текисланган ва у ерга қозиқлар қоқилиб қолин ва қолинча ўриши тортилган. Ҳар бир қолин ўриши олдида бир кекса хотин ерда, юмшоқ қум устида турли нақшлар чизмоқда. Ёш хотинлар нақшларга қараб тўқилаётган қолинларига арқоқ ва патлар билан гул солмоқда эдилар.

Узоқ йўл босиб ҳориб келган отларни қантариб қўйиш учун қўрғон ичида, дарвозанинг ўнг томонида, деворга бир қанча қозиқлар қоқилган ва ҳордиғи чиқиб совуган отларни боғлаб ем-хашак бериш учун у ердаги майдонга бир қанча якка михлар қоқилган эди.

Эшиги қўрғон дарвозасига қаратилиб тикилган бош-қа бир қора уй ичида чиройли така қолинчаси устида намоз ўқиб турган етмиш-етмиш беш яшар бир чол қўрғон дарвозасидан кирувчи ҳар бир кишига кўриниб турарди. Чолнинг бошидаги оқ қўй терисидан тикилган телпак, унинг устидан ўралган икки-уч печлик салла, салла устига қадалган мисвок ва хурмо данагидан ясалган, жойнамоз устида чипор илондек чулғаниб ётган узун тасбеҳ, бу чолнинг сўфилардан бири эканлигини кўрсатарди.

Қора уй ичига тўшалган қимматбаҳо пандий кигиз, уйнинг ўрта белида ёниб турган гулхан ва унинг устида осилиб қайнаб турган қора чойжўш бу чолнинг меҳмоннавоз бир киши эканлигига далолат қиларди. Уй деворига осилган милтиқ, қилич, қалқон, совут, найза, олти-эмчак ва камон каби яроқлардан уй эгасининг эски сардорлардан бири бўлганлиги билиниб турар эди.

* * *

Чол намозини тамомламасиданоқ қўрғон дарвозасидан бир неча отлиқ кириб келди. Булар отларини девордаги қозиқларга боғлаётганларида, қолин тўқиётган хотин-қизлардан бир нечаси келиб уларни қарши олди ва хотинлар орасидан бошига Бухоро минорасининг лаклак (лайлак) хонасидек қилиб махрутий (цилиндр) шакл салла ўраган бир кампир келувчиларнинг биридан:

— Сардор! Ўғлонлардан бирон хабар борми?— деб сўради.

Кампир томонидан сардор деб аталган эллик-эллик беш ёшдаги бу киши:

— Тирик бўлсалар, ғози бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажаллари етган бўлса, шаҳид бўларлар, сўрамоқ нега керак?— деб совуққонлик билан жавоб берди ва чол намоз ўқиб турган уйга қараб тўғри юрди, унинг орқасидан у билан бирга келган йигитлар ҳам юрдилар ва уй эшиги олдида чолнинг намоз ўқиб бўлишини кутиб турдилар.

Икки-уч минутдан кейин чол намозини тамомлади ва фотиҳа ўқиб қўлини бетига тортгандан сўнг эринибгина ўрнидан туриб:

— Ҳа, Абдураҳмон сардор, кел, киринглар!— деди.

Сардор йўлдошларини уйга бошлаб кириб, жойнамоз устида тикка турган чол билан саломлашиб кўришди.

— Сўра, сардор!— деди чол.

— Сиздан, халифа ога!— деб жавоб қайтарди сардор.

— Сендан, сен чўл кезиб, Хизру Илёсларга учраб келмоқдасан!

— Йўқ, сиздан: сиз тангрининг севган қулисиз, тункун намоз-ниёз билан машғулсиз, ҳам ёши улу (улуғ)сиз.

Бир неча марта шундай «сендан... сиздан...» дейилгандан кейин, бошлаб чол:

— Омон-эсонликми, мол-бош, бола-чақа, овул-ўба, қавм-қариндош, улу-кичи соғми?— деб сўради.

Сардор: «Худога шукур, худога шукур» дегандан кейин, бу ҳам ўз навбатида чолдан юқоридаги тарзда ҳолаҳвол сўради. Йигитлар ҳам чол билан бир-бир шу тартибда кўришиб-сўрашдилар.

— Хуш келдинг, дўғоним, (туғишган иним) сардор! Хуш келдингиз, ўғлонлар,— деб чол меҳмонларга жой кўрсатди ва ўзи жойнамоз устига ўтиб ўтирди. Меҳмонлар:

— Қуллуқ, қуллуқ!— деган ҳолда тартиб билан гулхан теварагига ўтирдилар. Чол қўл кўтариб фотиҳа ўқиди, меҳмонлар ҳам қўлларини кўтариб «омин!» деб туришдилар ва узун фотиҳадан кейин қўлларини бетларига тортдилар.

Чол уй деворига осиглиқ уч кўзлик қоп-қора кир халтачани олди, унинг бир кўзига қўл суқиб бир ҳовуч тамаки олиб, уни гулхан олдида турган кенг қоринлик, ёнғоқ ёғочидан ясалган хева чилимининг сархонасига босди. Ўғлонлардан бири ўрнидан ирғиб туриб, чолнинг қўлидан чилимни олди, қўли билан гулхандан чўғ олиб тамаки устига босди, ўзи чилимни пишитгандан кейин бир-бир бошқаларга чектирди. Чолдан бўлак ҳамма чилим чекиб олди.

Шу чоғда бўйинларига Бухоро тангалари, Эрон туманлари, Афғонистон рупиялари ҳамел қилиниб осилган икки қиз чайқалган чойнак-пиёлаларни, туя юнгидан тўқилган шол дастурхонга ўралган нонларни келтириб меҳмонлар олдига қўйдилар ва сардорга қараб таъзим қилиб чиқиб кетдилар.

Чол ҳалиги халгачанинг иккинчи кўзидан кўк чой олиб, бир бошдан ҳамма чойнакларга солди. Йигитлар-

дан бири қайнаб турган чойжўшдан чойнакларга қайноқ сув қуйиб, ҳар бир меҳмон олдига биттадан чойнак ва биттадан пиёла қуйиб чиқди.

Суви тугаган чойжўшга яна совуқ сув тўлдириб, гулханга осди. Ҳар ким ўз чойини қайтариб, ўзи қуйиб ича бошлади.

Чол дастурхонни очиб, ундаги зоғора нонларни меҳмонлар олдига ушатиб қуйиб, нон ейишларини сўради, ўз олдида турган бир тугунчакни очиб, унинг ичидаги ушатишган қандларни дастурхон устига сочди. Сўнгра халтачасининг учинчи кўзига қўл суқиб бир ҳовуч туйилган кўкнор чиқариб, аввал ўзи каппалади ва навбат билан бошқаларга ҳам бир ҳовучдан каппалатди.

Суҳбатнинг бошида чол бир оз амри маъруф¹ сотди: дунёнинг вафосизлигидан, мусулмон банда учун охиратнинг кераклигидан гапирди. Бора-бора чақчақ дунё ишлари устига ўтди. Чол сўзини замоннинг бузилганлиги, дунёдан хайру бараканинг учганлиги устига келтириб:

— Билмасам,— деди,— худога қандай ношукурчилик қилган эканмиз, бултурги совуқ ва бўрондан мол-зот қолмади, бариси қирилди, қўралар бўш қолди, энди тирикчилигим биргина қолин тўқишга қараб қолди, бунинг ҳам баракаси йўқ. Мен илгари замонларда тўрттаси сўфи қилинган ва тўрттаси кейиндан олинган саккиз нафар хаёлимга² ўз молларимдан олинган юнглари қолин, гилам ва бошқа нарсалар тўқитиб рўзгоримни шайлатар эдим; ўтган йил бир ақлсизлик қилиб никоҳимдаги хаёлларимдан тағин иккисини сўфи қилиб, ўн беш минг тангага яна икки чевар қизни никоҳлаб олдим; бу жуда ҳунарли бўлиб, тўқиган қолинлари Бухоро бозорида биринчи ўринни олар эди. Мана шу чоғда бахтсизлик юз берди, бутун моллар қирилди. Бу вақтларда бир мендагина эмас, бутун Мари чўлида юнг топилмай қолди, энди оз-моз топилган юнгдан тўқиладиган қолинлар бу хаёлларнинг ўзлари-ейдиган зоғоржағоз (зоғорача)га ҳам етмайди. Энди мен бу ўн «бош» хаёлни гўё текинга боқиб ётибман.

— Ҳовва, тўғри,— деди Абдурахмон сардор,— менда ҳам шундай ҳол юз берди, аммо мен сўфи қилинган ха-

¹ Амри маъруф — диний насиҳатлар.

² Хаёл — аёл, хотин.

ёлларимдан учтасини қувиб юбордим, шу билан рўзгор харажатимни бир оз енчиллатдим.

— Мен ҳам.— деди чол халгачанинг кўкнор солинган кўзига қўлини суқа туриб,— ахири шундай қилишга мажбур бўладиганга ўхшайман.

Чолнинг башарасидан кайфсизлик аломати кўринар эди. Халтачадан ҳовучини тўлдириб туйилган кўкнор олиб, яна каппалади, бошқаларга ҳам улашди. Ўз пиёласини қанд майдаси билан тўлдириб, устидан қайноқ чой қуйди, дастурхонга ҳам етарли даражада яна қанд сочди. Бу гал суви тозаланган чилимдан ҳам бир-икки қуллоб чекиб олди. Илиқ қанд чойни ҳўплаб, яна сўзга киришди:

— Ҳа, шундай, дўғоним¹ Абдурахмон,— деди,— Шохмурод сариқ² давроннинг қадрини билмаган эканмиз, у вақтларда бугун беш юз бош қўй ўлатга учраса, эртасига уларнинг ўрнига мингтаси келар эди. Шохмурод чопқиннинг қўрқувсидан шоҳ (Эрон шоҳи) аскарлари чегарада тўзиб тура олмас, биз учун бу ёғи Машҳад, у ёғи Астрободгача йўл очиқ эди...

Қуюқ қанд чой ичилиб, устидан чилим чекилгандан кейин кўкнор чолга кайф қилган эди, иккинчи чилимни чекиб:

— Хайр, шунисига ҳам шукур,— деб сўзида давом қилди,— ўғлонларим бор, дўғоним бор. Тангрининг қарамига сиғиниб уларни Астробод томонига жўнатдим. Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар...

Кўкнор кайфи кўтарилган ва чақчақ қизимоқда эди. Абдурахмон ҳам бу гал ўзининг собиқ сардорини «халифа» ёки «сиз» деб ўтирмай, такаллуфсизгина:

— Қилич оға!— деб сўзга киришди,— сенинг давронинг хайру баракалик бир замон экан, сенинг йўлбошчилигинг билан қилинган оқин ва чопқинларимизнинг бириси ҳам хатарга учрамаган, бирон сафаримиз ўлжасиз, асирсиз қолмаган эди; у замонларда қўраларимиз қўй билан, қўрғонларимиз қул билан тўла эди. Сен тарки дунё қилгандан кейин хайру барака учди, бу кунларда қул чопиб сотиш нари турсин, ўз қуллиғимни ўзим қи-

¹ Дўғоним — иним, укам.

² Шохмурод — манғит амирларининг учинчиси бўлиб, Бухорода 1784—1801 йилларда ҳукм сурган Маъсумбийдир. Уни бухороликлар амир Шохмурод, эронликлар Бегижон, туркманлар ва умуман Захвасий халқи «Шохмурод сариқ» деб юритар эдилар.

лишга мажбурман. Кейинги кунларда дунёдан жуда ҳам бездим, шунинг учун ҳам оғага бориб бир оз гурунглашайлик, маслаҳатлашайлик деб ўғлонларни эргаштириб келдим.

— Хуш келибсан, дўғоним,— деди Қилич оға,— ҳар вақт сени дуода йўқлаб турибман. Сенга берадиган маслаҳатим ва насиҳатим шуки, умидсизликка тушма, умидсизлик шайгон иши, кучинг, қувватинг бор вақтда иш қил, корнома кўрсат. Куч ва ғайрат бўлса, дунё торлик қилмайди. Масалан, эшитганимга кўра, кейинги кунларда Афғонистон шулуқланган. Темиршоҳ ўғиллари — Шоҳизамон ва Шоҳмаҳмуд ораларида бўлаётган жанжаллар мамлакат чегараларини эгасиз қолдирган, бу жумладан Ҳирот гомонлари ҳам илғордан бўшаган. Мана шу ёқларга бир оқин ясаб толени синаш керак.

— Каромат қилдинг, халифа,— деди Абдураҳмон сардор унга,— ўзим ҳам шу кунларда Ҳирот томонларига бир «саёҳат» қилиш ниятида эдим. Сенинг олдинга келишим ҳам шу тўғрида сен билан кенгашмоқ учун эди. Сен менинг кўнглимда бор нарсани топдинг, сен валий. Албатта сенинг кўнглингга худо томонидан солинган менинг бу сафарим қутлуғ бўлади...

Ҳирот сафари муқаррар қилинди. Абдураҳмон сардор кейинги чойнакни (эхтимол учинчисидир) бўшатгандан кейин, қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради. Халифа меҳмонларга биттадан зоғора бериб ўрнидан турди ва қиблага қаради, бошқалар ҳам туриб қиблага қарадилар. Халифа қўл кўтариб дуога бошлади, бошқалар ҳам қўл кўтаришиб «оми!» дея бошладилар.

— Олинг, олдирманг, босинг, бостирманг! Хизру Илёс ёрингиз, чорёр мадаккорингиз бўлғайлар!— деб халифа қўлини бетига тортди, бошқалар ҳам қўлларини юзларига суртиб, уйдан чиқдилар...

Ун беш минутдан кейин, чўлдан кўтарилган чанг паровоз тутунидек ҳавога чиқиб кетаверди. Бу — Абдураҳмон сардор билан йўлдошларининг отлари туёқлари остидан кўтарилган чанг эди.

II

Ҳирот музофотида Ҳуррўд бўйида бир оила томонидан каттагина бир боғ обод қилинган эди. Бу боғнинг тевараги пахса девор билан ўралган бўлиб, ўткинчилар

боққа кириб мева ўғирламасин учун девор устига чангал тикан қадалган эди. Боққа турли тоқлар, қовун, тарвуз ва қовоқлар экилган эди.

Боғда иморатдан ёлғиз узун бир айвон бўлиб, у ҳам одам ўтириши учун бўлмай, каптарлар учун солинган эди. Бу айвоннинг болорлари орасига тахтачалар қоқиб каптарлар учун уя тайёрланган ва унда уя қўйган каптарлар ойма-ой тухум босиб, бола очиб, кўпаяр, бу боғ учун керак бўлган миқдорда энг аъло гўнг этиштириб берар эдилар.

Тоқ пушталарининг оралари ва боғнинг бошқа офтобрўя ерлари сомонли лой билан сувалган бўлиб, булар узум ва бошқа меваларни қуритиш учун керак бўларди.

Боғнинг узумдан бошқа муҳим меваси Ҳирот олуси эди. Қуритилган Ҳирот олусининг ажаб бир толеи бор эди. У, Эрон бозорларида «олуйи Бухоро» деб сотилиб, даво учун сарф бўлганидек, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент бозорларида бўлса «олуйи Ҳироти» номи билан сотилиб, даво учун сарф қилинар эди. Шунинг учун Ҳирот томонларида олу териш, олу қуритиш мавсуми жуда зарба билан ўтказилар эди.

Аммо бу боғнинг олулари пишиб тўкилиб, қуш, қўнғизларнинг еми бўлаётгани ҳолда терувчилардан ҳеч бир киши кўринмас ва боғ эгасиз каби ташландиқ ҳолда ётарди.

* * *

Юқорида кўрган боғимиздан узоқроқда — аҳоли яшайдиган жойларда бир қишлоқ бор эди, бу қишлоқнинг тевараги шаҳар қўрғонларидай қалин ва баланд девор билан ўралиб олинган эди. Ҳалиги боғ эгаси бўлган оиланинг аъзолари у томонлардаги бошқа деҳқон ва боғдорлар каби ўша қўрғоннинг ичида қамалда қолгандай яшамоқда эдилар.

Бу оиланинг бошлиғи бўлган Ҳасан илгариги йилларда, бошқа деҳқон ва боғдорлардан илгарироқ йиғим-теримга чиқиб, боғ ҳосилини ўз вақтида йиғиб оларди. У вақтларда Ҳасаннинг қўл остида одами ҳам кўп эди, унинг Ҳусайн ва Ҳамид деган ўттиз беш-қирқ яшар икки иниси, уларнинг Ризо, Маҳмуд ва Али деган йиғирма, ўн етти ва ўн беш яшар ўғиллари бор эди, булар ҳам-

маси деҳқончиликни Ҳасаннинг қўл остида ўз вақтида қилар эди.

Аммо бултур йиғим-терим вақтида бир фалокат юз бериб, Ҳасан ўз инилари ва уларнинг болаларидан ажралди — бу фалокаг туркман чопқини эди. У чопқинда бу оиланинг Ҳасандан бошқа қўлидан иш келадиган ҳамма эркаклари асирликка тушган, ким билсин, дунёнинг қайси бурчагига олиб борилиб, қул қилиб сотилиб юборилган эдилар. Бу йили Ҳасаннинг қўл остида хотин-қизлар ва ёш болалардан бошқа киши қолмаган эди.

Ҳасан бу йил кўклам ва ёз вақтларида ора-сира боққа бориб, экин-тикин эккан, суғорган ва ёлғиз одамнинг қўлидан келадиган бошқа ишларни бажарган бўлса ҳам, йиғим-теримга ёлғиз чиқишга ботинолмай турар эди. Чунки йиғим-терим каби кўп қўл кучи талаб қиладиган ишга ёлғиз чиқиш, бир томондан, кам фойда бўлса, иккинчидан, ўтган йилги чопқин вақти ёвуқлашган сайин унинг қўрқиши орта борар ва боққа ёлғиз чиқишдан тортинарди. Хотин-қизлар ва ёш болаларни ишга олиб чиқиш эса, бундай таҳликали вақтда яна ҳам қўрқинчи-роқ эди. Шундай қилиб, йиғим-терим вақти ўтмоқда, айниқса энг қадрли тижорат моли бўлган олу ҳосили нобуд бўлмоқда эди.

Лекин етти-саккиз ойдан бери у томонларда бирор чопқин юз бермаган, келиб-кетувчи карвонларнинг сўзларига кўра, у теварак-атрофдаги туркманлар Сарах ва Абивард томонларига кўчиб кетган, ора-сира Машҳад атрофидаги деҳқонларга қилинадиган муваффақиятсиз ҳужумлардан бўлак бирор ҳодиса юз бермаган эмиш.

* * *

Бундай хушхабарлардан Ҳасан ишга чиқишга далдаланди, бу хабарлар таъсири билан у қишлоқдаги деҳқон ва боғдорларнинг жамоат-жаппа дала ишига чиқиб кетишлари уни яна ҳам ботирлатиб, у ҳам хотин-қиз ва ёш болаларни олиб ишга чиқишга қарор берди.

Ҳасаннинг оиласида унинг Зулайхо номли ўрта ёшли хотини, Моҳтоб деган бўйи етган қизи, Хадича номли уч яшар бир қизчаси, Форуҳ номли эмизикли бир ўғилчаси, ўтган йил тутқунга тушган Ҳусайннинг Гулчеҳра номли тул хотини, унинг Раҳимдод номли етти яшар ўғли ва Зебо номли уч яшар қизчаси, бултур қулликка туш-

ган Ҳамиднинг Зухра деган тул хотини, Сухбия номли ўн беш яшар ва Гулфом номли ўн икки яшар қизлари ва ёши олтмишдан ошган Фотима номли қайнанаси бор эди.

Бу оиланинг бир йилдан бери зиндонга ўхшаган қўрғонда қамалиб ётган аъзолари, айниқса ёш болалар, боққа чиқиш хабарини эшитиб, жуда яйрадилар.

Боққа чиқишга катталар ҳам болалардек шавқу завқ билан ҳозирлик кўрдилар — нонлар ёнилиб, бир ҳафталик озиқ-овқат тайёрланди; кўза, қумғон каби сув идишлари, сават ва қути каби мева териш идишлари тайёрланди. Вақтлироқ ётиб эрта тонгда йўлга чиқмоқчи бўлдилар.

Эрта тонг, ҳали кун ёрмаган, кўм-кўк осмонда юлдузлар нур сочиб турибдилар, ҳали чумчуқлар уяларида жим ётмоқда, ҳали товуқлар дарахтлардан тушмаган эди. Аммо Ҳасаннинг оиласидаги катталаргина эмас, ҳатто ёш болалар ҳам уйғониб ва бир-бирларини туртиб уйғотиб, боғ сафарига ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

Ҳаммадан кейинроқ уйғонган Раҳимдод, ўз онаси Гулчеҳрани ўзини вақтлироқ уйғотмагани учун койимоқда ва синглиси Зебони:

— Тезроқ тур, боққа борамиз, унда мен сенга чумчуқ ва капалак тутиб бераман,— деб уйғотмоқда эди...

Йўлга чиқиш тайёргарлиги тугади, Ҳасаннинг хотини Зулайхо кичкина Форуҳни орқасига боғлади, уч яшар Хадичани қўлига кўтарди, Ҳусайннинг хотини Гулчеҳра уч яшар Зебосини қўлга кўтарди, у етти яшар Раҳимдодни қўлидан етаклаб юрмоқчи эди, аммо Раҳимдод унамади:

— Мен боққа ҳаммаларингдан олдинроқ етиб бораман,— деб чопди ва тўғри юрмай, кўчанинг у ёғидан бу ёғига югуриб, бир қадам ўрнига ўн қадам босиб, кўча чангитиб кетди.

Ҳамиднинг хотини Зухра, унинг қизлари Субҳия ва Гулфомлар, Ҳасаннинг катта қизи Моҳтоб нон халта, бошқа озиқ-овқатларни, сув идишларни, сават ва қути каби нарсаларни кўтардилар. Ҳасан эски бир қилични белига тақиб, шохдор бир милтиқни елкасига осиб олди ва уй анжомларини Фотима кампирга топшириб, Ҳасан олдинда оила аъзолари йўлга тушдилар.

Йўл узоқ эмас эди, бир соатча юргач боққа етдилар

ва «ҳа» деб ишга киришдилар. Гулчеҳра, ўгли Раҳим-додни қизиқтириб:

— Ўғлим, отанг борида биз тинч эдик, у акасининг қўлигаги кириб ҳар бир ишни бажарар эди. Улар тутқун бўлиб кетгандан кейин бечора амакинг болу паридан ажралди, ҳар бир ишни ёлғиз боши билан бажаришга мажбур бўлиб қолди; агар биз унга яхши ёрдам бермасак, тез вақтда чарчаб ишдан чиқиб, ҳаммамиз кишисиз қолурмиз. Сен энди отангинг ўрнига ишла ва тўкилган олуларни битта ҳам қолдирмасдан териб саватга сола бер...— деди ва ўзи осма саватни олиб дарахтга чиқди, уни бир шохга илиб қўйиб, олуларни тегиб унга сола берди.

Кичкина Зебонинг:

— Онажон! Мен ҳам олу терайми? Ана, ана бу ерда ҳам битта олу бор экан, буни ҳам олайми? Мана яна биттасини топдим, буни қаерга қўяй?— деб устма-уст берган саволларига қулоқ солмасдан Гулчеҳра эркаларча ишламоқда эди. Бошқа хотин-қизлар ҳам дарахтларнинг уст ва остидан олу термоқда, бултур тутқун бўлганларни ҳасрат билан эсламоқда ва қолганларни ундай балолардан сақлашни худодан тиламоқда эдилар...

Ишловчилар орасида Ҳасан йўқ эди. У қишлоқда эшитилган яхши хабарлардан аввал ботирланган бўлса ҳам, боққа чиққандан кейин яна тинчсизлана бошлаган ва кўнглига ҳар турли ваҳималар келиб, ташвишга тушган эди. Унинг ўйинча, чопқинчилар кутилмаган бир вақтда чўл этагидан чиқиб қолишлари ажаб эмас эди. У, хотин-қизларни қўрқитмаслик учун бундай ваҳимали хаёлларни уларга билдирмаса ҳам, ўзи шундай ноҳосдан бўладиган бир ҳужумнинг олдини олиш чорасини кўра бошлаган эди.

«Мен бултур жуда ёмон тадбирсизлик кўрсатдим, аввали шуки, иш чогида дашту биёбон томонларига чиқиб душманини кузатмадим; иккинчидан, иниларим билан биргалашиб душманга қарши туриш ўрнига, ҳаммадан бурун ўзим қочдим ва бутун қўл-қанотимдан ажралишга ўзим сабаб бўлдим. Бу йил яхшироқ тадбир кўриш, ҳар бир фалокатнинг чорасини олдиндан ўйлаш ва уни амалга ошириш керак. Бўлмаса, бутун оида қўлдан кетади...» деб ўйлар эди.

Ҳасан шундай ўй ва андишалар билан хотинларга

билдирмасдан, боғдан чиқди ва у ерга яқин бўлган икки боққа бориб, ишлаб турган деҳқонлар билан кенгашиди ва уларни, душман томонидан ногаҳоний ҳужум бўла қолса, биргалашиб қарши туришга ундади. Ҳасан уларга деди:

— Агар биз қазо келиб қолганда қўрқсак ёки бирон тадбирсизлик кўрсатсак, барчамиз тутқунликка тушамиз. Маслаҳат шуки, қайси биримизнинг устимизга душман олдин ҳужум қилса, унинг қичқириши билан бошқа эркаклар унга ёрдамга келсинлар, душманнинг олдини биргалашиб тўсиб, хотин-қизларнинг қочишларига фурсат туғдирсинлар. Душманга биргалашиб қарши турсак, ҳаммамиз қутулмасак ҳам, ҳаммамиз ўлмасмиз ёки тутқун бўлмасмиз.

— Биз,— деди деҳқонлардан бири,— навбат билан чўл этагига чиқиб душманни кузатиб, дидбонлик қилиб туришимиз керак, чўлдан бирон аломат кўринган ҳамон дидбон тездан бошқаларга хабар етказар, дарров хотин-қизларни қочирамиз, фурсат бўлса ўзимиз ҳам қочармиз, агар душман келиб қолса, яроқланиб қарши урушармиз.

— Худога шукур, ҳаммамизнинг қилич, шашпар, милтиқ, ханжар каби яроғларимиз бор,— деб бошқа бириси унинг сўзини қувватлади.

— Хўп,— деди Ҳасан,— бугун мен чўл томонига чиқиб дидбонлик қиламан, бошқа кунлари яна бошқалар навбат билан чиқарлар...

Ҳасан қўшни боғидан чиқиб, тўғри чўл томонига кетди, бутун пана-пастқамларни ахтариб кўрди, ҳамма ер бўм-бўш, ҳеч бир аломат йўқ эди. Сўнгра у ердаги баланд бир тепанинг устига чиқиб, кўзи илғаганча ҳар томонга қаради, душмандан дом-дарак йўқ. Ундан кейин узун бир нафас олиб, ерга чўзилиб ётди. Яна ирғиб туриб теваракка кўз солди, ҳар томонда тинчлик. Тагин ётди, тагин турди, шу йўсинда туш чоғига чўлни кузатди, ҳеч бир аломат кўринмагандан кейин тинчлала бошлади, эрта билан кўнглига келган хавфу хатарлар озя берди, унга сари жасорати орта борди. Бора-бора у ўз кўзига, агар душман ҳужум қила қолса, бир ўзи ўнгасини қайтара оладиган кучга эга каби кўрина бошлади.

Энди у, ишни қўйиб дидбонликка чиққани учун, ўзини маломат қилмоқда ва эрта билан кўнглига келган

хавф-хатарларни эслаб, ўз-ўзидан кулмоқда эди. Энди у: теварак-атрофга озроқ кўз тикар ва вақтини кўпроқ чўзилиб ётиш билан ўтказарди.

Шу чоғда тепа муюлишидан кўзига бир қора нарса кўриниб, тездан ғойиб бўлди. Бу ҳодисадан бадани безгак туггандай қалтираб, юраги тез-тез гупиллаб ура бошлади: У ўзича ўйлади: «Ҳай, аттанг!.. Бирор иш қилолмай қўлга тушдим. Ҳеч бир иш қилолмаганда ҳам фурсат топиб, болаларни қочира олсам майли эди. Ўзим ўз бошимга тушадиган фалокатларга чидай олсам ҳам, хотин-қизлар ва ёш болаларнинг хўрлигига қандай чидаш бераман...»

Ҳасан бир оз муддат фалокатни кутиб тургандан кейин ўз ҳолига кела бошлади, чунки кутилган душмандан асар йўқ эди. У секин-аста эҳтиётлик билан ўрнидан туриб, тепанинг муюлишига бориб, ҳалиги қора нарсани қидира бошлади ва ўзидан бир неча қадам нарироқдан бир қора нарса ҳавога кўтарилди. У бу ҳолдан чўчиб кетиб йиқилаёзди. Аммо у қора нарсанинг қора қарга эканини англагач, тинчланди ва кўкрагига «туф-туф» деб юрагини тинчитмоқчи бўлди.

Ҳавога кўтарилган қарга парвоз қилиб Ҳасаннинг боши устида айланмоқда, сояси ҳам унинг теварагида чарх урмоқда эди. Ҳасан, кўзига бир кўриниб бирдан ғойиб бўлиб қўрқувга солган қора нарса қарганинг сояси эканини билиб, бутунлай тинчиди.

Ҳасан тамоман тинчлангандан кейин теварак-атрофни яна бир марта кезиб чиқди, кўзга ҳеч бир нарса кўринмасди. Кўздан ғойиб бўлиб кетган қора қаргадан бошқа на осмонда, на ерда бирор шубҳали нарса кўзга илинарди. У асоссиз кўрққани учун ўзини таъна қила бошлади ва яна ботирланиб чўлни узоқларгача бир айланиб чиқди. Ҳамма ёқ тинч, бирор жон зотидан дарак йўқ...

Энди унга бошқа душман ҳужум қила бошлаган эди, у ўз кўзига кўринмаган душманга қарши қанча жасорат кўрсатган бўлса ҳам, бу душманга қарши чидамсизлик қила бошлади, бу душман очлик эди, кун пешин бўлган ва у тузуккина очикқан эди.

«Ҳа, аттанг!..— деди у ўз-ўзига,— бир оз нон, сув олиб келишим керак экан...»

Кенг чўл, қум хомалари ва тупроқ тепаликларидан бошқа нарса йўқ, баҳорда кўкарган кўкатлар ёзнинг ис-

сиқ офтобида қуриб кетган, емак учун уларнинг илдизларини истифода қилиш ҳам мумкин эмас...

Очлик, сувсизлик зўр душман, уни ҳеч бир жонзот кучи енга олмаганидек, қанча ботирланган бўлса-да, Ҳасан ҳам енга олмади. Чорасиз, боққа бориб бир оз нон емоқчи ва ишнинг боришидан хабар олиб, яна қоровулликка қайтмоқчи бўлди. Қайтар вақтида атрофга яна диққат билан бир қараб чиқди ва кўнгилтинчлик билан боққа қараб жўнади...

III

Хотин-қизларнинг эрталабки ишлари жуда баракали бўлди, фақат туш чоғи яқинлашганда уларда очиққанлик аломати сезила бошлади: беллар оғриди, билаклар тортишди ва панжалар ишга қовушмай бошлади. Баъзи кучсизроқлари дарахтлар остида чўзила бошладилар. Энди нон ейиш ва дам олиш чоғи келган эди. Лекин оила бошлиғи Ҳасандан дарак йўқ, у ҳеч бир кишига айтмасдан қаергадир чиқиб кетган. «Ҳалигача келмади; ажабо, у қаерга кетган бўлса, ё бирон қазо ва фалокатга учрадими?.. Йўқ, худо кўрсатмасин, бирон ёмон аломат кўриндан эмас-ку...»

Бундай васвасалар ҳаммадан кўпроқ Ҳасан хотинининг бошини айлантирмоқда эди. Шу чоғда Ҳасан боққа кириб келди, хотини:

— Ҳа, отаси,— деди,— нима бўлди сизга, қаерга кетган эдингиз? Худо кўрсатмасин, шайтон алланималарни эсга солиб, юрагимни ёра ёзган эди.

— Нима бўлар эди,— деди Ҳасан,— Шоҳимардонларнинг боғига борган эдим, улар билан гапиршиб қолдим.

— Амакиснинг,— деди Гулчеҳра,— Раҳимдоддек ўктам ва ишчан ўғиллари бўлгандан кейин, ҳар ерга борсалар майли.— Ҳасанга қараб,— амакиси! Раҳимдодга «Ҳорма, баракалла!» денг, у худди отасидек ишлади.

— Шундайми,— деб Ҳасан Раҳимдодга қаради,— баракалла, ўғлим, кел нон бошига, бирга ўтиришайлик, нондан менинг ҳаққимни ҳам сен егин, чунки мен қиладиган ишни сен қилгансан.

— Нон тўғрисида,— деди Гулчеҳра,— гапирмангки, ўғлингиз уялади, шу кун тутош нон еб чиқди, ҳар дона

олуни саватга солганда бир бурда нонни ҳам лунжигатикди.

Суҳбатнинг бошидаги сўзлардан фахрланиб эркаланиб турган Раҳимдод кейинги гаплардан уялиб, юзини бир дарахтга ўгирди.

Олузор майдонининг ўртасида тўрт бармоқ бўйича ўсиб патлик яшил гиламдек бўлиб ётган ажриқ, сабзи ва себаргалар устида хотин-қизлар ярим доира шаклида тизилиб ўтирдилар, улардан нарироқда қилич ва милтигини дарахт шохига илиб, уларга юзма-юз бўлиб, бир дарахтга суяниб Ҳасан ҳам ўтирди, хотини рўмолига бир-икки нон ўраб, бир бош узум билан келтириб унинг олдига қўйди. Хотинлар ҳам шол дастурхонни ёйиб, нон ушатиб ея бошладилар. Шу дамда, нарироқдаги шохлари қуриган қайрағоч устидан бойўғлининг ёқимсиз товуши эшитилди.

Хотинлар бу товушдан сесканиб кетдилар. Ҳасан, пичоғини қинидан олиб, у билан ердан бир бўлак кесакни кўчириб, қушга отмоқчи бўлиб ўрнидан турди ва бойўғли қўнган дарахтга яқинлашаётганида қуш учиб кетди. Ҳасан бойўғлини уролмай қолганига афсусланиб, ҳасрат ичида, қуш учиб кетган томонга қараб турганида боғнинг девори орқасида қатор бошлари кўринаётган туркманларнинг қора, баланд, жузли ва катта телпакларига кўзи тушди...

Ҳасан турган ерида қотиб қолди, душман келмасдан бурун ўйланган тадбирлар ва кўрсатилган қаҳрамонликлардан асар қолмади.

Зотан, Ҳасанларни болалик чоқларида йиғлаганларида оналари: «жим бўл, ана, туркман келди, туркманга бериб юборайми?» деб қўрқитиб тарбия қилган ва ўс-тирган эдилар. Бунинг устига, ҳар йил қўни-қўшни бошига бир-икки марта келиб турган туркман чопқини яхшигина қўрқитган эди, айниқса бултур Ҳасаннинг оиласи бошига келиб, бутун қўл-қанотидан ажратган фалокат жуда ҳам ўтини олган эди. Шунинг учун кутилмаган бир вақтда кўринган ўн-ўн беш қора бош унинг ишини тамомлади. Энди у, оиласи олдида йўқ, у, тутқун бўлган, Бухоро ёки Самарқанд ва ёинки бошқа бирор шаҳарга олиб бориб қул қилиб сотилган эди...

Шу вақтда орқа томондан, жангиномаларда Рустамга нисбат берилганидек, ер ва кўкни титратган қаттиқ, йўғон ва ҳайбатли бир товуш эшитилди.

— Бир-бирингизнинг қўлингизни боғланг! Сасингизни чиқарманг! Бўлмаса ҳаммангиз қириласиз!

Бу товуш Ҳасаннинг муздек қотиб қолган бошига гулдурлаган чақмоқдек урилиб, уни эритиб юборди. У ихтиёрсиз орқасига қаради ва ўзи турган ердан элликолтмиш қадам нарироқда узун бўйли, ориқ, туси қорамтир, кўз-қоши қора, соқолига битта-яримта оқ тушган, мўйлови юқори-қуйи тоза қирилган, ияги устидаги соқоли ҳам тарашланган, ўнг қўлида яланғоч бир қилич, чап қўли билан белбоғига қистирилган катта пичоқнинг сопидан тутган, орқасида милтиқ, белбоғига қора, чипор ва сарғимтир илондай ҳалқа қилиб турли тусдаги чилвирлар илиб қўйилган бир туркманни кўрди.

Табиий, Ҳасанда орқага бир боқишдан ўзга бирон қимирлаш кўринмади, у, туркман товуши эшитилганда, устига ўт ёқилган муздек эриган бўлса, ҳозир шамдан томган мумдек ўз жойида қотиб қолган эди.

Туркман илжайгандек бўлиб, лекин жиддият билан оппоқ тишларини кўрсатган ҳолда аввалгидан ҳам ҳайбатлироқ бир товуш билан:

— Эшитмадингми? Қулоғинг карми?.. Бошқаларни боғла ва ўзингни ҳам боғлат дейман!— деди ва қиличини Ҳасанни урадиган вазиятда бир ўйнатиб қўйди.

Ҳасан озодликдан қачонлар умидини узган ва тутқунликка кўнгул боғлаган эди. Аммо бу иккинчи товуш ва ҳаракат унга ўлим кўлагасини кўрсатди; у, кўзига кўриниб турган ўлимдан қутулши умиди билан бутун кучини тўплаб, зўрга:

— Хон сардор! Менда ҳеч бир куч-қувват қолмаган, марҳамат қилиб ўзингиз боғланг!— дея олди.

— Ундай бўлса,— деди туркман,— қўлларингни юқори кўтариб панжаларингни енгингдан чиқариб, бери кел!

Ҳасан жон уза-уза туркманнинг олдига борди. Туркман белбоғига осилган чилвирлардан бирини олиб Ҳасаннинг қўлларини орқасига маҳкам боғлади; сўнгра, бўридан беркинган қуёндек дарахтлар панасида ётган хотин-қизлар олдига бориб уларнинг қўлларини ҳам ўз бошларидаги рўмоллари билан боғлади ва:

— Товушингизни чиқара кўрманг, агар дод десаингиз, ёки қочишга интилсаингиз, барчангиз қириласиз, мен қайтиб келгунча жим ётишг!— деб кескин буйруқ берди ва боғдан чиқиб кетди... Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳалиги туркман кулимсираган ҳолда, лекин тишларини

ғижирлатиб яна тутқунлар қошида пайдо бўлди. Бу вақтда ҳасанлар бир-бировлари билан дардлашмоқда, бундан кейин бошларига нималар келишини ўйлаб, йиғлашмоқда эдилар.

— Товушингизни чиқарманг демадимми, калтабинлар!— деб туркман қиличини қинидан сугурди ва тутқунлар бошида ўйнатди. Дарахтларнинг шоҳлари орасидан тушган қуёш шуъласида ярақлаб турган қиличга кўзи тушган Раҳимдод қаттиқ қўрқди ва бирдан чириллаб юборди. Товуш чиқармаслик тўғрисида қаттиқ ва кескин буйруқ берган туркманнинг бу «адабсиз» боланинг «ярамас» қилиғига газаби келди ва югуриб боланинг устига бориб:

— Жим турасанми, ё ҳозир бошингни кесайми?— деб яланғоч қиличини боланинг бўйнига яқинлаштирди. Бола бу ҳаракатни қуруқ бир дўқ ва қўрқитиш фаҳмламасин деб қилич учи билан қулогининг юмшоқ еридан тилиб қонатди ва қонга буланган қилич учини болага кўрсатиб:

— Кўрдингни, бу сенинг қонинг! Ҳозир озгинасини оқиздим, яна ярамаслик қилиб гапга қулоқ солмасанг, қонингни бутун оқизаман, ўласан,— деди ва тутқунларга қараб:

— Туринглар, олдимга тушинглар, боғдан чиқинглар!— деб буйруқ берди. Қўрқиб тезда туролмаганларни этик пошнаси ва қилич учи билан туртиб тургизди.

Тутқунлар боғдан чиқдилар; боғ эшиги олдида бошқа боғлардан ушланиб келтирилган ўн нафарча тутқунлар ҳам қўллари боғлиқ турардилар. Бўйин ва оёқлари узун, кўкраклари кенг, сағри ва қоринлари кичкина туркман отлари эгарланган ва эгарлар орасига бўктар ўрнига тўқимча тортилган ҳолда дарахтларга қантариб қўйилган эди. Икки туркман йиғити отланган бўлиб, бирови катта бир жийрон отни гулавсоридан ушлаб турмоқда эди. Ҳасанларни боғдан ҳайдаб чиққан туркман ҳалиги етакдаги отга минди. Отга минаётганда уни ушлаб турган йиғит унга қараб:

— Сардор ога! Энди телпақларни йиғиштириб олайинми?— деди.

— Ҳовва, йиғиштир!— жавобини берди сардор дейилган туркман.

Сардор икки бармогини оғзига солиб қишлоқ ва чўл

томонларига қараб икки марта қаттиқ-қаттиқ ҳуштак чалди ва олдида турган йигитга қараб:

— Дўғоним, отларни еш, қулларни орт!— деди.

Йигит, отларни битта-битта ечиб, ҳар бирига иккитадан-учтадан тутқушни мингаштирди. Эчки юнгидан қилинган чилвирлар билан уларнинг оёқларини отнинг қорни остидан маҳкам боғлади.

Отга миндирилиб оёғи боғланган Ҳасан юрт-еридан абадий ажралиб кетар замонн яқинлашганини пайқаб, ўз боғи томонга энг сўнгги марта боқди. Туркман қиличининг қўрқувсидан товуш чиқара олмаса ҳам, юрагининг энг чуқур еридан чиққан кейинги саломн — видо саломини ҳол тили билан ўз боғига берди; боғнинг дарахтларига, деворларига, ҳатто девор устидаги тиканларигача суқланиб қаради. Шу вақтда, телпакларни йиғмоқ учун кетган туркман йигитнинг боғ девори устидаги тиканларга илиб қўйилган телпакларни йиғиб хуржунга солаётганига кўзи тушди. Ҳасан энди билса, бошда кўзига кўриниб уни қўрқитган қора телпаклилар бўш телпаклардан ўзга нарса эмас экан...

Ҳуштак товушини эшитиб қишлоқ томонидан икки нафар, Тежан йўли томонидан икки нафар — бариси тўрт нафар отлиқ келиб етди. Буларнинг бариси сардорга қараб:

— Сардор ога! Ҳирот томони тивчлик, аскардан ва қоракалтакдан ҳеч бир дарак йўқ,— деди.

У бариси ҳам:

— Тежан йўли тивчлик, карвон ҳам йўқ, бошқа йўловчилар ҳам кўринмайди,— деб бошлиғига рапорт берди.

Сардор буларни Ҳирот ва Тежан йўли томонларига пойлоқчи қилиб юборган эди. Чунки Ҳирот томонидан ҳукумат қўшини ё қоракалтак оломон келиб қолса, ёки Тежан томонидан карвон етиб келиб қолса, ишга ҳалал етиши мумкин эди. Ҳатто карвон келиши хавфи қўшиндан ҳам ортиқроқ эди, зеро, у вақтлардаги карвонлар жазоирлар билан яроқланиб, танланиб, ёлланган соқчилар билан юрар эдилар. Агар бундай ҳодисалар дуч келишидан бурун чораси кўрилмаса, таҳликали бўлиши аниқ эди. Мана шунинг учун бариси етти нафардан иборат бўлган дастанинг тўрт нафари кузатувчиликка юборилган, қолган уч киши ишга киришган ва тахминан йиғирма нафарни тутиб боғлаган эди.

Сардор олдин-кейинни яна бир марта кўздан кечиргандан кейин:

— Уғлонлар, ҳайданг!— деб буйруқ берди.

Икки йигит тутқунлар мингаштирилиб бештадан қўшоқланган икки қатор отни етаклади, сардор олдинда ва тўрт йигит иккитадан икки ёнда йўлга тушиб, отларни йўрттира кетдилар.

Яроғланган бирон карвоннинг йўлда учраши, ёки бирон даста афгон қўшинининг орқадан босиб келиши эҳтимоли борлигидан бир-икки манзилгача отларни чоптириш керак эди. Шунинг учун отларни қистовга олдилар, чўлкезар туркман отлари ҳам кишнаб йўл боса бошладилар. Икки-уч соат йўл босгандан кейин, отларда ҳорғинлик аломати кўрина бошлади. Иссиқ ҳаво, тиззадан келадиган қизиган қум, сувсиз ва қурғоқ чўл қистов билан югурган отларни шу қадар чарчатдики, тиллари осилиб қолди. Отларга сувсизлик ҳар нарсадан ёмонроқ таъсир қилган эди. Шундай бўлса ҳам, улар йўртилмоқда, қандайдир бир умид манзилига яқинлашганларини сезгандек қувонч билан югурмоқда эдилар. Лекин тўрт томон поёнсиз биёбон, чегарасиз қум чўли, манзилдан дарак йўқ; узоқдан ёйилиб ётган сувдек бир нарса кўринса ҳам, бунинг нима эканлиги чўлкезари-мизга белли (белгили), ҳатто бунинг сув эмас, «сароб»¹, қутулиш қирғоғи эмас, тажрибасиз йўлчилар учун ўлим учирими эканлиги тажрибали туркман отларига ҳам маълум эди. Отлар чопмоқда эдилар...

Кун ботди, қоронғилик боса бошлади, ҳали ой чиқмаган эди. Шу қоронғилик ичида сардорнинг оти йўлдан чеккароққа чиқиб, бир тупроқ уюми устида тўхтади. Бошқа отлар ҳам шошила-шошила ўша ерга бориб тиралиб туриб, олдинги оёқлари билан ерни тирнай бошладилар. Йигитлардан бири отдан тушди. Хуржундан бир темир курак олиб, тупроқ уюмининг бир томонга сурди. Тупроқ уюми остидаги ерни икки метр чамаси чуқурликда қазиди. Ер остидан тупроққа булганган оқ бир

¹ Ер ва ҳавонинг тузилиш хусусияти билан чўлда узоқдан узоқда сувдек бир нарса кўринади. Чаңқаган тажрибасиз йўлчилар унинг сув гумон қилиб, унга қараб юрадилар, лекин унга етишмоқ мумкин эмас. Унга қараб қанча борилса у ҳам шунча кейинга қараб кета беради. гўё у йўловчи билан баравар юради. Шундай мавҳум сув орқасидан тушган йўловчиларнинг оқибатлари ҳалокатдир. Мана шу мавҳум «сув»ни «сароб» дейдилар.

нарсани олди. Пичоғини қинидан суғуриб, у нарсани қовунни карж қилгандек қилиб кесиб ташлай берди. Бошқа бир йигит кесилган нарсаларни чанқаб оғизларини очиб турган отларнинг бўғизларига биттадан ота берди. Уни ютган от қона-қона сув ичгандек тинчланиб, ёлини қаттиқ қоқиб яна чопишга ҳозирлана бошлар эди.

У нарса эритилмаган қуйруқ ёғи эди. Тажрибали чопқинчилар Ҳирот томонига бораётганда ҳар икки-уч соатлик йўлда, маълум бир ерга шундай қуйруқ ёғи бўлақларини кўмиб қўйган эдилар. Уларнинг тажрибаларига кўра, қуйруқ ёғи отларни сувсизликдан ва ич куйишдан сақлар экан. Шундай сафарларни кўп кўрган отлар ҳам, бу тадбирдан хабардор бўлиб, ўзларини ҳалокатдан қутқазадиган нарсанинг қаерга кўмилганини пайқаб қўйган эдилар. Шунинг учун отлар ҳам у ерга қараб югурар ва у нарсага етишиб, ўзларини сувсизлик балосидан қутқазишга шошилар эди.

Йўловчилар отларини қондириб бўлиб, яна йўлга тушдилар, отларни яна йўрттира бошладилар. Қим билсин, сувлик манзилга етгунча отларнинг томоқларига яна неча мартадан қуйруқ ёғи отган чиқарлар.

IV

Қилич халифа қўрғонида хотинлар қолин тўқимоқда эдилар, лекин Чоргул бибининг қўли ишга бормас, ҳар замонда, арқоқ зўғатаси қўлидан тушиб кетиб, ўралган ип хас-хашаклар устида чувалиб, булғаниб кетар эди.

— Чоргул,— деди унга қараб бошқа бир тўқувчи хотин,— сенга нима бўлди, нимага бугун ишингнинг мазаси йўқ?

— Менинг ва бошқа мен каби сўфи қилинган боласиз хотинларнинг бошидан нималар ўтганини билмайсанми? Бугун Жихонгул билан Тўтигул қувилган бўлса, ёрин (эрта) бу ҳолнинг менинг бошимга тушмаслигига ким кафил бўла олади?

— Сен ҳунарли чевар бир хотин, сени қувиб юборишга халифанинг кўзи қиймас.

— Бутун моллар қирилиб, Мари чўлида бир ҳовуч юнг топилмайдиган бўлган бир замонда, менинг ҳунаримдан халифага нима фойда? Агар юрт тўла-тўқис бўлсайди, қувилишдан ҳам қўрқмас эдим; ҳунарим бор

экан, бир бурда нонни ҳар қаердан топиб ер эдим. Аммо шу қаҳатчилик чоғида қувилсам, бу ерда ейдиган озгина зогора-жағоздан ҳам ажраламан, у ҳолда очликдан ўлишдан бошқа чора йўқ.

— Сени халифа неча тангага олиб эди?— деди тўқувчи хотин сўзни бошқа томонга буриб.

— Беш минг танга ва бир бош туяга.

— Ўзинг ҳам халифага яхшигина қимматга тушган экансан-да!

— Бундан менга нима фойда-ю, халифага нима зарар? Мен отамдан сағир қолган эдим, амаким мени сотиб эди. Мен халифанинг уйига келганимда, ўн беш яшар эдим, ҳозир ўттиз бешга кирдим, демак, йигирма йил халифа учун кўз нури тўкиб ишлабман. Йигирма йил ичида, энг ози, ҳар йил минг тангадан ишлаб берган бўлсам, йигирма минг танга бўлади...

Чоргул бир уҳ тортиб ерга қаради, кўзидан дувиллаб оққан ёш томчиларини энги билан артди ва суҳбатдошига қараб яна давом этди:

— Йигирма йиллик меҳнат! Бу йигирма йилнинг ёлғиз беш йилгинасини халифанинг никоҳида ўтказдим. Мен йигирма яшар бўлгунча халифа тагин тўрт қиз сотиб олди, мен бўлсам, сўфиликка чиқиб қолдим. Сен бир йил халифа никоҳида туриб тездан сўфиликка чиққан бўлсанг ҳам, бахтлисан, сенинг Ҳасан, Ҳусан деган икки боланг бор, сен қувилиш қўрқинчидан омондасан. Мен беш йилда икки бола топган бўлсам ҳам, иккаласи чечакдан ўлди... Мен боласизлар қаторига ўтиб қолдим... Мен қувиламан!— деб Чоргул йиғлаб юборди...

— Ўроз оғалар бирон сури қўй, бирон қатор туя суриб келтирсалар, халифанинг иши яна қизиб кетар, қувилишдан қутуларсан,— деб Чоргулга кундоши тасалли бераётганда:

-- Чаманбоғ... Чаманбоғ... У Чаманбоғ!.. Бари (бери) кел!— деб узоқроқдаги бир қора уй эшигидан чиққан кекса бир хотин уни чақирди ва қайтиб уйга кириб кетди.

Чаманбоғ Чоргул билан қилаётган суҳбатини ташлаб, қора уйга борди. Уни чақирган кекса хотинининг афт-башарасидан андиша ва қайғу аломатлари кўринмоқда эди. Кекса хотин манглайини ушлаб ерга қараб ўтирмоқда, ҳатто Чаманнинг уйга кириб келганидан хабарсиздек кўринар эди.

Кекса хотиндан ҳеч бир сас чиқмагач, Чаманбоғ унга қараб:

— Ҳа, Қумрибиби, мени нега чақирдинг, тинчликми?— деди.

— Халифага кўра тинчлик,— деди Қумрибиби,— аммо менинг бутун хаёлим ўғлонларимда, нима учун улардан бирон хабар йўқ. Тахминий мўлжалга кўра улар бундан бир ҳафта бурунроқ келишлари керак эди. Нима бўлди? Бирон тузоққа илиндиларми... Ёки «қизилбошлар» қўлига тушиб «шаҳид» бўлдиларми?.. Нима учун дарак йўқ, нимага бирон чопар юбориб аҳволни англамадилар...

— Мени нима учун чақирдинг?— деди Чаманбоғ, сўздан тўхталиб ўйлаб кетган Қумрибибига қараб.

— Ҳа, тўғри, эсимдан чиқараёзганман. Неча кундан бери ўғлонларимни ўйлаб, ишлардан хабар ололмайдиган бўлиб қолдим, «кейинги кунларда тўқиш ишлари бўш бормоқда» деб чол кеча мени жеркиди. «Агар иш шундай бора берса, булар ҳеч бир иш қилмасдан қанорлардаги ун ва ўралардаги ғаллаларни текинга еб битказарлар» деди. «Бундан кейин ҳар бир аёлга кунига битта зоғорадан ортиқ нарса берма» деди. Қўлидаги ишни тўқиб битказгандан кейин Чоргулни ҳам қувиб юборишни англатиб қўйди. Ҳозир менда эс-ҳуш қолмаган, энди сен менинг кўзим бўлиб ишнинг боришини кузатиб тўр. Чоргулни «Сен қувилмайсан» деб кўнглини овутиб ишга қизиқтир. Ҳозир бориб Соҳибжамол билан Ёнғоқгулни олдимга юбор!

Ун минут ўтар-ўтмас ўн беш-ўн олти яшар икки қиз эшикдан кириб, кийим-кечак бўғчасини кўздан кечираётган Қумрибибига совуқ ва ясама бир таъзим билан салом бериб, тикка турдилар.

— Утиринглар, кичкина кундошлар... Утир, Соҳибжамол... Утир, Ёнғоқгул,— деб Қумрибиби уларга жой кўрсатди.

Қизлар ҳушқамас бир вазиятда, лекин бу вазиятларини англамасликка тиришиб, Қумрибибига юзма-юз эмас, кўзларини ерга тикиб ўтирдилар.

Қумрибиби бир фасл қизлар томонга қараб тургандан кейин:

— Менга қаранглар!— деди.

Аммо сўлгин юзлар унга қараб бурилмас, ёш билан гўлган кўзлар унга қарамас эди.

— Менга қаранглар, дейман!— Қумрибиби буйруғи-
ни кескин такрорлади...

Қизларда ҳеч бир ҳаракат йўқ...

— Халифа сенларни неча тангага сотиб олган?

Бу сўроққа ҳам қизлар томонидан ҳеч бир жавоб
йўқ...

— Сенларни сотиб олиш учун халифа ўн беш минг
танга сарф қилган, бунинг устига, сизнинг нонингиз-
емагингиз, кийим-кечагингиз учун ҳам саночлаб¹ пул
сарф қилмоқдалар. Шунга билиб қўйингки, халифа мун-
ча пулни сизни ўзига хотин қилиш учун сарф қилмади.
Етмиш беш ёшга кириб саккизта аёли, Абдул ва Қўшат-
дек ботир ўғиллари, Гулжамол ва Зухраёнғоқдек бўйи
етган қизлари, беш-олти невараси бўлган халифа учун
ёш хотин керак эмас эди. Халифа сенларни ишлатиш,
қолин тўқитиш учун олган. Сиз бўлсангиз, ҳар иккала-
нгиз икки ой муддатида икки газлик бир қолинча — жой-
намозни ҳам тўқиб битказмадинглар. Бундай ишлашда
қилган ишингиз еган зоғора-жағозингизни ҳам қоплай
олмайди...

Қизлар, Қумрибибининг шунча очиб-сочиб гапирган
гапларини ўзларини эшитмасликка солиб тингламоқда,
ҳали ҳам унга қарамасдан ерга боқмоқда эдилар.

— Боринглар, яхшироқ ишланглар, бўлмаса, халифа
сенлардан қандай қилиб ўч олиш йўлини билади,— деб
Қумрибиби қизларни қувиб чиқаргандай қилиб узатди.

Қора уй эшигидан чиқаётганда:

— Ер ютсин халифангни,— деди Соҳибжамол, ўз-
ўзига гўдинглаб.

— Сенинг каби бош хотини билан бирга,— деб унинг
сўзига қўшимча қилди Ёнғоқгул.

V

Қилич халифанинг бош хотини Қумрибиби жуда таш-
вишга тушган эди. Қайниси Уроз сардор билан бирга
Астробод томонга кетган Абдул ва Қўшатида ҳеч бир
дарак йўқ. Қумрибибининг келинлари, қизлари, неварал-
лари ва Урознинг бола-чақалари ҳам ташвиш чекишда
Қумрибибидан қолишмас эдилар.

¹ Саноч — кўндан тикилган қадимги боқча соладиган халта.

Халифанинг ўзи бўлса тинч, ҳар вақтдагидек, қолинча — жойнамоз устида қиблага қараб ўтирмоқда эди. У, кўпни кўрган, дунёнинг аччиқ-чучугини татиган, кўп воқеаларни бошидан кечирган, баъзи вақтда бир ҳафтада сажарилиши тахминланган ишни уч кунда битказган бўлса ҳам, баъзи шундай ишнинг ойларча чўзилиб кетганини ҳам кўрган. Ҳар ҳолда, кечиккан бўлса ҳам ҳар бир ишни охирига етказган эди. Ўзининг бор сифат ва ҳунарларини сингдириб тарбиялаган ўз иниси ва ўғиллари тўғрисида ҳам у шу фикрда эди — уларнинг бўш қўл билан қайтмасликларига кўнгли тўқ, бугун бўлмаса, эртага қўшоқланган қуллар, чўрилар, сури-сури қўйлар ва қатор туялар билан келишларига имони комил эди. Ёлғиз улар эмас, Абдурахмон сардор ҳам қуруқ қайтмайдиган эрлардан эди, у ҳам ўз nasibасига яраша қўлга туширган қул, чўри ва ўлжалар билан келиб қолар... унақа ишлар учун ташвиш чекиш мард кишининг иши эмас.

Қилич халифа ўзи ташвишга тушмаганидек, хотин ва келинларининг ҳам ташвишга тушишларига йўл қўймас эди. Аммо хотинлар ундан яширинча ташвиш аломатлари кўрсатмоқда. Шоҳмурод сариқ билан бирга қилинган оқинларнинг асирларидан ёдгор бўлиб қолган олтинчи яшар Қамбар бобони йўл кузатиш учун ҳар замон чўлга юбормоқда эдилар...

— Қамбар бобо келаётир, югуриб келишидан бирон яхши хабар келтираётганга ўхшайди,— деб қўрғоннинг дарвозаси остида турган кичкина Қумуш катта онаси Қумрибиби олдига қараб чопди. Қумрибиби Қумушнинг келтирган яхши хабари учун оғзидан битта ўпгандан кейин, қизлари, келинлари ва неваралари билан бирга шошилиб қўрғон дарвозаси олдига чиқди.

— Ҳа, хайрликми, нима хабар?— деди Қумрибиби келаётган Қамбарга қараб:

— Ҳу... на... риги...— деди нафасини калта-калта тортиб Қамбар,— жевахона устида йўлни кўзлаб ўтирган эдим, у ёқдан (қўли билан Эрон томонини кўрсатиб), ҳам бу ёқдан (Ҳирот томонига ишорат қилиб) қалин чанг кўтарилганини кўрдим. Эрон томонидан кўтарилган чанг худди Шоҳмурод сариқнинг юриши кунларида бўлганидек, жуда қуюқ бўлиб, бутун чўлни қоплаб келмоқда. Хонзодалар (халифа ўғилларини Қамбар хонзода-

лар дер эди) Эронни бутун кўчириб келтираётган бўлсалар керак.

Қумрибиби қувонганидан эрининг одатини эсидан чиқариб, Қамбарнинг сўзини кесиб, уни эргаштириб эрининг чодирин олдига олиб борди ва Қамбарни туртиб халифага кўрсатиб: «Бу айтадики...» деб у келтирган хабарни гапирди.

Тошдан яратилган Қилич халифа яна бурунги вазиятини бузмади, ҳовлиқиш бу иш учун ярашмаганини англамоқчи бўлиб хотинига қараб манглайини бир оз буриштирди.

Эридан иссиқ муомала кўрмаган Қумрибиби яна югуриб дарвоза олдига чиқди. Бу вақтда Эрон томонидан кўтарилган чанг яқинлашган эди. «Жангнома»лар таъбири билан айтилса, чанг ёқасидан этагигача йиртилди, унинг орасидан беш юз бошча бир сури қўй, юклар ортилган қатор йигирма бештача туя, отларга мингаштирилиб қўл-оёқлари боғланган йигирма нафарча қул ва чўрилар кўринди. Бу ўлжа ва асирларни Қумрибибининг ўгиллари Абдул, Қўшат ва уларнинг амакиси Уроз сардор қўлга киргизиб келтирган эди.

Ҳирот томонидан келаётган йўловчилар ҳам етиб келдилар, булар албатта Абдурахмон сардор ва унинг йигитлари эди.

Халифа ҳали ҳам жойнамоз устида сира қимирламайди, муроқаба дарёсига чўмган. Қим билсин, «жаннат ҳуру филмонларни» хаёл қилиб лаззат олмоқдадир, ёки келтирилган ўлжа ва асирларни қандай қилиб бўлиш, улардан қайси йўл билан каттароқ улушлар олиш, олинган ғаниматларни қаерларга юбориб, яхшироқ баҳо билан соттириш ва «сув» қилиш режасини чизмоқдадир...

* * *

Бир томонда қўйлар сўйилди, қозонлар осилди, тандирлар қизиди, сермой шўрва, иссиқ зоғора тайёр қилинди. Ширбоз қўзилар сўйилиб тандирдек қиздирилган қудуқ каби чуқурларда калла-почалари билан бирга осилиб қовурилдилар. Нима дейсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам!

Иккинчи томонда мол қўрасидай қилиб қазилган бир чуқурга янги келтирилган қўллар ва чўрилар киргизилдилар, улар Бухоро амирларининг зиндонларини эсга

туширадиган бир тарзда бешталаб-ўнталаб бир кишанга боғланиб ётқизилдилар. «Ғозилар»нинг (зафар топиб келган чопқинчиларга Қилич халифа шу лақабни берган эди) ўзлари қоринлари шишгунча гўшт еб, мой ичиб ўтирганлари ҳолда, бу бечораларнинг нима еб, нима ичишларини ўйлайдиган ҳеч бир киши йўқ эди. Агар Қамбар уларга раҳми келиб бир машк сув билан бир-икки корсон мағорлаган зоғорани ивитиб бермаган бўлса эди, улардан бир нечаси очликдан ўлим тўшагига тушиши аниқ эди.

«Ғозилар» бу кечани ўйин-кулги, ейиш-ичиш билан ўтказдилар. Зафар хабарини эшитиб келган бир бахши уларнинг саргузаштларига доир янги дostonлар тўқиди:

Қилич сўфи ўғлонлари от ўйнатса,
Астробод яйловлари чўла дўнар.
Ўроз оға Эрон сари жавлон этса,
Қуллиғига қизилбошнинг шоҳи кўнар.
Абдурахмон сардор эрлар ўғлонидир,
Мари, Панди, Тежан чўли маконидир.
Оқия кунни уни кўрган ҳар кимса дер:
— Достон ўғли Рустамнинг бир дўғонидир.
Халифадан дуо олиб сафар этди.
Мадаккори бўлиб Хизру Илёс етди.
Ҳирот қуши, ҳар ён учма, сас чиқарма!
Абдурахмон сардор етди, умринг битди.

Бу бандларни тўқиб ўқиган бахши Абдурахмон сардор томонидан Раҳимдоднинг синглиси уч яшар Зебо билан ва Қилич халифа тарафидан бир бош қўй билан мукофотланди...

VI

Ярим кечадан икки соат вақт ўтгунча гурунглашиб ўтирган «Ғозилар» эрталаб соат ўнларда уйқудан уйғондилар, чой ичилди, кўкнор талқони каппаланди, нонлар, яхналар ейилди, сўнгра ўлжа ва тутқуцларни бўлиш ниши бошланди.

Қилич халифанинг ўтқир сўзи ва шунақа маврудларда амал қилинадиган одат ва таомиллар таъсири билан пойлаш-бўлиш жанжалсиз ўтди.

Энди икки иш қолган эди: бири — ҳар кимсанинг улушини ажратиб, ўз қўлига топшириш, иккинчиси — бир бозорга бирдан кўп қул бориб арзонлашиб кетмасин учун, саҳмдорларнинг ҳар бирига бошқа бир бозор белгилаш.

Ҳақиқий фожиа энди бошланган эди. Зеро, эрларни ўз хотинларидан, ота-оналарни болаларидан, ака-ука, опа-сингилларни бир-бирларидан ажратиш керак эди. Бунинг устига, тақсимни шу равишча ижро қилиш лозим эдики, эр билан хотин, ака билан ука ва умуман бир-бировларига яқин бўлган икки кимса бир кишининг қўлига тушмасин, зеро, эга бўлгуси кишидан ўзга бир кимсага боғлиқ бўлган қул ва чўрнинг баҳоси арзон бўлар эди: ҳатто эри билан бирга бир қўлга тушган хотиннинг нархи ҳеч даражасига энар эди, зеро, мунақа хотиннинг хотинлик сифатидан фойдаланиш йўли боғлиқ бўлар эди.

Бундай иш ҳақиқатда қийин бўлса ҳам, бизнинг «ғозилар» учун осон эди; зеро, уларнинг кўнгиллари шунчалик қаттиқ эдики, бошига шундай фожиа тушган бахтсизларнинг йиғи-сигилари уларнинг қаҳ-қаҳлашиб кулишларига сабаб бўлар эди.

Ҳар нечукки бўлса маълум план бажарилди: эридан ажратилган хотин, хотинидан ажратилган эр, уч яшар, икки яшар болаларидан ажратилган ота-оналар ва ота-оналаридан ажратилган ёш болаларнинг оҳу зорлари, фарёду фиғонлари кўкларга чиқмоқда, булутларга қўшилмоқда, кўзлар ёш ўрнига қон сачратмоқда, бўғизлар оҳ ўрнига ўт сочмоқда эди.

Бу ҳол тул вақтида туғилган чоғда оналаридан ажратилиб бошларни кесилган қоракўл қўзилари бошига келган фожиани эсга туширар эди. Фақат фарқ шунда эдики, у фожиа тилсиз бир ҳайвоннинг, бугунги ҳолини эртага унутадиган шуурсиз бир ҳайвоннинг, бугун ҳам бўлса, эрта ҳам бўлса сўйиладиган бир жониворнинг бошига келадиган бўлса, бу фожиа ҳар нарсани биладиган, тушунадиган, дунёни обод қила оладиган ва кўпчиликнинг роҳати йўлида қўлидан катта хизматлар келадиган, тузилиш ва яратилишда ўз золимларидан ҳеч фарқларни бўлмаган одам болалари бошларига келаятган эди.

«Ғозилар» қулларнинг йиғи-сигиларини бирмунча вақт кулги ва масхаралаш билан қарши олиб турдилар

Табий, бу «томоша»га хотима бериш замои келди. Агар зўр билан бу оҳу зорларни тугатмасалар, ҳар бир парсаларидан ажратилган «фалокатлар»нинг ўлгунча «дод!» дейишлари аниқ эди. Бу фарёду фиғонларни иккинчи марта қўзғалмайдиган бир йўсинда тугатиш керак эди. Чунки бунақа аҳвол бозорда юз бериб қолса, баъзи бир юмшоқ қалбли харидорларнинг таъбилари тирриқ бўлиб, қул ва чўри олишга рағбат қилмаслар, натижада харидор озайиб, баҳолар пасаяр эди. Шунинг учун бу «марсияхонлик»ни йиғиштириш маросими даҳшат билан бошланди.

Еш болаларнинг қулоқлари буралди ва тилинди, катталарнинг оёқларига, сонларига ва орқаларига қамчилар урилди, баъзи бир «қинғирроқ» қулларнинг оёқ қафтлари тилиниб туз сепилди... Шундай зўрликлар билан кўзлар қуритилди ва бўғизлар бўғилди, яна товуш чиқарсалар, тилларининг суғурилиши, бўйинларининг кесилиши уларга тушунтирилди. Эр ва хотинлар, она ва болалар ҳар ерда бир-бировларига дуч келиб қолсалар, ўзларини танимасликка солишлари кераклиги алоҳида ўқтирилди.

* * *

Қул ва чўриларнинг бир қисми Ҳиротдан — Афғонистон тобинидан чопилган эдилар. Буларнинг кўпи сунний бўлганлари устига, афғон табааси саналар эдилар. Ҳолбуки, Бухоро ва Туркистонда суннийларни қул қилиб сотиш-олиш ман бўлганидай, у вақтларда Бухоро ва Афғонистон ораларида боғланган аҳдномага кўра, афғон табааларини қул қилиб сотиш-олиш ҳам тақиқланган эди. Ҳиротдан чопилган қул ва чўриларни пул қилиш учун мана бу чатоқликни бартараф қилиш, бу тугунни ечиш керак эди, фақат бизнинг «ғозилар» ва уларнинг муршид ва устози бўлган Қилич халифанинг олдида «иложсиз» ҳеч бир иш йўқлиги каби бу ишнинг ҳам иложи топилди.

Ҳирот тутқунларининг отлари ўзгартилди, туғилган юртлари унуттирилди, ҳар бири учун Эроннинг маълум бир шаҳар ва ё қишлоғи ясама ватан қилиб белгиланди. Бу билан ҳали иш битган эмас эди, лаҳжа ва мазҳаб масалаларини ҳам ҳал қилиш керак эди. Бу иш учун Қамбар бободан фойдаланилди.

Қамбар бобо ҳиротлик сунний тутқунларга шиа мазҳабининг асосларини ўргатди, ҳар бир киши учун бирои бегона кимса билан биринчи учрашувда керак бўладиган ўн беш-йигирма оғиз сўзни Эрон лаҳжаси билан машқ қилдирди. Табиий, бу иш осонлик билан бўлмади, янги ватан отини, янги мазҳаб асосларини ва янги она тилини ўзлаштириш учун бир неча кунлар машқ ва дарс олиш керак эди. Баъзилар қинғирлик қилиб ўрганишга ҳеч унамас ва баъзиларининг тиллари келишмас эди. Мунақа кишилар эгалари томонидан қаттиқ танбеҳлар кўрдилар, қамчи билан урилдилар, тиллари келишмаганларнинг тиллари буралди. Ҳатто Абдурахмон сардор, Эрон лаҳжаси билан сира гапира олмаган етти яшар Раҳимдоднинг тилига бигиз суқиб:

— Шум бола!— деди,— ҳеч бир қинғирлик ва ярамаслик қилмасдан ўргатилаётган нарсаларни ўргана бер. Ҳали эсингдан чиқмагандирки, ўз боғингда менинг сўзимни қулоққа олмай йиғлаганингда сени ўлдираёзган эдим. Агар яна сўзга қулоқ солмай қинғирлик қила берсанг, тилингни суғуриб ташлаш билан қолмасдан, бошингни ҳам узиб ташлайман. Тез бўл, Қамбар бобо нимани ўргатса, ўшани ўрганишга чолиш!..

Ҳирот тутқунлари, бир ҳафта — ўн кун орасида тамом бир эронликдек бўлмасалар ҳам, биринчи сўроқ ва жавобда керак бўладиган ўн беш-йигирма оғиз сўзни Эрон лаҳжаси билан гапира оладиган бўлдилар, суннийлар панжтани оли або ва ўн икки имом отларини тартиб билан ўргандилар. Энди буларни элтиб сотиш учун ҳар ерда бозор очиқ ва харидор тайёр эди. Отлар ҳам ёзилиб, ҳордиқлари чиқиб семирдилар «ғозилар» ҳам истироҳат қилиб бўлдилар. Ҳар киши ўз қул ва чўрисини олиб, кенгаш мажлисининг қарорига мувофиқ, ўзига кўрсатилган бозор сари сафарга чиқди. Баъзилари Хевага, баъзилари Бухорога, баъзилари Қарши ва Шаҳрисабз томонларига қараб жўнадилар.

Раҳимдоднинг синглиси ўзига бағишланган баҳши ҳам ўз «матонни» (уч яшар Зебони) Қаршига бораётган одам савдогарларига омонат топширди, улардан, омонатга хиёнат қилмай, яхшигина нарх билан уни сотиб келишларини сўраб, деди:

— Азизлар, «ҳар бир савдо карвони орасида омонат моли бўлса ва карвон аҳли у омонатга хиёнат қилмаса, у карвон ҳар бир хатардан омонда бўлур» деганлар,

Бахши «азизлардан» қилинган бу ривоятдан шундан натижа чиқариб:

— Бундан шу чиқадики, бордию, карвон аҳли у омонатга хиёнат қилса-чи? «алъаёзу биллоҳ», у карвон бир балога йўлиқур,— деб уларни хиёнатдан қўрқитиб ҳам қўйди.

* * *

Инсон савдогарлари кўчгандан сўнг Қилич халифанинг қўрғони ўғиллари Астрободга сафар қилган чоғдагидек бўшаб қолмади, қўра қўй билан, қўрғон туя билан тўла. Катта ўғли Абдул ўз амакиси Уроз билан қулларни сотиш учун Хевага жўнаган бўлсалар ҳам, кичик ўғли Қўшат ўба ишларини бажариш учун уйда қолган эди.

Ҳаммадан бурун чўпон топиб қўйларни топшириш ва одам буюриб хашак йиғдириб, молларнинг қишки овқатларини ғамлаб қўйиш керак эди. Мана шунинг учун Қўшат Қамбар бобони отлиқ нариги ўбага бориб, унга бултур моллар ўлатга йўлиққанидан кейин қувиб юборилган эски чўпонларини топиб келишни буюрди.

Орадан тўрт-беш соат ўтар-ўтмас, Қамбар олтмиш яшар бир чол туркманни ўн беш-ўн саккиз яшар икки ўгли билан ҳайдаб келди. Қўшат чол билан кўришиб:

— Сўра, Турди оға!— деди.

Лекин «Турди оға» дейилган бу чолнинг «сўра! сўра!» маросимини бажарадигандек куч ва мадори қолмаган эди. Кўзи ботиб кетганлиги, қовоғи шишиб кўкарганлиги, бурни тиг тортиб сарғайганлиги, лаби оқариб қолганлиги бу яқинларда тўйиб бир бурда нон емаганлигини кўрсатар эди. Ўзи билан бирга олиб келган болаларнинг туслари ҳам очликдан ўлик тусидек саргайган эди.

Турди оға Қўшатнинг «сўра!» жавобига:

— Садағанг бўлай, хонзодам,— деди,— бултур отанг менинг ҳақимга кўп жафо қилди. Уттиз йилдан бери қуруқ бир бурда зоғора бадалига бажариб келган хизматларимни унутди. Қўйлар ўлгандан сўнг «бор, кет, энди мунда сенга иш йўқ!» деб бизни қувиб юборди. Катта ўғлим билан икки қўлимизни бурнимизга суқиб ўз уйимизга бордик. Қиш қаттиқ, қор қалин, энгил-бош юпқа, уйда нон ва ўтин йўқ, хизмат изласак ўрин йўқ... мана шу аҳволда тақдирнинг қучоғига отилдик. Шундай

бўлиб, хаёлим (аёлим) ва икки қизжағозим (қизчам) очликка ва совуқликка чидаёлмай ўлдилар...

Турди оға бўғизи бўғилиб, ҳўнграб йиглаб, сўзини давом қилдира олмади. Қўшат унга тасалли бериб:

— Зарари йўқ, ажали етган ўлади, умри бор тирик қолади,— деди.

«Сенинг нега ажалинг етмади, чунки тўқ эдинг!»— деб Қамбар бобо Қўшатга эшиттирмасдан ўз-ўзига астагина пичирлаб қўйди.

Турди оға кўзини енги билан артиб, сўзида давом қилди:

— Мен бундан буён сизга қуллик қилмайман деб аткал қилган эдим. Лекин ўттиз йил хизмат қилиб, ёшлик кучини барбод бериб, олтмишга кириб бир уйдан қувилган чол қаердан хизмат топа олади? Мана шунинг учун Қамбар боргач, болаларимни эргаштириб яна келдим. Энди инсоф ўзингизда. Биз қуллик қиламиз. аммо сиз ҳам бир иш қилингки, биз очликдан ўлмайлик.

— Биз тўқ бўлсак,— деди Қўшат,— сен ҳам тўқ бўласан, биз оч бўлсак, сен ҳам оч. Дуо қил, биздан давлат юз ўгирмасин. Бунақа сўзларни отамга айта кўрма, у. «тарки дунё қилган, «тангри»га яқинлашган бир киши, унинг дуоси ғанимат», олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?» деганлар азизлар. Агар у ранжиб қарғаса-чи? Икки дунёнг куйиб кетади.

— Йўқ, улим (ўғлим), мен сени ўз боламдай санаб кўнглимни бўшатдим. Отанг олдида албатта бу сўзларни очмасан. Уни мен яхши танийман. Унинг дуосидан унча умидвор бўлмасам ва қарғишидан қўрқмасам ҳам, ранжишидан қўрқаман. Агар уни ранжита қолсам, мени тағин қувиб юбориши ажаб эмас. Сўнгра мен, бу букилган белим билан кимнинг эшигига иш ва нон сўраб бораман...

Қилич халифадан бир қўй мукофот олган бахши ҳам ота-онасиз қолган ўн икки-ўн беш яшар икки туркман болани келтириб халифанинг қуллигига — хизматига топширди.

Энди Қилич халифанинг иши юришган эди. Олти нафар сўфи қилинган ва тўрт нафар никоҳидаги хотинлари, қиз ва келинлари қолин — гилам тўқимоқда, буларнинг устида бош сўфи Қумрибиби ҳукм сурмоқда; Қамбар, ўн икки яшар малай билан қудуқдан сув торт-

моқда, қўра ва қўрғонга қарашмоқда. Турди оға ўн беш яшар дастёр билан хашак ва ўтин йиғмоқда, уларни туяларга юклаб қўрғонга ташимоқда, унинг икки ўғли қўйларни далада ўтлатмоқда ва Қўшат бўлса, буларнинг барчасига бошчилик қилмоқда эди.

Елғиз Қилич халифа, икки вазиятни бузмаган, жойнамоз устида ўтирган, муроқабига толган, «худо»дан қўйлари учун барака, ўғиллари учун умр, хизматкорлари учун «инсоф» ва итоат, қул сотишга кетган йўловчилар учун хатарсиз сафар, қул ва чўрилари учун бахтли бозор тиламоқда эди...

VII

Бухоро шахрининг Пойиостона номли карвонсаройида кўп ҳозирликлар кўрилмоқда эди. Саройбонлар саройнинг ертўлаларини, омборларини ва айвонларини сунурмоқда, машкоблар сув сепмоқда, нуракашлар йиғилган сунуринди ва ахлатларни тор қопчаларга солиб, эшакларга ортиб, далага ташимоқда эдилар. Савдогарлар қўнадиган ҳужралардан бир нечаси яхшилаб тозаланди, озода палослар тўшалди. Ертўладаги ёғоч қоziқлар суғуриб олиниб, улар ўрнига темир қоziқлар қоқилди. Бухоро амирининг зиндонидагидек, бандиларнинг оёқларига уриладиган йўғон ва узун бир кунда қўйилиб, унинг икки учи ертўланинг тош деворлари остидан ўтказилиб катта гулмихлар билан парчинланди. Саройнинг ғусулхонаси сунурилиб, у ерга сув идишлари қўйилди. Ҳатто ҳожатхоналарда кесак ушатиб қўйиш ҳам эсдан чиқарилмади. Ошхонада ош пишириш ва сув иситиш учун бошқа-бошқа қозонлар қурилди. Қисқаси, бу катта саройда одатдан ташқари бирон маросим бўладигандек, қизғин ҳозирликлар бормоқда эди.

Бир чопар келиб, саройнинг дарвозаси олдида отдан тушди, у ерда ҳар бир хизмат учун ҳозир турган саройбон болага отини совутиш учун бериб, ўзи қамчисини ўйната-ўйната миёнсаройга кирди ва у ердаги бир ҳужранинг эшиги олдига бориб, унда ўтирган ижарадорга энгашиб салом берди.

Ижарадор чопарнинг саломига жавоб қайтариш ўрнига, унда:

— Яқинлашдиларми?— деб сўради.

— Ҳа, яқинлашдилар, икки соат ўтар-ўтмас келиб қолсалар керак,— деди чопар.

— Сен карвонни қаерда учратдинг?

— Мен уларни Пайкандда қарши олдим, карвонбошига сиздан салом етказдим, «мени сизнинг хизматингизга юбордилар» дедим. Карвонбоши жуда хурсанд бўлиб, «Акрамбой бизнинг эски қадрдонимиз, у ташвиш чекиб одам юбормаса ҳам, биз унинг саройидан ўзга жойга қўнмас эдик» деди.

— Сўнгра?

— Сўнгра, карвон билан бирга Чорбакргача келдим. Карвон аҳли қўл-юзларини йўл чангидан ювиб, уст-бошларини тузатиб, одам суробига кирмоқ учун у ерга қўнди. Карвонбоши: «Саройни озодагина қилиб қўйишлар, чет кишиларни у ердан чиқаринглар» деб мени узатди.

— Моллари кўпми?

— Жуда кўп. Эллик туяга яқин олма, бир неча туя чўян қозон, чўян офтоба ва бошқа хил темир моллар, бир неча туя қалъа сандиғи, ҳаммаси бўлиб икки юз туя бўлса керак.

— Бу молларнинг ҳеч бири бизнинг саройимизга тушмайди, бариси Урганч саройига тушириладиган моллар. Ўз саройимизга дахлли моллардан гапир!

— Бизга қарашли моллардан йигирма беш нафарча қул ва чўри кўринди. Буларнинг кўписи чиройли ёш хотин-қизлар, қувватли йигитлар ва гўзал қулбаччалар, агар яхшироқ ювинтириб, кийинтирилсалар, бозорда устларига ёмғирдек тилла ёғди дея беринг!

Ижарадор қувониб, хохолаб кулгандан кейин:

— Мирзани чақир,— деди ўзига қараб чўккалаб ўтирган бир болага. Бола:

— Хўш, тақсир,— деб ирғиб туриб, югуриб кетди. Орадан икки минутча ўтар-ўтмас бели букилган, қути учган, кўзлари қисик, белбоғига қаламдон қадалган, қўлтиғига кўндан ясалган бир жузгир қистирилган ҳолда эчки соқолли бир чол келиб, ижарадорга таъзим билан салом бергандан кейин, унга юзма-юз ўтирди.

— Мирза!— деди ижарадор,— дарров Гиждувон, Шофирком, Вобкент ва Зандане туманларининг катта қулжаллоб ва бойларига менинг номимдан хат ёзиб, карвон қелишидан хабар беринг; хатни шундай чиройли ва қизиқтирарли қилиб ёзингки, ўқиган ҳар бир одам қизиқиб: «Қул одолмасам-да, шу қулбачча ва чўрилар-

ин бир бориб кўрай-чи» деб шаҳарга қараб югурсин. Токи харидор кўпайиб бозор қизисин. Бозор қанча қизиса, карвонбоши ҳам биздан ўшанча хурсанд бўлади. Бизнинг даромадимизнинг кўп-озлиги ҳам бозорнинг қизиш даражасига боғлиқдир. Бозор қизиса, сизнинг чой чақангиз ва наша пулингиз ҳам кўпаяди...

Хатлар ёзилиб, туманларга чопар юборилди. Бу вақтда карвон ҳам Қорақўл дарвозасидан Бухоро шаҳрига кирган эди. Карвон аҳлининг барчаси хевалик бўлиб, уларнинг тушадиган ерлари Урганч саройи эди. Буларнинг бошқа саройга тушишлари ва молларини ўзга бозорга сотишлари мумкин эмас эди. Карвонбошининг¹ ўзи қулжаллоб ва молнинг бариси қул ва чўрилар бўлгани сабабли қул бозори бўлган Пойиостога гузаридаги саройлардан бирига тушиши лозим эди. Мана шунинг учун карвонбоши карвондан ажралиб, ўз «моллари» — қул ва чўрилари билан тўғри Акрамбой ижарасида бўлган Пойиостога саройига келиб тушди.

Карвонбоши Акрамбой билан қучоқлашиб кўришиб ўпишгандан кейин ўзи учун ҳозирланган хос ҳужрага кириб ўтирди. Қул ва чўрилар ертўлаларга қамалдилар, айёрроқ қулларнинг оёқларига кунда урилди, баъзилари кишанланиб, темир қозиқларга боғланди. Қулларни ортиб қелган кажавалик туялар туячилар билан бирга шаҳар ташқарисига узатилди. Карвонбоши Акрамбойни ўз олдига чақириб:

— Бугун,— деди,— харидор зотининг саройга киришига йўл берманг, қул ва чўриларни ҳеч бир кишига кўрсатманг. Эрта билан жаноби олийга ариза ва савринимизни тортиқ қилгандан кейин, агар рухсати олий бўлса, сўнгра савдога киришармиз.

Бу хизмат ўша ондаёқ Акрамбой томонидан бажарилиб, сарой дарвозасига махсус қоровул қўйилди.

Ошхонада оловлар ёқилган, шўрва қозони қайнамоқда ва палов мойи доғланмоқда эди. Ошхонанинг бир чеккасида ерга қазилган кенг бир ўчоққа ярим ботмонлик катта бир қозон қурилиб, сув иситилмоқда эди.

Иситилган сув сатилларга кўтарилиб, ғусулхонадаги сув идишларига бўшатила берди. Карвонбошининг

¹ Бу ердаги «карвонбоши» сўзи карвон бошлиғи маъносига бўлиб, ўтган замонларда Хева хонлари дарбор амалларидан бўлган «карвонбоши» мансабига ҳеч бир лахли йўқдир.

махсус хизматчилари қул ва чўриларни навбат билан ертўладан олиб чиқиб ғусулхонада совун билан ишқалаб ювинтиргандан кейин, тозароқ кийимлар кийгизиб яна ертўлаларга элтиб боғлар эдилар. Лекин чиройлироқ хотин-қизларни ва ёш ўғлонларни чўмилтирганда жуда катта аҳамият берилар, уларга хушбўй совун суртилар, сочларини яхшилаб таралар ва ўрилар, зулфлар ва гажаклар чиқарилар, қошлари терилар, кўзларига сурма ва юзларига нил билан ясама холлар қўйилар эди. Чиройлироқларга кийгизиладиган кийимлар ҳам янги газламалардан бўлиб, ҳар кимники ўзига ярашадиган нусхалардан танланган ва ғалати бичимларда бичилган ва тикилган эди.

Ўн тўрт яшар бир қиз бола билан ўн олти яшар бир ўғил болани карвонбошининг махсус буйруғига мувофиқ жуда ҳам тоза қилиб ювинтирдилар. Буларни чўмилтириб, янги кийимлар кийгизгандан кейин карвонбошининг ўз ҳужрасига олиб бордилар. Карвонбоши сартарошига буюриб, ўзи олдида буларнинг сочларини таратди, қайчи билан тартибга солдирди, мўйчинак билан қошларини тердирди. Зулф, кокил, печак ва гажакларини бир неча марта буздириб бошқатдан ясаттириб, охирда жуда ярашадиган бир тарзга келтирди. Сочларига асл гул атри сепилди. Қизнинг бармоқлари ёқут кўзли олтин узуклар, қулоқлари марварид ўтказилган нозик ҳалқалар билан безатилди. Ўғил боланинг ҳам бармоқ ва қулоқларига узук ва ҳалқа тақилди. Буларга кийгизилган кийимлар ҳам Бухоро шоҳиси ва ҳафт ранг бахмалидан тикилган шоҳона кийимлар эди...

VIII

Эрта билан Бухоро Регистони сумурилган ва сув сепилган эди. Тонг билан амир саломига келган дарбор аҳлининг отларини жиловдорлари миниб, жиловхонада Дорушшифо мадрасасининг остида ясов тортиб ёнма-ён қатор бўлиб турар эдилар.

«Қани жаноби олий бугун кимни урадилар, кимни сўядилар, кимни осадилар, кимларга ёрлиқлар, хилъатлар инъом қиладилар» деб тонг қоронғиси билан Регистонга келган Бухоро «ҳангоматалаб»лари Поянда жомеининг олдида жоме деворига суяниб ўтирмоқда эдилар.

Бу томошабинлар отлар ва жиловдорлар билан юзма-юз ўтирганлари ҳолда худди амирнинг ҳузурида ўтирганлардек қўл қовуштириб ғоят эҳтиромкорона бир вазиятда бир-бирларининг юзларига қарамасдан бугун дарборда бўлгуси воқеалардан секин-секин гаплашиб ўтирмоқда эдилар.

Регистон олдида ўтадиган йўловчилар уловларидан гушиб, арк дарвозасига қараб таъзим қилар, сўнгра отларини етаклаб, эшакларини ҳайдаб арк қаршисидан ўтгандан кейин, яна уловларига миниб ўз йўлларига кетар эдилар.

Томошабинларнинг эрталаб келишлари бўшга кетмади:

Шаҳарга оз келган ва Регистондан ўтиш қондасидан хабари бўлмаган бир деҳқон отидан тушмай ўтаётганида арк дарвозаси олдида турган таёқли бир киши ғоят даҳшатли ва йўғон говуш билан:

— Отдан туш!! Туш... от... дан!! Туш... от... дан!!— деб бақирди.

Бу даҳшатли буйруқдан қўрқиб шошиб қолган деҳқон отдан тушаман деб йиқиilib кетди. Арк дарвозасидан югурган бир неча таёқли ясовуллар ҳали ўрнидан турганча бўлмаган деҳқонни ёқасидан ушлаб арк дарвозасига судраб олиб бордилар ва тўнқотарнинг¹ буйруги билан уни ўн беш таёқ уриб, ундан хизматона ва жаноби олий ҳақиға дуо олгандан кейин қўйиб юбордилар.

Бу иш «ҳангоматалаб» томошабинлар учун «хамир учидан патир» эди. Бу, биринчи шовгун (почин) бугун бўладиган «қизиқ томошалар» учун «хайрли» фол эди. Ҳақиқатда ҳам иш қозиб кетди.

Обхопадан олиб чиқилган икки банди арк дарвозаси олдида кўринди. Бандиларнинг қўллари орқаларига эмас, олдиларига боғланган эди. Бу ҳолни кўрган бир томошабин аста ўз-ўзига «бечоралар!..» деб қўйди. Чунки кишининг қўли олдига боғланган бўлса, у кишининг боши кесилиш ҳукмининг муҳрланганини кўрсатарди.

Белига олтин камарбанд боғлаган миршаб² қўлида ойболта билан олдинга тушди. Бандиларнинг тевараги-

¹ Тўнқотар — амир дарборида халқни отдан туширадиган бир маъмур.

² М и р ш а б — Бухоро истилоҳида полицмейстер.

ни яланғоч қилич кўтарган шогирдпешалар ва себандлар¹ кўтарган шабгардлар² ўраб олдилар. Бандиларнинг ҳар бири ёнига одам келиб, бир қўли билан унинг тирсагидан ушлади, бу одамларнинг иккинчи қўлларида узунлиги бир газ, йўғонлиги болта сонидек, боши юмалоқ бир таёқча бор эди. Бу одамларнинг бўйлари қисқа, гавдалари йўғон бўлиб, кийимлари дарбор аҳлининг кийимларига ўхшамас эди; устларида калтагина серихта олача тўн, беллари чилвир билан боғланган, бошларида юнги тўкилган телпак, оёқларида баланд пошна уфайка этиклари бор эди. Булар жаллодлар эди.

Шу тартиб ва дабдаба билан бандиларни арк Тахта-нулидан қуйи тушириб, Регистоннинг нариги томонида — арк дарвозаси юзма-юзида, арқон бозоридаги ёмғир сувини қочириниш учун қазилган бир чуқур бўйига олиб бордилар.

Миршаб арк дарвозасига қараб боши ерга тегарлик даражада энгашиб уч марта таъзим қилди. Сўнгра халқдан ва бандилардан жаноби олий ҳақиға дуо олди. Ундан кейин жаллодларга қараб бурути билан бир ишорат қилди. Биринчи жаллод қўлидаги бандининг оёғига олди томондан таёқча билан бир урди. Банди юз тубан ерга йиқилди. Иккинчи жаллод йиқилган бандининг устига миниб босиб турди. Биринчи жаллод ингичкагина ўткир дудама пичоқни қинидан суғуриб бандининг кекирдагига бир суқиб суғуриб олди ва қонга буланган пичоқни бандининг кийимига артиб, қинига солди. Ҳали жони чиқмаган мақтулни ўз ҳолига ташлаб, иккинчи бандининг ҳам шу тарзда бошини кесдилар. Кекирдакаари кесилган бандилар бир оз типирчилаб, теварак-атрофга қон сачратгандан кейин жимиб қолдилар.

Шу вақтда Регистон яқинидаги тўқимдўзлик ҳаммоми гўлаҳидан тўрт нафар қиморбоз қўлларида икки замбар билан чиқиб келдилар. Булар амир томонидан сўйилган ўликларни ўз гўлаҳларига олиб бориб, эгаси чиқиб қолганда бир неча тангага сотишни, агар эгалари чиқмаса кўчага чиқариб қўйиб, уларни кўмиш оти билан ўтганлардан пул йиғишни ўзларига касб қилиб олган кимсалар эди. Булар ўз касбларидан кўп пул топганла-

¹ Себанд — Бухоро полициячиларининг ёғочдан ясалган оддий яроқлари.

² Шабгард — оддий полициячи.

ридан, «жаноби олийнинг бойваччалари» деган лақаб олган эдилар.

Аммо бугун бу қиморбозларнинг ошиқлари олчи турмади; миршаб, ўликларни кўтармоқчи бўлганларини кўргач:

— Буларга қўл тегиза кўрманглар,— деди,— бу ўликлар жаноби олийнинг буйруқларига мувофиқ оқшомгача шу ерда ётадилар, токи ўтган-кетганлар буларнинг ҳолини кўриб ибрат олсинлар. Кечқурун бу ўликлар шаҳардан ташқари чиқарилиб итларга ташланадилар. Чунки булар қиморбоз, айғоқ бўлганлари устига, Хатирчи халқини бекка, қозига қарши қўзғатиб, итоатдан бош торттирган юртбузар ифвогарлар эканлар¹. Мунақа подшоҳи исломга ёғи бўлганларнинг ўликлари тупроқни «мурдор» қилади. Шунинг учун, жаноби олий каромат қилиб, итларга ем қилинишларини сипориш қилганлар...

Миршаб ўз одамлари билан бирга аркка чиқди ва ҳукмнинг ижро қилинганлигини амирга билдириш учун «ҳазрат бошларининг соғлиги учун тасаддуқот қилинди-лар» мазмунида ариза берди.

Яна обхонанинг катта қулфи очилди, у ердан икки банди олиб чиқилиб, арк дарвозаси остига — Тахтапулга келтирилди, булардан бирининг кийимларини ечиб, бир одам орқасига кўтарди. Бошқа икки одам қўл-оёқларини маҳкам ушлади. Сўнгра икки мирғазаб² у ердаги уюлиб ташланган бир қўлтиқ ирғай таёқлардан биттадан олиб, бандининг икки томонида туриб, унинг яланғоч орқасига, «бир, икки, уч...» деб етмиш беш таёқ урдилар. У бандини «жаноби олий ҳақиқа дуо қилдиргандан» кейин, иккинчи бандининг кийимини еча бошладилар. Арк дарвозасида бу жазо маросимини ўтказиш учун саф тортиб турган олтин камарбандлик амалдорлар бошида турган қушбегининг:

—«Чоройша!» деган овози чиқди. Бу товуш чиқиши билан мирғазаблар ҳалиги бандини орқага кўтармасдан юз тубан қилиб ерга босдилар. Икки мирғазаб ҳалиги

¹ Мангит амирларининг даврида Хатирчи ва умуман Миёнкол деҳқонлари бир неча марта исён қилган эдилар. Бу исёнлар Мангит амирлари тарихида хитой-қипчоқлар исёни деб аталади. Бу воқеа ўша исёнларнинг бирисига оиддир.

² Амирнинг ғазабини таёқ билан ижро қиладиган, ёки «гуноҳкор»ларни уриб иқдор қилдирадиган кишиларни «мирғазаб» дер эдилар.

таёқлар билан бандининг яланғоч орқасига етмиш беш таёқ урди. Ундан кейин бандини орқаси билан ерга босиб қорнига етмиш беш таёқ урдилар. Шу тартибда бандининг икки биқинига ҳам етмиш беш таёқдан урдилар. Бу тўрт марта етмиш беш таёқ — «чоройна»дир. Сўнгра қон тўлдириб қўйилган тулумдек бўлган бу банди билан ҳалиги қонга бўялиб ётган бандини аравага ортиб зиндонга жўнатдилар. Чоройна урилган банди ўлган бўлса керак; лекин шундай бўлса ҳам, жаноби олийнинг «таёқ билан жазо берилгандан кейин зиндонга юборилсинлар» деган ҳукмини ижро қилиш керак эди.

* * *

Ҳикоямиз воқе бўлган замонда Бухоро подшоҳи амир Ҳайдар¹ эди. Бу амир муллолик ва тақводорлик билан донги чиққан бир кимса эди. У ҳар саҳар тонг отишдан икки соат бурун уйқудан туриб таҳорат қилади, таҳажжужул намозини ўқийди, сомдод намози вақтигача жойнамос устида муроқабачилиб ўтиради. Бомдод намозини ўзи имом бўлиб жамоат билан ўқийди. Сўнгра саломхонага кириб ўтириб дарбор аҳлининг саломини олади. Аризаларни бир-бир кўздан кечириб, керак топилган ҳукм ва фармонларни беради, ёки ёзади. Сўнгра арқининг жомеига ёки Раҳимхондан қолган «Раҳимхоний» меҳмонхонасига бориб, у ерда йиғилган муллабаччаларга дарс айтар эди.

Бугун ҳам амир Ҳайдар одати бўйича муҳим санагани дарсгўйликка тезроқ ҳозир бўлиш учун келган аризаларни шошилинич кўздан кечирмоқда эди. Бир ариза ичида ўш тўрт яшар бир чўри қиз ва ўш олти яшар бир қулбаччанинг номлари ёзилганини кўриб, у аризани қайта бошдан диққат билан ўқиб чиқди. У аризани ёнидаги пар ёстиқ устига қўйиб, кичкина тўқмоқча билан эшикни аста уч марта қоқди. (Бу тўқмоқча амирларга қўнгироқ хизматини адо қилар эди.) Тўқмоқ садоси чиққач, даҳлизда ҳозир турган дарбон:

— Хўш, тақсир!— деб уйга кириб таъзим қилиб, қўл қовуштириб турди. Амир аризага ишорат қилиб:

— Бунини ол, ичида ёзилган тортиқни ичқари кир-

¹ Амир Ҳайдар — манғит амирларининг тўртинчиси бўлиб, 1802—1826 йилларда Бухорода ҳукм сурган эди.

гиз! — деди. Дарбон энкайиб бир таъзим қилгандан кейин, чўккалаб одоб билан аризани ёстиқ устидан олди, туриб такрор таъзим қилди, сўнгра амирга орқасини қилмасдан даҳлиз эшигигача бориб, яна бир таъзим қилиб чиқиб кетди...

Дарбон беш минутда тортиқни маҳрамларга кўтартириб олиб келди. Амир, пешкаш қилинган нарсаларни хазинага элтишга ишорат қилиб, тортиқнинг рўйкаши бўлган болаларни ўз ҳузурига киргизиш борасида амр берди. Болалар амир ҳузурига киргизилдилар. Амир болаларни ўзига ёвуқроқ келтириб ҳар бирига бошқа-бошқа ва яқиндан синчиклаб қаради ва ўз-ўзига пичирлаб:

— Дунёда ўхшашлари оз топиладиган гўзаллар! — деди. Сўнгра маҳрамни чақириб, болаларга ишорат қилиб: — Буларни ўрта ҳовличага элтиб қўй, кейин ташқарига чиқиб тўпланган муллаларга «бугун ҳазрат бир оз касал бўлганлар, дарс бўлмайди» дегил, — деди.

Ҳақиқатда ҳам бу икки гуноҳсиз ёш болаларни кўргач, амирнинг аъзойи бадани қалтираб, кўзлари қизариб, боши айланиб, худди безгак касалига учрагандек бир ҳолга тушган эди. Ким билсин, бу касаллик яна бир неча кун — болалардан кўнгли совугунча чўзилиб, муллабаччалар амирнинг диний дарсларидан маҳрум қолгандирлар.

Амир дарбондан ҳалиги аризани сўраб олди. Ариза орқасига: «Ариза эгаси номига эшикоқабошилиқ амалининг ёрлиғи ёзилиб, шу амалга яраша хазинаи хумоюндан уч қават саруно — хилъат олиб берилсин» деб ёзди ва аризани қайтариб дарбонга бериб:

— Мирзойи муншига! — деди.

Буйруқ ярим соатда бажо келтирилди. Ариза эгасига олти адрас, унинг устида шойи ва устдан кимхоб тўн кийгизилди. Бир тўп дока, бир кимхоб кулоҳ ва бир дона фаранги қўл рўмол ҳам олдига қўйилди. Ариза эгаси бошидаги катта қозондек телпакни олиб ерга қўйди. Лекин илгари ҳеч қачон салла ўрамаганлигидан амир инъом қилган докани бошига ўрай олмади. У ерда олиқ олишини кўзлаб турган фаррошлардан бири кулоҳни олиб, устига докани дастор қилиб ўраб, ариза эгасининг бошига қўйди. Удайчи ярим тахта қўқон қоғозига ёзилган эшикоқабошилиқ ёрлигини ариза эгасининг бошидаги саллага қистирди.

Ариза эгасининг ўнг томонидан удайчи, чап томонидан шиғовул ушлаганлари ҳолда уни саломхона ҳовлисига олиб кирдилар. Амирга юзма-юз қилгандан кейин тахминан эллик қадам наридан удайчи жуда ҳайбатли йўғон ва баланд товуш билан:

— Тақсир! Ҳаз... ра... тимнинг... эсонликлари... билан... Хева... муътабар... савдогарларининг... карвонбошиси... Муҳаммадкаримбой... қуллари... ҳазратимнинг марҳаматларидан Бухоройи шариф... салтанат... дарборининг... эшиқоқабошилиқ... амали... жалилисига сарфароз... бўлиб... Ҳазратимни дуо қилиб... ўз ишига... қайтаман деди... дир... р... р!— деди.

Чап томондаги шиғовул!

— Ҳаз... ра... ти... а... мир... га... худо... тав... фиқу адолат... бер... син... н... н!— деди.

— Пешкаш... бош... ш... ш...!— деб удайчи карвонбошини ерга чўктирди.

Амир ўтирган уйнинг даҳлизи олдидан баланд овоз билан:

— Ва... а... лай... ку... м... ас... са... ло... ммм!— деб саломоғаси амир жонибидан карвонбошининг салом ва таъзимига жавоб қайтарди.

Чўккалаб ўтириб дуо қилаётган карвонбошига амир ўз қўлини узатди, бу, оз кимсаларга муяссар бўладиган «марҳаматлардан» эди.

Удайчининг ишораси билан карвонбоши ирғиб туриб ҳар қадамда бир таъзим қилиб амир ўтирган эшикнинг остига борди ва бир метрли баландликдаги бўсаға устига қўйилган қўлни, амир қўлини, икки қўллаб ушлаб кўзига суртди ва бурни остига келтириб амир тортиб олгангача ўпиб турди. Сўнгра ерга чўккалаб, амирни дуо қилиб, у ерда ўтирганича қолди. Бу ҳолни кўрган удайчи:

— Қайта беринг!— деб бақирди.

Бу товушни эшитган карвонбоши ўрнидан туриб, юзини амирдан ўгирмай, ҳар қадамда бир таъзим қилиб, саломхона эшигидан ташқари чиқди.

Ташқарида дарбор аҳллари карвонбошининг теварганини қурту қумурсқадек ўраб олдилар. Булар ўлакса атрофига йигилган ҳашаротдек амир ҳузуридан сасиган гўштдек терлаб чиққан баданидан ёглиқ парчалар кўпормоқчи эдилар.

— Муборак бўлсин!

— Қутлуғ бўлсин!

— Қани, олиқни чиқаринг!

— Камарча боғни чиқаринг!

— Жаноби олийнинг марҳаматларига яраша ҳиммат қилинг!

Шунақа талаблар, товушлар карвонбошининг қулоғини кар қилмоқда эди. Истар-истамас ҳамён очилди, кимга беш танга, кимга ўн танга, кимга кўпроқ, кимга озроқ, қисқаси, ҳар кишига ҳолига ва дарборда тутган мавқеига яраша олиқ берилди.

Олиқ олувчиларнинг ҳар бири ўзига берилган тангани ерга отиб:

— Ҳазратимнинг шунча катта марҳаматлари муқобилига сизнинг кўрсатган ҳимматингиз шуми? Бунга ҳам ўзингиз ҳолвалепачак олиб еб қўя қолинг! Бизга ҳазратимнинг эсонликлари кифоя...— деб позланар, кўп жанжал ва талашиб-тортишлар билан яна бир танга-икки танга ортириб олар эди.

Олиқ маросими шундай жанжаллар билан ўтган бўлса ҳам, охирда олиқчиларнинг барчаси жуда хурсанд бўлиб, карвонбошини дарбордан иззат ва ҳурматлар билан узатдилар...

Карвонбоши амир дарборидан карвонсаройга қайтиб келаётганда унинг эғнидаги кимхоб тўн, бошидаги узун ёрлиқни кўриб раста — бозор аҳли унга ҳурмат билан салом берар, уни танимасалар ҳам баъзилар: «Муборак бўлсин!»ни ундан аямаслар эди. Карвонбоши ҳам уларга бош эгиб ишорат билан ташаккур изҳор қиларди.

Йўлни супуриб юрган бир фаррошни карвонбошининг жиловдори «пўшт-пўшт» деб ишига халал етказганда, у ҳам карвонбошига бир қия қараб, тожикча қилиб:

«Марги нав муборак!»— деб илжайиб қўйди. Мунча салом ва таъзимлардан жуда шишиб, фахрланиб кетган карвонбоши, бу фаррошнинг сўзининг маъносини тушунмасдан, унга ҳам бош қимирлатиб ўз хурсандлигини аёнлатди...

* * *

Пойиостона саройида катта тўй бошланди. Бухоронинг катта савдогарлари, дарбор амалдорлари ва Хева карвонининг барча аъзолари бу ерга йиғилдилар, қандлар ушатилади, ниста, бодом, конфет, поввот ва қандолатлар

сепилди, нишолдалар, мурабболар тортилди, каллақандлар ва новвот қутилари улашилди. Ноғорачилар, сурнайчилар шодиёна ҳавосини чалмоқда, «қутлуғ бўлсинлар» товуши ва жаноби олий ҳаққиға олинган дуоларнинг гулгуласи кўкка кўтарилмоқда эди.

Бу тантаналарнинг бариси карвонбоши томонидан жаноби олийга тортиқ қилинган икки гуноҳсиз, тутқун ёшнинг номуслари бадалига бўлаётган тантаналар эди...

IX

Шофирком туманига қарашли М. қишлоғида Абдураҳимбой ҳовлисида ишлар қизиган эди. Бойнинг бир неча айвон, бостирма ва қўшмеҳмонхоналардан иборат ҳовлисининг бир айвони остида кенг зағомалик катта каппон тарози осилган ва у билан навбат кутиб турган деҳқонларнинг гўзалари ўлчанмоқда эди.

— Ортиқ!— деди шайин қайишини силтаб кўриб бой,— қайиш бўшаган-ку.

— Хотиржам бўлинг, бой ака, қайиш бўшаган бўлса ҳам, қўлим бўшаган эмас,— деди тарозидор.

— Худо ҳозир, Ортиқ ака!— деди бой билан тарозидорнинг кинояли гапларидан шубҳага тушган бир деҳқон.

— Кўп валдирама, оғзи ялоқ!— деб жеркиди тарозидор у деҳқонни,— менга сен ҳам баравар, бой ҳам. Бой мени қиёматда ёрлақайдимики, унинг учун ўз гўримни куйдириб, сенинг молингни ўғирлаб берай. Мен сенинг молингни бойга «таппа-тах» ўлчаб бериб, бир ҳовуч муштак¹ олишимни биламан.

— Ҳай, койиманг, Ортиқ ака,— деди деҳқон,— эҳтиёт қилинг, сахв-хато бўлмасин дедим-да.

— Ҳар бир касбнинг пири ерда бўлса, тарозидорлик касбининг пири осмонда — осмондаги юлдуз тарозисидир. Бизда сахв-хато бўлмайди.

— Бас қил энди, Ортиқ,— деди бурутини товлаб турган ўктамроқ бошқа бир деҳқон,— ўша сенинг пиринг бўлган юлдуз тарозиси ҳам бирдай юрмайди, мезон ойида тикланса, ҳамал ойида бир линги юқори, бир линги қуйи бўлади.

¹ Муштак — эски замон тарозидорларининг оладяган тарози ҳақлари.

Деҳқонлар кулишдилар.

— «Юртда ўғри топилмаса, тарозидорни тут» деганлар,— деб яна бошқа бир деҳқон кулгини қиздириб юборди. Тарозидорнинг ўзи ҳам кулди...

Тарозидор «ишламоқда» эди. Паллабардор ҳам чаққон, зағома очилган ҳамон, тарозидорнинг қўли қайишдан ажралмасданоқ паллани узади. Муштакчи ҳам эпчил, ҳар бир деҳқоннинг ғўзасини ўлчаш охирида энг кейинги зағомага икки қўлини қоқма чакмоннинг энги билан бирга тирсагигача тиқади, бир ҳовуч юк ўрнига, икки кураклаб кўтаргандай қилиб, энг ози ярим пуд ғўзани тарози «ҳақи» учун ерга ағдаради...

— Войдод, мен ғўзамни бир ботмондан ортиқроқ тахмин қилиб келтириб эдим, ботмондан панжсер¹ оз чиқди.

— Мен, бир ярим ботмон ўлчаб келтириб эдим, меники даҳсер² кам чиқди...— дейилаётган шикоятларга паллабардор, муштакчи ва бойнинг гумаштаси Наби полвон ўз навбатларида:

— Бир оз кам чиқса жин урадимиз?

— Сотиб олиб эдингки, зиён тортасанми?

— Ҳай, нима бўлди, худо ердан берган деҳқончилик моли-да...— деб жавоб қайтармоқда ва деҳқонларнинг оҳу зорларини пасайтиришга уринмоқда эдилар...

Ўлчайдан хотиржам бўлган бой тарози олдида йўқ эди. У, чеккароқдаги кенг бир каравотда бир ёнида бир саноч танга билан бир саноч қора пулни қўйган, иккинчи ёнида чўт, олдида дафтар, қалам, қаламдон ва давот билан ўтирган эди. У, паллабардорнинг:

— Буники бир ботмон, унисиники ярим ботмон...— деб берган оғзаки маълумотига қараб ғўза топширган деҳқонлар билан ўз ҳисобини баравар қилмоқда эди.

Ҳисоб вақтида бой, хоҳ пулда бўлсин, хоҳ молда, майдаларни ҳисобга олмас, ҳар вақт майдаларни чиқариб ташлаб (лекин ўз фойдасига), ҳисобни «деҳқонлар тушунадигандай соддагина» қилиб кўрсатар эди. «Ҳисоб» бўйича берилиши керак бўлган пулдан деҳқонга берган уруғ, ғалла ва бошқа нарсаларини бирига икки ҳисоблаб пулга айлантириб, фойда — процентлари билан бир-

¹ Панжсер — бир пуд.

² Даҳсер — икки пуд.

га олар, натижада деҳқонга бир йиллик меҳнати бадалига бир ойлик овқат пули ё тегар, ё тегмас эди.

Кун ботишга яқинлашди, бугун келган ғўзалар ўлча-ниб битди. Бой саночларни темир сандиққа солиб беркитиб, дафтар ва ҳисоб асбобларини йиғиштириб, меҳмонхонага олиб кириб рафчага қўйди, таҳорат қилиб, намозларини қазо ва нафлларигача ўқиб олди. Тарозидор, паллабардор, муштакчи ва гумашта ҳам қўл-бетларини ювиб меҳмонхонага кириб ўтирдилар.

Чироқ ёқилди, энди бой билан тарозидорлар ҳисоби бошланди. Бой ҳаммасини бирга қилиб тарозидорга ярим ботмон ғўзанинг пулини бермоқчи бўлди. Тарозидор кўнмади:

— Бугун,— деди у,— эллик ботмон ғўза ўлчаган бўлсам, меҳнаткаш деҳқонларнинг пешона терлари билан ҳосил қилган молларидан энг ози тўрт ботмонини уриб, сизга берганман. Бунинг ярмиси менинг «ҳалол ҳақим». Инсоф қилинг-да, бой ака! «Инсоф — дин соф» деганлар.

— Бу тўрт ботмон ғўза дарров пул бўлиб менинг киссамга кирдимиз?— деди бой,— ҳали бунинг харажати, минг бурду балоси бор: пахтакашга пул тўлайман, тойчига пул тўлайман, туячига пул тўлайман, туяга кунжара олиб бераман, жаноби олийга закот тўлайман, оқ пошшога бож бераман, мана шундай қилиб буни Оренбург ёки Тверскка элтиб сотаман. Агар бориш-келишда босқинчиларнинг босқинига учрамасам, бу, пул бўлади. Сен шунча харажат ва ташвишларни назарга олмай, шу ўғирлаб олган тўрт ботмон юкингни кўрасан...

Кўп талаш ва жанжаллардан кейин бой тарозидорга бир ботмон, паллабардор ва муштакчига ярим ботмон — ҳаммаси бўлиб бир ярим ботмон ғўзанинг пулини бериб, ўз шерикларини рози қилди.

Бой эшик тақиллатиши билан икки чўри ичкари ҳовлидан дастурхон ва икки товоқ сермой палов чиқариб берди. Уйин-кулги билан палов ейилди. Тарозидорлар кетишга ҳозирлана бошладилар.

— Эрта иш борми?— деб сўради Ортиқ бойдан.

— Йўқ, эрта дам олинг,— деди бой,— бугун ўлчаб олинган ғўзаларни эрта ўзим ўлчаб пахтакашларга бўлиб бераман. Кўпроқ ғўза тўплангандан кейин сенларга хабар юбораман. Келиб хизмат қиларсизлар.

Тарозидорлар билан бирга уйдан чиқаётган гумаштасига қараб бой:

— Наби полвон, сен эрта билан кел, менга ёрдамлашасан,— деди.

— Хўп бўлади,— деб Наби полвон ҳам тарозидорлар орқасидан уйдан чиқди.

Буларнинг орқасидан қорнини қашиб-қашиб эшикка чиққан бой, ҳовли дарвозасидан кираётган бир неча кишининг қорасини кўриб:

— Кимдир улар?— деди.

— Биз!— деб жавоб қайтарди кираётганлардан бири.

— Қуллар, қароллар!— деб унинг сўзини изоҳ қилди дарвозага яқинлашган Наби полвон.

— Ашур, сенларми? Нега мунча барвақт ишдан қайтинглар,— деди бой, койигандай бўлиб.

— Қандай барвақт, кўз кўзни кўрмайди-ку. Қоронғилашгандан кейин далада ишлаб бўладими, мирзам¹,— деди Ашур.

— Хайр, кўп алжиллама, чиғириқхонага кириб ишга тутининглар!

— Қўйинг, аввал овқат-мовқат ейлик, ҳозир ишдан келдик-ку.

— Ҳали овқат тайёр бўлгани йўқ, овқат тайёр бўлгунча бир ҳовуч пахта ўтказсангиз ҳам фойда, бекорчиликдан нима чиқади.

— «Қуллар очликдан ўлсин, қароллар чарчаб жонидан безор бўлсин, ҳар нима бўлса бўлсин, сенга фойда бўлсин»,— деб ўз-ўзига ғурунглаб, Ашур молхонага қатор солинган уйга кирди. Унинг рафчасида турган қора чироқни бой меҳмонхонасидаги чироқдан ёндириб келтирди-да, уни уйнинг ўртасидаги чироқпоя устига қўйиб, ўзи уйнинг тўридаги чиғириқ (ҳалложи) бошига ўтди. Чироқ ёқилгандан кейин бошқа қул ва қароллар ҳам уйга кириб, қатор турган чиғириқларни биттадан эгалладилар.

Бойнинг чақириши билан чўрилар ичкари ҳовлида саватларни тўлдириб чувилган пахталарни олиб чиқа бошладилар. Уйнинг эшигида тикка турган бой пахта ташувчи чўриларнинг бирига қараб:

— Гулфом,— деди,— ҳозирча киши бошига бир саватдан пахта солинглар, ошдан кейин яна икки сават-

¹ Қуллар ўз хўжайишларини мирза — мирзам дер эдилар,

дан соларсизлар. Шу кеча учун етар. Булар барвақтроқ ухлашиб яна тонг отиши билан дала ишига чиқишлари керак.

— Саломат бўлинг, мирзам, бизга раҳмингиз келиб гапиряпсизми?— деди бойнинг бояги сўзларини эшитиб, ҳаммадан қуйи эшикка яқин ерда ўтирган Ризоқул.

Қуллар, қароллар заҳарханда билан кулишдилар.

— Яна бир раҳмингиз келсин,— деди Ашур кулги аралаш,— очликдан қўллар қимирламайди, чиғириқ ўқи айланмайди, бундай ишлашдан сизга бирон манфаат йўқ. Буюринг, тезроқ ошни чиқарсинлар.

— Бор, ошни тайёр қилиб чиқаринглар,— деди бой, пахта саватини бўшатаётган Гулфомга,— қул деганинг кинғир нарса бўлади. Булар ўз айтганларини қилдирмасдан ишламайдилар.— Чиғириқлар гижирлаб айлана бошлади, пахта чигитдан тозаланиб чиғириқнинг орқасига буралиб тушмоқда эди. Аммо чиғириқ ўқининг тиши чигитни чайнаган чоқда айлантиришга ишчиларнинг кучи етмас ва қулоқни чаппа айлантириб қайтадан олдин босишга мажбур бўлар эдилар. Бу ҳолни кўрган бой:

«Ашур рост айтган экан», деди ўз-ўзига ва ошни тезроқ чиқартириш учун тўғри ичкари ҳовлидаги ошхонага кирди.

Ошхонада Ризвон ош қуймоқда, Гулфом ва бошқа чўрилар тоғорачаларни тутиб турмоқда эдилар.

Бой, мошпиеванинг қуюқлигини кўриб, Ризвонни сўка бошлади:

— Сен,— деди,— аслда чўри бўлсанг ҳам, мenden бола кўриб хотинларим қаторига ўтганингдан кейин, молимни ўз молингдек билиб саришта қиларсан деб ўйлаган эдим. Мен бу ўйимда янглишган эканман, сен ҳали ҳам ўз чўрилигингни эсингдан чиқармаган, ҳали ҳам менинг молимни ўз жинсдошларинг бўлган бадраг-қулларни семиртириш йўлида исроф қилар экансан...

Бой косовни олиб Ризвонни урмоқчи бўлди. Яна «астафирулло» деб ўзини сақлаб:

— Кет, йўқол, бадраг!— деб уни ошхонадан қувиб юборди.

Сўнгра бой:

— Қалмоқ!— деб қалмоқ қабиласидан чопиб келтирилиб сотилган, ўзидан бола кўриб хотинлари қаторига ўтган ва Ризвон хотинлари қаторига киргандан кейин кўздан тушиб қолган Қалмоқ қизини чақирди.

— Лаббай,— деб югуриб келди Қалмоқ ойим.

— Сен,— деди бой Қалмоқ ойимга қараб,— хотинларимнинг барчасидан эпчилроқсан. Бундан кейин қозон-товоққа ўзинг қараш. Ҳозир бу мошпиёвага яна ўшанча сув қўшиб қайнат, ярмисини сузиб бергинки, қуллар-қароллар бу кеча есинлар, қолганини эрта билан иситиб яна берарсан.

Бой ошхонадан чиқаётганда:

— Учоққа янтоқ тиқки, ош тезроқ қайнасин, қуллар жуда очиққанлар, ишларининг баракаси бўлмай турибдир,— деди.

Бой чиқиб кетди. Қалмоқ ойим ошга бой буюрганча сув қўшиб, ўчоққа янтоқ тиқиб, ёндириб юборди. Янтоқ гуриллаб, алангаланиб ёнмоқда, шитирлатиб ҳар томонга учқунлар сочмоқда. Қалмоқ ойим бўлса яна Ризвоннинг ўрнини олиб янгидан қозон-товоққа эга бўлганига қувонмоқда ва Ризвоннинг ўз устига олинганини эслаб, бу саргузаштга мувофиқ ашулалар тўқиб ўқимоқда эди:

Утин яхшиси янтоқ,
Хотин яхшиси қалмоқ.
Қайси номарднинг иши
Ер устига ёр олмоқ.

Х

Абдураҳимбойнинг пахтакашларга ғўза бўлиб бермоқчи бўлганини эшитган М. қишлоғининг ишсиз камбағаллари бойнинг ҳовлисига қоп-қанорларни кўтариб келган, тунов кун ғўзаларини бойга сотиб ғўза пулининг кўп қисмини яна бойга «қарз» ҳисобига қайтариб бериб, қўлларида арзимас пул қолган деҳқонлар ҳам, қиш харажатига тайёрлик кўриш учун, пахтакашлик қилмоқчи бўлиб бой эшигига тўпланган эдилар.

Бой ҳар бир ботмон ғўзани тўрт танга хизмат ҳақи бадалига чувиб чиғириқдан ўтказиб, ўн етти чорак¹ тоза пахта ва ярим ботмон чигит қайтариб бериш шарти билан ҳар оила бошига бир ботмондан ғўза бермоқчи бўлиб тарози бошига ўтди. Наби полвон паллабардор ўрнида унга ёрдам қилмоқда эди.

¹ Ун етти чорак — ўттиз тўрт килограмм.

Бой ҳар бир кишига тегишли ғўзани ўлчаб бериб, дафтар бошига келади, у одамга берилган ғўзани ва унинг номини дафтарга ёзгандан кейин яна тарози бошига ўтади ва бошқа кишига ғўза ўлчаб бера бошлайди.

Кун қайтганда тунов кун деҳқонлардан ўлчаб олинган ғўзалар бўлиниб берилиб битди. Ғўза олиш учун тўпланган пахтакашлар ҳам ғўзаларни олиб тарқалиб кетдилар.

Бой дафтарни очиб бугун пахтакашларга берилган ғўза ҳисобини жам бастлаб, Наби полвонга қараб:

— Ҳаммаси эллик саккиз ботмон бўлибди,— деди.

— Яхши,— деди Наби полвон,— сиз тарозидорликда Ортиқдан қолишмас экансиз-ку.

— Албатта,— деди бой,— бой бўлиш учун дунёнинг ҳар бир ҳаромзодалигини билиш ва қилиш керак. Бўлмаса, ёлғиз пулнинг ўзи ҳеч бир иш қилолмайди. Ҳатто ҳаромзодалиқ қилмайдиган қўлга пул йиғилмайди.

— Тарозидорликка шунча ҳунарингиз бор экан, нега Ортиқни чақириб бир ярим ботмон ғўзанинг пулини текин бериб юбордингиз?

— Сен ҳали ҳам содда экансан, полвон!— деди бой,— аввали шуки, Ортиқни тарози бошига қўйиб, ўзим бекор ўтирмадим. Ортиққа бир ярим ботмон ғўзанинг пулини берган бўлсам, ундан ортиқроқ пулни деҳқонлар билан қилинган ҳисобдан чиқариб олдимки, буни ўзимдан бўлак киши қилолмасди. Иккинчиси шуки, агар ўзим тарози бошида турсам, ғўзаси оз чиққанини билган деҳқон мендан шубҳаданар, мендан муомаласини узиб қочар ва бошқа бойларнинг еми бўлиб кетар эди. Ҳозир ҳар бало-баттар бўлса, Ортиқнинг бўйнига, мен бўлсам «ҳалол, тўғри ва кишиларнинг ҳақидан парҳиз қилатурган» бир киши!..

Бой бу кейинги сўзларни айтганда ўзи ҳам ўзини масхаралаб кулди ва ҳисоб асбобларини йиғиштира бошлаб, Наби полвонга:

— Полвон,— деди— ҳали сен ёшсан, бу ишларга тажрибанг оз, ҳали сен кураш маъракасига чиқиб ўзингдек бир бўз болани йиқитишни биласан, аммо савдо ва муомала майдонида одамларга фириб беришни, одам ишлатишни яхши билмайсан. Менинг ўз сиримни сенга тамом очиб беришдан мақсадим шуки, сен ҳам шу ишларни ўрган, мен бўлмаган жойларда менинг ўзимдек «ишла». Сенки менинг гумаштам бўладиган бўлсанг,

менинг бутун ҳунарларимни ўрган, шу вақтдагина ҳақиқатан менинг гумаштам бўла оласан.

Бой Наби билан гапиришаётган масаласини ҳали тутатмаган эдики, дарвозадан бир отлиқ кириб келди. Наби ирғиб туриб, келган одамнинг қўлидан отини олиб якка қозиққа боғлади. Меҳмон, бой ўтирган каравотга яқинлашиб, бой билан саломлашиб кўришди.

— Қалайсиз, Кенжапойкор, саломатликми?— деб бой ундан аҳвол сўради.

— Худога шукур, ўзингиздан сўрасак?

— Мен ҳам, шукур, соғман, беш вақт намозда сиздек қадрдонлар ҳаққига дуо қилиб юрибман... карвонбоши эсонми?

— Шукур, қариган бўлсалар ҳам тойчоқдек югуриб юрибдилар, сизга дуо дедилар.

— Саломат бўлсинлар, қани, ишлар қалай?

— Ишлар тузук, ёмон эмас. Вардонзе қўрғоннинг бойлари ишларини гўё битказдилар, бўз, олача, қалами ва тикилган моллари той боғланиб тайёр бўлди. Энди ёлғиз пахта билан майиз иши қолди.

— Бухородан нима хабар?

— Ўз карвонбошимиз мени Бухорога Мирбадал карвонбошига хат билан юбориб эдилар. Мирбадал карвонбошининг гапларига қараганда, Бухоро бойларининг ишлари бир ярим ойларгача чўзилар эмиш.

— Тузук, «эшакка яраша тушови» деганлар. Бухоро бойлари сердастмой, ишлари катта, шунга яраша тайёрланишлари ҳам кўп вақт олади. Бизнинг туман бойлари бўлса, ҳаммалари нимчабой, булар ўз ишларини озгина вақтда ўнгариб оладилар. Хўп, туялар қандай?

— Бу йил туялар яхшигина семирди, жағоз босилганига бир ой бўлди... Ўзингизнинг туяларингиз қалай?

— Менинг туяларим ҳам бу йил жуда яхши семирди, бир ярим ой бундан бурун жағозлари босилган эди, совутилгандан кейин ишга солдик. Ҳозир Гиждувон — Самарқанд орасида катта кирага ишлаб турибдилар.

— Қира пулига қизиқиб туяларни чарчатиб қўймагaysиз, ўзингиз яхши биласизки, Оренбург йўли жуда оғир бир йўл.

¹ Туяларни ёзда бир-икки ой ҳайдовга юборадилар, семиргандан кейин уларга янги жағозлар босиб сўнгра ишга соладилар. Шу жағоз босиш иши катта маросим билан ўтказилар эди.

— Туяларимдан кўнглим тўқ бўлгани учун уларни кирага юбордим, мен йигирма йилдан бери қалъачилик қиламан, ёлғиз Оренбург, Тверскка эмас, Эрбетларгача ҳам бориб қайтдим, шу сафарларнинг ҳеч бирида, ҳеч бир вақт менинг туяларим йўлда қолган эмас. Қалъа сафари учун Вардонзе карвонбошисининг қўл остида йиғиладиган беш юз туянинг энг олдида менинг туяларим юради.

— Жуда яхши, мен билмабман, бағишлайсиз.

Бой сув учун чиқаётган Гулфомга кўзи тушиб:

— Кўзани қўй, уйга кириб дастурхон олиб чиқ, сўнг-ра самовар қўйиб, чой дамла,— деди ва меҳмонга қараб:

— Гапга қизиқиб чойни ҳам эсдан чиқарибман,— деди.

— Зарари йўқ, мен сизнинг чойингизни энди ичяпманми?

— Бу йил,— деди бой,— қозоқ босқинчилари кўпайган дейдилар, бу тўғрида карвонбошининг ҳозирликлари қандай?

— Бухоро карвонбошиси беш жазойир ва йигирма беш нафар сўз бола тайёрлаган, бизнинг карвонбоши қўл остида ҳам уч жазойир ва йигирматача йигит ҳозирланмоқда. Бойларнинг ҳар бирида битта-иккитадан тўппонча ва милтиқ ҳам бор.

— Мен ҳам шу ҳафталар орасида Бухорога бормоқчиман, агар тўғри келса бирон яхши милтиқ қўлга киргизарман.

— Ҳа, дарвоқе, эсдан чиқараёзганман,— деди Кенжапойкор қўлини қўйнига тиқиб,— Бухородан карвонбошининг номларига бир хат келган экан, шуни «бойга кўрсат» деб менга бериб юбориб эдилар.

Кенжа қўйнидан бир хат олиб бойга берди, бой хатни ўқий бошлади:

«Вардонзе туманининг карвонбошиси Муҳаммадазим карвонбоши жанобларига.

Кўпдан-кўп дуоини саломдан сўнг андоғ маълум бўлгандайким, шу бугун Хева карвони билан бизнинг саройга жуда кўп чиройли ва ёш қул ва чўрилар киради. Қулбачча ва чўрилар орасида абру камон, мўрча миён, писта даҳон, марварид дандон, лаби ҳамдон, моҳи тобон, сарвиравонлари жуда кўп. Агар қул ё чўри керак бўлса, бозордан қолмангиз. Қадрдонлик учун жанобингизга

маълум қилдим. Пойностана катта саройнинг ижара-
дори аддойи: Акрам».

Абдураҳимбой бу хатни ўқигач, жуда қувониб:

— Кўп яхши,— деди,— мен биронта қулбачча ола-
ман деб юриб эдим, бу хат менинг мақсадимга мос кел-
ди. Шу кеча аввал оқшом, ёки барвақт саҳар билан
Бухорога жўнайман.

Дастурхон ёйилди, нон ушатилиб майиз сепилди, чой
қуйилди. Нон-чой вақтида ҳам сўз-гап савдо, қалъа
сафарни ҳозирлиги устида борар эди. Чой тамом бўлган-
дан кейин Кенжапойкор қайтишга ҳозирланди. Наби
полвон унинг отини қозикдан ечиб, дарвоза остида уни
мингизди, бой ҳам орқадан чиқиб:

— Қарвонбошига дуойи салом айтинг, хуш келиб-
сиз,— деб узатди. Сўнгра бой Набига қараб:

— Полвон,— деди,— сен пахтакашлар орқасидан ха-
бардор бўл, ишни тезлат, тозаланган пахталарни тўплаб
той боғлатавер. Мен бу кеча Бухорога бораман, бирон
ҳафтагача қайтиб келарман. Деҳқонлар ғўза келтирса-
лар, мен келгунча ўлчаб олма, уларнинг ҳисоблари чатоқ,
ўзимдан бўлак киши бу ишни бажаролмайди.

Наби полвон ўз уйига кетди. Бой ҳам Бухоро сафари-
га ҳозирлана бошлади...

XI

Тонг қоронғисида Пойностана саройи супуриб-сиди-
рилган, сув сепилган, саройнинг самовари қайнамоқда,
миёнсаройда қолинча устида ижарадор Акрамбой чорда-
на қуриб ўтирмоқда эди. Акрамбой саройбон келтириб
қўйган кўк чойни қайтариб-қайтариб, устига рўмолчаси-
ни ёпиб қўйди. Патнусдаги иссиқ нонни ушатиб егунча-
лик йўқ эдики, сарой дарвозасидан белига кумуш камар-
банд боғлаган, камар бандига қаламдондек чинор
ёғочидан чортарош қилиб йўнилган бир чўп қистирга-
ни ҳолда амир маҳрамларидан бири кириб келди:

— Хева карвонининг бошлиғи Муҳаммадкарим эшик-
оқабошининг ҳужралари қайси?— деб Акрамбойдан
сўради. Акрамбой телбаланиб ўрнидан ирғиб турди
ва:

— Марҳамат қилинг, мен йўл кўрсатай,— деб олдин-
га тушди.

Акрамбой маҳрамни карвонбоши ўтирган ҳужранинг эшигига олиб келиб:

— Мана шу!— деб кўрсатди.

— Раҳмат,— деди маҳрам,— сиз энди ўз ишингизга қайтсангиз ҳам бўлади, мен эшикоқабошига жаноби олийнинг махфий сифоришларини етказаман.

Акрамбой маҳрамга бир бош эгиб қайтиб кетди, маҳрам карвонбоши ҳужрасига кирди.

Карвонбоши маҳрам билан саломлашиб, уни камоли эҳтиром билан қабул қилди. Маҳрам белига суқилган қаламдон шекилли чўпни очиб, унинг ичидаги ўроғлиқ бир хатни олиб карвонбошига:

— Жаноби олийнинг муборакномалари,— деб берди.

Карвонбоши хатни очиб унда амир муҳри босилганини кўргач, ўпиб, кўзига суртиб, бошига — салласининг печига қистирди ва ўрnidан туриб у ердан бир чақиримча узоқда бўлган арк томонига қараб уч марта таъзим қилгандан кейин, яна ўз ерига ўтирди. Сўнгра хатни бошидан олиб ўқиб кўрди. Бу хат карвонбошининг ўз тортиғи билан «...агар муносиб кўрилса, қул ва чўриларнинг барчаси давлатхонага пешкашдир...» мазмунида ёзиб берган аризасига амирнинг «... қул ва чўриларингизни сотиш учун рухсати олий бўлди, истаган ҳар бир кишига сота оласиз...», мазмунидаги жавоби эди.

Карвонбоши амир ҳақиқага узун бир дуо қилгандан кейин ҳамённи очиб, маҳрамга йигирма танга хизматона ва бир каллақанд муборакбодлик берди.

— Бу кам-ку,— деди маҳрам,— жаноби олийнинг шундай марҳаматларига от берсангиз ҳам арзийди,— деганда, карвонбоши унга яна бир қути новвот бериб хурсанд қилиб узатди.

* * *

«Рухсати олий» бўлди, бозор бошланди. Янги эгар-афзал уриб янги жул ва қизил қулоқ ёлпўшлар ёпиб бозорга чиқарилган отлардек, қул ва чўрилар ясантирилиб саройнинг айвонига қатор ўтқазилдилар. Саройнинг ўрталигида, така қолинчалари, адрас кўрпачалар тўшалган шийпон остида эшикоқабошилиқ амалига ярашадиган бир шавкат билан пар ёстиққа суяниб карвонбоши ўтирмақда эди. Ёш ва чиройли қулбаччалардан бири унга чой

қуйиб бермоқда ва ижарадор Акрамбой унинг кайфини чоғ қилиш учун қизиқ-қизиқ гаплар гапирмоқда эди...

Аввал битта-иккита, сўнгра бешта-ўнта харидорлар келиб, кейинроқ сарой қул харидорлари билан тўлди. Харидорлар орасида Бухоронинг шаҳар халқи бўлганидай, туманлардан келган кишилар ҳам кўпгина кўринар эди. Буларнинг бир қисми ўзи учун қул, чўри оладиган бўлса, бошқа бир қисми қулжаллоблар эди. Акрамбойнинг харидор тўплаш учун туманларга юборган хатларининг роли кўринмоқда ва бозор карвонбоши манфаатига қараб қизимоқда эди. Оддий вақтларда олтмиш тиллага арзимайдиган икки қул бозорнинг аввалида бир юз йигирма тилладан сотилди.

Лекин бу ҳолга қулжаллоблар чидаб тура олмадилар, чунки агар улар бугунги бозор кўтарган нарх билан қул олсалар, бошқа ерга элтиб фойда қилиш нари турсин, тани харидига ҳам сота олишлари гумон эди. Шунинг учун чекка-бурчакларда бир-бирлари билан учрашиб дардлаша башладилар.

— Биз шунча йўлдан харажат қилиб овора бўлиб келиб, икки қўлимизни бурнимизга тикиб, бўш қайтамизми?— деди бир қулжаллоб бошқа бирисига.

— Йўлини топиб,— деди бошқа бир қулжаллоб,— бозорни совутиш, сўнгра истаган нархимиз билан қулларни қўлга киргизишимиз керак.

— Бу иш осон,— деди бошқа бириси.

— Қандай осон?

— Жуда осон, масалан, харидорлар орасида шундай бир овоза тарқатамизки, гўё бу қул ва чўрилар ҳақиқий қуллар эмаслар, буларнинг кўпчилиги сунний ва имоми Аъзам мазҳабида бўлиб, Афғонистон тобинидан чопилган ва туркманларнинг қўрқитиши билан ўзларини қизилбош демоқдалар. Булар бирон кишига қул бўлиб боргандан кейин, юртнинг паст-баландини ўрганиб, ўзларининг афғонистонлик сунний эканликларини исбот қилишга киришишлари ёки орқаларидан Афғонистондаги қариндошлари шажаралар ва ҳужжатлар келтириб суларни қутқизишга чолишишлари турган гап. Шундай бўлганда қизил олтин бериб қул олганлар бутунлай куйиб қоладилар. Шунинг учун касбимиз қулжаллоблик сўла туриб биз уларни олишга уринмаймиз...

Бу таклиф қабул қилиниб, жаллоблар томонидан ижро қилина бошлади...

Бу «иғво» қизиб бораётган бозорни, совуқ сув қуйилган қайноқ қозондек бир соат ичида қайнашдан тўхтатди ва секин-секин совута бошлади.

Бозор қизиган чоғда харидорнинг:

— Мана бунисига қанча берай, бу ҳали ёш бола-ку, бунинг қўлидан ҳали бирон иш келмайди-ку, умид билан келдим, бозордан қуруқ қайтмай дейман. Бунга эллик тилла берай, келинг, ҳа денг энди...— деб ялиниб-ёлворишига қарши карвонбоши:

— Бугун кўя қолинг, эртага бир гап бўлар...— деб жавоб қайтарар эди.

Аммо бозор совиб, харидорларда ҳеч бир қизиқиш, ҳеч бир ҳаракат кўринмай бошлагач, карвонбошининг ичини ит тирнай бошлади. Авваллари даллоллар воситаси билан, сўнгра, ўз одамлари орқали, кейинроқ ўзи бурун берилган баҳога рози бўлиб баъзи харидорларни ундаб кўрса ҳам, савдо бўлмади. Энди харидор:

— Қани эртагача ўйлаб кўрай,— деб қисқагина жавоб қайтарар эди...

Бу вақтда бошқа бир воқеа юз бердики, карвонбошининг кайфи бутунлай учиб кетди.

* * *

Бухоронинг ўрта ҳол бозорчаларидан икки киши кийими ҳукумат маъмурлариникига ўхшаган бир киши билан бирга сарой дарвозасидан кириб келди, уларнинг орқаларидан йигирма тўрт-йигирма беш яшар юзи очиқ бир хотин ҳам эргашиб келмоқда эди. Бу хотиннинг бир юзи латта билан боғланган бўлса ҳам, кўз-қошларидан гўзаллик аломати кўриниб турарди.

Бозорчилардан бири, ҳукумат маъмурига ўхшаган кишига шийпон остида ўтирган карвонбошини кўрса-тиб:

— Бизнинг даъвомиз ана шу кишида,— деди ва шийпон томонига қараб бормоқчи бўлди.

Аммо маъмур боришга журъат қилмади ва бозорчини ҳам боришга қўймай:

— Сиз янглишгансиз, сиз айтган одам бу киши эмас,— деди.

— Йўқ, янглишганим йўқ,— деди бозорчи узил-кесил қилиб,— фақат фарқ шундаки, Жаҳонорони отамизга сотган вақтида соч-соқоли қоп-қора ва кийими урганч-

ликларча эди, ҳозир бўлса соқолига оқ тушган ва Бухоро амалдорларича кийинган.

— Мен ҳали бу одамнинг номини ҳам унутган эмасман,— деб бозорчилардан бири ўз йўлдошининг гапини қувватлади,— номи Муҳаммадкаримбой, ўзи урганчлик қулжаллоб.

— Ўзидан сўраш керак,— деб маъмурнамо киши ўзлари билан бирга келган хотинга қараб давом этди:

— Жаҳоноро! Ўзинг танидингми? Илгариги эганг шу одамми?

— Шу!— деди Жаҳоноро дейилган хотин ва қўшимча қилди:— аммо, худо ҳаққи, ишқилиб мени яна бу одамнинг қўлига топширманг, бу одам шундай золим, шундай номуссизки, қўлига тушган чўрилардан то сотгунича қўшмачилик йўли билан ҳам фойдаланади.

— Ҳар ҳолда,— деди маъмурнамо киши бозорчиларга қараб,— бу одам ҳозир сиз айтган одамлардан эмас, бу одам Бухоро дарбори амалдорларидан бири бўлиб катта обрўйга эга бўлган.

— Эшак, ўша эшак-ку, аммо тўқими бошқа бўлган,— деди бозорчилардан бири товушини бир оз баландроқ қилиб.

Акрамбой ҳали ҳам карвонбошининг олдида ўтирмоқда, бозорнинг касодланишидан хит бўлган табиатини аския билан чоғ қилишга уринмоқда эди. У, бозорчиларнинг жанжалларини эшитиб, улар томонига қаради ва улар билан бирга қози калон мулозимини кўриб, карвонбошига:

— Мен бориб хабар олай-чи, нима жанжал экан?— деди ва ўрнидан туриб, улар олдига борди ва мулозим билан кўришиб, ундан:

— Нима гап?— деб сўради.

— Қуруқ бир жанжал, фойдасиз бир даъво!— деди мулозим.

— Нега қуруқ жанжал бўлар экан? Эллик тиллалик бир даъво фойдасизми?— деди бозорчилардан бири мулозимга ва Акрамбойга қараб ўз сўзини давом эттирди.

— Отамиз бу чўрини (Жаҳонорони кўрсатиб) эллик тиллага олиб эдилар, у киши ўлгандан кейин биз иккала оғани уни Соҳибназарбийга эллик икки тиллага сотиб, пулини бўлиб олдик. Бир неча вақтдан кейин чўрининг юзига гулафшон яраси чиққанлиги сабабли Соҳибназарбий уни бизга қайтариб бериб, пулини олмоқчи бўлди.

Биз унамадик ва «сотганимиз сотган» дедик. У гапида қаттиқ туриб: «Йигирма тилла турадиган отда савдодан кейин шабкўрлик, ёинки бадном касали» каби бирор айби билинса, харидор уни қайтариб сотувчидан пулини слишга ҳақли. Эллик икки тиллага савдо бўлган чўрида айб пайдо бўлган ҳолда нега мен қайтаролмас эканман?» деди.

Акрамбой бозорчининг сўзини бўлиб:

— Бу воқеанинг менинг саройимга нима дахли борки, бу ерга келиб ғовур кўтарасизлар?

— Сўзим ҳали тугаганча йўқ, қулоқ солинг, сизнинг саройингизга дахли бўлмаса ҳам, сизнинг саройингизда, ана шу шийпон остида ўтирган одамга дахли бор,— деб бозорчи карвонбошини кўрсатиб ўз гапини давом эттирди:

— Соҳибназарбий ўз даъвосини шариятга мувофиқ қилиш учун уламодан ривоят-маҳзар олди,— деди бозорчи.

Ривоят-маҳзарнинг таржимаси: «Мен даъвогар шу ерда (*мурофаа мажлисида*—А.) ҳозир қилинган Ниёзбой ва Сафарбойларга шу тариқа даъво қиламанки, мен шу ҳозир қилинган кишилардан шу ерда ҳозир бўлиб турган чўрини, ҳар бири бир мисқол келадиган, марҳумий муҳри билан Бухоройи шарифда зарб қилинган (*Бухоро секкаси*.—А.) эллик икки дона покиза аъло тиллага олиб эдим ва булар мазкур маблағга сотиб эдилар. Айни замонда икки томондан икки бадал қўлга киргизилган эди (*пулни сотувчи, чўрини олувчи*.—А.). Шундан кейин бу чўрида уни рад қилишга сабаб бўларли эски айб — гулафшон яраси зоҳир бўлдики, мен даъвогар савдо вақтида ҳам, чўрини қўлга олганим вақтда ҳам бу айбни билмас эдим. Шунинг учун бу чўрини мазкур сотувчиларга рад қилишда ҳақлиман. Буларга вожибдирки, бу чўрини мендан олиб унинг баҳоси бўлиб юқорида тавсифланган маблағнинг мислини менга тўласинлар. Булар ҳақли бўлмаганлари ҳолда ўз зиммаларига вожиб бўлган бу ишдан бош тортадилар. Сиз шаръи шарифнинг ҳокими мутлақи бўлган ойузангили жанобдан (*амирдан*.—А.) талаб қиламанки, буларга мазкур вожибни адо қилишлари тўғрисида фармон берсангиз эди, токи ҳақ эгасига қарор топиб, сиз ҳазратга савоб ҳосил бўлғай.

(Ривоят-маҳзарнинг охирида муфтиларга қарата шундай савол берилган): юқорида ёзилган даъво тўғри-

сида ислом пешволарининг сўзлари қандайдир? Баён қилинг ва савоб топинг!

(Жавоб ўрнида тўрт жойда «худо биледи, дуруст бўлса керак» деб ёзилган ва бу ёзувларнинг остларига бир аълам ва уч муфтининг муҳрлари босилган ва ривоят-маҳзарнинг ҳошиясида шаръий ҳужжат мақомида «сотиб олувчи олинган нарсада айб топса рад қилишга (қайтариб беришга) ҳақлидир» мазмунида «Мухтасар» деган китобдан нақл (кўчирма) келтирилган.)

Акрамбой, ривоят-маҳзарни бозорчининг қўлидан олиб кўрганидан кейин:

— Отинг нима?— деб сўради ундан.

— Ниёзбой!— деди бозорчи.

— Сафарбой ким?— яна сўради Акрамбой.

— Менинг иним — мана бу одам,— деб бозорчи ўз ёнида турган бошқа бозорчини кўрсатди.

— Бу ривоят-маҳзардан маълум бўлишича, бир одам бир чўри савдосини бузиш тўғрисида Ниёзбой ва Сафарбойларга, яъни сенларга даъво қилган. Бу ишнинг эшик-оқабоши жанобларига нима дахли бор?!

— Ҳали гапим тамом бўлгани йўқ,— деди Ниёзбой,— Соҳибназарбой шу ривоят-маҳзарга суяниб амирга ариза бериб, бу ишни ҳал қилиш тўғрисида амирдан қози калон номларига муборакнома чиқарди. Қози калон унинг фойдасига ҳукм қилдилар, биз эллик икки қизил тилла тўлаб чўрини қайтариб олишга мажбур бўлдик. Мен қози калон жанобларига «отамиз ҳам бу айбли чўрининг айбини билмасдан бировдан сотиб олганлар. Бу орада биз куйиб қоламизми?» деб арз қилдим. У киши шу ривоят-маҳзарни бизга топшириб, «сиз ҳам ўша сотувчини топинг, ривоят-маҳзар асосида пулингизни ундан ундириб бериб, чўрини ўзига қайтараман» дедилар. Биз бугун ўша сотувчини саройингизда кўриб, қози калонга арз қилиб мулозим олиб келдик. Энди бу одам ё бизнинг пулимизни бериб, айбли чўрисини қайтариб олади, ёнки биз билан бирга қозихонага бориб бақамти ўтириб жавоб беради.

— Мени ўлдининг, ё тириклай гўрга кўминг, лекин бу номуссизнинг қўлига топшира қўйманг!— деб Жаҳоноро дод-вой қила бошлади.

Мулозим Жаҳонорони тинчлантиргандан кейин, даъвогарларга қараб:

— Сенлар қози калон жанобларига арз қилганла-

рингда,— деди,— «бир қул жаллобга даъвомиз бор» дедингизлар. Агар аризангизда «бизнинг даъвомиз жаноби олий марҳаматлари билан амалдор бўлган Хева карвонбошисига» деганингизда у жаноб арзингизни сира кўрмас ва сенларни қозихонадан қувиб чиқарган бўлур эдилар. Яхшиси шуки, сенлар менинг хизматонам (хизмат ҳақим)ни бериб ўз ишингизга бора беринглар. Сенлар бу одам билан жанжаллашолмайсизлар.

— Карвонбоши бўлса, амалдор бўлган бўлса бўла берсин, бизга нима дахли бор? Биз шу ривоят-маҳзар бўйича ундан ўз ҳақимизни талаб қиламиз,— деди Ниёз, овозини баланд қилиб.

Карвонбоши жанжалкашлар оғзидан ўз номини эшитиб жанжалнинг ўзига оидлигини пайқади ва товушини баланд қилиб:

— Акрамбой! Афтидан, бу жанжал менга оид. Бу ерга келиб воқеани менга тушунтиринг, ўзим жавоб бераман!— деди.

Акрамбой мулозим билан карвонбоши олдига бориб воқеани унга ҳикоя қилдилар. Карвонбоши даъвонинг мазмунини эшитиб, жиддий бир вазият олди ва чўккалаб ўтириб мулозимга хитоб қилиб:

— Булар,— деди даъвогарларга ишорат қилиб,— менигина эмас, олий ҳазратнинг давлатларини ҳам ҳақорат қилганлар. Мен Бухоройи шариф салтанат дарборининг эшиқоқабошиси бўлган бўлсам, ёрлигимда жаноби олий буйруқлари билан «уламо, фузало ва фуқаро буни ҳурмат қилсинлар» деб ёзилган бўлса-ю, икки бозорчи келиб мени қозихонага судратмоқчи бўлса? Бу қандай ҳақорат?

Карвонбоши ўз-ўзига «астағфирулло!» деб бир оз жим тургандан кейин, ҳамёнини очиб беш танга (етмиш беш тийин) олиб мулозимга бера туриб:

— Бу сизнинг хизматонангиз!— деди,— буларни ҳозир кўз олдимдан йўқотингиз. Агар бундан кейин яна шундай адабсизлик қилсалар, ўзим жаноби олийга арз қилиб, зиндонга қаматаман.

Мулозим билан Акрамбой Ниёзбой билан Сафарбойни саройдан қувиб чиқардилар. Аммо бозорнинг касодланишидан хафа бўлган карвонбоши бу воқеанинг таъсири билан сувга пишилган товукдай, бошини кўтара олмас, ҳеч кимга қарамас, ҳар замонда бир «оҳ» тортиб, «астағфирулло!» дер ва энди унга Акрамбойнинг

кўнгил очувчи аскиялари ва латифалари ҳам таъсир қилмас эди.

Карвонбоши шийпон тагида қайғу ва алам юки билан букилиб ўтирган вақтда, сарой эшигидан ўрта ёшли, узун бўйли, эчки соқол, ориқ бир одам кириб келди.

Бу одамга кўзи тушган Акрамбой карвонбошига пи-чирлаб:

— Бу одамни қалъачи Абдураҳимбой дейдилар, ўзи Шофирком туманидан, юмшоқроқ муомала қилинг! Ту-зуккина одам, бозордан бўш чиқиб кетмайди,— деди.

Карвонбоши Абдураҳимбойга синчиклаб қарагандан кейин, Акрамбойга:

— Хўп!— деб қўйди.

Абдураҳимбой бозорни бир соатча айланиб юрди, қул ва чўриларни кўздан кечирди, жаллобларнинг «иғ-во»ларини эшитди, бозорнинг руҳини англади. Аммо бирон қул ва чўрига талаб кўрсатиб баҳо сўрамади. Ёл-ғиз етти яшар бир қулбаччага ҳар замонда бир қараб қўяр эди.

Бойнинг орқасидан қолмай, қул ва чўриларни бир-бир мақтаб, олишга далолат қилиб, унда бирон ҳаракат кўрмаган даллол, ниҳоят, етти яшар болага бойнинг син-чиклаб боқишини кўриб:

— Келинг, бой ака, шу болани олинг,— деб жиддий-роқ дадалат қила бошлади.

— Йўқ, ололмайман, кўнглим дов бермай турибди,— деди бой.

— Бой ака,— деди даллол,— арзимаган пул учун қаттиқлик қилманг, куйса ўттиз ё қирқ тиллангиз куяр. Агар бахтингиз ёр бўлиб қолса, бу бола сизнинг қўли-нгизда катта бўлса, умрингиз борича хизматидан ёлчир-сиз. Кўзларини кўрмайсизми? Худди кийикнинг кўзидек ўйнайди. Зийраклиги боқишидан маълум,— деди ва бо-лага қараб:

— Тур, ўғлим, шу офтобани тўлдириб келтир,— де-гач, даллол яна бойга:

— Юриш-туришига қаранг,— деди,— қандай эпчил бола. Гўзаллигидан, юзу кўзидан, қошу киприklarининг келишганлигидан сизга гапирганимча йўқ. Ун беш-ўн олти яшар бўлган чоғларида, агар бахтингиз чопиб жа-ноби олий туманга саёҳатга чиқсалар, буни давлатхона-га тортиқ қилсангиз, Хева карвонбошиси топган обрўдан ҳам каттароқ обрў топарсиз...

Даллолнинг бу кейинги сўздан бойнинг ичи «шув» этиб, шийпон тагида савлат билан ўтирган карвонбоши томонига бир қаради, унинг бошида эшикоқабошилиқ ёрлиги дарахт шоҳига илиниб қолган бодбаракдек ҳил-пиллаб турмоқда эди...

Даллол сўзини давом эттирди:

— Бу боланинг отини эшиттингизми? Оти Неқадам. «Неқадам», «Некқадам» деган сўз бўлиб, қадами яхши, хайрли демакдир. «От осмондан келади» деганлар азизлар. Бу боланинг қадами нек бўлгани отидан маълум. Буни сотиб олсангиз, уйингизга унинг қадами билан бирга неклик киради.

Даллолнинг тилёғлама далолатларига гап тополмай қолган бой, ниҳоят, шариятга суяниб:

— Дурустку-я, лекин сунний боласини қул қилиб олишга шарият йўл бермайди. Бир бола оламан деб закотлик пулини ҳаром ерга сарф қилиб, гуноҳкор бўлиб қолайми?— деди.

Ўз касбининг йўлини биладиган даллол жим турмади. Офтобани сувга тўлдириб келтириб ўз ўрнига ўтирган болани бойга кўрсатиб:

— Бу бола билан ўзингиз гапиришиб кўринг, қани, сўзлари суннийникига ўхшайдими? Тили, қизилбош тили,— деди-да, боланинг ўзини гапга солди:

— Бола, қаерликсан?— деб бошлаган сўроқ, то мазҳаб масалаларигача бориб етди. Бола, берилган саволларнинг ҳар бирига эрон форсисининг даневар лаҳжаси билан «б» ўрнига «в», «з» ўрнига «ж», «а» ўрнига «е» ишлатиб жавоб берди.

— Ана, кўрдингизми, бой ака!— деди даллол,— бунинг қайси ери сунний? Агар ҳали ҳам олмайман деб турсангиз, бозорга ёлғиз томоша учун келганлигингиз, қул олиш ва унга нон бериш учун қўлингизнинг томири тортишаётганлиги билиниб қолади...

Бу сўзлардан бойнинг уялиб бир оз юмшаганлигини кўрган даллол, судрагандай қилиб қўлидан ушлаб карвонбоши олдига олиб бориб кўриштирганидан кейин:

— Бу киши Некқадамни олмоқчилар, нима берсинлар?— деди.

— Бу киши кўпни кўрган бой одам, ҳар бир молнинг нархини яхши биладилар, ихтиёр ўзларида, ҳар нима берсалар бир қулбаччани бу кишидан аямаймиз,— деди карвонбоши.

— Хайр, бўлмаса, мен бичай,— деб даллол бир қўлига бойнинг ва бир қўлига карвонбошининг қўлини ушлаб, икки қўлни бир-бирига қовуштириб:

— Шу бола юз тиллалик «мол» бўлса ҳам карвонбоши бобом рози бўлсинлар, сиз олтмиш тилла беринг,— деди.

Олтмиш тиллани эшитган бой бирдан чўчиб тушиб, қўлини даллолнинг қўлидан тортиб олди ва:

— Йўқ, бўлмайди,— деди.

Карвонбоши ҳам секингина қўлини тортиб:

— Бой укамиз,— деди,— пул бермасалар ҳам майли, лекин пул бермоқчи бўлгандан кейин молнинг арзишига қараб пул беришлари керак. Ўзингнинг хабаринг борки, эрта билан мен шу қулбаччани етмиш тиллага сотмаган эдим.

— Келинг, хўп денг, келинг, қўлингизни беринг,— деб даллол яна бойнинг қўлини қисиб ушлади ва:— шу савдодан хайр топмасангиз мени қарганг, боринг, сиз эллик тилла беринг, хўпми?..

Даллол бойнинг қўлини қаттиқ қисмоқда эди. Ниҳоят, бой:

— Майли, бўлмаса қирқ тилла берай,— деди.

Карвонбоши чўнтагига кирадиган қирқ тиллани эшитгач, зоҳирда:

— Йўқ, бўлмайди, болани ўлдириб ташласам ташлайманки, лекин бу пулга сотмайман,— деган бўлса ҳам, кўз қири билан даллолга: «Майли, савдони битказ»,— дегандай ишорат қилди.

Савдо битди, қирқ тилла карвонбошиники ва Некқаддам бойники бўлди. Даллол икки танга бойдан ва икки танга карвонбошидан олиб, ҳар икковлари учун хайру барака тилади.

Саройбон бир қайроқни унга булғаб олиб келиб, Некқаддамнинг бошига суртиб, эмлаб:

— Бой ака! Қулингизнинг боши тошдан бўлсин. Қани назрини чиқаринг,— деб у ҳам бойнинг «давлатидан» етти қора пул Баҳоваддин назрига эга бўлди.¹

Энди жайжал боланинг кийимлари устига ўтди:

¹ Пойиостона саройи машҳур Баҳоваддин нақшбанд биноларидан бўлиб, ўзи ҳам тириклиги чоғида шу ерда кўп турган. Шунинг учун бу карвонсарой «Пойиостона» аталган. У ерда бўладиган савдоларнинг ҳар биридан у вақтларда Баҳоваддин назри деб бир нарса бериш одат бўлган.

— Қани, бой ука, кийим келтириб болага кийгизинг, менинг кийимларимни одамимга тойширинг!— деди карвонбоши.

— Қизиқ қилдингиз-а, карвонбоши ака,— деди бой,— сиздек қул савдогари бўлган бир бойга бу гап ярашмайди. Бозордан ўн тапгага бир эшак олсангиз, бир қулоч арқони билан беради. Мен қирқ дона қизил тилла бериб бир қул олибман. Буни менга қип-яланғоч қилиб топширасизми? Бунақа савдонинг хайри бўлмас. Мен-ку қудрат акадан (даллолнинг номи) уялиб бу савдони қилган эдим, агар сиз пушаймон қилган бўлсангиз, мен ҳам иқола¹ савобига рози...

Савдонинг бузилаётганини кўргач, даллол дарров орага кириб:

— Бунинг ҳисобини топамиз, карвонбоши болани сизга қип-яланғоч топширмаслар,— деди ва карвонбошининг одамига қараб:

— Бор, боланинг эски кийимларини келтир,— деб амр қилди.

Хизматчи ўз хўжайинидан ишорат билан яширин рухсат олгандан кейин Некқадамнинг эски кийимларини келтирди.

Бозорга ясантириб киргизиш учун икки кун бурун Некқадамга кийгизилган тоза кийимларни даллол унинг эгидан ечиб олиб, эски кийимларини кийгизди ва:

— Боринглар, икковларингиз ҳам барака топинглар,— деб орани яна келиштирди.

Шу билан, икки ой чириган, сасиган кийимлар ичида азоб чекиб тоғларни, чўлларни ошган ва ёлғиз икки кундан бери тоза кийимнинг юзини кўрган бахтсиз бола яна ўша эски ифлос ва сассиқ кийимларга ўралишга мажбур бўлди...

XII

Наби полвон пахтакашлик ишини тезлатмоқда ва тозаланган пахталарни той боғламоқда эди. Пахтакашларнинг баъзилари бойнинг хоҳиши ва Наби полвоннинг

¹ Иқола — савдони бузиб, молни қайтариб бериш. Савдогарларча бу савоб эмиш.

далолати билан биринчи дафъада олган бир ботмон ғўзаларнинг ҳисобини узмасдан, яъни ботмон ғўзага тегишли ўн етти чорак тоза пахта ва ярим ботмон чигитнинг ҳақиқатда шундай чиқиш ё чиқмаслигини текширмасдан, янги ғўза қабул қилган бўлсалар ҳам, баъзи пахтақорроқлари бунга унамадилар.

— Ҳисоб баравар бўлсин, сўнгра янги ғўза олсак олармиз,— дедилар.

Пахтақорларнинг шубҳалари тўғри чиқди, бойнинг «ботмон» деб берган ғўзасидан тозаланган пахта ўн етти чорак эмас, ўн олти чорак, чигит ҳам ярим ботмондан икки чорак оз чиқди.

— Иллат «ё ошда, ё мошда»,— деб қўйди, пахта ва чигитнинг бурунги тахминдан оз чиққанини кўрган бир пахтакаш.

— Ё ҳар иккисиди,— деди пахтакашликка янги киришган тўтибурут ўктам бир деҳқон.

— Нима демоқчи бўласан?— деди пахтакашга қараб Наби.— Очiqроқ гапир, гапингнинг маънисини тушунмадим.

— Ё бой ўлчаб берган ғўза бир ботмон эмас, ёки ғўзага ёмон ғўза аралашган, бой «ғўзаларимнинг ҳаммаси сумбула ойининг ғўзаси» дегач, биз ботмондан ўн етти чорак пахта чиқар деб ўйлаган эдик.

— Яъни бойни ўғри ё фирибгар демоқчи бўласанда,— деди Наби.

— Йўқ, бойни ўғри ё фирибгар демоқчи эмасман. Лекин саҳв-хато бўлиши мумкин, масалан, тарози янглиш саналган бўлса, ёки ишнинг айни долзарбида яхши ғўзага паст ғўза аралашган бўлса, албатта, на тозаланган пахта, на чигит тахмин қилинганча чиқмайди.

— Саҳв-хато, янглиш,— деди тўтибурут деҳқон,— бир киши учун ёки икки киши учун ўлчаб берилган ғўзада бўлади. Ҳозир бу «саҳв» ҳамма пахтакашлар ўлчаб олган ғўзада бор. Тунов кун мен ҳам бойдан бир ботмон ғўза ўлчаб олган эдим. Халқнинг миш-мишини эшитиб, шубҳага тушиб, ўзим ўлчаб кўрдим, бир ботмон деган ғўза панжсер кам чиқди, бунинг устига ярмиси олақароқ¹ эди.

¹ Олақароқ — табиий ҳолда очилмай, совуқ уриб, сўнгра офтобда очилган кўсақ.

— Олақароқ бўлса нимага олдинг?— деди жанжал устига етиб келган бой.

— Сизнинг гапингизга инониб олдим.

— Ҳали бу тошини ҳам панжсер кам деяпти,— деди Наби полвон бойга.

— А?.. тоши кам?..— деб сесканиб, қизиб кетди бой ва:

— «Астағфирулло»,— деб яна ўзини тутди.

— Ҳа,— деди тўтибурут,— ўлчаб кўрдим, панжсер кам.

Бой қизиди ва тўтибурут деҳқонга ўшқириб:

— Ўзингнинг тошинг оғир, тарозинг бузуқ, муттаҳам!— деди.

— Келинг, бой ака,— деди тўтибурут, қонини бузмасдан,— ғўзангизни менинг шу оғир тошим ва бузуқ тарозим билан қайта бошдан ўлчаб беринг, пахта ва чигитни ҳам ўша оғир тош ва бузуқ тарози билан ўлчаб олинг, тузукми?

Бой ўткир соскан¹ еган ва қутулиш йўли қолмаган эди, бўшашди:

— Рустам ука,— деди тўтибурутга қараб бой,— ҳали сен ёшсан, пешхезлик қилма, истасанг ишла, ишламасанг ғўзамни қайтариб бер, жанжаллашиб ўтирма, жанжал ишга хуши йўқларнинг иши.

— Мен ишлайман, лекин ишлаб сиздан тўрт танга олиб нафақайи аҳлу аёл қилиш учун ишлайман, аммо ишлаб-ишлаб охирда камомад учун сиздан қарздор бўлиб қарзни тўлаш учун сизга ё бошқа сиздек бирон бойга умрим бўйи етим бўлиб қолиш мақсади билан ишлайман.

— Бор, кет, сўнгра ҳисобини топармиз,— деб Наби Рустамни итариб дарвозадан чиқариб юборди. Рустам бўлса:

— Муттаҳамлар, ўғрилар, шошмай туринглар, одабларингизни бериб қўяман,— деб ўз-ўзича ғўдураниб кетди.

* * *

М. қишлоғининг мачити олдида кўп деҳқонлар ва пахтакашлар тўпланган, жанжал қизиган эди. Абдура-

¹ Соскан — катта балиқларни уриб овлайдиган узун хода.

ҳимбой чақиртириб келтирган Шофирком туманининг қози, раис ва миршаб одамлари ҳам жанжалга аралашган эдилар.

— Биз,— деди қозининг одами,— уринамизки, яраш бўлсин, сизлар камомад пахта ва чигитлар важдан бойга тилхат беринглар. Бой сизларга яна ғўза берсин, қарзингизни иш ҳақингиздан кам-кам узарсиз. Агар ярашишга унамасанглар, ҳаммангизни қозихонага ҳайдаймиз, унда ишингиз огирлашади.

— Илоҳи тавба,— деди бир пахтакаш,— бола-чақалар бир ҳафта тирноқ кўчириб ғўза чувиганлар. Узинг шонанг узилганча чигриқ айлантир, охирда қарздор бўлиб чиқ.

— Ҳалоллик билан ишласанглар, қарздор бўлмас эдинглар,— деди раис одами.

— Биз,— деди Рустам,— ҳаромлик қилиб кимнинг молини ўғирладик.

— Уғри бўлсанг-да, тўғри бўлсанг-да, сен шариат юзасидан ўғри, бой сенга ботмон ғўза ўлчаб берган; сен ўз иқдорингча панжсер кам бир ботмон ғўза қайтаргансан, мана шу панжсерга бир важ айтиш керак,— деди миршаб одами.

— Бошда бойнинг ўзи кам ўлчаб берган,— деди Рустам.

— Сен бойни ўғри демоқчи бўласанми?— деди Р. қишлоғидан жанжални босиш учун келган пахтачи Розикбой.

— Уғрини ўғри, тўғрини тўғри дейдилар-да, бой ака,— деди Рустам Розикбойга қараб,— сиз ҳар вақт ғўза савдоси устида пахтакашларни кўпроқ қўлга тушириш тўғрисида Абдураҳимбой билан иту мушук сингари ёқалашар эдингиз-ку, бугун нима бўлдики, унга жонкуяр бўлиб келибсиз.

— Шу учунки,— деди бир пахтакаш,— бу кишининг пахтакашлари ҳам, ғўрру песни бошлаган, бу кишининг ҳам ботмон деб ўлчаб берган ғўзалари панжсер кам чиққан. Бизни бостира олсалар, ўзларининг пахтакашлари ҳам жим бўлиб, тақдирга тан бериб ишлай беради, агар Абдураҳимбой ютқазса-чи, бу киши ҳам ютқазади. Мана шунинг учун бугун бу киши бизнинг бой билан апоқ-чапоқ. «Уғри ўғри билан қоронғи кечада топишади», деганлар.

— Вой, бу муттаҳамлар мени ҳам ўғри деди. Эшит-

дингизларми, чорҳоким¹ одамлари!— деб бақирди Розикбой.

— Оғзи катталарни тут!— деб миршаб ва раис одамларига буюрди қози одами. Рустам бош бўлгани ҳолда тўрт «оғзи катта» пахтакашни тутиб дарахтга боғладилар.

Қолган пахтакаш ва деҳқонлар юмшадилар. Чорҳоким одамлари бойлар билан биргалашиб яраш режасини чизмоқда ва қишлоқ имоми бўлса деҳқонларга насихат қилмоқда эди.

— Бу қандай бедодлик, тақсирим,— деб бир пахтакаш имомга зорланганда, имом:

— Зарари йўқ, ноҳақ бўлса худо сизга ажрини беради. Ҳар нима бўлса шукур қилиш керак, банданинг вазифаси шу,— деди.

— Оҳ,— деди секингина бир пахтакаш, ҳоким одамларига эшиттирмасдан,— агар ёлғиз бир ерда қўлимга тушса эди, шу бойнинг калласини узиб ташлар эдим. Юз фириб-найранг билан бутун яхши ерларни ўз қўлига киргизиб олди, энди бизнинг кунимиз чорикорлик, мардикорлик ва пахтакашликка қолди. Ишлаб қорин тўйгазиш нари турсин, қарздор ҳам бўлиб қоласан.

— Худодан кўринг,— деди имом,— ношукурчилик қилгансиз, тавба денг, бой ҳақиға ёмон ният қилманг; озми-кўпми унинг тузини егансиз, китобларда «туз ҳақи — худо ҳақи» деганлар.

— Бойнинг тузини сиз текин егансиз, шу учун унга ён босаётирсиз, биз бўлсак бир кафт туз учун бир ой ишлаганмиз,— деди бир пахтакаш.

— Тилингни тий, одобсиз,— деди имом қизиб ва товушини кўтариб,— аҳволинг шу бўлса бундан ҳам баттарроқ кунга тушасан, бойга давлатни худо берган, сен худо билан ёқалашасанми?

— Бой ўғирлаб олган!— деб бақирди ҳалиги пахтакаш.— Бу сўзни эшитган миршаб одами имомнинг кўрсатиши билан бу пахтакашни ҳам бурунгилар қаторига элтиб дарахтга боғлади.

Яраш режаси тузилди: камомадлар ҳисоб қилиниб, ҳар ким ўз ҳиссасига яраша бойдан қарздор бўлиб тилхат берди. Қарзни тўлаш йўли ҳар бир қарздорнинг ўз

¹ Бухоро музофотида амир замонида қози, раис, амлоқдор ва миршабни бир сўз билан «чорҳоким» дер эдилар.

ихтиёрига ҳавола қилинди. Истаган одам яна пахтакашлик қилиб иш ҳақидан қарзини узади, истамаган одам мардикорлик, ё бошқа бирон бечорачилик қилиб бойга важ айтади. Фақат ҳар ким яна пахтакашликка кўнса камомад тўғрисидаги қарзининг ярмиси бағишланади. Қози одамнинг назарича, бу бойнинг ўз ишчиларига бир «марҳамати» эди.

— Аммо дарахтга боғланган юртбузармон оғзи катталар бўлса,— деди қози одами,— бойларни ва домла имомни ҳақорат қилганлари сабабли қозихонага олиб бориладилар ва у ерда шарият бўйича ўз жазоларини тортадилар.

Бойнинг араваси келиб йўлда тўхтади, бандиларни дарахтдан ечиб, аравага олиб чиқиб боғладилар. Арава устида оёқ-қўли боғланиб ётган Рустамга қараб, бой:

— Энди билдингми, мен ўғри эканманми? Сенми?— деб масхара қилди.

— Сен ўғри, лекин сен кечалари яроғ кўтариб бировларнинг йўлини тўсиб зўрлик билан молини оладиган мард ўғри эмассан, балки куппа-кундузи ҳеч кимга сездирмасдан ҳам жиришдан, ҳам ўрбоқдан, ҳам ўришдан, ҳам арқоқдан ўғирлайдиган муттахам ўғрисан...

Миршаб одамларининг себандлари бу сўзларни гапираётган Рустамнинг бошига қўниб, уни гапдан тўхтатди. Арава ҳам қозихонага қараб йўналди.

XIII

Куз охирлашиб қиш яқинлашган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёгингарчилик бошланмаган эди. Фақат кўк юзини қоплаган кул ранг булутлар таъсири оз қолган офтобни яна ҳам таъсирсизлатган, Сибирдан эсиб Оренбургни ошиб, Қизилчўлни кесиб, Шофирком туманини кезиб, ўтиб кетадиган қум аралаш шамол далада ишловчиларнинг қўл-оёқларини сизлатмоқда эди.

Тонг қоронғиси билан ҳеч нарса емасдан далага чиқиб, эски токзорнинг кундаларини кавлаётган қулларга бу шамол жуда ҳам ёмон таъсир қилди, оч қорин билан тинмасдан тушгача кетмон чопган, болта урган белларда мадор, дилларда қарор қолмади.

— Чарчаган ва оч қолган вақтимизда шамолнинг бу

ўйини,— деди Ризоқул,— дард устига чипқон бўлди,— ва кетмонни бир ёққа отиб, янгигина ўзи ағдарган юмшоқ тупроқ устига чўзилди.

— Мен,— деди кетмон сопига суяниб Ашур,— бой қалъага кетгандан кейин бир оз тинчланармиз деб ўйлаган эдим, лекин бу уйнинг куйгур Наби полвон бойдан ҳам шаддодроқ чиқди.

— Бойнинг,— деди Ҳошим, урган кетмонини ердан узмасдан,— Оренбург сафарига кетаётганида Набига қараб, «сен менинг ўзим бўла олмасанг ҳам кўзим бўл, кўзим!» деган гапини эшитган эдингми?

— Эшитиб эдим,— деди Ашур,— лекин бой шундай сўзни бултурги қалъа сафари вақтида бурунги гумаштасига ҳам айтган эди, у гумашта бизни Набидек қисмаган эди.

— Шунинг учун бой уни ўз гумашталигидан қувди ва унинг ўрнига бу жаллодбашарани олди-да.

— Наби полвон бойнинг чўри ва ғумоларини¹ ҳам бойнинг ўзидан кўпроқ ишлаётибди. Бой шу ердалигида булар уй ишларидан бўшагандан кейин беш-олти сават пахта чувиб берар эдилар. Энди бўлса Наби уларга кунда ўн сават пахта чувитаяпти. Шу пахталарни чиғириқдан ўтказмагунча бизга ҳам ухлашга йўл бермайди.

— Шу бечора Некқадамгинанинг ҳолини кўрмайсанми, итга тиним бор, бу бахтсиз болага тиним йўқ. «Некқадам, молларни ҳайдовга чиқар, Некқадам, молларни суғор, Некқадам, молларнинг тагини тозала, Некқадам, молларнинг охурларига ем сол, Некқадам, ҳовли супур, Некқадам, чанғолоқларни² йиғиб ошхонага олиб кир. Некқадам, чигит ва пахта таши...» Бу кўзга кўринмайдиган сонсиз-саноқсиз майда-чуйда ишлар ҳали оғзидан сут иси келиб турган саккиз яшар Некқадамга буюрилади.

— Буниси оз,— деди Тақи,— ишларни тузук бажармаганлиги учун бу бола кунда ўн-ўн икки марта шапаалоқ ҳам ейди.

— Туринглар,— деди Ашур, бошқа қулларга қараб,— бугун шу токзорнинг ярмисини ағдариб кундаларини кавлаб олмасак, биз ҳам Набидан таёқ еймиз.

¹ Ғумо — эгасига хотинлик ҳам қиладиган чўри.

² Чанғолоқ — ғўза пўчоғи.

Қуллар эринибгина туриб кетмон ва болта сопиға ёпишдилар.

— Сабил қолгур қаварган қўллар,— деди Тақи,— совугандан кейин кетмон сопини ушлай олмас экан.

— Сен бўлмаса,— деди Ашур унга,— сотурни¹ олиб тоқларнинг новдаларини чопиб ташлай бер, биз кавлаймиз.

Кўкнинг бир ёғидан булут тарқалиб ялт этиб офтоб кўринди. Ҳошим осмонга қараб:

— У, пешин бўлаёзибди-ку,— деди,— ҳали ҳам Қалмоқ опа обиёвғонини юбормайди. Қуруқ бир иссиқ сув ичга кирса ҳам, бадан бир оз қизиб, қўллар кетмонга қовушар эди.

— Кошки иссиқ сув бўлсайди,— деди Ашур,— бу ҳавода чорақ тош йўлдан келтириладиган хўрак яхдай бўлиб келади.

— Ушани ҳам хўрак деб бўладими?— деди Ризоқул,— бир қозон сувга бир кафт мош ва бир бош пиёз солади. Бу бизнинг эрта оқшом хўрагимиз. Бу манжалақи² Қалмоқ опа қайта бошдан қозон-товоққа эга бўлдим деб жудаям қисиб юборди.

— Бундай тирикчилик бўлмайди,— деди бу сўзларга қўшилмай ўтирган Фарҳод, манглайини қаший-қаший,— ўша ўйлаб юрган ишимизни шу кун қилишимиз керак.

— Мен ҳам энди розиман,— деди Ашур,— мен ишимиз бугун яхши бўлар, эрта яхши бўлар, деб умид қилиб юриб эдим, ҳолбуки, кундан-кун ёмонлашмоқда. «Ё ол худо, ё бер худо» деб қочиб, толеимизни бир синаб кўрайлик. Ё шу қочганимизча қутулиб кетармиз, ёки яна қўлга тушиб, бундан ҳам ёмонроқ ҳолга тушармиз.

— Бундан ҳам ёмонроқ ҳолнинг бўлиши мумкин эмас,— деди Фарҳод, ўрнидан туриб Ашурга яқинроқ келиб,— бундан ҳам ёмонроқ деб сен ўйлаган ҳол ўлимдир. Аммо, менимча, ўлим бу ҳолдан юз марта яхшироқ...

Узоқдан келаётган Гулфом билан Некқадамни кўрган Фарҳод чала қолган сўзини тугатди:

— Ана булар келтираётган заҳри заққумни ичиб, йўлга чиқиш керак.

— Қочиш керак, қутулиш керак.

— Ё ўлиш керак...

¹ Сотур — дарахт ва тоқларни чопадиган асбоб. У тожикчада даст қола ва тоқбур дейилади.

² Манжалақи — хотинларга бериладиган таҳқирий сифат.

— Кун кеч бўлди, Гулфом билан Некқадамдан ҳеч бир дарак йўқ, Некқадам-ку ҳали бола, аммо Гулфомга нима бўлди?— деб Наби полвон бойнинг қароли Шербекка шикоят қилди.

Кашшаларга кетмон билан гўнг солаётган Шербек жуда совуққонлик билан лабини буриб:

— Мен қайдан билай?— деди ва кашшаси гўнгга тўлган эшакни «хих-хих» деб ҳайдаб, гўнгхонадан нарироққа сурди, иккинчи эшакни тортиб, кашшасини тиклаб, унга гўнг сола берди.

Шербекнинг жавобидан қаноатланмаган Наби полвон ўзига-ўзи:

— «Бу одамга гапириб жавоб ол»,— деди ғуриглаб ва жаҳли чиқиб, Шербекка қараб:

— Уй одам! Сендан сўрайман, буларга нима бўлган дейман?— деди.

— Мен билмайман, мен қайдан билай дедим-ку,— деди Шербек ва гўнг билан бўшгина тўлган кашшага қўлини тирсагигача тиқиб, гўнгни жойлай-жойлай, қўшимча қилди:

— Мен уларга қоровулми, ёки киндигим уларники билан бирми?

— «Астағфирулло...» Бу одамга нима бўлди-я? — деб ўзича ғуриглагандан кейин, Наби полвон Шербекка қараб:

— Гўнгни ағдар, эшақларни бостирмага ҳайда, хўрак еб турсинлар, ўзинг бир эшақка мин, тўғри тоқлари кавланаётган боққа бориб хабар ол, уларга нима бўлдийкин!— деди.

Шербек ўз-ўзига:

— «Тўлдирилган кашшаларни бўшата қол, сўнгра-буларни яна холаваччанг тўлдириб беради»,— деб ғуриглагандан кейин, кашшаларни бўшатди ва бир эшақка миниб, боғ сари йўл солди.

Наби полвон Шербекнинг пичингини тушунган бўлса ҳам, ўзини билмасликка солди, бу «жонига теккан одам» билан баҳслашиб заҳарли жавоблар эшитишни «ўз шаънига муносиб кўрмади»...

Орадан тахминан бирон соат ўтгандан кейин Шербек келди. У миниб борган эшақка кетмонлар, болталар ва сотурлар ортилган эди. Наби полвоннинг:

— Ҳа, улар қани?— деб берган саволига Шербек нарсаларни эшакдан аста туширгандан кейин:

— Мен боққа бордим,— деди,— у ерда ҳеч ким йўқ экан, титилиб ётган афзалларни ололганимча олиб эшакка ортиб, қолганларини ош идишлари билан бирга тоқпиллалар остига тиқиб кела бердим.

— Қуллар қаерда, Гулфом билан Некқадам қаерга кетган?

— Мен қайдан билай.

— Булар қочган,— деди Наби полвон...

«Агар бола-чақам бўлмаса, мен ҳам қочар эдим»,— деб қўйди ўз-ўзига Шербек.

XIV

— «Пайғамбари худога салавот! Фузолою фуқароики борсизлар, эшитмадим деманглар! Шофирком тумани, Денави Абдуллажон тобини, М. қишлоқлик қалъачи Абдурахимбойнинг саккиз нафар қули, бир чўриси ва бир қулбаччаси қочган, қулбаччадан бўлак буларнинг ҳар бирининг билагига тақа шаклли тамға босилган, буларни ҳар ким тутиб берса, қул бошига бир қизил тилла, дарагини айтса, қул бошига ярим тилла севинчиси боррр... Пайғамбари худога салавот-т-т!»

Эрта билан Хўжаориф бозорида бир жарчи юқоридаги мазмунда жар солмоқда эди. Аммо бир неча тилла, ҳеч бўлмаганда бир тилла, ёки ярим тилла тамаига тушганлар, қанча ахтарсалар ҳам, қочган қуллардан бирон из-асар тополмадилар.

Наби полвон қочган қулларни излаш йўлида ёлғиз ҳокимларга арз қилиш ва бозорда жар солдириш билан кифояланиб қолмаган, балки ўзи отланиб М. қишлоғига яқин бўлган чўл этагидаги бир қозоқ овулига бориб, у ердан изчи (из қувувчи) топиб қози, раис ва миршаб одамларига қўшиб, қочқинлар орқасидан йўлга солган эди.

Изчи қозоқ аввал қочиш жойи бўлган боққа кириб, у ердаги изларни бир-бир кўздан кечирди, боғ теварагини қаричлаб-синчиклаб кўрди ва шимол томонга қараб йўл солди. Тахминан икки минг қадам йўл босилгандан кейин из Қизилқум хомалари орасида йўқолди. Ун каби майда, сув каби суюқ бўлган Қизилқумда шамол издан бошқа нарсанинг изи кўринмас эди. Қум хомалари-

нинг усти шамол билан енгилгина мавжланиб турган кўл сувининг юзидек қўпорма занжиралар¹ шаклида кўринар ва озгина ел эсиши билан бу занжиралар ўз жойларини ўзгартиб турар эди.

Изчи қозоқ бир-икки қум хомасининг бу ёғидан у ёғига, у ёғидан бу ёғига ўтди, аммо издан нишон йўқ эди, эски излар нари турсин, ҳатто қозоқ ўз изини ҳам тополмас эди; ҳар босилган қадам ўрни сувга босилгандек, оёқ кўтарилган ҳамон кўмилар ва у ерда дарров занжира шакли қўпормалар пайдо бўлар эди.

Қозоқ шошиб қолди; ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам ечилмаган қулоқчиннинг боғини ечди, терга ботган қулоқ тубларини энги билан артди-да:

— «Бўй, бўй-й-й... Ё пириме-е»,— деб бир томонга йўл солди. Бир-икки қум хомасини ошгандан кейин, бир ерга кўз солиб:

— Топдимувввв!..— деб бақириб юборди.

Изчининг иш натижасини кутиб бир чеккада турган ҳоким одамлари унга қараб югурдилар ва икки қум хомаси орасида тақир бир ерда қон изларига қараб турган қозоқнинг устига бориб:

— Қани, йигит оғаси? Бизга ҳам кўрсат!— дедилар.

Қозоқ ҳукумат одамларига қон изини кўрсатиб:

— Сенлар,— деди,— отланиб, секин-секин менинг орқамдан кела беринглар; мен энг керакли нишонани топдим, шу нишонанинг орқасидан қолмасдан йўл соламан.

— Бу қозоқ Қизилқумда бизни адаштириб овора қилмасмикин?— деб ҳукумат одамлари иккиланиб отландилар.

Қозоқ қум хомаларини бир-бир ошмоқда; уларнинг орасидаги тақир ерларда қон томчилари изини кўриб ўзида йўқ қувонмоқда эди.

Бир-икки соат йўл юргандан кейин ҳукумат одамлари оч қолдилар, ўзлари нон еб, отларини ҳам ўтлатмоқчи бўлдилар. Қозоқ кўнмади.

— Кечиксак, изни йўқотамиз, меҳнатларимиз бўшга кетади,— деди.

Қизил тиллалар умидида йўлга чиққан ҳукумат одамлари учун ҳам изни йўқотиш зарарли эди. Қозоқнинг

¹ З а н ж и р а — меъморлик ва нажжорликда қўпорма ё ўйма шаклда ганч ва ёғочга солинадиган маълум бир нақш, бу нақшни «ислимий» деб ҳам юритадилар.

таклифини истар-истамас қабул қилдилар ва унинг орқасидан йўл боса бердилар.

Қум хомалари тугади, поёнсиз кенг ва текис чўл бошланди. Энди қон томчиларининг изи чумоли (қумурсқа) нинг йўлидек маълум бир томонга мунтазам бормоқда эди. Из бора-бора «Тикай» чўлидаги бўш бир мол қўрасининг олдида тўхтади. Қозоқ у ерда ҳовуздек қилиб қазилган қўра бўйига келиб, орқасига қарамасдан:

— Топдим!— деб бақирди. Орқадан эринибгина келаётган отлиқларга бирдан жон кирди; қиличларини қинидан суғуриб, отларини йўрттириб қўра бошига келдилар. Қўра ичида бир неча киши ўликдек бўлиб ётмоқда эди.

— Сизлар ким?— деб бақирди ҳукумат одамларидан бири. Аммо ётганлардан ҳеч бир сас-садо чиқмади.

Қозоқ бошлаб ҳаммалари қўрага кирдилар, отларни ўз ҳолига қўйиб, ётганларнинг устига йиғилдилар. Ҳали ҳам уларда бирон қимирлаш асари йўқ.

Қозоқ ётганлардан бирининг қўлини олиб унинг биллагини кўздан кечирди; унга тамға солингани йўқ, фақат тамға солинадиган ери тилинган ва у ердан қон сизмоқда эди.

— Бу тирик,— деди қозоқ,— бироқ, тамғаси йўқ.

Қозоқ ётганларнинг барчасини бир-бир кўздан кечирди. Булар саккиз нафар катта одам, бир ёш ўғил бола ва битта хотин эди. Буларда ҳеч бирининг билагида тамға аломати йўқ ва ҳаммаларининг билаклари тилинган, қон сизмоқда эди, ёлғиз боланинг билаги тилинмаган эди.

— Шулар,— деди қозоқ илжайиб,— тамға изини йўқотиш учун ўрнини тилганлар.

Қозоқ ётганлардан бирини таталаб-тирмалаб турғизмоқчи бўлди, у кўзини очиб қозоққа бир қараган бўлса ҳам қимирлашга, гапиришга мадори йўқ эди.

— Булар оч, ўлим ёқасида,— деди қозоқ ҳукумат одамларига қараб,— хуржундаги нон-сувдан бир қисмини келтиринг, мен буларни тирилтирай.

Ҳукумат одамлари икки кўзача сув ва тўртта нонни бир коса билан қозоққа келтириб бердилар ва ўзлари бир чеккада овқатлана бошладилар.

Қозоқ бир бурда нонни бир коса сувда ивитиб, ётганлардан бирининг бўғзига оз-оздан қўйди. У одам бу «атала»дан бир-икки ютум ютгандан кейин кўзини очди ва теваракка қарагандан кейин:

— Ҳай, аттанг-нг-нг... қўлга тушибмиз-ку,— деди ва яна кўзини юмди. Қозоқ бу одамни қўйиб, бошқа бирининг бўғзига атала қўйди, у ҳам кўзини очди, у ҳам қўлга тушганликларини сезиб, эссизланди. Шундай қилиб, қозоқ ётганларнинг барисига жон киргизди. Сўнгра буларга яна бир оз нон егизиб, сув ичириб, ҳаммаларини туриш-юришга кучлари етадиган бир ҳолга келтирди...

XV

Қуллар Абдурахимбойнинг молхонасида қўл ва оёқлари боғлиқ бир неча кундан бери қамоқда эдилар. Молхонанинг қулфланган эшигини кунда бир марта Наби полвон ўзи очади, бир кўза сув қўйиб, бандиларга бириккита нонни бурдалаб бериб, бўш кўзани олиб чиқиб кетади.

Молхонага қамалган биринчи кунларидаёқ бир неча марта қамчи еган тутқунлар, Наби ҳар дафъа эшикдан кирганда, итни кўрган мушукдек, бурчакларга пусиб, унга ҳуркиб-ҳуркиб қарайдилар: у чиқиб кетгандан кейин ҳам бир неча минут эшикка қараб туриб, сўнгра олдиларига ташланган нонни қўрқа-қўрқа чайнай бошлайдилар.

Одати бўйича кунда кечқурун молхонага кирадиган Наби полвоннинг эрталаб келиб эшикни оча бошлаши қулларни жуда қўрқитган эди, улар нималар бўлишни кутиб зириллаб турмоқда эдилар. Молхона эшиги очилди, Наби ичкари кирди, бу дафъа қўлида кўза ва нон йўқ, аммо қамчи бор эди. Қуллар баггар қўрқдилар. Бир неча кун бурун урилган қамчиларнинг зарфи билан қабариб, қорайиб ёрилган баданлар сизлана бошлади.

Аммо Наби бу дафъа ҳеч кимни урмади.

— Фарҳод, бери кел,— деб уни молхонадан ташкарига чиқарди. Ҳовли ўртасида янгигина чилангар дўконидан ясатиб келтирилган бир тўда бўғовли кишанлар ётмоқда эди.

Наби Фарҳоднинг қўл-оёғига боғланган оддий кишанни очди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бути ва бўйнига урди.

Бўғовли кишан умумий оддий кишанлардай бўлиб,

фақат оёққа солинадиган томони почага эмас, тиззадан юқори — одамнинг сонига мувофиқ қилиб ясалган, занжирининг узунлиги одамнинг бутидан бўйнига етадиган бўлиб, унинг учига ит овчиларининг қисқичларидек бир қисқич одам бўйнига сиғадиган қилиб парчинланган эди. Қисқичнинг учи тикка чўзилтирилиб ҳалқа қилинган бўлиб, бўйнига солганда елка томондан қулфлашга жуда бошлаб ясалган эди. Бўғовли кишаннинг бир пудча оғирлигини назарга олмаганда, у боғланган одамнинг ишлашига, юриш-туришига ҳеч бир халал бермас, ёлғиз чопиш ва қочишга йўл қўймас эди. Бўғовли кишан Наби полвон ёки уни ясаган чилангарнинг ихтирои бўлмай, Бухоро музофотидаги қул эгаларининг эски замондан бери қочқир қуллар учун қўлланадиган кишанлари эди.

Наби полвон Ашур, Ризоқул, Ҳошим, Тақи ва бошқаларни молхонадан бир-бир чақириб, уларга ҳам бўғовли кишан солди. Энг охирда Гулфом билан Некқадамни чақириб уларга ҳам бўғовли кишан солмоқчи бўлди. Гулфомнинг:

— Ўз ихтиёрим билан қочганим йўқ, мени зўр билан олиб кетдилар,— деб зорланиши ва Ашурнинг унинг сўзини қувватлаб:

— Рост айтади, «уйга бориб бизнинг сўзимизни айтмасинлар» деб Гулфом билан Некқадамни зўр билан олиб кетдик,— деб гувоҳлик бериши бўғовли кишан урилишини тўхтатмади.

Гулфомга кишан урилгандан кейин навбат Некқадамга келди, унга ҳам ўз бўйи, бўйни ва сонига мувофиқ қилиниб ясалган бўғовли кишанча урилди.

Наби полвон бўғовли кишан урилган қулларни қоровулсиз кетмон, болта ва сотур кўтартириб неча кундан бери иши ётиб қолган боққа жўнатди. Гулфомни Қалмоқ опа ихтиёрига топширди. Ҳовли ўртасида ўз тақдирини кутиб ёлғиз Некқадам турмоқда эди.

— Қалмоқ ойм! Тамға қизиган бўлса олиб кел!— деб бақирди Наби.

Қалмоқ опа бойнинг Россияга юбориладиган молларига, даладаги қўйларига, галадаги қорамолларига, қатордаги туяларига, йилқидаги отларига, жумладан, қуллар ва чўриларининг билақларига босиладиган тақа шаклли темир тамғани қип-қизил чўғ ҳолида амбур билан қисиб келтирди.

Наби Некқадамни ерга ётқизди, икки қўлини кафтидан икки оёғи билан ерга босди, Қалмоқ опа оёқларини босди. Наби полвон қиздирилган тамғанинг думчасидан амбур билан қисиб туриб, уни Некқадамнинг билагига босди.

Бола жон аччиғидан чириллаб дод деди, нафаси бўғилди, сўнгра бир оз тинчигандай бўлди... Бола ҳушдан кетган эди.

Боланинг билагига ёпишиб қолган тамғани Наби полвон эритилган сўрғич устига босилган печатдек, зўрға узиб олди, доғланган жойга Қалмоқ опа куйдирилган кигиз босди. Шу билан Некқадам ҳам бойнинг ҳеч йўқолмайдиган тамғали моллари қаторига кирди...

XVI

М. қишлоғи бошдан-оёқ сув сепиб супурилган, Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовлилари меҳмон қўнарлик бир ҳолга келтирилган, қишлоқнинг кенгроқ ҳовлиларига ширмол ва тафтон нонлар ёпиладиган катта тандирлар қурилган эди. Айниқса Абдурахимбойнинг ҳовлиси виставкаларда намуна бўларли даражада зийнатланган, бойнинг ўн уч болорли катта меҳмонхонасига қизил така қолини солиниб, теварагига узун духоба кўрпачалар тўшалган, уйнинг тўрига беш қават духоба кўрпалар солиниб, унинг тўрт жойига учтадан устма-уст пар ёстиқлар қўйилган эди. Ҳовли устида кесма қизил нақшлар солинган шомийоналар¹ тортилган бўлиб, ҳовли юзи ёғингарчиликдан сақланган эди. Шомийона остидаги шоҳсупаларга ҳам қизил гиламлар, адрас ва шойи кўрпачалар солинган бўлиб, «азиз» меҳмонлар ўтирарлик бир ҳолга келтирилган эди.

Ҳовлининг ёнбошгинасидаги туяхонада ҳар бирида ботмон гуруч дамланадиган катта мис қозонлар, қази қайнатиш, қўзи қовуриш, мой доғлаш учун катта-катта чўян қозонлар, мураббо пишириш, нишолда яшаш учун потилалар² қурилган эди.

¹ Шомийона — ҳовлилар устига ёки чодирлар олдида тортиладиган махсус катта чойшаб (чодиршаб) дир.

² Потила — ширвор пишириладиган оғзи кенг мис қозон.

Тонг қоронғиси билан Миразим карвонбоши бош бўлгани ҳолда туманнинг бутун қалъачи савдогарлари, бой деҳқонлари, арбоб-оқсоқоллари келиб, ўзларига тайин қилинган қишлоқдаги ҳовлиларга тўп-тўп бўлиб қўниб отларини, сайисларини, хизматчиларини ва чавандозларини¹ қўшхоналарида қолдириб, ўзлари Абдурахимбой ҳовлисига йиғилдилар. Ҳовли ичига қатор қўйилган қаравотларда, курсиларда ўтириб чой ича бошладилар.

Туш чоғи яқинлашганда бир чопар от чоптириб бойнинг ҳовлисига кириб келди ва отдан тушиб, бойга:

— Келдилар,— деди.

Ҳовли, чўп суқилган ари уясидек, бирдан жувиллаб кетди, ҳали бўшамаган пиёлалар қўйилди, саллалар тўғриланди, соқоллар бармоқлар билан таралди, камарчалар боғланди, бой бошда ҳамма меҳмонлар кўчага чиқиб, йўлнинг икки томонида саф бўлдилар.

Беш минут ўтар-ўтмас Вардонзе томонидан отлиқлар кўрина бошлади ва бир оздан кейин улар яқинлашдилар: бошда қози билан амлокдор бир сафда, уларнинг кетида раис билан миршаб бир сафда, улардан кейин туман муфтиси, қози ва амлокдор мирзалари бир сафда ва уларнинг орқаларидан мулозимлар, шогирдпешалар ва миршаб йигитлари ясов тортиб келдилар. Томдаги ноғорачилар, сурнайчилар шодиёна ҳавосини чала бошладилар...

Ҳокимлар меҳмонхонага кириб, тўрдан жой олдилар. Миразим карвонбоши билан қалъачи бойлар ҳам шу меҳмонхонага кириб ўтирдилар. Ҳоким одамлари, кичик бойлар, арбоб-оқсоқоллар шодиёна остидаги супалар устида чўккаладилар.

Дастурхонлар ёйилди; ҳокимларга ҳар бири йигирма қадоқ келадиган иссиқ ширмол ва ҳар бири ўн қадоқ келадиган тафтон нон тўққизлаб тортилди. Ошлар сузилди, ҳар бирига ўн қадоқ гуручнинг палови сиғадиган лангари товоқлар дастурхон устига тизилди, ҳар бир товоқ палов ёнига бир товоқ қайнатилган қази, бир товоқ қоврилган кўзи ва ичига майиз, гүрүч ва дориворлар тўлдириб пиширилган товуқ қўйилди...

¹ Чавандозлар — бойларнинг отларини кўпқарида чопадиган кишилар.

Меҳмонлар қоринлари шишгунча еб, қўлларини артганларидан кейин товоқлар олинди, сўнгра шокосаларда мурабболар, нишолдалар, лаълиларда қурслар, конфетлар тортилди.

Меҳмонхона эшиги олдида бел боғлаб, қўл қовуштириб бир «кўзи ўқда, бир кўзи...қда» бўлиб қаргадек турган бой, бир кўзи билан меҳмонларга қандай нарсалар тортилганини текшириб турса, иккинчи кўзи билан меҳмонхонадан ортган сарқит ошларнинг тўғри ошхонага бориб киришини кузатиб турмоқда эди. Қуллар, қароллар, хизматкорлар қаторида ош ташиётган Некқадамнинг ҳовли билан туяхона орасидаги эшик орқасида сарқит ошнинг гўштидан бир тўғрамини озгига тикқанини кўрган бой ола солиб унинг орқасидан югурди ва қулоғидан маҳкам ушлаб, қозон бошида қоровуллик қилиб турган Наби полвон олдига олиб бориб:

— Кўрдингми, полвон,— деди,— бу очкўз, меҳмонхонадан ортган ошларни бутун еб битира ёзди. Мен сени бу ерга ўзимнинг кўзим деб қўйганман. Сен бўлсанг тузук хабардор бўлмайсан. Мен бу қадар ҳарба-харажатни бу қуллар, бу қароллар, «хизмат қиламиз» деб ўзларини бу ерга тикқан бу қишлоқи оёқялангларни семиртириш учун чекмаганман...

— Мирзам,— деди бойга қараб Ашур,— кечадан бери биз туз тотиганимиз йўқ, оч қолгандан кейин нима қилсин бола, бир оғиз ош ё гўшт еган билан дунё бузилмайди-ку.

— Бола... бола... Йигирма ёшга кирган бўлса ҳам, болами? Агар сенлар оч қолган бўлсанглар, Қалмоқнинг қўлига куйдирги чиққан эмас, унга айт, тунов кундан қолган мошпиевани иситиб берсин.

— Бой ака,— деди қишлоқ оёқялангларидан бири ҳазиллашиб,— қуллар-ку Қалмоқ опа иситиб берадиган мошпиева билан қоринларини тўйдирад эканлар, ammo биз тўйга келиб қорнимизни нима билан тўйдирамиз?

— Сенинг,— деди бой,— уйинг бор, жойинг бор, уйингда қорнингни тўйдириб кела бер. «Тўйга борсанг, тўйиб бор» демаганларми?..

Таомлар ейилиб битгандан кейин ҳокимларга лўла-лўла кимхоб ва шойилар, жўра-жўра беқасам ва атслар, бир пудлик каллақандлар тортиқ қилинди, бойлар

ва ҳоким одамларининг ҳар бирига мартабаларига кўра шойи, адрес, атлас, олача чопонлар кийгизилди, ҳар кишининг даражасига яраша йигирма қадоқлик, ўн қадоқлик ва беш қадоқлик каллақандлар улашилди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин, меҳмонлар далага чиқдилар, у ерда ясалган баланд чортоқлар устига чиқиб ўтириб кўпқари — улоқ чопишни томоша қила бошладилар. Бугунги кўпқарида юз бош эчки сўйилди, яхши чопган ва тўдадан чиққан оғлар шарафига юзтача чопон мукофот берилди...

* * *

Бир ҳафта тўй берилгандан кейин бойнинг ҳовлиси тинчиб қолди. Бой духоба кўрпачалари йиғштирилиб олинган меҳмонхонанинг сандали бурчагида пар ёстиққа ёнбошлаб, қаршисида тиз чўкиб ўтирган Наби полвонга қараб:

— Полвон, — деди, — худога шукур, бу амри хайрни катта обрў билан ўтказдик, катта ўғилларимиз хотинлик бўлди, кичкиналари хатна қилинди. Лекин бу билан ҳали иш тамом бўлган эмас...

Бой пешонасини ушлаб бир оз ўйлаб турди ва «яна нима гаё бор экан?» деб тикилиб турган Набига қараб сўзини давом қилдирди:

— Биласанми, полвон — деди, — беш қўй жуфтлан-тирилса, ўн йилда нечта бўлади?

— Агар ўлмай-нетмай, сўйилмай, яхши қаралса, мингтадан ошар, — деди полвон.

— Беш жуфт одам-чи?

— Агар булар уйлантирилсалар, ўн йилда ўттиз бош бўладилар.

— Шариатнинг катта марҳаматларидан бири, қул ва чўрилардан туғилган болаларнинг қул ва чўри бўлиб дунёга келиши ва ўз мирзаси учун «хоназод» қул ва ё чўри бўлишидир...

Бойнинг бу «варсоқи» симон сўзларидан бир нарса тушунмаган Наби полвон кўзларини катта очиб, қулоқларини дикқайтириб бойга қулоқ солмоқда эди. Бой сўзида давом қилди:

— Шунинг учун мен истайманки, ёши қирқдан ошган қулларим билан кексароқ чўриларимни, жумладан, мандан боласи бўлмаган, ёки бўлган бўлса ҳам боласи

ўлган ғумоларимни бир-бирларига уйлантирай. Агар йигирма беш жуфт қул ва чўрини бир-бирига қўшиб юборсак, худо берса, ўн йилда булардан бир юз элликта хоназод қулбачча ва чўри тўрайди. Ана бу биз учун ҳақиқий ва баракали тўй бўлади.

Бойнинг боши берк сўзларининг усти очилиб қолиб, мақсадни тушунган Наби полвон бирдан қувониб кетиб:

«Гап бунда экан»,— деди ўз-ўзига ва бойга қараб:

— Ёш чўриларни эрга бермаганингизни ҳикмати-ку маълум,— деди,— аммо ёш қулларни нега уйлантирмайсизки, булардан ҳам болалар тўрасин?

— Ёш қулларнинг ёшлик чоғлари баракали иш вақти, уйланган ёш йигит иш кучининг ярмисини йўқотади, шунинг учун ҳўкизни ахталаб унинг жуфтланиш йўлини боғлайдилар. Бола туғиш тўғрисидаги ҳалиги бизнинг ҳисоб бўлса чучварани хом санаган ёки жўжани сихпарлик чоғида ҳисобга олгандек хаёлий бир ҳисоб, ҳали қўлга кирмаган бир фойда. Насия бир манфаат учун нақд фойдани қўлдан чиқариш ақлли одамнинг иши эмас. Шунинг учун мен ёш қулларнинг ишларидан келадиган фойдани уларнинг бола туғдиришларидан келадиган фойдадан афзалроқ деб биламан.

* * *

Ярим кеча бўлган, қуллар, қароллар чиғириқ бошидан туриб, ётиш ҳозирликларини кўраётган чоғда янги уйлантирилган қуллар ўзларига берилган чўрилар билан сомонхонада, молхонада, отхонада ўринлашмоқда эдилар.

Боласи ўлиб, бойнинг хотинлари қаторидан чиққан, бугун чол қул Ашурга берилиб, ўтинхонада янтоқ ёйиб, унинг устига эски бир бостириқни тўшаб, ўзи билан эрига жой ҳозирлаётган Қалмоқ опа:

Ўтин яхшиси янтоқ,
Хотин яхшиси қалмоқ,
Қайси номарднинг иши
Ўз ёрин эрга бермоқ?

деб ашула қилмоқда эди.

...ини

Абдурахимбойнинг меҳмонхонаси ярим татарча қилиб ясантирилган, сандал ўрнида кенг ва узун бир чорпоя қўйилиб, унга оқ чойшаб ёйилган, унинг устида қора чироқ ўрнида мумшам ёнмоқда эди. Чорпоянинг усти турли нонлар, кулчалар, қурс, конфет, қатлама ва Сўғирсоқлар билан тўлган бўлиб, бир чеккасида ўттиз стакан сув сиғарлик бир самовар қайнамоқда эди.

Мажлиснинг тўрида татарча пўстин, татарча телпак, татарча кигиз этик кийган қорни катта бир татар бойи ерлашган ва унинг ёнида салласини катта қилиб қишлоқ имоми қўнқайиб ўтирмоқда эди; чорпоянинг бериги ёнида қариган Абдурахимбой, унинг ёнида Абдуҳаким ва Мулласобит номли икки катта ўғли ўтирар ва буларнинг рўпараларида чорпоянинг нариги томонида туманнинг қалъачи бойларидан бир неча киши ўтирмоқда эди.

Бойнинг ўртанча ўғли Абдузойир самовар ёнида чўккалаган ва меҳмонлар олдидан бўшаган стаканларни олиб, қайноқ чой қўйиб, ҳар кимнинг стаканини ўз олдига элтиб қўймоқда эди.

Татар бойи суяниб ўтирган пар ёстиқдан тикланиб совиезган чойидан икки хўплам ичди ва жисмоний қарилиги устига қандайдир руҳий бир тушкунлик сездириб ўтирган Абдурахимбойга қараб:

— Бой оға.— деди,— бизни бундай ҳурматлаб сийлаганингизга раҳмат, лекин не учун гапирмайсиз, ёки уйқунгиз келдими?

— Дунё бузилди, юртни рус олди. Энди қандай қилиб мусулмон кишининг гапиришга тили, қувонишга кўнгли боради,— деди Абдурахимбой.

— Да... шулай шул,— деди татар бойи олдига қўйилган қайноқ чойдан бир-икки қошиқ ичгач,— мусулмон юртига кофирларнинг оёқ босишига, мусулмон давлатига ғайри дин бир давлатнинг қўл суқишига ҳеч бир мусулмон хафа бўлмасдан тура олмайди. Лекин худонинг тақдирига кўнмаслик, ёзмишдан ризосизлик ҳам мусулмон кишининг иши эмас...

— Оре, қазога ризо бўлиш керак,— деб имом татар бойнинг сўзини қувватлади.

— Тўғри айтасан, ҳазрат,— деб татар бойи имомга

Ўз хурсандлигини билдиргандан кейин, тагин бойга қараб сўзини давом эттирди:

— Бу юртларга кофирларнинг қадам босишлари худонинг тақдири билан бўлган экан, худонинг тақдирига қарши туриш мусулмон кишининг иши эмас экан. Энди биз бу тўғриларни худонинг ўз ҳикматига ҳавола қилиб ўз ишимиз тўғрисида гапирайлик. Менинг фаҳмимча, оқ подшоҳ давлатнинг бу ерларгача ёйилиши бизнинг савдо ишимиз учун жуда ярарли бир иш...

Татар бойи яна бир стакан чойни бўшатди, терлаган бўйинини рўмолчаси билан артиб, сўзида давом қилди:

— Масалан, сиз, қалъачи бойлар, сурун замонларда қалъага борганда бир қўшиндек яроқланиб борар эдингиз, энди оқ подшоҳ давлати соясида тинчиган қозоқ чўлидан ёлғиз ўзинг қалъага сафар қила оласан. Илгари отга миниб, отбоқар ёллаб, Россияга сафар қиладиган бир савдогар озгина ақча тўлаб, подшоҳлик почта аравасида Россияга бора олади. Кўрмайсанми, Россия аскарлари бу ёқларга қадам босганига икки-уч йилгина бўлгани ҳолда сизнинг шофиркомликларингиз Ғазали, Оқмачит каби янги савдо ўринларида ерлашиб, у ерларда қозоқдан, татардан уйланиб, юрт солиб, икки юрт эгаси, икки подшоҳ фуқароси, икки чашмадан сув ичадиган бўлиб қолдилар. Бу оқ подшоҳнинг савдогарларга адолат ва марҳамати борлигини кўрсатади...

Татар бойи яна чой ичишга киришди ва имом бу фурсатдан истифода қилиб сўз қўшди.

— Нафақай аҳли аёл фарз, касб фарз, пайғамбаримиз «тижорат касбини касбларнинг аълоси ва тожирларни халқнинг ашрафи» деганлар. Оқ подшоҳ кофир бўла туриб халқнинг «ашрафи» бўлган савдогарларга марҳамат қилиши ажиб-ку?

— Сен кўрмагансан, хазрат,— деди татар бойи,— мен кўрганларимни сўйлайман

— Сен китобларда ўқиган бўлсанг керак, худо подшоҳлардан динни сўрамайди, адолатни сўрайди...

Энди меҳмонларнинг олдиларидаги стаканлар барчаси тўнтарилиб қўйилган, ёлғиз татар бойининг стакан самовар бошига қатнамоқда эди. Бой:

— Бик тамли бўлган экан,— деб қўйилган чойни ичди,— қайноғидан тоғин бирисини бер,— деб стаканини

самовар томонига узатди ва аввалги сўзини давом эттирди:

— Али (ҳали) буниси оз, Абдурахимбой оға, биз кўрмасак ҳам бизнинг болаларимиз кўрар, бир неча йилдан кейин ички Россияда бўлганидек, бу ёқларда ҳам темир йўл тортила, бир ойда Оренбургга бора ола турган бир савдогар бир ҳафтада Москвага бора ола. Йилда бир марта Оренбург — Бухоро орасида қатнайдиган бир бой истаса йилда тўрт топқир Москвага бориб кела. Йилда бир марта Оренбург — Бухоро орасида айланадиган ақчанг йилда тўрт дафъа оборот қилина. Буларнинг ҳаммаси савдогарлар учун худонинг катта марҳамати ва оқ подшоҳнинг адолатидир.

Татар бойининг ёқимли сўзларидан бир оз очилган Абдурахимбой сўзга киришиб:

— Бу қандай адолатдирки,— деди,— жаноби олийга «юртингдаги қулларни озод қил ва қул савдосига йўл қўймагил» деб оқ подшоҳ ҳукм қилган. Ҳолбуки бу қул эгаларига катта зулмдир.

— Ҳам шариятнинг бир ҳукмини ислом диёридан кўтартиришдир,— деб илова қилди имом, Абдурахимбой сўзига.

— Ҳали биз шарият ва дин ишини худонинг ўзига ҳавола қилиб, ёлғиз дунё ишидан гаплашмоқчи бўлиб эдик, бунни эсингдан чиқарма, ҳазрат!— деди имомга татар бойи ва Абдурахимбойга қараб:

— Қулларнинг озод бўлиши қандай зулм экан?— деб сўради.

— Қандай зулм бўлмасин,— деди Абдурахимбой,— масалан, менинг юз нафардан ортиқ қул ва чўриларим бор. Буларнинг бир қисмини эллик тилладан то бир юз эллик тиллагача қизил олтин бериб, бозордан сотиб олганман, бир қисми бўлса қул ва чўриларимни уйлантиришимдан тўраган хоназодларимдир. Жаноби олий билан оқ подшоҳ ораларида бўлган аҳдномага кўра мен ўн икки йилдан кейин бу қадар қул ва чўриларимни озод қилиб юборсам ва ўн минг қизил олтин турадиган молимдан бирданига ажралсам керак.

— Шулай экан,— деб татар бойи пешонасини бир қашиди ва тузукроқ ўтириб олиб, жиддият билан сўзга киришди:

— Биринчи шулки, бир қул ўрта ҳисоб билан юз тилла турганда, сенга ўн икки йил хизмат қилса, бу

ақча унинг йиллик хизмат ҳақи муқобилида саккиз ярим тилла тура. Бу эса унинг хизмат ҳақи учун бик оз бир ақчадир. Ҳолбуки, шарият бир қулга ўзининг эгаси билан келишиб уч-тўрт йиллик хизмат бадалида озодлик олиш учун ҳақ бера...

— Тўғри, «мукотаба»¹ масаласи,— деб имом татар бойи сўзини қувватлади.

— Раҳмат, ҳазрат,— деди татар бойи,— мен булайгина айтган эдим, сен китоб сўзи билан айтдинг. Мана шулай бўлғоч оқ подшоҳ ўз аҳдномасида қул эгаларига шариятдан ортиқроқ ҳақ берган бўла.

Иккинчи шулки, қул сақлашдан мақсад унинг хизматидир. Сенга ўн икки йил хизмат қилган, юрти, ери, юваси бўлмаган бир қул озод бўлган билан қойға бора. У истар-истамас тоғин сенинг хизматингни қила. Сен бу озод қилишдан бирор нарса йўқотган бўлмайсан...

Бўғизи қурий бошлаган татар бойи ўти сўнган самовардан қуйилган чойни қайтарди:

— Қайнатибгина бер,— деди Абдузойирга ва ўз сўзини давом эттирди:

— Учинчиси ва энг муҳими шулки, оқ подшоҳнинг бу тадбири савдо-саноат аҳллари учун жуда катта марҳаматдир. Масалан, бундан бурун туркманлар Эрон, Афғонистондан йилда беш юз қул чопи сизнинг юртингизга келтириб эллик минг олтинингизни кўтариб кетган бўлсалар, бу тадбир соясинда, бундан буён йилда тиге ўлкалардан мингларча «қул», яъни ишловчи ўз оёғи билан сизнинг юртингизга текин оқа. Албатта оқ подшоҳнинг бу тадбири биргина мен ё сен учун эмас, балки савдо-саноат аҳли — кўпчиликнинг манфаатини кўзда тутиб қилинган бир тадбирдир. Ҳали сен пахта тозалаш учун қанча машаққатлар чекасан, шу билан бирга бу йил сотиб олган ғўзаларинг келаси йилда пахта бўла. Агар Россия ақчаси, Россия усталари билан бу ерда пахта тозалайдиган завод ясалса сенинг бу ҳафта олган ғўзанг келаси ҳафтада тозаланиб Москвага узатила. Ҳали сизнинг ўлкада ҳар бир қишлоқда бир неча мой-

¹ М у к о т а б а — масалан, юз тилла ишлаб бериш шarti билан бир қулнинг ўз эгасидан қози олдида тасдиқ қилинган ҳужжат орқали озод бўлишидир.

жувози, совун қайнатиш ўчоғи бор. Саноат олдин босса бир нечагина мой ва совун заводи бу ўлкани тўйдира, истасанг бу заводларни ўзингда ясата олурсан, мингларча майда косиблар чўнтагина кирадиган ақчани ўз ҳамёнинга йиға оласан.

Мойжувоз ва совун қозонларидан ажралган майда косиблар-да оч қолмас, улар-да истасалар сенинг тиге заводингга кириб ишлийлар ва насибаларига кўра иш ҳақи олалар. Лекин ёлғиз булар билангина бу заводларнинг иши битмай, қул сотиб олиб-да буларни юришиб бўлмай. Бундай заводлар учун арзон ишчи ва ўз оёғи билан текин оқиб келадиган мингларча ишчи керак.

Оқ подшоҳнинг тиге тадбири мана шундай арзон ишчининг текин оқиб келишига йўл оча...

Татар бойи қайнатилиб келтирилган чойнинг совуганини кута олмасдан, тақсимчага қуйиб совутиб ича бошлади ва стаканни бўшатиб:

— Тагин бирисини қуй!— деб уни Мулласобит томоғига итарди ва сўзини давом эттирди:

— Мен Россияда бу аҳволнинг ўзгинасини ўз кўзим билан кўрдим. Россияда қишлоқ мужиклари қул сифатида катта ер эгаларига боғлиқ эди. Бундай мужиклар ўз қишлоғидан, ўз хўжаси қўл остидан бошқа қишлоққа кўча олмас, шаҳарга боролмас, завод-фабрикаларга иш учун кира олмас эди. Буни русча қилиб айтсак «крепосной право» дер эдилар. Бундан тахминан бир неча йил бурун оқ подшоҳ тиге мужикларни озод этди, уларга қаерга бориб қандай ишлашга ихтиёр берди. Озод қилинган мужикларга катта ер эгаларининг ярамас ерларидан бир қисмини кесиб берди, шу шарт биланки, бундай ерни олган мужиклар олган ерларининг бадали учун ҳам ҳар йил солиқ қаторида бирмунча оқча тўлайлар. Мана бу тадбир билан қишлоқдан шаҳарга ишчи оқа бошлади, завод-фабрикалар ишчи билан тўлди, саноат ривожланди, катта бойлар пайдо бўлди. Бошда катта ер эгалари бу тадбирдан норози бўлган эдилар. Ҳақиқатда уларга ҳам унча зарар бўлмади: ярамас ерларини мужикка сотдилар, у ердан қорни тўймаган мужик тоғни ҳалиги собиқ эгасининг ишини қилишга, арзон ҳақ билан боғчасини чопишга мажбур бўлди. Ёки ундан ер ижарага олиб экин-тикин қилишга, ўз меҳнатининг қаймоғини тоғин у ер эгасига беришга тўғри келди. Катта ер

эгаси бўлса тоғин бурунгидек қорнини қашиб, арағини ичиб, орттирган оқчасини банкка қўйиб процент олиб ёта берди. Баъзи катта ер эгалари бўлса тездан ўзини савдо-саноатга урди, магазинлар очди, фабрика-заводлар қурди ва ўзининг собиқ мужикларидан бошқа йўл билан, яна қулайроқ йўл билан фойдалана бошлади.

— Демак,— деди суҳбатнинг боришидан очилиб кетган Абдурахимбой,— бизга ҳам бундан кейин савдо ишларимиз устига заводчиликка киришишга тўғри келади.

— Шулай, шул,— деди совуган чойига қайноқ сув қуйдириб ичаётган татар бойи,— бу шулай, заводчиликка киришишга тўғри кела, сен киришмасанг, сенинг болаларинг кириша. Лекин заводчилик учун ва умуман катта ишлар учун сизнинг кучингиз етмас. Россия бойлари жуда катта бой, уларнинг қўлида оқча жуда кўп, улар зағрица банкларидан ҳам арзон процент билан оқча олалар, сиз уларнинг қаршисида катта ишлар ишлай олмайсизлар. Катта ишлар ишлаш учун сизда фақат биргина йўл бор, у ҳам бўлса сизнинг биз татарлар (сизнингча айтсак нўғойлар) билан бирлашувингиздир. Биз мусулмон, сиз мусулмон. Агар дин бирлигига қараб савдо-саноат ишини ҳам бирлаштирсак, кофир бойларнинг қаршисига ишлай оламиз, бўлмаса, руслар бизни-да, сизни-да хароб эталар-синдиралар. Муни биз ва сиздан бурунроқ рус бойлари сезган, шунинг учун оқ подшоҳ татарларга сизнинг ўлкада ерлашишга, ер-юрт олишга йўл бермаган. Сизнинг ўлкадан ҳаммол бик кўп чиқа, ишчи кучи фақир халқ ҳам жуда кўп, мунинг устига қул савдоси битирилгани соясида Эрон ва Афғонистондан ҳам ишчи кучи кўп кела, агар биз мусулмонлар бирлашиб булардан фойдаланмасак, буларнинг бари рус бойлари фойдасина кета. Зотан, Туркистонни олишдан ҳам мақсад сизнинг динингизга қўл суқиш, сизни диндан чиқариш эмас, балки ҳалиги ҳаммоллардан, арзон ишчи кучидан фойдаланишдир. Йўқса сен қанча диндор бўл, намоз ўқи, унга рус подшоҳининг иши йўқ, балки диндор бўлишингни, кўпроқ намоз ўқишингни, халқни динга чақиришингни бик истий...

— Ундай бўлса,— деди имом,— рус подшоҳи яхши экан, демак бизнинг намоз-ниёзимизга, халқни диндор қилишимизга моне бўлмас экан.

— Моне бўлмайди, ҳазрат,— деди татар бойи,— сен халқни диндор қилишга чолиша бер, фақат ваъз-насиҳатнинг орасида «хўжайинларигизга содиқ бўлинг» деб-да қўй.

— Албатта, албатта. Туз ҳақи — худо ҳақи,— деди имом.

— Шундай ҳам бўлса,— деди Абдураҳимбой,— мен русларнинг бу ерларга қадам босишидан ҳеч бир хайр кутмайман, руслар келгандан бери диндан путур кетди, хайру барака учди, савдо қўли кўпайди, бирга ўн фойда қиладиган молларимиз бирга ярим ҳам фойда қилмайдиган бўлди...

— Хўп,— деди татар бойи,— сен ўзингча тушуна бер, мен ҳам ўзимча тушунаман,— соатга қараб,— вақт бик кичиккан экан, соат бир бўлган, ётирға керак.

Имом қўзғалди ва ўз соатига қараб:

— Ҳали соат ўн икки бўлганча йўқ-ку,— деди.

— Сенинг соатинг кейин қолган,— деди татар бойи.

— Меним соатим тўғри бўлса керак, буни менга бой жаноблари Оренбургдан келтириб ҳаля қилган.

— Сенинг соатинг Оренбургдан келтирилиб ҳаля қилинган бўлса, менинг соатим Швейцариядан ўз оқчамга ўзим учун олинган. Бойлар яхши нарсани ҳаля қилмайдилар. Муни билиб ол, ҳазрат,— деди татар бойи ва чўнтагини очиб, туриб кетаётган имомга бир сўмлик кумуш берди ва:

— Дуодан унута кўрма, ҳазрат,— деб хўшлашиб қолди.

Имом, татар бойи ҳақиға узун бир дуо қилгандан кейин, чиқиб кетди. Мажлис тарқалди...

XVIII

Додлама, додлама, дод саси галди,

Қаршининг чўлидан ёр саси галди.

Ўлкадан-ўлка ел каби юрсам.

Гунларнинг бирида ёр юзин гўрсам...

Додлама, додлама, дод саси галди,

Қаршининг чўлидан ёр саси галди.

Сайрасам, яйрасам кенг фазоларда,

Ёр ҳидин исласам хуш ҳаволарда.
Додлама, додлама, дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди.

.

Ҳамал ойининг охирлари. Кўкда парча-парча булутлар сузмоқда, ҳар замонда бир шовуллаб ёмғир ёғмоқда, ора-сирада ялтираб офтоб кўринмоқда, баъзан офтоб товлаб тургани ҳолда ёмғир ёғмоқда эди. Ёз вақтида офтобнинг қизгин ҳароратидан Қизилчўлнинг шамоли билан кўчиб юрадиган қумхома — кўмалари баҳорнинг намли ҳавосида оғирлашган, устма-уст бўлиб турадиган ёғишлар билан қизил туси қорамтир бўлган эди. Фақат бу қорамтир тус устида янги кўқариб чиққан ёвшонлар, саланглар, шувоғлар парча-парча яшилликлар ташкил қилмоқда ва улар орасида очилган қизил, сариқ ва оқ лолалар бошқа бир гўзаллик бермоқда эди. Шофирком тумани ободонлиги билан Қизилчўл этаги ўрталигида Қорахоний қишлоғидан Вардонзе қўрғонигача бир энли қайишдек чизилган бу лавҳада қоракўл қўй сурлари кўпорма нақшлардек бўлиб кўринмоқда эди. Қишин-ёзин Қизилчўл бағриларида ўтлаб юрадиган бу қўйлар баҳорда тул¹ вақтида ободонликка яқинлаштирилган ва улардан унадиган маҳсулотни тўплаб олиш иши қулайлаштирилган эди.

Қизилқум хомаларининг этакларида қора уйлар, чодирлар, капалар қурилган, буларда бола-чақалари билан кўчиб чиққан чорвадорлар ерлашган эдилар. Бир томонда хотин-қизлар, чўри ва ғумолар қўй соғмоқда, гуппи чолмоқда, маска ажратмоқда, мой эритмоқда, иккинчи томонда эркаклар — қуллар, қарол ва чўпонлар қўй туғдирмоқда, териси етилиб, гули очилиб туғилган қўзиларни онасини бир марта ҳам эмизмасдан сўйишмоқда, ҳали териси етилмаган ва гул ташламаган қўзиларга бир эмизгилик ёки бир кунлик, икки кунлик (ҳолига қараб) умр бағишламоқда эдилар. Беш ой бола кўтариб йиғилган сутларни болаларига эмизишга бир марта ҳам муваффақ бўлмаган қўйларнинг маърашлари, нариги қум

¹ Қоракўл қўйларни одатда ақраб ойида қўчқорга қўшадиларки, ҳамал ойида бир ой орасида барчаси олдин-кейин туғади. Мана шу туғиш мавсумини «тул» деб айтадилар.

хомаси устида «додлама-додлама, дод саси галди...» ашуласини айтаётган одамнинг товушига қўшилиб ҳазин бир музыка ташкил этмоқда. Ҳалиги ашула айтаётган киши томонидан айни ҳавода ора-сирада чалинадиган қамиш най садоси бу музикани жуда ҳам ҳазинлаштирмоқда эди.

— Ҳусайн ака,— деди кўмач пишираётган бир чўри, қиздирилган чуқурда териси шилиниб олинган қўзини темир чангча билан осиб айлантираётган бир қулга қараб,— Некқадам қизиқ кишими?.. Қўй туғдириш ва қўзи сўйишга ҳеч қўшилмайди, шу иш бошланган ҳамон туққан қўйларни ҳайдаб кетади, найини чалиб «додлама-додлама...» ашуласини кўйлашга киришади.

— Унинг дарди бор,— деди чуқурга осилган қўзи гўштини бир айлантириб Ҳусайн ва бу ашулани ўз-ўзига кўшимча қилиб айтди:

Унинг дарди бор,
Ранги зарди бор.
Ранги зарди кўрсатади
Унинг дарди бор.
Оди сарди кўрсатади
Унинг дарди бор.

— Унинг қандай дарди бор?— деди ҳалиги чўри.

— Ўзинг билмайсанми?

— Билсам сиздан сўрармидим?

— Унинг дарди сен, у сени олмоқчи.

— Қўйинг шунақа ҳазилларингизни. У ҳар вақт: «Додлама-додлама, дод саси галди; Қаршининг чўлидан ёр саси галди» деб ашула қилади. Қарши чўлининг менга нима дахли бор?!

— Менинг билганим шу, инонмасанг ўзидан сўра...

— Гулсум, ҳой Гулсум!— деб қора уй ичидан чиққан товуш қул билан чўрининг энди қизиб бораётган суҳбатларини бўлди ва кўмач пишираётган чўри:

— Лаббай!— деб қора уйга қараб югурди.

Қора уй ичида қўзи гўштини иссиқ кўмач билан еб ўтирган Абдурахимбойнинг катта ўғли Абдуҳаким югуриб келган Гулсумдан:

— «Ҳайбар» қаерда!— деб сўради.

— Билмайман,— деди Гулсум.

— Сен билмасанг, мен биламан, у аразлаб кетган, сиз очкўзлар уни ранжитгансиз афтидан.

— Биз уни урган бўлмасак, сўккан бўлмасак, қандай ранжитган бўламиз...

— Тилингни тий, манжалақи,— деди қизиб Абдуҳаким,— мен эрта билан овқат егандан кейин суякларни кемирмасдан, сенга «Ҳайбарга чиқариб бергил» деб бериб эдим. Сиз, очкўзлар суякларни тоза кемириб, сўнг унинг олдига ташлагансиз, у ҳам орланиб аразлаб кетган.

Койиш эшитиб қора уйдан қайтиб чиқаётган Гулсумга:

— Тўхта,— деди Абдуҳаким ва корсондаги бир бўлак эт устига ярим кемирилган суякларни бир бурда кўмач билан Гулсумга қаратиб итарди:

— Буни Ҳайбарга элтиб бер,— деди.

Гулсум корсонни олиб, қора уйдан чиқиб, теварак-атрофга қараб:

— Ҳайбар, Ҳайбар, баҳ, баҳ, баҳ...— деб чақира бошлади. Лекин Ҳайбардан дарак бўлмади.

— У аразлаган,— деди баланд товуш билан Абдуҳаким,— чақириш билан келмайди, қум хомаларини айлан, қидир, уни топ, аввал гўшт билан нонни олдига қўй, бошини, орқасини сила, уларни егандан кейин олдига суяк ташла.

Гулсум Ҳусайнга қараб қора уйда ўтирган киши эшитмайдиган паст товуш билан:

— Итнинг ҳоли бизнинг ҳолимиздан беҳроқ, итнинг хизмати бизнинг хизматимиздан яхшироқ қадрланади,— деди ва корсонни кўтариб қум хомасига қараб йўналди. Қум хомаси устидан ҳамон:

«Додлама-додлама, дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди»,

товуши эшитилмоқда. Ашула товуши босилган чоғларда найнинг оғир ва ҳазин садоси юракларни тирнамоқда, баданларни титратмоқда эди. Бу товуш Гулсумни ўзига тортди, у итни излашдан бурун бу товуш томонга қараб юра бошлади...

* * *

Қум хомаси этагида қўйлар ўтламоқда. Ширбоз қилиб сўйиш учун қолдирилган баланд мўй эркак қўзилар билан она бўлиш учун сўйилишдан қутулган урғочи қўзилар намланган юшоқ қум устида эдилар. Хома тепасида қўлида бир метрлик қамиш най билан Некқадам:

«Сайрасам, яйрасам кенг фазоларда
Ёр ҳидин исласам хуш ҳаволарда»,

деб ашула қилмоқда ва ашулани қўйиб най чалаётган чоғларида қисиқ кўзлари билан ҳарсиллаб, гурсиллаб ўйнаётган қўзиларни, раққосларнинг ўйинларини таъқиб қилиб турган чолғучидек, кўздан кечирмоқда эди. Некқадамга яқинлашиб келган Гулсум корсонни ерга қўйиб, унга юзма-юз ўтирди ва бир фасл най нағмасини эшитгандан кейин!

— Некқадам,— деди,— ўз ашуланг, ўз найингдан чиққан нағмалар бизга таъсир қилгандек, ўзингга ҳам таъсир қиладимми?

— Менинг ашулам сенга таъсир қилдимми?— деди найни артиб бир чеккага қўйган Некқадам илжайиб.

— Ашулангнинг менга қандай таъсир қилганини Хусайн акамдан сўра.

— Унга ҳам айтдингми?

— Унга ҳеч нима деганим йўқ, ёлғиз «Некқадам нега шу додлама, дод саси галди» ашуласини кўп куйлайди, дедим.

— У нима деди сенинг ўша гапингга?

— Унинг дарди бор,
Ранги зарди бор.
Ранги зарди кўрсатади
Унинг дарди бор.
Оҳи сарди кўрсатади
Унинг дарди бор.

деди.

— Сен ундан «унинг дарди нима?» деб сўрамадингми?

— Сўрадим.

— Нима деди?

— У, ўзингиз гоҳ-ногоҳ ҳазиллашиб қўядигандек, бир ҳазиллашиб қўйди,— деган Гулсумнинг юзи қизариброқ кетди.

— Ҳазил эмас, чин!— деди Некқадам,— бу йил бизнинг озод бўладиган йилимиз, катта мирзанинг қозихонага бориб «ўн икки йил хизмат қилганларидан кейин бутун қул ва чўриларимни озод қиламан» деб берган тилхатига бу йил узум пишиғида ўн икки йил тўлади. Ўша вақтга тўғри келтириб уйлансак зарар қилмайди.

— Ҳў, у қораёғочлик бойнинг Отажон, Шодмон деган қуллари бор эди-ку, улар бир кун менга «биз қачонлар озод бўлдик, сизлар қачон озод бўласизлар?» деган эдилар. Улар қандай қилиб биздан бурун озод бўлганлар? Оқ подшоҳнинг қулларни озод қилиш тўғрисида амирга берган буйруғи ҳамма қулларга барабар эмасми эди?

— Ҳамма учун барабар эди. Лекин гўри куйгур катта мирза, илоҳи гўрида тинч ётмасин — бир амаллаб бизнинг хатни кечроқ берди, бугун-эрта деб олти ой вақтни орадан ўтказди, унинг учун биз бошқа бойларнинг қулларидан олти ой кейинроқ озод бўламиз.

— Хўп,— деди Гулсум,— олти ойдан кейин озод бўлдик денг. Бизнинг уйимиз бўлмаса, еримиз, сувимиз бўлмаса, қўйимиз, эчкимиз бўлмаса, бу озодликдан нима наф? Бундай уйланишдан нима ҳузур-ҳаловат кўрамиз? Яна шу Абдураҳимбой болаларининг молхонаси, яна шу қўй, эчки орқасидан югур, яна чиғириқ айлантир, гўза чуви, лекин нон ема... Итга қурбу манзалат бор, сенга йўқ, сен итдан баттар, оҳ, қуллик қурсин, йўқчилик йўқолсин!..

Гулсум кўзидан тома бошлаган ёш томчиларини энги билан артди, бошини кўтариб у ён-бу ёнга қараб:

— Унутаёзганман,— деди,— мен Ҳайбарни топиб уни юпатиш, унга нон-гўшт бериб, уни мирзам билан яраштириш учун келган эдим.

— Ит ит билан ярашадими,— деб кулгандан сўнгра Некқадам,— Ҳайбар ана у пастқамликда ётибди, чақир, қани келадими!— деди.

Гулсум жойидан туриб Некқадам кўрсатган томонга қаради ва у ёқдан бошини олдинги икки оёғи орасига олиб ётган қўй катталигидаги қозоқи итни:

— Ҳайбар, Ҳайбар, баҳ, баҳ, баҳ,— деб чақирди. Ит эринибгина бошини кўтариб, чақирувчига бир қаради, яна аввалги вазиятида ёта берди. Гулсум томонидан бир неча қатла: «Ҳайбар, Ҳайбар, бўҳ, бўҳ, баҳ» сўзи так-рорланган бўлса ҳам, ит ўз роҳатини ҳеч бузмади ва ҳатто бошини кўтариб ҳам қарамади.

— Бу номусли ит бойдангина эмас, унинг уйига кириб чиқадиганлардан ҳам аразлаган,— деди Некқадам ва ўрнидан турмайин, ўзи:

— Ҳайбар, Ҳайбар,— деб чақирди.

Ит думини ликиллашиб ўрнидан турди, бел ва бўйнини бир чўзгандан кейин ерни бир-икки марта тирмалади, аста юриб Некқадам олдига келди ва олдинги икки оёғини чўзиб, тумшугини унинг устига қўйиб, думини ликиллашиб Некқадамга қараб турди.

Гулсум корсондаги нон ва гўштини қўлига олиб итни ўзига ундади, ит унга бир қия қараб яна кўзини ундан узди-да, Некқадамга қараб яна думини ликиллата бошлади.

— Сенлардан қаттиқ аразлаган,— деди Некқадам ва корсонни Гулсумнинг қўлидан олиб, итнинг олдига қўйди.

— Е, Ҳайбарим, е!..— деди Некқадам итга қараб.

Ит корсонни бир искагандан кейин яна Некқадамга қараб думини ликиллата берди.

Некқадам корсонни олдига тортиб, ундаги кўмачдан бир бурда синдириб оғзига тикди ва гўштидан ҳам бир бўлак олгандан кейин корсонни яна итнинг олдига суриб:

— Ол, Ҳайбарим, ол. Бирга еймиз,— деди.

Ит бу дафъа ўрнидан туриб, хўракни ея бошлади.

— Бу ит эмас, одам,— деди Некқадам,— Абдурахимбойнинг ўғилларига қараганда одамгарчилиги кўпроқ. Итга пиширилган қўзи юборгани ҳолда, очлигимни била туриб менга бир бурда нон ҳам юбормайди. Ит бўлса оч бўлишига қарамай, ўзига юборилган овқатдан менга егизмасдан ўзи емайди... Бу одамгарчиликни йўқотмаган бир «одам». У бўлса одамгарчилик кўчасидан ўтмаган бир ит, ҳар нима топса ўз нафсига урадиган бир чўчқа...

— Гулсум!.. Уй Гулсум!.. Тош бўлиб қолдингми?— деган товушни эшитиб, Гулсум корсондаги овқат ва суюқларни итнинг олдига ағдариб:

— Хўш, ҳозир...— деб қора уйга югурди. Хўрланиб

кетган Некқадам қум устида ётган найини олиб артди ва лабига қўйиб: «Додлама-додлама» ҳавосини чала бошлади...

ХІХ

Кенг чўл, қатор тоғлардек ётган қум хомалари, ҳаво соф, юлдузлар ярқиллаб нур сочмоқда; кўклам шамоли ёқимли кеча ели чўлни қоплаган барра ўтларнинг руҳбахш ҳидларини эсдирмоқда. Қўйлар, қўзилар, эчкилар қўраларига кириб тинчланган. Хўжайинлар, қора уй, чодир ва капаларда ухлаган, қуллар, қароллар парқувдек юмшоқ қум устида чўзилган. Сахро сассиз, садосиз, дунё жимжит; бу жимжитликни узоқдан келаётган:

«Додлама-додлама дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди,
Ўлкадан ўлкая ел каби юрсам,
Гунларни бирида ёр юзин гўрсам...»

деб айтилган ашула товуши ва бу ашулага мос келтириб:

«Таралила-лалла... таралила-лалла...
таралила, лал, лал, ло...
Таралила-лалла... таралила-лалла...
таралила, лал, лал, ло»,

деб айтилган зарб ва усул садоси ва буларга жўр қилиниб чалинаётган юракни эзувчи ҳазин най садоси бузмоқда эди. Лекин бу ҳазин содда музика товуши саҳрода ётганларнинг уйқуларига халал бермас, билъақс уларнинг тинч ухлашларига «алла-алла» дегандек ёрдам қилмоқда эди...

* *
* *

Қозон-товоқни йиғиштириб хўжайинларининг жойларини солиб бергандан кейин сувга кетган Гулсум, тўлдириб келтирилган машкни ўчоқ бошига тикка суяб қўйди-да, қум «тўшак» устига чўзилди. Тонг қоронғиси

билан уйқудан туриб ярим кечагача тинмай ишлаган Гулсум энди ухлаб ҳордиқ чиқармоқчи эди. Лекин бу ердагиларнинг ухлашларига ёрдам берган ашула товуши уни тинч ётишга қўймади ва бир фасл у ёндан бу ёнга, бу ёндан у ёнга айлангандан кейин жойидан турди ва ашула товуши келаётган томонга қараб юра бошлади.

Гулсум ашулачига яқинлашганда:

«Қар-шининг
чўлидан
ёр
са
си
гал
ди...»

деб Некқадам ашуласини тугатди ва:

— Оҳ... ёлғизлик...— деб найни бир ёққа отди.

— Ёлғизликнинг иложи уйланиш-да,— деди рўпара-сида ўтирган Ҳусайн.

— Сен совчи бўлиб топ, бу уйлансин-да,— деди улар билан бирга ўтирган Шодмон.

— Мендан бурунроқ ўзи топган,— деди Ҳусайн.

— Кимни?

— Гулсумни...

Гап ўзи устида бораётганини эшитган Гулсум келган ерида писиб ўтирди ва диққат билан қулоқ сола бошлади.

— У қирққа яқинлашган бўлса керак, бирон ёшроғини топиш керак эди,— деди Шодмон.

— Оҳ... ёшлик!»,— деб қўйди ўз-ўзига бу гапни эшитган Гулсум.

— У қирққа яқинлашган бўлса, бу элликка яқинлашган. Гулсумга уйланса, ҳеч нарса ютқизмайди. Худо берса бир-иккита бола ҳам кўради.

— «Оҳ... эркаклар,— деди Гулсум ўз-ўзига,— булар хотинни ўз кайфлари учунгина, қолаверса бир-икки бола кўриш учун оладилар».

— Мен,— деди Некқадам,— Гулсумни олсам, бола кўриш учун эмас, уни севганлигим учун, унинг бой болалари хонадонидан жабр-жафо чекаётган кўнглини бир

оз юпатиш учун оламан. Мен учун бола бўлганидан бўлмагани яхшироқ. Биз дунёга келиб нима кўрдикки, болаларимиз кўрсин...

«Оҳ, Некқадамгинам, Раҳимдод, жоним,— деди Гулсум ўз-ўзига,— уни беҳуда севмаган эканман...— ўйлади,— лекин Қарши чўлидан келган ёр саси, қандай ёрнинг саси экан?..»

— Мен бугун,— деди сўзида давом қилиб Некқадам,— унга ўзим гап ташладим, у ҳам розидек кўринадди. Фақат у бир маъқул сўз айтди: «Биз озод бўлиб уйланган билан, уйимиз-жойимиз бўлмаса, нима ҳузур-ҳаловат кўрамиз» деди. Дарвоқе бу гап тўғри, Мен ҳам шуни ўйлаб, яна дудила бўлиб қолдим.

— Бунинг учун дудила бўлиш керак эмас,— деди Шодмон,— биз озод бўлган Қораёғочдаги қуллар ишимизни ўнғараётимиз. Қишлоқнинг қумбости томонида ўзимиз учун махсус бир қишлоқ қурмоқчи бўлдик, ҳатто бу қишлоққа «Кўчайи Гуломон» (Қуллар кўчаси) деб от ҳам қўйдик. Бошлаб мен билан Отажон ўзимиз учун биттадан чайла қурдик. Энди бойнинг ишидан бўшаган чоғларимда чол-кампир у ерга бориб ёзиламиз. Бой қисган вақтларда аразлаб чўлдан бирон орқа ўтин териб келиб бировга сотиб нон топамиз-да, чайлага бориб еб ётамиз. Келаси йил мен бутунлай бой эшигидан чиқиб «ўтинкашликка» кирмоқчиман. Истасанг Гулсумга уйлана бер. Бойнинг уйига сигмасанглар, бизнинг «Гуломон» кўчамизга бориб, битта чайла қурасан-да, ўтинкашлик қила берасан.

Шодмон осмондаги юлдузларга қараб:

— Уҳў... вақт ярим кечадан ошган-ку,— деди,— энди бориб ётиш керак,— деб ўрнидан турди. У билан бирга Ҳусайн ҳам туриб:

— Мен ҳам қўра бошига бориб ётай, бўрилар келадиган вақт яқинлашди, бирон фалокат бўлиб яна жанжалга қолмайик,— деди.

— Бўри келса, Ҳайбар хабар берар,— деб Шодмон ўз қўрасига кетди. Отини эшитиш билан ётган еридан бошини бир кўтарган ит, яна ётди.

— Ҳайбар ҳали ҳам бой билан ярашгани йўқ, қўрани қўриқлашга бормаиди,— деб Ҳусайн ҳам ўз қўрасига қараб кетди.

Ухламоқ нияти билан ўтирган ерида чўзилган Некқадам:

— Ит ит билан ярашмайди,— деган товуш эшитилган томонга қараса, боши устида Гулсум турган экан.

— Ҳа, нима гап?— деб Некқадам телбаланиб ўрнидан туриб ўтирди.

— «Ғуломон» кўчасида солинадиган уйимиз тўғрисида кенгашмоқ учун келдим,— деди Гулсум.

— Демак, барисини эшитибсан-да!

— Ҳа, барисини эшитдим, ёлғондан севги даъвосини қилганигни ҳам эшитдим.

— Ўн беш йиллик севги, ўн беш йиллик оҳ-воҳлар ёлғон бўладими?

— Қизилчўл этагидан чиқадиган бу оҳ-воҳларга қарши, «Қаршининг чўлидан ёр саси» келади-ку.

— У бошқа воқеа, бошқа гап. Унинг сенга дахли йўқ.

— Биламан, у бошқа гап, лекин шунисини ҳам биламанки, бир кўнгилга икки ёр сиғмайди.

— Сен янглишасан,— деди Некқадам жиддийлашиб,— у гап бошимдан кечган қора кунларнинг энг ёмонроғига тегишли бир нарса, эр-хотинликка тегишли бир воқеа эмас.

— Ундай бўлса менга сўйлаб берсанг-чи.

— Сўйлаб бериш учун менда тоқат йўқ.

— Демак, менга сирингни айтмайсан, мендан яширасан экан-да.

— Сендан яширмайман, лекин сенга айтмайман ҳам, фақат ўлаётган чоғимда васият йўли билан айтман.

— Хўп, бу туркманча ашулани ўзинг тўқидингми? Ёки бу ҳам бир сирми, буни ҳам айтмайсанми?

— Бу сир эмас, уни айтиш мумкин. Бу ашулани мен тўқиган эмасман. Бизни туркман чўлидан Хева орқали Бухорога олиб келаётган туячилар шу ашулани кўп айттардилар, мен ўшалардан ўрганганман. Лекин улар «Марининг чўлидан ёр саси галди» дер эдилар. Мен бу ашулани ўз саргузаштимга мувофиқлаштириб, «Мари» ўрнига «Қарши» сўзини қўйиб, «Қаршининг чўлидан ёр саси галди» деб куйлай бошладим.

— Демак, сен бу ашулани етти яшарлигингда ўрганиб, ўшандан бери куйлайсан экан-да?

— Ҳа, шундай.

— Демак, бу ашуланинг хотин-қизлар ишқига дахли йўқ.

— Ҳеч бир дахли йўқ!

— Демак, сен чиндан ҳам мен билан умрлик яшамоқ истайсан.

— Истайман, кўпдан бери истаб келдим, ёлғиз менинг истагим билан иш битмайди, сенинг ҳам исташинг керак.

— Мен истамасам, нега тонг отгунча ётмасдан сени пойлаб юраман.

— Ундай бўлса нега олдимга барвақтроқ келмадинг, Шодмон билан Ҳусайн келгунча юлдуз санаб, ёлғиз ётган эдим.

— Қозон-товоқни йиғиштиргандан кейин, машкни кўтариб, Сувоқар бўйига сувга бордим, суви қуриган экан; ундан Болойирўд қишлоғига бориб қудуқдан сув олиб келдим; ярим тошлик йўлдан тиззагача қумга ботиб бир машк сувни кўтариб келгунча ярим оқшом бўлди. Сўнг-ра, ётаман деяганимда ашулангни эшитдим-да, оласолиб бу ерга келдим.

— Сен ҳам ашула айтасанми?

— Шу кеча суви қуриган Сувоқар бўйида дам олиб ўтириб битта ашула тўқидим.

— Қани, айт-чи.

— Менинг ашулам Қарши чўлига эмас, Қизилчўлга тегишли.

— Яна шубҳа, яна пичинг. Ў қинғир қиз-э,— дегандан кейин Некқадам давом этди.

— Қани эшитайлик.

Гулсум уялиб ерга қараб айта бошлади:

— Сувоқардан сув оқмас,
Қуруқ сўз жонга ёқмас,
Сўлиб қолган гулим бор,
Булбулим унга боқмас...

— Менга қара, Гулсум,— деди Некқадам,— ундай бўлса мендан ҳам Қизилчўлга тегишли бир ашула эшит.

— Майли,— деди Гулсум, яна ерга қаради. Некқадам бошлади.

— Сувоқардан сув оқар,
Қуруқ сўз кимга ёқар?..
Менга бир боқ, деганда,
Гўзалим ерга боқар.

Гулсум жавоб берди:

— Сувоқардан сув оқмас,
Ёрим қошини қоқмас.
Қуриб қолган гулим бор,
Севгилим уни тоқмас.

Яна Некқадам айта бошлади:

— Сувоқардан сув оқар,
Итоби жонни ёқар.
Аразлик бир ёр экан,
Донмо ерга боқар,
«Ербоқардан ер қўрқар».

Қайфи чоғланиб кетган Гулсум:

— Бўлмаса сени қўрқитмаслик учун осмонга боқай...— деб кўтарилиб келаётган ойга қаради.

Ойнинг сутдек нурида унинг бақбақаси Некқадамнинг кўзига жуда жозибали кўринди.

— Мана бу ерингга пахта қўйганмисан?— Некқадам қўлини унинг бўйнига узатди.

Гулсумнинг қўли ҳам ихтиёрсиз Некқадамнинг бўйнига томон чўзилди...

XX

Некқадам қариган, ишдан чиққан эди. Тўғриси, етти яшарлигидан бери бошидан ўтган фалокатлар, машаққатлар уни қаритган; кеча демай, кундуз демай, ярим тўқ, ярим оч ҳолда қилган қора ва оғир меҳнатлари уни олтмиш яшарлигида саксон яшарга айлантирган эди.

— Қулбобомга айт, энди ўзига бирон бошқа жой топсин, мундай қимматчилик чоғида сенларни боқа олмаймиз,— деб, Гулсум орқали бойнинг кичик ўғли томонидан Некқадамга айтиб юборилган бу гап уни тамом ўлим тўшагига йиқитди.

— Инсофсизлар!— деди бу хабарни Гулсумдан эшитган Некқадам,— озодлик хатимни олганим ҳамон «Гулломон» кўчасида бир чайла қуриб, у ерга кўчмоқчи эдим, шу бола, шу илон боласи, илондек тилёғламалик қилиб мени алдади. «Қаерга борасиз, қулбобо, сиз бизнинг бо-

бoмизсиз, тирик экансиз биз оч бўлсак оч, тўқ бўлсак тўқ бўласиз, биз билан бирга яшайсиз, ажалингиз етса, отамнинг гўри ёнига сиз учун катта бир соғона ясаб, сизни элтиб кўмамиз» деди. Энди қўлимдан иш келмайдиган бўлганда мени қувмоқчи... Инсофсиз!..

— У вақтда,— деди Гулсум,— биз уларга керак эдик, сиз уларга чўпонлик қилар эдингиз, мен уй ишларини қилар эдим. Энди сиз қимирлаёлмайдиган бўлиб қолдингиз, мен ҳам қаридим, бунинг устига кўп вақтим бу касал болага қарамоқ билан ўтади. Энди биз уларга керак эмасмиз. Вақтида Ҳусайн акамнинг маслаҳатига қулоқ солишимиз керак экан. Сиз бўлсангиз буларга ишондингиз.

— Ишондим, янглишдим,— деди Некқадам,— буларни кўтариб катта қилганман, ҳали булар сийдигининг иси бурнимдан, изи кийимимдан кетгани йўқ. Булар мени отим билан эмас, «Қулбобо» деб чақирар эди, ҳатто бутун қишлоқ ҳам мени «Қулбобо» дер эди. Бу сўзлар ичида қаҳр, илон тилининг учиди заҳар борлигини қайдан билай... Ишондим, янглишдим...

— Ҳали ҳам бўлса Ҳусайн ва Шодмон акамлардан ёрдам сўраш керак.

— Уларга бор бўлмаса...

* * *

Қораёғоч қишлоғи «Ғуломон» кўчасида кичкина эшиклик пастгина пахса бир уйда икки касал ётмоқда эди. Буларнинг бири беш-олти яшар бир бола бўлиб, иккинчиси ёши олтмишдан ошган бир чол эди. Касалларнинг бош томонида ёши эликдан ошган бир кампир ўтириб, енги билан уларни елпимоқда эди.

Қўлида бир эгри таёқ, орқасида бир кир халта билан бир тиланчи кампир келиб ҳалиги уй эшиги олдига ўтирди, таёғини эшикка суяб қўйиб, қўлини кўтариб хонадон ҳақиға:

— Қадам етди, бало етмасин!— деб дуо қилди ва узаниб ётган касалларни кўриб, уй эгасидан:

— Булар кимингиз бўлади?— деб сўради.

— Унисн ўғлим, буниси чолим,— деб жавоб берди уй эгаси,— болам бир йилдан бери касал, чолим икки ойдан бери касал ётибди. Икки кундан бери жовлийди, билмадим нима бўлар экан.

— Худо хоҳласа ҳеч нима бўлмайди, «дард бошқа, ажал бошқа» деганлар, тўрт томчи совуқ тер келса тузалиб қолади,— деди тиланчи кампир, яна қўлини кўтариб:

— Худо шифо бергай!— деб дуо қилди.

Уй эгаси, касал чолнинг олдида бир косада ивителиб қўйилган нонни косаси билан олиб остона устига — тиланчи кампир олдига қўйди ва:

— Айб этмайсиз, опа, бошқа нарсамиз йўқ, шугинани енг!— деди.

— Нон бўлса биздай кампирлар учун ивителигани қуруғидан кўра яхшироқ,— деди тиланчи ва ея бошлади.

— Опа, сўрамоқнинг айби йўқ, сиз бу томонларнинг одамларига ўхшамайсиз, қаерлик бўласиз?

— Қаршидан,— деди тиланчи хотин.

«Қарши» сўзини эшитган касал чол сесканиб кўзини бир очди-ю, яна юмиб:

— Қаршининг чўлидан ёр саси галди,— деб жим бўлди.

— Жовлийди,— деди уй эгаси ва тиланчига қараб:

— Нима бўлиб бу томонларга келдингиз!— деди.

— Синглим, бу йил у ёқларда халқ бошига келган балоларни сира сўраманг, икки йилдан бери Қаршида қурғоқчилик...

Касал яна кўзини очиб, тиланчи хотинга бир қаради: «Қар... ши...» — дегани ҳолда яна кўзини юмди.

Касалнинг бу ҳаракати билан сўзи кесилган тиланчи:

— Бечора!— дегандан кейин, яна аввалги ҳикоясини давом қилдирди:

— Ёғиш бўлмагач, буғдой бўлмади, халқ очликка тушди, Қашқадарё суви қуриди, сув бўлмагач обчакорлик, боғдорлик ҳам бўлмади, икки йиллик қаҳатчилик, очлик халқни ҳар бир нарсасидан ажратди. Буғдойини ўрага кўмиб қўйган бойлар бир кафт буғдой бадалига бир уйнинг бутун рўзғор асбобини уйларига таший бошладилар. Очлик орқасидан вабо келди. Оч, бир бурда нонга муҳтож, қип-яланғоч бўлиб қолган халқ, битталаб, ўнталаб эмас, юзталаб, қишлоқлаб ўла бошлади. Кейинги вақтларда жаноза ўқиб ўлик кўмиш одати ҳам барҳам еди. Бир хонадон аҳли бутун ўлгандан кейин қишлоқда тирик қолганлар уйни ўликлар устига йиқитар ва шу билан таналарини тупроқ остида қолдирар эдилар. Йўл юришга кучи етганлар Самарқанд, Бухоро

томонларига қараб қоча бошладилар. Омбори тўла буғдой бўлган хўжайиним томонидан қувилгач, мен ҳам қочқинларга эргашиб, йиқила-тура бу ёқларга келдим.

— Қавму қариндошларингиз борми, улар нима бўлдилар?— деди уй эгаси.

— Қавму қариндошларимни сўрама, синглим,— деди тиланчи хотин ва кўзидан оққан икки томчи ёшини енгилан билан артиб, сўзида давом қилди:

— Мен ҳозирда қаршилик саналсам ҳам...

Қасал бошини кўтариб, тиланчига бир қаради ва яна бошини ёстиққа қўйиб:

— Оҳ, Қарши! Мендан ўн саккиз тошгина узоқда бўлган Қарши! Мен сенга бора олмадим, сени кўрмасдан ўламан... Йўқ, мен ҳали ўлмайман, сени кўрмасдан ўлмайман...— деди.

— Яна жовлияпти, асос¹ қилдирдингизми, синглим?— деди тиланчи хотин уй эгасига.

— Асос қилдирдим, лекин нафъи кўринмади... сиз ҳали қавму қариндошларингиз тўғрисида гапирмоқчи эдингиз.

— Мен ҳозир у ерлик саналсам ҳам, она юртим қаерда эканлигини билмайман. Болалик чоғларимда туркманлар мени бутун қавму қариндошларимиз билан бирга чопганлар...

Қасал бир қимирлаб кўзини очди ва бош кўтариб, тиланчи хотинга қарагандан кейин, яна бошини ёстиққа қўйиб тинчланди. Тиланчи ўз сўзида давом этди:

— Бизнинг ҳар қайсимизни ҳар томонга олиб бориб сотганлар. У вақтда мен жуда кичкина бўлганимдан бизни қандай ва қайси юртдан чопганларини ва қариндошларимни қаёқларга олиб бориб сотганларини ва ўзимнинг қандай бўлиб Қарши томонларига тушганимни билмайман. Ёлғиз у қора кунларни аранг-аранг эслайман.

— Демак, сиз ҳам биздек қавму қариндошларидан ажралган чўримисиз... Отингиз нима, опагон?

¹ Асос — хурофий бир одатдирки, эмчи кампирлар бир парча эски латтани бир таёқнинг учига ўраб, уни ёндириб «алос-алос, кулли балодан халос...» деб касалнинг бошидан айлантирадилар. Гўё бу билан касалликка сабаб бўлган «жинлар» қочар эмиш.

— Менинг ҳозирги отим Гуландом бўлса ҳам, онамининг менга қўйган оти Зебо...

«Қарши», «туркман чопқини» сўзларидан шубҳаланиб, тиланчи хотиннинг ҳикоясини жуда диққат билан тинглаётган касал, «Зебо» сўзини эшитгач, жон талвасаси билан шошилиб, телба кезуклардай ўрnidан ирғиб турди ва тиланчи хотинга яқинроқ бориб унинг кўзига ва юзига бир тикилиб қарагандан кейин:

— Воҳ, Зебом! Ўзимнинг Зебом, кичкина Зебом!.. — деб унинг устига отилди.

Касалнинг девоналарча қилган ҳаракатларига ажабланиб қараб турган тиланчи хотин унинг ҳужумидан ўзини қутқизиш учун бир чеккага қочиб узоқроқдан уни кузатди. Касалнинг хотини — уй эгаси югуриб бориб эрини ушлади ва:

— Сенга нима бўлди, Раҳимдод! — деб уни ўрнига ётқизгани уринди.

— А, Раҳимдод! — деди тиланчи хотин ва бурунги ваҳшатини ташлаб, лекин жуда телбаланган ҳолда касални ётқизишга ёрдамлашгани келди, касал ўз ёнига келган тиланчини бор кучи билан қучоқлаб олди, ва:

— Энди ўламан, армонсиз ўламан. Мен сени кўриш учун бугунгача яшадим. Бутун қавму қариндошимизнинг биргиня ёдгори бўлиб мендан тўраган Эргашни сен билан онасига топширдим, — деди ва ҳушидан кетиб, тўшакка чўзилди...



ИККИНЧИ БЎЛИМ

I

М. қишлоғи билан Шофирком рўдининг қум босган эски йўли орасида тўрт таноб ерни эгаллаган кенг ва баланд деворлик бир қўрғон, қўрғон ичида ичкари-ташқари бир ҳовли, ташқари ҳовлида сайисхона, молхона, бостирма. Бостирма олдида от боғлайдиган қатор қозиқлар қоқилган бир майдон; майдоннинг юқорисида тева-рағи шосупалар, сояли дарахтлар билан ўралган сарҳовуз, сарҳовуз билан ташқари ҳовли орасига солинган қўш меҳмонхона, меҳмонхона ёнидан махсус бир эшик билан кириладиган ичкари ҳовли; ичкари ҳовлида даҳлиз ва мадонлик қатор уйлар, ошхона, тандирхона...

Ҳовлининг ёнида чорбоғ, чорбоғда раста-раста қилиб ҳавозага кўтарилган тоқлар — толорлар, қатор ўтқазилган мевали дарахтлар: ўрик, шафтоли, нок, нашвати, олма, гилос, махсус бир майдонни эгаллаган анорзор, анжирзор...

Бу катта қўрғон чорбоғида дарахтларни бутаб юрган икки боғбондан, ичкари ҳовлисида нон ёпаётган икки кекса хотин, ҳовли супураётган икки ёш қиз, бешикдаги боласини эмизаётган бир ёш хотиндан ташқари, ҳовлида бир қўйни сўяётган қассоб ва унинг шогирди, охурга боғланган ё отларни кошовлаётган икки сайисдан бошқа кимса йўқ эди.

Қўрғоннинг дарвозасидан йиртиқ қалами иштон, енглари узилган эски бир тик чопон кийган, оёқ яланг,

Ўрта ёшли бир деҳқон кириб келди. Деҳқон, бу кимсасиз ҳовлининг у ёқ-бу ёғига қараб, меҳмонхона томонга бораётганда, от кошовлаётган сайислардан бири унга:

— Ҳа, ака, кимда ишингиз бор?— деди.

Деҳқон, йўлидан қайтиб, бостирма остига келиб сайисга салом бергандан кейин:

— Бек шу ерга қўнган деб эшитдим, ўша кишини ёки Ўрмон полвоини кўрмоқчи эдим.

— Бек шу кеча бу ерда қўндилар, ўтган кеча Қорахонийда эдилар, палтарларни биз билан бу ерга узатиб, ўзлари мол қилгани¹ чиқдилар:

— Ҳозир қаерда бўлсалар экан?

— Қорахонийни мол қилиб бўлган бўлсалар, ҳозир ё Қоқа ёвонида ёки Қорақалпоқда бўлсалар керак... Бекда нима ишингиз бор эди?

— Бизнинг ёвонни мол қилишга қачон борадилар,— деб сўрамоқчи эдим.

— Сиз қайси қишлоқдан, ёвонларингиз қаерда?

— У, ука! Тўғриси айтсам, бизнинг қишлоқ, деярли жойимиз, ёвон отарлик еримиз ҳам йўқ. Биз эски қулларнинг авлодимиз. Қораёғоч қишлоғининг бир чеккасидаги қум босган бир ерда, «Ғулмон» кўчасида, отабобомиз озод бўлган чоғларида ўзлари учун ясаган чайладек уйларда тирикчилик қиламиз. Биз бойларда етимлик, чоракорлик, мардикорлик, чорвадорларда чўпонлик қилиб кун кечирамиз, баъзиларимиз чўлдан янтоқ, шувор ташиймиз, шу билан ўлмагудек овқат қиламиз.

— Ундай бўлса сиз нимани мол қилдирмоқчи бўласиз?

— Ҳў... ў... Жилвон рўди бор-ку, биласизми?

— Эшитганим бор, аммо кўрганам йўқ.

— Сиз бу ерлик бўлмасангиз керак, бўлмаса Жилвон рўдини кўрган бўлар эдингиз.

— Йўқ, биз бу ерлик эмасмиз, биз сайислар — битгамиз Қаршидан, битгамиз Самарқанддан, биримиз Бухородан, ҳар биримиз ҳар ердан, юртма-юрт улоқиб юрган кишилармиз.

¹ Амир замонида Бухоро музофотида экин ерларига ҳукумат маъмури томонидан солиқ белгилашни «мол қилиш», ер солиғини «молият» дер эдилар.

— Меники Шаҳрисабздан,— деб лабшўй¹ латтасини сатилда юваётган иккинчи сайис ҳам гапга қўшилди.

— Демак, сизларнинг ҳеч бирингиз Жилвон рўдини кўрган эмассиз?— деб деҳқон сўзини давом қилдириди:

— Жилвон рўди қадим замонларда энг катта рўд бўлиб, унинг тевараги, ундан суғориладиган ерлар Шофирком туманининг энг обод жойларидан ҳисобланган, бора-бора бу рўдни қум босган, суви қуриган, ундан суғориладиган экинзорлар, боғ-бўстонлар қумзорга айланган... у ерларга қўнган қум бора-бора ернинг энг ҳосилдор табақасини еган ва унумли тупроқни ўз жинсига айлантирган. Бу ҳодисадан эллик-олтмиш йил ўтиб, қум у водийдан кўчганида, ўзлаштирилган унумли тупроқни ҳам ўзи билан бирга олиб кетган. Шундай бўлиб, Жилвон водийси экин-тикишга ярамайдиган тошлоққа айланиб қолган.

Мана шу вақтда, ерсиз-жойсиз «озод бўлган» қуллар ер-суви қўлидан кетиб, ўзи бойлар эшигида қарол, чоракор, мардикор ва чўпон бўлиб қолган камбағал деҳқонлар қум босиб қуриган Жилвонни қазиб, торгина бир ариқ очганлар, Зарафшонда сув тошган чоқларда бу янги ариқдан жилдираб сув оқадиган бўлган.

Тошқин чоғларида шилдираб келадиган ана шу сувга умид боғлаб ҳалиги деҳқонлар, тўғриси, қуллар, мардикорлар бир тахта, ярим тахта ерга буғдой, арпа, тариқ, ёки қовун, тарвуз, мош ва лўя каби экинлар экадилар. Агар оз-моз сув келса, бир нарса бўлади, бўлмаса экинлари бутунлай қуриб кетиб, меҳнатлари куяди.

Биз «ғуломонлик» қуллар ҳам ўша ерларга оз-моз экин экканмиз. Мана шу ерларни мол қилиш учун бекларнинг қачон боришлариши билмоқчи эдим.

— Қачон навбати етса борадилар, сиз учун эмас, ўз фойдалари учун, подшоҳлик фойдаси учун борадилар. Нега шошиласиз?— деди биринчи сайис.

— Қачон боришларини аниқ билиб, экин бошига ўзимиз ҳам бирга боришимиз, ерни тахмин, ҳосилини хасбур² қилганларнда талашиб-тортишимиз керак; бўл-

¹ Л а б ш ў й — сайислар отни қашлаб, супургандан кейин бир парча латтани сувга ивйтиб у билан отнинг оғиз-бурнини артадилар. Ана шу латтани, «лабшўй» дейдилар.

² Х а с б у р — ўрилмаган экин ҳосилини тахминан белгилаш.

маса, ярим таноб келмайдиган ерни тахминан тўрт таноб, ботмон чиқмайдиган ҳосилни тахминан ўн ботмон деб, шунинг юзасидан мол қилиб кета берадилар. Уларнинг бели оғрийдимиз?

— Ботмонни йигирма ботмон тахминласалар ҳам бекларнинг бели оғримайди,— деди иккинчи сайис.

— Ҳа, шундай,— деди деҳқон,— менга бултур икки ботмон мош молият чиқди, ҳолбуки мен бир ботмон мош ҳосили олган эдим. Қиши билан чўлдан ўтин ташиб сотиб шу молият пулини зўрға тўладим. Ўтин ташиб юрганимда белим шундай лат едики, ҳали ҳам тузалгани йўқ,— деб деҳқон белини ушлаб бир уқалаб қўйди.

— Аммо бекнинг бели оғримаяган бўлса керак?— деб иккинчи сайис кулди.

— Албатта,— деди деҳқон ва кетмоқчи бўлиб қўзғалиб, қўшимча қилди:

— Хайр, хўш, бўлмаса, ёвонларни қидириб бекни топар эканман-да.

Деҳқон кетаётиб ҳовлининг у ёқ-бу ёғига назар ташлаб:

— Урмон полвон жуда данғиллама иморатлар қилган экан-а,— деди.

— «Тахминан тўрт таноб, тахминан ўн ботмон» деб бел оғритмайдиган ишлардан келган пул билан бино бўлган иморатлар-да,— деб иккинчи сайис кулди.

— Урмон полвоннинг отаси Абдурахимбойнинг гу-маштаси экан. Онамнинг айтишига кўра, қуллик замо-нида бизнинг оталаримиз, оналаримиз унинг қўли ости-да бойда ишлар эканлар. Ҳали унинг сайисхонаси бой-нинг меҳмонхонасидан ҳашаматлироқ,— деди деҳқон ва сайисхона эшигига бориб бошини ичкари суқиб қаради. У ердаги зинхонада: «Вой жоним, бу қандай бедодлик, шундай иссиқ ҳавода, тор бир жойда, бир одамни икки кун қамаб қўядиларми?»— дея бир одам нолимоқда эди. Деҳқон сесканиб бошини тортди ва сайисларга қараб:

— Бу ким?— деб сўради.

— Бу,— деди сайислардан бири,— «тахминан тўрт таноб, тахминан ўн ботмон дейилганда». Бу қан-дай бедодлик?..» деб қарши чиққан бир камбағал деҳ-қон.

«Ҳой, яхши йигитлар, худо ҳаққи, шаҳиди Қарбало

ҳаққи, бирон бурда нон, бирон қултум сув беринглар!»— деган товуш зинхонадан такрорланди.

— Бу бечорага нон, сув бериш ҳам мумкин эмасми?— сайислардан сўради деҳқон.

— Утган кеча,— деди бир сайис,— мен бунни ёзилтиргани олиб чиққанамда бир коса сув билан ўз нонимдан бир бурда берган эдим, Ўрмон полвон билиб қолди, ундан кейин зинхонани ўзи қулфлаб, калидни киссасига солди: «Бу ўғрини ташқари чиқариш керак эмас, қўй, ўз остини булғатиб ёта берсин» деди.

— Бу уйчанинг тешик-туйнуги ҳам йўқки, у ердан бирон бурда нон узатсам. Эшигини кўрмайсизми, амир обхонасининг¹ эшигидан ҳам кичикроқ, нон-сув у ёқда турсин, ёруғ ва ҳаво кирадиган ҳам бирон ёриги йўқ.

— Ё алҳафиз...— деди деҳқон, ёқасини ушлагани ҳолда ва сайисга қараб:

— Хайриятки, ўзингизни ҳам «сен бунга нон-сув берибсан» деб шу уйчага қамаб қўймабди.

— Биз сайис,— деди сайис,— бизнинг бобомиз бор, бобохонамиз бор. Бизга баландроқ гапирса дарров аразлаб бобохонамизга борамиз. Сўнгра бизни рози қилмасдан бошқа сайис келтира олмайди. Бошқа сайиснинг ўзи ҳам келмайди, ҳам келолмайди. Шунинг учун қандай катта ҳоқим ё бой бўлмасин, бизнинг баъзан нозу нузимизни кўтаришга мажбур.

— Сайисларнинг ҳоли озод бўлган қуллар ва камбағал деҳқонлар ҳолидан беҳроқ экан,— деди деҳқон ва хайрлашиб қўрғон дарвозасидан чиқа бошлади.

— Сўраганинг айби йўқ, отингиз нима?— деб сайислардан бири сўради.

— Эргаш,— деди деҳқон ва дарвозадан чиқиб кетди...

II

Шофирком рўди тўлиб-тошиб оқмоқда, рўд бўйидаги қатор толлар, тераклар, қайрағочларнинг шохлари бири-бирига ўралиб ерга соя солмоқда; саратон ойининг қиз-

¹ Обхона — амирининг махсус қамоқхонаси бўлиб, Бухоро аркининг дарвозахонаси йўлагига эди.

гин офтобида ишлаб, бўғизлари чатнаб, бағирлари қовурилган деҳқонларни ўз ҳимоясига олмоқда эди. Шундай соя-салқин жойлардан бирида бир деҳқон кетмонининг дамани ерга суқиб, сопига коржомасини чорқатлаб ташлаб, елкаси билан унга суяниб чўзилиб ётмоқда эди.

— Тур, Ҳайдар!— деди унга янги келган бир деҳқон, ўроғини дарахт танасига санчиб қўйиб,— очликдан ҳолдан кетдим, дарров мана бу лўяларни қайнат.

Келган деҳқон белбоғини очиб, ундаги хом лўяларни ерга тўкди. Ҳайдар эринибгина ўрнидан турди ва бир керишиб олгандан кейин:

— Қўймадингиз-да, Сафар ака, бир оз ётишга,— деди,— ярим таноб ғўзапояга дўмбуқ тортиб бўлиб янгигина келиб чўзилган эдим, ҳали кўзимни имизғи ҳам элтган эмас эди.

— Барибир,— деди Сафар,— мен қўйсам ҳам, амлоқдор ётгани қўймайди. Ашурнинг айтишича, Қорахоний ёвонини мол қилиб бўлиб Қувватхон ҳовлисига шўрва ичишга киришган эмишлар. Оқсоқолга киши юбориб, «Қоқа ёвонига дарров келсин, пешиндан кейин у ерга борамиз» деганлар. Бирон соатгача келиб қолсалар керак. Тез бўл, лўяшўракни қайнат, улар келгунча қоринларни бир тўйгазиб олайлик.

Ҳайдар ўрнидан туриб, дарахт тубидаги ўчоқ бошига борди. Ўчоқ ичига кўмилган ўтни очиб, устига бир дона тезак қўйиб, пуфлаб бир оз яшнатди. У ердаги чилим сархонасига тамаки босиб, қўли билан ўчоқдан чўғ олиб унинг устига қўйди. Чилимни ўзи чеккандан кейин, яланғоч кўкрагини нам қумга босиб ётган Сафарга ҳам элтиб чектирди.

— Тез бўл, лўяни қайнат,— деди чилимни чеккандан кейин Сафар.

Ҳайдар чилимни яна бир марта чеккандан кейин оловини ўчоққа ағдариб, чилимни дарахтга суяб қўйди. Сўнгра қайрағоч шохлари орасига қистирилиб қўйилган ёғлоғини олиб, лўяларни унга солиб, сув бўйига элтиб ювди ва ёғлоғига сув тўлдириб келтириб ўчоқ устига қўйди. Дарахтдан қуриган шохларни синдириб олиб ўчоққа қалади-да, пуфлаб, оловни ёндириб юборди.

— Туз солиш эсингдан чиқмасин,— деди унга Сафар.

— Дарвоқе, эсимдан чиқараёзган эканман,— деди

Ҳайдар ва дарахт буюғи орасидаги тугунчакни очиб, унда бир кафт туз олиб ёғлогига солди.

— Тузни кўпроқ сол,— деди Сафар,— бу эрта ҳам мен лўяшўрак еб эдим. Тузи пастроқ бўлган экан, нонсиз бир оз кўнглимни айнитди. Ҳали ҳам ноним йўқ, яна кўнглимни бутун айнитиб юбормасин.

— Янгамга айтсангиз, буғдой бошоқларидан бир оз синдириб олиб тўқмоқлаб ёрғучоқда ёрма тортса бўлмайдими?

— Бултур икки чорак буғдойни тўқмоқлаб еганим сабабли амлоқдор томонидан урилган қамчиларнинг изи ҳали ҳам орқамдан кетган эмас, бунинг устига, усиз ҳам оғир бўлган молиятга ярим ботмон жарима орттирилиши дард устига чипқон бўлди. Шундан кейин «оқ тавба, қора тавбаки, амлоқдор мол қилмасдан бурун очликдан ўлсам ҳам бир бошоқ буғдойни синдириб олмайман» дедим.

— Дарвоқе, ўшани амлоқдорга ким айтган экан?

— Ким айтар эди дейсан? Шу уйи куйгур оқсоқол-да. У бизнинг оқсоқол бўлиб, биз томондан тортишиб-талашиши лозим бўлса ҳам, амлоқдорга тилчилик қилади, рост-ёлғон хабарларнинг пашшасини фил қилиб етказиб, уйимизни куйдиради.

— У молият вақтида амлоқдордан княдиган чопонларини, оладиган от емларини ҳалол қилади-да. Кўрмайсизми, амлоқдор бизнинг бир таноб еримизни тахмишан тўрт таноб деб ёзгани ҳолда, унинг пайкал-пайкал экинларини «бу оқсоқолнинг посараси» деб мол қилмасдан ташлаб кетади...

Ҳайдар ўчоқ бошига бориб яна бир чилим солиб чекди. Сафарга ҳам чектирди. Ўчоққа яна бир-икки дона ўтин қалагандан кейин ўз тугунчагини Сафарнинг олдига келтириб очди. Унинг ичидаги нонни синдириб бир оғиз еди ва:

— Қани, Сафар ака, нонга қаранг!— деб уни ҳам нон ейишга ундади. Сафар ҳам бир бурда нонни оғзига тикиб:

— Арпа ноними, қаердан топдинг?— деди.

— Қаердан топар эдим? Очлик жонга теккач, биров кўриб қолмасин деб кечалаб арпамдан бир оз бошоқ синдирдим, ўшани келинингиз тўқмоқлаб ёрғучоқда тортиб, шу нонни пиширди.

— Жуда яхши,— деди Сафар ва ўрнидан туриб

бориб ёғлоғидаги лўяни қошиқ билан кавлаб бир дона олиб, совутиб еб кўриб:

— Қарийб пишай деб қолибди,— деб бир-икки чўпчакни ўчоққа қалаб, ўрнига келиб ўтирди.

— Қани, нондан ола беринг,— деди Ҳайдар.

— Узинг егил, мен қорнимни лўяшўрак билан тўйгазарман.

— Ола берсангиз-чи,— деди Ҳайдар,— бир майизни қирқ киши еган экан. Озми-кўпми, ҳар нима бўлса бир-галашиб ея берамиз, бизу сиз икки бошдан оқсоқолдай бой бўла олмаймиз...

Нон битди. Сафар бориб ёғлоғини олиб келди, лўяни қошиқ билан ағдариб совутгандан кейин икковлашиб ея бошладилар. Шу вақтда М. қишлоғи томонидан келаётган бир киши кўринди.

— У Эргашқулми?— деди келаётган одамга қараб Ҳайдар.

— Яқинлашса маълум бўлади.— деди Сафар ҳам унга қараб.

— Уша, ўшанинг ўзи экан,— деди Ҳайдар. Булар яна бир-икки қошиқ лўя егунча у ҳам келиб қолди. Бир-бировлари билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Ҳали булар лўяшўрак қолдигини ейишга бошлагунча йўқ эдиларки, Қорахоний томонидан отнинг кишнаган товуши эшитилиб қолди.

— Келдилар чигирткалар!— деди у томонга қараб Ҳайдар. Ҳаммалари у томонга қарадилар. Йигирма-йигирма беш отлиқ йўлни чангитиб келмоқда эди.

— Бу лўяшўрак ҳам сабил қолди,— деди Сафар лабини қўли билан артиб. Отлиқлар яқинлашдилар. Уларнинг олдиларида оқсоқол от чоптириб келмоқда эди.

Ҳаммадан бурун қайрағоч остига етиб келган оқсоқол, у ерда Эргашни кўриб:

— Ҳа, қул! Сен нима қиласан бу ерда?— деди.

— Амлоқдорнинг бизга қачон боришларини билай деб келиб эдим,— деди Эргаш.

— «Ўзимиз устида бўлмасак, оқсоқол молиятда бизга жавр қилдиради» деб бадраг, қуллар маслаҳатлашиб сени юбордиларми?... Бориб ҳаммани тўпла, бу ёвонни мол қилиб бўлгач, Жилвон бўйига тушамиз.

Эргаш туриб кетди... Амлоқдорнинг Қоқо ёвонига келишини эшитиб шу ёвонда экини бўлган деҳқонлар

битталаб-иккиталаб келмоқда эдилар. Амлокдор ҳам ўз дастаси билан етиб келди. Оқсоқол амлокдорга бир таъзим қилгандан кейин, кўз учи билан ёғлоғидаги лўяшўракка ишорат қилди. Амлокдор ёғлоғига бир кўз солгандан кейин:

— Ўғрилар,— деди,— подшоҳлик ҳақини аниқламасдан бурун хом демай, пишиқ демай, кўзга кўринган ҳосилни ея берасанларми?!

— Нобудчилик-да, тақсир!— деди оқсоқол бутун деҳқонларга эшиттириб,— бир неча лўя билан подшоҳлик хазинаси тўлмайди ҳам, бўшаб қолмайди ҳам.

— Ўзини бизнинг кўзимизга «яхши киши» қилиб кўрсатмоқчи, қизталоқ,— деб деҳқонлар бир-бирларига пичирлашдилар.

— Тузукку-я,— деди оқсоқолга қараб катта саллалик бир отлиқ,— «подшоҳлик ҳақи сағир ҳақи билан баравар» деганлар китобларда. Подшоҳ «ўз вакилим» деб қўйган амлокдорнинг рухсатидан ташқари бир ҳосилни ҳам бежо қилиш тузук эмас.

— Мунинг қусурини бошқа экинларнинг молияти устидан чиқарамиз, домулла!— деди оқсоқол у катта саллалikka ва амлокдорга қараб,— қани, марҳамат қилсинлар, буғдойларни кўздан кечирайлик.

— Олдин тушинг!

Оқсоқол олдин тушди, унинг орқасидан амлокдор дастаси йўналди. Деҳқонлар ҳам орқадан пиёда йўлга тушдилар. Ҳар томондан яна деҳқонлар келмоқда эдилар...

— У, шариатчи катта саллалик ким эди?— деб сўради Ҳайдар Сафардан.

— Билмайсанми? Истамзелик Муллонаврўз-да.

— У, буларнинг орасида нима қилади?

— Билмасам.

— «Инжо бизан» («бу еридан ур»)лик қилади,— деб жавоб берди бошқа бир деҳқон,— амлокдор бирор деҳқоннинг бир еридан урса, у «бу еридан уринг! Жончиқари бу ери» деб йўл кўрсатади. Шу билан у ҳам ўзининг бир-икки қоп от емисини деҳқон бошига юклайди...

III

Буғдой қип-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган эди, озгина шамолдан бошоқлар шовиллашиб бир томонга эгилар, чумчуқ, пўпишак каби қушлар-

нинг қўниши, ёки чўқиши билан чирсиллаб синиб тушар эди.

Амлоқдор ўз дастаси билан етилган йўнғичқалар, янги чопилган ғўзалар, варқони¹ қилинган қовун-тарвузлар, янги экилган мош, зигир, тариқ, қўноқ ва кунжут каби экинларнинг ораларидан от йўрттириб поймол қилиб, бир буғдой ерининг увотига келиб тўхтаб:

— Бу кимники?— деб оқсоқолдан сўради.

— Сафар Шоди ўғлиники, ҳалиги лўяхўр деҳқонники,— оқсоқол жавоб берди.

— Қапи, тахминланг, амин!— деди аминга қараб амлоқдор.

Бошда амин бўлгани ҳолда, отлиқлар ҳаммаси отларининг оғзидан сулуқларини чиқариб, буғдой ичига ёйилдилар. Отлар қирсиллатиб бошоқларни узиб емоқда, оёқлари билан буғдой пояларини синдириб ер билан яксон қилмоқда эдилар.

— Ҳақиқатан чигиртка,— деди Ҳайдар.

— Чигиртка булардан минг мартаба авло,— деди бир деҳқон,— чигиртка тўйганича ейди, аммо ҳосилни синдириб ер билан яксон қилиб ташламайди.

— Булар ёввойи чўчқалар,— деди бошқа бир деҳқон,— ҳар бир нарсани ейдилар, мунинг устига, босган ерларини абгор қилиб бузиб ташлайдилар. Агар қарши чиқсанг, ўзингни ҳам ёриб еб қўядилар.

— Икки чорак буғдойни тўқмоқлаб еганим учун,— деди Сафар,— «подшоҳлик ҳақини аниқлашдан бурун ўғирлаб ебсан» деб мени қирқ-эллик қамчи урган амлоқдор ўз кўзим олдида буғдойимни ер билан яксон қилдирди. Бу қандай бедодлик?!

— Ҳолбуки,— деди Ҳайдар,— мол қилишдан бурун деҳқоннинг бирмунча буғдойни тўқмоқлаб ейишидан на амлоқдорга ва на подшоҳликка заррадай зарар тегмайди. Амлоқдор, қуруқ бир ер қолган бўлса ҳам, «тахминан ўн ботмон ҳосили бор» деб шунинг юзасидан мол қилиб кета беради.

— Амлоқдор бу ишларни,— деди бир деҳқон,— подшоҳлик ҳақини сақлаш учун эмас, балки бирон баҳона топиб деҳқон устига яна кўпроқ юк юклаш, деҳқонни яна

¹ Бухоро томонларида қовунни ёйма экиб, палак отгандан сўнг бир сугориб, ер етилганидан кейин кетмон билан ағдариб жўяк тортадилар. Мана шу ишни, «варқони» деб атайдилар.

кўпроқ эзиш, шу йўл билан деҳқонни қўрқитиш ва маҳкамроқ итоатда сақлаш учун қилади...

Амлокдор одамлари бугдой ерини айланиб, марзада тўпландилар. Амлокдорнинг мирзаси белига суқилган қаламдонини очиб, қаламинини қўлга олди ва жузгиридан бир тахта қоғоз олиб, унинг бош томонига «М. қишлоғи. Қоқо ёвони» деб ёзди ва аминга қараб турди.

— Қани, амин, айтинг, тахминан қанча?— деди амлокдор.

— Тахминан икки таноб!— деди амин.

— Вой!.. Уйим куйди!— деди Сафар ўралган эски бир латтани қўйнидан чиқара туриб,— мана шу бугдой ери билан унинг ёнидаги йўнғичқа ва шуларнинг қаторидаги бугдой экилган ана у икки ернинг бариси тўрт таноб эди. Бу ерлар бобомдан отамга мерос қолган бўлиб, мана бу тарака хати,— Сафар латтани очиб ичида эскириб кетган бир қоғоз олиб амлокдорга узатди. Амлокдор унинг қўлидан қоғозни олиб ўз мирзасига берди ва Сафарга қараб:

— Мундан нима чиқади?— деди,— ўзинг барисини тўрт таноб дединг, вилоятнинг амини бугдойни икки таноб тахминлаган, яна нега дод дейсан?

— Балонгизни олай, бек!— деди Сафар,— ҳали менинг арзим битган эмас, шу тўрт парча ернинг бариси тўрт таноб эди...

— Қим биледи?— деб амлокдор унинг сўзини кесди,— саккиз таноб бўлса ҳам ажаб эмас.

— Тўрт таноб эканлиги тарака хатида ёзилган дедим-ку. Отам ўлганида уни кўмиш харажатлари учун оқсоқолнинг оталари Абдурахимбойдан қарздор бўлиб, икки танобини у кишига баҳолаб берган эдим. Бой танобчи олиб келиб ўлчатиб, шу икки ерни икки таноб чиқартириб олган эди. Менинг тахминимча, бой ўлчаб олган ер икки танобдан ортиқ эди. Хўп, ана икки таноб денг...

— Қолган икки таноби шу бугдой-да,— деди амлокдор яна унинг сўзини бўлиб.

— Мана бу ўт ҳам ўша қолган икки танобга кирди,— деди Сафар йўнғичқа ерини кўрсатиб,— баҳор ўт моли вақтида шу йўнғичқани бир ярим таноб ёздирган эдингиз. Унга қараганда бугдой ери ярим таноб бўлиб қолади. Агар «йўнғичқани ярим таноб орттириб ёздир-

ган эдим» десангиз, буғдой ери учун бир таноб қолиши керак бўлади.

Сафар амлоқдор билан сўзлашни тугатиб, мирзага қараб:

— Тарака хатини ўқиб буларга эшиттиринг, мирзам!— деди.

Мирза қўлидаги эски қоғозни очиб, унга бир қаради-да, яна букиб қўйди.

— Ўқиб эшиттиринг дейман, эшитасизми?— деди Сафар, жаҳли чиқиб.

— Ў... мунинг дўғи жуда зўр-ку,— деди амлоқдор, Урмон полвонга қараб.

Урмон полвон отини ўйнатиб, Сафарнинг устига келди:

— Гапингни билиб гапир!— деб унинг бошига бир қамчи солди.

— Бу қандай бедодлик!— деб дод деди Сафар.

— Бедодлик!..

— Ҳақсизлик!..

— Инсофсизлик!..

— ...

Деҳқонлар ҳар томондан шовқин кўтардилар.

Сафар, оқсоқол минган отнинг жиловини тутиб:

— Оқсоқол!— деди,— сиз худони ҳозир кўриб гапиринг: шу икки ерни отангиз мендан икки таноб деб олганми, оз деб олганми? Қўлингизда менинг тилимдан ёзилиб, қозихонада муҳрлатилган васиқа ҳам бўлса керак.

— Ҳозирини кўра берсанг-чи,— деди оқсоқол,— эски гўрларни кавлаб нима қиласан?

— Сизлар мен учун янги гўр қазийтганда, мен эски гўрларни кавлаб ҳужжат кўрсатмайми? Шунча йиллардан бери еримни орттириб ёзиб, уйимни куйдирдинглар. Мен оғиз очсам, «ҳужжатингни кўрсат, қуруқ сўз эшитилмайди!» дединглар. Мен тешик-туйнуқларни ахтара-ахтара охир тарака хатини топдим. Энди нега унга бир қарамайсизлар, ўқиб кўрмайсизлар? Ўқиб кўринглар деб ялинсам, урасизлар. Мундан ортиқ бедодлик бўладими?..

— Тақсир!— деди оқсоқол, амлоқдорга қараб,— баҳор ўт молида шу йўнғичқани бир ярим таноб ёздирган эдик, хайр, келинг, кўр бўлсин, бу ҳам бир ярим таноб-да.

Амлоқдор аминга қаради, у ҳам бош қимирлатиб «тузук» деган ишоратни берди. Сўнгра амлоқдор ўз мирзасига:

— Ёзинг!— деди.

— Қанча?

— Бир ярим таноб.

— Нотўғри!— деб бақирди Сафар. Деҳқонлар ҳам ҳар томондан:

— Нотўғри, нотўғри, нотўғри,— деб ғалва кўтардилар.

— Ёза беринг,— деди амин,— гар чорак таноб ёзсангиз ҳам, булар «нотўғри» дея беради.

— «Ўғри ҳам нолийди, уй эғаси ҳам» денг-а, амин бобо!— деди бир деҳқон. Деҳқонлар кулишдилар, амин ҳам заҳарханда қилиб қўйди. Аммо амлоқдорнинг пешонаси буришди.

— «Сафар...»— ёзди мирза ва оқсоқолдан:

— Ким ўғли?— деб сўради.

— Шоди ўғли.

«... Шоди ўғли бир ярим таноб бугдой...»

— ... Молияти қанча?— аминдан сўради мирза.

— Ўн икки ботмон юзасидан ёзинг!

Сафар яна шовқин кўтарди:

— Бир ярим таноб бугдойнинг ўн икки ботмон ҳосил берганини ўзингиз-ку кўрмагансиз, ота-бобонгиздан эшитиб эдингизми, амин?— деди.

— Худо берса,— деди амин,— ўн беш ботмон ҳосил беради.

— Худонинг қудратига мункирмисан?— деб Мулланаврўз ҳам Сафарга бир дўқ қилиб қўйди.

— Худонинг қудратига имон келтиргансиз,— деди Сафар Мулланаврўзга,— нега бекларнинг думини ялаб юрасиз. Бориб тинчгина мачитнинг бурчагида ётинг, худо тепа-туйнукдан от емингизни тўка беради... Ҳар қаерга борсангиз «икки ўн беш— бир ўттиз» бўлади. Бир таноб ер ҳам ўзига яраша, икки таноб ҳам ўзига яраша ҳосил беради. Бу ерни сизлар бир ярим таноб ёзган бўлсанглар ҳам, ҳақиқатда ўзи бир таноб, мунинг устига, баҳорда икки сувдан қолди, донини тўлата олмади.

— Мунинг учун ўзинг айбли,— деди амин,— нега вақтида сугормадинг?

— Навбат бизга келганда бутун сувни Ўрмон полвон

Ўз чорбоғига бойлатди, шунинг учун ёлғиз меникигина эмас, бутун бу ёвондаги экинлар қовурилиб қолди.

— Сансанлама, эшшак!— деди Ўрмон полвон Сафарга ва амлокдорга қараб давом этди:

— Бу «гушнапурзўр» бир марта енгандан кейин тили жуда узайиб кетди; унга танбеҳ бериш керакки, бошқаларга ибрат бўлсин, бўлмаса бир Қоқо ёвонини мол қилиш учун ўн кун овора бўламиз.

— Муни элтиб,— деди ўз одамларига амлокдор,— қўлтиғидан бойлаб дарахтга осиб қўйинглар, ақли жойига келсин.

Икки шогирдпеша отдан тушиб Сафарни тутди, қўлларини орқасига боғлаб, қўлтиғидан арқон ўтказиб, қайрагоч дарахти остига олиб борди.

— Уни,— деди Ўрмон полвон шогирдпешаларга,— соя қайрагочга эмас, каллак қилинган ана у тут дарахтига осинглар. Саратон офтоби бир оз товласа, сўнгра мияси жойига келади.

Амлокдор одамлари Сафарнинг ери ёнидаги буғдойга кирмоқчи бўлганда:

— У буғдой оқсоқолники бўлса керак,— деди амин.

— Ҳа, меники,— тасдиқ қилди оқсоқол.

— У, оқсоқолнинг посараси. Бошқасига ўтинг,— деди амлокдор.

— Буғдойингизнинг нарёғидаги арпа ҳам сизникими?— деб бир шогирдпеша оқсоқолдан сўради.

— Йўқ, у Ҳайдарники — мана бу боланики!— деб Ҳайдарни кўрсатди оқсоқол.

— У,— деди амлокдор,— домулла Наврўз ҳисобларига қолсин, ўриб-янчгандан кейин «бардор»¹ қилиб олиб, от еми қиладилар.

— Хасбур қилинг, тақсир, менга осонроқ бўлсин, бу боланинг кўзи бежо кўринади, ўриб-янчгунча ярмисини ўғирлайди. Мен нимани оламан.

— «Сен балони оласан, тошни оласан»,— деб пичирлаб қўйди Ҳайдар.

— Хасбур қилгандан кейин подшоҳлик дастагига киргизиш керак бўлади, унда сизга тегмайди,— деди амлокдор.

— Бу боланинг,— деди Ўрмон полвон,— кўзи бежо

¹ Ғаллани янчиб совургандан кейин подшоҳлик ҳақини ғалвир билан бўлғиб олишни «бардор» дер эдилар.

бўлса, сизнинг кўзингиз жойида-ку, домулла. Хабардор бўлинг, қўриқланг, бардор қилиб олинг-да. Бекнинг ўзлари сизнинг омборингизга олиб бориб тўкиб ҳам берсинларми? Менга қолдирсалар, бир дона ҳам қолдирмасдан ўзим янчиб олар эдим.

— Сиз учун каттароқ ерни қолдирамиз, хафа бўлманг, полвон,— деди амлокдор.

— Жаноби олий ва сизнинг давлатингиз ҳаммаси меники, нега хафа бўлайин, гапнинг омадини айтдим-да,— деди Ўрмон полвон.

Амлокдор дастаси бошқа томонга жўнади.

— Бу арпадан биз оладиган даҳяк ҳам «бардорга» қолди-да,— деб ижарадор ҳам жўнади. Деҳқонлар ҳам орқадан юра бошладилар. Дарахтга осилган Сафар:

— Уй, мирза, менинг тарака хатимни бериб кетинг, ахир!— деб бақирди.

Мирза жузгирини ахтариб тарака хатни олмоқчи бўлганда, амлокдор:

— Берманг, йўқотиб юборинг уни, бўлмаса ҳар йил шу хатни чиқариб шунақа жанжал кўзгайдн...

Амлокдор дастаси узоқлашди. Сафар ҳамон:

— Тарака хатим, тарака хатим...— деб бақирмоқда эди...

IV

Қоқо ва Болойи рўд ёвонларини мол қилиб бўлгандан кейин, амлокдор Жилвон бўйига тушди. Жилвон рўди Шофиркомдек тўлиб-тошиб оқиш нари турсин, унда ҳатто нам ҳам йўқ, балки у, сувсиз биёбондан ўтадиган сел йўлидек қуриб, оқариб, қақшаб қолган бир йўл эди. Шунингдек Жилвон бўйи экинзорлари ҳам, экинзордан кўра кўпроқ чўлга ўхшар эди. Ёлғиз ҳар бир қарич ерда бўйи ердан бир қарич кўтарилмай, донларини тўлдирмай қовурилиб қолган буғдой ва арпапоялари, таноб ташламасдан сапча туккан қовун-тарвуз палаклари, гуллашдан бурун қуриб қолган мош, лўялари — биёбоннинг экинзорлигидан нишона эди.

Амлокдор Жилвон бўйига келгани ҳамон унинг теварагини бир тўда оёқ яланг, бош яланг халқ ўраб олди.

— Бу буғдой кимники?— деб сўради, бир пол ерни кўрсатиб амлокдор халқдан.

— Меники,— деди халқ орасидан олдин чиқиб бир киши,— Эргаш Қулбобо ўғлиники.

— Сен ҳам қулларданми?

Амлокдорнинг бу сўроғига Эргашнинг жавобидан бурун оқсоқол:

— Ҳа, бизнинг «хоназод»ларимиздан, тақсир!— деди.

— Ерга нега ишламадинг, нима учун бунинг ҳосили етишмабди?!— деб Эргашдан амлокдор сўради.

— Ишлаганда ишладим, сув бўлмагач, меҳнатим куйиб кетди, ҳосил етилмади.

— Нега биргалашиб рўдни қазиб, керакли вақтида сувни оқизмадинглар?

— Бир марта эмас, икки марта қазидик,— деди бошқа бир киши,— лекин бугун қазисак, эртасига қум босди. Бир жилдиروба келар-келмас яна сув қуриди.

— Ҳашарга ҳам менинг олдимга йиғилишиб келганларингдай, тўплашиб чиқармидинглар?— деб пичинг билан сўради халқдан амлокдор, халқ амлокдорнинг бу, сўроғига нима дейишини билмай гангиб қолгач, оқсоқол:

— Тақсир!— деди,— булар «бултур оқсоқол бизнинг ҳаққа жавр қилдирган, бу йил мол қилиш устига ўзимиз бориб бек билан талашиб-тортишиб молиятни камайтирамиз» деб даъвогар бўлиб келганлар.

— Менга даъвогар? Подшоҳлик ҳақиға даъвогар?— деди амлокдор,— мен буларга қанча мол қилишимни эшиттириб, талашиб-тортишиб ўтиришга мажбур эмасман... Ёзинг, мирза, бу буғдойни «ашарата амнон»¹.

«Эргаш Қулбобо ўғли бир пайкал буғдой, молияти ўн ботмон»,— мирза ўзича ёзди.

— Қанча бўлди менинг молиятим? Подшоҳликдан қанча қарздорлигимни ўзим билиб қолай ахир,— деди Эргаш.

— Мен сенлар билан маслаҳатлашишга мажбур эмасман, подшоҳликдан қанча қарздор бўлганлигингни нарх жар солиниб, молият дастаги чиққандан кейин тўлар вақтингда англарсан.

¹ Бу сўз арабча бўлиб, ўн ботмон демакдир.

— Бу ер кимники?— деб сўради амлокдор, ҳайдалиб шудгор қилиниб ташланган бир ерни кўрсатиб.

— Бу ҳам меники,— жавоб берди Эргаш.

— Бутун чўлни сен эгаллаган экансан-да. Ҳайдагандан кейин нега экмадинг?

— Қандай қилиб эка олар эдим, тухум¹ йўқ, сув йўқ. Эккан билан барибир ҳосил бермас эди.

— Ундай бўлса нега ҳайдадинг?

— Бултур ҳайдалмай қолгани сабабли тикан ўсди, тикан моли деб менинг отимга ўн танга ёзиб кетгансиз, бу йил мана шу тикан ўсмасин деб ҳайдаб қўйдим.

— Яхши, ўз жиноятингга ўзинг иқрор бўлдинг... Мирза! Ёзинг, мунинг отига йигирма танга шудгор пули...

— Бу қандай инсофсизлик?!— деб Эргаш бақириб югурди, от устида қаламни қоғозга чизаман деб турган мирзанинг қўлидан тутди.

— Осий, ёғий!— деб Ўрмон полвон от суриб борди ва Эргашнинг бошига қамчи сола берди. Эргаш жон аччиғи билан:

— Вой ўлдим, оҳ бошим ёрилди, кўзим чиқди,— деб дод деса ҳам, мирзанинг қўлини қўйиб юбормас ва ёзишга йўл қўймас эди.

Эргашнинг оҳ-воҳига чидай олмаган халқ югуришиб бориб Ўрмон полвоннинг отини жиловидан олиб кейинга тортмоқчи бўлганда, Ўрмон полвон:

— Қуллар, бадрағлар,— деб сўкиб тўғри келган ҳар бир кишига қамчи сола берди. Халқнинг ёрдамидан руҳланган Эргаш, мирзанинг қўлини қўйиб юбориб, Ўрмон полвоннинг қўлидан қамчини тортиб олди ва уни қамчи билан ура туриб:

— Сенинг отанг Абдураҳимбойнинг гумаштаси бўлиб, бизнинг оталаримизни қамчи остида эзган эди. Энди сен амлокдор одами бўлиб бизни урасанми? Илондан тўраган илон!..

Амлокдор одамлари халқ устига ёпирилдилар, халқни қамчи билан, этик ва узанги билан ура бошладилар, Эргаш билан яна бир неча кишини қўлга туширдилар. Бошқалар тарқалди. Мирза ёзди:

«Эргаш Қулбобо ўғли йигирма танга шудгор пули».

¹ Уруғ.

Бир чеккада турган амин оқсоқолга:

— Бу амлоқдор,— деди,— жуда ўткир чиқди-ку. Энди бизнинг «тахминан тўрт таноб, тахминан ўн ботмон» дейишимизга ҳам ўрин қолмайдиганга ўхшайди.

— Мен қулогига уқиб қўйган эдим,— деди оқсоқол,— «бу қулларни бир қўрқитиб қўйиш керак» деган эдим. Бўлмаса, мамлакат ҳокими бизу сизни кўрмасдан бир иш қиладими? Қози бўлсин, раис бўлсин, амлоқдор бўлсин, миршаб бўлсин, ким бўлса бўлсин, ҳатто амирнинг ўзи ҳам юртнинг амини, арбоб-оқсоқоли ва давлат-мандлари билан ҳукмронлик қила олади. Агар биз бўлмасак, бизнинг ҳийла ва найрангларимиз бўлмаса, бу оёқ яланг халқ бир кунда буларнинг оёғини осмондан келтиради.

Қўлга туширилган деҳқонлар қўллари боғланиб амлоқдорхонага узатилдилар. Муллонавруз амлоқдорга қараб:

— Булар, мусулмон эмаслар, булар шиа,— деди,— буларга хирож ва молиятдан бошқа шариат юзасидан жузия¹ солиш ҳам мумкин. Агар мен муфти бўлса эдим, шу мазмунда бир фатво чиқарар эдим.

— Агар,— деди амлоқдор,— шу гапингизни жаноби олий эшитсалар, сизни дарров муфти қилардилар. Сиз ҳам чўлма-чўл от еми тилаб юришдан қутулардингиз.

— Биз ҳам сиздан қутулармидек,— деб Урмон полвон амлоқдор сўзини тугаллади. Амин билан оқсоқол кулишдилар. Амлоқдор дастаси бошқа кишиларнинг экинларини мол қилишга ўтиб кетди...

V

Қоқо ёвонида ўз арпасини ўриб-янчган Ҳайдар энди уни совураётган эди. Хирмон теварагида қумурсқадай ўрмалаб юрган Муллонаврузга даҳякчи — ижарадор Назарбой:

— Домулла!— деди паст товуш билан, Ҳайдарга эшиттирмай,— «Олма пиш, оғзимга туш» деган билан иш битмайди, қорин тўймайди. От емини бекдан олгунингизча анча овора бўлдингиз, энди буни саришта қилиб, ундан яхшигина фойдаланиш керак. Бу хирмондан

¹ Мусулмон ҳукумати томонидан мусулмон бўлмаган кишиларга солинадиган махсус солиқ.

менга вақф ҳисобидан ўндан бир тегса, сизга подшоҳлик молияти ҳисоби билан ўндан уч тегади. Бунинг устига кафсан¹ ва дорға² ҳақини ҳам сизга ўтказамиз. Яхшигина қўриқланг, хабардор бўлинг, элаб чошлаганидан кейин, тамғалаб менга хабар беринг, фурсатимни топиб келиб, биргалашиб хирмонни кўтарармиз.

— Мен ҳам,— деди Муллонавруъ пичирлаб,— унча содда одам эмасман. Ура бошлагандан бери, кеча-кундуз кўз юмай, хабардор бўлиб турганим ҳолда, кунда: «Арпадан ўғирлабсан, тўқмоқлаб янчиб ебсан» деб у билан,— хирмон совураётган Ҳайдарга кўз учи билан ишора қилиб,— жанжал чиқариб, хирмон кўтариш вақтида тухмат қилиб кўпроқ ҳақ олиш йўлини ҳозирламоқдаман.

— Баракалла, домулла! Сизни ўзимга мирза қилсам бўлар экан.

— Мирзалик учун, сабил қолғур, хат-саводим унча ярамайдику-я, дорғачилигингизни топширсангиз, яхшигина бажара оларман.

— Уйлаб кўрармиз... хайр бўлмаса,— деб отини қамчилаб кетди Назарбой.

— Хайр, кўришгунча,— деб Муллонавруъ хирмон бошида қолди...

* * *

Хирмон совурилиб, эланиб, чошланди. Муллонавруъ ариқ бўйидан бир этак нам қум келтирди, у қумдан бир ҳовуч-бир ҳовуч олиб чошнинг тепасига ва ён бағрига тўрт томонидан тўкди. Қиссасидан чўпдан ясалган ва унга махсус нишона ўйилган бир тамғани олиб, нам қум устидан босди ва кетишга ҳозирланди.

— Даҳякчига хабар бериб тезроқ келиб кўтаринглар-да, домулла. Мен яна бу сабил қолғурни қўриқлаб неча кун овора бўлмайин,— деди Ҳайдар, уни узатаётганда.

¹ Кафсан — «бардор» усули билан подшоҳлик ҳақи олинган хирмонлардан амлокдор одамлари учун чиқариладиган махсус ҳақ.

² Дорға ёки доруға — умуман қўриқчи маъносида бўлиб, амлокдорлар истилоҳича, подшоҳлик томонидан молияти бардор қилиниб олинган хирмонлар қўриқчисига айтади.

— Хўп, мен жандала қиламан,— деди Мулланаврўз кета туриб.

Мулланаврўз бориб Ҳайдар хирмониинг тайёр бўлганидан ижарадор Назарбойга хабар берганида, у:

— Етти кундан кейин келинг, бориб кўтарармиз,— деди.

— Тезроқ келинглар,— деб ялинган эди.

— Ҳали менинг ишим кўп, ўз ишимни қўйиб Ҳайдарнинг хирмони орқасидан югуриб юрмайман. Хирмонни ўғирласа ёки ўғирлатса, у жавоб беради, бизга нима? Хотиржам бўлинг, домулла, ҳақимиз куймайди,— деб Назарбой Мулланаврўзни узатди...

* * *

Отларини дарахтга боғлаб, хирмон бошига келганда, Мулланаврўз даҳякчи Назарбойга:

— Арпадан ўғирлабдилар,— деди.

— Туш кўриб гапираётибсизми, домулла?— деди Ҳайдар унга.

— Туш кўрсам, кўрмасам, ўғирлабсан.

— Далили?

— Далили?.. Далили, мен босиб кетган тамга изи қани?

— Қумга босилган тамгадан ўн беш кунда из қоладими? Тамганинг изигина эмас, тамга босилган қумнинг ўзи ҳам офтобда қуриб, шамолда учиб кетди.

— Ўғирлаш учун яхши баҳона.

— Ўғри деманг, домулла, йил бўйи ишлаб, пешона тери тўкиб, текинхўрларга ҳосил топиб берган бир меҳнаткаш деҳқонни ўғри дейиш айб!

— Хайр, зарари йўқ, ишга бошлайлик, кўтараётганда бир ҳисоби топилур,— деб жанжални пасайтирмақчи бўлди Назарбой...

Атрофда ғўза чопиб ёки буғдой, ё ўт ўриб юрган деҳқонлар бири кетидан бири «Чошга барака! Чошга барака!»— деб келмоқда эдилар.

— «Чошга барака?..»— деди ўз-ўзига таъби тирриқ бўлиб ўтирган Ҳайдар,— муллангнинг дилу нияти шу бўлса, чошингда барака бўлур.

— «Муллага тил тегизма, кофир бўласан,— деб ҳазиллашди бир деҳқон Ҳайдарга.

— Қофир бўлсам, бўла қола-е,— деди Ҳайдар.

— Қофир бўлибгина қолмайсан,— деди Мулланаврўз,— сени сабби наби қилдинг деб қозихонага тортиб сангсор қилдирадилар муллалар.

— Кўп дўқ урманг, домулла!— деди бир бурчакда индамай ўтирган Сафар.

— Сен гапга қўшилма, дарахтга осилганинг эсингдан чиқдимми?— деди Мулланаврўз унга.

— У-ку дарахт экан, қўлингиздан келса мени элтиб дорга осинг, минорадан ташланг.

— Бекор жанжал нега керак? Ишга бошлайлик, домулла,— деган Назарбой Ҳайдарга қараб:

— Тур, ғалвирни ол, ўлча!— деди.

Ҳайдар ғалвирни олиб, чош бошига келиб тўлдирди. Мулланаврўз билан Назарбой ўз қопларининг оғзини очиб тайёрланиб турар эдилар.

— Буни,— деди Назарбой,— домулланинг қопига кафсан учун тўк!

Ҳайдар, у ғалвирни бўшатиб, иккинчисини тўлдирди.

— Буни,— деди Назарбой,— дорғачилик ҳақи учун домуллага бер.— У ғалвир ҳам Мулланаврўз қопига бўшатилади.

Ҳайдар учинчи ғалвирни тўлдираётганда қишлоқ томонидан ҳар бири бир хуржун кўтариб имом, сартарош ва арбоб шошиб-пишиб етиб келдилар.

— Бу ғалвирни домулла имомга ҳаққулло учун бўшат,— деди Назарбой.

Шу тартибда тўртинчи ғалвир арбобга мироблик ҳақи учун, бешинчи ғалвир сартарошга соч олиш ҳақи учун берилди.

— Энди,— деди Назарбой,— берилган арпанинг даҳяк ҳисобидан менинг қопимга бир ғалвир сол.

— Беш ғалвирнинг даҳяки, яъни ўндан бири бир ғалвир бўладими?— деди Ҳайдар.

— Тўрт ярим ғалвирдан,— деди Назарбой,— ярим ғалвири бўлади, ундан озгина ошдимми, тўла ўнта ҳисобланади. Бу — юртнинг таомули, таомул сенинг нафақанг учун бузиладими?

— «Ал урфу каноос; урфу одат қуръон ҳукми билан баравар» деганлар китобларда,— деб даҳякчининг сўзини қувватлади қишлоқ имоми.

— Сиз гапга қўшилмасангиз ҳам бир ғалвир арпани

«халол қилган эдингиз-ку»,— деб имомни жеркиб ташлади Сафар.

— Бир қумурсқа бир дона донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб унга ёрдам беради-да,— деди кулиб бир деҳқон.

— Ортиқча гапларнинг кераги йўқ, юрт таомули юзасидан ўлчай бер-да,— деди арбоб, Ҳайдарга.

— Таламоқчи бўлсангизлар, ўзларинг таланглари. Мен ўз қўлим билан талата олмайман,— деди Ҳайдар ва ғалвирни бир томонга отиб, бир бурчакка бориб аразлаб ўтирди.

— Бўлмаса, бу хизматни мен қилай,— деб арбоб чопинини ечиб ташлади ва ғалвирни олиб чош бошига ўтириб олди, ғалвирни тўлдириб:

— Қани, қонингизни ушланг, Назарбой ака,— деб унинг қопига бўшатди. Арбоб иккинчи ғалвирни тўлдириб, Назарбойга қараганда, у:

— Ҳозиргача бўлиб берилган ғалланинг ўндан уч ҳисобидан икки ғалвирни устма-уст домла Наврўзнинг қопларига бўшатиб!— деди.

Бу буйруқ ҳам бажарилди. Шундай қилиб, Ҳайдар ўзи бир дона арпага эга бўла олмаган ҳолда саккиз ғалвир ғалла орадан кетди.

Шу вақтда эғнида жанда, бошида чортарк қулоҳ, кўкрагида шол камарбандига боғланган качқўл, ёнида умуздан осилган мутбаҳ каду, қўлида темир учли сўта (таёқ) билан бир қаландар келиб хирмон бошида отдан тушди. У сўтасини ерга суқиб, отининг юганини унга илиб, хуржунидан икки ширмол кулча билан бир лаъли (баркаш) чиқарди.

Қаландар кулчаларни лаълига ушатиб қўйиб:

— Ё ҳув, ё ман ҳув, пирим нақшбанд девоида қўлла-синлар,— деб лаълини олиб бориб, чош бошида чўккалаб ўтирган имомнинг олдида қўйди.

— Келинг, келинг, Шоражаб,— деди қаландарга қараб Сафар,— бир сиз кам эдингиз.

Очиққан имом, Назарбой, Мулланаврўз, арбоб, сартарош говур-ғувур қилиб нон ейишга киришдилар. Лаълида икки бурдагина нон қолганда Назарбой:

— Сизлар ҳам еб қолинглар, қаландарнинг нони мазорбости — табаррук,— деб лаълини Сафарга қаратиб итарди. Сафар бир нон ушоқни оғзига солиб, лаълини бошқа деҳқонларга узатди. Улар ҳам лаълини қўлма-қўл

олиб оғизларига нондан жиндай-жиндай солгандан кейин, энг охирда бир деҳқон лаълини Ҳайдар томонга итариб:

— Узинг ҳам қаландар нонининг тузини тотиб қол, емасанг ҳам, бир ғалвир арпанг кетади бунга,— деди.

Аmmo Ҳайдарда томоғидан нон ўтарлик ҳолат йўқ эди, жаҳли чиқиб, бўғизи қуриб, кўзларидан оловлар сочилмоқда эди.

— Йўқ, мен емайман, буни ҳам ўша балохўрларга бер, ўзлари есинлар,— деди.

— Шу вақтда отини чор¹ устига келтириб боғлаб, уни еғизаётган қаландарга Ҳайдарнинг кўзи тушиб, ирғиб ўрнидан турди ва югуриб бориб сўтасини ердан суғуриб олиб, отнинг тумшугига қарсиллатиб туширди-да, сўтани бир ёққа отиб:

— Кўп қолса менга шу чор қолади, муни ҳам сен текинхўр еғизиб кетасанми?— деди.

Қаландар қочган отининг орқасидан қувиб кетди. Бошқалар арпанинг қолганини бўлиб олишга киришдилар.

— Аввал ўғирланган арпанинг ҳисоби қилинсин, сўнгра бўлинсин,— деди Муллонаврўз.

— Ҳали бундан ўғирланган ҳамми?— деди ғалвирнинг гардишини ерга босиб, унга кўкраги билан суяниб турган арбоб.

— Ҳе, тамға бузилган, ўғирланган эди,— деди Муллонаврўз.

— Қанча ўғирланган?

— Менинг тахминимча, икки ботмон ўғирланган.

— Ким ўғирлаган?— деди ўқталиб келиб Ҳайдар.

— Сен ўғирлагансан.

— Бу ўғри эмас, бу ўғирламайди, ёлғон айтасиз, домулла!— деди Сафар.

— Ёлғон, тухмат!— деб бошқа деҳқонлар ҳам шовқин кўтардилар.

— Сизларнинг ҳаммаларингиз ўғри, ҳаммаларингизнинг тилингиз бир!— деди ўрнидан туриб Муллонаврўз.

— Ўзларингиз ўғри,— деди Ҳайдар яқинроқ келиб,— ҳафта — ўн кунда менинг ва болаларимнинг сочини ола-

¹ Чор — явчилган ғаллани элаганда қоладиган чиқиндилар.

диган сартарош акадан бошқаларингизнинг менда нима ҳақларингиз бор эдики, ўзимга бир дона бермаганларингиз ҳолда, саккиз галвир арпани бўлиб олдинглар. Энди қолганини ҳам олиш йўлини ахтараётибсизлар. Бу ўғирликкина эмас, қароқчилик — кундузлай халқнинг кўзи олдида йўлтўсарлик...

— Гапингни билиб гапир,— деб даҳякчи ижарадор қамчисини қўлига олиб ўқталиб келди. Даҳякчининг ҳаракатидан ботирланган Мулланаврўз ўз белидан қамчисини олиб Ҳайдарнинг бошига солди. Ҳайдар икки қўли билан унинг томоғидан бўғиб олиб, оёғи билан оёғига қоқиб йиқитиб, устига минди. Назарбой келиб:

— Уйинг куйгур ўғрилар! — деб Ҳайдарнинг бошига қамчи сола бошлади.

— Уйимиз куйса куя қолсин! — деб Сафар келиб Назарбойни йиқитди.

— Бўлар иш бўлди, энди урганимиз қолади, кўзга кўринмайдиган жойларига уринг! — деб деҳқонлар Мулланаврўз билан Назарбойни юз тубан ерга босиб, бел ва тиззалари орасига ура бошладилар...

Имом, арбоб ва сартарош хуржунларидаги арпаларини кўтариб қочдилар. Отини тутиб келган қаландар:

— Бу орада менинг ноним куйиб кетди! — деб оёқлар остида пачақ-пачақ бўлиб, у томондан бу томонга юмалаётган лаълисини олиб, хуржунга солиб, сўтасини қўлига олгани ҳолда отини миниб у ҳам қочди.

... Назарбой билан Мулланаврўз деҳқонлар остида бўйни кесилаётган ҳўкиздай бўғилиб бақирмоқда эдилар.

VI

Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўпланишиб мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар. Гап вақфкор деҳқонлардан таёқ еб келган ижарадор Назарбойнинг шикоятини устида эди. Назарбой деҳқонлардан вақф ҳақини ундираман деганида улар томонидан қандай калтаклангани ва қанча ҳақорат кўрганини ҳикоя қилганидан кейин, бир мулла:

— Бундан беш йил илгари мадрасамизнинг барча

вақф ерларидан эллик минг танга (етти минг беш юз сўм) унар эди. Ҳозир бўлса, фақат Назарбой ижарасида бўлган вақф ерларимиздан эллик минг танга унаётир. Бу жуда яхши,— деб хурсандлик изҳор қилди.

— Агар, — деди бошқа бир мулла, — вақф даромади шундай ўса борса, ўн-ўн беш йилдан кейин мадрасамиз жаноби олийнинг хазиналаридан сонсиз-саноқсиз даромадга эга бўлади. Албатта, бундай ўсишга Назарбой-дек жонкуяр ижарадорларнинг ёрдами аён.

— Ижарадорнинг энг яхшиси Ориф-рангубор, — деди бошқа бир мулла, — у қўли баракали одам, у ҳар йил ҳаммадан бурун келиб бизнинг вақфни ижарага олади, биз ҳар йил биринчи «нақда»ни унинг қўлидан оламиз. Ундан кейин бошқа ижарадорларнинг «кўтарҳо-кўтар!» лари бошланади.

— Сиз яхши ижарадорни қандай биласиз? Ориф-рангубор ҳақиқий ижарадор эмас, у «мақбуз»хўр бир бекорчи. Кўрмайсизми, бирор йил унинг қўлида бирор ижара қолмайди, ҳақиқий ижарадорлар ижара нарҳини орттириб оладилар, — деб ҳалиги мулланинг сўзини рад қилди бошқа бир мулла.

— Қўрқмас ва дадил ижарадор Шарифкичири, — деб бошқа бир мулла сўзга киришганда, Назарбой:

— Тақсирлар! — деб тўпланган муллаларга хитоб қилиб, ҳалиги мулланинг сўзини бўлди ва давом этди, — аввал менинг арзимни эшитинглар, ундан кейин ўз гапларингизни гапира беринглар.

— Хўп, сизнинг арзингиз нима? — деб сўради Назарбойдан ҳалиги сўзи бўлинган мулла зардаланиб.

— Мен ҳозир айтган эдим, яна айтиб бераман, — деб Назарбой сўзга киришди: — вақфкор деҳқонлар мени урдилар, ҳақорат қилдилар, вақф ҳақини бермай, қувиб юбордилар. Энди сиз жаноблар, менинг оримни вақфкор деҳқонлардан олиб беринглар ва уларни шундай қилингларики, вақф ҳақини менга ўзим тайин қилган миқдорда гап-сўзсиз берадиган бўлсинлар. Агар шундай қилмасангизлар, ё қилолмасангизлар, мен берган ўн бир минг танга «нақда»ни беш минг танга «мақбуз» билан жами — ўн олти минг танга қилиб менга тўланглар. Ундан кейин ижарангизни Ориф-рангуборга берасизми, Шарифкичирига берасизми — ихтиёрингиз. Ҳар ҳолда менинг ишимни бир ёқли қилишларингиз керак.

— Сиз бизга қачон ўн бир минг танга нақда бердингиз?— деб сўради бир одам Назарбойдан ва давом этди, — мен-ку сиз берган нақдадан бир минг танга юзасидан ўз ҳужрам учун ҳақ олдим.

Бу одамга Назарбойдан бурун имом жавоб беришга киришди:

— Сиз, — деди у одамга имом, — ҳали вақф мулкларини ижарага беришдаги таомулни билмайсиз. Чунки сиз ҳужрадорликка ва вақфхўрликка эндигина киришгансиз, бу гапларга аралашмаганингиз беҳроқ.

— Нега аралашмас эканман! — деди у одам бир оз қизиб, — мен йигирма минг танга бериб вақфдан даромад олиш ниятида мадрасангиздан ҳужра олганман ва шу ҳужрани савдо қилганда минг танга «ширинкома» ҳам берганман, ундан сиз ҳам улуш олгансиз. Аммо сиз вақф мулкани ижарага беришдаги таомулни менга маълум қилиш ўрнига, «аралашма» деб мени койийсиз. Бу яхши эмас.

Имом уялди ва вақф мулкани ижарага беришдаги таомулни баён қилишга киришди:

— Бу таомулни сизга тушунтириш учун, — деди имом, — шу йил Назарбой қўлида қолган ижаранинг қандай бўлиб унинг қўлига тушганини сизга бошдан-оёқ ҳиқоя қилиб бераман: Биз ҳут ойида Назарбой қўлидаги вақф ерларини Ориф-рангуборга ўн минг тангага ижарага берган эдик; шартимиз шу эдики, у бизга минг тангани нақд беради ва минг танга ҳам «мақбуз» ҳисобланади, қолган саккиз минг тангани уч муддатда — вақф ҳосилни йиғиштириб олганидан кейин беради...

— Тўхтанг, — деб имомнинг сўзини бўлди янги ҳужрадор, — мен мақбуз деган гапни тушунмадим. Марҳамат қилиб шуни тушунтириб берсангиз.

— «Мақбуз»нинг маъноси «олинган» демакдир. Аммо вақф мулкларини ижарага беришда ҳақиқатан олинмаган бир маблағни олинган ҳисоблаб, унга «мақбуз» номини берадилар. Чунончи, ҳалиги ижарада ижарадордан бир минг танга нақд пул олдик, бу пулни «нақда» деймиз, бундан бошқа, ижарадордан олинмаган бир минг тангани олинган ҳисоблаб, унга «мақбуз» номини берамиз. Бу шундай маблағки, агар шу ижара ҳалиги ижарадорнинг қўлидан чиқиб, бошқа бир кишининг қўлига ўтса, биз нақд олинган минг танганинг

устига яна бир минг танга қўшиб, икки миңг танга қилиб ҳалиги ижарадорга беришга мажбурмиз.

— Биз нега олинмаган маблағни «олинган» деб ҳисоблар эканмиз, бунинг устига нега у олинмаган маблағни қайтариб беришга мажбур бўлар эканмиз. Бу жуда қизиқ-ку. Мен буни асло тушуна олмайман.

— Бир оз сабр қилсангиз, тушунасиш,— деб изоҳ беришга киришди имом,— бошқа бир ижарадор келиб ижара бадалини орттириб, биринчи ижарадорнинг қўлидан ҳалиги ижарани олганда, биринчи ижарадор қозихонага қилган харажатини, мадрасага берган ширинкомасини қаердан олади ва бу иш орқасида сарф бўлган бир неча кунлик вақти бўш кетмайдими? Биринчи ижарадорнинг қилган харажатлари ва сарф қилган вақти бекорга кетмасин деб мана шу «ҳийлайи шаръий»ни чиқарганлар.

— Энди тушундим,— деди янги ҳужрадор,— олинмаган маблағни олинган ҳисоблаб, ҳақиқатда у маблағни мадрасанинг катталари, қози калон жаноблари ва ижарадор ўзаро бўлиб олар эканлар-да!

— Шундай,— деди имом ва ҳикоясини давом эттирди,— ҳамал ойида Шарифкичири келиб ижарани беш минг танга орттириб, Ориф-рангубор қўлидан олди. Бу ижарадор билан бизнинг шартимиз шу эдики, икки минг беш юз танга нақд беради ва бир минг беш юз танга ҳам «мақбуз». Биз Шарифкичиридан икки минг беш юз танга нақдани олиб, унинг икки минг тангасини Ориф-рангуборга бериб, беш юз тангани вақфхўрлар орасида тақсимладик.

— Демак, минг танга шериклар орасида бўлинган маблағ ҳисобига кетди.

— Майли, сиз шундай ҳисобланг,— деди имом кулимсираб ва давом этди,— савр ойида Ҳожиқурбон келиб, вақф ерларни йигирма беш минг тангага ижарага олди. Шу шарт биланки, тўрт минг беш юз танга нақд беради ва икки минг танга мақбуз. Биз Ҳожиқурбондан тўрт ярим минг тангани олиб, унинг тўрт миңг тангасини Шарифкичирига бериб, беш юзини «аҳли вазойиф» (вақфхўрларга) бўлиб бердик. Жавзо ойида ижарадор Камолбой келиб бизнинг ижарани ўттиз беш минг тангага олди, шу шарт биланки, етти минг танга нақд беради ва уч минг танга мақбуз. Биз нақд олин-

ган етти минг тангадан олти минг беш юз тангани Ҳожиқурбонга бериб, беш юз тангани вақфхўрларга бўлиб бердик.

— Демак, юзларча вақфхўрлар икки минг тангани бўлиб олганлари ҳолда, шериклари тўрт минг танга еганлар.

— Шундай,— деди имом ва давом этди,— саратон ойида «фасх» кунида Назарбой ака келиб ҳалиги вақф ерларини эллик минг тангага ижарага олдилар, шу шарт биланки, ўн бир минг танга нақд ва беш минг танга мақбуз ва қолган ўттиз тўрт минг тангани йиғимтеримдан кейин уч муддатда бўлиб берадилар. Биз нақд олинган ўн бир минг тангадан ўн мингини Камолбойга бериб, бир мингини вақфхўрларга бўлиб бердикки, бундан сиз ҳам ўз ҳужрангиз учун тегишли ҳақни олдингиз.

— Демак, эллик минг тангали ижара бадалидан ўн олти минг танга чўнтакдан чиқиб, уч минги барча вақфхўрга ва ўн уч минги бир неча шериклар орасида бўлинган. Агар биз шу вақтгача шериклар олган улушни ижара бадалининг ҳаммасига солиштириб кўрсак, ижара бадалининг тўртдан биридан кўпроғи ҳавога учган бўлади,— деди янги ҳужрадор ва имомга яна савол берди: *

— Мен «фасх»нинг маъносини тушунмадим. Марҳамат қилиб шуни ҳам тушунтириб берсангиз!

— «Фасх» луғатда «бекор қилиш» маъносида бўлиб, вақф ерларини ижарага беришдаги «фасх» ижарани яна ҳам орттиришни бекор қилиш демакдир,— деди имом ва изоҳ берди,— ҳозир кўриб ўтганимиз каби ҳут ойдан бошлаб ижарадорлар вақф ерларининг ижарасини орттира бориб бир-бирларининг қўлларидан ола берадилар. Бу ҳол саратон ойигача — ғалла пишган вақтгача давом қилади. Аммо саратон ойида «ижара бирор ижарадорнинг қўлида мустаҳкам бўлиб қолсин ва у ижарадор далага чиқиб ўз вақтида вақф ерларининг ҳосилидан вақф ҳақини ундира олсин» учун қози калон жаноблари бир кунни «фасх куни» деб эълон қилдилар. Ана шу фасх кунигача орттирган ижарадор орттира беради ва ўша кунида ижара қайси ижарадорнинг қўлида бўлса, ўшанда қолади. Бошқа ижарадор келиб орттириб ололмайди.

— Яхшики, дунёда «фасх куни» бор экан,— деди

янги ҳужрадор,— бўлмаса, Назарбой ака беш минг тангани олиб, яна бошқа ижарадорлар бирин-кетин ортира бориб, минг-минг тангаларни олиб, йил охиригача ижара бадалини ўз ораларида бўлиб олган билан қаноат қилмай, мадрасани қарздор ҳам қилиб қўядилар.

— Ҳали ҳам мен шарт қилинган беш минг танга мақбузни оламан,— деди Назар бой, янги ҳужрадорга.

— Ололмайсиз,— деди бир мулла Назарбойга дўқуриб,— модомики, сиз ўз ихтиёрингиз билан ижарани ташлар экансиз, яна не учун беш минг танга мақбуз оларкансиз. Бу тузук эмас, бунга ҳеч бир вақфхўр рози бўлолмайди.

— Бундай муомала қилиш ярамайди,— деди мутавалли, у муллага қараб,— жонини жабборга бериб, хароб ерлар ва оч қирғийдай бўлган вақфкор деҳқонлардан эллик минг танга ундириб бизу сизга берадиган одамга бундай муомала қилмайдилар.

Мутаваллининг ўзига тарафдорлигидан хотиржам бўлган Назарбой сўзга киришиб деди:

— Агар вақф ҳақини ҳаққан-ҳаққо йигиб олсак, менинг ижарамдаги вақф ерларидан йигирма минг танга ҳам унмайди. Мен каби ижарадорларнинг жонкуярлиги натижасида сиз, вақфхўрлар бундай катта маблағни ейсиз!

— Хўп,— деди мутавалли,— ҳозир бирор чора топиб деҳқонларни гап-сўзсиз вақф ҳақини беришга кўндириш керак.

— Муллабаччаларни тўплаб олиб бориб вақфкор деҳқонларни «хар мурд» (эшак ўлди) қилиб уруш ва шу билан уларни юшатиш керак,— деди ёшроқ бир мулла.

— Қозихонага судраб,— деди бошқа бир мулла,— таъзир бердириш, дарра билан ҳам урдириш керак.

— Дарра билан таъзир бердиргандан кейин,— деди бошқа бири,— таъзири билмол (штраф) ҳам қилдириш керак, токи ҳокимга бир нарса унсин.

— Таъзири билмол қилдириш учун,— деди Назарбой билан бирга даъвогар бўлиб келган Муллонавруз,— уларнинг ортиқча моллари йўқ. Бир тарафдан, вақф ҳақини бермай, шарият ҳукмидан бош тортганлари учун, иккинчи тарафдан, мен каби бир муллани таҳқир қилганлари учун улар кофир бўлганлар. Уларнинг кофир-

ликлари тўғрисида ривояти уламо қилиб, ҳаммаларини тошбўрон қилдириш керак.

— Буларнинг ҳаммаси,— деди имом,— юзаки чоралардир. Булар билан қорин тўймайди, чўнтакка ҳеч бир нарса кирмайди. Бир иш қилиш керакки, бизнинг вақфимиз кутилганидан кўпроқ бўлиб чўнтагимизга кирсин, ҳам деҳқонлар қўрқиб, бундан кейин бўйинтовламасдан вақфимизни берадиган бўлсинлар. Масалан, деҳқонларни худо ва расул номидан қўрқитиш керак.

— Сизнинг чорангиз ҳам,— деди имомга мутавалли,— юзаки чора...

— Лонусаллимки¹,— деди имом қизиб,— юзаки чора бўлсин. Чора жойсиз эмаски, ҳақиқий чора бўлса...

— Чўнтак тўладиган чора,— деди имомнинг сўзини қувватлаб бир неча ҳужрани зархарид қилиб олган бир мулла,— ҳақиқий чора бўлиши мумкин дир.

— Имкон вуқуъни мўжиб эмас²,— деди бир мулла мутаваллининг тарафини олиб,— масалан, анқо қуши мумкин отдандир. Ҳолбуки ҳеч ким уни дунёда кўрган эмас.

— Бу киши,— деди бир муллабачча бошқа бирига пичирлаб,— менинг кунжаки домуллам. Бу киши жуда забардаст мунозарачи, қай бир кун Аркда бўлган мунозарада ҳам бир неча катта муллаларни мулзам қилганларини ўзлари ҳикоя қилдилар.

— Менинг кунжаки домуллам,— деди бошқа бир муллабачча,— сеникидан муллороқ; у киши ўз ҳужраларида дарс айтганда товушлари мадраса дарвозасидан кўчага чиқади. Кўчадан ўтаётган авомлар ҳам у кишининг товушларини эшитиб, тонг қотиб тўхтаб қоладилар ва кўнгилларида бу киши жуда катта мулла экан дейдилар.

— Мутаваллининг ҳам гапларини эштайлик,— деди ҳалигача сўзга қатнашмай, кўкрагига боқиб пичирлаб тасбеҳ ўгириб ўтирган мударрис бошнини кўтариб.

— Мутавалли авом одам, у бизнинг хизматкоримиз, унинг гапининг нима эътибори бор!— деб бақирди имомга тарафдорлик қилган ҳужрадор мулла.

¹ Лонусаллим — (арабчи) қабул қилмаймиз.

² Яъни ҳар бир нарса мумкин бўлгани билан дарров вужудга кела бермайди (булар мадраса мунозарадагида қўлланиладиган сўз ва иборалар).

— Жим тур, одобсиз!— деди мударрис у муллани жеркиб.

— Нега жим турай? Сиз бу вақфдан, дарс айтганингиз учун ҳақ олсангиз, мен қизил тилла бериб сотиб олган ҳужраларим учун ҳақ оламан...

— Жим тур, жим тур!..— деб уришга киришган хўроздай бўйинларини чўзиб ҳар томондан бақирган мударриснинг шогирдлари ҳужрадор муллани жим бўлишга мажбур қилдилар.

— Марҳамат қилинг!— деди мударрис мутаваллига.

— Бу воқеа,— деди мутавалли сўзга киришиб,— биргина Назарбой учун ёки бизнинг мадрасанинг вақфи учун муҳим эмас, балки бутун вақф ерлари, вақфкорлар ва вақфхўрларга оид бир воқеадир. Биз бугун бу ишни бўш кўйсақ, эрта бошқа ижарадорларимизни ҳам деҳқонлар уриб, қувиб юборадилар. Ҳатто бошқа мачит ва мадрасаларнинг вақфларини ҳам беришдан бош тортадилар. Бизнинг вақф — даҳяк. Аммо шундай вақф ерлар борки, вақф ҳақи учун улардан учдан бир, ҳатто ҳосилнинг ярми олинади. Бу деҳқонлар ўндан бир ҳақ бериш учун шунча ғалва кўтарсалар, учдан бир ҳосилнинг ярмини берадиган деҳқонлар жим ўтирадиларми?..

— Бу деҳқонлар ҳам,— деди бир муллабачча мутаваллининг сўзини кесиб,— вақф учун ўндан бир берадиганларидан бошқа, подшоҳликка ҳам ўндан уч берадилар...

— Жим ўтир, саҳройи!— деб мударрис уни сўкиб сўздан тўхтатди, мутавалли давом қилди:

— Мана энди мен бўлай, мударрис жаноблари бўлсинлар, бошқа беш-олти нафар катта аҳли вазойиф (вақфхўр)лар билан эшони қози калон ва қушбегига бориб гапни тушунтириб, керакли буйруқларни чиқартириб, ўткир мулозим ва шогирдпешалар билан туманга жўнатайлик. Улар бориб вақфкорлардан бир нечасини уриб қамасинлар. Шу билан бошқа вақфкорларнинг кўзлари жойига тушиб, бўйин товламасдан ҳақ бера берадилар.

— Эшони қози калон учун ҳам муҳрона ва мулозимларига хизматона унади,— деди бир мулла.

— Катталар эшони қози калон ва қушбеги жанобларининг ҳузурларига кириб арзу дод қилаётганда, бошқа

мулла ва муллабаччалар ҳам биргалашиб бориб, ташқарида туриб, чувиллашиб галва кўтариб туришлари маслаҳат,— деди имом.

— Тузук!— деди мударрис, имомнинг сўзини тасдиқлаб,— шундай бўлганда, эшони қози калон балводан қўрқиб ишга яна ҳам жиддийроқ қарайдилар.

— Бу вақф жанжали ва вақф ижарадорига бўлган ҳужум масаласи!— деди Муллонавруз,— аммо менинг жанжалим, менинг даъвом нима бўлади?

— Сизнинг даъвонгиз,— деди мутавалли,— оддий ҳақорат даъвоси, сиз ҳар вақт туман қозисига мурожаат қилиб, ўзингизни сўкканларга жазо бердира оласиз; бу масалани эшони қози калон ва қушбеги жаноблари олдиларига қўйиб, жуда катта ва муҳим бўлган вақф жанжалига ҳақорат даъвоси тусини бериш тузук эмас.

— Менинг даъвом нега оддий ҳақорат даъвоси бўлар экан? Менга бўлган ҳақорат — уламога бўлган ҳақорат, уламога бўлган ҳақорат — шариатга бўлган ҳақорат, шариатга бўлган ҳақорат — худо ва расулга бўлган ҳақорат, худо ва расулга бўлган ҳақорат — куфр ва муртадлик бўлиб, кофир ва муртаднинг жазоси қатл, дорга осилиш ва сангсор қилиш эмасми?!

— Сиз унча мулла ҳам эмассизки,— деди кулиб Муллонаврузга Назарбой,— сизга бўлган ҳақорат уламога ҳақорат бўлсин.

— Нега мен «унча мулла эмас эканман?» Мен бир неча йил мадраса тупроғини ялаган бўлсам, устозларнинг кавушларини тўғрилаб қўйган бўлсам, бир неча муфтиларга кавушбардорлик қилган бўлсам, ҳали ҳам муллалар қаторига кира олмайманми?!

— Ахир, хат-саводингиз йўқ-ку,— деди Назарбой, яна кулимсираб.

— Модомики, мадраса тупроғини ялабди, муллада,— деди Муллонаврузга ён босиб бир мулла.

— Аҳли салланинг саводлиси ҳам, саводсизи ҳам мулла,— деди бошқа бир мулла.

— Бу ерда,— деди бошқа бир мулла,— муллалар қаторида ўтирганларнинг катта бир қисми хатсиз-саводсиз. Муллаликка ҳеч бир алоқаси бўлмаган Назарбойнинг гапига кўра, уларни муллалар қаторидан қувиб юбориш керак экан-да.

— Мулла бўлиш учун хат-саводли бўлиш шарт эмас,

чунки пайғамбаримизнинг пайғамбар бўлишларига хат-саводсизлик моне бўлмагандай, мулланинг мулла бўлишига ҳам хат-саводсизлик моне бўладими?!

— Мулла бўла туриб хат-саводсиз бўлган бир киши муллалар қаторидан чиқмагани каби, хатли-саводли бўлган билан бир киши муллалар қаторига кира олмайди. Чунончи, Ҳиндубой аржининг хат-саводи бор дейдилар. Шу билан бирга у мулла бўлиш нари турсин, муслмон ҳам эмас...

Мударрис қўлини кўтариб: «Жим бўлинг, жим!» деб ҳаммани сўздан тўхтатгандан кейин, Мулланаврўзга қараб:

— Хўн, сизнинг даъвонгиз кимларга?— деб сўради.

— Деҳнави Абдуллажон даҳасига қарашли ҳамма оёқ яланг, боши бузуқ деҳқонларга,— деб жавоб берди Мулланаврўз.

— Уларнинг ҳаммаси сизни урдими?

— Йўқ, бир нечаси урди. Аммо тўғри келса, ҳаммаси ҳам мени уради, ҳатто ўлдиради.

— Уларнинг ҳаммасига жазо бердириш керакми?

— Ҳа, тақсир, ҳаммасини сангсор қилиб, дунёдан йўқотиш керак!

— Кейин вақф ва амлок ерларини ким экади, подшоҳлик хазинасини ким тўлдиради, бизу сизни ким тўйгазади?

Мулланаврўз бу саволларни эшитгач бўшашиб:

— Тақсир!— деб қолди.

— Йўқ, иш сиз айтгандай бўлмайди,— деди мударрис,— сиз улардан бир нечасининг номини рўйхатга беринг, улар қаттиқ жазо кўрсинлар. Улар кўрган жазо бошқаларига ибрат бўлсин. Шу билан улар бўйинтовламасдан вақф ҳақини берганлари каби, сизни ҳам «ҳурмат» қиладиган бўлиб, ҳар бир тилагингизга тайёр турдилар.

— Ундай бўлса, ёзинг!— деди Мулланаврўз, мутаваллига қараб,— биринчиси ва энг ёмони Ҳайдар.

Мутаваллининг ишораси билан унинг мирзаси «Ҳайдар» номини ёзди.

— Ҳайдарнинг гуноҳи нима?— Мулланаврўздан сўради мутавалли.

— Унинг биринчи гуноҳи — ўғирлик,— деди Мулланаврўз жавобда.

— М. қишлоқлик Ҳайдарқулни дейсизми?— деб сўради ўрта ёшлик, муллаларча салла ўраб, фарчини қистирган номаълум одам Муллонавруздан.

— Ҳа, ўша!— тасдиқ қилди Муллонавруз.

— Уни мен кўпдан бери танийман, у ўғирлик ёки бошқа бирон ёмонлик қиладиган йигит эмас. Шоҳидсиз, ҳужжатсиз бировни ўғри дейиш яхши бўлмаса керак,— деди ҳалиги номаълум одам.

— Ҳайдарқул қулларданми?— деб номаълум кишидан сўради бир мулла.

— Ҳа, Ҳайдарқул озод бўлган қуллар авлодидан,— номаълум одам жавоб берди.

— Қулларнинг ўғриликларига ва бошқа ёмонликларига ҳеч бир шоҳид, исбот керак эмас,— деди ҳалиги мулла,— қулларнинг ҳаммаси ўғри.

— Ҳайдарқул оддий ўғрилардан эмас, у мен тамға босиб қўйган чошдан арпа ўғирлаган. У вақф моли, подшоҳлик молини ўғирлаган шаддод бир ўғри,— деб ўз даъвосини таъкидлади Муллонавруз.

— Ҳайдарқулнинг яна қандай гуноҳи бор?— сўради мутавалли Муллонавруздан.

— У бошлиқ бўлиб бошқалар билан бирга мени «хар мурд» (эшак ўлди) қилиб урди.

«Эшак ўлди қилиб урганлару, афсуски, эшак ўлмаган»,— деди ҳалиги номаълум одам ўз-ўзига.

— Ҳайдарқулнинг яна қандай гуноҳи бор?— сўради мутавалли.

— Уламони ҳақорат қилди, шариятга тил тегизди.

Бу гуноҳни ҳам Ҳайдарқулнинг «номаи аъмолига» ёздиргандан кейин мутавалли яна сўради:

— Тагин нима гуноҳи бор?

— Унинг бошқа гуноҳи ҳозирча эсимда йўқ,— деди Муллонавруз,— энди бошқасини ёздилинг!

— Хўп, яна кимга даъвонгиз бор?— деб сўради.

— Сафарга. Бу ҳам мени «хар мурд» қилишга қўшилди, бу ҳам ўғри...

— Бу ҳам қулларданми?— деб сўради ундан номаълум одам, Муллонаврузнинг сўзини бўлиб.

— Қул бўлмаса ҳам, вақф ва амлок ерларининг ҳосилини қуллардан баттарроқ ўғирлайди. Вақфкор ва амлокдорларнинг ҳаммаси ҳам ўғри, буларнинг ҳаммаларининг суяклари ҳам вақф ва амлок молини ўғирлаб ейиш билан қотган.

— Бу оёқ яланг деҳқонларнинг вакили ким?— деб сўради мутавваллидан мударрис, ҳалиги номаълум одамни кўрсатиб.

— Мадрасада бир ориятнишин¹ муллабачча бор, ўшанинг ҳужрасига бу одамнинг кириб чиққанини бирикки марта кўрган эдим, аммо ўзининг кимлигини билмайман,— деб мутавалли жавоб берди.

— Бундай ифвогарларни ўз ҳужрасига йўлатадиган муллабаччани мадрасага ким киргизди?— қизиб кетиб мутаваллидан сўради мударрис.

Мутавалли жавоб беролмай жим бўлиб қолди. Мажлис бошида имом билан уришиб олган мулла жавоб беришга киришди:

— Домулла имом дарсгўйлик ҳавасига тушиб бирор-та шогирд тополмагач, ўзларига шогирд бўлиш шарти билан ўз ҳужраларини ҳалиги боши бузуқлар билан алоқа қиладиган муллабаччага берганлар.

— Тақсир!— деди ўрнидан туриб салласини калава қилиб ўраган ўрта ёшлик бир мулла мударрисга хитоб қилиб,— у муллабачча «жадид»га ўхшайди, қўлида бир неча марта газет кўрдим.

— Ҳаҳ-ҳа,— деди мударрис,— гап бунда экан!

— Бу одамнинг ўзи ҳам машҳур жадидлардан,— деб ҳалиги номаълум одамни кўрсатди бошқа бир муллабачча,— буни Шокирғулом дейдилар.

Мударрис бу гапни эшитиб жуда қизиб кетди, кўзларидан ғазаб олови сочилмоқда эди, у ҳатто гапирриш учун ўзини эплаб ололмайдиган бир ҳолатга келди. Сўзининг таъсирини кўрган ҳалиги муллабачча яна гапини давом эттирди:

— Бир кун шу Шокирғулом ҳалиги дўсти билан кўчада борарди, мен уларнинг орқасидан борардим. Шокирғуломнинг ўша ориятнишин муллабаччага... «то амлок ва вақф ерлари, оқ подшоҳ қўл остидаги Туркистон ерларидек, ўлпон бўлиб, деҳқон қанча солиқ беришини олдиндан билиб олмаса, деҳқонлар учун тинчлик йўқ. Амирнинг бу «бардор» ва «хасбур» деган солиқ солиш тартибидан ер эгалари хонавайрон бўлдилар» деганини ўз қулоғим билан эшитган эдим,— деди.

— Бу кофир экан, бу бизнинг вақфдан оладиган че-

¹ Ориятнишин — ўз ҳужраси бўлмай, бошқа бировнинг ҳужрасида турадиган талаба.

гарасиз даромадимизни қайчилатмоқчи экан, бу шариятга халал бермоқчи экан,— деб ўрнидан ирғиб турди мударрис ва Шокирғулом томонга ишорат қилиб оғзидан кўпик сочиб, қалтираган ҳолда,— буни «хар мурд» қилиш керак,— деди.

Мулла ва муллабаччалар қўлларини чўзиб Шокирғулом аталган номаълум одам турган томонга югурдилар. Аммо у номи эшитилган ҳамон у ердан қочган эди.

Биринчи овни қўлдан қочирган мударрис ўз «тозилари»ни иккинчи ов томонига — ориятнишин талаба турадиган ҳужра томонига қаратиб олқишлади. Миён саройда тўпланган мулла ва муллабаччалар очиққан қашқирлар галасидек увиллашиб мадраса ичига югурдилар. Мажлис бузилди.



У Ч И Н Ч И Б У Л И М

I

1917 йил апрель ойининг охирларида, баҳор фаслининг ўрталари бўлишига қарамай, ҳаво июнь ойидек қизиган эди. Қишда ёғингарчилик кам бўлган, баҳорда ҳеч бир ёмғир ёғмагани сабабидан буғдой, арпа ва йўнғичқадек экинларгина эмас, ҳатто дарахтларнинг барглари ҳам қуримоққа яқинлашган эди; бодом, ўрик, олма, олболудек мевалар ҳам гулдан чиққан ҳамон қуриб тўкилган, ёки сарғайиб тўкилишга тайёрланиб турган эди. Ҳаво дим бўлиб, қаттиқ шамолли кунларда бўла тургандек, ер юзи хира чанг билан қопланган эди. Қизил чўлнинг этагидаги М. қишлоғи кенг чўлдан кўтарилиб келаётган бу сарғиш чанг билан ғишт хумдони тусини олган эди.

Аммо шу қишлоқдаги Ўрмон полвон чорбоғи бу умумий манзарадан бошқачароқ бир кўринишда эди. Шофирком рўдини боғлаб, деҳқонларнинг экинлари суғориладиган ариқларни поялаб (кўмиб), ҳар икки кунда бир суғориладиган бу боққа баҳорнинг қурғоқлиги унча таъсир қилмаган эди; ўрик, олма каби дарахтларнинг мевалари оз бўлса ҳам, ҳар ҳолда бор эди. Боғдаги гуллар, сабзалар ҳам кунда устларига сепилиб турган сув билан яшилланиб турмоқда эдилар.

Эшиклари боққа қараган қатор меҳмонхоналарнинг бошидаги энг каттаси гилам, атлас ва духоба кўрпачалар билан ясатилган эди. Меҳмонхонанинг тўрига беш

қават адрас, шойи кўрпачалар солинган ва бир томонига устма-уст уч пар ёстиқ қўйилган ва бу шоҳона жой-хобнинг устида чўзилиб ётган Урмон полвоннинг оёқларини ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги бир бола уқаламоқда эди.

Даҳлиздан эшитилган «ўҳу, ўҳу» деб йўталишдан кўзини очган полвон:

— Бориб қара, кимдир у,— деди болага.

Бола ўрнидан туриб меҳмонхона билан даҳлиз орасидаги ёпиқ эшикни очиб чиқиб, яна ёпти. Даҳлиздаги йўталган одам билан саломлашиб бир-икки оғиз гаплашгандан кейин, яна меҳмонхонага кириб эшикни ёпиб, полвон олдига келди:

— Теварак-атроф қишлоқлардаги мулла ва оқсоқоллар бек билан кўришамиз деб келганлар,— деди.

Урмон полвон ўрнидан эринибгина туриб ўтирди, кўйлак-яктагининг¹ тугмасини қадагандан кейин:

— Бор, айт, кирсинлар,— деди.

Бола даҳлиз эшигини очиб, ўзи бир чеккароқда турди ва:

— Марҳамат қилсинлар,— деди.

Йўталган одам бошини даҳлизнинг ташқари эшигидан чиқариб:

— Келинлар!— дейиши билан супа устида қатор турган етти-саккиз киши даҳлизга кирди, кавушларини даҳлиз пойгасига ечгандан кейин, йўталган одам олдинда, ҳаммалари меҳмонхонага кирдилар.

Урмон полвон ўрнидан туриб, улар билан бир-бир қучоқлашиб кўришгандан кейин, ўтириш учун жой кўрсатди. Муллалар такаллуфланиб турмай, меҳмонхонанинг юқори томонига ўтиб ўтирган бўлсалар ҳам, оқсоқоллар, калоншавандалар бир-бирларини юқори ўтказмоқ учун «сиз ўтинг, йўқ, сиз ўтинг» дегандан кейин, бурчакларда қисилиб чўккалаб ўтирдилар.

«Ўтинг, ўтинг»ларни кутмасдан ўз ўрнига ўтиб ўтирган Урмон полвон, ҳамма ўтириб бўлгандан кейин, муллаларга қараб:

— Қани, жаноби олий ҳақларига дуо қилинлар,

¹ Кўйлак-яктак — асосан яктак бўлиб, унинг ёқасига халта-кўйлак ёқасига ўхшатиб бир парча матона ёпиштириб кўяр эдилар. У парчанинг тугмаси қадалганда, яктак остидан кўйлак кийгандай бўлиб кўринарди.

тақсирлар,— деб қўл кўтарди. Юқорида ўтирган мўйсафид мулла қуйидаги муллаларга қаради. Улар бошларини эгиб, қўлларини қовуштириб тургач, катта мулла қўлини кўтарди, бошқалар ҳам қўл кўтардилар, катта мулла баланд товуш билан:

— Илоҳи жаноби олий жаҳонгир бўлсинлар, тиғлари бурро, сафарлари бехатар бўлиб, ҳазрати шоҳимардон, Баҳоваддин балогардон камарларини боғласинлар, қасд қилган душманлари паст бўлсин...— деб қўлини бетига тортди. «Омин!» деб, турганлар ҳам қўлларини бетларига тортдилар.

Ўрмон полвон меҳмонларга қараб:

— Қани, қалайсизлар, юрт омон-эсонми?— деганда, катта мулла:

— Жаноби олийнинг давлатлари, сиз каби бекларнинг ғайратлари соясида шукур, омонлик-эсонлик,— деди ва қўшимча қилиб айтди:

— Ҳазодан келганларини эшитиб зиёрат қилайлик деб келиб ташвиш бердик, кечирасиз-да.

— Хуш келибсизлар,— дегандан кейин даҳлизда ҳозир турган болаларга қараб, Ўрмон полвон:— чой-дас-турхоҳ келтиринглар,— деди.

— Қани, Бухорода нима гап, жадидлар йўқолиб битдиларми, юрт тинчидими?— деб сўради катта мулла.

— Ҳозирча бир оз тинчиди; жадидлардан бир нечаси етмиш беш таёқдан урилди; улардан бири ўлди, бошқалари ҳам ўлар ҳолатда Қогон касалхонасида ётмоқда; қўлга тушмаганлари ва жазо кўрмаганлари ҳам шаҳардан қочган, булар юртдан ажралган ҳисоб. Жадидларни ёқлаган Насрулла қушбеги бекор қилиниб, Қармина қўрғонига қамалди; унинг ўрнига Низомиддин Урганжий қушбеги бўлди...

Дастурхон ёзилди, лаъли-баркашлар тортилди, конфет, қандолат ва майизлар сепилди, кўк чой қуйилиб келтирилди, нонлар синдирилиб ейила бошланди...

— Бутун Туркистон ўлкаси Оренбурггача жаноби олийнинг ихтиёрларига берилганмиш деган бир овоза чиқди, ростми?— мўйсафидлардан бири Ўрмон полвондан сўради.

— Ҳозирча бу гапнинг ростлиги маълум бўлмаса ҳам ахири шундай бўлмасдан иложи йўқ,— деган Ўрмон полвон ўз сўзини қувватлаб:

— Подшоҳларини бекор қилган Россия халқи,—

деди.— жуда бебош бўлиб кетган, ҳозир ҳукумат бошида ўтирганларга ҳеч ким итоат қилмайди. Аҳвол бундай бўлгандан кейин Россиянинг янги ҳукумати ички Россияни саришта қила олдики, Туркистон қолдими? Бу ҳолда Туркистонни бугун бўлмаса, эртага жаноби олийга топширишдан бошқа чораси йўқ.

— Николай подшоҳни бекор қилгандан кейин, руслар унинг ўрнига кимни подшоҳ кўтардилар?— деди бир мўйсафид.

— Ҳали,— Урмон полвон,— Россияда подшоҳ йўқ, ҳукумат ишини думахонадан қўйилган Милюков билан Керенскийдай бир неча киши бажармоқда.

— Думахона дегани нима?— деб сўради оқсоқоллардан бири.

— Думахона,— деди Урмон полвон,— халқ оқсоқоллари, одамшавандалари йиғилган бир уй. Россия шаҳарларида, жумладан, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарларда думахона бўлганидай, Петербургда ҳам бутун мамлакат устидан қарайдиган думахона бор. Подшоҳни бекор қилгандан кейин мана шу думахона аъзолари ўз ораларидан вазирлар сайлаб қўйган, ана шулар ҳукумат бўлиб ўтирмоқдалар.

Катта мулла қаҳқаҳлаб кулгандан кейин:

— Қўй рамасини,— деди у,— чўпонсиз ва итсиз саришта қилиб бўлмаганидек, халқни, фуқарони ҳам подшоҳсиз, ҳокимсиз саришта қилиб бўлмайди. Русларни кўп доно дер эдилар. Буларнинг ақллари қаерга кетганки, подшоҳсиз ҳукумат қилиш фикрига тушганлар.

— Подшоҳни,— деди Урмон полвон,— русларнинг «доно»лари бекор қилмаган, узайиб кетган жаҳон уруши сабабидан мамлакат хароб бўлиб, халқ очликка тушган, бу очликдан бу кунни топиб, эртани тополмайтурган оёқ яланглар урушдан кўпроқ зарар кўрганлар. Ана шундай бўлиб, фабрик- завод ишчилари, жонига теккан солдатлар ва бошқа яланг оёқлар қўзғалиб подшоҳни бекор қилганлар. Ундан кейин мамлакатнинг оқсоқоллари, одамшавандалари ҳукумат ишини ўз қўлларига олиб, ишни бости-бости қилмоқчи бўлганлар. Қонсулнинг жаноби олийга айтганига кўра, бу бебошликни секин-секин битирадилар. Николайнинг ўзи бўлмаса ҳам, унинг ўғли, ёки амакисини подшоҳ кўтариб, юртни тинчлантирадилар. Бўлмаса, подшоҳсиз мамлакат бўлар эканми?

— Майли,— деди муллалардан бири,— руслар ўзаро

жанжал қила берсинлар, ҳар нима бўлсин, Туркистон жаноби олийга тан бўлсин, у вақтда бир кал мачитга имом бўлиб, зўрға кун ўтказиб юрган биздек нимча муллаларга ҳам қозилик, раислик тегади.

Ўрмон полвон бу мулланинг сўзига норозилик билан бошини қимирлатгандан кейин деди:

— Домулла, ҳали шу кал мачитга шукур қилиб ўтирсангиз-чи, шуни ҳам худо сизга ортиқ кўрмасин...

— Нега, нега?— деб ҳайронлик аломати кўрсатди ҳалиги мулла ва илова қилди:

— Ҳозир жаноби олий қўл остларида қози, раис қўя турган қирқтача қўрғон, амлок ва туманлар бор; бунинг устига Туркистондаги юзларча шаҳар ва туманлар ҳам қўшилгандан кейин биздек муллаларга қозилик, раислик тегмаса, кимга тегади? Мунча шаҳар ва туманларга қардан мулла топиб қози, раис қиладилар?

— Гап бунда эмас,— деди Ўрмон полвон,— агар Россия тинчимаса, бизда ҳам тинчлик бўлмайди. Мен эски Қогонда бир қизиқ воқеани кўрдим. Бу воқеа жаноби олий томонларидан етмиш беш таёқ урилиб, Қогон касалхонасида ўлган Мирза Назруллони кўмиш устида эди. Унинг тобутини Бухородан қочган жадидлар билан бирга Қогон заводларидаги мардикорлар, темир йўл ишчилари, солдатлар, теварак қишлоқлардан йиғилган бош яланг, оёқ яланг деҳқонлар кўтариб келдилар. Уни кўмаётганда ҳар турли гап-сўзлар бўлди, жадидлардан баъзилари чиқиб: «биз сенинг ўчингни оламин, фалон қиламин, пиставон қиламин» деган бўлсалар ҳам, оёқ яланг бир завод мардикори чиқиб: «биз амирдан сенинг ўчингни оламин, бизга амир керак эмас» деб очиқ айтди. Албатта, ҳали бу қуруқ бир гап. Битта, юзта ёки мингта оёқ ялангнинг қўлидан нима келади дейсиз? Лекин Россиянинг бебошлиги чўзила берса, бизнинг мамлакатнинг ҳам тинчиши қийинлашиб қолиши аниқ.

Фотиҳа қилиб, дастурхон йиғиштирилди, ҳалигача у ёққа-бу ёққа бурилиб чорчўкка ўтирган Ўрмон полвон:

— Бағишлайсизлар, домуллалар,— деб пар ёстиққа ёнбошлагандан кейин,— мен,— деди,— уч ҳафтадан бери тузук ёзилганим йўқ, кеча-кундузларим кўпинча от устида ўтди, туманлардан йиғилган беш-олти минг отлиқ шу ҳол билан уч ҳафтани ўтказдик, жуда чарчабман.

— Зарари йўқ, ёзилинг,— деди катта мулла,— лекин

айтиб беринг-чи, бу жадидларнинг ўзлари ким, булар нима иш қилмоқчи?

— Жадидлар,— деди Ўрмон полвон,— диндан қайтган газетхон мусулмонлар, буларга эронийлар ва жуҳудлардан ҳам кўп киши қўшилган. Булар бундан бурун «усули жадид мактаблари очилсин» деб юрар эканлар: оқ подшо бекор бўлгандан кейин «мамлакат ислоҳ бўлсин, ерлар ўлпон бўлсин, мадраса ҳужраларини сотиш барҳам есин, мамлакатнинг харжу дахли ҳисобга олинсин, жаноби олий подшоҳ бўлиб турганлари ҳолда, биздан вакиллар сайланиб бу ишларни бажарсин...» дея бошлаганлар...

— Илоҳи тавба,— деди катта мулла Ўрмон полвоннинг сўзини кесиб,— шу мамлакатни ислоҳ қилиш бўлдими? Бу, шарият ва мамлакатни бузиш-ку-

— Бузуқ одамларнинг ислоҳи шунақа бўлади-да,— деб бошқа бир мулла изоҳлади.

— Ҳа,— деди Ўрмон полвон,— шунақа, шарият ва мамлакатни бузишни талаб қилсалар ҳам, жаноби олийнинг зоти ҳумоюнларига тил тегизмас эдилар, аммо жадидлар Когонга қочгандан кейин иш бошқача тус олди; у ерда буларга Бухоро оёқ ялангларидан, айниқса Когон теварагидаги ерсиз, жойсиз деҳқонлардан, жумладан, Зиробод қишлоғидаги қуллардан кўп киши қўшилди. Когон заводларидаги ишчилар, Когондаги рус мардикор ва солдатлари, бир қисм нўғайлар, черкаслар буларнинг атрофига йиғилиб, боя айтганимдек, бошқача гапира бошладилар.

— Гапирсалар гапира берсинлар,— деди катта мулла,— мамлакатдан қувилгандан кейин уларнинг гапларидан жаноби олийга нима зарар?

— Домулла,— деди Ўрмон полвон,— сиз жуда қисқа ўйлайсиз, ҳали бу бошланғичи, шу бошланғичда ҳам жонига теккан бир хил оёқ ялангларнинг думчаси сув олган, бу ҳол шундай кета берса, ким билади, эрта бутун оёқ яланглар қўзғалсалар. Масалан, ўзимизнинг туман ва қишлоқларимизни олайлик. Омон-омонлик вақтида ҳам оёқ яланг деҳқонлар молият устида бекка, амлокдорга, амин ва оқсоқолларга қарши чиқар, жанжал кўтарар, айниқса ерсиз, жойсиз бўлган қуллар-ку сира тинч турмас эдилар. Буларга ёрдам бера турган, гап ўргатадиган кишилар чиққандан кейин, булар тинч туради дейсизми?..

— Худо денг,— деди Ўрмон полвон бошини бир-икки қимирлатгандан кейин,— Россиядан путур кетмасин, руслар тезроқ бирон подшоҳ кўтарсинлар, ўша вақтдагина биз тинч яшаймиз...

— Қозихонадан бир мулозим келибдир, Полвонга ишим бор дейди,— деб даҳлиздан кирган бола Ўрмон полвоннинг сўзини кесди.

— Хўп, айт, кирсин,— деди Ўрмон полвон у болага.

Даҳлиздан бели фўта билан боғлиқ бир йигит кириб салом бергандан кейин, лифофалик¹ бир хатчани Ўрмон полвонга берди. Ўрмон полвон хатни олиб, лифофаси устидаги муҳрга бир қарагандан кейин, хатни катта муллага узатиб:

— Бу шариятпаноҳнинг муҳрларими?— деб сўради.

Катта мулла хатни полвоннинг қўлидан олиб, кўзини қисиб унга бир қарагандан кейин:

— Ҳа, сиёҳиси яхши тушмаган. Нақши ўз қозимизнинг муҳрларига ўхшайди,— деди.

Ўрмон полвон хатни унинг қўлидан олиб, чўнтагидан пичоқчасини чиқариб учи билан лифофани тилиб хатни олди; лифофани ғижимлаб бир томонга ташлаб, хатни кўздан кечирди; сўнгра уни катта муллага бериб:

— Нима ёзганлар, ўқинг-чи?— деди.

Катта мулла хатни олиб, кўзини қисиб, бошидан охиригача унга қарагандан кейин, ўзидан қуйида ўтирган муллага узатиб:

— Ойнагим уйда қолибди, сиз ўқисангиз-чи,— деди.

У мулла ҳам хатни кўздан кечиргандан кейин учинчи муллага узатиб:

— Сиз ўқинг, менинг ҳам ойнагим уйда қолибди,— деди.

Учинчи мулла хатни олиб, уч-тўрт марта кўздан кечиргандан кейин, туртина-туртина ўқий бошлади. Тожикча ёзилган хатнинг мазмуни шу эди:

«Ихлос осор Ўрмон полвонга маълум қилинурким, бу руқъани олгач, Хўжаорифга, қозихонага келсин, боқи ассалому алайкум».

Ўрмон полвон хатни қўйин чўнтагига солиб, хатни ўқиган муллага кулимсираб қараб:

— Ҳайриятки, домулла,— деди,— сизнинг ойнагингиз

¹ Л и ф о ф а — эски замон хатларининг устидан ўрайдиган бир қоғоз-конверт ўрнида,

уйингизда қолмаган экан, бўлмаса, хатни шариятпаноҳнинг ўзларига элтиб ўқитишга тўғри келар эди.

— У кишининг ҳам ойнаклари уйда қолганлигини мен биламан, балки хатни уни ёзган мирза ўқиб берар эди,— деб катта мулла ўз айбига кўп ва катгароқ шеърлар топмоқчи бўлди.

Ўрмон полвон ўрнидан тура бошлади. Муллалар ва калоншавандалар ҳам «хайр, хўш, худо оқ йўл берсин» деб уйдан чиқдилар...

II

Хўжаориф қишлоғида, Шофирком туманининг қозихонасида, қозихонанинг катта меҳмонхонасида туманнинг «катталари» — аминлар, катта оқсоқоллар ва бойлар йиғилган эдилар. Меҳмонхонанинг қозихона ҳовлиси томонидаги супасининг қуйидаги бир мулозим турар ва у қозининг рухсатидан бўлак ҳеч бир кишини уйга киритмасликка маъмур эди. Меҳмонхонанинг жануб томонига — ҳовлига очиладиган эшиклари очиқ бўлса ҳам, ҳавонинг иссиқлигига қарамай, шимол томонга — кўчага — рўд бўйига қараб очиладиган эшиклари берк бўлиб, кўчага товуш чиқмайдиган қилиб қалин пардалар тортилган эди.

— ...Мана,— деди қози ўз сўзида давом қилиб,— шу мазмунда маъзул қози калон — Бурҳониддиндан ҳам муллалар вакили домумла Қутбиддин ва домумла Холмуроддан хат олдим. Буларнинг хатларига кўра, энди Бухорода гўё боши бузуқлар қолмаган, битта-яримта қолган жадидлар ҳам, калима ўгириб қайтадан мусулмон бўлганлар.

— Хўп, нима ишлар қилишимиз керак? — деди мажлиснинг тўрида ўтирган Ҳайит амин.

— Қушбеги мирзои Урганжийнинг махфий хатларида очиқ ёзилган-ку,— деди қози,— бу хатга қараганда, туманнинг катталари бўлган сизларнинг тумандаги отлик, яроқлик бўзболаларни рўйхат қилиб, ҳар бир жирибдаги йигитларни бир бошлиқнинг қўлига топширингиз, уларни кўпқари чоптириб, жириш¹ ўйнатиб, урушга

¹ Ж и р и ш — пойга каби от чоптириш бўлиб, пойгадан фарқи шуки, бунда бир-бирини уриб йиқитиб уришадигандай бўлиб, от чоптирадлар.

омил қилдирингиз: қочган-қураган шубҳали одамларни топиб қозихонага топширишингиз ва умуман юртнинг баланду пастидан хабардор бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши тайёр туришингиз керак.

— Қозихонага топширилган шубҳали одамлар нима бўладилар?— деди Бозор амин.

— Албатта,— деди қози,— шубҳали одамлар ва ўз феъли бадидан қайтмаган жадидлар Бухорога — жаноби олий ихтиёрига юбориладилар. Аммо жадидлиги унча маълум бўлмаган, лекин жадидликда тухматланган кишилар бўлса (муллалар вакилларининг хатларига кўра) шу ерда, қозихонада ё муфтилар олдида тавба бериб, калима ўғиртириб, уларни янгидан мусулмон қилишимиз мумкин.

— Бу хатларда,— деди қуйироқда ўтирган Ўрмон полвон,— қуллар тўғрисида бирон гап йўқми?

— Қуллар тўғрисида,— деди қози,— айрим бир нарса ёзилмаган, лекин хоҳ қул бўлсин, хоҳ оқсуяк¹, хоҳ тожик бўлсин, хоҳ ўзбек бўлсин, хоҳ хўжа бўлсин, хоҳ қорача, ким бўлса бўлсин, агар унда жаноби олийга, ҳокимларга ва муллаларга қарши бирон ҳаракат сезилса, ёки руслар билан дўстлик аломати билинса, дарров қўлга олиш керак.

— Лекин,— деди Ўрмон полвон,— бизнинг тумандаги қулларнинг иши бошқача. Бизнинг туманнинг бойлари эски замонда қалъачи катта бойлар бўлганликлари сабабли кўп қул сотиб олган, кўпгина «хоназод» қул тўратган, бизда ҳозир у эски қулларнинг авлодлари яшамокда, ҳатто Деҳнави Абдуллажон томонларида «Ғуломон» (қуллар) исмида қишлоқлар бор. Деҳнавнинг ўзида «чўжалар» деган бир жамоа борки, буларни ҳам ўша эски қулларнинг авлоди дейдилар...

— Хўп,— деди Ўрмон полвоннинг сўзини кесиб Ҳайит амин,— сўзни қисқа қилинг, бизда қуллар кўп экан, бундан нима чиқади, нима демоқчисиз?

— Мен,— деди Ўрмон полвон,— бу қуллар учун айрим бир чора кўрилсин демоқчи бўламан.

— Шариатпаноҳ айтдилар-ку,— деди Ҳайит амин,— хоҳ қул бўлсин, хоҳ оқсуяк — «ёмонлар» қўлга олинсин...

— Мен ҳали,— деди Ўрмон полвон,— муддаомни тў-

¹ Оқсуяк — бунда қул бўлмаган «хур» киши демакдир.

ла айтганим йўқ, шариятпаноҳ рухсат берсалар, сўзимни давом эттирай!

— Марҳамат қилинг, гапиринг,— деди қози, Ўрмон полвонга қараб.

— Қуллардан,— деди Ўрмон полвон,— амирга, ҳокимларга ёки муллаларга қарши ҳаракат қилишни кутиб турмасдан, уларга қаттиқ жазо бериш керак, зеро, улар жаноби олий ва ҳокимларга итоат қилмасликларини бундан бурун неча бор молият устида кўрсатганлар, Деҳнав томонида молият устида қанча жанжал чиққан бўлса, ҳаммасининг бошлиғи шу ерсиз, қўли осмондан, оёғи ердан узилган «бепули маърака бузар» қуллар эдилар. Деҳнавдаги қулларни ҳар бир иш устида жанжал чиқариб жувиллашиб бош кўтаришлари сабабидан «чўжалар» атаганлар. Бизнинг муллаларга бўлса, улар ҳеч вақт итоат қилмайдилар ва сўзларига қулоқ солмайдилар, тагини суриштириб кўрсангиз, уларнинг динлари ва муллалари бошқа, фақат зарури замонадан ўзларини мусулмон санаб юрадилар. Агар кўнгилларини кавлаб кўрсангиз, улар учун минг мулланинг сўзидан ёвожанлик Шокирғуломнинг бир оғиз сассиқ сўзи минг марта авлороқ...

— Яъни,— деди Ҳайит амин, Ўрмон полвоннинг сўзини бўлиб,— қисқаси, юрда қанча қул бўлса, ҳаммасини ўлдириш керак дейсиз-да.

— Ўлдириш керак бўлмаса ҳам,— деди Ўрмон полвон,— қаттиқ тутиш, қамаш, зиндонга солиш керак дейман. Зеро, булар тинч қолсалар, бир гап бўлса, ҳаммалари бирдан бош кўтариб, душманга ёрдам қиладилар. Когон атрофидаги қуллар ва эронийларни ғурбунлик Муллашариф қандай кўзғатиб балвога чиқара олган бўлса, тумандаги қулларни, Шокирғулом ўшанча, балки ундан ҳам тезроқ кўзғата олади.

— Йўқ,— деди Ҳайит амин,— ҳаммани бир қилиб «қуллар» ёки «эронийлар» деб сўз отиш ярамайди. Қулларнинг ораларида шундайлари борки, жаноби олийга бизу сиздан кўпроқ жонкуярлик кўрсатмоқдалар...

— У қандай қул экан?— деди қизиб, Ўрмон полвон.

— Масалан,— деди Ҳайит амин,— жафарилик Пўлат бойнинг болалари...

— Улар қулми?— деди таажжуб билан Ўрмон полвон.

— Ҳа,— деди Ҳайит амин,— сиз ёшсиз, эҳтимол,

билмасангиз, аммо мен Пўлат бойнинг ота-боболаригача биладан. Пўлат бойнинг катта бобоси қул бўлиб сотилган, аммо Пўлат бойнинг отасига ва ўзига худо давлат берган, булар пайкал-пайкал ерга, омбор-омбор ғаллага, сарой-сарой молга, рама-рама қўйга эга бўлганларидан кейин қулликлари унутилган, «кимсан — Пўлат бой араб!» оти билан овоза чиқарган. Бунинг ўғли Абдуллабойвачча жадидлар жанжалида жаноби олийга кўрсатган жонсипорлиги сабабидан тўқсобалик амали билан сарафроз бўлди.

— Биладан,— деди Урмон полвон бўшашиброқ.

— Ҳар ҳолда,— деди Бозор амин,— Шокирғуломдай кишиларни соғ қўйиш тузук эмас.

— Мен айтмайманки,— деди Ҳайит амин,— Шокирғулом, Муллашариф ва шулар каби ифвогарлар соғ қўйилсинлар деб, балки бир соат бурунроқ бир иш қилиб қўлга тушириб, жазоларини бердириш керак. Аммо «санамай саккиз» деб барча қулларга бирдан ёпишиш маслаҳат эмас, у ҳолда кўзга кўринган обрўли одамларни ўзимизга душман қилиб қўямиз. Шариатпаноҳ айтганидай, буларнинг ҳаракатларини пойлаб туриш, ёмонлик ҳаракатлари сезилган вақтда уларни қўлга тушириш, жазо бериш керак.

— Аминнинг маслаҳатлари тузук,— деди Норқоровул беги,— бир одамга «сен ёмон» деб ёпиша берсангиз, у ночор ёмон йўлга тушиб кетади. Чунончи, Вағонзи туманининг миршаби мирза Усмонга тўрт томондан «сен жадид» деб ёпишдилар, у ҳеч илож топмагач, миршабликни ташлаб боши бузуқлар томонига қочиб кетди; бўлмаса миршаб бўлиб, суяги жаноби олийнинг «нон ва тузлари» билан қотган бир киши жаноби олийга қарши чиқармиди?

— Отангизга раҳмат,— деди Ҳайит амин унга, сўнгра қозига қараб, ўз сўзини давом эттирди:

— Мен,— деди,— муллаларнинг ҳам кўп ишларини хушламайман. Бухорода ўз кўзим билан кўрдим: муллалар кўча-кўйларда айланиб юриб, билар-билмас биров бир кишини «жадид» деб кўрсатса, дарров уни судраб мачит олдига олиб борадилар, уни хор-зор қилиб сўкиб, расвосини чиқарадилар ва калима айтдирадилар, шу билан у яна мусулмонлар қаторига кирган бўлади. Ҳолбуки, агар у дарҳақиқат кофир бўлган бўлса, қайта бошдан калима айтган билан мусулмон бўладими? Аммо

бирон ҳодиса бўлиб қолса-чи, ҳаммадан бурун мулла Қутбиддиннинг бошини шу янгидан мусулмон бўлган одамлар кесадилар...

— Ҳай, ҳай, секинроқ,— деб қози Ҳайит аминнинг сўзини бўлди ва товушини пастроқ қилиб давом этди:

— «Девор муш дорад, муш гўш дорад» (деворнинг сичқони бор, сичқоннинг қулоғи бор) деганлар. Агар шу сўзингизни биров эшитиб қолиб, оғизма-оғиз мулла Қутбиддиннинг қулоғига етса, биргина сиз эмас, мен ҳам жазо кўраман, сиз жадидлик тухмати билан ўлдириласиз, мен бировнинг ёмонлиги сезилган ҳолда унга гапирмаганим учун ўлдириламан...

Қозининг маҳрами даҳлиз эшигини тақиллатиб унинг сўзини бўлиб:

— Рикоби олийдан чопар келди,— деди.

Ҳайит аминнинг бояги сўзидан қўрққан қози «чопар» сўзини эшитиш билан бирдан қути учди ва ўзини зўрға тутиб:

— Кирсин,— деди.

Ҳайит амин қозининг бу ҳолини сезиб кулимсираб:

— Мулла Қутбиддин «каромат оламида» менинг бояги сўзимни эшитиб, сизни тутиш учун чопар юборган бўлсалар керак,— деди.

Қозидан бошқа мажлисдагиларнинг ҳаммаси кулди. Чопар келиб кирди. Чопар қози билан саломлашиб чўккалаб кўришгандан кейин кумуш камарбандига осилган кўн чўнтакдан букилган бир халтачани олиб қозига берди. Қози «муборакномаи ҳумоюн-ку» дегани ҳолда ўрnidан ирғиб туриб хатни бошидаги салласига қистиргач, қўлини қовуштириб, Бухоро томонига қараб уч марта таъзим қилди. Сўнгра хатни очиб у ёқ-бу ёғига қарагандан кейин, чопиб меҳмонхонадан чиқиб ичкари ҳовлига кириб кетди.

Қозининг бу ҳаракатидан ҳамма таажжубда қолган бўлса ҳам, ҳалиги «катта мулла»нинг ойнак ҳикоятини унутмаган Ўрмон полвон ўз ёнида ўтирган Норполвонга секингина:

— Шариатпаноҳнинг ойнаклари ичкари ҳовлиларида қолганга ўхшайди,— деди ва икковлашиб секингина кулишдилар...

Қози қайтиб келиб ўз ўрнига ўтиргандан кейин тожикча ёзилган муборакномани ўқиб берди. Унинг мазмуни шу эди:

«Шариатпаноҳ Шофирком туманининг қозиси жаноби олийнинг марҳаматларидан сарафроз бўлиб билингики, рикоби ҳумоюнда Ситорамахосса чорбоғида кўпқари барпо бўлди. Туманингиздаги отлиқ бойлар ва чавандозларга хабар берингики, тездан рикоби ҳумоюнга йиғилиб, кўпқари чопиб жаноби олийнинг марҳаматларидан сарафроз бўлгайлар».

— Бундай иссиқ ёз кунларида қандай кўпқари?— деди Урмон полвон.

— Бизнинг мажлисимиз нима учун эди?.. Ҳар эҳтимолга қарши тайёр бўлиш учун эмасмиди? Шу учун жаноби олийнинг бу ҳикмати силоришларига одатдагидай бир томоша кўпқари деб қарамасдан, уруш машқи ҳисоблаш ва шунга қараб ҳозирланиб бориш керак,— деди қози.

Мажлис тездан чавандозларни тўплаб Бухорога олиб бориш учун шошилиш билан тарқалди. Қози ҳам бу «чопар» орқали бирон шум хабар келмаганлигидан қувониб тинчланди.

III

Ёзнинг ёқимли тунги шабадали ҳавоси одамнинг бетини сийпаламоқда эди; кундуз офтобнинг қизгин шуъласи остида ишлаб беллари қотган Сувоқар билан Шофирком рўди орасидаги деҳқонлар, боғдорлар бу ёқимли ҳавода ёзилиб ётмоқда эдилар. Ҳали ботмаган ўн кунлик ой қизил қум билан қопланган бу даштга ўз нуруни сочмоқда эди; кундузлари офтобда қўр олов кўмаларидай бўлиб кўринадиган бу қумзор, кечаси ой шунаҳи билан сарғимтир қаймоқ боғлаган сутдай бўлиб аллақандай дилрабо бир манзара касб этмоқда эди; тевараклари янтоқлар билан ўраб олинган ва унда-мунда кўринадиган деворсиз боғлар — узумзорлар бу манзарани зангори тус билан сочма нақшланган зарҳал қоғозга айлантирган эди. Даштда жимлик ҳукм сурмоқда, бу жимликни фақат боғларнинг чайлаларига осилган тўрқовоқлардан чиққан «вавав, ва-вав, пит-пилиқ, пит-пилиқ» садолари бузиб турар эди; пит-пилиқ товушлари кенг даштда юзларча боғдан кетма-кет чиқиб турса ҳам, юмшоқ қум тепалари устида чўзилиб ётган деҳқон ва боғдорларнинг уйқуларига халал бермас, балки, ибти-

дой бўлса ҳам, бир мусиқа садоси каби уларнинг роҳатланиб ётишларига ёрдам қилар эди.

Вақт ярим кечадан ўтган эди. Қорахоний қишлоғидан чиққан йигирма-ўттиз итнинг ҳуриши ва акиллаши бу долсиз-дарахтсиз кенг даштга бирдан ёйилди. Итларнинг қишлоқнинг кунчиқар томонидан бошланган акиллашлари секин-секин қишлоқнинг кунботар томонига келмоқда эди. Акиллаётган итлар тўдаси қишлоқдан ёвонга чиқди, бу тўда орасида оёқларини отнинг тақими-га қистириб, қамчисини у ён-бу ёнга силкитиб, итлардан ўзини қўриқлаб келаётган бир отлиқ кўринди. Итлар отлиқни ўраб олган, лекин на отга ва на отлиққа оғиз сола олмас эдилар, баъзи бир ўктамроқ ит узангига яқинлашиб, отлиқнинг оёғига оғиз солмоқчи бўлса ҳам, бошига тушган қамчи зарбидан ўзини узоққа отмоққа мажбур бўлар эди. Отлиқ қишлоқдан бир-икки таноб ер бўйи узоқлашганда, итлар сўнгги ғайратлари билан бирдан ҳужум қилдилар, жаҳли чиқиб ғазабланган от думини кўтариб ўйноқилаб чопди. Отлиқнинг тақими-га қистирилган чопонининг этаклари икки томонига ёйилди. Итларнинг қаттиқ ҳужуми, отнинг ваҳшийланиб ўйнаши отлиқ учун хавfli эди, бу ҳолатда отдан йиқилиб, итларга ем бўлиш қўрқинчи бор эди...

Бу хавfli ҳолат енгиллик билан ўтди: отнинг думига ёпишган ит қаттиқ бир тепки еб ўлим ҳолатида орқага юмалаб кетганидек, отлиқнинг чопони этагидан тишлаб олган ит ҳам, бу дафъа қамчининг сопи билан бошига урилган зарбдан бошини ерга суйкай-суйкай қочди. Натижада отнинг думидан қўпорилган беш-олти қилдан ва отлиқнинг этагидан узилган бир парча латтадан бошқа зойиот йўқ эди.

Отлиқ отини тўхтатиб ёйилиб кетган чопонининг этакларини йиғиштириб, ўзини ўнглаб олди, бодбаракнинг думидай осилиб қолган салласининг печларини яна бошига ўради, сўнг ҳужумларида шикаст еган итлар, акиллаш ўрнига, ғур-ғурлаб, мағлубона бир суратда қайтиб кетмоқда эдилар.

«—Итлар,— деди отлиқ ўз-ўзига,— худди амирнинг одамларидай, тегмасанг ҳам, сенга ёпишиб жонингдан безор қиладилар. Буларнинг кўлидан қочиб қутулиб бўлмайди, сен булардан қанча қўрқиб қочсанг, ўшанча ботирланиб ҳужум қиладилар...» Хаёл суриб кетган отлиқ отнинг жиловини ободонликдан чўл этагига бур-

ди. Энди итлар ҳам кўздан йўқолиб қишлоққа кириб, уйма-уй тарқалиб, томлардаги беда ва похоллар устига чиқиб чўзилиб тинчиган эдилар.

«—Ҳа,— деди отлиқ ўз хаёлини давом эттириб,— амир одамларининг шу итлардан фарқлари йўқ, агар фарқи бўлса шундаки, булар тўрт оёқлик бўлсалар, улар икки оёқлик итлар. Улардан қўрқсанг, қочсанг, ютқизасан, итларга от берган зарбадай қаттиқ зарба бериш керак...»

«Аmmo бу зарбани ким бера олади?...» Отлиқ ўзининг саволига жавоб топа олмас эди... «Деҳқонлар қўзгалсалар эди...»

Отлиқ ўзининг бу умидига унча ишонмас эди. «Аmmo булар динга чўмган, буларнинг маишаатига қанча гапирсанг гапира бер, булар мулланинг бир ишорати билан ўзингни парчалаб ташлайдилар. Нодонлар...»

Отлиқ ўзининг умидсизлигини бу далиллар билан маҳкамроқ қилди... «Ҳар ҳолда,— деди отлиқ ўз-ўзига,— дин ва мулла билан унча алоқалари бўлмаган жунларда бир тажриба қилиб кўриш керак...» Кейинги фикр отлиқни бир оз жасоратга келтирди. Икки қум кўмаси орасидан бораётган отлиқ отини тўхтатиб ундан тушди, от сийганда ундан узоқлашиб турди, бўшалиб бўлгандан кейин унга яқинлашиб айил ва пуштанини бошқатдан тортиб боғлади. Салласини бошидан олиб хуржунга тиқди, итлар талаб этагини йиртган устки чопонини ечиб, тахлаб эгарнинг устига ташлади. Отнинг юган тасмасини билангидан ўтказиб, ўша ерга ўтириб «ёзилди». Сўнгра ички тўни устидан белини фўта билан боғлаб, ботаётган ойга қараб йўл солди. Қоқо ёвонига тўшма-тўш келганида яна рост қўлга томон бурилиброқ — боғлар ва экинзорлардан узоқлашиброқ юра бошлади.

«—Энди,— деди отлиқ ўз-ўзига,— бу ёқлар, Урмон полвон ҳукм суриб юрган жойлар. У ёки унинг югурдаклари кўриб қолсалар, албатта тутарлар. Бу ерларда эҳтиёт бўлиб юришим керак...» Отлиқ Болоирўд қишлоғига яқинлашганида қум кўмаларни орасида қум боснидан қутулиб қолган бир боғ ёнидан чиқди. Теварагга янтоқ билан ўраб олинган боғнинг чайласи ёнидаги чуқурда, боғланган бир бияни кўрган от бирдан кишнаб юборди, от кишнаши билан бия олдидаги чуқур ёнида ётган ит акиллади. Отлиқнинг қути учди, юраги тепа бошлади. «Бу ер худди Урмон полвон кўргонининг тўш-

ма-тўши, мен юрган ер билан у даҳшатли одамнинг қўргони орасида кўп бўлса, йигирма беш ёки ўттиз танобча ер бордир» деб ўйлаб, қўрқиб кетди. Отнинг кишнаши, итнинг ҳуриши билан уйғонган боғ эгасининг хотини ухлаб ётган эрини уйғотиб:

— Туринг, отаси, қаранг, у кимдир?— деди. Кундузги ишдан чарчаб маст уйқуга толган эркак эринибгина бош кўтариб, йўловчининг ўз йўлига кетаётганини кўриб:

— Ким бўлар эди, сув ёқалаб юрган сувчилардан биридир-да,— деди, яна бошини ёстиққа қўяр-қўймас уйқуга кетди.

«Сувчи» сўзини эшитган отликда ўзи ҳақида янги бир сифат илҳомланди. Отлик ўзининг у ён-бу ёнига қарагандан кейин, «Чопоним тахланиб остимга солинган, белим устидан боғланган, бош яланг бу қиёфатим билан сувчидан нима фарқим бор?» деб ўйлади. «Агар,— деди ўз-ўзига,— эгар қошига илиниб сопи тақимимга қистирилган кетмоним ҳам бўлса ҳақиқий сувчидан ҳеч бир фарқим бўлмасди. Ҳали ҳам узоқдан кўрганлар мени сувчи деб ўйлар эканлар».

Отлик энди уни узоқдан кўриб:

— Кимдир у?— деган қўшчи ва боғбонларга қўрқмасдан:

— Сувчи!— жавобини бериб ўтиб кета берди...

Отлик тўрт теварагини қизил қум хомалари босган бир қишлоққа яқинлашганида отдан тушиб, сўлигини оғзидан чиқарди, якка жилов билан олдинги оёқларини тушовлади. Отнинг устидан чопон ва хуржунини олиб бир чеккага қўйгандан кейин, айил ва пуштанини бўшатди; қуриган шўра, шувоқларни ғарчиллатиб уза бошлаган отни ўз ҳолига қўйиб, чопонини қўлига олиб, қишлоққа қараб йўл солди. Қишлоқ жуда хароба ва кўримсиз эди. Рахналарига янтоқ ва шох босилган паст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди...

Йўловчи бир ҳовли олдига келиб бир оз ўйлаб турди. Бу ҳовлининг дарвозаси ичкаридан занжирланган бўлса ҳам, ташқари томонидан ўзи бараварида қум босган икки пахса девордан ошиб ичкарига кириш жуда осон эди. Йўловчи ҳалиги деворчадан садосиз сийрилиб ичкарига тушди. Йиқилиб кетмасин деб тиргак қўйилган бу ҳовлидаги ягона хонанинг орқасига бориб паст товуш билан:

- Қулмурод! У Қулмурод!— деб чақирди.
- Кимдир у?— бир хотин киши товуши эшитилди.
- Мен, ошна. Қулмурод ака уйдамылар?— деди йўловчи.
- Уйда йўқ.
- Қаерда?
- Тулдан кейин хўжайинларининг сурисини суриб, Тикай чўли томонига кетган... Нима ишингиз бор эди?
- Ҳеч ишим йўқ, йўлдан ўтаётиб эдим, кўришиб кетай дедим... Рўзи уйда бўлсам, билмайсизми, хола?
- У ҳам ўз хўжайинининг қўйларини ҳайдаб кетган.
- Сафарқул-чи?— деди йўловчи.
- У ҳам чўлда.
- Ҳаммалари бир чўлдами?
- Бир-бирларидан узоқда бўлмасалар керак, ҳаммалари ҳам Тикай чўли томонига кетмоқчи эдилар.
- Агар сизга малол келмаса, шу чопонининг йиртигини ямаб қўйинг, қайтишда оларман.
- Хўп, қачон қайтасиз?
- Эрта оқшомларда.
- Хайр, вақтлуроқ қайтинг-да, эркаксиз ҳовлига ҳеч танимаган биров кириб келса одам қўрқади.
- Бағишлайсиз-да, хола!— деб кеч келганидан уялган йўловчи:
- Хайр, хўш бўлмаса,— деб орқага қайтди.
- Дарвозани беркитиб қўйинг!— деди ширин уйқудан уйғотилган хотин.
- Дарвозангиз берк, мен девордан ошиб тушган эдим, яна девордан ошиб кетаман,— деб йўловчи бир ирғиб ўзини девордан ташқари олди.
- Ётоғига бориб чўзилган хотин ўз-ўзига: «хайрият, бирон қўй ёки сигиримиз йўқ-а, бўлмаса бемаҳал келган меҳмон ўрнига бирон ўғри кириб олиб кетса ҳам, хабарсиз қолар эканман» деб қувонмоқда эди.
- Девордан ошиб қум босган кўчага тушган йўловчи беш минутда ўз оти олдига етди.
- От ҳали ҳам бош кўтармасдан ўтламоқда эди. Йўловчи отнинг айил ва пуштанини қаттиқ тортди, сўлигини оғзига солди, от ўтлаб турган ердан бир танобча узоқда қолган хуржунни топиб келтириб, эгар устига ташлади ва отнинг тушовини ечгандан кейин, миниб, Тикай чўли томонига қараб йўрттирди...

Долсиз-дарахтсиз кенг чўл қизил қум тепачалари билан қопланган эди; сел ювиб кетган ёки ёзнинг қаттиқ гирдоблари ялаган тақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида гижирларди; бўйи бир қарич ўсар-ўсмас қовдек қоврилиб қолган арпахон, хардандон, ёвшон, шувоқ ва шўра каби ўтлар бу чўлнинг табиий ҳосили эдилар. Ботаётган ойнинг кул ранг нури бу бўш чўлга қайғу аралаш бир тус бермоқда эди.

Одам бўйича қазилиб теварагига майда тош ва чигил қумлари тортилиб, устидан янтоқ ва шувоқ босилган икки кенг қўрада қоракўл қўйлари ётмоқда эди. Кундузи чўлни ўн тўрт-ўн беш соат кезиб, ўтлаб-сувлаб, тўйиб чарчаган она қўйлар жим ётган бўлсалар ҳам, ёнларида ётган қўзилари ҳар замонда оналарининг эмчагига оғиз солиб, уларнинг роҳат уйқуларига халал бермоқда эди.

Қўранинг ёнидаги супадай бир баландликда ҳисор қўйидай бир ит чўзилиб ётмоқда эди; зоҳирда кўзи юмуқ бўлса ҳам, ҳақиқатда бутун тукларигача кўз-қулоқ бўлиб чўлдаги ҳар бир ҳаракатдан хабардор турар эди; узоқдаги ҳар бир юмроннинг қимирлаши ва ҳар бир сичқоннинг пиширлаши ўрнидан туриб тўрт томонга диққат билан кўз солишига сабаб бўлар эди.

Қўрадан ташқаридаги майдонда икки туя ёнма-ён чўктирилиб, тиззалари чилвир билан боғланган ва икки эшак тушовлаб қўйиб юборилган эди. Туялар олдига янтоқ ташланган ва улар игнадай ўткир тиканли бу хашакни, қари одамлар пашмак ҳолва егандай осонлик билан ютмоқда; эшаклар ҳам чўлда қуриган аччиқ шўрани, ёш болалар қанд кемиргандай завқ билан чайнамоқда эдилар.

Майдонга қурилган қора уй олдидаги супада уч чўпон ётмоқда эди; чўпонларнинг остларида бистар ўрнида туя жулидан, ёстиқ ўрнида эшак тўқими ва терликларидан, устларида йиртилиб битган коржомаларидан бошқа нарсалари бўлмаса ҳам, шойи кўрпа ва пар ёстиқда ҳуриллаб ётган қорин катта бойлардек роҳат уйқуда эдилар.

Тинч ётган ит ўрнидан ирғиб туриб кунчиқар томонга бир қаради-да, гиншиб олдинги оёқлари билан ерни бирикки тирнагандан кейин, чўпонлар ётган супа бошига келиб яна ерни тирнай бошлади. Чўпонлар унинг шунча

ҳаракатларидан уйғонмагач, супага чиқиб бошда ётган чўпоннинг устидаги коржомасини этагидан тишлаб тортди. Чўпон яна уйғонмагач, ит тирноқларини букиб чўпоннинг оёғини тирнай бошлади. Чўпон уйғониб ўрнидан туриб ўтирди. Ит супадан ирғиб тушиб кунчиқар томонга қараб бир неча қадам юрди-да, яна ғиншиб ерни бир-икки тирнагандан кейин, қайтиб келиб қўра ёнида чўнқайиб ўтириб, кунчиқар томонга диққат билан қараб турди.

Уйқудан турган чўпон нос чеккандан кейин коржомасини бошига илиб супадан тушиб ит кўрсатган томонга қаради, кенг чўлда ҳеч нарса кўринмас эди. Чўпон теваарак-атрофни бир айланиб яна супага қайтмоқчи бўлганда, ит яна ғиншиб ўрнидан турди ва кунчиқар томонга юриб бориб, ерни бир-икки тирнагандан кейин, яна чўпоннинг олдига қайтиб келиб думини ликиллатди, сўнгра ўрнига бориб кунчиқар томонга кўз тикиб ўтирди.

Чўпон итнинг кейинги ҳаракатидан жиддийроқ бир нарса борлигини англагач, тақир ерга ётиб қулоғини ерга қўйиб бир оз тинглагандан кейин ўрнидан турди ва ўз-ўзига «бир отлиқ келаётганга ўхшайди» деди ва қайтиб супага келиб ўрнига ўтирди.

Чўпон чеккан носни ҳали ташлаганча йўқ эдики, ойнанинг хира нури остида кунчиқар томондан бир қора кўринди. Ит жуда безовта бўлиб қолди ва минут сайин қора кўринган томонга бориб ер тирнагандан кейин, қайтиб ўз ўрнига келиб ўтирар эди. Қора яқинлашгач, отлиқ эканлиги аниқ кўринди, ит ҳам ер тирнаб қопа бошлади. Итнинг товушини эшитиб, унинг эшакдай гавдасини кўрган отлиқ, отини тўхтатиб:

— Уй, яхши йигит, итингизни ушланг!— деди.

— Қелаверинг, қопмайди,— дегач, чўпон итга қараб:— Жим ёт!— деди.

Ит чўпон билан келувчи орасида бўлган гаплардан ва чўпоннинг «жим ёт» деган буйруғидан унинг зарарсиз бир киши эканлигини сезиб тинчланди, аммо ҳали ҳам отлиққа диққат билан қараб турмоқда эди.

— Хабардор бўлинг, яхши йигит, итингиз таламасин,— деб отлиқ кўрқа-кўрқа олдин юрди. Чўпон бу меҳмоннинг кимлигини билиш учун супадан тушиб, уни қарши олди ва саломлашиб кўришаман деяётганида бирдан:

— Э, Шокир акам-ку?— деб юборди.

Чўпонни кўрган отлиқ ҳам:

— Қулмуродмисан, э фалокат-э, сени ахтариб жуда ҳам овора бўлдим,— деди.

Чўпон унинг отини қозиққа боғлади ва от устидаги хуржунни олиб, меҳмонни супага бошлаб келди. Бошқа чўпонлар ҳали ҳам уйқуда эдилар.

Қулмурод аталган чўпон сўз бошлади:

— Қани, Шокир ака, нима гап, сизни бу томонларга қандай шамол учирди?— деди.

— Ҳеч гап йўқ,— деди меҳмон,— хотиржамлик, сени бир кўрай деб ҳовлингга бориб эдим, йўқ экансан, чўлда дедилар. Шунча йўлни кезиб келгандан кейин озгина қолган йўлдан эриниб қайтишни эп кўрмадим ва чўлга қараб жўнадим.

— Хуш келибсиз,— деди чўпон,— тонг яқинлашган, мен уйқудан тўйган ҳисоб, агар чарчаган бўлмасангиз гаплашиб ўтирамыз, агар ётмоқчи бўлсангиз, жой солиб берай.

— Мен ҳам чарчаган, ҳам бедорхоб, шундай бўлса ҳам уйқу элтиши маълум эмас, ҳар ҳолда бир оз ёзилсам зарар қилмас.

— Лекин,— деди чўпон,— бизда сизбоп тўшак йўқ, агар битдан, канадан қўрқмасангиз, менинг ўрнимга чўзила қолинг; агар озодароқ ётаман десангиз, ўз чопонингизни тагингизга ёяман, хуржунни ёстиқ қиласиз-да, ёта бевасиз.

— Майли, шундай чўзиламан,— деб меҳмон хуржунини боши остига қўйиб чўзилди.

— Чопонингиз қани?— деб у ён-бу ёнига кўз солди чўпон.

— Чопонни сўрама,— деди меҳмон,— йўлда ит таладди, чопон йиртилди, ямаб қўйиш учун уйингда қолдириб келдим.

— Ҳа, ҳа,— деди чўпон,— шунинг учун ҳам итдан шунча қўрққан экансиз-да, лекин чўпон ити қишлоқ итидай эмас, қишлоқ итлари ўтгай-кетганга ёпиша беради; аммо чўпон итининг йўловчига, меҳмонга иши йўқ, ким бўлса бўлсин, ўғрини талайди. Лекин ўзига топширилган рамани бўридан ва ўғридан жонидан яхшироқ қўриқлайди.

— Жуда яхши экан, амир одамларидан минг марта авло.

— Хўш, бу ерда амир одамларининг нима дахли бор?— деб ажабланди Қулмурод.

— Жуда катта дахли бор,— деди чўпон томонидан «Шокир ака» дейилган меҳмон.

— Қандай?

— Йўлда мени итлар талаганда, уларни амир одамларига ўхшатган эдим, чунки амир одамлари ҳам у итлардек ҳар бир кишига ёпиша берадилар. Молият, хирож, ҳашар, боқи ва бошқа бало-баттарлар устида булардан, хусусан Ўрмон полвондан озмунча жабру жафолар чекдингизларми? Сизлар бу ерда Ўрмон полвон, Ҳайит амин, Бозор амин ва бошқалардан қандай азоблар чеккан бўлсанглар, мен Қўзи амин, Сафар амин, Жалололдин оқсоқол ва бошқалардан ундан ортиқроқ жафо чекмоқдаман. Айниқса, бу қадим, жадид жанжаллари чиққандан бери-ку, менга «жадид»лик лақабини тақиб, ўлдирмоқчи бўлиб юрибдилар.

— Дарвоқе, Шокир ака,— деди Қулмурод,— шу жадид, қадим жанжали деб аталган ғалвалар ниманинг устида, ўзи нима гап?

— Буни сенга қандай қилиб тушунтирай,— деди Шокир,— Бухорода бир тўп ёшлар чиқиб, эски мактаблар ўрнига янги мактаблар очилсин, мадраса ҳужраларининг олди-соттиси йўқотилсин, мадрасаларда ўқиш тартиби ислоҳ қилинсин, ерлар Самарқанд ва Тошкент ерларидай ўлпон бўлсин, мамлакатнинг харжу дахли ҳисобга олинсин ва шунга ўхшаш нарсаларни талаб қилганлар; муллалар, сипоҳлар, амир ва унинг одамлари бу талабларга қарши чиққанлар. Мана шу орада бўлган жанжални жадид, қадим жанжали дейдилар.

— Сизнингча, қайсиларининг гаплари маъқул.

— Албатта жадидларнинг гаплари маъқул, чунки буларнинг талаблари халқ манфаатига мос келади.

— Тушунмайман,— деди бошини қимирлата-қимирлата Қулмурод.

— Нега тушунмайсан? Бунда тушунмайдиган бирон нарса йўқ-ку.

— Ҳалиги талабларни сиз халқ манфаатига мос келади дедингиз, энди мен битта-битта сўрай.

— Сўра!

— Эски мактаб ўрнига янги мактаб бўлишининг халқ учун нима фойдаси бор?

— Эски мактабда ўн йил ўқиган юз одамдан ўнтаси ё саводли бўлар, ё бўлмас эди. Аммо янги мактабда ўқиган болаларнинг ҳаммаси олти ойда саводли бўлади.

— Жуда яхши!— деди Қулмурад,— энди айтинг-чи, янги мактабларда ҳар кишининг боласи ўқий оладими, ёки эски мактаблардаги каби пайшанба нони, озодлик пули ва ҳалвойи каби харажатларни тўлай оладиган, ўзига тинч кишиларнинг болаларигина ўқийдими?

— Янги мактабларда пайшанба нони, озодлик пули ва ҳалвойи каби эски одатлар бўлмайди, буларнинг ҳаммаси ўрнига ойда муайян бир ойлик — уч сўмдан беш-ўн сўмгача ҳар киши ўз ҳолига кўра пул бериб боласини ўқитади.

— Энг ози — уч сўмни беролмайдиган одамларнинг болалари нима бўлади?

— Бирор тараққийпарвар бой ёрдам қилса, камбағал одамнинг боласи ҳам ўқийди.

— Иш бойларнинг ёрдамига қараб қолса, «камбағалларнинг болалари ўқий олмайди» денг-қўйинг!— деди Қулмурад кулимсираб.

— Ўзига тинч одамларнинг болалари осонлик билан хат-саводли бўлса, юртда мулла ва доно кишилар кўпайса, оз манфаатми?

— Муллаларни кўпайтириб нима қиласиз? Шу озгина муллалар ҳам жонга тегаётибдилар-ку!

— Сен тушунмайсан!— деди мунозарада енгилган Шокир зардаланиб.

— Мен бошда «тушунмайман» деб эдим, бироқ сиз «тушунмайдиган бир нарса йўқ» деган эдингиз. Афсуски, мен айтганча бўлди, мен тушунмадим, ёки сиз тушунтира олмадингиз,— деди Қулмурад кулимсираб ва бир оз жим тургандап кейин яна сўзга киришди:

— Келинг, мен тушунмайдиган мактаб, мадраса масаласини бир ёққа қўя турайлик. Жаҳидларнинг талабларидан бири бўлган ерларнинг ўлпон бўлишидан халққа нима фойда?— деди Қулмурад.

— Ахир, шуни ҳам тушунмайсанми? Ҳозир «тахминан тўрт таноб, тахминан ўн ботмон»деб амлоқдорлар молният вақтида озмунча деҳқонларнинг бошига сув қуймадиларми? Ўлпон бўлса, халқ шу балолардан қутулиб, ҳар йил подшоҳликка қанча солиқ беришни олдиндан билиб, шунга қараб иш қилади.

— Бу гапингиз тузук,— деди Қулмурад,— бу иш ери бор одамлар учун бефойда эмас, аммо биз учун қандай фойдаси бор?

— «Биз» деб кимни айтасан?— деб сўради Шокир кулимсираб мунозарада голиб келганлар вазиятида.

— «Биз» деб,— деди Қулмурад,— ҳар бир қишлоқнинг ярмидан кўпи бўлган ерсиз-сувсиз, молсиз етим-есирларни, ўзим каби оёқяланг деҳқон ва чўпонларни айтаман. Ахир, булар халқнинг кўпчилиги бўлганлари ҳолда «халқ»га кирмайдиларми? Мана шу ерсизларга ўлпоннинг фойдасини айтиб берсангиз, мен ҳам сиз каби жадидларни ёқлаб чиқаман.

Қулмураднинг бу сўзига жавоб тополмаган Шокир, бир нав қилиб бу тузоқдан қутулмоқчи бўлиб:

— Мен чарчаганман, бир чўзилиб дамимни олгандан кейин сен билан яна гапиришаман,— деди.

Тонг ота бошлади, ухлаб ётган чўпонлардан бири уйғонди; ёзилиб ётиб Қулмурад билан сўйлашаётган бегона одамга бир қарагандан кейин ҳали уйғонмаган бир чўпонни:

— Юсуф, Юсуф, тур!— деб турта-турта уйғотди, ўн икки-ўн уч ёшларда бўлган бу бола ўрнидан туриб ўтиргандан кейин ҳам уйқусираб:

— Энди суғорамизми?— деди.

Бунинг сўзидан Қулмурад билан бир чўпон хохолашиб кула бошладилар. Буларнинг кулгисидан кўзини уқалаб-уқалаб, Юсуф дейилган халиги бола энди дуруст уйғонди. Уйғонган икки чўпон бола биргалашиб нарёққа кетдилар.

Уқи тошга тегиб, сўз тополмаган Шокир Қулмурадга:

— Энди уйқунинг мазаси бўлмайди, чойжўшингни қайнатиб бир чой дамласанг-чи,— деди.

— Чойжўш борку-я,— деди Қулмурад,— лекин чой билан чойнак-пиёламиз йўқ.

— Зарари йўқ,— деди Шокир,— менинг чойим бор, чойжўш қайнагандан кейин, ичига барг чой солиб, косага қуйиб ича берамиз.

Қулмурад ўрнидан туриб, чойжўшни ўчоққа осиб, олов ёқди. Гуриллаб ёна бошлаган қуруқ янтоқ ва ёвшонларнинг алангаси чойжўшни қоплаб олиб кул бўлган учқунларини унинг ичига тўкмоқда эди.

Ёнбошлаб алангага қараб ётган Шокир хаёлга чўмгани ҳолда ўз-ўзига «булар нодон демадимми, нодонлардан бир иш чиқмас» дер эди.

Қулмурад чойжўшни оловга оскандан кейин қора уй-

га кириб бир оз сув ва сут қўйиб, устига халтадаги ундан тўрт-беш ҳовуч солиб йўғира бошлади.

Қўл-бетларини ювиб келган чўпон болаларни кўриб, Қулмурад уларнинг бирини:

— Комил!— деб чақирди.

— Ҳа, нима дейсиз?— деб қора уй эшиги остига келган Комилга Қулмурад:

— Сен қум устига олов ёқиб кўпроқ ўтин ташла, хамир етилгунча қизисин. Юсуф чойжўш остига янтоқ тикиб унга қарасинки, тезроқ қайнасин,— деди.

Ун беш-ўн олти яшар Комил аталган чўпон бола кул аралаш тўда қилиб қўйилган қум ва чиғил устига бир неча бош ёвшон ва шувоқни босиб, ёндириб юборди. Юсуф бўлса туябарг ва тиканлар ёйилган янтоқнинг чўпчакларини чойжўш остига тика берди.

«Нодон» чўпонларга сўз тушунтиришдан умидсизланиб хаёлга чўмган Шокир, кунчиқар томонда эрта шафақи пайдо бўлганини кўргач, эринибгина ўрнидан туриб отнинг олдига борди. Ағанаб эгарини ағдарган отнинг устини очиб, уни жағаллиқ ва ёлпўш билан ёпиб айил тортди. Эгарни олиб келиб супа олдига қўйгандан кейин, чўян обдастадан қўл-бетини ювиб, белига боғланган фўтасининг учи билан артди. Сўнгра супага чиқиб, хуржунини ёйиб, устида ўтирди ва ўз-ўзига «нодонлар» деб хаёлга чўмди...

V

Офтоб чиқиб кенг чўлни яйратган эди; қўрадаги қўйлар уйқудан туриб, маърашиб, ўтловга чиқиш учун интилаётган бўлсалар ҳам, кеча қоровуллигида ўз навбатини яхши ўтаган ит бошини икки оёғи орасига олиб пишпилаб ухламоқда эди.

Супада дастурхон ўрнига ёйилган бир парча латта устидаги, қизғин қум ва чиғил остидан янгигина келтирилган тўрт дона иссиқ кўмач иштаҳаларни ўзига тортар эди. Иссиқ понни кўриб, очиққан Шокирнинг оғиз суви оқаётган бўлса ҳам, чойжўшдаги кўк чойни ҳар замонда бир қайтариб, уй эгаларининг дастурхон бошига келиб пон синдиришларини кутмоқда эди.

Қулмурад билан Комил қўйлардан соғилган сутларни келтириб қора уйга киргизиб қўйдилар. Қулмурад дас-

турхон бошига келди. Комил бир чеккада турган ит ялогини келтириб, унга яримта кўмачни тўғраб, устига бир косача сут қуйиб, яна жойига элтиб қўйгандан кейин, у ҳам дастурхон бошига келиб ўтирди.

Қулмурад кўмачни тўғраб меҳмонни нон ейишга ундади. Шокир олдидаги совий бошлаган чойжўшдан косага чой қуйиб бир ҳўллаб лабини буриштириб нонга қўл узатди-да:

— Чойга туз солдингларми?— деб сўради Қулмураддан.

— Йўқ, ўзининг тузи,— деди Қулмурад.

— Чойнинг тузи бор эканми?— деб таажжубланди Шокир.

— Бизнинг бу чўлдаги қудуқларнинг суви шўр.— деди Қулмурад,— ҳали униси хайрли, сувни ўзимиздан ярим тош наридаги қудуқдан ташиймиз, аммо ўз қўрамиздаги қудуқнинг сувини сира огизга олиб бўлмайди.

Қулмурад Юсуфнинг кўзани келтириб ўчоқ бошига қўйганини кўриб:

— Ичиш учун шу сувни бу бола ўша узоқдаги қудуқдан келтирди,— деди ва болага қараб,— нонга кел, Юсуф!— деб чақирди.

Энди дастурхон бошида ҳамма ҳозир бўлган эди. Шокирдан бўлак ҳаммалари нонни иштаҳа билан емоқда ва навбат билан косада берилаётган чойни ичмоқда эдилар.

Шокир бўлса қўлига олган бир бурда нонни титиб, ичидаги нималарнидир териб ташлаб, оғзига солди ва жирканиб чайнагани ҳолда:

— Нонларингиз ичида нега сомон кўп?— деди.

— Сомон эмас, арпа унининг кепаги, қилтиғи,— деди Қулмурад.

— Нега эламасдан пиширасизлар?

— Хўжайин шундай буюрган,— деди Қулмурад,— арпа унини эласанг ярмиси кепакка чиқади,— дейди.

— Хўжайиннинг ўзи ҳам шу нондан ейдимми?— сўради Шокир.

— Йўқ, ҳар келганида ўзи учун уйдан буғдой нонни келтиради.

Синдирилган кўмач ейилиб битди. Қулмурад иккинчи кўмачни олиб ушатиб ташлади, супрада тўкилган нон ушоқларини бармоғининг учи билан босиб олиб оғзига сола берди.

— Пичоқ билан тўғрасанг бўлмайдимми?— деди Қулмуродга Шокир,— нон эзилиб кетмайди, озодагина тўғралади.

— Билмасам?— деди Қулмурод,— нонни пичоқ билан кесишни увол дейдилар-ку.

— Увол-мувол бўлмайди,— деди Шокир,— бу гап муллалар чиқарган сафсата. Жаидлар мана шунақа сафсата гапларга қарши, нонни пичоқ билан тўграшнинг ҳеч бир зарари йўқ дейдилар.

— Ҳар ҳолда,— деди Қулмурод,— бунақа жанжалларнинг халқ учун фойдаси йўқ. Нон бўлса-чи, оч қолган одам уни қўл билан ҳам синдириб ея беради, пичоқнинг ҳеч бир кераги йўқ!

«— Бу нодонларга сира гап тушунтириб бўлмайди»,— деб ўйлади Шокир ва хаёлга чўмган бошини орқага айлантирганда ҳали ҳам ўз ўрнида ётган итни кўриб, сўзни бошқа томонга буриш учун:

— Бу ит овқат қилмайдимми?— деб сўради.

— Овқат қилади, лекин чақирмасдан туриб овқат бошига бормайди,— деган Қулмурод итга қараб:

— Холдор, Холдор! Бориб овқатингни е!— деди.

Эринибгина бошини уйқудан кўтарган ит ўрнидан туриб чўзилиб бир эснагандан кейин, супа бошига қараб думини бир ликиллатди-да, секин-секин «виқор» билан ялоқ бошига бориб, ичидаги овқатни бир искади, сўнгра ошиқмасдан ея бошлади.

— Итингнинг оти ўз тусига муносиб эканку-я,— деди Қулмуродга Шокир,— эсизки, қушбегининг ўғли билан отдош экан-да.

— Қандай?

— Янги қушбеги мирзойи Урганжий ўғилларидан бирининг оти ҳам «Холдор» бегижон.

— Хайр, отдош бўлса нима?

— Шундай ақлли итнинг амирнинг номуссиз одамларидан бири билан отдош бўлиши муносиб эмас-да.

— Сиз,— деди Қулмурод кулимсираб,— амир одамларига жуда ҳам ўчакишиб қолибсиз-да, Шокир ака.

— Учакишмасдан илож ҳам йўқ-да,— деди Шокир газабланиброқ,— булар жабру жафо билан халқнинг уйини куйдирдилар, ёндирдилар, дунёни фисқу фасод билан тўлдирдилар. Бу ишлари етарли бўлмагандай, ўзларига қаттиқ тегмаган мен каби одамларни ҳам «жаид» деб дунёдан йўқотмоқчилар.

— Жабру зулм, фиску фасод қиладиганлар Ёлғиз амир ва унинг одамлари эмас-ку,— деди Қулмурод ва ўз сўзини қувватлаш йўлида давом этди,— чунончи, бизнинг хўжайин, мени шу ўн-ўн беш йил орасида ўз қишлоғидаги йигирма-ўттиз деҳқонни тўй, аза, жанжал, хархаша устида ҳийла билан кўп чиқим қилдириб қарздор қилиб, аста-аста уларнинг бутун ер-сувларини ўз қўлига киргизиб олиб, ўзларини ўзинга етим, чорикор ва мардикор қилиб олди. Биз бўлсак «мана ҳолимиз шу», — деб, ўзининг ва чўпон болаларнинг йиртилган ва кирга ботиб тусини йўқотган энгил-бошларини кўрсатди ва яна давом этди:

— Қиш демай, ёз демай, қор демай, бўрон демай, йил-ўн икки ой чўлда қўйнинг орқасида юрамиз, ҳар йил хўжайин тери сотиб, уйига хуржунлаб тилла-танга ташийди. Аммо бизнинг кийимимиз шу, еганимиз эланмаган арпа уни. Хўжайиннинг фиску фасоди бўлса сонсиз-саноқсиз; Пайқовоқ, Мавлонобод ва Симларни томоша қилиш учун ҳар йил неча марта Самарқанд ва Фарғонага бориб келади. Еши эллиқдан ошиб, тўртта никоҳлик хотини бўлгани ҳолда, яқинда ўз эшигида юрган етимнинг хотинига ёпишиб сири очилган эди. «Бой беобрў бўлмасин» деб қишлоқ катталари бостибости қилиб юбордилар.

— Мен,— деди Шокир,— мунақа бойларни яхши одамлар демадим-ку. Лекин агар амир ва унинг одамлари яхши бўлсалар, булар ҳам яхши бўлар эдилар. «Халқ подшоҳнинг динида бўлади» деганлар эски китобларда. Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қўл остидаги бой, мулла, арбоб ва оқсоқоллар ҳам одил бўладилар; агар подшоҳ золим бўлса, булар ҳам золим бўладилар. Шунинг учун фурсат топилгунча ҳаммадан бурун амирга қарши сўйлаш, унга қарши кўтарилиш, уни ва унинг одамларини тузатиш керак, унда ҳамма бузуқлар тузалиб кетади.

— Мен,— деди Қулмурод,— ўқимаган бир кишиман, китоб-митобларингизни билмайман, лекин ўзимнинг қисқа ақлим билан бошқача ўйлайман...

— Қандай ўйлайсан?— сўради Шокир.

— Мен ўйлайманки, «яхши гўшт — яхши шўрва, яхши сут — яхши қаймоқ» деганлар. Агар яхши гўштни қайнатсангиз, шўрваси мазали бўлади, яхши сутнинг қаймоғи сермой бўлади. Аммо ёмон гўштни шўрваси

ва ёмон сутнинг қаймоғи ҳам ўзига яраша бўлади. Қисқаси, «эшакка яраша тушови» демакдир. Амир ва унинг одамлари ҳам шу бой, арбоб, оқсоқол ва катталарнинг кўтариб чиқарган нарсалари. Мана шунинг учун, агар қўлингиздан келса, аввал шуларни тузатиш, ёки йўқотиш керак.

Бу мунозарада ҳам мулзам бўлган Шокир сўзни бошқа ёққа бурмоқчи ва ўзига бошқа — «қобилроқ» эшитувчилар топмоқчи бўлиб:

— Қулмурод, бу гапларни қўй,— деди,— Рўзи билан Сафарқуллар ҳам сизларга яқинроқ ердаларми?

— Уларга нима демоқчи эдингиз?

— Агар жойлари яқин бўлса, бориб улар билан ҳам кўришмоқчи эдим.

— Улар бу ерга яқин, лекин сизнинг боришингиз керак эмас, эҳтимол сиз боргунча улар молларини ҳайдаб ўтловга кетсалар, ҳозир бизнинг болалар қўйларни ўтловга чиқарадилар ва ўша ерда уларни учратиб айтиб юборадилар.

— Дуруст,— дегани ҳолда белини икки қўли билан тутиб бир эснади Шокир.

— Энди сиз бир оз чўзилинг,— деди Қулмурод унга.

— Бўлади,— деб маъқуллади Шокир.

Дастурхон йиғиштирилди. Комил билан Юсуф туяларнинг бири устига қовға ва арқонни ортиб, уларни йўлга солдилар. Эшакнинг бирисини тўқимлаб устига нон, сув идиши ва битта коса солинган хуржинни ортдилар. Қўйларни қўрадан чиқариб ҳалиги ҳайвонлар билан бирга ўтловга ҳайдаб, ўзлари узун ва эгри таёқларни олиб сурунинг орқасидан тушдилар.

Овқат егандан кейин яна ухлаб ётган ит ҳам ўрнидан туриб, ерни тирнаб бир чўзилди-да, у ҳам сурунинг орқасидан тушди.

— Сизларни ўлдирмаган бит ва каналар мени ҳам ўлдирмас,— дегани ҳолда хуржунни боши остига қўйиб, туя жули устига чўзилди Шокир.

Узоқлаша бошлаган Комил билан Юсуфга баланд товуш билан:

— Рўзи билан Сафарқулни айтиб юборинглар,— деган ҳолда Қулмурод қўлидаги катта қозонни ўчоқ устига қўйди. Сўнгра қора уй ичига кириб у ердаги сут тўлдирилган уч корсонни битта-битта чиқариб қозонга бўшатди-да, қозон остига янтоқ тикиб, чойжўш қайна-

тишдан қолган оловни пуфлаб ёндириб юборди. Алангаланиб кетган ўчоққа яна бир боғ янтоқ тикқандан кейин, қора уйдан гуппини чиқариб уни супа олдига қурди. Қора уйдан қипчадаги қатиқларни чиқариб гуппига қуйиб чола бошлади.

— Қўйларингиз яхши сут берадимми?— деб сўради Шокир чўзилиб ётгани ҳолда.

— Яхши сут бериш қайда, кўписи сутини қуритиб юборди.

— Нега?

— Бу қиш ёнгарлик оз бўлди, баҳорда бўлса гўё сира ёмғир ёрмади, чўлда ўт оз бўлди, бўлгани ҳам қуриб кетди. Шунинг учун қўйлар ориқлаб қолди. Болаликлари сутлари билан қўзиларини ҳам етилтира олмасдан сутларини қуритдилар. Боласи тери учун сўйилган қўйларнинг кўпи ҳам сутини қуритди. Қуритмаганларини-да, ҳайдовда она сутидан ялчимаган қўзилар эмади. Кечалари қўзилардан ажратиб қўрага қамалган боласиз қўйлардан ҳар эрта икки-уч қипча сут соғамиз, холос.

— Ҳар ҳолда ўзларингизга етар экан-да.

— «Ўзларингиз» деб кимларни айтасиз?

— Сен, Комил ва у... отини Юсуф дедингми, бола-да.

— Ҳа, хўжайин қўйса етар эди.

— Қўймайдими?

— Албатта.

— Нима дейди?

— Шу эрта,— деди Қулмурод, бир оҳ тортгандан кейин,— сизни бир оз мазалироқ нон билан меҳмон қилмоқчи бўлиб кўмач хамирига бир коса сут қўшдим. Ҳафтада бир ёки икки бор пиширадиганимиз гўжа ошига ҳам бир косадан қатиқ қўшамиз. Эрта-кеч бир косадан икки коса сутни итга берамиз. Чунки у сутли нон емаса аразлайди. Қолган сутни увитиб гуппи чолиб, айронини ҳам сузма халтага солиб, сузма қилиб, мойини мой, сузмасини сузма, қуртини қурт ҳолида хўжайинга топшираамиз...

Гуппига сув қуйиш учун бошини кўтарган Қулмуроднинг кўзи Шокирга тушиб, кўзи юмилганини кўргач:

— Эшитяпсизми, Шокир ака?— деди.

Бурни билан бир нафас тортган Шокир кўзини очмасдан:

— Гапира бер, қулоғим сенда,— деб жавоб қайтарди.

— Хўжайин бўлса, ҳалқумимизни қуритиб, шунча меҳнат қилиб, ҳаммасини унга топширсак ҳам, яна биздан рози эмас. Ҳафтада бир келганида узун кун шу сут, қатиқ, ёғ, қурт устида жанжал чиқариб жондан безор қилади. Бу йилнинг қуруқчилигини, қўйларнинг ориқлигини ҳисобга олмасдан, «бултур мунча ёғ, мунча қурт, мунча чакка бўлган эди, бу йил нега оз, сиз очкўзлар еган билан тўймайсизлар, фалон қиласиз, пистовон қиласиз» деб тентакланиб кетади...

Гуппи чўпнинг қатиққа урилиб чиқарган мусиқадай садоси ва Қулмуроднинг «матал»дек бўлиб эшитилаётган дард-аламли ҳикояси остида, Шокир алла қачонлар уйқу дарёсида фарқ бўлган эди...

VI

Офтоб қизиши билан терлаб уйқудан уйғонган Шокир, қора уй соясида ўтирган Қулмуроднинг ўзи билан бўлган суҳбатларни Рўзи ва Сафарқулларга кулимсираб ҳикоя қилаётганини эшитди.

Қулмуроднинг ўзидан қулишини сезиб, Шокир кўнглида уни «аҳмоқ», «нодон» деган бўлса ҳам, ўзини билмасликка солди ва офтобга қараб:

— Уч соатча ухлаб қолган бўлсам керак-а,— деб ўрнидан туриб янги келган чўпонлар билан саломлашди ва кўзини уқалаб супадан тушиб, ўзи билан кўришмоқчи бўлиб тикка турган чўпонларга қараб:

— Ҳозир,— деб ўчоқ бошидаги чўян обдастан қўл-бетини ювди ва белбоғи билан артини келиб, ҳали ҳам тикка турган чўпонлар билан:

— Қалайсан, Рўзи, соғ-саломатмисан? Сен қалайсан, Сафарқул, бола-чақаларинг омонми?— деб кўришди.

— Шукур,— деган чўпонлар, навбат билан ундан:

— Узингиздан сўрасак?— деб ҳол-аҳвол сўрадилар.

— Худога шукур, тупроқдан ташқари юрибман,— деди Шокир жавобда.

Шокир учун тўшаклик хизматини бажарган туя жулини офтобдан олиб қора уй соясига ёзган Қулмурод, ўз меҳмонларини:

— Қани, бу ерга, сояга ўтиб ўтиришлар,— деб «палос» устига чақирди.

Шокир жулнинг бош томонига ўтиб ўтирди; Рўзи билан Сафарқул бир тиззаларини букиб, иккинчисини тиклаб ерда ўтирдилар. Шокирнинг:

— Юқорироққа, жул устига ўтиринглар,— деган сўзига, Рўзиқул:

— Одам тупроқдан тўраган, тупроқда ўтиришининг нима зарари бор,— деб жавоб қайтарди.

— Ундай бўлса,— деди Шокир,— мен туя жулидан тўраган эканман-да, унинг устида ўтирибман?

— Сиз меҳмон,— деди Сафарқул,— «меҳмон — отангдан улуғ» деганлар, сизни «палос»га ўтқазиб сиз учун бир ҳурмат, меҳмонлигинингизнинг ҳурмати.

— Ундай бўлса,— деди кулимсираб Шокир, ўчоқ бошида гўжа оши пишириш учун сув тўлдирилган қозон остига олов ёқиб, бир коса жўхорини ювиб унга солаётган Қулмуродга қараб,— раҳмат сенга, мени ҳурматлаган экансан!

— Раҳмат сизга,— деди ўчоққа янтоқ тикаётган Қулмурод жиддийроқ бир оҳанг билан,— қадрдонларни, қариндошларни сўроқлаб келганингиз учун!

— Лекин,— деди Шокир ҳазил оҳанги билан,— ухлаган вақтимда бит ва каналаринг ҳам мени яхшигина «сийлаб ҳурмат» қилган эканлар. Аъзойи баданим кичиётир.

— Бағишлайсиз, Шокир ака, мен буни бошда сизга айтган эдим, аммо сиз «сенларни ўлдирмаган битлар, мени ҳам ўлдирмас» деб ўз ихтиёрингиз билан бу ҳурматни қабул қилдингиз,— деди Қулмурод ва қўшимча қилиб айтди,— энди билган бўлсангиз керак, бу жониворлар бизни ўлдирган бўлмасалар ҳам, ўлимдан баттарроқ ҳолга солган эканлар.

Шокир бармоқлари билан қалин соқоли тубларини қашиб у ердан бир жониворни тутиб олиб, унга қаради-да:

— Яна бирисини тутдим,— деб бир томонга отиб юборди.

Шокир соқолини қашиётганда унга диққат билан қараб турган Рўзи сўзга киришиб:

— Шокир ака, қариб қолибсиз-а, соқолингизга оқ тушибди,— деди.

Шокир кунжут донасига ўхшаган доғли оқчил юзини қонлаб олган қалин ва узун соқолини тутамлаб ўз бурни олдига келтириб қарагандан кейин:

— Еши элликдан ошган одамнинг соқолига оқ тушмайдами? Ҳали ҳам мен «қора қари» эканман, соқолимнинг оқидан қора туклари кўпроқ,— деди ва Рўзига қараб ундан сўради:

— Ўзинг неча ёшга кирдингки, соқолингга оқ тушибди?

— Қирқ беш ёшга кирдим, бироқ мени умр қаритмади, соқолимни ярим тўқ, ярим оч ҳолда қишин-ёзин қилаётганим қора меҳнат оқартирди,— деди Рўзи.

— Мен йигирма саккиз ёшга кирдим,— деди Сафарқул, сийракланиб қолган соқолини тутамлаб,— агар ўз ҳолича қўйсам соқолимнинг қорасидан оқи кўпроқ бўлар эди, лекин келинингизнинг кўнглини кўтариш учун оқарган тукларни териб ташлайман.

— Соқолингнинг оқ тукларини эмас, келиннинг туксиз оқ юзидан қизгин бўсалар териб ола берсанг кўнгли яна ҳам яхшироқ кўтарилади,— деган Қулмурад ҳаммани кулдирди-да, эскириб, пилталари чиққан қалпоғини қўлига олиб сочлари бутунлай тўкилган бошини одамларга кўрсатиб, давом этди:

— Мен энди йигирма олти ёшга қадам босдим, сочим оқаргангина эмас, балки оқариб тўкилди. Шундай бўлса ҳам йигирма яшар хотинчам олдига тап тортмай бора бераман. Чунки менинг қизгин ўпишларим унинг кўзларини қизартириб соч, соқолимдан юмдиради.

Сафарқул унга жавоб берди:

— Хайриятки, сочинг оқаргандан кейин тўкилиб кўзга кўринмайдиган бўлибди, бўлмаса, сен ҳам бошингдаги оқ тукларни узиб олишга мажбур бўлар эдинг. Соч тукларини узиб олиш соқол тукларини юлиб олишдан қийинроқ.

— Сен қачон уйландинг?— деб сўради Шокир Сафарқулдан.

— Бир йилча бўлди!

— Қаердан уйландинг, кимни олдинг?— сўради яна Шокир.

— Э, сўраманг,— деган Сафарқул, уйланиш воқеасини айтиб беришга киришди:

— Мен ўн беш яшар эдим. Хўжайин менга «ўн йил хизматимни қил, сени уйлаптираман», деди. Мен ўн йил ишлаб йигирма бешга кирдим, бироқ бой ваъдасига вафо қилмади. Мен кетмоқчи бўлганимда, арбоб-оқсоқолларни орага қўйиб, яна ўн йил хизмат қилиш шар-

ти билан, менга ўз сақландисини унашиб қўйди, ахир, бултур никоҳлаб берди.

— Сақландиси кимнинг қизи эди?— сўради Шокир.

— У ҳам мендай бир оёқ ялангнинг қизи. Бой бундан ўн йил бурун, қимматчилик вақтида, уни ота-онасидаан бир пуд жўхорига сотиб олган эди.

— Уни қаерга жойлаштирдиги? Фуломон кўчасидаги отанг қурган кулба-куфочанглар бузилиб қум остида қолиб кетган эди,— деди Шокир.

— Эҳ,— деди Сафарқул,— ҳали ҳам у бойнинг уйида, мол боқиш, сигир соғиш, нон-ош пишириш ва кир ювиш каби уй ишлари билан овора, мен бўлсам қишин-ёзин, йил-ўн икки ой чўлда. У хотиним бўлса ҳам, уни мен уч ё тўрт ойда бир марта кўриб, бир кеча сомонхонада бирга ётамиз, холос! Уйда бундан кўпроқ туришга хўжайин рухсат бермайди.

— Тўғриси,— деди Қулмурод,— биз озод бўлган қулларнинг авлоди бўлсак ҳам, ҳолимиз, сотиб олинган ва қулликда умр кечирган ота-боболаримизнинг ҳолларидан фарқ қилмайди. Эргаш акамнинг айтишича, у вақтларда қул эгалари «хоназод» қуллар тўратиш учун чўрилари билан қулларини уйлантирар эканлар, лекин кўчқорини совлиққа қўшган каби уларга йилда бир ё икки марта бирга ётишдан ортиққа рухсат бермас эканлар, чунки, уларча, хотинга кўпроқ яқинлашадиган эркакнинг иш кучи сусаяр эмиш?! Ҳали ҳам шу ҳол давом этади ва шунинг учун бой Сафарни ўз хотини олдига ортиқча боришга рухсат бермайди: «унинг куч-қуввати озаймасин» дейди.

Хотини тўғрисида бўлган гап-сўзларнинг таъсири билан бўлса керак, Сафарқулнинг соғиниш ҳисси қўзғалиб, аҳволида қандайдир ўзгариш юз берди. Бу ҳолни кўздан қочирмаган Шокир ундан сўради:

— Бу яқинларда қишлоққа борибмидинг?

— Бундан уч ярим ой бурун бир бориб бир кеча қўниб келган эдим. Бир борай деб ўн беш кундан бери бойдан рухсат сўрамоқдаман. У бўлса «бугун-эрта» деб ҳалигача жавоб бермайди. Кеча, жума куни бой келиб: «ҳали-бери қишлоққа бора олмайсан, қишлоқ алгов-далғов. Сенга зарар қилиши мумкин» деди.

— Хўш, қишлоқда сенга зарар қиладиган қандай алгов-далғов бор экан?— деб сўради Қулмурод Сафардан.

— Мен қайдан билай, бойнинг айтишига кўра, Бухо-

рода алғов-далғов бўлиб, байроқ кўтарган эмишлар. Байроқ кўтарганларнинг бир қисмини амир тутиб, қамаган ва урган эмиш. Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқ ялангларни ва эски қулларнинг авлодини тутиб қама деган эмиш. Менинг отам қул бўлгани сабабли, агар қишлоққа борсам, оқсоқол гомонидан тутилиб қамалишим мумкин эмиш. Ростми, ёлғонми, бойнинг айтган гаплари мана шулар.

— Кеча айтганим ўша қадим, жадид жанжали-да,— деди Шокир, Қулмуродга қараб.

— Қадим, жадид жанжалининг қуллар авлодига нима дахли бор?— деб Шокирнинг фикрига қўшилмаганини изҳор қилди Қулмурод.

— Ҳар бир жанжалнинг,— деди Рўзи,— қуллар авлодига ва бошқа оёқ яланг деҳқон ва чўпонларга дахли бор.

— Қандай?— деб Қулмурод Рўзининг фикрига ҳам қўшилмади.

— Жуда маълум,— деди Рўзи,— ҳокимларнинг одати шуки, жанжал қўзғалса, ўшанч баҳона қилиб, бечора фуқарога яна ҳам азоб беришга йўл ахтарадилар.

— Унутаёзганман,— деб яна сўзга киришди Сафарқул,— бойнинг айтишича, бу алғов-далғовнинг Шокир акага дахли бор эмиш. Урмон полвон оқсоқолларга «Шокир қаерда кўринса, тутиб олиб келинглар» деб буюрган эмиш.

— Бу жанжалнинг ҳаммадан бурун Шокир акамга дахли бор!— деди Қулмурод,— чунки бу киши «жадидлар халқ манфаатини ёқлайдилар» деб уларни ёқламоқдалар.

Қулмуроднинг сўз оҳангидаги пичинг Шокирни қизитиб юборди. У, ўз-ўзинча: «Саводсиз нодонларга қандай қилиб ўз манфаатларини тушутирасан?» деб ғурунглагандан кейин, Қулмуродга таянган бўлиб қараб:

— Хўп, сенлар тушунмайдиган мактаб-мадраса масалаларини ҳам, ерсиз-жойсиз чўпон ва деҳқонларга дахли бўлмаган ўлпон масаласини ҳам бир ёққа қўйиб турайлик. Ахир жадидларнинг талабларидан бири бўлган «хуррият»нинг ҳам сенларга фойдаси йўқми?— деди жуда бир маъқул гап топиб айтгандай бўлиб.

— Айтгандай, шу «хуррият» дегани нима-а?— деди Сафарқул,— хўжайиннинг айтишича, шунинг устида ҳам кўп жанжал бораётган эмиш.

— «Хуррият» шуки,— деди Шокир,— бой, бечора, мулла, авом, кул, оқсуяк, кофир ва мусулмон — ҳамма барабар бўлади, ҳеч бир киши ҳеч бир кишига товушини баланд қилиб гапира олмайди. Масалан, ҳозир биров билан бизу сизнинг гапимиз икки бўлса, бизни «кул, бадраг, зоти паст» деб сўкадилар. «Хуррият» бўлгандан кейин шунақа гаплар йўқолади.

— Шу билан биз каби оч-яланғочларнинг қорни тўйдими?— деб ўчоқ бошидан гап отди Қулмурод.

— Қорнинг тўймаса ҳам, иззатинг жойида қолади,— деди Шокир Қулмуродга жавобиди.

— Иззат?!— деди Қулмурод ажабланиб ўз-ўзига ва Шокирга қараб давом этди,— менинчга, иззат молу давлатга қарайди. Пулатбойнинг ўғилларини, кул авлоди бўлсалар ҳам, юртнинг катталари ҳурмат қиладилар, чунки улар бой, ҳатто кул авлоди бўлганлари ҳам эсларидан чиқиб кетган. Шароф ўтинкашни худойи ошга ҳам йўлатмайдилар. Чунки унинг бир ўроғу бир арқонидан бошқа ҳеч бир нарсаси йўқ, ҳолбуки у тубжой, «туғдибитди» оқсуяк.

— Бой билан камбағалнинг барабар бўлиши мен тушунгандай бўлса, ёмон эмас,— деди Сафаркул ва ўз тушунчасини изоҳ қилди,— яъни агар хуррият бўлса-ю, менинг хўжайиним ҳар ниманики еса, мен ҳам ўшани ея олсам, у қандай кийим кийса, мен ҳам ўшандай кия олсам, хўжайин ҳар кеча хотини қўйнида ётгани каби мен ҳам истаган вақтимда хотинчамни бағримга босиб, Қулмурод айтгандай, юзидан кизгин бўсалар ололсам, хурриятни ҳаммадан бурун мен ёқлайман.

Мажлисдагилар, Шокир бош бўлган ҳолда, Сафаркулнинг бу изоҳидан қиқиллашиб, завқланиб кулишдилар. Кулги босилгандан кейин Шокирдан Сафар сўради:

— Бой билан камбағалнинг хурриятдан келадиган барабарлиги ҳақиқатда шу мен тушунгандайми?

— Бундай барабарлик бошқа гап,— деди Шокир, Сафарга жавобан,— агар сен ҳам мол-мулк тўплай олсанг, ҳар нарсаники кўнглинг тиласа ея олсан, ҳар кийимники таъбинг истаса, кия олсан ва хотинчанг билан хоҳлаганинчга ёга олсан.

— Ундай бўлса,— деди Шокирга Сафар,— менга хуррият йўлини эмас, балки мол-мулк тўплаш йўлини кўрсатинг!

— Беш бармоқ барабар бўлмагани каби мол-мулк

тўплашда ҳам ҳамма баравар бўлмайди, лекин югурган-елган ва меҳнат қилган одам дунёда қуруқ қолмайди,— деди Шокир. Аммо ўзининг бу мантиқсиз сўзидан юзи қизарди, чунки у бу сўзлари билан ўзига қарши чиққан ва «хуррият»дан тўрайдиган «бой билан камбағалларнинг бараварлиги»ни пучакка чиқарган эди. У буни тушунарди, аммо у ўзи илинган бу тузоқдан қутулиш йўлини тополмай ўринсиз типирчилаб тузоқ қилларининг ўз бўйнига яна ҳам маҳкамроқ ўралишига ўзи сабаб бўларди.

Бироқ истар-истамас овчи ролини қўлга олган Сафарқул Шокир тузоққа илинганда ҳам тек турмади:

— «Югурган-елган ва меҳнат қилган одам дунёда қуруқ қолмас эмиш»— деб Шокирнинг ҳалиги гапини ўзича гурунглаб такрорлагандан кейин, Шокирга қараб, баландроқ товуш ва жиддийроқ оҳанг билан сўзга киришди,— ундай бўлса, мен ўзимни эс билганимдан бери кеча-кундуз, қишин-ёзин югуриб-елиб, тинимсиз меҳнат қилганим ҳолда, нега устим кийимдан ва қорним овқатдан ялчимайди? Хўжайин бўлса қўлини иссиқ-совуқ сувга урмагани ҳолда, бутун бир қишлоқнинг ер-сувини ва чорвасини қандай қилиб эгаллаб олган?

Сафарқулнинг бу саволлари Шокир учун жон олувчи энг охирги ва даҳшатли зулм эди, у бу саволларга жавоб беришдан ожиз эди. У Сафарқул билан олишишдан бўйини товлади, лекин ўзининг енгилишидан кулимсираб, ўтирганларнинг фикрларини бошқа томонга буриб юбориш учун, ҳаммага хитоб қилиб сўзга киришди:

— Бизу сиз каби эски қуллар авлодининг узоқ боболари Эронда тирикчилик қилган, ҳали ҳам Бухоро шиаларининг шайх ва мужтаҳидлари Эронда ўқиб келадилар. Агар «хуррият» ёмон бўлсайди, эронликлар уни қабул қилмасдилар. Ҳолбуки бундан бир неча йил бурун Эронда «хуррият» бўлди ва «мажлис» (парламент) қурилди ва ҳалигача давом қилмоқда.

— Биз хурриятни ёмон деганимиз йўқ,— деди Қулмурод,— лекин биз «хуррият»нинг биз каби оёқяланларга қандай фойдаси бор?— деб сиздан сўраётимиз. Хўп энди «Бухорода бўлса халққа қандай манфаат бўлади?» деган масалани бир ёққа қўйиб, «хуррият» бўлган Эронда халқ у хурриятдан қандай фойда кўрганини сиздан сўраймиз, сиз мана шу тўғрида гапириб берсангиз эди!

Шокир гапнинг бошқа томонга бурилиб кетишидан

қувонди, унинг юзидан ва руҳидан аввалги мағлубият таъсири билан пайдо бўлган тушкунлик йўқолаёзди. У суҳбатдошлари кўрмаган, билмаган бир мамлакат тўғрисида ёлгон-янглиш гап сотиб, осонлик билан уларни енгиб, ўзига тарафдор қилмоқ умидига тушди, у баланд руҳ билан сўзга киришди:

— Эрон,— деди у,— «хуррият» бўлгандан бери шу даражада обод бўлганки, уни «хуррият»дан илгари кўрган одам бугун кўрса танимайди, у ерда оч-яланғоч одам қолмаган, қисқа қилиб айтганда, Эрон хурриятдан кейин бир «жаннат» бўлган...

Шокир афтидан, қизиб кетиб, бу тўғрида яна кўп гап сотмоқчи эди, лекин бу ёлгон сўзларни эшитишдан зериккан Қулмурод унга йўл бермади:

— Қўйинг, Шокир ака, қуруқ гапларни,— деб қўл силтаб унинг сўзини кесди,— сизнинг эшитган у «жаннатингиз» ҳам муллалар айтадиган «жаннат»дай ҳеч ким кўрмаган-билмаган бир жой, «ногора-карнай овозини узоқдан эшитиш яхши» дейдилар. Сиз ҳам ўша «жаннат» овозасини узоқдан эшитиб, завқланиб, ўтира беринг ва бошқаларга уни мақтамангки, уяласиз.

— Сен менинг бу гапларимни ёлгон демоқчимисан?— деб сўради Шокир зардаланиб.

— Албатта тагсиз гаплар!— деди Қулмурод ҳам бир оз қизиброқ.

— Мен-ку,— деди Шокир мағрурона бир оҳанг билан,— «хуррият»дан кейин Эроннинг қандай обод бўлганини газетлардан ўқиб, билиб айтаётирман, сен менинг бу гапларимни ёлгонга чиқармоқчи бўлсанг, қўлингда қандай далилинг бор?

— Мен,— деди Қулмурод,— газет-мазетингизни билмайман ва ўқий олмайман, лекин ўз кўзим билан кўрган аҳволга таяниб, гапларингизни тагсиз дейман.

— Айтиб берсанг-чи!— деди Шокир, масхаралаш оҳанги билан кулимсираб,— токи биз ҳам сен ўз кўзинг билан кўрган аҳволни эшитиб билайлик!

— Бизнинг ота-боболаримизни-ку,— деди Қулмурод,— туркман сардорлари чопиб келтириб қул қилиб сотган эканлар. Бухоро ва Самарқандда махсус маҳаллаларда жойлашган эронликларни бўлса амирлар Марвдан, Моридан кўчириб оқ уйли қилиб келтирган эканлар. Аммо бизнинг ҳозирги замонамизда темир йўл станциялари, пахта ва мой заводларини тўлдирган

«ҳамшаҳрилар» (эронликлар)ни ким мажбур қилиб, ўз ватанларидан ажратиб, сиз айтган жаннатдан чиқариб олиб келган?..

— Очлик!— деб жавоб бериб Рўзи Қулмуроднинг сўзини бўлди.

— Отангга раҳмат, Рўзи ака!— дегандан кейин Қулмурод яна давом этди,— бу «ҳамшаҳрилар»ни очлик ўз ватанларидан ажратиб, бу томонларда овора қилган. Темир йўлда бўлсин, бойларнинг пахта, мой заводларида бўлсин энг оғир меҳнатни мана шу «ҳамшаҳрилар» бажарадилар, яланғоч сиртларига эшакнинг тўқимиغا ўхшаш бир кучани боғлаб энг оғир юкларни шу «ҳамшаҳрилар» ташийдилар. Ҳолбуки шу қадар оғир иш билан бу «ҳамшаҳрилар»нинг қоринлари тузук тўймайди. Агар ўз ватанлари бўлган сизнинг «жаннат»да бу ғариблар учун ўлмас овқат топилса эди, бу томонларда бир бурда нон орқасидан бу қадар сарсон-саргардон бўлиб юрмасдилар.

Қулмурод гўжа пиширилаётган қозонни чўмич билан бир кавлаб яна ўз сўзини давом эттирди:

— Яна қайтариб айтаманки,— у Шокирга қараб,— мана шу «ҳамшаҳрилар», Эрон «хуррият шарофатидан жаннатга айлангандан кейин», у ердан қочиб, нон излаб келгаң ва кун сайин яна ҳам кўпроқ келмоқда.

Қулмуроднинг бу сўзларини эшитган Шокир қизариб-бўзариб кетди ва нима дейишини билмасдан бошини тубан солди. Лекин сўзни бошқа томонга буриб, Шокирнинг меҳмонлиги ҳурмати учун юпатмоқчи бўлиб, Қулмурод яна сўзга киришди:

— Бу гаплардан қорин тўймайди, ammo бизнинг гўжадан, қанча таъмсиз бўлса ҳам, қорин тўяди. Қўлларингизни ювинглар, ҳозир ошни сузаман,— деб корсонларни юва бошлади..

* * *

Қулмурод қозондаги гўжа ошига икки коса қатиқ қўшди. Ошдан икки корсонга тўлдириб сузди ҳар бир корсонга биттадан узун дастали катта тол қошиқ қўйиб, бирини кўтариб меҳмонлар ўтирган жойга келди. Супра ёзаётган Сафарқул ошни Қулмуроднинг қўлидан олиб, Шокир билан Рўзининг олдиларига қўйди. Иккинчи корсонни Қулмурод ўзи келтириб, ўзи билан Сафарнинг олдига қўйди.

Табиати хит бўлган Шокир ҳали ҳам гоҳ осмонга, гоҳ ерга қараб дастурхон томонига ҳеч кўз солмас эди. Рўзи унга:

— Қани, ошга қаранг,— деганида у:

— Баҳазур ея беринглар!— деб қаттиқ ва қуруқ жавоб берди.

— Шокир ака,— деди Қулмурод, узрхоҳона бир оҳанг билан,— «кичиклардан гуноҳ қилмоқ, катталардан бағишламоқ» деганлар. Агар биздан беадабчилик ўтган бўлса, бағишланг; усиз-да синган кўнглимизни яна ҳам синдирманг, марҳамат қилиб, ошга қаранг.

Қулмуроднинг ялиниши Шокирга таъсир қилди, ёлғиз ош ейишга киричдигина эмас, айни замонда гап қўшиб Қулмуроднинг кўнглини кўтармоқчи ҳам бўлди:

— Биз учун-ку,— деди Шокир,— шу икки корсон ош етарди. Комил билан Юсуфга ҳам бир корсонни кифоя қилади, нега қозонни тўлдириб пиширдинг?

— Биз мунда,— деди Қулмурод,— кунда ош пиширмаймиз, ҳафтада бир ё икки қатла ош пишириб, бир кун иссиқ ҳолича еб, қолганини ачитма қилиб қўйиб ҳар кун ея берамиз. Гўжа ошининг ачитмаси ёз кунда жуда яхши бўлади.

Қошиқ икки одам орасида мокидек бориб келмоқда эди, ҳар ким ўз навбатида икки қошиқ ош олиб, сўнгра қошиқни шериги томонига ташларди. Аммо бошқалар тўрт қошиқ олган вақтда Сафарқул ўз навбатида зўрга бир қошиқ олар эди. Мунақа ош ейишдан зериккан шериги Қулмурод:

— Тез-тез ея бер-да, нега ошни болалардай билжиллатиб ўтирасан,— деди.

— Зериккан бўлсанг сен аввал еганингча е, қолганини мен ейман,— деди Сафарқул.

Шокир гапга қўшилиб:

— Жадидларнинг яхши бир одатлари бор,— деди,— ош еганда ҳар кишининг қошиқ ва косаси бошқа-бошқа бўлади, тилаган тез ейди, тилаган аста, биров бировнинг ош ейишига халал бермайди.

— Биз учун,— деди Сафарқул,— унақа одатларнинг фойдаси йўқ, биз учун ош бўлсин, қошиқ топилмаса корсоннинг лабидан ҳам, қўл билан ҳам ея берамиз.

— Сен ҳар бир ишга халқ фойдаси йўли билан эмас, ўзинг қаторларинг кўзи билан қарар экансан-да,— деди Сафарқулга Шокир.

— Бўлмасачи?— жавоб қайтарди Сафарқул унга,— «ҳар ким ўз ўлиги учун йиғлайди» деганлар. Жадиdlарнинг талабида бизга тегишли жиндек манфаат кўрсатинг, ҳаммадан бурун мен жадиd бўлай.

— Жадиdларнинг баённомаси менинг хуржунимда, ошдан кейин ўқиб бераман. Эҳтимол, сенларга тегишли манфаати ҳам бўлса,— деди Шокир.

— Бағишлайсиз-да,— Шокир ака, бир аския сўйлаб берай,— деди Қулмурод.

— Гапир, эшитамиз,— деди Шокир.

— Вобкент томонида «ширини» аталган бир халқ бор. Булардан бирининг думи супургидай бўлиб, етилган яхши бир оқ эшаги бор экан, уни сотмоқчи бўлган. Эртаси Вобкент бозори деган кечада эшакни қашилаб, супуриб яхшигина тозалаган, айниқса сертук думини совун билан ювиб тароқ билан тараган.

Ширинининг бахтсизлигидан ўша кеча саҳаргача ёмғир ёғиб, бозор йўли жуда лой бўлган. Ширини «энди нима қиламан?» деган ўйга тушган, эшакни бозорга олиб борса, лойда ҳамма жойи ифлосланади, айниқса харидорни ўзига тортадиган ялтираб турган думи лойда булғанади. Аммо эшакни шу кун бозорга олиб бориши зарур, чунки пул керак...

Ширини ўйлай-ўйлай ўзи бир йўл топмагач, шириниларнинг шунақа мавридларда маслаҳат берувчилари бўлган «маҳмадана»нинг уйига қараб югурган. Тонг қоронғисида унинг дарвозасини тақиллатиб ширин уйқусидан уйғотган ва воқеани унга сўйлаб, ундан маслаҳат сўраган.

Маҳмадана: «Мен ўлгандан кейин сизлар нима қиласизлар, шунга ҳам ақлларинг етмадими?» деб уни жеркигандан сўнг, «бунинг иложи осон» деган, «думини кес, хуржунга сол, эшакни миниб бозорга бора бер, агар думига бир томчи лой тегса мен жавобгар» деган.

Ширини маҳмаданага раҳматлар айтиб ўз уйига қайтган, шундай осон тадбирга ўзининг ақли етмагани учун ўзини таъна ҳам қилган. Уйга киргач маҳмадана кўрсатган тадбирни дарров бажариб бозорнинг йўлини олган. Бозорда даллол, харидор ва жаллоблар ширини эшагининг теварагида тўпланиб, «жуда яхши эшак экан-ку-я, эсизки, думи кесилган экан-да» деганда, эшак эгаси: «ака, савдосини қила беринг, думи хуржунда» деган.

Қулмурод Сафарқулга қараб:

— Шунга ўхшаш, мен қўрқаманки, жадидларнинг талабида бизнинг манфаатларимизнинг «думи хуржунда» бўлмасин.

Қулмурод гап билан овора бўлганда, ошдан ўз ҳақини еб қорнини тўйғазиб хотиржам бўлган Сафарқул:

— Мен ширинилар ҳикоясидан бундан ҳам қизиқроғини эшитганман,— деб сўзга киришди:

— Ширинилардан бирининг катта шохлик бир сиғири бор экан. Бир кун сиғир очиқиб арқонни узиб оғилдан чиққанда, оғил олдида ичига кўкбош¹ солинган бир хумни кўриб, улпи-дулли унга бошини тиқиб кўкбошини ея бошлаган. Оғзига бир-икки бош кўкбошини тиққандан кейин уни чайнайман деб бошини кўтармоқчи бўлганида, шохи хумнинг ичига илиниб қолиб боши чиқмаган. Бу ҳолдан ҳурккан сиғир хумни бошига кўтариб ҳовли юзида юра бошлаган. Воқеа устида келган ширини бу ҳолни кўриб донг қотиб қолган. Қанча уринса ҳам, хумни сиғирнинг бошидан чиқара олмаган, «уйим куйди, хум синиб нобуд бўлади» деб дод-фарёдга киришган. Шу чоқда эсига ҳалиги маҳмадана тушиб, югуриб бориб воқеани сўйлаб, ундан хумни синдирмасдан сиғирнинг бошидан қутқазиб чорасини сўраган. «Бу оппа-осон,— деган маҳмадана,— сиғирнинг бошини кес, хум синмасдан қолади».

Ширини уйга қайтиб бу маслаҳатни дарҳол амалга оширган. Ширинининг хотини оқшом «сиғирни соғай» деб ташқарига чиққанда бошсиз шалпайиб ётган сиғирни кўриб: «Войдод, бу нима ҳол, отаси!» деб қичқирган. Ширини бўлса уни жеркиб, «қўрқмасдан соға бер, жин ургур! Калласи хумда» деган.

Сафарқул ўз ҳикоясининг охирида:

— Шокир акамнинг кўрсатаётган йўлларида бизнинг манфаатнинг «думи хуржунда» бўлса гўргаку-я, «калласи хумда» бўлмасин деб қўрқаман,— деди.

Ҳаддан ортиқ «таҳқирланган» Шокирнинг энди ҳеч бир тоқати қолмаган эди, ҳеч кимга индамасдан йиғиштирилмаган дастурхон бошидан ирғиб турди, хуржунни қўлтиғига қистириб, эгарни кўтариб отнинг олдига бориб, унга эгар боса бошлади.

¹ Кўкбош — етилмаган жўхорининг бошоғи.

— Нега аччигланасиз, бу бир чақчақ-да,— деган Рўзига қайтиб қарамади ҳам, Қулмурод от олдига бориб:

— Қўйинг бўлмаса, отни эгарлаб берай,— деганида уни тирсаги билан туртиб юборди, босилган эгар устидан айил, пуштанларни тортиб, унинг устидан хуржунни ташлади. Отнинг юганини бошига солиб, нўхтани хуржунига тиқиб хуржундан қамчини олиб отга минди. Ҳар дафъа ўз ичида айтадиган сўзини бу дафъа баланд овоз билан айтиб:

— Сизлар каби нодон, ўқимаган аҳмоқларга сўз тунгутириб бўладими? Сизлар «халқ манфаатини» англамайдиган аҳмоқлар,— деб келган йўлига қайтиб от сурди. Беш минутдан кейин унинг оти кенг чўлдаги баланд қум хомалари орқасида кўздан ғойиб бўлди.

VII

1918 йил январь ойининг охирлари эди. Бир кечакундуздан бери узлуксиз ёққан қор энди тўхтаган бўлса ҳам, ҳавонинг совуқлиги неча даража шиддатланган, кўк юзи фабрикадан янгигина чиққан мовутдек соф ва ғуборсиз, юлдузлар ложувард чодирдан осилган электр чироқларидай ёруғлашиб, кўзларни қамаштирмоқда эди.

Йўллар, чўллар, далалар, тепалар, томлар, туйнуқлар қор билан қопланган бўлсалар ҳам, Полвон арабнинг кенг ҳовлисининг юзи супурилиб тозаланган ва қизил қум сепилиб, муз устида тайрилиш йўли боғланган эди. Чўл этагига қараб очиладиган дарвозадан чўл шамоли билан ора-сирада урилиб кирадиган қор учқунларини назарга олмасак, ўшанча ёққан қордан бу ҳовлида асар йўқ эди.

Бойнинг ўттиз беш болорлик кенг ва узун сайисхонаси эгарлари олиниб, бостириқ билан ёпилиб хўракка қўйилган отлар билан тўла эди. Сайисхонанинг ўрта белидаги зинхона устида гуруллаб ёнаётган гулхан тева-рагида еттинчи лампа остида гурунглаб, чой ичишиб, чилим чекишиб сайислар ўтирмоқда эдилар. Зинхона ичидан «вой жоним, шундай совуқ ҳавода зах уйчага одамни шунча қамар эканлар-да» «бундан кўра тезроқ ўлдирсалар яхшироқ эди ва биз бу азобдан қутулар эдик»... деган товушлар чиқмоқда эди.

Бу дод-бедодлар бош сайиснинг ёшлигида қимор ўй-

наб ютқазиб «банда»¹ бўлиб, «банда»лик ҳолида чўтал² олиб у пул билан яна қиморга қўшилиб, ўз ҳариф³ думларини қандай қилиб ютиб «банда»ликдан озод бўлгани тўғрисида қилаётган ҳиқоясини бузганда, зинхона ичидагиларга қарши у:

— Жимгина ётаверинглар, эрта Бухорога узатила-сизлар, унда амирнинг тошдан ясалган обхонасида қамалиб исипасизлар,— деб ҳам жеркиди, ҳам масхара қилди.

— Бу фалокатзадаларнинг,— деди унга қарши бошқа бир сайнс,— кўнгилларини бузма, улардан кулма; бугун буларнинг бошига келган бу фалокат ажаб эмаски, эрта-индин бизнинг бешимизга ҳам келиб қолса.

— Бизга,— деди бош сайнс,— гапирадиганларнинг оталари эшонми? Сен сайнсликка янги киргансан, ҳали бу ишнинг рисоласидан⁴ хабаринг йўқ. Мен сенга бир ҳиқоя қилай: ҳозирги амирнинг Қарминада тўра-ҳокимлиги вақтида бир кун Имомқул тўқсоба менинг новчамга⁵ хушомад урган. Мен бу гапни эшитишим билан дарров аразлаб ўз новчамни олиб сайнхонадан чиқиб кетдим. Шу билан тўранинг эшигидаги ҳамма сайнс ва аравакашлар у ердан аразлаб чиқиб бобохонада⁶ ётдилар. Тўра ва унинг одамларининг бутун от-аравалари одамсиз қолди. Бу воқеадан хабардор қилинган тўра Имомқулни олдига чақириб койиган: «Шу боши бузук, отабезор, гушнапурзўр, шурапўшт, падарлаънатлар билан бир муроса қил-да» деган.

Имомқул дарров бобони чақириб у билан гаплашди, унга бир чопон берди, менга ҳам бир эски камзул юбор-

¹ «Б а н д а» — қиморда ютқазиб қўйиб, қарзини тўлагунча ютган кишининг қўлида асир қолган қиморбоз.

² Ч ў т а л — қиморда иштирок қилмай ўтрган кишиларга орада тўпланган пулдан бериладиган улуш.

³ «Ҳ а р и ф» — қиморда бир-бири билан ўйнайдиганларнинг ҳар бири, у бирисига нисбатан ҳариф ҳисобланади.

⁴ «Р и с о л а» — Бухорода амир замондаги касаба уюшмаларининг диний руҳ билан ёзилган, ёки ёзилмаган ўз ораларидаги урфу одатлари.

⁵ Н о в ч а — эски замон Бухоросидаги сайнсларга шогирд бўлиб кирган бола.

⁶ Б о б о — эски замон Бухоросида ҳар бир касаба уюшмасининг бир бобоси бўлганидай, сайнсларнинг ҳам бир бобоси ва бобохонаси бўлар эди. Ишсиз қолган сайнслар бобохонага бориб ётар ва бобо уларни ишга киргангача боқнига мажбур эди. Сайнс ишга кирганда, бобо ундан ва ёлловчидан маълум бир маблағ олар эди.

ди. Биз ҳам ярашдик, ишга киришдик. Кўрдингми, биз қандай зўр эканмиз?..

Бош сайис ўзига тугилган чилимни чекиб йўталиб бўлгандан кейин яна сўзини давом эттириб, деди:

— Агар меҳмонхонада кўнқайиб ўтириб фуқарога катталик қилаётган бегинг, қозинг ё Ҳожилатиф девон-бегинг ҳозир биронтамизга бурнини кўтариб гапирса, ҳаммамиз дарров аразлаб кетамиз, унда бутун от-аравалар кишисиз қолади.

— Сўнгра,— деди бошқа бир сайис,— Ҳожилатиф девонбеги ўз бўйнига кучан солиб, темирйўл излари юкланган аравани ўзи тортади.

— Қошки,— деди кулиб бир аравакаш,— у сабил қолғурни бир одам, икки одам тортолса, зўрлиги билан донги чиққан тўриқ отни аравага қўшиб, унинг ёнига бошқа бир отни шатак қилиб зўрға судраб келди.

— Хайр, майли,— деди бош сайис,— Ҳожилатиф девонбеги тортолмаса, унинг ёнига қозини шатак қилиб қўшсинлар.

— Бекни шатакка қўшсалар жуда ҳам саз бўларди, негаки, унинг бўйни йўғонроқ,— деб бошқа бир сайис ҳаммани кулдирди.

— Воқеан,— деди сайислардан бири аравакашга қараб,— нега темирйўл изларини тумандан туманга судраб юрадилар?

— Мен қайдан билай,— деди аравакаш.

— Мен,— деди новчалардан бири,— меҳмон анжил-нор (инженер) дан сўраган эдим. У «жаноби олий туманларда темирйўл қуралар» деган эди.

— Жаноби олийинг,— деди бош сайис ва новчага қараб,— бузишга уста, туманларда балони қуриб беради...

Меҳмонхонадан чиқарилган сарқит ва совуган ошлар сайисларнинг қизиб бораётган суҳбатларини бузди, ҳаммалари жим бўлиб қўл ювишга киришдилар. Аммо зинхонадан ҳали ҳам чиқаётган «вой жоним, войдод!..» деган товушлар сайисхонанинг жимлигини бузмоқда эди.

* * *

Полвон арабнинг қўшмеҳмонхонасидан ўн бир болорлик бўлган каттаси одам билан тўлган эди. Меҳмонхонанинг тўрида сандалнинг юқори кодогида қози,

амлокдор, раис ва миршаб, яъни туманнинг чор ҳокими-ўтирар эдилар, буларга ёндош бўлиб, туманнинг муфти ва бир неча катта муллалари қўнқайган эди. Қозининг чап томонида, сандалнинг ёнкодогида буғдой тусли, қора соқолли, қалин қошли, манглайи буришган, салласи елкаси ва манглайига бостириб ўралган бир одам ўтирмоқда эдики, қози ҳар вақт унга эҳтиром билан бош эгиб, пичирлаб гапирар эди. Бу одам ва икки нотаниш киши бор эди. Буларнинг бошларида Бухоро сипоҳлариникидай салла, эгниларида катта жиякли атлас чопон бўлса ҳам, ўтиришлари Бухоро сипоҳлари ва Бухоро одамларига ўхшамас эди. Булар қози ва чор ҳоқимнинг ҳузурда бўлганлари ҳолда оёқларини узатиброқ, орқаларига қўйилган пар ёстиққа ёнбошлаб, чопонларининг ёқасини томоқлари остига ўраб ўтирар эдилар.

Меҳмонхонанинг бошқа жойларида — девор ости билан тўшалган узун ва энсиз кўрпачалар устида Ҳайит амин, Бозор амин, Нор полвон, Урмон полвон ва туманнинг бошқа катта амин, оқсоқол ва бойлари чўккалаб ўтирар эдилар.

Меҳмонхонанинг қуйисиди — даҳлиз эшиги олдида қорни катта, бўйни йўғон, юзи тўла ва қорамтир соқоли қуюқ ва оқара бошлаган, кўзи катта ва қора, киприклари узун, қоши қалин бир одам бор эди; бу одам узун сурп кўйлак устидан серпахта, икки қават катта гулли сатин чопон кийиб, устидан белини фўта билан боғлаб, сиртдан катта жиякли мовут чакмон кийган эди, бу одам бошидаги оқ тивит салласининг фашини мулла, сипоҳ ва Бухоро шаҳар бойларидай қистирмагани ҳолда қўл қовуштириб, икки кўзини тўрдаги чор ҳоқимдан узмай, чўккалаб ўтирар эди. Афт-башараси Бухоро арабларига, семизлиги кўзи, қазии, қатиқ, сут ва мой билан боқилиб келган туман бойларига ўхшаш бу одам ҳовли эгаси — Полвон араб эди.

Ҳаво совуқ, меҳмонхона печкаси бўлса ҳам, сандалга устма-уст яшнаиб солинаётган саксовул кўмирининг чўғи, дастурхон йиғиштирилгандан кейин уйнинг ўртасига қатор қўйилган уч манқал олов ва меҳмонхона шифтидаги учта қирқинчи лампа бу катта уйни тандирдек қизитган эди.

Етти болорлик кенг даҳлизда, ўттизинчи лампа остида бир-бирларини босиб бошларини ўртадаги эшикдан

меҳмонхонага суққанлари ҳолда бир тўда йиртиқ кийимли чўпон ва деҳқонлар ўтирмоқда эдилар...

Меҳмонхонадан дастурхон йиғиштирилиб, ўрнига манқаллар киргизилиб қўйилганидан кейин, бой орқасига— даҳлизга қараб:

— Чой келтиринглар,— деди.

Бойнинг буйруғи дарров ижро қилинди, кўк чой дамланган чойнаклар лаъли ва пиёлалар билан бойнинг қаторида, даҳлиз эшиги олдида, белини оқ фўта билан боғлаб ўтирган бир бола олдига олиб келиб қўйилди. Бола пиёлаларни лаълига териб чой қуймоқчи бўлганида, қози:

— Чойни ҳар жой-ҳар жойга қўй, ўзимиз қуйиб ичамиз,— деди.

Бола ҳар икки одамнинг олдига бир чойнак ва бир пиёла элтиб қўя берди. Ёнбошлаб ўтирган ҳалиги нотаниш икки одам олдига ҳам бир чойнак, бир пиёла қўйилганида уларнинг ёнида ўтирган, салласи елкасига босиб ўралган одам болага пичирлаб:

— Булар учун тағин бир пиёла келтир,— деди.

Бола яна бир пиёла элтиб улар олдига қўйди.

Даҳлиздаги йиртиқ чопонлилар бу нотаниш икки одамдан кўз узмас эдилар. Даҳлиз эшиги остонасига кўкрагини қўйиб товушқондай бўлиб ўтирган бир одам кўзини у одамлардан узмай, ўзининг устидан босиб турган кишига:

— Эргаш ака!— деди.

— Ҳа,— жавоб берди у киши.

— Кўряпсизми?

— Нимани?

— У одамларни.

— Қайси одамларни?

— Сандалнинг бериги кодогида ёнбошлаб ўтирган одамларни.

— Ҳа, ҳа.

— Онасининг қўйнида ётган болалардек, чор ҳоким олдида одобсизлик билан ёнбошлаганлар.

Нотаниш одамлардан бири тирсагини ёстиқдан кўтариб, ўзидан юқорида ўтирган, салласи елкасига бостириб ўралган одамга қараб пичирлади. У одам ўзининг ёнида ўтирган қози билан пичирлашгандан кейин ҳалиги одамга қараб бошини тасдиқ ишораси билан қимирлатиб қўйди. У одам юзида қувонч аломати кўрингани ҳолда чо-

понининг ёқасини очди, ост. кийимнинг, кўкрак чўнтагидан кумуш папирос қути билан гугурт чиқарди. Буни кўриб унинг ёнидаги киши ҳам тирсагини ёстиқдан кўтарди; биринчи нотаниш киши қутидан папирос олиб, бирини унга ҳам берди ва гугурт чақиб, папиросни тутатиб, икковлашиб чека бошладилар.

Даҳлиздаги йиртиқ чопонлилар жуда ҳам ҳайратга тушдилар.

— Эргаш ака, кўрдингизми?— деди кўкрагини даҳлиз остонасига суяб ўтирган киши.

— Кўрдим,— жавоб берди Эргаш.

— Буларга қаранг-а, қозининг олдида папирос чекаётирлар?

— Мундан ҳам қизиқроғини кўрмадингми?— деб сўради Эргаш.

— Нимани?

— Чопонларнинг ёқаси очилганда кўринди-ку.

— Ҳа, ҳа, қора камзул билан оқ бўйинбоғларини дейсизми?

— Ҳа, худди ўзи.

— Кўрдим; булар жадид бўлсалар керак, жадидларни шунақа кийим киядилар, папирос чекадилар дер эдилар.

— Соддамисан. Амир жадидларга қирғин солгани ҳолда унинг одамлари уларни ўзлари билан бирга олиб юриб, уларга меҳмонхона тўридан ўрин берармиди!

— Бўлмаса булар ким?

— Булар Бухородаги мусулмон бўлган ҳиндулардан бўлсалар керак, жадидлар қувилганидан кейин Бухородаги барча кофирлар мусулмон бўлаётир деган эдилар. Буларнинг чопон кийиш ва салла ўрашлари ҳам янги мусулмон бўлганларга ўхшайди. Соқолларининг қирқилганлиги ҳам ҳиндуларникидай.

— Йўқ — ...ҳиндуларнинг туслари қорамтир, кўз-қошлари қоп-қора бўлади, буларнинг юзлари оқ, қошлари оз тукли, сариқ ва кўзлари кўк-ку...

Папиросини чекиб бўлган у одамлардан бири бошини кўтариб бир қўлини сандалга тираб энгашиб, бошқа қўлидаги папирос қолдигини уй ўртасидаги манқал остидаги лаълига отаётганида, кўзи даҳлиздаги, кўзларини ўзига тикиб, ўзларидан пичирлашиб гапираётганларни сезиб юзи буришди, башарасида пайдо бўлган қувонч аломати йўқолди ва бошини кўтариб, ким нима тўғриси-

да қози билан гапиришаётган, салласи елкасига бостириб ўралган кишини ўзига тортиб унга пичирлади. У одам бошини тасдиқ аломати билан қимирлатган ҳолда меҳмонхона қуйисида ўтирган бойни имлаб чақирди. Бой югуриб келиб қулоғини у одамга тутиб турди. У одам бойга нималарнидир пичирлаб гапирганидан кейин бой югуриб даҳлизга чиқди, у ерда тўпланган йиртиқ чопонларни жеркиб:

— Нима қиласанлар бу ерда!— деди,— меҳмон келдими, ўлимса устида йиғилган ола қарғалардай дарров тўпланасанлар. Уйларингга бориб ётсаларинг бўлмай-дими!

Даҳлиздан бир-бирига туртиниб чиқаётган йиртиқ чопонлилардан бири бошқа бирига паст овоз билан:

— Бой бизни ола қарга қилган бўлса, ўз меҳмонларини, чор ҳокимни ўлимса қилди-да,— деди.

— Меҳмонхонлари ўлимса бўлса, ўзи ўлимсахўр,— деди бошқа бириси.

— Мунинг чаппаси бўлса ҳам бўлади,— деди бир йиртиқ чопон,— бойнинг ўзи ўлимса, меҳмонлари ўлимсахўр...— Йиртиқ чопонлилар кулиша-кулиша катта дарвозадан кўчага чиқиб кетдилар.

Бой даҳлизда қолган хизматкорларига қараб:

— Сизлар ҳам чиқинглар,— деди,— молларга қаранглар, иш бўлмаса ётинглар, эрта вақтлироқ туриб ёвонга гўнг ташийсизлар, дарвозани қулфлашни эсдан чиқарманглар. Чой-пойга қарашмоқ учун бу ерда Сафарқул билан Эргаш қолса бўлади.

Бошқалар ҳам чиқдилар. Даҳлизда кўкрагини остонага суяб ўтирган Сафарқул билан унинг устида босиб турган Эргаш қолди. Булар ҳам аввалгидай даҳлиз эшиги олдида, меҳмонларнинг кўзлари тушадиган ерда турмай, эшик орқасида, панароқда ўтирдилар.

Бой бу ишларни бажариб меҳмонхонага кирганида салласи елкасига бостириб ўралган одам яна уни имлаб чақирди. Бой югуриб бориб унга қулоқ тутди. У одам пичирлаганда бой «тайёр» деб югуриб даҳлизга чиқди, даҳлизда эшиги очиладиган нариги меҳмонхонанинг эшигини очиб қараб турди. Бу меҳмонхона тўққиз болорлик бўлиб, қирқинчи осма лампа билан ёритилиб қизитилган эди.

Салласини елкасига бостириб ўраган одам билан икки нотаниш киши ўринларидан турдилар. Уларнинг тур-

ганларини кўриб жойидан ирғиб турган қози нотаниш одамларга қараб:

— Ҳа, қаёққа?— деб қўлини уларга узатди, улар ҳам қўлларини қозига узатиб, кулимсираб кўришганлари ҳолда бириси:

— Ҳозир келамиз, девонбеги билан бир оз гаплашайлик,— деди.

Улар меҳмонхонадан чиққандан кейин қози яна ўз ўрнига ўтирди. Улар даҳлизга чиққанда бой бир қўлини кўкрагига босгани ҳолда, иккинчи қўли билан нариги меҳмонхонанинг эшигини кўрсатиб:

— Мана бу уйга марҳамат қилсинлар,— деди.

Улар у уйга кириб даҳлиз эшигини ёпгач, нотаниш одамлардан бири салласи елкасига бостириб ўралган одамга қараб юзини буриштиргани ҳолда:

— Вот иш қандай, господин Ҳожилатиф девонбеги,— деди,— оёқ яланг деҳқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ора-ларида большевикларнинг тилчалари бўлса.

— Улар зарарсиз одамлар бўлсалар керак, бўлмаса, бой ўз ҳовлисида уларга йўл берармиди? Шундай бўлса ҳам, уларни даҳлиздан чиқарди.

— Яна коридорда бир-икки шубҳали киши бор-ку.

Нотаниш кишининг бу эътирози билан Ҳожилатиф даҳлиз эшигини очиб, у ерда тикка турган бойни ичкари киргизиб, яна эшикни ёпгандан кейин, унга:

— Мен сизга бегона одамларни даҳлиздан чиқаринг демадимми! Тагин даҳлизда бир-икки одам кўринади-ку!— деди.

— Ҳаммасини чиқардим, булар чой-пойга қарашмоқ учун қолган одамларим,— жавоб берди бой ва сўзида давом қилиб, деди:

— Бу ҳовлида ёки бу қишлоқдагина эмас, ҳатто бу туманда ҳам шубҳали кишилар қолмаган, ҳар бир шубҳали кишини ҳокимлар тутиб қамамоқдалар. Менинг зинхонамда ҳам, шу кеча келтириб қамалган бир неча шубҳали одам ётибди.

— Улар эрта билан Бухорога узатиладилар,— деб Ҳожилатиф девонбеги бойнинг сўзини қувватлади.

Нотаниш одамларнинг иккинчиси гапга қўшилиб:

— Ну, ничево, бошқа ишлардан гапиришайлик,— деди.

— Ладно,— деган нотаниш биринчи киши девонбеги-га қараб:

— Сўзни ким бошлайди,— деди.

— Менинг фаҳмимча,— деди девонбеги,— мен туриб жаноби олийнинг саломларини халққа етказгандан кейин сизларни буларга тапिताман. Бошқа гапларни сиз ўзингиз гапирганингиз яхшироқ. Бизда «Сухан аз даҳани Луқмон хуш» (сўзни Луқмоннинг ўз оғзидан эшитган яхши) деган гап бор, ҳар бир сўзни уни билган, уни кўрган одамнинг оғзидан эшитиш яхшироқ. Икковингиз ҳамку мусулмонча гапиришни яхши биласизлар.

— Хўп, ладно,— деди нотаниш одам.

— Дарвоқе,— деди девонбеги у одамга,— мен сизнинг отингизни унутганман.

— Николай Петрович.

— Яхши отингиз бор экан, императори аъзам ҳазратлари билан отдош экансиз-да. Яна бир қисқароқ отингиз бор эди-ку.

— Петров.

— «Петров, Петров, Петров...»— деб тарорлагандан кейин девонбеги:

— Петров... Жуда яхши,— деди.

Нотаниш одамларнинг иккинчиси сўралган бўлмаса ҳам:

— Менинг номим Александр Александрович Кутов,— деди,— Александрнинг мусулмончаси Искандар бўлади. Тошкентда семинарияда ўқиётганимизда домулламиз Раумов жаноблари шундай ўргатган эдилар.

— Жуда яхши,— деди девонбеги,— сизнинг отингиз бутун мусулмонча экан, сиз малик Искандари Зулқарнайн билан отдош экансиз, худо хоҳласа, ишларимиз яхши бўлур. Мен сизларнинг отларингиздан шундай фол оламан.

Девонбеги билан Кутов ва Петров меҳмонхонага кирганда, қози бошида бўлган ҳолда бутун меҳмонхонададагилар оёққа турдилар. Булар ўз ўрниларига ўтганда қози яна қўлини узатиб Петров ва Кутов билан кўришмоқчи бўлди. Петров узатилган қўлни эрнинбгина тутиб:

— Янги кўришиб эдик-ку,— деди, Кутов бўлса қози билан янгидан кўришмай, ўзини билмасликка солиб ўз ўрнига ўтирди.

Девонбеги қози билан бир оз пичирлашиб гаплашгандан кейин ўрнидан турди-да, уни ҳурматлаб ўринларидан тураётган бошқаларни қўли билан ўтиришга имлаган ҳолда:

— Шофирком туманининг ашроф-аъёнлари,— деб сўз бошлади,— мен сизларга жаноби олийнинг фуқаропарварлик билан тўла бўлган ҳумоюн саломларини келтирдим.

Меҳмонхона: «Жаноби олий музаффару мансур бўлсинлар, шери худо камарларини боғласин» деган садолар билан тўлди.

Даҳлизда туриб девонбегининг ҳалиги сўзини эшитган Сафарқул Эргашга:

— Мену сиз ҳам амирга фуқароми?!— деди.

— Албатта,— деди Эргаш,— ҳар юртда ўтирсанг, у юртнинг подшоҳига фуқаро бўласан-да.

— Ундай бўлса амир бизнинг ҳақимизда қандай фуқаропарварлик қилди?

— Уни меҳмонхонада ўтирган катталардан сўра,— деб кулди Эргаш.

Девонбеги сўзида давом қилиб, деди:

— Ҳазратим «содиқ қулларим марҳамати олиймиздан сарфароз бўлиб билсинларки, бизнинг қаламрави ҳумоюнимизда мусулмонлик иши ривожда, аммо Туркистон мусулмонлари «во дино, во шариато» деб қон йиғламоқда. Умидвормизки, яқинда, худонинг марҳамати ва содиқ фуқаромизнинг ёрдами билан у ёқларни ҳам мусулмонобод қилсак...»

— Жонимиз фидо бўлсин,— деб амин, оқсоқоллар, бой ва муллалар гулдурлашдилар.

— Фуқаро, фузалоиқи борсиз,— деди девонбеги,— сиз бу ерда ҳазратимнинг сояйи давлатларида типч ящаб, ўз динингизга, ўз молингизга, ўз жонингизга ўзингиз эга бўлиб, ёғ еб, ялангоч ётибсиз. Аммо Туркистон мусулмонлари ҳамма нарсаларидан ажралиб, большевиклар қўлида хароб бўлмоқдалар. Бу тўғрида императори аъзамнинг катта амалдорларидан бўлиб, большевикларнинг кирдикорларини ўз кўзлари билан кўрган ва шу сабабдан у ердан қочиб, жаноби олийнинг хизматларига кирган бу меҳмонлар — Петров тўра ва Искандар тўра гапириб берадилар.

Петров ўрнидан туриб, мажлис аҳлига таъзим қилгандан кейин:

— Жамоат!— деди,— сиз бу бўлуснинг катталари, аъён-ашрофлари, уламо-фузалолари жаноби олий амири Бухоронинг шарофатлари билан тинч яшамоқдасиз, аммо бизнинг Россияда ва Туркистонда мундай эмас. Унда большевик деган чиқиб бутун бойларни, уламо, фузало, муътабаротни хароб қилдилар, уларнинг молу мулкларини тортиб олиб, оёқ ялангларга бермоқдалар. Россияда бойларнинг қўлларидаги ерлар, уйлар ва деҳқончилик асбобларигача қўлларидан олиниб, умрида ер кўрмаган, қўш-хўкиз кўрмаган етим-есирларга берилди...

— Оҳ,— деди даҳлизда бу сўзларни эшитиб ўтирган Сафарқул Эргашга,— бизда ҳам шундай бўлса эди, биз ҳам ёруғ дунёда ер ва қўш-хўкизнинг юзини кўриб, қорнимиз нонга тўяр эди.

— Худодан тила,— деди Эргаш,— бировнинг молини босиб олмоқчи бўласанми!

— Худо кимга осмондан ер-сув ташлаганки, бизга ташлайди...

— Хўп, жим тур, гапни эшитайлик,— деб Сафарқулнинг сўзини бўлди Эргаш...

— Худо кўрсатмасин,— деди Петров сўзида давом қилгани ҳолда,— бу ёқларга ҳам большевикнинг оёғи тегиб қолса, сиз учун ва барча «номусли» одамлар учун бу тирикчилик, бу осойишталик қолмайди...

Мажлис аҳлидан «худо сақласин, худо сақласин» деган товуш чиқиб, Петровнинг сўзини кесди. Петров:

— Во...— деб кесилган сўзини топиш учун ўйлагандан кейин,— худо сақласин,— деди,— лекин худонинг сақлаши учун ўзинг ҳам ҳаракат қилишинг керак...

— Большевикларнинг ўзлари ким, улар қаердан чиққан?— деб савол бериб, мажлисдаги бойлардан бири Петровнинг сўзини кесди.

— Улар мужик руслар-да,— деб у бойга изоҳ берди Ҳожилатиф девонбеги.

— Мужикларнинг ҳаммаси большевик эмас,— деб Петров девонбегининг сўзини тузатди ва давом этди:

— Большевиклар рабочийлардан — фабрика-завод мардикорларидан чиққан, буларнинг ичида руси ҳам бор, арманиси ҳам бор, ҳар бир халқдан бор.

— Улар кўпми?— деб яна бир бой Петровнинг сўзини кесди.

— Кўп ва кўпаймоқда,— жавоб берди Петров.

— Улар қаердан келиб кўпаймоқда?— деб яна биров савол берди.

— Жамоат!— деди Петров бир оз қизишган ҳолда,— агар жим туриб мени эшитсангиз, ҳамма вопросларингиз ечилади... да... большевик осмондан тушмайди, ердан ҳам ўсиб чиқмайди, большевик ҳар бир халқнинг ўзидан чиқади. Ҳар бир халқнинг оёқ яланги, «боши бузуғи» большевик бўлса бўла беради. Масалан, сизнинг бўлусда ерсиз-сувсиз «боши бузуқ» ифвогар йўқми?.. Бор! Шуларнинг большевик бўлиши мумкин эмасми?.. Мумкин! Балки баъзилари большевик бўлгандир ҳам. Узоққа кетмайлик, сизнинг Бухородан қочган «жадидлар» большевиклар билан қалин ошна бўлган, бугун бўлмаса, эрта буларнинг кўписи большевик бўлиб кетиши мумкин. Ҳали ҳозирда ҳам сизнинг жадидлар, худо кўрсатмасин, жаноби олийнинг давлатларига халал бериш учун большевиклар билан бирлашган. Туркистон мусулмонларининг «боши бузуқларидан» ҳам кўп киши большевик бўлган. Мана бу балонинг олдини олиш учун шу бугундан бошлаб чора кўриш керак. Бунинг учун господин девонбегни айтгандай, жаноби олийга садоқат билан хизмат қилиш, ёшларга уруш илмини ўргатиш, яроғ сотиб олиш, ерсиз-сувсиз оёқ яланглардан хабардор бўлиш, токи улар бирон большевик тилчисига учраб большевик бўлиб кетмасинлар, ифвогарларни, боши бузуқларни, большевик тилчиларини топиб ушлаб ҳукуматга топшириш керак...

— Яроғни қаердан сотиб оламиз, бизда-ку яроғ бозори йўқ?— деб бир бой Петровнинг сўзини кесди.

— Рус қочқинларидан,— деди Петров,— императори аъзам ҳазратларининг большевикка бўйсунмайдиган казак аскарлари бор, булар ўз милтиқлари билан ҳар ердан — Хевадан ва Эрондан, ҳар бир томондан қочмоқдалар, буларнинг йўли кўпинча сизнинг юртингиз устидан тушади. Мана шулар ўз милтиқларини озгина пул бадалига сотадилар, агар сиз озгина пулни қизғанмасангиз оз вақтда юртингизни бешотар милтиқ билан тўлдирасиз. У ҳолда сиз жаноби олийнинг шарафли байроқлар остида ёлғиз ўз юртингизни, ўз динингизни, ўз молмулкингизнигина эмас, Туркистон мусулмонларини ҳам большевиклардан қутқаза оласиз.

Бу тўғрида яна баъзи нарсаларни господин Искандар тўра айтиб берадилар; — деб Петров ўз сўзини тугатди.

Александр Кутов ўрнидан туриб мажлисининг ҳар томонига қараб, бир-бир таъзим қилгандан кейин:

— Жамоат!— деб сўзга киришди,— ҳамма керакли гапларни девонбеги жаноблари ва господин Петров тўра сизга айтиб бердилар. Буларнинг гапларидан маълум бўлдики, хоҳ ўз динингизни, хоҳ ўз мол-мулкингизни қўримоқ учун, хоҳ Туркистон мусулмонларини большевиклардан қутқазмоқ учун бўлсин уруш илмини ўрганмоқ керак. Уруш илми ёлғиз милтиқ отмоқни билиш эмас, йўл тузиш ва йўл бузишни ўрганиш ҳам уруш илмидир. На-пример, агар жаноби олий билан большевиклар ораси бузилиб, иш урушга анжом топса, бу оташарава сиз учун бир бало бўлади, бу билан бир кунда қанча катта тўп-ларни ташиб, не дай бог, Бухоронинг қаъласига тира-моқ мумкин. Мана шундай кунда иш буюриш учун те-мирийўлни бузишни ўрганиб олмоқ керак. Бунинг учун мен жаноби олийнинг буйруқлари билан Бухородан те-мирийўл рельсидан бир нечасини ўзим билан бирга кел-тирдим, у рельсларни бир-бирига улаб очадиган қуро-лар ҳам бор. Эрта сиз йигирма-ўттиз нафар кўнглингиз тўладиган бўз болаларни йиғиб менга топширинг, мен уларга темирийўлни бузиш ҳунарини ўргатаман. Қайси кунки жаноби олийдан приказ келса, бу йигитлар оло-моннинг олдига тушиб темирийўлни босадилар ва бир со-атда бир неча чақирим темирийўлнинг из ва шпалларини бузиб ташлайдилар. Бу ишни ёлғиз бу ердагина эмас, балки жаноби олийнинг темирийўл бўйида бўлган бутун қаламравларида қиламиз. У ҳолда керак бўлган вақтда, Чоржўйдан Зирабулоққача, Когондан Шаҳрисабз ва Тер-мизгача бўлган темирийўлни бир кунда бузиб ташлаш мумкин бўлиб қолади.

Даҳлизда туриб Кутовнинг сўзларини эшитаётган Са-фарқул:

— Эргаш ака, иш катта-ку,— деди.

— Қандай?— деди Эргаш.

— Буларнинг гапларига кўра, яқинда амир билан большевиклар орасида уруш бўлса керак. Агар шу бўла-диган урушда большевиклар зўр чиқса, бизда ҳам бой-ларнинг мол-мулкни камбағалларга бўлиб бериш бош-ланар. Шундай вақтда сиз худодан тилаб Полвон ара-бининг ер-сувидан олмайсизми?..

Даҳлиз эшиги остида ўтириб Петров ва Кутовнинг сўзларини эшитиб большевиклардан, айниқса ўз қул-қа-

роллари орасидан пайдо бўладиган большевиклардан қўрқиб, даҳлиздаги ўз етимларига қулогини қирқ қилиб турган Полвон араб, Сафарқулнинг кейинги сўзини эшитиши билан, ирғиб ўрнидан турди ва даҳлизга чиқиб:

— Уйнинг кўйгурлар, нима деяётибсизлар,— дегандан кейин меҳмонхонага қараб баланд товуш билан:— Миршаббек, югуринг!— деди.

Бойнинг қўрқув аралаш даҳшатли тозушидан бутун мажлис остин-устун бўлди. «Бойнинг уйини ўғри босди шекилли» деб мажлисдагилар қўрқдилар. Гапираётган Кутув қути учиб, ўз йўлдошининг ёнида пусиб ўтириб русча қилиб: «ваҳший азиятский халқдан чиққан ўғрилар ўтакетган ваҳший бўлади. Улар молингни талашдан илгари ўзингни ваҳшиёна азоб бериб ўлдирадилар», деди.

Ўрмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин ва бошқа ўқтамроқ одамлар миршаб билан бирга даҳлизга қараб югурдилар. Ўрмон полвон даҳлиздан супа томонга чиқадиган эшикни ушлаб турган Полвон арабга қараб, ундан:

— Нима гап, бой ака?— деб сўради.

— Ҳеч гап йўқ,— деди бой,— мана бу кўрнамаклар,— Сафарқул билан Эргашни кўрсатиб,— «большевик замони бўлса, бойнинг мол ва мулкни ўзимиз бўлиб оламиз» деб маслаҳатлашаётибдилар...

— Мен айтмаганми эдим,— деди Ўрмон полвон бойнинг сўзини кесиб,— бу бадраг-қуллардан ҳалолзодалик кутиш дуруст эмас, буларга ош бериб иш буюриш эмас, ош ўрнига тош бермоқ керакки, бошларига урсинлар. Буларни оч-яланғоч зиндонга қаматиш керакки, ўз эларини ўзлари еб ўлсинлар...

Миршаб ва бошқа кишиларнинг ёрдамлари билан Сафарқул ва Эргашнинг қўл-оёқлари боғланди. Беш минутдан кейин бойнинг зинхонасида «вой жоним» деб ётганлар устига яна икки банди ортиган эди...

* * *

Эрта билан офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳовлисида икки арава тайёр бўлди. Миршаб, амлоқдор, қози ва раис одамларидан бир даста отлиқ араваларга қорувуллик қилиб Бухорога боришга ҳозирландилар. Миршаб сайисхона олдига бориб чўнтагидан калид олиб зин-

хонанинг эшикчасига солинган катта қулфни оча бошлади. Полвон араб Бухоро зиндонига жўнатилаётган «кўрнамак» одамларини ёшлигидан ўрганиб қолган қабиҳ ва заҳарли сўзлар билан сўкишга тайёрланмоқда эди.

Зинхонанинг эшикчасини очган миршаб:

— Чиқинглар!— деб буйруқ берди. Аммо зинхонадан ҳеч қандай ҳаракат товуши эшитилмади. Миршабнинг иккинчи чақириши ҳам жавобсиз қолди. Ўз-ўзига «Ий... булар ўлиб қолдимикин» деган миршаб, зинхона эшикчасига яқин келиб, эгилиб ичига қаради, ёруғликни шу уч қаричли эшикчадан бўлак ердан ололмайдиган зинхона ичи ойдин эди. Миршаб бошини эшикчадан ичкари тикиб дурустроқ қараса, зинхонанинг чўпкори девори орқа томондан тешилган, қаламалар орасидаги кесаклар олиниб, кўчага йўл очилган экан. Зинхона ичида бўлса, бандиларнинг қўл-оёқларига боғланган арқонларнинг кесилиб ташланган парчаларидан бошқа нарса йўқ эди. Бандилар чўпкори деворни осонлик билан тешиб қочган эдилар.

Бандиларни Бухорога олиб бориш учун тайёрланган отличлар, миршаб билан бирга, қочқинларни қўлга тушириш учун чўл томонга от суриб кетдилар.

VIII

1918 йил март ойларининг бошлари эди. Осмон оқ булут билан қопланган бўлиб, ёмғир аралаш майда қор ёғмоқда эди. Ҳаво унча совуқ бўлмаса ҳам, қир этагидаги Қарши ва Кармина чўлларига ёндошган Қизилтепа станциясининг аччиқ шамолига чидаб бўлмас эди...

Бу станциядаги пахта заводининг ишчилари зўр бир ташвиш кечирмоқда эдилар. Завод ишламас эди. Шундай бўлса ҳам, завод ишчилари совуқ ҳавода ўз уйчаларини иситиб тинч ётиш ўрнига, завод майдонида қор, ёмғир остида хотин-болалари билан йиғилиб турмоқда эдилар. Бир кишининг вокзалдан югуриб келиб завод комитетининг идорасига кириши билан заводнинг буғкарнайи қаттиқ ва йўғон садо билан узун бир гудок чалди. Гудок чалиниши билан завод майдонидаги ишчилар тўдаси комитет идорасига қараб силжиди. Ҳали тўда идора эшигига етганча йўқ эдики, комитет аъзолари идо-

радан чиқиб тўдага қараб келдилар. Темирўл ишчилари ҳам заводга қараб югурдилар.

— Уртоқлар, митинг!— деди комитет аъзоларидан бири, тўдага қараб.

Комитет раиси майдонга қўйилган беш-олти той пахта устига чиқиб:

— Уртоқлар!— деди,— кечадан бери Қогон билан муносабатимиз кесилган. Тунов куни эрта билан олинган хабарга кўра, Бухоро инқилобчиларига ёрдам учун Самарқанд меҳнаткашларидан бир состав кўнгиллилар — қизил партизанлар йўлга чиққанлар. Ҳисоб бўйича, улар бизга қачонлар етиб келишлари керак эди, лекин улардан ҳалигача дарак йўқ. Кечадан бери Самарқанд билан телеграф алоқамиз кесилган. Ҳозирги аҳвол тўғрисида кенгроқ маълумот бериш учун сўз пресхонада кўп йиллардан бери ишлаб келган ўртоқ Суярқулга берилади.

Узун бўйли, қора соқолли, туси қорамтир бир ишчи пахта тойлари устига чиқиб:

— Уртоқлар!— деди,— Бухоро амири, Бухоро ҳукмати Бухоро ёшлари ва инқилобчиларини ҳозиргача уч марта алдади. Бири февраль инқилобида эди. Февраль инқилобида амир ёшларнинг талабларини эшитгандай бўлиб бошда ислохот ва халққа бир даража ҳуррият бериш тўғрисида манифест чиқарди. Аммо бу манифестга босилган муҳрнинг сиёҳи қуримасданоқ уни йиртиб ташлади. Ёшларга қирғин солди, урди, қамади, талади. Амир бу билан қолмади, туманларда, вилоятларда ўз зулмини бурунгидан ҳам орттирди. Бунинг устига меҳнаткаш деҳқонларни, камбағалларни жадидлик ва инқилобчиликда туҳматлаб қамаб, уриб ўлдира бошлади.

Октябрь инқилобидан кейин амирнинг зулми яна бирга ўн ошди. Октябргача амир ва унинг ҳукмати меҳнаткашларни жадидлик ва инқилобчилик билан туҳматлаган бўлса, октябрдан кейин уларни большевиклик билан ҳам туҳматлай бошлади. Бу кейинги уч-тўрт ой орасида Бухоро музофотида амирнинг, унинг амалдорларининг ёки ўз хўжайинларининг зулмидан дод деган бир неча камбағал большевикликда туҳматланиб амир зиндонига қамалиб бўғилиб ўлдирилмаган ҳеч бир қишлоқ қолмади.

Шунга муқобил, февраль инқилобида мағлуб бўлган Бухоро ёшлари, Бухоро инқилобчилари октябрь инқило-

бидан руҳланиб амир билан ўз ҳисобларини баравар қилмоқчи бўлдилар ва ўша йиртилган манифестни ижро қилдириш талаби билан амирга қарши чиқдилар, бунга эски амалдорларни ишдан бўшатиш талабини ҳам қўшдилар.

Амир бу талабномани олган ҳамон жаллодлиги билан машҳур бўлган ўз қушбегиси — мирзойи Урганжий қушбегини ишдан бўшатди. Ёшлар буни ўз талабларининг қисман қабул қилиниши деб фаҳмлаб, бир даража тинчландилар. Лекин бу амирнинг иккинчи марта алдаши эди: қушбегини бекор қилган амир эртасига, ёшларнинг талабига жавоб бермасдан, уларга қарши аскар ва тўпхона чиқарди, уруш бошланди.

Аmmo бу биринчи тўқинишда ўз лашкарбошиси ва тўпхонасини қўлидан берган амир яна ҳийла йўлини тутди: ёшларга элчи юбориб ўзи билан музокара қилиш учун вакил сўради. Албатта, инқилобчилар бунга ишонмаган эдилар, лекин амир билан ярашишни мақсад қилиб олган жадидлар талабни ёқладилар ва бу талабни қондиришга муваффақ бўлдилар.

Бу энди амирнинг учинчи алдаши эди: чунки, бир ёқдан, вакил бўлиб Бухоро аркига борган йигирма бир кишини ваҳшиёна ўлдирган бўлса, иккинчи ёқдан, бу уч кунлик муторака фурсатидан фойдаланиб ўз ҳозирлигини кўриб Амирободдан Термизгача, Чоржўйдан Зирабулоқгача темирйўлга ҳужум қилиб, тўрт томондан муносабатимизни кесди. Қогондаги ёшлар комитети ва отрядини Туркистон Шўролар ҳукуматини бошлиғи ўртоқ Колесов бирга муҳосарага олди.

Тоза кийимли, оқ ёқали, бир европалик ўтирган еридан:

— Бухоро ёшларининг бу арзимас ислоҳот талабига қўшилиб ўзимизни таҳликага солиш биз учун керак эмас эди,— деб нотиқнинг сўзини кесди.

Унга муқобил бир европалик ишчи ўрнидан ирғиб туриб:

— Гражданин Маргулис!— деди, сиз янглишасиз. Мустамлака юртларида бўладиган ҳар бир инқилобий ҳаракатга, қандай тусда бўлса бўлсин, ёрдам бериш бизнинг инқилобий вазифамиздир. Буюк раҳбаримиз ўртоқ Ленин бизга шундай деб ўргатган. Бу бир. Иккинчи ёқдан, император офицерлари, императорнинг Бухородаги собиқ дипломатия агентлари Бухоро амирига сиё-

сий, ҳарбий ва техника жиҳатидан ёрдам бериб қирғинни биззот идора қилиб турганлари чоқда, биз рус ишчилари Бухоро инқилобчиларига, Бухоро меҳнаткаш деҳқонларига ёрдам беришимиз айбми!

Инженер Маргулис яна гапирмоқчи бўлганда уни мажлис раиси жим туришга таклиф қилди ва нотикдан ўз сўзида давом қилишни сўради.

— Менинг сўзим тугаган ҳисоб,— деди Суяркул, янгидан сўзга киришиб,— фақат шуни қўшимча қилиш керакки, менга ўз қишлоғимдан келган пухта хабарга кўра, Гиждувон ва Шофирком туманидаги амир амалдорлари, эл навкарлари бизга, яъни Қизилтепа станциясига қарши юриш бошлаганлар. Мана бу ҳолни назарга олиб, ҳозирланишимиз керак...

Тўрт томондан:

— Яроғ, яроғ, яроғланамиз,— деган садолар чиқиб, тўдани оёққа бостирди. Ишчиларнинг ҳаяжони орасида:

— Ўртоқлар!— деди комитет раиси Иван Иванович. Ишчилар тикка туриб, жим қулоқ солдилар,— интизомни сақлаш, ҳарбий интизомга бўйсуниб керак. Энг яхши нишончи-мерган ўртоқлар бир томонга айрилсинлар, бор яроғни уларга бўлиб берамиз, қолган ўртоқлар той пахталардан завод теварагига шинак қуришлари керак.

— Менга ҳам яроғ берилсин, менга ҳам яроғ берилсин...— садолари заводда янграб эди. Комитет аъзолари синалган мерган ишчиларни ажратиб, бор милтиқ ва ўқларни бўлиб бердилар. Яроғ олиш шарафидан маҳрум бўлганлар пахта тойларига ёпишдилар. Бир соатда заводнинг тевараги мустаҳкамланиб, мерганлар учун қулай шинаклар ҳозирланди. Комитет раиси Иван Иванович командирликни ўз қўлига олиб, яроғлиларни шинакларга ўрнаштирди. Яроғ олмай қолганлардан ихтиёт қисм тайёрлаб, шинак орқасига қўйди, хотинлардан шафқат ҳамширалари тўдаси тузди...

Командир қуйида бу ишлар билан машғул экан, томдан-шинакдан:

— Келдилар!— деган ҳаяжонли товуш эшитилди. Товуш орқасидан бирдан уч милтиқ отилди. Бошқа шинаклардан ҳам олдин-кейин милтиқ садолари эшитила бошлади...

Командир ирғиб ўзини томга, шинак олдига олди ва: — Қани, қайси томондан келаётирлар?— деди.

Шинакдагиларнинг:

-- Мана, мана,— деб кўрсатган томонларига дурбин билан қаради-да, ҳаяжон билан:

— Отманглар, ўзимизникилар!— деб қичқирди.

Зарафшон бўйи томонидан уч ишчи милтиқларини бошларига кўтариб югуриб келмоқда эдилар. Командирнинг изоҳи билан ҳаяжон босилди. Командир шинакларни бир-бир айланиб, отиш командаси берилмагунча отмаслик тўғрисида оғзаки буйруқ берди. Бу вақтгача Зарафшон бўйи томонидан келаётган ишчилар ҳам етиб келдилар. Командир уларнинг гапларини эшитди. Уларнинг бири қисқа-қисқа нафас олгани ҳолда ҳикоя қила бошлади.

— Соат ўн бўлган эди,— деди у,— Зарафшондан, водокачканинг рўпарасидан бир тўп отлиқ ўта бошлади, уларга салласини елкасига босиб ўраган бир киши фармон бермоқда эди...

— Соқолига оқ тушган, оқ юзли одам эдими, ёки қора соқолли, қорамтир туслими?— деб ерли бир ишчи унинг сўзини кесди.

— Оқ юзли эди!— деб жавоб берди Зарафшондан келган ишчи.

— Бу,— деди ҳалиги ишчи,— Ёждувон билан Шофирқомнинг миршаби кал Султон, Ҳожилатиф девонбегининг акаси, ҳар иккаласи ҳам кал бўлганлари учун саллаларини елкаларига босиб ўрайдилар.

— Хайр, майли,— деди бошқа бир ишчи,— уларнинг кал бошларини милтиқ доруси билан даволаймиз. Ҳозир ҳикояни эшитайлик.

Зарафшон бўйидан келган ишчи ўз ҳикоясида давом қилди:

— Улар сувдан ўтган ҳамон «Олҳо-ол, босҳо-бос!» деганлари ҳолда водокачкага қараб от чоптирдилар. Шубҳаланиб, милтиқларимизни тайёрлаб турган учаларимиз бирдан бўшатдик. Икки одам ва бир от йиқилди. Ҳужумчилар қайтиб водокачканинг бошқа томонидан босдилар. Биз ҳам иморатнинг айвончаси орқали у томонига ўтдик. У ёққа қарасак, ваҳшийлар хотин-болаларимни қилич билан тўғрамоқдалар.

Ҳикоя қилувчи ишчи йиғлаб юборди, ортиқ гапира олмади. Шинакдаги ерли ишчилардан бири:

— Ҳайр, майли, зарари йўқ; бу ишларни битказгандан кейин яна хотин, бола топасан,— деб унга тасалли

берди. Зарафшондан келганларнинг бошқаси ҳикояни давом эттирди:

— Биз кўрдикки,— деди у,— уччовгинамиз шунча одамга қарши туrolмаймиз. Водокачка йўлига ота-ота кейин ўтириб олдик. Уларнинг ўқлари бошимиздан, ёнимиздан визиллаб ўтмоқда эди. Яна бир югуриб синаб кўрдилар. Бу ҳужумда ҳам бизнинг ўқимиздан бир киши йиқилди. Кейин қайтдилар. Биз Талияхоб қишлоғига келганда водокачка иморати ёниб, аланга аралаш ту-туни буралиб кўкка чиқмоқда эди. Энди ҳужумчилар биздан узоқда қолган, орамизни дарахтлар тўсиб қолган эди. Биз ўрнимиздан туриб бу томонга қараб югура бошладик...

* * *

Зарафшон бўйидан келган ишчиларнинг ҳикоялари битар-битмас, шинаклардан:

— Келдилар, келдилар!— товушлари кўтарилди. Командир дурбинни кўзига тутиб ҳар томонга қаради. Заводнинг уч томонидан ярим доира шаклида отлик ва пиёда қоракалтакликлар келмоқда эдилар. Командир шинакларни тартибга солиб, қаттиқ буйруқлар берди. Яроғлилар шинакларда ерлашдилар. Ҳужумчилар доираси торайиб, яқинлашмоқда эди. Доира ўқ етарли жойга келганда командирнинг баланд товуш билан берган:

— Отинглар!!! — командаси ҳамма шинаклардаги милтиқларни бирдан бўшаттирди. Милтиқларнинг тутуни орқасидан чўлнинг чанги кўкка кўтарилди. Ҳужумчилар қочмоқда эдилар. Майдонда бир-икки от ва одамнинг гавдасидан бошқа нарса қолмаган эди.

Станцияда — сув омборидан чопиб келган ишчи сувнинг келмай қолганидан, сув эҳтиётининг озлигидан маълумот бериб, сувни аяб сарфлашни сўради. Бу маълумотни эшитган шинакдаги ишчиларнинг бир қисми «Сув, сув келтир!» деб ҳамшираларга бақира бошладилар.

Командир орага отилиб:

— Жим бўлинглар!— деди,— сувнинг оз қолганини эшитиб сувсадингларми? Агар дарҳақиқат сувсаган бўлсанглар, том ва шинаклардаги қор учқунларини ялай беринглар, ҳеч кимга сув берилмасин, қўлимиздаги сувни

Когон ё Самарқанд билан алоқамиз боғлангунгача етказишимиз керак...

Чўлдан яна «Олҳо-ол!! Босҳо-бос!!» товуши кўтарилди. Хужумчилар бирданига уч томондан от чоптириб келмоқда эдилар. Бу гал аввалгидан ҳам яқинроқ ерга келганларидан кейин ишчилар командири томонидан «отиш» командаси берилди.

Шинаклардан бу дафъа отилган ўқларнинг кўписи бўшга кетмади. Бир неча от ва одам майдонга йиқилган бўлса, бир нечаси яраланиб қочмоқда эди. Иккинчи команда билан қочқинлар орқасидан отилган ўқлар ўлик ва ярадорлар сонини яна ҳам орттирди... Бу ҳол қоронғи кечгача давом этди.

Кун ботиб, чўл қоронғилашиб, одам одамни кўра олмайдиган бўлгандан кейин хужумчилар кўздан йўқолдилар. Улар атроф қишлоқларга бориб истироҳат қилмоқда ва эрта учун ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

Командир шинакларга навбатчи қўйиб, бошқаларга хўрак ва истироҳат берди, тонг отгунгача навбатчилар бир неча бор алмаштирилдилар. Тонг отар-отмас яна чўлдан: «Олҳо-ол!! Босҳо-бос!!» садолари кела бошлади. Бугун ҳам хужумчилар зафар топмадилар.

Аммо учинчи кунда иш бошқа тус олган эди, бир ёқдан, ишчиларнинг ўқ-дори запаслари озайган бўлса, иккинчи ёқдан, сув камаймоқда ва озуқа ҳам саноқли миқдорда қолмоқда эди. Заводнинг ишчилар комитети темир йўл ячейкаси билан қилган қисқагина мажлисидан кейин, командир маълумот бериб:

— Уртоқлар!— деди, ишчиларга қараб,— бугунгача бизга на Когондан, на Самарқанддан ёрдам келмади, агар бугун қолсак босилиб бутун кесиламиз, шунинг учун бор вагонларга ерлашиб Самарқанд томонига қараб жўнашимиз керак...

Командирнинг сўзи қаттиқ эътирозлар билан кесилди:

— Биз охиригача урушамиз...

— Биз Когонда қамалиб қолган Бухоро инқилобчиларини ёлғиз ташлаб кетмаймиз...

— Бўлмайди,— деди командир, шовқинни зўр билан бостиргандан кейин,— бизнинг ўқ-доримиз яна икки сотатлик урушга ҳам етмайди, ҳолбуки йўлда ҳам бизга ўқ-дори керак. Бўш-бўшига ўлишнинг Бухоро инқилобчилари учун бир чақалик фойдаси йўқ. Уларда ўзларини

қўриқлагувдек қувват бор, аммо бизда ҳеч нарса қолмади.

Командирдан сўнгра станция начальниги сўз олиб гапирди:

— Бизда, — деди, — ёлғиз икки вагон ва бир паровоз қолган, холос. Бошқа вагон ва паровозларни Қогонга — ўртоқ Колесов ихтиёрига юборган эдик, сувимиз бўлса, паровозни юритиш учун Зиёуддингача ё етар, ё етмас, қанча кечиксак, сувимиз ўшанча буг бўлиб учиб озаяди, шунинг учун тездан кўчиш керак...

Командирнинг:

— Ўртоқлар, вагонларга! — деган командаси билан ишчилар вокзал томонига қараб юра бошладилар. Ҳаммадан бурун вагонда ерлашишлари лозим бўлган хотин-қизлар қозон-товоқлари, примуслари, яшиклари, эскириб йиртилган кўрпа-ёстиқларини йиғиб олишга овора бўлиб кўчишни кечиктирмоқда эдилар.

Бу орада «уллослаб» яқинлашган ҳужумчиларни шинаклардан отилган милтиқлар кейинга тисарди...

Ишчилар вагонларга ерлашдилар, вагонларнинг олдини, орқасини яроғланган ишчилар сақламоқда эдилар. Сўнг, ҳуштак чалиб йўнала бошлаган паровоз ярим чақирим юрар-юрмас тўхташга мажбур бўлди; йўли бузилиб шпаллар куйдирилган, рельслар узоқ ерларга боғлиқ букиб ташланган эдилар. Ишчилар вагонлардан тушиб орқада қолган рельс ва шпалларга ёпишдилар, уларни ўз жойларидан кўтариб келтириб, олдинда, бузилган йўл ўрнида, янги йўл қура бошладилар. Паровоз ва вагонлар бир оз силжигандан кейин яна кейинда қолган шпал ва рельсларни олдинга ташиб ўтиб йўл қура ва ўз қарвонларини илгари силжитар эдилар.

Бу вақтда станция томонида — завод теваарагидан «уллослаб» чиқа бошлаган товушлар орасида қизил олов аралаш қора тутун кўкка кўтарилди. Завод ёнмоқда эди...

* * *

Колесов отряди ҳимоясида Қогондан қочган Бухоро инқилобчилари ва бошқа қочқинлар Қогон билан Қизилтепа орасидаги бузилган темир йўлни шпал ва рельс кўтариб тузатиб, ўз составларини юргизиб келганда Қизилтепа станциясида куйиб кул бўлган завод ва станция

иморатларидан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Ҳаммадан зарурроқ бўлган сув бир томчи ҳам топилмас эди. Қочқинлар ахтара-ахтара заводнинг ҳовузидан бир оз ифлосланган кўлмак сув топдилар.

Ҳамма бирдан чигиртка урушидан қайтган чуғурчуқлардек, сувга ёпишди. Бу сув ичилди, ташилди, вагонларга олиб борилиб эҳтиёт қилина бошлади. Бир соат орасида ҳовузнинг таги кўриниб қолди. Аммо ҳовузнинг тагидан оёқларига темир боғланиб ташланган одам гавдалари чиқди.

Булар кал Султон миршаб, Абдулла бойвачча, Ўрмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин кўл остиларида Шофирком ва Ғиждувон туманларидан келган амир навкарлари бўғдириб сувга ташлаган, қочишга улгурмаган завод ишчиларининг гавдалари эди...

IX

Нурота билан Шофирком орасидаги чўлда бир қозоқ қора уйининг ичида саксовул ўтини гуриллаб ёнмоқда эди. Гулхан теварагида бир неча киши исинмоқда эди. Қора уйда ўтирган одамлардан бири эшикка чиқиб осмонга қаради. Қора булутлар билан қопланган осмонда биронта ҳам юлдузни кўрмагач уйга қайтиб:

— Бу қозоқ,— деди,— шундай юлдузсиз қоронғи кечада йўлни топа олармикан? Йўлдан адашиб бизни Нурота ё Шофирком ва ё Ғиждувон томонига олиб бормасин деб кўрқаман.

— Энди ҳар нима бўлса ҳам, шу қозоққа итоат қилишдан бошқа чорамиз йўқ, пешонамизга ёзилганини кўрамиз-да,— деди бошқа бир киши.

Яна мажлис жим бўлди. Қора уйда гуриллаб ёнаётган саксовулнинг шитирлашидан, гулхан ичидаги чўян офтобанинг бақирлаб қайнашидан бошқа товуш эшитилмас эди.

Қўлида битта кўмач, битта чойнак-пиёла билан қозоқ эшикдан кирди:

— Сизлар,— деди,— мана бу нонни еб, мана бу чойнакка чой дамлаб гурунглашиб ичиб ўтиринглар. Мен нариги овулга бориб бир неча от-эшак топиб келаман, кейин йўлга чиқамиз.

— Йўлга чиққандан кейин неча соатда Жиззахга бо-
рамиз,— деди ўтирганлардан бири, қозоққа қараб.

— Мен,— деди қозоқ,— соат-моатингни билмайман,
агар ярим оқшом бу ердан улов билан чиқсак, эрта туш
вақтигача сизларни амир тупроғидан чиқариб больше-
виклар юртига етказаман.

Қозоқ чиқиб кетди, чой дамланди, қора уй ичини яна
қайғули жимлик босди. Мажлис аҳлидан йигирма сак-
киз-йигирма тўққиз ёшлардаги бир йигит чойни қайта-
риб пиёлага озгина қуйиб ичгандан кейин яна чой қуй-
ди ва ўтирганларнинг энг қариси бўлиб, олтмиш
беш-етмиш ёшларни эслатадиган одамга узатиб:

— Оға,— деди,— гапириб ўтиринг, суҳбат ғанимат,
ким билади, эртага бошимизга яна нималар келади, ҳар
ҳолда худонинг тақдиридан бошқа ҳеч бир иш бўл-
мас.

Чойни олиб олдига қўйган чол:

— Нима гапирай, нимадан гапирай,— деди, «гар ме-
нинг дардим биттагина бўлсайди нима бўлар эди? Агар
менинг ғаним озгина бўлсайди нима бўлар эди? Агар
менинг ёстиғим бошида севгилимми, ёки табибимми,
ҳар иккаласидан бири бўлса нима бўлар эди?» мазмуни-
да бўлган:

Агар дардам яке буди, чи буди?

Ва гар ғам андаке буди чи буди?

Ба болинам табибам, ё ҳабибам,

Аз ин ҳар ду яке буди, чи буди?

деган лўрлик Бобо Тоҳирнинг шеърини ўқиди ва шарҳ-
лаб кетди:

— Амирнинг золим ва қонхўрлигидан гапирайми?
Ёшларнинг ўйламасдан иш бошлашларидан гапирайми?
Хотин-болаларимнинг амир жаллодлари қўлида қолиш-
ларидан гапирайми? Ёки ўзимнинг қариллик чоғимда
чўлма-чўл қочиб юришга мажбур бўлишимдан гапирай-
ми? Бухоро жадидлари таянишга мажбур бўлган боль-
шевикларнинг савдо-сотиққа йўл қўймаганларидан
гапирайми? Қайси бир дардимдан гапирай?— чол олди-
даги совуган чойни ҳўплаб ича берди.

— Шукур қилинг,— деб чолнинг ёнида ўтирган ўрта
ёшли, соқолига оқ туша бошлаган бир киши унга тасал-
ли берди,— хотинингиз ва ёш болаларингиз амир жал-
лодларининг қўлида қолган бўлсалар ҳам, бу ўғиллари-

нгиз олдингизда,— чолнинг ёнидаги ўн тўрт, ўн олти ёшларда бўлган икки болани кўрсатиб, яна давом қилди:

— Биласизми, юртнинг бошидан нималар ўтаётир? Ёлғиз Шофирком ва Гиждувон туманидан қанча номусли кишилар кўчаларда, уйларда ўлдирилдилар, уларнинг мол-мулклари амир жаллодлари томонидан таланди. Соктарелик Ҳожисирож, гиждувонлик Азимжон ва Авезбек каби маълум ёшлар қўл-оёқларига кишан ва бўғов солиниб Бухорога узатилдилар. Қим билади, улар у ерда қандай азоб-уқубатлар билан ўлдирилган бўлсалар, уларнинг етим-есир бўлиб қолган хотин-болалари йўқми? Менинг бўлса, бутун хотин-болаларим, қизларим, келинларим амир жаллодларининг қўлларида қолди, шундай бўлса ҳам шукур қилмоқдаман: умидим борки, бутун деҳқонларни амирга қарши қўзғатиб, унинг тахту бахтини ер билан яксон қилиб, ундан халқнинг ўчини олай,— сўзловчи олдидаги чойни ичиб, қурий бошлаган томоғини ҳўллади.

— Сиз,— деди чой қуяётган йигит, сўзловчига қараб,— деҳқонларни амирга қарши қўзғата олмайсиз, чунки сиз ва сизнинг жадидларингиз деҳқонларнинг дардини билмайсизлар, ёки билсангиз ҳам у дардларни даволашни истамайсизлар.

— Сенинг,— деди ҳалиги одам пиёлани унинг томоғига отгани ҳолда,— Сафарқул билан менинг орқамдан чўлма-чўл юришингиз деҳқонлар қўзғолони эмасми? Сизларни амирга қарши қўзғатган мен эмасманми?..

— Кечирасиз, Шокир ака,— деб Сафарқул унинг сўзини кесди,— бизни сиз эмас, балки Тошкент ва Самарқанддан кела бошлаган большевиклар шамоли қўзғатди.

— Большевикларнинг қандай ишлари сизга ёқди?— деб Сафарқулдан сўради чол.

— Эшитишимизча,— деди Сафарқул,— большевиклар бойларнинг молу мулкларини олиб камбағалларга бўлиб берар ва ерсиз-сувсиз деҳқонларни ёқлар эмишлар.

— Бу ҳам бошқа бир тартибсизлик,— деб пешонасини буриштирди чол. Фақат ташқаридан эшитилган от туёғининг товуши энди қизиб бораётган мубоҳасани кесди.

— Қозоқ дарров келди шекилли,— деб эшикка чиққан Сафарқул орқасидан чой қуяётган йигит ҳам чиқди.

Қора уй теварагида ўн беш-ўн олти яроғланган от-

лиқ одамлар турмоқда эдилар. Улардан бири қора уй эшигида турганларга қараб:

— Йигит оғаси, уйингизга кириб исиниш мумкинми?— деди ва уларнинг «ҳа» ё «йўқ» ларини кутмасдан отдан тушиб, отни ўз йўлдошларидан бирининг қўлига бериб, совқотган қўлини пуфлагани ҳолда уйга кирди ва кирган ҳамон «э» деб бошини эшикдан чиқариб:

— Тушинглар, тўй устидан чиқибмиз-ку,— деди,— жадидларнинг катталаридан бўлиб, қулларни қўзғатиб юрган ғўрбунлик Муллашариф билан Шокирғулом шу ерда эканлар.— Йигитлар телбаланиб отдан тушиб, милтиқларни отишга ҳозирлаб ушлаганлари ҳолда, қора уйни босдилар. Шокирғулом, Муллашариф ва унинг икки ўғли амир одамлари томонидан тутилдилар. Аммо бу ҳолни кўрган Сафарқул қоронғиликдан фойдаланиб ўз йўлдоши билан чўлга қараб қочдилар, ёға бошлаган қор уларнинг изларини кўзлардан яширмоқда эди...

* * *

Хўжаориф бозорида бошига эски паранжи ёпинган, чимматсиз бир хотин қўлида икки айил ва бир арқон ушлагани ҳолда уларни сотарман бўлиб юрар эди. Бу хотин эртадан-кечгача бозор-кўчаларни ўн марта айланган бўлса ҳам, унинг молига ҳеч бир харидор чиқмади, берун харидордан умидини узган хотин ахир арқон бозорига келиб ўз молини бир вофурушга тәклиф қилди. Арқонжаллоб унинг арқон ва айилларини бир неча бор ушлаб, тортиб кўргандан кейин:— Ярамас нарсалар,— деди,— биз мундай чириган нарсаларни олиб-сотиб харидорлар олдида ўзимизни бадном қилмаймиз,— молларни қайтариб хотинга узатди.

— Майли, нима берсангиз беринг, шуларни олинг,— деди хотин.

— Хайр бўлмаса, ҳар уччаласига бир танга берай. арзимаса, садақа бўлар,— деди арқонжаллоб.

Хотин, арқон билан айилларни унинг қўлидан қайтариб олиб:

— Инсоф қилинг-да,— деди,— бир неча кун чўлдаги тиканзорларни кезиб, улар орасида ўтлаб юрган қўй-эчкилардан илиниб қолган жунларни териб, урчуқда йигириб тўқиб ва товлаб чиққанман. Икки ойлик меҳнатим

сарф бўлган нарсага ҳеч бўлмаса икки кунлик ўлмас овқат пули берсангиз эди.

— Опажон,— деди жаллоб,— мен сизга ялинганим йўқ, сиз олинг деб ёлвораётисиз. Дўконнинг олдини бўшатинг, савдомизни кўрайлик.

Хўрланиб орқасига қайтган хотин ўз ўрнида туриб қолишга мажбур бўлди, чунки қўллари орқаларига боғланган, юзлари таёқ ва қамчи зарблари билан ёрилиб қизил қонга бўялган бир неча бандиларни бир тўда отлиқлар кўчадан ҳайдаб кетмоқда эдилар. Кўча «жадидлар, жадидлар» деб қийғос солиб орқа ва олдиндан босиб келаётган бозорчилар билан тўлган эди. Аммо бу кунлик овқат ғамида қолган хотиннинг «жадидлар»га қизиқадиган ҳафсаласи йўқ эди.

Оломон ва отлиқлар ўтдилар, кўча бир оз тинчланди. Хотин энди юраман деярганида арқонжаллоб дўкони олдига бир отлиқ йигит келиб, оти учун ундан якка жиров бўларли бир чилвир сўради.

Хотин сўнгги умидга ёпишиб ўз арқон ва айилларини у йигитга кўрсатиб:

— Яхши йигит, шуларни олсангиз-чи, шу кунлик овқатим йўқ,— деди.

Йигит, хотинни масхаралаб, эгар бошида осиглиқ чопонни унга кўрсатиб:

— Сен шу чопонни олсанг-чи,— деди,— чунки менинг ҳам шу кунлик овқатим йўқ.

Хотин чопонни сотиб олиш учун эмас, балки унинг этагидаги ямоғи кўзига таниш кўринганидан чопонни олиб у ён-бу ёнини айлантриб қаради ва қути учган ҳолда:

— Яхши йигит, бу чопонни қаердан топдингиз?— деди.

— Танидингми?— деди,— мен буни ҳалиги йўлдан ўтган жадидларни қўлга киризганимда уларнинг бирисидан ўлжа қилиб олдим.

Хотин «войдод» деб арқонжаллобнинг дўкони олдига йиқилди. Арқонжаллоб уни туртиб-туртиб:

— Бу чопон эрингизники эдими?.. Демак, сизнинг эрингиз жадид экан,— деганида хотин зўрға ўз ҳушини бошига келтириб:

— Йўқ, худо ҳақи,— деди,— эримнинг жадид-мадид деган нарсалардан хабари йўқ.

— У жадидми, жадид эмасми,— деди арқонжал-

лоб,— бу бошқа гап, аммо агар чопон уники бўлса, у ҳам жадидлар қаторида қўлга тушган бўлади.

— Айт, тўғриси айт, бу чопон кимники эди?— деб ҳалиги йигит у хотиннинг бошига қамчи сола бошлади.

— Тўхтанг, айтаман,— деб хотин сўзга киришди,— бултур,— деди,— мен танимайдиган бир киши бизга келиб эди. Шу чопоннинг йиртиғини мендан яматиб олган эди. Уша одам шу йил яна бир кеча бизни кига келиб эримни йўлчи қилиб ўзи билан бирга чўлга олиб кетиб эди. Агар шу чопоннинг эгаси қамалган бўлса, унинг йўлдоши бўлган гуноҳсиз эрим ҳам қамалган бўлади.

— Вой додейй, эримни ноҳақ қамагандирей!— деб яна йиғлай бошлади хотин.

— Тур!— деди йигит, у хотинга дўқ қилиб,— сенинг уйингга жадидлар келиб кетсалар, эринг қочоқ жадидларга йўлчилик қиладиган бўлса, ўзинг жадидларнинг чопонини ямаб берадиган бўлсанг, сендан кўп сирлар очилиши мумкин.

Бу гапларни эшитиб кўзи хираланиб турган хотиннинг бошига йигит қамчи солиб:

— Тур дедим, тур!— деди.

— Вой жоним, мусулмончилик борми?!— деб ирғиб ўрnidан турди хотин ва ерда қолган арқон ва айилларини эгилиб ердан олиб, йигитга тикилганича қараб қолди, йигит унинг арқон ва айилларини қўлидан тортиб олиб хуржунига тиққанидан кейин унинг бошига яна бир қамчи солиб:

— Олдин туш!— деди ва уни ура-ура қозихона томонига ҳайдаб кетди...

Х

Қиш бўронлари ўтган, баҳорнинг юмшоқ ҳаволи кунлари бошланган бўлса ҳам, Оренбург шамоли йўлида бўлган Шофирком чўлининг ҳавоси унча ёқимли эмас эди.

Шундай бўлса ҳам устма-уст бўлаётган офтобли кунлар таъсирида чўлнинг қалин қорлари эриган, унда мунда юзи юпқа муз билан қопланган кўлмаклар пайдо бўлган эди.

Қорсиз, ёмғирсиз ҳаводан фойдаланиб Шофирком туманининг ўтинкашлари чўл этагида ёйилган эдилар.

Ўтинкашлар, ёмғирдан кейин донлашга югурган товуқлардек, чўлни тирмаламоқда ва овқат тўплашга киришган қумурсқалардек терган ўтинларини ташиб бир ерга тўплаб қўймоқда эдилар.

Уйларидан ярим кечада чиқиб кун ойдинлашганда ишга киришган ўтинкашлар, кун қайтганда керакли ўтинларини йиғиб бўлиб уйларига қайтишга ҳозирландилар.

Бу ўтинкашларнинг баъзиларида бирор маслуқ эшак бўлса ҳам, кўпчиликларида учига тўғоноқ боғланган бир арқон ва бир ўроқдан бошқа асбоблари йўқ эди. Эшаклилар ўтинларини эшакларига ортиб уни йўлга солдилар; яёвлар бўлса йиртиқ чопонларини чорқат қилиб белларига букиб, арқон билан боғланган янтоқ ва шувоқларни орқалаб, арқон учини елкалари, қўлтиқ ости ва белларидан айлантириб чорбанд қилиб, узун таёқларига таяниб йўлга тушдилар.

Яёв ўтинкашлардан бири букилган чопонининг орасига бир тугунча ҳам тиқиб олиб ўтинини кўтарди; қалинлашган орқасида ўтиннинг оғирлигини елкаси унча сезмагач:

— Эҳе, меники жуда соз бўлибди-ку,— деди йўлдошларига,— станцияларда юк ташийдиган пирсиён ҳаммоллар шунинг учун орқаларига тўқимча боғлар эканлар-да.

— Ўшаларнинг ҳам кунлари жуда қаттиқ-э,— деди бошқа бир ўтинкаш,— бир кун Кармина бормоқчи бўлиб станцияга тушган эдим, билет ололмай бир кеча-кундуз қолдим. Бекорчиликдан шу кеча-кундузни ўшаларнинг ҳолларини ўрганиш билан ўтказдим: поезд келган вақтда вагонларга қараб югурадилар, йўлчиларнинг туширадиган ёки ортадиган юклари бўлса кўтарадилар ва улардан беш-ўн тийин оладилар. Шундай қилиб бир неча поездни ўтказиб нон пули тўплагандан кейин, битта нонни олиб девор остига чўзилиб еб ётиб, яна поездни кута бошлайдилар. Баъзилари бир-икки поездни ўтказсалар ҳам, ҳеч ташийдиган юк тополмайдилар. У вақтда оч ётишдан бошқа чора йўқ.

— Мен ҳам кўрган эдим,— деди бошқа бир ўтинкаш,— уларнинг ётадиган жойлари ҳам йўқ, битлаб ифлосликларга булганиб кўчаларда ёта берар эканлар.

— Улар ўз юртларини ташлаб нима учун бу томонларга келган бўлсалар-а?— деди ўтинкашлардан бири.

— Улар,— деди бошқа бириси,— Эрондан (раҳмат-

ли Шокир аканинг айтишича «хуррият» бўлгандан кейин «жаннатга айланган» Эрондан) нон ахтариб келган-да. Уларнинг юртларида ҳам ер-сув бойлар, беклар қўлида, фақир халққа ярим оч, ярим тўқ ҳолда қора хизмат қилишдан бошқа кун кўриш йўқ.

— Фақир халқ учун,— деди бир ўтинкаш,— ҳақиқий озодлик, тўқлик Шўролар мамлакатига — большевиклар юртида. Ҳозир бутун Россияда бўлганидек, Туркистонда ҳам ҳукумат ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар қўлида. Ҳукумат хизматига, ёки завод-фабрика ишига кирган меҳнаткашлар-ку албатта яхши тирикчилик қиладилар, бойга етим ё чўпон бўлганларнинг ҳоллари ҳам бизникидан минг марта яхши. Етим-чўпон бой эшигига шартнома билан киради, бой уни тўйдиришга, кийинтиришга мажбур, кунда саккиз соатдан ортиқ иш буюра олмайди...

— Бизникидай кунда ўн олти-ўн саккиз соат ишлашга мажбур эмас эканлар-да,— деб бир ўтинкаш унинг сўзини кесди.

— Бизда,— деди бошқа бириси,— йил — ўн икки ой кеча-кундуз бойнинг ишини ишлайдиганлар ҳам бор. Чунончи, чўпонлар. Чўпонлар кундузи қўй боқсалар, кечалари итлар қаторида қўй қўрасини қўриб чиқишга ҳам мажбур.

— Мундан бошқа,— деди биринчи ўтинкаш,— Самарқанд, Тошкентларда бой ўз етимига ҳафтада бир кун ва йилда бир неча кун дам олиш бериб, дам олиш кунларида ҳам ҳақ тўлашга мажбур.

— Бизникидай кеча-кундуз иш буюриб, ишидан бўшатиладигандан кейин икки қўлини бурнига тикдириб қувиб юбормас эканлар-да.

— Қувиб юборолмайди, чунки мундай ҳақсизликка ҳукумат йўл бермайди, унақа бойни қаттиқ жазолаб, етимнинг ҳақини ундириб беради. Бу ҳали Туркистонда, аммо Россияда бўлса катта ер эгаларининг ерлари, деҳқончилик асбоблари билан бирга камбағалларга бўлиб берилган...

— Бизда ҳам шундай бўлсайди,— деб унинг сўзини бир ўтинкаш кесди.

— Бўлади,— деди биринчи ўтинкаш,— ҳозиргина баённомаларни ўқиб бермадимми, дарров унутдингми?

— Ўқидингиз, эшитдимку-я. Лекин қачон бўлади, биз кўраимизми, йўқми?

— Бўлади, бўлади, шу йилнинг ўзида бўлади. Бу ишнинг тез бўлиши учун амирнинг ўзи ҳам «ёрдам бераётир». Амир кундан-кун зулмини орттирмоқда, зулмдан дод деган меҳнаткашларни «большевик» деб уриб ўлдирмоқда. Жонига текканлар Самарқанд ва Тошкентга қочиб бориб ёшларга қўшилмоқда, большевик бўлмоқда, аскар бўлиб уруш илмини ўрганмоқда. Мана бу ҳолларнинг ҳаммаси ишнинг тез бўлишининг аломати.

— Лекин амир ҳам кўп аскар йиққан-да.

— Аввали шуки, амирнинг аскарлари урушга ярамайди, иккинчидан, зўр билан аскарликка олинган меҳнаткаш деҳқонларнинг болалари сидқидил билан амирга хизмат қилмайдилар. Шунинг учун ҳозир ҳеч бир кун йўқки, амир сарбозларидан бир нечтаси ўз яроғи билан ёшларга қочмасин. Бундай аскар уруш кунда жонидан кечган инқилобчиларга қарши турадимиз? Тура оладимиз? Эл навкарлар, амин, оқсоқоллар, бойлар бўлсалар фақир халқни таламоқни биладилар. Улар уруш майдонида жон бера олмайдилар.

— Аҳмоқ амир хотинлардай ясаиб юрадиган Бухоро бойларидан бир даста аскар тузган эмиш.

— Минг даста тузсин, амирнинг кунни саноқли.

— Утган инқилобда ҳам бир иш бўлар эдику-я, шу нодон деҳқонлар ишни буздилар-да.

— Энди деҳқон билди, энди бирон меҳнаткаш деҳқон амирнинг орқасидан бормайди.

— Бизнинг томонга келаётган баённомалар, газеталар бошқа томонларга ҳам бораётирми?

— Ҳар томонга, Чоржўйга, Каркига, Қаршига, Шаҳрисабзга, Ҳисор томонларига — ҳамма жойларга бораётир...

* * *

Эшакли ўтинкашларнинг эшақлари шундай ярамас эдиларки, яёвлардан олдин юролмас эдилар, шунинг учун ўтинкашлар карвони кўчманчи лўлилар тўдасидек пиёда, сувора аралаш юрмоқда эди.

Ўтинкашлар бир чақиримча ҳам йўл босмаган эдиларки, чўлда гирдбод қўзғалди, кунботар томондан қора булут кўтарилиб ботаётган офтобнинг юзини ёпиб дунё-

ни бирдан қоронғи кечага айлангирди, чанг-тўполон ва қум бўронидан кўз очиш мумкин бўлмайдиган бўлди. Ҳали бу бошланғичи эди. Парча-парча қора булутлар бир-бирларига улашиб осмонни бутун қоплаб олдилар. Офтобдан кейин унда-мунда кўрина бошлаган юлдузлар ҳам қалин пардалар орқасида қолди. Кўк гулдиради, узоқ уфқда чақмоқ чақилди...

Ўтинкашлар кўз очиб юма олмасалар ҳам, жон қўрқувси билан югурмоқда, эшаклилар яёвлардан орқада қолмоқда эдилар. Кўкдаги гулдираш, чақмоқ энди ўтинкашларнинг бошлари устига яқинлашмоқда эди, бошлари тўғрисида отилган бир яшин уларни жуда ҳам қўрқитди, энди яшин уриши эҳтимоли яқинлашган эди. Чарчаган ориқ эшаклар қўрқиш ва ҳурқиш билан бошларини олдинги оёқлари орасига тиқиб тура бердилар. Тўрт-беш пудлик ўтин кўтарган яёвларда ҳам қадам босиш учун тоқат қолмаган эди. «Дард устига чипқон» чиқди: аввал доналаб, сўнгра шариллаб ёмғир ёға бошлади.

— Энди бўлмади, ўтинларни шу ерга ташлаш, ўзимиз билан эшакларни қутқозиш керак,— деди бир ўтинкаш.

— Мен,— деди бошқа бириси,— қачонлар ўзимиздан ҳам умидимни узганман, ҳозир қаерда эканлигимизни билмайман, бош суқадиган бир ер бўлмаган бу чўлда борадиган томонимизни билмасак, нечук саломат қутуламиз.

— Менинг ўйловимча,— деди аввалги ўтинкаш,— бир ерда гуриб қолсак совқотиб, ёки яшин уриб ўлишимиз аниқдир. Аммо бир томонга қараб бора берсак, йўлдан адашганимиз тақдирда ҳам, бирон қўтан-қўрага, ёки бирон қудуқ бошига дуч келишимиз мумкин, бу ҳолда у ерларда бош суқадиган бирор қора уй, чайла ёки бирор ўра...

Ўтинкаш сўзини тамом қилганча йўқ эдики, кўк қаттиқ гулдиради, ҳавонинг гулдираши шамолнинг гуриллаш товушини босди; чақилган чақмоқдан бутун теварак кундуздек кўринди. Бу ойдинликда йўлни борлаб турган ўтинкашлар кўзига узоқдан бир қўра уйнинг қораси кўринди.

— Саломат ўрни топилди,— деди биринчи ўтинкаш хурсанд бўлиб.

— Рустам акани эшаги билан бирга яшин урди,—

деган бошқа бир товуш у хурсандликнинг умумийлашувиға йўл қўймади, ҳаммалари бирдан телбаланиб орқага қарадилар: чақилган бир чақмоқ зиёсида тўдадан орқада қолган ўтинкашнинг эшаги билан парчаланган гавдаси кўринди.

— Хайр, худо раҳмат қилсин; биз тирик қолсак эрта келиб гўру чўп қилармиз, ҳозирча чопиш, қочиш керак.

— Сабил қолгур бу эшак,— деди бир ўтинкаш, ерга тираган олдинги оёқлари орасиға бошини суқиб турган эшакнинг сағрисида итара-итара,— чопишга йўл бермайди.

— Жонингиз керак бўлса,— деди яёвлардан бири,— эшакларингизни шунда қолдиринглар, агар тирик қолсалар эрта келиб оларсиз, ўлсалар бўриларнинг тўйи бўлар.

— Нусрулла қушбегининг ўлими Низомиддин қушбегининг тўйи бўлгандай,— деб унинг кейинги сўзини қувватлади бириси.

— Ҳа, ҳа, яхши ўхшатма,— деди биров ва қўшимча қилиб,— сизнинг ҳокимингиз эшакми, бўрими, меҳмон?— деб сўради ундан.

— Ҳам эшак, ҳам бўри,— деди меҳмон ҳисобланган ўтинкаш.

— Жуда қизиқ-ку, бир нарса ҳам эшак, ҳам бўри бўлар экан-да?

— Ҳа,— деди меҳмон,— агар амир ҳокими бўлса, бўлади.

— Амир одами ҳам эшак, ҳам бўри бўла оладими?— деб сўради биринчи ўтинкаш.

— Амир олдида эшак, халқ устида бўри.

— Уларнинг бўрилиги халқнинг қўйдаи тинч ётишигача давом қила олади, агар халқ узун уйқудан очиқиб уйғонган йўлбарсдек қўзғалса-чи, унда уларнинг ҳоли итдан ҳам баттар бўлади.

Ўтинкашлар эшакларни бўрилар ихтиёрида қолдириб юра бошладилар...

* * *

Ҳаво тинчланди, энди чақмоқ чақмас, кўк гулдирамас эди. Қора булутлар тарқалиб, уларнинг ўрнини оқчил,

кул ранг булутлар қоплаб олдилар. Энди ёмғир тўхтаган, лекин унинг ўрнига қор ёғмоқда эди. Музлай бошлаган ёмғир суви устида қор ерни оқартирмоқда, чегараси кўринмайдиган чўлни сут билан суғорилган даладек қилиб кўрсатмоқда эди.

Қор нури билан моҳтобли кечадай бўлган чўл уфқида қора уйларнинг қораси очиқ кўринди. Қўтан қорасини кўрган ўтинкашлар ҳориган бўлсалар ҳам, манзилга яқинлашгач юришларини тезлата бошлаган арава отларидек, қадамларини чаққонлик билан боса бошладилар...

Қўра яқинлашди, қатор тикилган қора уйлардан милтиллаб ёнаётган чироқ ёруғи кўринди.

— Э, мунда катта бир овул пайдо бўлган-ку, бу кимнинг қўраси бўлса?— деди ўтинкашлардан Сири.

— Ҳар кимники бўлса бўлсин, бизга бир кечалик жой берса...

— Тура тур!!!

Бу товуш сўзловчининг сўзини кесгандек, совуқдан суяклари сизгириб, кўриниб турган қора уйларга кириб исиниш умиди билан қувониб югура бошлаган ўтинкашларни ҳам йўлларидан тўхтатди.

Бу товуш, милтиқни йўлчиларга тўғрилаб, ердан ирғиб турган бир кишининг товуши эди.

— Қўлларингни енгларингдан чиқариб юқори кўтар!!!— деган иккинчи товуш совуқ ва қўрқишдан музлагандай бўлиб қотиб қолган қўлларни ҳаракатга келтирди — юқори кўтартирди...

Ўтинкашлар тўдасини яроғли йигитлар ўраб олган эди.

— Бу томонга ҳайда!!!— деган товуш билан, милтиқ билан туртилган тўда, кўрсатилган томонга қараб сурилди. Олдиндан катта ҳовуздай қазилиб теварагига одам бўйи янтоқ ва шувоқ босилган бир чуқур чиқди. Милтиқли йигитлардан бири бу чуқурнинг бир бурчагидан янтоқ дастасини нарироққа суриб йўл очди. Лекин қўра олдидаги супада ётган ит гур-гурлаб келиб очилган йўлни тўсиб турди. Йигит ўз ишига халал берган итнинг бошига милтиқ қўндоғи билан урди. Вангиллаб узоқлашган ит ўзини эплаб олиб иккинчи ҳужумга ҳозирланмоқда эди, аммо қўра эгасининг:

— Холдор!.. Холдор!.. Бор, ёт!— дейиши билан, ит гур-гурлаб ўз ўрнига бориб ётди.

Бандилар очилган йўл билан чуқур тубига туширилдилар.

Чуқурда янтоқ ва шувоқлар устида совуқдан бир-бирларига ёпишиб қор остида ётган қўйлар янги келган бу жонзотлардан ҳуркиб, бир-бирларини босиб, чуқурнинг нарига томонига тиқилдилар...

Қўйлар бўшатган бу ер тутқунлар учун иссиққина бир макон, тиканлари бўлса ҳам юмшоққина бир «бистар» эди. Лекин уларга бу «бистар»да чўзилиб ҳордиқларини чиқариш nasib бўлмади: тутқунлар орқасидан яроғли йигитлар ҳам босиб кирдилар. Улар қўйлар бўшатган жойнинг шувоқ ва янтоқларини бир томонга суриб ерни очдилар, очилган ерга от боғланадиган якка миҳдек катта-катта қозиқ қоқдилар. Сўнгра бир бандининг қўлларини олдинга тортиб, икки кафтини бир-бирига юзма-юз ёпиштириб, эчки жунидан товланган чилвир билан билагидан маҳкам боғладилар. Икки оёғини ҳам бужулидан боғлагандан кейин икки тиззасини бир-бирига жуфтлаб тиклаб, уларни боғланган қўлларининг тирсаклари орасидан ўтказдилар. Сўнгра тирсаклари орасидан ўтказилган тиззаларнинг хамидан бир метр узунлигида бўлиб, йўғонлиги одам билагича келади-ган бир таёқни ўтказиб бандини юмалатиб юбордилар.

Бу тартибда боғлашни амирлар Бухоросининг зиндон истиләҳларида, «куллук» дер эдилар.

Бошқа бандилар ҳам шу тарзда куллук қилина бошладилар. Навбат энг кейинда бўлган кексароқ бир бандини боғлашга келгач, куллукчи йигит:

— Чилвир қолмади, чилвирларинг бўлса беринглар,— деди ўз йўлдошларига.

— Бизда ҳам чилвир йўқ,— деди улардан бири,— белидаги арқонни ечиб, ўша билан боғла.

— Ярамайди,— деди куллукчи,— бу қўй жунидан товланган чирик арқон.

— Майли,— деди йигитлардан бири,— бу чол уни узиб бир ёққа қоча олади дейсанми, ўзининг жони чиқаётибди-ю...

Кекса одам ҳам боғланди. Куллук қилинган кишиларнинг қочмасликлари учун бошқа бирон нарсага боғлаш керак бўлмаса ҳам, яроғли йигитлар эҳтиёт юзасидан ҳалиги қўл-оёқлар боғланган чилвирлар учини қоқилган қозиқларга чаламачатти кўр тугун қилиб боғлаб тинчланиб кетдилар...

Қор ҳали ҳам ёғмоқда эди, юмалаб ётган бандиларнинг устларига оқ чойшаб (чодиршаб) ёпмоқда эди. Албатта куллуқ қилиниб қўй сийдиклари орасида булганиб ётган тутқунларнинг уйқулари илинмас эди.

Чол банди ўзи боғланган якка миҳга орқаси билан суяниб тиришиб, букилиб, хаххиллаганини кўрган бошқа бириси:

— Ҳа, Эргаш ака, нима бўлди, ичбурма бўлдингизми?— деди.

— Жим тур, сўнгра англайсан, улар уйғонмасин,— деган Эргаш яна тиришиб, букилиб, хаххиллай бошлади. Сўнгра «уффф...» деб узун бир нафас тортганидан кейин:

— Узилди сабил қолгур,— деди.

— Яша!!!— дедилар бандилар бири кетидан бири.

— Жим!!!— деди Эргаш ва ўз оёғига урина бошлади. Эргашнинг тажрибасини синаб кўрмоқчи бўлган бошқа бир банди, бир букилиб бир тиришгандан кейин:

— Воҳ, воҳ, воҳ,— қўлим кесилди,— деди секингина.

— Жим гулинг,— деди Эргаш,— эчки жунидан товланган арқонлар узилмайди-ю, билакларингиз кесилади, мен ечилсам, барингизни қутқазаман,— ва қўшимча қилди,— бу сабил қолғурни шундай кўр тугун қилганларки, тортган билан очилмайди.

— Тишингиз билан тортинг!— деди бир банди.

— Қизиқ қилдингми?— деди Эргаш,— ўз оёғининг ошигига ўз тишим қандай етади.

— Менга узатиб ўзингиз чўзингиз бўлмаса, мен тишим билан ечай,— деди ҳалиги банди.

— Тўхта, топдим,— деди чол ва қўлини чопони остидан белига узатиб белбоғига қистирилган ўроғини чиқарди ва унинг учи билан оёғига боғланган чилвирнинг тугунини кеса бошлади.

— У нимадир, Эргаш ака?— деб сўради бандилардан бири.

— Орқамдаги ўтинни чўлга ташлаганда унга қадалган ўроғимни суғуриб олиб, керак бўлар деб, белбоғимга қистириб қўйиб эдим, дарҳақиқат, энг керакли жойда иш берди.

— Тугунчакни ҳам олсангиз бўлар экан.

— Хайриятки, олмаган эканман. Агар у бизнинг ёни-

миздан топилса эди, юз жонимиздан бир жонимиз қутулмас, ҳаммамиз отилиб ўлдирилар эдик, қўлга тушганларимизни қамасалар ҳам, тирик қолиш эҳтимоли бор.

— Ростини айтсам,— деди меҳмон,— иш шундай яқинлашганида ўлимни ҳеч истамайман...

Ўзининг қўл-оёғини ечган Эргаш бошқаларникини ҳам еча бошлади. Ечилган бандилар бир-бирларини ечишга ёрдам қилишиб, ечилган қўл-оёқларини ўн беш минутча чўздилар.

— Энди нима қиламиз,— деди бир банди.

— Нима қилар эдик, қочамиз-да,— деди унга Эргаш.

— Қани, йўл бошланг, бўлмаса.

— Жим тур!— деди Эргаш,— қўранинг йўлидан чиқиб бўлмайди, у ерда ит ётибди, ҳам қора уйларга тўғри. Ҳаммамизнинг бирдан чиқишимиз ҳам маслаҳат эмас. Аввал мен бир йўл топиб чиқиб синаб кўрай, мен қутулсам, сизлар ҳам битта-битта чиқа берасизлар.

Эргаш бориб қўранинг нариги деворини кўрди, ердан қазилган девор тип-тик, силлиқ, қўл-оёқ илинадиган Си-рон ери йўқ эди. Қайтиб келиб бандилар олдидан бир нарсани ахтараётган бўлиб ерни сийпалай бошлади.

— Ҳа, бўладими?— деди унга бир банди.

— Бир иш қиламан,— деган Эргаш қўлига туширган ўроғини олиб яна қўра девори олдига борди. Ўроқ учи билаң девордан оёқ илинадиган бир-икки чуқурча ўйди. Сўнгра чап оёғини у чуқурчаларнинг бирига қўйиб, юқорироқдаги бошқа бир чуқурчага чап қўлини тикиб босиб, танасини юқори кўтариб, қўлидаги ўроқнинг учини шувоқ ва янтоқлар сақлаш учун қўра лабига суқилган ходачаларнинг бирига илиб, унга осилди ва чап қўлидан бўшалган чуқурчага ўнг оёғининг учини қўйиб, яна бир уринишда ўзини қўра девори устига олди. Қўлидаги ўроқ билан босилган янтоқ ва шувоқларни очаётганида бир боғ янтоқ чуқурга ағдарилди, қўйлар ҳуркиб туриб бир-бирларини босиб типирлана бошладилар, қўйларнинг ҳуркишини кўрган ит акиллаб қўрани бир айланиб, ҳамма ерни искаб чиқди, аммо қўлга қараб қочган Эргашни қувмади.

Итнинг акиллашидан уйғониб қора уйдан чиққан қўра эгаси, Эргаш чиққан ердан деворга тармашаётган бир бандини кўриб:

— Туринглар, қўйманглар, бандилар қочмоқда!!!— деб дод солди.

Қора уйларда ётган яроғли йигитлар югуришиб чиқиб:

— Қани, қани, қайси томонга қочдилар?— деб қўра эгасидан сўрадилар.

— Ҳали қочганча йўқ,— деди у,— агар мен уйғониб турмаганимда қочиб кетар эканлар.

Йигитлар қўрага босиб кирдилар, ечилган бандиларнинг бошларига милтиқ қўндоқлари билан ура бошладилар. Бандилар «Вой ўлдим» деб чўлни бошларига кўтармоқда эдилар...

Ҳаммадан кейин чопонига ўралиб бир қора уйдан чиққан киши:

— Ҳаммаси борми?— деб сўради.

— Бор бўлсалар керак,— қўра ичидан унга жавоб берилди.

— Хайр, энди урганингиз бас, боглаб ташланг, ҳар гап бўлса эрта бўлур,— деди у киши ва ўз қора уйига кириб кетди.

Йигитлар бандиларни боғлаш учун қорда ётган чилвирларни олдилар.

— Э, шундай қаттиқ чилвирларни узганлар-а, баччағарлар,— деди бир йигит ва узилган ипларни туга бошлади.

— Узилган эмас, кесилган,— деди бошқа бириси қўлидаги ипга тикилиб қараб ва қўшимча қилиб.

— Бу худо беҳабарларнинг пичоқлари ҳам бор экан, кўрмаган эканмиз-да,— дегандан кейин бандиларга қараб:

— Пичоқларингизни беринглар,— деди у.

— Бизда пичоқ йўқ,— жавоб берди бир банди.

— Бер дедим, бер,— деб бандининг бошига яна милтиқ қўндоғи билан бир урди у йигит.

— Урма, ўлади,— деди бир йигит унга,— ҳаммаларингни бир бошдан ахтариб кўрамиз.

— Улса садқайи сар мундай худо беҳабар.

— Дарров ўлдиришдан нима фойда, эрта булардан кўп сирларни англаш мумкин, ундан кейин ҳар нима қилсак қила берамиз.

Бандиларни бир бошдан ахтариб кўрдилар, аммо улардан пичоқ топилмади.

Тугйилган чилвирлар билан бандилар қайтадан кулук қилиб якка михларга боғландилар.

— Э, якка михларнинг бири ортди-ку,— деди телбаланиб бир йигит.

— Бандиларни санаб кўр... ҳаммалари етти киши эди.

— Санадим, ҳозир олтита.

— Тўғри, тўғри, ҳалиги ўлаётибди деганинг кекса чол қочган, чўлни қидириш керак.

— Итингиз бир пуллик иш кўрсата олмади-ку, полвон,— деди қўра эгасига бир йигит.

— Қочган бандини бир қувмабдики, биз хабардор бўлиб уни тутсак.

— Чунки сиз,— деди қўра эгаси,— кеча уни ноҳақ урдингиз, шунинг учун у сиздан аччиғланиб хизматингизни қилмаган.

— Қандай ва қайси томондан қочди, қари тулки?— деб йигитлар бандиларга дўқ ура бошладилар.

Бандилардан бири Эргаш чиққан томонни боши билан ишорат қилиб:

— Ана у ердан,— деди.

Йигитлар у ерга бориб деворда ўйилган чуқурчаларни кўраётганларида бирининг оёғи девор остида ётган ўроққа илинди. Уни ердан олгач, йигит ўз йўлдошларига кўрсатиб:

— Ҳар балони мана шу ўроқ қилган,— деди.

— Майли, ким қилган бўлса қилган, энди унинг изидан тушиш керак.— Йигитлар қўра бошига, бандилар устига қоровул қўйиб бир нечалари эгарланмаган отларни миниб чўлга чиқдилар.

Бир соат чамаси қидириб қайтиб келган йигитларга қоровуллардан бири:

— Ҳа, тутдингизларми?— деб савол берди.

— Йўқ, қари тулки ёш бўриларни бошлаб кетган,— деб жавоб берди у йигитлардан бири...

* * *

Эрта билан ҳаво соф, аёз эди. Энди кўтарила бошлаган офтобнинг нури долсиз-дарахтсиз чўлни қоплаб қор биллурларини (кристалларини) олмос майдаларидай ялтиратаётган бўлса ҳам, уларни эрита оладиган таъсирга эга эмас эди...

Қўра олдидаги бош қора уйнинг тўрида ўтирган киши, устига қовурилган қўзи гўшти қўйилиб ейилган дас-

турхон йиғиштирилгандан кейин у ерда ўтирганларнинг бирига қараб:

— Қани, қоровулбеги, кеча тутган овларингизни келтиринг, суриштириб кўрайлик,— деди.

Қоровулбеги хитобланган йигит ўрнидан ирғиб туриб қора уйдан чиқди ва наридаги қора уйга қараб:— Йигитлар, бандиларни олиб келинглар,— деб ўзи ўша ерда тикка турди.

Йигитлар қўрага бордилар. Қўрада бандилардан бошқа жонзот қолмаган, қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар. Йигитлар, қўйларнинг сийдик ва тезакларига булғаниб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар.

Лекин узун бир кеча эчки жунидан товланган чилвирлар билан боғланиб ташланган қўл-оёқларда, хамидан таёқ ўтказилиб букилган тиззаларда, совуқ ҳавода сассиқ балчиқ ичида булғаниб қотган таналарда, милтиқ қўндоғи билан урилиб ёрилган бошларда қимирлаш учун мадор қолмаган эди.

Йигитлар бандиларни қўрадан судраб чиқариб, қоровулбеги турган уй олдига олиб бориб чўккалатиб ўтказдилар.

Буйруқларидан у йигитларнинг бошлиғи эканлиги билиниб турган киши қора уйдан чиқиб бандиларни бир-бир кўздан кечиргандан кейин:

— Булар қуллар-ку,— деди,— булар ўзимизнинг туманимизда яшаб, ўзимизнинг «нон ва тузимиз» билан ўсиб, ўзимизга тиғ тортган қуллар,— тутқунлар орасидаги нотаниш бир кишига диққат билан қараб:

— Аммо, бу ким?— деб сўради у киши.

— ...

Бу сўроғига ҳеч томондан жавоб бўлмагач, бошлиқ қоровулбегига қараб:

— А, муниси ким, а?— деди.

— Мен ҳам билмайман, Аминбобо,— деди қоровулбеги.

Аминбобо хитобланган бошлиқ нотаниш кишига қараб:

— Сен кимсан?— деб сўради.

— Мен одам,— деб жавоб берди нотаниш киши.

Амин бу қинғирлик билан берилган жавобдан жаҳли чиққан ҳолда бошқа бандилардан:

— Бу ким?— деб сўради.

— Биз бу одамнинг тагу тубини билмаймиз,— деди тутқунлардан бири,— ўзи «мен Хатирчидан» деди. Бир неча вақтдан бери биз билан ўтинкашлик қилиб юради, фақир бир киши...

— Сенлардай фақир бир киши,— деди амин жавоб берувчининг сўзини кесиб,— ҳозир ҳар бало фақирлардан чиқаётир, Россия ва Туркистонда большевиклар ҳукумат бошига чиққандан бери фақирларнинг думчалари сув олган...

Амин тагин нотаниш кишига кўз тутиб:

— Қани, айтинг, хатирчилик «фақир» киши,— деди,— нима учун бу томонларда улоқиб юрибсиз?

— Ўтинкашлик қилиб юрибман.

— Яна бошқа ишингиз?

— Бошқасини билмайман.

«Жуда яхши»— деди амин ўз-ўзига ва йигитларга қараб:

— Бу одамни куллуқ қилинг,— деди,— тўғриси гапирмаган кишини калтак тўғри сўзлатади.

Уни беш минутгина ечилиб ёзилган қўл-оёқлар яна боғланди — хатирчилик меҳмон куллуқ қилинди. Амнининг:

— Калтакни келтир!— деган буйруғи билан бир қўлтиқ йулғин таёқ бандининг ёнига ташланди.

— Ур!!!— деган иккинчи буйруқ билан кучли икки йигит томонидан кўтарилган таёқлар куллуқ қилиниб юмалатиб ташланган бандининг тўғри келган жойига туширила берди. Авваллари «войдод, ўлдим» деяётган банди кейинроқ жим бўлди. Ҳушдан озган бандининг бадани карахтланган эди.

— Тўхта!!!— деди амин. Йигитлар урмоқдан тўхтадилар.

— Айт!— деди қўлларини орқасига қилиб бандининг устида турган амин.

— ...

Бандидан ҳеч бир сас-садо чиқмагач, амин йигитлардан бирига қараб:

— Тиззасининг кўзига ур!!!— деди.

Ерда юмалаб ётган банди ўтқазилди, букланган тиззанинг боши тикланди, шу тартибда сақланган бандининг тиззаси бошига йулғин таёқлар туша берди...

Тиззанинг ёрилган териси остидан қизил қонга бўялган оқ суяк кўринмоқда эди. Амнининг кўз ишорати би-

лан йигитлар юқори кўтарган таёқларини қўндирмасдан сақлаб турдилар. Амин бандининг кўзига тикилиб:

— Тўғриси айт! Бу томонларда нима қилар эдинг?— деди.

Аминга қараб турган бандининг кўзлари ҳолсизланиб юмулди, лаблари ярим очилиб, заиф бир товуш чиқди:

— Утинкашлик.

— Утинкаш бўлсанг ўроқ, арқон ва эшагинг қани?— деди амин.

— Қўрадан бир ўроқ топилди!— деб жавоб берди бир йигит.

— Елғиз биргина ўроқ билан етти киши ўтинкашлик қилмас,— деди амин ва қўшимча қилди:

— Бунда катта бир сир бор, булар Бухоро инқилобчиларининг, ёки большевикларнинг тилчиси, бу хатирчилик «фақир» меҳмон бўлса, тилчи бошлиғи.

— Биз,— деди бошқа бандилардан бири,— бўрон турганда тўпланган ўтинларимизни боғлиқ ҳолида ўроқ ва эшакларимиз билан чўлга ташлаб келаётиб эдик.

— Хўп,— деди амин,— агар шу гапингиз ёлғон чиқса, ҳаммангизни шу ерда дарров ўлдираман, сўнгра важини жаноби олийга арз қиламан-а,— амин қоровулбегига қараб:

— Булар,— деди,— шу ерда эҳтиёт билан сақлансинлар, булар кўрсатган томонга икки йигитни юборинг, нарсаларини олиб келсинлар.

Қўл-оёқлари ечиқ бандилар боғланиб қўрага қамалдилар, куллуқ қилинган «меҳмон» қонига булганган ҳолда қора уй эшиги олдида қолди. Бандилар кўрсатган томонга икки йигит от чоптириб кетди...

* * *

Қўрага қамалган бандилар, нарсаларидан дарак берган ўз йўлдошларини сўка бошладилар.

— Нарсалар билан бирга тугунчак ҳам келади, сўнгра нима қиламиз?— деди бир банди.

— Худо қилсаки, нарсалар чўлдан топилса...— деб орзу қилди бири.

— Барибир,— деди бошқа бириси,— нарсалар топилса, тугунчак сабабидан ҳаммамиз ўлдириламиз, то-

пилмаса ҳам ўлдириламиз. Амин «агар гапингиз ёлгон чиқса, ҳаммангизни ўлдираман» демадим.

— Ҳар ҳолда,— деди бириси,— нарсалар топилмагани сабабидан ўлдирилиш тугунчак топилиб ўлдирилишдан беҳроқ. Негаки, тугунчак топилса, биздан бошқа ҳам кўп кишининг бистари қурилади, озгина гумон билан ҳар бир кишини «қийин» остига олиб, туманга қирғин соладилар...

Бандилар жуда ҳаяжонли, ташвишли лаҳзалар кечирмоқда эдилар, ҳар бир кишининг кўзи чўл томонига, отлиқ йигитларнинг йўлларига тикилган эди...

Йигитлар бирон соатдан кейин келдилар, бандилар тагин қора уй эшиги олдига келтирилдилар. Бандиларнинг кўзлари тўрт томонга аланглаб, нарсаларини кўришга интилмоқда эди. Нарироқда турган арқонлар, ўроқлар ва учта маслуқ эшакдан бошқа нарса кўринмас — тугунчакдан асар йўқ эди. Ўз кўнглида:

— Шукур,— деб узун бир нафас олди, нарсалардан дарак берган банди, тугунчакни аминнинг олдига киргизиб очиб кўраётган бўлмасинлар деб ҳалиги банди қўрқишга тушди.

Бошқа бандиларнинг ҳам умид ва қўрқишлари уникадан оз эмас эди, ҳамма ўйловда, ҳамма андишада...

Амин қора уйдан чиқди. Унинг қўлида тугунчак кўринмас эди. Йигитлар бандиларнинг теварагида ясов тортдилар, уларнинг қўлларида ҳам тугунчак йўқ эди.

— «Мумкин эмас,— деди ўз кўнглида нарсаларни хабар берган банди,— ҳамма нарсалар топилсину, булар билан бу ерда бўлган тугунчак орада бўлмасин».

— Хўп,— деди амин қоровулбегига қараб,— булар ўтинкаш эмишлар, борсинлар, ўтинкаш ҳам бўлсинлар. Ҳар ҳолда соғ ўтинкаш эмаслар. «Агар булар ўз йўларида ва сўзларида тўғри бўлсалар, буларнинг ораларида хатирчилик одам нима қилади, хатирчилик ўз йўлида тўғри бўлса, Хатирчида ўтинкашлик топилмайдимики, бу томонларга улоқиб юради» деб ўйлади амин...

Амин сўзга киришиб:

— Буларнинг нарсалари,— деди,— ўлжа қилиниб, йигитларга бўлиб берилсин. Ўзлари Ғиждувонга — миршабхонага жўнатилсинлар. Сирнинг қолмиши унда очилар...

Ярим соатдан кейин бандиларнинг қўллари орқаларига боғланиб йўлга солиндилар, ҳолдан кетган хатир-

чилик «меҳмон» отлиқ бир йигит орқасига боғланган эди. Бир неча яроғли отлиқ йигитлар буларни ҳайдамоқда эдилар. Бандилар Ғиждувонга жўнатилдилар...

* * *

Уша кун туш вақти Шофирком чўлида бир қозоқ қора уйининг ичида шитирлаб ёнаётган саксовул олови теварагида ўтирган Қулмурод, Рўзи, Сафарқул, Юсуф, Комилларнинг олдиларида тугунчакни очиб, Эргаш унинг ичидаги баённома ва газеталарни кўрсатмоқда. Баённома ва газеталарнинг мазмунини хатирчилик меҳмон ўзига ўқиб берган чоқда эса қолганича уларга тушунтирмоқда ва у қоғозларни яширин суратда қандай тарқатишни улар билан кенгашмоқда эди...

XII

1920 йил август ойининг охирларида бутун Бухоро музофотларида бўлганидек, Шофирком ва Ғиждувон туманларида ҳам алғов-далғов ошган эди. Бу туманларнинг аминлари, оқсоқоллари, бойлари, муллалари, эл навкарлари, амалдорлари кеча-кундуз тинмасдан бозордан бозорга, қишлоқдан қишлоққа от чоптирмоқда эдилар...

— Бизнинг вазифамиз,— деди Ғиждувон бозорида шофиркомлик Ҳайит аминга дуч келган ғиждувонлик Абдулла тўқсоба,— бу ғазода Бухоронинг бўлак музофот ва туманларидаги аҳолининг вазифаларидан каттароқ ва зўрроқдир. Биз Бухоро билан Туркистоннинг йўли устидамыз, бизнинг туманлар ўтган урушда Колесов воқеасида ўз вазифаларини бажарган эдилар, бизнинг ғайратимиз билан бир кунда Қарманадан Қогонгача темирйўл кўтарилиб, Бухоро муртадлари — инқилобчилари тузоққа тушиб, жаноби олийнинг тож ва тахтлари эсон-омон қолган эди. Бу урушда ҳам жаноби олийнинг умидлари аввал худодан бўлса, иккинчи биздандир. Мана шунга қараб иш қилиш керак.

— Лекин,— деди Ҳайит амин,— ҳозирги фуқаро мундан икки йил бурунги фуқаро эмас; икки йил бурун фуқаронинг кўзи боғлиқ эди, баъзиси қўрқишидан бўлса, баъзиси бир ниманки десак «лаббай», «хўш тақсир» дер

эди. Бировни жадид, ё большевик деб кўрсатсанг уриб ўлдирад эди. Аммо бу икки йил орасида кўп ишлар бўлди, кўп сувлар оқди, эски нарсаларнинг кўпини сел олиб кетди. Биз қанча қаттиқ тутган, қанча югурган-елган бўлсак ҳам большевикларнинг тилчилари, жосуслари ўз ишларини қилдилар, шундай тилчи ва жосуслар ўз туманимиздан ҳам кўп чиқди. У баённома ва газет деган балоларни ҳар ерда ўқиб бердилар, гапирдилар, иғво қилдилар, ишқилиб, деҳқонларни биздан қайтардилар. Мунинг устига ғазолар муносабати билан устма-уст солинган солиқлар, сарбоз учун халқни одам сотиб олиб беришга мажбур қилишлар, бугун қочган сарбоз ўрнига эртага бошқа одам сотиб олдиришлар, «сарбоз қиламиз» деб халқнинг чиройли болаларини олиб, уларни юзбошилар, саркардалар, ҳатто жаноб олийнинг ўзларига «маҳрамбачча» қилиб беришлар кўпчиликни жаноби олийдан қайтарди. Энди бу халқни уруш майдонига чиқариш жуда қийин.

— Амин! Имонингизни мунча заиф қилманг,— деди Абдулла тўқсоба,— большевик тилчилари большевикларнинг ким эканликларини тушунтириб боши бузуқ, гушнапурзўр, юртбузармон, иғвогар, оёқялангларни биздан қайтарган бўлсалар, бойлар, бообрўлар ҳам большевикларнинг таловчиликларини англаган. Булар ўз давлатлари, ўз мол-мулкларини сақлаш учун газога чиқишга мажбур бўладилар.

— Лекин,— деди амин,— булар оз-да, ҳар бирига йигирмата камбағал тўғри келади, камбағаллар бизнинг орқамиздан тушмасалар, бойлар билан ҳеч иш қилиб бўлмайди.

— Халқ — қўй,— деди Абдулла тўқсоба,— бир қишлоқдан бешта бой олдин тушдим, унинг орқасидан бошқалари эргашади, жуда қингирлик қилса, бир таёқни олиб озгина пўписа қилсанг югура беради.

— Дуруст,— деди амин,— халқ мундан бурун ҳам қўй эди, ҳали ҳам қўй. Лекин мундан икки йил бурунги қўй ҳукумат одамларини итдек ёмон кўрса ҳам, уни «ўзининг қўриқчиси» деб билиб ундан қочмас эди. Ҳозирги қўй ҳукумат одамларини «бўри» деб билади, у билан ёқалашувга кучи етмаса ҳам, ундан қочади, унга эргашмайди, итоат қилмайди.

— Итоат қилмаганларни,— деди Абдулла тўқсоба,— уриш, ўлдириш, бўри бўлиб қоринларини ёриш керак.

— Хўп,— деди амин,— бозорда бизнинг жанжаллашиб туришимиз муносиб эмас, бу кеча бўладиган кенгашда чор ҳоким, амин ва оқсоқоллар билан гапни бир ерга қўйиб, эртадан ишга киришамиз. Ҳали сиз мени «имони заиф» дедингиз. Мен сиздан хафа бўлмадим, чунки сиз ҳали ёш боласиз. Шунинг билангики, бойвачча, менинг обрўйим сизникидан кўп бўлмаса ҳам, оз эмас. Мен сиз учун бўлмаса ҳам, ўз обрўйим учун талашман. Лекин халқнинг нима эканлигини сиздан яхшироқ биламан, халққа алданмайман, аммо сиз ёшлик қилиб халққа алданасиз.

— Хайр, хўш, бу кеча кўришармиз,— деди Абдулла тўқсоба ва бир-бирларидан ажралишиб кетдилар...

* * *

Ғиждувоннинг қўй бозори майдонида кўп халқ йиғилган эди. Ўтин бозори, қовун бозори, узум ва арқон бозори билан қўшилиб неча гектар ерни ўз ичига олган бу майдон теварагидаги саройлар, дўконлар ва ҳовлиларнинг томларигача халқ билан лик тўлган эди. Бу одамларнинг баъзилари бешотар, ўн бир отар милтиқлар, баъзилари берданка ва ов милтиқлари билан, баъзилари эски чақмоқи милтиқлар билан яроғланган бўлиб, кўпчиликнинг қўлида эски қилич, ошпичоқ, болта, теша, калтак каби яроғлар кўринар эди...

Майдоннинг ҳар ерига қўйилган курсилар, сандаллар, чорпоялар, кажавалар устига муллалар чиқиб газотўғрисида ёзилиб, Бухоронинг бутун муфтилари томонидан муҳр босилган фатволарни ўқимоқда, амин ва оқсоқоллар ҳар қайсилари ўз жирибларининг халқига у фатволарни шарҳлаб тушунтирмоқда эдилар:

— Ҳар ким жаҳидга, большевикларга, муртадларга, кофирларга, қисқаси, жаноби олийга ёғи бўлиб у зоти ҳумоюнга тиг тортганларга қарши газога чиқмаса моли талон, хотини талоқ, бола-чақаси ебир-есир...

— Жаноби олий учун, дин учун, шарият учун жонимиз-молимиз фидо,— деди бошига телпак, оёғига этик кийиб, чопонларининг этагини чолвори ичига тиқиб, кўкрагига икки ёқлама қаторвазна¹ тортиб, белига қилич осиб, кифтига бешотар милтиқ кўтарган бир йигит.

¹ Қаторвазна — патрон ўтқизилган қайиш тасма.

Унга жавобан бўйинларига фўта солган ўн-ўн беш нафар мўйсафидлар бошларини эгиб:

— Жонимиз фидо!!!— деган ҳолда ҳўнграшиб йиғлаб юбордилар...

— Худди кўр маддоҳнинг маъракаси,— деди уларга яқин турган бир киши ўз ёнидаги бошқа бир кишига.

— У қандай эди?— сўради унинг ёнидаги киши.

— Мундан бир неча йил бурун мен шаҳарга бориб эдим,— деб ҳикоя бошлади у киши,— рамазон ойи эди, томоша қилиб Лабиҳовузи девонбегига тушдим. Мачитнинг саҳнида кўп одам йиғилган эди. Бориб қарасам, маддоҳлик маъракаси экан. Узун бўйли, йўғон гавдали, катта соқолли, бир кўзи кўр бир маддоҳ гапирмоқда эди. У гўрдан, қиёматдан, айниқса, рўзанинг савобидан, рўза тутмаганларнинг гўрда қиздирилган темир гурзи билан урилиши, тонгла қиёматда тўғри дўзахга кетишидан кўп гапирди. Сўнгра шу гапларга ёпиштириб қизиқ бир ҳикоя бошлади. Ҳикоясининг қизиқ бир ерига келганда бошини эгиб кўр бўлмаган кўзини ҳам юмиб, бир оз жим турди. Халқ қизиқиб ҳикоянинг қолганини кутмоқда эди. Маदдоҳ бошини кўтарди, кўзини қисиб бир гарзда очиб халқни бир бошдан кўздан кечиргандан кейин, ўз балигўйига¹ қараб:

— Шошариф!— деди.

— Лаббай... бали... дўўст,— деб чўзиб юборди балигўй.

— Рўза ойининг ҳурмати учун халқдан нима тиласам бўлади?

— Бош тиланг, бош. Бошга арзийди моҳи шарифи рамазон!

— Моҳи шарифи рамазон учун бошини садақа қиладиган бир мард мусулмон борми?— деб халққа қаради маддоҳ.

— Моҳи шарифи рамазон ҳурматига жонимиз фидо,— деб тўрт киши маъраканинг тўрт бурчагидан чиқди. Булар бошларидаги саллаларини бўйинларига солиб...

— Шу мўйсафидлардай,— деб унинг ҳикоясини кесди тингловчи.

— Ҳа,— дегандан кейин у киши ўз ҳикоясини давом эттирди:

¹ Балигўй — маддоҳнинг ёрдамчиси,

— Ҳалиги тўрт киши саллаларини бўйинларига солиб маъракага кирдилар, маддоҳнинг оёғи остига келиб ўзларини ерга ташлаб, йиғлаб ётдилар.

Маддоҳ уларнинг бошларини: «Чин мусулмонлар, чин мусулмонлар» деб силагандан кейин яна одамларга қаради:

— Бошларини берган шу чин мусулмонларга тақлид қилиб бир қизил тилла берадиган наркалла борми?

— Икки-уч тилла ҳам келди. Сўнгра маддоҳ ўн бир танга, етти танга, бир танга тилаб халқнинг киссасини яхшигина қоқди. Сўнгра навбат қора пулга¹ келди. Маддоҳнинг сўзича, ҳар ким ҳар нима берса савоби ўша бош берганлар билан баравар...

— Ўзинг нима бердинг?— деб сўради тингловчи ҳикоя қилувчидан.

— Етти қора пул бердим. Тўғриси айтсам, агар қудратим етса кўп ҳам берар эдим. Кўр (маддоҳ) жуда ҳам юрагимни эритган эди,— дегандан кейин яна ҳикояни давом эттирди сўйловчи:

— Қора пул ёмғирдай ёғмоқда эди. Охирида маддоҳ йиғилган танга ва қора пулларни бир шол қопчага солди. Ҳикоянинг қолмишини кутиб турган одамларга қараб, «эрга яна вақтлироқ келинглар, ҳар ким турсин, гуноҳи тўкилсин» деди.

Халқ гуриллашиб туриб тўрт томонга тарқалди. Аммо мен ўша бошини берганларга қизиқиб қарамоқда ва уларнинг ҳоли нима бўлишини ўйламоқда эдим.

Маддоҳнинг «балигўйи» пул қопчасини кўтарди. Маддоҳ олдин тушди, унинг орқасидан пул кўтарган балигўйи. Ҳалиги бошларини берганлар ҳам саллалари бўйинларига солинган ҳолда маддоҳнинг орқасидан эргашдилар. «Бу бош берганларни маддоҳ сўярми экан, еярми экан, ёки сотарми экан?» деб қизиқиб мен ҳам уларнинг орқаларидан тушдим.

Маддоҳ ўз йўлдошлари билан бориб мачит қибласидаги саройга кирди. Мен ҳам орқадан кирдим. Маддоҳ саройнинг бир бурчагидаги пастқам бир ҳужранинг эшигини тақиллатди. Эшик очилди. Маддоҳ олдин бўлгани ҳолда ҳаммалари у ҳужрага кирдилар. Мен «эсиз бу воқеанинг тагини англаёлмадим» деб турганимда, эшик-

¹ Чақара.

ни ёпмоқчи бўлиб турган бир кишининг менга кўзи тушиб:

— Ҳа, яхши йигит, наша қилмоқчи бўласизми?— деди.

Мен у ҳужрага кириш ҳаваси билан:

— Ҳа,— деб юбордим.

— Тез киринг, тагин бирон бегона одам келиб қолмасин.

Мен ҳам кирдим, орқамдан эшик шақирлаб ёпилиб занжирланди. Қарасам, у ҳужра эмас, катта бир уй, унинг бир бурчагида икки катта самовар қайнамоқда, темир «кўра» устида, катта бир қозонда палов дамланмоқда. Уй мудраб ўтирган, қутлари учган одамлар билан тўла.

Маддоҳ тўрга ўтиб қизил гилам ва тоза кўрпачалар устига ўз йўлдошлари билан ўтирди. Мен улардан узоқроқ бир бурчакда ўтирдим. Самоварчи маддоҳ олдига дастурхон ёйиб нон, қанд қўйгандан кейин беш коса эзилган кўкнор ҳам элтиб қўйди.

Самоварчи менинг олдимга келиб:

— Сиз нима буюрасиз, яхши йигит?— деди.

— Чой.

— Кўкнор керакмасми?

— Майли,— дедим мен. Мен рўза эдим. Албатта чой ичмас, кўкнорни бўлса умримда ичган эмас эдим. Шундай ҳам бўлса буюрдим, «бўш харажат бўлса ҳам, воқеанинг тагини англай, қани, бу бош берганларни маддоҳ нима қилар экан?» дедим ўз кўнглимда.

Мен чойни қайтариб, пиёлага қуйиб олдимга қўйдим. Менга қараган киши мени «чой ичяпти» деб ўйлар эди.

Қулт-култ ичиб, устидан қанд шимиб кўкнор косаларини бўшатаёзган маддоҳ ва унинг йўлдошлари олдида бир товоқ сермой палов ҳам келди; рамазон шарифдан гапириб, халққа насиҳат қилган маддоҳ ва рамазон ҳурматига бош берганлар, туш вақтида кўкнор косаларини бўшатиб, палов товоғига қўл узатдилар...

Товоқ ҳам бўшади. Дастурхон йиғиштирилди. Қолча очилди, оқ тангалар қора пулдан ажратилди. Тиллаларини бўлса, маъраканинг ўзида маддоҳ ўз чўнтагига солган эди.

Ҳар бир бош берган кишига маддоҳ ўн тангадан санаб берди ва:

— Эрта тагин маъракага ҳозир бўлинглар, салла-чо-

понларингизни бошқача қилиб келинглари, халқ танимасин,— деб узатди уларни.

Мен ҳам бўш-бўшига самоварчига бир танга бериб уларнинг орқасидан чиқиб кетдим, лекин мен бу бир танга учун эмас, маддоҳга берганим етти қора пул учун куймоқда эдим...

Сўйловчи ўз ҳикоясини тамом қилар-қилмас майдоннинг тўрт томонидан:

— Юрҳооо-юр!!, юрҳооо-юр!!, юрҳооо-юр!!—товуши чиқа бошлади. Майдондаги халқ кўрадан чиқарилаётган кўйдек бирдан қимирлади. Отлиқлар, эшаклилар, яёвлар аралаш юрмоқда эдилар. Йўловчилар олдида икки туманнинг қозиси, раиси, амлоқдори бўлгани ҳолда йўлга тушдилар. Аминлар, оқсоқоллар миршаб билан бирга от чоптириб халқни тартибга солмоқда эдилар.

Йўловчилар мош бозоридан чиқиб, Қизилтепага қараб йўналдилар. Лекин икки соатдан бери қўй бозори майдонидан чиқиб бир-бирдан ўзиб бораётган халқнинг боши ҳали Мўлиён кўлидан ўтмаган эдики, халқ тўдаси кўлга ёғаётган қордек эриб йўқолмоқда эди. Халқ қочмоқда эди...

XIII

1920 йил биринчи сентябрь, чоршанба куни Фиждувоннинг бозор куни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди. Бошқа вақтларда Вобканддан олиб Нуротагача, Қизилтепадан Вардонзе қўрғонигача ва жумладан Қизилчўл этагидаги қозоқларгача бўлган олувчилар, сотувчилар йиғиладиган бу бозорда бугун бир жонзот ҳам топилмас эди.

Фақат Фиждувоннинг муқим савдогарларининг дўконлари, саройлари бино бўлган чорсувда савдогарларнинг молларини қўриқлайдиган уч-тўрт нафар қоровул кўзга кўринганидек, чорсувнинг кунботар томонида у вақтдаги гуруч бозорининг орқасида бўлиб, дарвозаси Пирмаст рўдига қараб очиладиган миршабхонада бир неча нафар шабгард-миршаб одамлари бор эди.

Аммо бу маршабхонанинг тор қамоқхонасини тўлдириб оёқларига кунда, қўлларига қўлкунда, бўйинларига жел урилган бир неча банди ётмоқда эдилар. Бу бандиларнинг соч-соқол ва тирноқлари ўсган, кийимлари

Йиртилиб битган эди. Буларнинг кирланиб, қораланиб кетган қонсиз баданларида, бетларида сасиган гўштиги босган қуртлардай битлар ўрмалаб юрсалар ҳам, улар чаққан жойларни қашимоққа қўлқунда урилган қўлларнинг тирноқларидан, қанча ўсган бўлса ҳам, истифода қилиш мумкин эмас эди...

Биринчидан иккинчи сентябрга ўтадиган кечада кундузлари ҳам эшиги очилмайдиган, бу қоронғи, зах, нами чиқиб турган қамоқхона эшиги бирдан очилди ва у ерда инграб ётган бандиларни вақтсиз очилган эшикнинг шиқирлаши сескантирди.

— Жаллод бўлса керак,— деди бир банди.

— Худо берсайдики, жаллод келсайди,— деди бошқа бириси,— бу тирикчиликдан ўлим минг марта беҳроқ.

— Оҳ!— деди бошқа бириси,— мен кунда минг марта ўлиб, минг марта тирилсам ҳам, у ишни кўрмасдан ўлмоқни ҳеч истамайман.

— Бўлмайдиган тилакларни қўйинг, хатирчилик ака!— деди ҳалиги ўлимни истаган банди,— бугун бўлади, эрта бўлади деб шунча вақтдан бери бизни интиқинтизор қилиб келдингиз. Шунча кулфат, шунча азобуқубатлар устига бу интизорлик яна бошга бир бало бўлиб келди. «Интизорлик ўлимдан баттар» деганлар. Энди мундай тирикчиликдан жуда тўйдик, энди ўлим керак...

Бандилар бир-бирлари билан дардлашмоқда эканлар, очилган қамоқхона эшиги қайтиб ёпилган бўлса ҳам, на жаллоддан, на бошқа кишидан ҳеч бир дарак бўлмаган эди.

— Ким экан бу?— деди бандилардан бири,— эшикни бир очди-ю, ичкари киргандай ҳам бўлди, аммо қайтиб чиқиши маълум бўлмасдан эшикни бекитиб кетди.

— Жим тур! Қулоқ солайлик, маълум бўлиб қолар, бирон иш бордир.

Бандилар жим бўлиб қулоқ солсалар. эшик олдида бир нарса қисирламоқда.

— Кимдир у!— деди бандилардан бири баланд товуш билан.

— ...

Жимлик.

— Кимсан?.. Одаммисан, ҳайвон? Ажинамисан, шайтон? Тезроқ гапир,— деди бошқа бир банди шовқинлаб. Эшик олдидан:

— Вой жониммм!— деган чўзиқ бир товуш эшитилди. Аммо яна жимлиқ.

— Кимлигингни дарров маълум қил,— деди банди яна шовқинлаб,— бўлмаса ҳозир уриб ўлдирамин.

— Эээ ҳо...зир... ме...нинг... ў...зим... ў...ла...ё...тиб... ман,— деди номаълум киши, нафаси бўлина-бўлина,— бошим... ё...рил...ган... кўп... қон... кет...ди.

— Хўп, сенга нима бўлди?— деди ҳалиги шовқинлаган банди юмшариб.

— У...руш... бўл...ди...

— А...— деган ҳолда қаттиқ сесканиб ўрнидан ирғиб турмоқчи бўлди, бу сўзни эшитгач хатирчилик банди. Лекин бўйнига урилган желнинг орқа томонга тортилиб қамоқхона синчининг остидан ўтказилиб боғланган занжири уни тикка туришга қўймади, ярим турган банди зарб билан қайтиб гурс этиб йиқилди.

Номаълум одамнинг сўзи кесилган эди. Бошқа бир банди:

— Хўп, уруш бўлди, сўнгра нима бўлди?— деб яна уни сўзга киритди.

— Хал ... қ ... ни ... га ... зо ... га ... чи ... қа ... риш ... у ... чун ... тўп ... ла ... ган ... э ... ди ... лар... мен...у... маъ ... ра ... кани ... кўр ... мад ... доҳ ... нинг ... маъ ... ра ... ка ... си ... дай ... деган ... э ... дим ... ме ... нинг ... бу ... сў ... зим ... ни ... э ... шит ... ган ... э ... кан ... лар ... халқ ... га ... зо ... га бор... май ... йўл ... дан ... қоч ... ган ... да ... ме ... ни ... иғ ... во ... гар ... лик ... би ... лан ... туҳ ... мат ... лаб ... тут ... ди ... лар ... ур ... ди ... лар ... қа ... ма ... ди ... лар ...

— Минг марта шукур, ўлмайин кўрдим,— деди хатирчилик банди бўйнидаги жел занжирини қимирлатиб шилдиратгани ҳолда.

— Агар инқилобчилар зўр чиқсалар кўрамиз-да,— деди бир банди,— лекин мундан икки йил бурун бўлган инқилобдагидай (Колесов воқеаси) енгилсалар-чи, унда бу тилакни гўрга олиб кетамиз.

— Биз бу урушда зўр чиқамиз,— деди хатирчилик банди қизиб кетиб,— бу урушга инқилобчилар яхши ҳозирланган, яхши яроғланган, Бухоро музофотларининг энг ўктам эр ўғиллари инқилобга қўшилган, амир сарбозларининг номуслилари бизга қочиб ўтган, халқ бўлса, бу йигитнинг айтганига кўра, амирдан қайтган, рус

меҳнаткашлари, ишчи-деҳқон қизил аскарлари ва Туркистон большевиклари бизга ёрдам берадилар. Бунинг устига дудила бўлиб амир билан ярашиш йўлини тутиб юрган жаидларнинг гаплари таъсирсиз қолган. Шундай ҳолда албатта биз енгамиз. Биз зўр, биз ғолиб, биз музаффар!!!

Хатирчилик бандининг бу зафар тароналари битмаган ҳам эдики, шошилиб ва гурсиллаб босилаётган бир неча оёқларнинг қамоқхона эшиги олдига келиб тўхтагани сезилди ва эшикнинг қулфи ҳам очила бошлади.

— Келдилар, бизни озод қиладилар,— деди хатирчилик банди.

Эшик очилди. Қўлида машъал ушлаган бир одам машъал бошини эгиб ичкари киргизиб, кундузлари ҳам офтоб нури кирмайдиган қамоқхонада олти ойдан бери ётган бандиларни биринчи дафъа чироқ нурида бир-бирларига кўрсатди. Машъал нури остида икки киши югуриб ичкари кириб бандиларнинг чилвирларини, кундаларини еча бошлади.

Хатирчилик бандининг «бизни озод қиладилар» деган сўзига ҳалигача ишонмай турган бандилар ҳам кишан ва кундаларининг очила бошлаганини кўриб қувонмоқда эдилар.

Бандилари очилган бандилар миршабхона ҳовлиси юзига чиқарилдилар. Ҳовли ўртасида бударни бир тўда яроғли кишилар ўраб олдилар. Қутулиш умидидаги кўнгилилар яна умидсизликка тушдилар.

Миршаб одамларидан бири аввал хатирчилик бандининг қўлини олдинга қовуштириб боғлаб пешбанд қилмоқда эди. Бу иш Бухоро халқига маълум бўлган, ўлдиришга ҳозирлик эди.

— Бизни кимнинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз?— деди қўли пешбанд қилинаётган хатирчилик банди, миршаб одамига.

— Султонбек миршабнинг амри билан,— деди у.

— Қачондан бери кал Султонга ҳукми куш (одам ўлдириш) ихтиёри берилди, бу-ку амирнинг ўз ҳақи эди,— деди жонидан умидини узган банди.

Бандининг қўлини боғлаб бўлган миршаб одами унинг қўл ва енгларидан ўз қўлига ўрмалаб ўтган битларни териб ташларкан:

— Султонбек миршаб,— деди,— жаид-қадим низоси чиққанидан бошлаб шу кунгача мана шу сенинг ба-

данингдаги битлардан ҳам кўпроқ одамни ўлдиргандир. Шундай алғов-далғовли замонда қандай аҳмоқ амирнинг буйруғини кутиб ўтиради...

Бошқа бандиларнинг қўллари ҳам пешбанд қилин- гандан кейин уларни миршабхона дарвозасидан ташқа- рига — кўчага чиқардилар. Бандиларнинг теварагини қилич ва себандлар билан яроғланган миршаб одамлари ўраб олган эди. Олдинда қўлларида биттадан калтакча, белларида ингичка тигли дудама пичоқлар осилган икки киши юрмоқда эди. Булар жаллод эдилар.

Бандилар Пирмаст рўди бўйи билан кунботар томон- га қараб сурилмоқда эдилар. Хатирчилик банди ўз ёни- да бошқа бир бандига суяниб юраётган янги бандини кўриб:

— Биз,— деди,— ўтинкашлик қилиб қўлга тушга- нимизда етти киши эдик. Биздан бир киши қочиб қуту- либ, тўдамизни олтитага тушириб, камитиб, кўнглимизни синдирган эди. Ўлар чоқда яна етти киши бўлиб тугал- лашдик.

— Осмондаги ҳафт додарон¹ юлдузи каби,— деди суяниб бораётган янги банди.

— Э...— деди хатирчилик банди унга қараб,— сен ўлар чоғингда тилга кирдинг-ку.

— Мен ҳали ўлмайман,— деди янги банди паст то- вуш билан, оғзини хатирчилик бандининг қулоғига ёпиш- тириб, эҳтимол сизларни ҳам ўлдиришга қўймасман.

— Қани бир «каромат» қил, кўрайлик,— деди хатир- чилик банди, ишонмаган бир оҳанг билан...

Йўлда, кунботар томондан отлар, аравалар кела бошладилар. Миршаб одамларининг «нарироқдан ҳай- да, аравангни бир чеккага ол» деб дўқ уришлари йўлов- чиларга таъсир қилмади. Охир миршаб одамларининг ўзлари бандиларни йўлнинг бир чеккаси билан суришга мажбур бўлдилар.

Йўловчилар борган сайин кўпаймоқда эди. Филдира- ги синиб арқон билан боғланган, ёки юки оғирлигидан оти чарчаб қолган араваларни кейинда келаётган оти бардамроқ аравалар босиб ўтмоқда, бир-бирларини бо- сиб ўтаётган араваларнинг ораларида қолиб қисилган отлиқлар «вой, оёғим синди» деб дод демоқда эдилар...

Текисланган йўлнинг чеккаси билан сурилаётган бан-

¹ Ҳ а ф т д о д а р о н — етти оғайни юлдузлари.

дилар, зўрға Гуждувоннинг сомон бозори даҳанасига чиқарилдилар. Унда миршаб одамлари бандиларни чап қўлдаги Хўжаабдухолиқ мазорига борадиган гор кўчанинг бошидаги майдончага чиқардилар. Бу ер яширин ўлдирилладиган бандилар кушхонаси эди. Бу ерда ўлдирилган бандиларни жонлари чиқар-чиқмас оёқларидан судраб олиб бориб у ердаги мазорнинг эски гўрларига тикиб юборилар эди.

Бу маълум майдончага келтирилган бандилар яқинлашган ўлимларини кутиб турмоқда эдилар.

Ҳали ҳам бу майдонча олдидан ўтадиган катта йўл отлар, аравалар билан тўла, ҳали ҳам аравакашларнинг бир-бирларини сўкишлари кечанинг жимжитлигини бузмокда эди...

Йўл ўтқувчиларнинг кети узилмади. Ахир йўлнинг бўшалишини кутиб турган миршаб даҳбошиси зерикиб жаллодларга қараб:

— Бошланг!— деди.

Хатирчилик банди оёғига урилган жаллод калтакчасидан ерга йиқилиб:

— Оҳ! Ўз кўзим билан кўролмадим,— деб афсусланди.

Миршаб одамлари уни ерга босиб, оғзини қўллари билан маҳкам тутиб, овозини кесдилар...

Бу вақтда ёвуқдан милтиқ товуши эшитилиб унинг тутунни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди, миршаб одамларининг бошлиғи ерга йиқилди. Жаллод, бандининг кекирдагини тилиш учун тайёрлаган пичоғини тиклаб милтиқ отган одамга қараб югурди, аммо у ўз душманига етмасданоқ кўкрагидан пичоқ еб, «воҳ ўлдим» деб ер тишлади. Биринчи милтиқ товуши орқасидан узилган бир неча милтиқ ва тўппонча ўқларидан иккинчи жаллод ва икки миршаб одами ерга йиқилиб, қолганлари қўлларигадаги машъални ташлаб ҳар томонга қочдилар ва бандилар атрофини милтиқ, тўппонча ва пичоқлар билан яроғланган йигитлар қоплаб олдиларда, бандиларнинг қўлларини еча бошладилар.

Жаллод пичоғи остидан омон-эсон қутулиб жойидан турган хатирчилик банди, ўша кеча қамалган янги бандига қараб:

— Отинг нима, шер йигит? «Қароматинг» тўғри чиқди-ку,— деди.

— Рустам ашки!— деб жавоб берди янги банди.

— Э... Сен менинг эски шогирдим экансан-ку! Мен Урун наркалла!— деди хатирчилик банди.

— Сиз ҳалигача тирик экансиз-да, устам,— деб Рустам ашки, қўллари боғлиқ бўлган ҳолда кўкрагини, қўллари боғлиқ Урун наркалланинг кўкрагига ёпиш-тирди.

— Мен амир одамлари қўлидан қочиб йнгирма беш йилдан бери ўз номим ва ўз жойимни ўзгартириб «хатирчилик» лақаби билан юрмоқда эдим, шунинг учун сенлар мени ўлган деб ўйлагансизлар...

— Ҳол сўраш ва чақчақ қилиш сўнгра бўлади,— деб икки йигит келиб Рустам ашки билан Урун наркалланинг қўлларини еча бошладилар.

Рустам ашки ўз қўлини ечаётган йигитга:

— Шифрав! Нега мунча кечикдинглар? Яна беш минут кечиккнларингда бутунлай нобуд бўлардик,— деди норозилик оҳанги билан.

— Бағишлайсиз, Рустам ака,— деди Шифрав хитобланган йигит, узр оҳанги билан,— яроғ топиш бир оз қийинлик қилди. Хайриятки, Ғиждувон қамоқхонасида ётган бандиларни қутқазиш учун келган шофиркомлик меҳмоннинг раҳбарлигида амир қочоқларининг йўллари тўсиб бир оз яроғ қўлга киргизгандан кейин миршабхонага бораётганимизда нохосдан бу ерга дуч келиб, сизларни қутқазишга муваффақ бўлдик.

— Уруш нима бўлди?— Рустам ашки сўради Шифравдан.

— Амир енгилди, аскарлари бузилиб уруш майдонидан қочдилар ва ўзи ҳам қочмоқда дейдилар,— деди Шифрав.

— Яшасин инқилоб!— деган баланд овоз ҳавони титратди. Бу шиорни ташлаган Эргаш эди, у Шофирком чўлидан Ғиждувонга келиб, бу районнинг қамоқхонасида ўлимни кутиб ётган бандиларни қутқазишни ташкил қилган эди.

— Яшасин инқилоб! Йўқолсин амир!— қутқазувчи йигитлар ва қутулган бандилар бу сўзларни бир овоз билан айтиб кўкни гулдуратдилар...

Шу вақтда катта йўлдан ўтаётган йўловчиларнинг ғовурлари кучайди: қўлларида оқ таёқ ва белларида қилич бўлган бир неча отличлар йўловчиларнинг отараваларини — олдингиларини илгарига, кейингиларини орқа йўлга суриб йўлни бўшатмоқда эдилар...

Шу орада бўшалган йўлда оқсоқ, лекин катта ва семиз бир отга қўшилган подшоҳга хос усти ёпиқ бир файтон пайдо бўлди ва унинг теварагини яроғли афғон отлиқ аскарлари ўраб олиб бормоқда эдилар.

Олдин ўтган отлиқлар орасидан бир амалдор ажралиб орқага қараб от чоптириб келиб ҳалиги ёпиқ файтоннинг эшигидан бошини ичкарига суқиб:

— Давлат барқарор бўлсин! Ҳазратим, ҳумоюн ҳузурлари билан қаерни шарафёб қилмоқчилар?— деб сўради.

Файтон ичидан инграган бир товуш бу саволга жавоб берди:

— Жаъфарига — Абдулла бойвачча ҳовлисига!

Бу савол-жавобдан, файтон ичидаги одамнинг амир эканини англаган Эргаш, йигитлар ва қутулган бандиларга қараб:

— Нега обдираб қолдинглар? Отинглар, босинглар бу уйинг куйгурни!— деб бақирди.

Ҳаяжон ичида нима иш қилиш кераклигини билмай турган йигитлар томонидан бирдан бир неча милтиқ ва тўппонча амир файтонига қаратиб отилди. Амир файтони теврагидаги афғонлар ҳам ўн бир отар инглизча милтиқлардан йигитларга қаратиб ўқ уздилар.


Амирнинг файтончиси жонқўрқувси билан чарчаган оқсоқ отнинг сағрисига устма-уст қамчи сола берди. Беш минутда амирнинг тўдаси майдонча қаршисидан ўтиб, чап томонга бурилиб, Пирмаст рўди кўприги орқали Шайх Тожиддин дарвозасидан Ғиждувон қўрғонига кириб, кўздан йўқолди.

Майдонча этагида, катта йўл бўйида, миршаб одамлари қўлидан тушиб қолган машъалнинг сўнаётган ёруғида амир билан савол-жавоб қилган амалдорнинг ўлиги кўринмоқда эди.

Қутулган бандилар ва йигитларнинг:

— Ўлим амирга ва унинг амалдорларига!— деган садолари дунёга гулгула солмоқда эди.

Миршаб одамларидан қолган машъалнинг сўник ёруғи ҳам бутунлай сўнди ва тонг оқариб дунёга сўнмас ёруғ соча бошлади; бу тонг — 1920 йил 2 сентябрь кунининг тонги эди.



ТҮРТИНЧИ БУЛИМ

1

— Худо бандасининг номини бутун қилса, ҳеч ким уни яримта қила олмайди,— деб ўз меҳмони Бозор аминга сўз бошлади Ҳормон полвон,— дуруст, жаноби олийнинг давлатларига ёмон кўз тегди, у киши қочдилар, Абдулла бойвачча тўқсоба каби қисқа ўйловчилар ҳам қўрқиб, жаноби олий билан бирга қочдилар, ҳатто менинг ўзим ҳам шайтоннинг иғвосига кириб қочмоқчи бўлган эдим, лекин яна сабр қилдим, худонинг карамига сиғиниб, ишнинг оқибатини кутиб қолдим...

Ҳормон полвон ўз олдидаги совиб қолган чойни бир ҳўплаб, меҳмонига иссиқ чой қуйиб бергандан кейин яна сўзини давом эттирди:

— Оқибат нима бўлди?.. Инқилоб бошида баҳордаги қаттиқ ёмғирлар билан қум устида ўсиб чиқадиған замбуруғлардай бош кўтарған «боши бузуқлар» яна шалпайиб бошларини эгишга мажбур бўлдилар, улар аввалларда, пуфлаб қабартирилған қовуқлардай шишиб кўкракларини кўтариб юрган бўлсалар, ҳозир бодлари чиқиб пучайиб қолдилар.

— Буларнинг шундай пуч бўлиб қолишларига, ҳукуматларга¹ ёлғон-рост хабарларни ётказиб бизу сизнинг илдизларимизга болта қўйиш чорасига киришмасликла-

¹ Бухорода инқилоб бошларида ҳукуматни «ҳукумат» эмас, балки жамлаб, «ҳукуматҳо-ҳукуматлар» дер эдилар.

рига сизнинг кўнглингиз тўқми?— деди пиёлани бўшатиб Ўрмон полвонга узатган Бозор амин унинг сўзини кесиб.

— Тўғри,— деди Ўрмон полвон,— агар жим турсак, улар ҳар бир иш қиладилар. Лекин биз унақа соддаанойилардан эмасмиз. Масалан, ҳукумат ҳар қишлоқдан вакил сайлашга буюрди. Мен ўз қишлоғимдан қадим замонда қалъачи бўлган бир бойнинг ўғлини — эски оқсоқолни вакил сайлатдим. Бу билан қишлоқнинг аҳволи эскича қола берди. Ҳатто халқ ҳам буни «вакил» демайди, «оқсоқол» дейди. Эски оқсоқолга қандай муомала қиладиган бўлса, бунга ҳам ўшандай муомала қилади, эски оқсоқолдан қандай кўрқса, мундан ҳам ўшандай кўрқади.

— Биз ҳам шундай қилдик,— деб Ўрмон полвоннинг сўзини қувватлади Бозор амин.

— Бўладигани шу-да,— деди Ўрмон полвон,— бошқа қишлоқларда ҳам шундай қилганлар. «Беша бе шер нест» деган бир гап бор, яъни «тўқай арслонсиз бўлмайди» демакдир. Шунингдек ҳар бир қишлоқда вакил сайлашни ўз қўлида тутадиган бизу сиздек арслонлар топилади. «Қаторда норинг бўлса, юкинг йўлда қолмайди» деганлар. Мана бу вакиллар — оқсоқоллар бизу сизнинг «нор»имиз бўладилар, ҳар вақт бизнинг юкимизни кўтардилар. Чунончи, мен бир «ишбилармон» сифатида туманнинг озуқа вакили ва солиқ мудирини бўлиб ўлдим. Бу иш аввал-ахир худодан бўлса, иккинчи шу оқсоқолнинг берган справкаси соясида бўлди...

Ҳайит амин келиши билан Ўрмон полвоннинг сўзи кесилди, эски дўстлар бир-бировлари билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришгандан кейин, Ҳайит аминни тўрға ўтқазиб, Ўрмон полвон билан Бозор амин ундан қуйироқда ўтирдилар. Омон-эсонликлар сўрашилгандан сўнгра қўллар кўтарилиб фотиҳа ўқилди, фотиҳада Ўрмон полвон масхаралаб: «Илоҳи ҳукуматларнинг тиглари бурро, сафарлари бехатар бўлсин, шери худо камарларини боғласинлар» деб қўлини бетига тортди.

— Сиз дуруст-ку,— деди Ҳайит амин унга,— эски вақтда жаноби олийни шундай дуо қилар эдингиз, энди ишга кириб олгандан кейин ҳукуматларни ҳам худди ўшандай дуо қилиясиз.

— «Дуруст» бўлиш керак,— деди Ўрмон полвон, Ҳайит аминга совиезган чойнакдан чой қуйиб бериб,— «замона бо ту насозад, ту бо замона бисоз» деганлар,

яъни «замона сен билан келишмаса, сен замона билан келиш»¹ деганлар. Биз замона билан келишаётибмиз, бир кун келарки, замона яна биз билан келишар.

— Сизни озуқа вакили ҳам солиқ мудирини бўлибсиз дедилар,— деди Ҳайит амин, бўшаган пиёлани Ўрмон полвонга узатгани ҳолда,— қутлуғ бўлсин.

Ўрмон полвон:

— Қуллуқ, худо муборак қилсин,— деган ҳолда,— ҳозир келаман,— деб чойнакни олиб даҳлизга чиқди. Даҳлиз эшигидан чиқиб, ҳовлини супуриб юрган хизматчисини чақириб унга чойнакни бериб:

— Ичкарига айт, чой дамласин, дастурхон берсин, дарров бир товоққина ош қилсин,— деди-да, қайтиб келиб ўз ўрнида ўтириб сўзга киришди:

— Ҳали гап менинг озуқа вакили ва солиқ мудирини бўлганлигим устида борар эди. Дуруст, мен озуқа вакили ва солиқ мудирини бўлдим. Бу бизнинг ҳаммамиз учун худо берган бир давлат. Энди сизлар омборларингизни бемалол ғаллага тўлдириб қулфлаб қўйиб, «очликдан ўлдим, амин бобо! Бир иш қилмасангиз ҳолим хароб» деб олдингизга ялиниб келган кишининг аввал ерини қўлга киргизиб, сўнгра унга бир ботмон буғдой беринг, шундай қилиб, ерни аввалгидай кўпайтира беринг. Мен бўлсам кимдан озуқа олиш, кимдан солиқ ундиришни жуда яхши биламан...

Чой келди, дастурхон ёйилди, қандолат, майизлар сепилди, яна суҳбат бошланди.

— Лекин ишлар мундай қолмас,— деди Ҳайит амин оғзидаги нон ва майизни тишсизликдан лунжида шимиб-шимиб ютгандан кейин,— ҳозир ҳукуматлар бизнинг оғзимизни ширин қилаётирлар. Ким билади, эрта нималар бўлур?

— Ҳукуматлар ким?— деб, қўйилган чойни Ҳайит аминга узатиб, Ўрмон полвон яна ўзи жавоб берди:

— Ҳукумат — Бухоро Халқ Шўролар ҳукумати, халқ бўлса бизу сиз ва бизу сизни сайлаган ва сайлаётган вакилларимиз. Боя мен Бозор аминга шу тўғрида биз сайлаётган ва сайлаган вакиллар ҳеч вақт оёғимизга болта урмаслар деган эдим.

— «Бўзоқнинг югуриши сомонхонагача» деганлар,— деди Ҳайит амин,— сиз сайлаган вакиларнинг товуши

¹ «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ».

тумандан нарироққа бормаиди. Аммо Бухорода ўтирган ҳукуматлар, иш бир оз қалтисланса, ўз билганларини қила берадилар.

— Йўқ, амин бобо, янглишасиз,— деди Ўрмон полвон,— қуйидан сайланган вакилларнинг товуши марказгача етади. Чунончи, Қарши вилоятида жаноби олийга иноқ бўлиб юрган — жадид-қадим жанжали қизиган вақтда Самарқанднинг машҳур жадидларидан муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг йўлдошларини ўлдирган Нуриддинхўжа оғалик марказга аъзо бўлган.

— Ана мен шунақа ишлардан қўрқаман-да,— деди Ҳайит амин,— амирнинг иноғи бўлган Нуриддинхўжа оғалиқ Қаршидан сайланган номаълум бир деҳқон эмас, уни кўпчилик танийди. Унинг марказга аъзо бўлиши шуни кўрсатадики, марказда ҳам ишнинг шу йўсинда қолишига инонмайдиган баъзи жадидлар топилади. Шунинг учун эски душманлари билан ярашиб Нуриддинхўжа оғалиқдай кишиларни марказга киргизиб, марказни ўз томонига буришга умид қилади. Лекин марказнинг кўпчилиги унақа одамлардан эмас. Коммунистликка кўнгли билан берилган одамлар ҳам кўп. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб коммунистликдан гапираётibdилар, «сайловларда кўпроқ коммунистларни ўтказинг» деяётibdилар.

— Коммунистлар ким?— деб яна бир савол берди Ўрмон полвон Ҳайит аминга, бўшаган пиёлани унинг олдидан олиб Бозор аминга чой қуйиб бергани ҳолда ва бу саволга ўзи жавоб берди:

— Бухоро коммунистлари орасида ҳам бизу сиздай одамлар кўп топилади. Агар Бухорога бориб қарасангиз, халқнинг ярмиси коммунист бўлган. Ҳақиқий коммунистлик иши Бухорода ҳали йўлга қўйилмаган, уларнинг орасида эски муллалардан олиб қозиларгача бор. Мундай «коммунистликдан» ҳеч қўрқиш йўқ.

— Маълум бўладики,— деди бошини қимирлата-қимирлата Ҳайит амин,— кейинги ишлардан хабарингиз йўқ экан. Ҳали «коммунистларни тозалаш» деган бир «бало»ни чиқарганлар. Унақа бойларни, муллаларни, бообрўларни коммунистлар орасидан чиқармоқдалар. Иш шундай бора берса, коммунист бўлиб ёлғиз оёқ яланглар, дастурхони нон кўрмаганлар қоладилар. Агар иш мана шундай одамлар ихтиёрида қолса, унда бизнинг ҳолимиз нима бўлади? Унда аввал марказга аъзо

бўлган Нуриддинхўжа оғалиқнинг бошига сув қуйсалар, сўнгра бизнинг бошимизга ўт ёқадилар.

— Биз унгача жим ўтирсак-да,— деди Ўрмон полвон,— марказда ҳам Нуриддинхўжа оғалиқ каби кишиларга ён босадиган одамлар топилганда, ишимиз яна ҳам енгиллашади. Зеро, унга ён босган жадидлар бизга ҳам ён босарлар, ўшанда улар ичкаридан бузсалар, биз ташқаридан бузармиз, ишқилиб, бошимизга ўт ёқишга йўл қўймасмиз.

— Э, қизиқ қилдингиз-ку,— деди Ўрмон полвонга Бозор амин,— биз жадидларга астойдил берилиб улар билан ишлаймизми, у вақтда яна усули жадид мактаби, яна халқни диндан чиқариш, яна эски муллаларнинг бошларига сув қуйишдай ишлар бўла беради-да, биз жадидлар билан бирлашиб унақа ишларни қиламизми, унақа ишларга рози бўламизми, албатта йўқ! Чунки унақа ишларнинг оқибати эски урфу одатларнинг бузилиши бўладики, у ҳолда биз яна четга чиқиб қоламиз.

— Сиз қизиқ қилдингиз,— деди Ўрмон полвон, бир оз қизиб, Бозор аминга,— биз жадидларга берилмаймиз, улар бизга бериладилар, биздан мадад тилайдилар. У вақтда қувват бизнинг қўлимизда бўлади. Худо берсаки, шундай иш бўла қолса: унинг натижаси жаноби олийнинг келиб ўз тахтларига ўтиришлари бўлади. Жадидлар мамлакатни саришта қила оладиларми?

— Ана шу ишга ҳозирланиш керак,— деди Ҳайит амин,— «Нуриддинхўжа оғалиқ марказга аъзо бўлибди, мен озуқа вакили, солиқ мудури бўлдим» деб қувониб, алданиб юришнинг фойдаси йўқ. Чунки барибир то жаноби олий қайтиб келмагунча бизу сизга тинчлик йўқ.

— Мен,— деди Ўрмон полвон,— алданиб ёки қувониб ҳукумат ишига кирган эмасман, балки бирон шамол қўзғалгангача «ҳа-бали» деб юриш учун кирган, «балонинг ташқарисида туришдан, ичкарисидида бўлиш беҳроқ» демаганларми?

— Мен сизга «балонинг ичидан чиқинг» демадим-ку,— деди Ҳайит амин,— лекин «шамол бир вақт қўзғалади, сипириндиларни олиб кетади» деб кутиб ўтириш тузук эмас демоқчи бўламан. «Ўшандай шамолни қўзғатиш учун ҳозирланиш керак» дейман.

— Сизнинг ва сиз каби обрўлиларнинг,— деди Ўрмон полвон,— ғаллаларини қўриқлайман, бу ҳам шамолни қўзғатишга ҳозирланиш, сизларни солиқдан озод қила-

ман, бу ҳам шамолни қўзғатишга ҳозирланиш. Бунинг муқобилида камбағалларни бошлаб, жонларидан безор қилиб, ҳукуматнинг туманга солган солиқларини улардан ундириб бераман, бу ҳам шамолни қўзғатишга ҳозирланиш.

— Бу оз,— деди Ҳайит амин, олдидаги совуб қолган чойни ҳўплаб пиёлани Ўрмон полвонга узатгани ҳолда,— яна ҳам тузукроқ ҳозирланиш керак.

— Масалан, қандай?— сўради Ўрмон полвон.

— Жаноби олий қочдилар,— деди Ҳайит амин кўзида ёш айлангани ҳолда, сўнгра кўзининг ёшини рўмолчаси билан артиб ўз сўзини давом қилдирди:

— Кўп сарбозлар ўз яроғлари билан тарқалдилар. Бу яроғларнинг бир қисми бизу сизнинг қўлимизга кирган бўлса ҳам, кўписи ҳали ҳам ўша эски сарбозларнинг қўлларида, ёки майда ўғрилар қўлига ўтган. Бир иш қилиб шу яроғларни қўлга кирғизиб, маҳкам ерларга бекитиш керак... Бу яроғлар,— деди Ҳайит амин бир нафас олгандан кейин башарасида қувонч аломати кўрингани ҳолда,— чўлдан ўтиб кетадиган қуруқ шамолни эмас, балки Гиждувон позарезларининг¹ «дам»идай чўянларни эритарлик ўтларни ёлқинлатадиган шамолларни қўзғатарлар.

— Бу тўғридан хотиржам бўлинг,— деди Ўрмон полвон.

— Хотиржам бўлиш сира тузук эмас,— деди Ҳайит амин жиддийлашиб,— эшитган бўлсангиз керакки, ҳукуматлар шу яроғларни топиб олиш учун комиссия чиқарган, агар биз озгина хотиржам бўлиб ўтирсак, у яроғларнинг кўпи ҳукумат қўлига ўтади.

— Мана шу комиссиянинг ишга киришиши,— деди Ўрмон полвон илжайиб,— бизнинг ишимизни енгиллаштиради, биз учун хотиржам бўлишга йўл очади. Шу комиссия бўлмаганда, биз бировга «қўлингдаги яроғингни бер» дея олмас эдик, бер десак ҳам, фойдаси йўқ эди. Чунки у бермас эди. Агар товушимизни баланд қилиб гапирсак ҳукумат эшитар эди, яна натижада яроғ бизнинг қўлимизга эмас, ҳукумат қўлига кирар эди. Бу комиссия воситаси билан иш бошқа тус олади. Зеро, комиссия бизнинг маслаҳатимиз билан ишлайди. У ҳолда биз яроғсизларни комиссияга кўрсатиб, ҳақиқатан

¹ Позарезлар — чўян эритиб тиш қуювчилар.

қўлида яроғи борларни қўрқитиб, у яроғларни ўз қўлимизга киргизишимиз мумкин.

— Дуруст,— деди яна Ўрмон полвон, совуган чойнакка қўлини тегизиб олиб,— бу комиссия воситаси билан ҳукумат қўлига яроғ кирмайди эмас, киради. Лекин ҳар ҳолда яроғларнинг катта бир қисми бизнинг қўлимизга ҳам киради...

— Ош тайёр бўлибди,— деб келган хизматчи Ўрмон полвоннинг сўзини кесди.

Хизматчига:

— Айт, суза берсин, ўзинг обдаста билан дастшўйни келтир,— деган Ўрмон полвоннинг ўзи ҳам уйдан чиқиб кетди...

* * *

Палов ейилиб, дастурхон йиғиштирилгандан кейин меҳмонлар чой ичаётганда Ўрмон полвон ҳовлисига бир тўда оёқ яланглар кириб келдилар. Улар сўрамасдан меҳмонхона супасига чиқиб, юқори эшигидан ичкари қарадилар.

— Ҳа, нима гап?— деди уларга Ўрмон полвон.

— Қандай гап бўлар эди,— деди улардан бири жаҳли чиққан ҳолда,— озуқа идораси одамлари келиб бизнинг уйимизга босиб кирдилар. Қиш бўйи ўтинкашлик қилиб йиққан бир пуд, ярим пуд буғдой, арпа, жўхори, тарих каби ғаллаларимизни супуриб-сидириб олиб кетдилар. Бу қандай бедодлик!

— Ҳукумат қонунига итоат қилмайсизларми?— деди Ўрмон полвон уларга дўқ уриб.

— Бизнинг эшитишимизча,— деди у одамлардан бири,— ҳукуматлар ғалла бойлардан олинсин, ҳам ғалла эгасининг ўз розилиги билан сотиб олинсин деганлар, талаб олинсин демаганлар.

— Сиздан сотиб олмадим, сизга тилхат бермадим, ғаллаларингизни олган киши?— деб сўради Ўрмон полвон.

— Берди,— деб улар эскирган қоғоз парчаларига ёзилган тилхатларни чўнтакларидан чиқариб кўрсатдилар,— лекин,— деди улардан бири,— биз бу тилхатларни ивитиб ичамизми?

— Шу тилхатлар пул,— деди Ўрмон полвон пўписа қилиб,— Бухородан пул келган вақтда шу тилхатларни бериб нақд ақча ола берасизлар.

— Бизда,— деди улардан бири,— кутиш учун мадор йўқ, биз учун шу бугун ғалла керак, бўлмаса оч қоламиз. Биз ердан хирмонлаб ғалла кўтарганимиз йўқ, биз харидахўр...

— Бор, бор, чиқ!— деди Ўрмон полвон, унинг сўзини кесиб,— мен эрта текшириб кўраман, ҳақиқатан ортиқ ғаллаларингиз бўлмаса, у ғаллаларни ўз розилигингиз билан сотган бўлмасангиз, бирон чорасини кўрармиз.

— Эрта сизни қаердан топамиз?— деди улардан бири.

— Хўжаорифдан, озуқа идорасидан.

— Бугун у ерга бориб сизни тополмай бу ерга келдик. Эрта ҳам шундай овора бўлмайлик.

— Бугун жума,— деди Ўрмон полвон,— бугун дам олиш куни, ишламаймиз, эрта албатта идорада бўламан. Оёқяланглар супадан тушаётганда Ўрмон полвон меҳмонларга уларни кўрсатиб:

— Ана бу ҳам шамол!— деди.

Оёқяланглар дарвозадан чиқар-чиқмас бир милиционер от чоптириб кирди, отни у ердаги хизматчига бериб, ўзи супага чиқиб, юқори эшикдан меҳмонхонага қараб, Ўрмон полвонни кўриб:

— Қани, полвон туринг!— деди.

Ўрмон полвон ранги қути учган ҳолда:

— Нима гап?— деб сўради.

— Бухородан комиссия келган, сизни дарров келсинлар,— деди.

Ўрмон полвоннинг бетига қайта бошдан қон югуриб:

— Ҳозир!— деган ҳолда ўрнидан туриб кийина бошлади.

Уй эгаси билан бирга кетарга ҳозирланган меҳмонлардан Ҳайит амин:

— Ана бу, позарезлар кўраси дамидай чўянларни эритарлик даражада ўтни ёлқинлатадиган шамолнинг бошлангичи,— деди.

— У ўтда ўзимиз ҳам кўймайлик деб қўрқаман,— деди Бозор амин.

Бу кейинги сўзнинг таъсири билан башараларида қайғу аломати кўрингани ҳолда ҳаммалари меҳмонхонадан чиқдилар...

Ун беш минутдан кейин Хўжаориф йўли чангланмоқда эди. Бу чанг Ўрмон полвон, Ҳайит ва Бозор аминларнинг отлари туёғи остидан кўпарди.

Хўжаорифда, эски қозихонада Бухоро фавқулодда атроф комиссияси ерлашган эди. Қозихонанинг, ўқувчиларимизга таниш бўлган, меҳмонхонасида комиссия раиси ўрин тутган; у билан махсус милиционер юборилиб чақирилган Ўрмон полвон махфий суҳбат қилмоқда эди.

— Қани, полвон, гапиринг,— деди Ўрмон полвонга комиссия раиси,— аввал ўзингиздан сўрайлик, сизнинг қўлингизда амир қочқинларидан қанча яроғ қолган, улар қаерда, уларни қачон топширасиз?

— Менинг,— деди Ўрмон полвон,— эски замонлардан қолган бир тўппончам ва бир шохдор эски ов митғим бор эди. Уруш муносабати билан амир одамлари менга мажбурий суратда бир берданка таққан эдилар. Буларнинг ҳаммаси ўз уйимда, қачонки келтир десангиз, ҳаммасини келтириб бераман, садағайи сарингиз. Лекин агар берданкани ўзимни қўриқлаш учун қолдирсангиз жуда миннатдор бўлар эдим. Биринчидан, мен ҳукумат хизматига кириб садоқат билан ишлай бошлаганим сабабли душманам кўпайган, чунки ҳали амирни эсларидан чиқармаган одамлар туманда жуда кўп; иккинчидан, туманда яроғли майда ўғрилар кўпайган, агар булар яроғсизлантирилганимни эшитсалар, албатта менга ҳужум қиладилар, у вақтда менинг жоним, молим ва бола-чақам хавфда қолади. Ҳовлим жуда нобоп жойда, чўл этагида, қум босган ерларда.

— Хўп,— деди комиссия раиси,— сиз яроғларингизнинг ҳаммасини келтириб топшинг, сўнгра яроғ топишда яхши хизмат кўрсатсангиз сизга комиссия номидан «махсус хизматлари учун фалон номерлик винтовка мукофот берилди» деб ёзилган хат билан бир бешотар бериш мумкин. У вақтда сизга бирон ўғри ё душман ёндаша олмаганидек, ҳукумат одамларининг биронтаси ҳам яроғни сиздан ололмайди...

Комиссия раиси қўйин чўнтагидан кумуш папирос қутисини чиқариб ундан папирос олди. Ўрмон полвонга ҳам тақдим қилди. Сўнгра ўзи гугурт чақиб Ўрмон полвон папиросига тутгандан кейин, ўзиникини ҳам ёндирди...

Комиссия раиси папиросини бир-икки қуллаб тортиб тутунини шифтга пуфлаб юборгандан кейин, Ўрмон полвонга қараб:

— Шундай,— деди,— туманда амирдан қолган душманлар ҳали кўп бўлганидай майда ўғрилар ҳам жуда кўпайган. Комиссиянинг вазифаси биринчи навбатда буларнинг қўлларидаги яроғларни териб олиш; иккинчидан, маълум душманларни тутиб жазо бериш, марказий ҳукуматга топширишдир. Сиздек Бухоро Халқ Шўролар ҳукуматининг хизматига садоқат билан кирган зотларнинг вазифалари мана бу хусусда комиссияга ёрдам беришдир.

— Жоним билан,— деди Ўрмон полвон, қўлидаги папироснинг кулини тирноғи орқаси билан бир томонга қоққани ҳолда,— албатта, ҳар бир туманнинг пасту баландини, яхши-ёмонини ўша туманнинг ўз халқи билади, агар сиз мен каби сидқидилдан Бухоро Халқ Шўролар ҳукуматига берилган кишилар билан маслаҳатлашиб ишласангиз ҳам мақсад қўлга киради, ҳам ҳақ-ноҳақ бўлмайди. «Маслаҳат билан бичилган чопон қисқа келмайди» деганлар.

— Хўп,— деди комиссия раиси,— сиз ўз билганингизча қўлида яроғи бор одамларни, бизга душман бўлган кишиларни рўйхат қилиб беринг, биз ундай одамга қандай муомала қилишни ўзимиз биламиз.

— Дуруст,— деди Ўрмон полвон,— лекин шунисини ҳам олдиндан айтиб қўяйки, ҳозир ҳар ким ўзини амир замонида зулм кўрган деб кўрсатади, ҳар ким ўзини камбағал, меҳнаткаш ва бойлар эшигида ишлаб чириган деб санайди. Мана бу ҳавойи сўзларга ишонмаслик, ҳар бир ишни тузук текшириб кўриш керак.

— Албатта,— деди комиссия раиси ва Ўрмон полвоннинг сўзини қувватлаш йўлида ҳикоя бошлади:

— Инқилоб бошида,— деди у,— амирни қувлаб борган бизнинг отрядимиз Ғиждувонга кирган, у ерда катта бир ҳовлини кўриб унда ерлашмоқчи бўлган. Отряд ҳовлига кирганда уни оёқяланг, эғнида йиртилган кўйлак-иштон, бели ип билан боғланган, бошида кир қалпоғи бўлган бир одам қарши олган.

— Сен ким?— отряд бошлиғи у одамдан сўраган.

— Мен бойнинг еtimi — қароли,— жавоб берган у одам.

— Хўжайин қайда?

— Қочди, падар лаънат.

— Хўп, бўлмаса биз учун жой бер.

— Марҳамат қилинглр, ичкари, ташқари ҳовли

бутун бўш, меҳмонхона палоси билан турибди, гуруч-мой, чой, қанд, ун, арпа ҳам бор,— бостирма остига боғланган ҳайвонларни кўрсатиб,— ана мунда сигир, ҳўкиз, от ва бўрдоқи қўйлар ҳам бор,— деган қарол.

— Жуда яхши,— деган отряд бошлиғи,— сен меҳмонхонани оч!

— Хўп,— деган ҳолда ҳалиги оёқяланг меҳмонхонани очиб, отряд бошлиғини у ерга киргизган. Меҳмонхонадаги зийнат-зеварларни кўриб отряд бошлиғи ҳайрон қолган. Ҳалиги оёқялангни чақириб:

— Сен бу бойда неча йилдан бери хизмат қиласан?— деган.

— Йигирма йилдан бери.

— Қайда ётиб, турасан?

— Қишда молхонада, ёзда молхона эшиги олдидаги супада.

— Остингга нима тўшайсан?

— Қишда похол, ёзда қуруқ ерда ёта бераман.

— Шундай кўрпача устида умрингга бирон марта ўтирганмисан?— деб отряд бошлиғи меҳмонхонага тўшалган атлас кўрпачалардан бирини кўрсатган унга.

— Умримда мунақа нарсага қадам босган эмасман.

— Э, бечора,— деган ҳолда отряд бошлиғи у атлас кўрпачани у одамга узатган:

— Ол муни, бу кеча шунинг устида ётасан.

Оёқяланг:

— Садағангиз бўла-ей,— деган ҳолда, кўрпачани бошлиқ қўлидан олган.

— Мендан миннатдор бўлишинг керак эмас,— деган унга отряд бошлиғи,— бу ўз ҳақинг, ўз хизмат ҳақинг. Бойнинг моли сен ва сен каби етимлар меҳнати билан топилган.

— Хўп, хўп,— деган ҳолда оёқяланг ҳалиги кўрпачани элтиб бир уйчага тикқан.

Отряд бошлиғи меҳмонхона тўрига осилган икки катта жиякли чопонни, шойи белбоғни, токчага тахлаб қўйилган сури қўйлак-иштонни, амиркон этикни, қозикқа илинган зардор қалпоқни кўриб ҳалиги қаролни чақирган.

— Лаббай, гақсир!— деган ҳолда қарол югура келган.

— «Тақсир» дема, ўртоқ де,— деган отряд бошлиғи унга,— ол, бу кийимларни кий!— отряд бошлиғи чопон, кўйлак-иштон, этик, белбоғ ва қолпоқни олиб қаролга берган.

Қарол даҳлизга чиқиб эски кўйлак-иштонни чечиб, отиб сури кўйлак-иштонни кийиб олган, ипакли чопонларни кийиб, устидан шойи белбоғ билан белини боғлаган, амиркон этикни кийиб, зардор қалпоқни бошига қўйиб бошлиқ кўзига кўринган ва ўзининг у ён-бу ёнига қарагани ҳолда:

— Бу кийимлар менга ярашмайдиганга ўхшайди-ку?— деган.

— Тентаклик қилма,— деган отряд бошлиғи унга,— мундан бурун бойларга ярашган нарсаларнинг бариси энди меҳнаткашларга ярашади. Бор, хўжайиннинг арпа-бедаларини кўрсат, отларни овқатлантирсинлар...

Отряднинг отлари ҳовлидаги қатор якка михларга, охурларга, бостирмаларга боғланган, беда, ем емоқда; аскарлар, қизил партизанлар ҳовлини тўлдириб шинеллар устига ёзилган, ўқ яшиклари айвонлар остига тизиб қўйилган, қўрхонадан бўшалган аравалар кўчада, командирлар меҳмонхонада ерлашган.

Бошлиқ қаролни чақириб:

— Қани энди бойнинг озуқа омборини кўрсат,— деган.

— Марҳамат қилинг,— деб қарол ўзи олдин тушиб, ичкари ҳовлидаги омборчани очиб у ердаги қанд-чой, гуруч ва мойни кўрсатган. Бошлиқ бир пудлик бир каллақанд билан бир неча қадоқ чойни қаролга инъом қилган. Сўнгра аскарларга бир кунлик овқат учун етарли озуқа чиқартириб, омборчани яна қулфлаб, калитини қаролга берган ва ҳазиллашиб:

— Сен энди хўжайин бўлдинг,— деган.

— Хайриятки, мундан бурун хўжайин бўлмаган эканман, бўлмаса бугун бу нарсалардан ажралиб йиғлаб юрар эдим. Энди умримда киймаган кийимларни кийиб, емаган нарсаларни еб қувонмоқдаман, қарол қўлидаги каллақанднинг қоғозини очиб унинг оппоқ қордай баданидан бир ялаб олган.

— Уҳ, уҳ, уҳ, қандай ширин,— деган.

— Хўжайиннинг катта бой эдими?— сўраган отряд бошлиғи ундан.

— Жуда катта бой эди, туман бойларининг тўрттасидан биттаси эди.

— У ўзининг қимматли нарсаларини қаерга кўмган?

— Менинг хўжайиним,— деган қарол,— жуда доғули эди. Уруш бошлангандан бери араваларни қаторлатиб кеча-кундуз мол ташитди. Кейинги аравасини ўтган кеча амир Жаъфаридан Абдулла бойвачча тўқсобанинг ҳовлисидан чиқиб, Зарафшонни ўтиб, Қарши чўлига қараб қочган вақтида ортди. Билмадим, у сабил қолгур молларни қайси гўрга элтиб тиқди. Лекин ичкари уйларида ҳали ҳам бир қатор нарсалари бор,— деган қарол яна сўзида давом этган,— келинг, кўздан кечиринг,— деб олдин тушиб, уйларни бир-бир очиб кўрсатган. У уйларда бир қатор палос ва токчаларга терилган идиш-оёқлардан бошқа нарса бўлмаган.

— Хўп,— деган отряд бошлиғи,— ичкари-ташқаридаги нарсаларнинг бариси сеники, биз кўчгандан кейин яхшигина саришта қил, исроф қилиб бир кунда йўқотма.

— Қуллуқ,— деган қарол.

— Ундай дема, булар ўзининг молинг... хотининг борми?

— Йўқ.

— Бирон бечорагина қизни топиб уйлан, қўш-ҳўкизни ишлатиб бойдан қолган ерларда деҳқончилик қил... Хўжайининг амир билан бирга қочган бўлса керак.

Отряд овқатлангандан кейин, амир қочқинларининг орқасидан тушган. Эртасида Ғиждувонга ревком келиб, «амир, унинг билан қочган одамларга тегишли моллардан ва умуман подшоҳликка тааллуқли нарсалардан бошқа нарсалар мусодара қилинмасин, қўрқиб панапастқамда пусиб ётган одамлар чақирилиб, ўз нарсалари ўз қўлларига топширилсин» мазмунида марказдан олинган буйруқни халққа эълон қилган. Уша кун ҳалиги қарол бошқа бир неча қаролни ишга солиб отряд қўнган ҳовлидаги гўнхонанинг гўнгини бир томонга ағдартира бошлаган. Гўнг остидан сандиқ-сандиқ қимматли моллар, той-той газламалар ва бошқа қимматли нарсалар чиқа бошлаган.

Ҳалиги қарол — кийимини алмаштирган ҳовли эгаси — ҳақиқий хўжайин экан.

Комиссия раиси ўз ҳикоясини тугатиб:

— Шунинг учун мен «йиртиқ чопондиларнинг» додвойларига алданмайман,— деди.

— Шундай бўлсин-да,— деди Урмон полвон ва қўлида яроғи борларнинг рўйхатини эртага келтириб топширишни ваъда қилиб, комиссия олдидан чиқди. Комиссиянинг махсус чақириғи билан келиб ташқарида навбат кутиб турган Ҳайит ва Бозор аминлар билан саломлашиб, паст товуш билан:

— Ярамасидан битта-иккита бериш керак,— деган ҳолда супадан тушиб кетди...

* * *

Урмон полвон эрта билан озуқа идорасида ўтирганида тунов кун унга бориб «бизнинг ғаллаларимизни ноҳақ ва зўр билан босиб олдилар» деб арз қилган оёқяланг деҳқон, чўпон ва ўтинкашлар кириб келдилар. Урмон полвон бугун уларни жуда хуш қабул қилди, ўтириш учун жой кўрсатди ва ўз мирзасини (котибини) чақириб буларнинг номларини рўйхат қилишга буюрди.

Мирза қоғоз-қаламни тайёрлагандан кейин Урмон полвоннинг ўзи деҳқонлардан сўради:

— Сенинг отинг нима эди?

— Эргаш Қулбобо.

— Ёзинг мирза,— Урмон полвон ўз мирзасига буюрди. Мирза ёзди.

— Менинг,— деди Эргаш,— икки пуд буғдой ва бир пуд жўхоримни олганлар.

— Ҳали у керакмас, сўнгра суриштириб ёзармиз — дегандан кейин:

— Сеники?— деб бошқа бирисидан сўради Урмон полвон ва мирзага қараб,— сиз ёза беринг,— деди.

— Қулмурод Боймурод.

— Сеники?

— Рўзи Тошпўлат.

— Сеники?

— Сафарқул Ҳайдар...

Шу тартибда Отажон, Шодим, Шукур, Ғойиб, Истад, Нормурод деган отлар ҳам рўйхатга ёзилди.

Урмон полвон рўйхатни олиб:

— Сизлар тарқалмасдан шу ерда туринглар, ҳозир мен суриштириб келаман,— деб чиқиб кетди.

— Урмон полвон бугун жуда юмшаган-а,— деди Эргаш ўз йўлдошларига.

— Замона ҳар кимни юмшатади,— деди Қулмурод,—

амир вақтида мунинг «бурутини болта кесмас» эди. Инқилобдан кейин анча юмшаб қолди. Бугун Бухородан комиссия келганини эшитган бўлса керак, кечаги дами ҳам қолмаган.

— Биз,— деди Сафарқул,— инқилобдан ҳали бирон манфаат кўрмаган бўлсак-да, шундай одамларнинг юмшагани ҳам биз учун катта давлат.

— Инқилобдан манфаат кўриш нари турсин, зарар кўраётимиз-ку,— деди Шодим ва Сафарқулга қараб қўшимча қилди:

— «Инқилоб бўлса оёқяланг қулларнинг, меҳнаткаш деҳқонларнинг кунни туғади» деб сен бизни бекорга алдаб юрган экансан-да.

— Ҳали инқилобнинг боши,— деди Сафарқул,— бир дарахт ўтқазсанг уч-тўрт йил ўтмасдан мева бермайди. Шунга ўхшаш инқилоб ҳам илдиз ёйиб вояга етгандан кейин ўз мевасини беради-да.

— Сен ўтқазган дарахт мевасиз тол бўлмаса деб кўрқаман,— деди Шодим.

— Кўрқма,— деди унга Сафарқул,— тол бўлса ҳам кўланкасидан фойдаланамиз...— кўзлар озуқа идорасига кирган яроғли тўдага тушиб суҳбат кесилди.

Яроғли тўда ўзига қараб ҳайрон бўлиб турган оёқяланг одамларни ўраб олди ва дарвозадан чиқариб ҳайдаб кетди...

* * *

— Булар ким?— деди рўйхатни Ўрмон полвон қўлидан олиб кўздан кечирган комиссия раиси.

— Отлари рўйхатда ёзилган-ку,— жавоб берди Ўрмон полвон.

— Ижтимоий аҳволларини сўрайман, яъни бойми, бечорами, деҳқонми, чорвадорми?

— Булар,— деди Ўрмон полвон,— кўринишда бечора, лекин сизнинг кечаги ҳикоянгиздаги ўзини қарол қилиб кўрсатган ғиждувонлик бойдек «бечора»; қўй рамаларини Қизилчўл томонига қочирган, йиртиқ чопонларни кийиб олган, уйларида яроғ нари турсин, тузуккина бир палос ҳам қолдирмаган «бечора».

— Ўзлари ўзбекми?

— Ўзбеклари ҳам бор, тожиклари ҳам, араблари ҳам, қуллари ҳам бор.

— Сизнинг туманда ҳам эронликлар борми?

— Бор, лекин булар ўз оёғи билан келган, амирлар оқ уйли қилиб келтирган эронликлардан эмаслар. Булар туркманлар томонидан чопилиб келтирилиб сотилган қулларнинг авлоди.

— Қуллар қандай қилиб бой бўлганлар?

— Худо берган-да; кўрмайсизми, жаъфарилик Абдулла бойбачча ҳам эски қуллар авлодидан бўлгани ҳолда Гиждувон туманининг биринчи бойи. У Шўро ҳукуматига шу қадар душманки, амир билан бирга қочиб кетди.

— Дуруст,— деди комиссия раиси,— лекин сиз буларнинг уйлари, жойлари қайда эканлигини ёзмабсиз, биз буларни қаердан топиб қўлга киргизамиз?

— «Овчининг иши барор олса, ов ўз оёғи билан тузоққа келади», деганлар. Шунингдек сизнинг хушбахтлигингиздан булар шўрапушлик қилиб, «озуқа маъмурлари бизнинг ғаллани зўр билан босиб олдилар» деб менга арз учун келдилар. Сиз кеча менга яроғи борларнинг рўйхатини буюрганда ҳаммадан бурун шулар эсимга келган эди, лекин «агар буларни рўйхатга берсам, одам борганда қочиб чўлга чиқиб кетсалар, уйларидан ҳам яроғ топилмаса шарманда бўларман» деб ўйламоқда эдим. Эндики, булар ўз оёқлари билан келдилар, қўлга киргиши осон. Ўзлари қўлга кирдиларми, бошқа иш ўз йўли билан бора беради.

— Булар мункир бўлсалар, уйларидан ҳам яроғ топилмаса, қандай қиламиз?

— Сиз буларни туттириб, яхшигина пўписа, сиёсат қилиб бир-икки кун қамаб қўйинг. Сўнгра мен «тумандорлик» баҳонаси билан келиб буларни кўраман ва ишни пишириб қўлларидаги яроғни олдириб бераман.

— Жуда яхши,— деди комиссия раиси,— менинг ўзим пўписа усулини жуда яхши биламан.

Урмон полвон комиссия раисига қўл бериб унинг олдидан чиқаётганида, унга:

— Бир иш қилингни, улар мендан кўрмасинлар. Бўлмаса бирон кеча мени ўлдириб, уйимни ёндириб кетдилар.

— Хотиржам бўлинг...

Урмон полвон комиссия раиси олдидан чиқиб бир пастқамликда пушиб турди. Ун беш минут ўтар-ўтмас оёқяланглар тўдаси ўзларини ўраб олган яроғли кишилар томонидан собиқ қозихонага қараб ҳайдалмоқда эдилар.

Хўжаорифда собиқ қозихонанинг зинхонасида бошлари ёрилган, бармоқлари синган, кўзлари қабарган, тизза суяклари эзилган оёқяланглар куллуқ қилинганлари ҳолда ётмоқда эдилар.

— Ана бу,— деди Сафарқулга Шодим,— сен ўтқазган дарахтнинг биринчи меваси.

— Йўқ,— деди Сафарқул,— янглишасан. Бу Урмон полвоннинг иши.

— Агар комиссия раиси,— деди Шукур,— тузук одам бўлса эди, Урмон полвоннинг гапига кириб суриштирмасдан, текширмасдан шунча урармиди?

— Сув бошидан лойқа,— деди Ғойиб.

— Комиссия раисининг,— деди Сафарқул,— ёмонлигининг ё нодонлик билан иш қилишининг ҳукуматларга нима дахли бор. Ҳали инқилобнинг боши, иш кўп, ҳукуматлар бир кишига ишониб унга катта бир ишни буюрадилар. У қасддан ёки билмасликдан ишни бузиб юборади. Албатта, мунга юқорида ўтирганлар гуноҳкор эмас. Улар бу ишларни эшитгандан кейин чорасини кўрарлар, бу учун инқилобдан, Шўролар ҳукуматидан совуниш, умидни узиш тузук эмас. Ҳар ҳолда ҳозир биз учун кўзга кўриниб турган биринчи гуноҳкор Урмон полвон. У эски амалдор, у эски амлокдор одами, у эски жаллод...

— Жим бўлинглар,— деди бу гапларга қўшилмай турган Эргаш,— Урмон полвон бизга томон келаётир. Мен ҳам биламанки, шу ишни у қилган, шундай бўлса ҳам, билмасликка солиб ундан ёрдам сўраш керак. Чунки бу ишни қила олган киши, мундан ёмонроғини ҳам қила олганидек, бизни қутқаза олади ҳам. Шунинг учун унга ёлвориб бўлса ҳам, бу ердан қутулиш, сўнгра пайтини топиб ундан ўч олиш керак...

Эргаш ўз сўзини тугатар-тугатмас соқчи билан гаплашиб комиссия раисидан олинган пропускани кўрсатиб эшикни очтирган Урмон полвон қамоқдагилар олдига кириб келди.

— Бу қандай иш, полвон?— деди Сафарқул қизиб, Урмон полвонни кўрган ҳамон унга.

— Мен қайдан билай,— деди Урмон полвон,— мен сизларни идорага қўйиб ўзим омборга бордим. У ерда сизларнинг ғалла тўғрисидаги ишларингизни текшириб

қайтиб келсам, шу ҳодиса бўлган экан, «албатта сизлар мендан бадгумон бўлгандирсиз» деб ўйладим, икки кун югуриб сизлар билан кўришиш учун зўрға пропусқа олдим. Энди сизлар гапнинг тагини айтинглар, мумкин бўлса чорасини кўрармиз,— Ўрмон полвон йўталиб бир томонга тупургандан кейин илова қилди:

— Эргаш ака амир замонида ҳар бир иш учун мендан бадгумон бўлиб, мен билан ёқалашиб, юзимга югуриб юрар эди. Шундай бўлса ҳам мен ундан хафа эмасман. Бу ишда ҳам эҳтимол у мендан бадгумон бўлгандир; майли бўла берсин. Мен оқ кўнгилли бир кишиман, унга яхшилик қилмоқчиман; у билмаса халқ билур, «яхшилик қил, дарёга от, дарё билмаса балиқ билур, балиқ билмаса холиқ билур» деганлар...— Ўрмон полвон яна бир йўталгандан кейин сўради:

— Хўп, гапнинг таги нима экан?

— Бизда яроғ бор эмиш, шунга топширишимиз керак эмиш?— деди Сафарқул, яна қизиган ҳолда.

— Сенлар нима жавоб бердинглар?

— Нима дер эдик,— деди Сафарқул,— бор нарсани бор, йўқ нарсани йўқ дейдилар-да.

— «Йўқ» деган билан бўлмайди,— деди Ўрмон полвон,— сенлардан бир кун бурун мени ҳам чақириб яроғ талаб қилган эди. Ҳар нима бўлса мен сипоҳигарчиликда юрган ҳукумат одамларининг нағмаларини кўзларидан англайман. Ишнинг оқибати ёмон бўлишини сезиб, «жоним билан» дедим. Дарров бор яроғларимни келтириб топширдим.

— Сизда бор экан, келтириб топширибсиз-да,— деди Шодим,— бизда милтиқ нари турсин, бир косов ҳам йўқлигини ўзингиз яхши биласиз.

— Ҳақиқатда бизда косов ҳам йўқ,— деди Шодимнинг сўзини қувватлаб Шукур,— ойда-йилда ўчоғимиз олов кўрмаганлиги сабабли бизга косов ҳам керак бўлмаган.

— Тўғри,— деди Ўрмон полвон,— мен ҳам биламан, сенларда яроғ йўқ, лекин комиссия раисини ҳам биламан. Бу Муҳиддин Махсум Хўжаев деб от чиқарган машҳур бир жаллод. Бу ростми, ёлғонми бир гап эшитиб бировни тутдими, ё ундан бир нарса ундиради, ёки уни ўлдирди. Шунинг учун бу ишнинг чорасини кўриш керак.

— Биз қандай чора кўра оламиз?— деди Эргаш,—

«мумкин бўлса чорасини кўраман» деб эдингиз-ку, сиз ўз фикрингизни айтинг!

Ўрмон полвон йўталиб тупугини ташлаш баҳонаси билан ўрнидан туриб, у ён-бу ёнга қараб, у ёвуқларда эшикда турган соқчидан бўлак кишини кўрмагач, паст товуш билан сўзга киришди:

— Мен,— деди у,— сизлар учун биттадан яроғ топиб бераман. Булар ўзимдан топилмайди, эски сарбозлардан, овчилардан сотиб олиб бераман. Албатта биламанки, сизларнинг нақд пулларингиз йўқ. Лекин сигирингизми, қўй-эчкингизми, уй-анжомингизми, қисқаси, ҳар нарсангизки бўлса, ало қадриҳол менга беришингиз керак,бу нарсаларингиз менда гаров тарзида туради, қачонки пул топсангиз менинг яроғ учун тўлаган пулимни бериб, нарсаларингизни оласизлар.

— Менинг бир сигирим бор,— деди бошлаб Эргаш.

— Менинг бир ғунажиним бор,— деди Рўзн.

— Менинг бир жўвонам бор,— деди Отажон.

— Менинг бир эчким бор,— деди Қулмурод.

— Менинг бир бузоғим бор,— деди Шодим.

— Менинг биттагина арабий қўйим бор,— деди Ғойиб.

— Менинг бир қўзим бор,— деди Шукур.

— Менинг бир эшагим бор,— деди Истад.

— Менинг янги олган бир қозоқий кигизим бор,— деди Нормурод.

— Менинг ҳеч бир нарсам йўқ,— деди Сафарқул.

— Хайр, майли, зарари йўқ,— деди Ўрмон полвон.

— Хўп, яроғларни бизга қачон келтириб берасиз?— деб сўради Ўрмон полвондан Эргаш.

— Яроғларни,— деди Ўрмон полвон,— бу ерга келтириб бермайман, у ҳолда сизлар ҳам ўласиз, мен ҳам. Сизларни «камбағал бўлсалар ҳам бузилиб эски амалдорлар билан бирлашган» деб, мени «камбағалларни йўлдан чиқариб Шўро ҳукуматидан қайтарган» деб ўлдирадилар. Мен бугун бориб яроғларни топиб қўяман, ҳам сизларнинг қавм-қариндошларингизга хабар юбораманки, эрта келиб улар сизни кўрсинлар. Сизлар қулоқларини товлаб, уларга тушунтирасизки, ҳар бирларингизнинг ваъда қилган молларингизни менга яширин элтиб бериб, ҳар кимга аталган яроғни келтириб комиссияга топшириб, сизни қутқазадилар, улар шундай қиладиларки, гўё сиз яроғ яширилган жойни уларга да-

рак берган, улар ҳам сизнинг кўрсатишингиз бўйича яроғни топиб келган бўладилар.

— Дуруст,— деди Эргаш,— лекин биз «иқрор» бўлган чоқда қандай яроққа «иқрор» бўлайлик?

— Уни ҳозир мен тайин қиламан,— деди Урмон полвон ва орқасига қараб, ҳеч бир киши йўқлигини кўриб, тинчлангандан кейин яна сўзга киришди.

— Сиз учун, Эргаш ака,— деди,— бир бешотар топиб бераман. Бу менинг ўзимники, ўз яроғларимни топширганда комиссия раисидан «ўзимни қўриқлаш учун» деб тилаб олиб эдим. Бу яроғ биттагина сигирга эмас, ўнта сигирга арзийди. Ўзимнинг жонимни хатарга қолдириб бўлса ҳам, уни сиз учун бераман, чунки мен сизни хурсанд қилмоқчиман... Рўзи, Отажон, Қулмурод, Шодим учун амир сарбозларининг оғзидан жойланадиган тўртта эски милтиқларидан топиб бераман. Ғойиб, Шукур, Истад, Нормурод учун бўлса тўртта ов милтиғи сотиб оламан. Энди Сафарқул қолди. Унинг ҳеч нарсаи бўлмаса, ё бирон нарса беришга бўйни ёрий бермаса ҳам, у учун бир шохдор милтиқ топиб бераман. Майли, қутулиб чиққандан кейин қусурини чиқарар...:

— Хайр, хўш,— деб Урмон полвон ўрнидан турди,— ҳушёр бўлинглар, иқрор бўлиш вақтида ҳеч бирингиз ўзига аталган яроғнинг отини янглиштирмасин. Бу сир шу ерга-кўмилсин,— дегани ҳолда қамоқхонадан чиқиб кетди.

Унинг орқасидан Сафарқул:

— Қусурини чиқарарман, лекин бурнингдан чиқарарман,— деган бўлса ҳам у бу сўзни эшитмаган эди.

Урмон полвон, собиқ қозихонадан чиқиб ўзини кутиб кўчада турган Бозор аминга ёндошиб, жуда паст товуш билан:

— Майли,— деди,— мен бир бешотарни фидо қилдим, лекин бунинг бадалига юзта бешотарни қўлга киргизаман.

Икки йўлдош отланиб кўздан йўқолдилар...

IV

Бозор амининг меҳмонхонасида шифтга осилган қирқинчи лампа остида Ҳайит амин, Нор қоровулбеги ва Урмон полвонлар ўтирмақда эдилар.

Меҳмонхонанинг қуйи томонида яна ўн-ўн икки йигит кўринса ҳам, уй эгаси бўлган Бозор амин улардан юқорироқда, аммо боя номи айтилган кишилардан қуйироқда ўтирмоқда эди.

Палов дастурхони йиғиштирилиб, чойлар қуйила бошлагач, тўрда ўтирган Ҳайит амин сўзга киришди ва меҳмонхонанинг қуйисида ўтирганларга қараб:

— Йигитлар!— деди,— шу кунларда бўлаётган ҳодисалардан хабарингиз борми?

— Бор,— деди йигитлардан бири.

— Шу яроғ теришга чиққан комиссиянинг ишидан дейсизми, амин бобо?— деб сўради бошқа бир йигит.

— Ҳа,— деб жавоб берган Ҳайит амин сўзида давом қилиб ўзи сўради:

— Бу тўғрида нима ўйлайсизлар?

— Нима ўйлар эдик, сиз биласиз, амин бобо,— деди биринчи йигит.

— Бизнинг билганимиз шуки,— деди Ҳайит амин,— сизларнинг ҳар қайсиларингизда битта-иккита яроғ бор. Чунки сизлар неча йилдан бери сарбозлик қилиб даҳбоши, чўроғаси бўлиб жаноби олийнинг нону намакларини еб юрган кишиларсиз. Албатта, сизларда яроғ бор. Бу яроғлар бугун бўлмаса, эрта сизнинг қўлингиздан кетади. Ҳар қайсиларингизнинг ўзларингизга яраша дўсту душманларингиз бор. Биров хабар берса уйларингизни ахтардилар, яроғ топилгандан кейин сизни тирик қўймаслар...

Ҳайит амин жим бўлиб олдидаги чойни олиб ича бошлагач, биринчи йигит сўради:

— Нима қилинлар демоқчи бўласиз, амин бобо?

— Ҳозир,— деб Ҳайит амин, пиёладаги чойни ичиб пиёлани чой қуйиб ўтирган Бозор амин томонига итариб юбориб, ўз сўзини давом эттирди:

— Ҳозир жаноби олий қайтиб келар эмишлар деган гаплар чиққан, ҳам ўзингизни тинчитиш учун, ҳам яроғларни ўз эгаси келгунча эсон-омон сақлаш учун уларни ҳукуматларнинг кўнгиллари тўлган Урмон полвон, Бозор аминдек кишиларнинг қўлларига топшириб қўйиш керак. Агар жаноби олий қайтиб кела қолсалар, яна бирингиз даҳбоши, бирингиз чўроғаси бўлиб ўз яроғларингизни кўтариб давр суриб юра берасизлар.

— Мен ўз яроғимни,— деди йигитлардан бири,— бирон ёмон кунимда сотиб харж қиламан деб ўйлаган

эдим. Икки йил сарбозлик қилганим ҳолда қўлимда бир бешотардан бошқа нарса қолгани йўқ. Амир қочган чоқда бўлган талон-торожларга ҳам қўшилмадим.

— Гўрда сотасан,— деди Нор қоровулбеги, бир оз қизиб,— ҳозирги замонда яроғ пул эмас, яроғ одамнинг ажали. Амин бобо гапни соб қилдилар-ку, бир уйдан яроғ чиқса, у уйга ажал киради ва у ердагилар бутун қирнади.

— Сени оч қолдирмаймиз,— деди Бозор амин, яроғини сотармон бўлган йигитга қараб,— қачонки оч қолсанг, ё бошқа бирон маҳталлик, муҳтожликка тушсанг, менга учра, мен бўламан, Ҳайит амин бўларлар, Урмон полвон бўлади, бир иш қилиб сенинг ҳожатингни чиқарамиз.

Йигитлар жим бўлдилар. Ҳайит амин яна сўзга киришиб:

— Қани, ҳаммаларингга бу гап маъқул бўлдим?— деб йигитлардан сўради.

— Дуруст, дуруст,— деган товуш чиқди ҳар томондан. Аммо ҳаммадан қуйироқда ўтирган бир йигит:

— Мен бошқача ўйлайман,— деди кўзини ерга тиккани ҳолда.

— Қани, қани, сен қандай ўйлайсан?— деган ҳолда тўрда ўтирган одамларнинг бўйинлари чўзилиб унинг томониға қайрилди. Йигитлар ҳам бошларини буриб ўз ёнларида ўтирган у одамга қарамоқда эдилар.

— Мен,— деди у одам, ўзига тикилган кўзларга қарамасдан,— яроғларни ўз қўлларимиз билан элтиб комиссияга топширишни маслаҳат билар эдим. Ҳатто шу кун комиссия келганини эшитиб, уйимдаги бешотарни элтиб топширишга тайёрланган эдим, аминнинг одамлари бориб «зарур иш бор экан, тез келсин дедилар» дегач, у ишни эртага қолдириб бешотарни сомонхонадаги сомон остига тиқиб, бу ёққа югуриб келдим.

— Сен ҳам,— деди Ҳайит амин,— жаноби олийнинг сарбозлари-ку. Жаноби олийнинг дини исломни қўриқлайди деб сотиб олган яроғларини қандай қилиб кофирларга элтиб топширасан?

— Аввали шуки,— деди у,— мен жаноби олийга сарбоз бўлиб бу кишидан бир нарса кўрган эмасман. Мени қишлоқ катталари қочган бир сарбоз ўрнига тутиб бердилар. Саркарда одамлари мени Бухорога элтиб қамаб қўйдилар. Мен икки ой қамоқда ётгандан кейин уруш

бошланди. Мени қамоқхонадан чиқариб бўйнимга беш-отар тақиб ўша кун уруш майдонига ҳайдадилар: мен ҳам Кўли шағолонда биринчи бузилган сарбозлар билан биронта ҳам ўқ отмасдан (агар отмоқчи бўлсам ҳам отолмас эдим, чунки машқ қилмаган эдим) қочдим. Тўғри уйимга келиб, эгаси чиққанча тура берсин, деб беш-отарни сомон остига тиқиб қўйдим. Энди эгаси чиқиб талаб қилди. Негаки, подшоҳлик моли подшоҳлик тахтада ўтирганларники, ёмонми, яхшими, кофирми, мусулмонми? Ҳозир амир ўрнида шу ҳукуматлар ўтирадилар, шунинг учун, менинг фикримча, яроғни ҳеч бир жанжалсиз ҳукуматлар юборган комиссияга элтиб топшириш керак. Мен яроғни сақламоқчи ё бировга бериб Норматдай сотиб ёмоқчи эмасман.

— Ҳусайн, менга қара!— деб Бозор амин яна унга гапирмоқчи бўлганда, Ўрмон полвон:

— Сиз жим бўлинг!— деб сўзни унинг оғзидан олиб, Ҳусайнга қараб:— Хайр, майлинг, ука!— деди.— Лекин «Оқ туя кўрдингми?.. Йўқ!» Бу гапни оғзингдан чиқарма, ҳатто хотинингга ҳам айта кўрма. Бор, уйингга ёт, эрта билан яроғингни элтиб комиссияга топшир!

Ҳусайн чиқиб кетди. Мажлис совуқ сув қуйилган қайноқ қозондай жим бўлган эди. Аммо бу жимликни:

— Сизлар мунақа шарият урган одамларнинг сўзига қулоқ солманглар,— деб сўз бошлаган Ҳайит аминнинг товуши бузди ва у давом қилди:

— Сизлар эртага кечқурундан бошлаб яроғларингизни битта-битта келтириб Бозор аминга топшира беринглар, унми, буғдойми, нимаки керак бўлса, бемалол аминнинг омборидан олиб кета беринглар,— амин ўз сўзини,— хайр, гап шу, сизларга ҳам жавоб,— деб тугатди.

Йигитлар ўринларидан туриб даҳлизга чиқа бошлаганда, Ҳайит амин уларга:

— Дарвозадан битта-битта чиқиб ҳар қайсинг ҳар томонга тарқалинглар. Тўп бўлиб юрманглар,— деб таъкидлади.

Йигитлар эшикдан чиққач, Ўрмон полвон Бозор аминга қараб:

— Амин,— деди,— қачон сиз соддалигингизни ташлайсиз. Мен сизга жаноби олийга кўнгиб боғлаган амалдорларни чақиринг деган эдим. Сиз бўлсангиз жонига

теккан Сир сарбозни чақирибсиз. Бу одам тирик қолса большевик бўлиб эрта-индин бизни ўлдиради. Шу ҳам ишми?

— Эрта билан бориб комиссияга яроғини топшириб бизнинг маслаҳатимизни хабар беради, яъни ҳали большевик бўлмай туриб бизни ўлдиртиради,— деди Ҳайит амин.

— Хайр, иложини қиламиз,— деди уялиброқ Бозор амин.

— Албатта иложини қиламиз,— деди Урмон полвон,— лекин то иложини қилгушча кўнгил тинчланадими?.. Хўп, бунда ким бор?

— Ўзимнинг эски йигитларимдан Шариф билан Шохим бор,— деб жавоб берди Бозор амин.

— Уларга кўнглингиз тўладими?

— Албатта.

— Сиз-чи, қоровулбеги?— Урмон полвон ўз ёнида ўтирган Нор қоровулбегидан сўради.

— Мен тайёр!— жавоб берди қоровулбеги.— Бориб ухлагунича унга фурсат бериш керак.

— Албатта,— деди Урмон полвон,— уйи яқинми?

— Чойраки тош (икки километр) келади, кўлнинг нарёгида.

— Икки соатдан кейин чиқсак бўлади...

Мажлисни яна жимлик босди.

* * *

Вақт ярим кечадан ошган, хўрозлар қичқирмоқда эди. Дунёни ярим ойдин қилиб турган булут остидаги ой ҳам ботган, экинзорлар одам одамни кўролмайдиган қоронғилик остида қолган эди.

Қисқа кийимлар кийган, беллари боғланган, оёқларида этик, орқаларида бешотарлар осирғиқ, бошларида телпак, жағлари ўлган одамларнинг жағларидай рўмол билан боғланган тўрт отлиқ кўлни ўтиб бир қишлоққа яқинлашдилар.

— Отларни шу ерга қўйиш керак,— деди улардан бири.

— Шу қишлоққами?

— Ҳа.

Отлар қишлоқ орқасидаги дарахтларга қантарилди, бир йигит улар устида қоровул бўлиб қолди. Бошқа уч

киши қишлоққа кирди. Булардан олдинда бораётган бири бир дарвоза олдида туриб:

— Мана шу,— деди.

Иккинчиси дарвозага яқинлашиб қўл текизиб кўриб:

— Бу берк-ку,— деди ва илова қилди,— майли, девордан ошамиз.

Икки пахса бўлган пастгина девор бир ирғишда ошилди. Уч яроғли ичкари ҳовлидаги уй эшиги орқасида туриб қулоқ сола бошладилар. Ҳовлининг юзидаги тут дарахтада ётган хўроз қичқирди.

— Отаси, отаси, туринг, хўроз қичқирди,— деган уй ичидан бир хотин товуши эшитилди.

— Қўй-э... бир оз ётай,— деган бир эркак товуши унга жавоб берди.

— Хўроз қичқиргач уйғот қўшга чиқаман деб эдингиз-ку, туринг,— яна хотин товуши такрорланди...

— Дарров кириш керак,— бу сўзни тили билан эмас, бош ишораси билан айтган эшик орқасидаги одамга, йўлдошлари:

— Дуруст,— дедилар бош қимирлатиб.

Икки қадам кейин бориб зарб билан урилган этикли оёқ эшик тахтасини синдириб ичкарига отиб юборди. Синган эшикдан уч яроғли киши босиб кирди. Буларнинг бириси қўлида йилт этиб бир шам ёқилди. Қолган икки киши ўрнидан тура бошлаган эркак билан жойида туриб ўтирган хотинни ерга босди. Орада уч яшар бир қиз бола йиғламоқда эди...

Аммо хотин билан эркакнинг йиғлаш ё дод дейишларига этиклар қўнжидан суғурилиб чиқарилган пичоқлар йўл қўймадилар. Пичоқлар қачонлар кекирдакларга суқилган эдилар...

— Иш тамом,— деб ўрнидан турди эркакни босиб турган киши. Хотинни босган киши ҳам унга эргашиб ўрнидан тургани ҳолда:

— Хотини жуда чиройли экан, ярим соатдан кейин ўлдирсак ҳам бўлар эди,— деб афсусланди.

— Иш шундай бора берса,— деди эркак устидан турган одам,— бундан чиройлироқларини ҳам топармиз.

Бола ҳали ҳам йиғламоқда ва онасининг томоғидан оққан қонларга қўл-бетини буламоқда эди. Эркак устидан турган одам қонга ботган кўрпаларни боланинг устига ёпиб ўз қулоғини унинг ғашланишидан тинчитди ва ўз йўлдошларига қараб:

— Бўхчаларни титинг, арзимайдиган нарсалари бўлса ҳам олинг, эрта келиб кўрган қишлоқ халқи ўғри босган десин. Чиқарда сомонхонадан бешотарни олиш эдан чиқмасин...

Бир соатдан кейин Урмон полвон билан Нор қоровулбеги Бозор аминнинг ҳовлисида қонга бўялган кўллари, чопонларини, пичоқ ва этикларини ювмоқда эдилар. Шоҳим бир-икки қават эски кўйлак-иштондан бошқа нарсаси бўлмаган бўхчани устига керосин қуйиб ёндирмоқда эди. Хусайн билан хотини Шоффриком тумани босмачилигининг биринчи қурбони бўлган, уларнинг уч яшар қизлари ота-онасининг қонига беланиб етим қолган, бешта бўлиб қайтган тўрт винтовка Бозор аминнинг бостирма томига босилган бедалар остида ётган юзларча бешотар, ўн бир отарлар қаторига кирган эди.

V

Қиш фасли бўлса ҳам, ҳавонинг совуқлиги унча баланд эмас эди. Йўлларда, тақир ерларда кўлмак бўлиб қолган қор, ёмғир сувлари кечалари юпқагина музласалар ҳам, кундузи офтоб таъсири билан яна эрир, сувларнинг бир қисми буғ бўлиб ҳавога кўтарилса, бир қисмини ер шимар ва кўлмакларнинг юзи кунма-кун торлана борар эди.

Аммо полвон араб ҳовлиси теварагидаги қум хомалари устига неча кун бурун ёққан қор, ёмғирлардан ҳеч бир асар қолмаган. Сувга қонмас қизил қум хомалари ёмғир сувларини ёққан ҳамон ўз ичларига тортганларидек, қор сувларини ҳам эриган ҳамон шимиб олган эдилар.

Юлдузлар ёруғи билан ярим ойдинлашган аёз кечада нам қум хомаси устида чўзилиб ётган бир одам ўрнидан турди, кўз олдида кўриниб турган ҳовлининг деворига яқинлашди, пахса деворнинг ёрилган еридан ичкари ҳовлига бир оз қараб турди, сўнгра қайтиб келиб, аввалги ўрнига яна чўзилди ва ўз-ўзига:

— «У бу кеча нега бунча кечикди-я»,— деди ва боши устида чароқлаб турган юлдузларга кўз тикиб хаёл дарёсига шўнғиб кетди...

Бу одам бир оз хаёл суриб ётгандан кейин паст товуш билан юлдузларга хитоб қила бошлади:

— «Оҳ, юлдузлар, юлдузлар! Сизлар қоронғи кечаларда кенг чўлларда, қумли биёбонларда йўлдан адашган йўлчилар учун жуда керакли бир нарса бўлсаларинг ҳам, мен каби ўз йўлини топган йўловчи учун сизнинг ҳеч бир кераклигингиз йўқ. Балки мен билан унинг орасида бўладиган учрашувнинг устини душманлар кўзидан қочириш учун булутлар орқасида бир оз пана бўлишингиз, бизнинг сиримиз юзига парда бўлишингиз керак эди... Оҳ юлдузлар, раҳмсиз юлдузлар...»— бу одам яна хаёл суриб жим ётди.

У бир оз ўйлаб ётгандан кейин туйқусдан бир иш эсига келган кишидай ўрнидан ирғиб турди. Ўзи учун уя ясашга киришган товушқондай қумни тирнай бошлади, беш минутда қум бағрида бир одам чўзилиб ётарлик бир чуқур пайдо бўлган эди. Юмшоқ қумда чуқур ковлаш осон бўлгани каби, намлиги сабабли қум тўкилмас ва қазилган чуқурни қўммас ҳам эди. Шунинг учун бу иш муваффақиятли чиқди.

У одам ўзи қазиган чуқурга кириб чўзилиб кўрди-да, ўз-ўзига:

— «Жуда соз»,— деган ҳолда яна ўрнидан турди, қум хомаси устида чопилиб, даста қилиниб қатор қўйилган шибоғлардан бир боғини чуқур лабига келтириб узун қилиб қазилган чуқурнинг бош томонига қўйди. Ўзи яна чуқурга кириб юзини осмонга қилиб чўзилди. Икки қўли билан чуқур бўйидаги қумларни ўз устига тортди, танасини бўйнигача қўмиб чуқурни текислагандан кейин ҳалиги шибоғ дастасини чуқурнинг лабига суянган боши устига тортди ва тинчланиб бир нафас олгандан кейин ўз-ўзига:

— «Ана бу дуруст»,— деб қувонди.

Чуқурда кўмилиб ётган одам шибоғ дастаси остидан кўзини ҳовлига тикди: ҳалигача жим турган ошхона ҳаштакидан — мўрисидан тутун чиқа бошлаган эди.

— «Э-ҳе...— деди у одам ўз-ўзига,— булар энди ош пиширишга киришдилар-ку, саҳаргача бу гўрда кўмилиб ётиш керак бўлади, афтидан...»— у одам кўзини мўридан узмас эди. Аммо кўп кутиш керак бўлмади, ярим соат ўтар-ўтмас тутун чиқиш тўхтади.

— «Шукур,— деди у одам,— яна ярим соат кутсам қозон-товоқ йиғиштирилиб у келиб қолар».— Аммо кўзини ҳовли томонидан узмас эди...

Ҳақиқатан ҳам яна ярим соат ўтар-ўтмас ошхона

томида бир «қора» кўринди. Бу қора том билан девор орасидаги оралиқни ҳатлаб ўзини девор бошига олди. «Қора» девор бошида тикланиб қум хомаларни кўздан кечирганида, кўмилиб ётган кишига маълум бўлдики, у одам экан.

— «Ахир келди», — деди кўмилиб ётган киши ўз-ўзига. Девор бошидаги одам бўлса ўз-ўзига:

— Бу ерларда ҳеч ким кўринмайди-ку, — дегани ҳолда шамол суриб келтириб деворнинг ярмисигача босган қум устига сийрилиб тушди ва қум хомасига қараб йўналди.

Бу одам қум хомасини бир неча марта айланган бўлса ҳам, излаган кишисидан бирон асар тополмагач, ўз-ўзига:

— «У зерикиб қайтиб кетган», — деган ҳолда ҳовли томонига қараб йўналди; аммо икки қадам босар-босмас:

— Муҳаббат! — деган секин товуш уни тўхтатди. У қайрилиб орқасига қаради, аммо товуш эгасидан асар йўқ.

— «Кимдир у, ажинами?» — деган ҳолда обдираб қолди Муҳаббат хитобланган киши.

— Ажина эмас, мен, — бу товуш қум хомаси устида турган шибоғ дастаси остидан чиққан эди.

— Сен Сафарқулми, Қули жонимми? Сен қаерда?

— Мен бу ерда, — деган товуш орқасида шибоғ дастаси бир томонга юмалатилди ва юлдузлар ёруғи остида Сафарқулнинг кул ранг товланиб турган юзи кўринди. Аммо унинг гавдаси кўринмас эди.

— Бу нима қилиқ? — деб таажжубланган Муҳаббат унинг боши олдида ўтирди.

— Товушингни баланд чиқарма!.. Шундай қилиш керак эди.

— Шу ердан неча марта ўтганимда нега товуш бермадингиз? Умидимни узиб қайтиб кетаёзган эдим.

— Бирон киши ахтариб келса мени кўрарми, йўқми деб синаб кўрдим... Қани, гапир! Сен нега мунча кечикдинг?

— Улар кеч келди. Хайриятки, бой «гўшти қовуриб қазиларни қайнатиб қўйинглар» деган экан, биз ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эдик. Улар келгач, ошни дарров дамлатди, сузиб бердик. Бой бибилар ҳам ўз уйла-

рида ош ейишга кириндилар. Мен қозонни яламасданоқ бу томонга югурдим.

— Ҳаммалари келдиларми?

— Ўтган ҳафта келганларнинг ҳаммаси келди, меҳмонхона тўлди.

— Хайр, бор. Дастурхонни йиғиштириб чой ичишга киришганларидан кейин ташқари ҳовлининг юзи бўшалиб қолса супага чиқ, қулогингни меҳмонхона эшигига қўйиб тинглаб ўтир, ҳар қандай гапирсалар биронтасини ҳам қочирмасдан териб ол. Улар ёта бошлагач менга келиб гапирарсан.

— Э худойим-ей,— деган ҳолда Муҳаббат ўрнидан турди,— бундай тирикчилик жонга тегди. Шунча қийинчиликлар орасида кошки бирон кеча сиз билан ёзилиб ётиш муяссар бўлса.

— Шошма, бўлади, ҳали қўрқмасдан ишлаш керак.

— Мен ишлашдан қўрқмайман, лекин қўлга тушсам ҳамма тилакларим барбод кетади деб қўрқаман.

— Барбод кетмайди, биз яшаймиз... тез бор, сиринг очилиб қолмасин.

— Сизнинг олдингиздан кетишни кўнгил сира истамайди,— деган ҳолда Муҳаббат ҳовли томонига йўналди, яна орқасига қараб:

— Келинг, мени деворга чиқариб қўйинг, ахир,— деди.

— Хўп, бора бер, етиб бораман...

Девор олдига келган Муҳаббат ёнига Сафарқул бориб бўйинни букиб пўштак¹ турди. Унинг устига чиқиб девор бошига осилган Муҳаббат бир оёғини унинг тикланган кифтига қўйиб ўзини юқори олди ва девор бошида тургани ҳолда:

— Унутаёзган эканман,— деди,— Ўрмон полвон ўз йигитларини қишлоқ теварагига қоровул қўйди. Кетар чоқда эҳтиёт бўлинг, уларнинг қўлига туша қолманг.

— Хотиржам бўл!— деди-да, Сафарқул, ўзи қовлаган чуқур томонга қайтди.

Энди томда ҳам ҳеч ким кўринмас эди. Фақат том устидан тандур бошига бир нарсанинг «тап» этиб тушган садосини эшитган бой бибилардан бири:

— Муҳаббат! Томдан итми, мушукми — бир нарса

¹ Пўштак туриш — бир одамнинг девор остида эгилиб туришидирки, бошқа бир киши унинг устидан девор, ё томга чиқади.

тушди, хабардор бўл, қозон-товоқни ялаб мурдор қилмасин,— деганда, ошхона ичидан:

— Мушук экан, қувладим,— деб жавоб берди Муҳаббат. У қозоннинг қотиб қолган қирмочларини қириб емоқда эди...

VI

Полвон арабнинг меҳмонхонаси, 1918 йил воқеалари вақтида ўқувчиларимиз кўрганлари тартибда қизитилган, қирқинчи лампалар билан ёруғлантирилган, гилам, атлас, шойи кўрпачалар ва пар ёстиқлар билан безатилган эди. Фақат бу гал меҳмонхона тўрида қози, раис, амлоқдор, миршаб бўлмай, уларнинг ўрнида Ҳайит амин, Бозор амин, Нормурод полвон, Ўрмон полвон Исмоил мирохўр ва Нор қоровулбеги ўтирмоқда эдилар. Мажлисда қозилик, раислик ва муфтилик қиладиган, умуман, шаръий ишларни бажарадиган катта саллалари бир мулла бўлса ҳам, у меҳмонхонанинг тўрида эмас, балки сандалнинг бериги бурчагида Ҳайит амин билан ёндош ўтирар эди.

Меҳмонхонанинг қолган ерлари йигитлар билан тўлган бўлиб, даҳлизда бўлса, янги бекларнинг, яъни кўрбошиларнинг маҳрамлари — бесоқоллари ўтирар эдилар.

Полвон арабнинг ўзи уй эгасига муносиб бўлган ерда — меҳмонхонанинг энг қуйисиди, даҳлиз эшиги ёнида — 1919 йилдаги жойида ўтирмоқда эди.

От мойи билан пиширилган қазилик палов дастурхони йиғиштирилгандан кейин кўк чой қуйила бошлади ва мажлиснинг тўрида ўтирган Ҳайит амин Ўрмон полвонга қараб:

— Қани, гапиринг, полвон! Энди нима қилмоқ керак?— деди.

— Энди,— деди Ўрмон полвон,— очиқдан-очиқ хурж қилмоқ керак. Негаки, мамлакат бутун биз томонга ўтди. Шарқий Бухоро — Ҳисор, Қўлоб кўрбошилари «домоди халифаи муслимин» бўлган Анвар пошшо қўл осларида ишламоқда...

— У-ку жадид, у-ку турк жадидларининг каттаси, унинг ихтиёри билан бўладиган иш жадидлик иши бўлади, яна халқни кофир қиладиган жадид мактаблари

жорий бўлади,— деб Ўрмон полвоннинг сўзини кесди мулла.

— У бизга пошшо бўлмайди-ку,— деди Ўрмон полвон, муллага жавоб бериб,— бир саркардадай ишлайди. Чунки у уруш низомини билади, биз зафар толган ҳамон албатта жаноби олий қайтиб келадилар, зоти олий ўз тахтларига эсон-омон ўтиргандан кейин биз нима иш қилишимизни биламиз.

Ўрмон полвон муллага жавоб бергандан кейин яна ўз сўзини давом эттирди:

— Қарши, Шаҳрисабз ва Ғузор каби чет вилоятларнинг қишлоқлари босмачилар қўлида, ҳукуматлар ёлғиз қўрғонларда. Бухоро теварагидаги туманлар тайёр: Қоракўлда пайкандлик Мурод полвон, шаҳар атрофида Аъзамхўжа, Ғиждувон, томонларида мулла Қаҳҳор ўз инилари Наим ва Митон полвонлар билан иш кўрмоқда. Шундай вақтда хуруж қилмасак, қачон қиламиз!

Ўрмон полвон ўз сўзини тугатиб, йигитлар томонига бир кўз солди. Кўзи Ўрмон полвон кўзига тушган бир йигит ундан сўради:

— Биз хуруж қилганда, Тошкент, Самарқанддан ҳукуматларга ёрдам келиб, ўтган урушда бўлганидай, ишимизни ёмон қилмасмиканлар?

— Ҳозир,— деди Ўрмон полвон у йигитга жавоб бермоқчи бўлиб,— Туркистон босмачилар орасида қолган, Фарғона вилоятида ҳали ҳам кўпгина қўрбошилар бор. Самарқанд қишлоқлари Баҳромбек, Ҳамроқулбек ва Очилбеклар қўлларида. Уратепада Холбўтабек, Фалғар, Маччоҳларда Саид Аҳмадхўжа ҳукм сурмоқда. Агар Самарқанд, Тошкентларда қувват бўлса, ўз томонларини саришта қилсалар бўлмайдами? Иккинчидан, ҳукуматлар ўз ичларидан чиримоқда. Яроғ топиш комиссиясининг раиси бўлиб келиб, тумандаги ярим яроғни ҳукуматларга йиғиб бериб, туманларда жаноб олийдан қолган тиллаларнинг ярмисини ўз чўнтагига тикқан Муҳиддин Махсум Хўжаев ҳукуматларга ёғи бўлган эди. Бизга келган пухта хабарларга кўра, ҳарбий нозир бўлиб турган Орифов ҳам ёғи бўлмоқчи (исён қилмоқчи) экан...

Ўрмон полвоннинг кейинги сўзини мажлис қаттиқ чапак билан бўлди. Чапак чалишда юзини буриштириб иштирок қилмаган мулла, чапак тўхтагандан кейин, жуда қаттиқ зардаланиб сўзга киришди:

— Бу ишингиз, — деди у, — жадиждар, кофирлар иши. Биз сизнинг қиличингиз билан динни ривожлантирмоқчи эдик. Сиз бўлсангиз, ўз қўлингиз билан шариат қондаларини бузмоқдасиз...

— Хайр, ҳозирча зарари йўқ, — деди муллага яқин ўтирган Ҳайит амин унга, — хурсандчилик чоғида йигитлардан шундай беодобчиликлар содир бўлади. Худо хоҳласа-ю, биз зафар топсак, сизни раис қиламиз, у вақтда халқни кўнглингиздагидай текшириб, шариат йўл бермаган ишларни тақиқ қиларсиз.

Мулла бу тасалли билан очилмади, борган сайин жаҳли чиқмоқда эди, у яна сўзга киришди:

— Ҳали бу киши, — деди Урмон полвонни кўрсатиб, — комиссия раиси бўлган у кофирнинг босмачи бўлишидан қувониб гапирмоқда эдилар. Агар ўшандай кофирлар босмачи бўлса, босмачилик иши ҳам расво бўлди дея беринг. Мен бу ишга рози бўла олмайман, чунки китобларда «алъаёзу биллоҳ ризоий ба куфр» деганлар. Мен бу одамнинг папирос чекканини ўз кўзим билан кўрганман.

— Хафа бўлмаг, тақсир, — деди Урмон полвон, — у одамни босмачилар ўз ораларига олмадилар; ҳатто уни ўлдирмоқчи бўлган эдилар. У Самарқанд томонига қочиб босмачилар қўлидан қутулди.

— Хайрият, — деди мулла, энди димоғи бир оз чоғ бўлган эди.

— Бола, бир чилим сол! — деб даҳлиз томонига товуш берган Нормурод полвон муллага қараб:

— Чилим чексак-ку зарар қилмас-а, тақсир? — деди кулимсираб.

— Чилим чекиш бидъат, — деди мулла, — буни қилган одам гуноҳкор бўлса ҳам, кофир бўлмайди.

Ун олти-ўн етти яшар бир бола кумуш билан безатилган бир чилимнинг сархонасига тамаки, ўт босиб олиб кирди. Сандал ёнига бориб, чилимни пишитиб, найини Ҳайит аминнинг оғзига тутди. Чилимнинг найини тутган Ҳайит амин боланинг кўзу қошига жилмайиб бир қарагандан кейин муллага қараб:

— Шундай қора қошнинг қўлидан чилим чекиш савоб бўлса керак, тақсир, — деди ва чилимнинг найини мулланинг оғзи томонига буриб қўшимча қилди:

— Сиз ҳам савобга дохил бўлсангиз-чи, тақсир! — деди, — «гоҳ худою расул, гоҳ гамзаю усул» деганлар. —

Мулла чилимнинг найини лабига бир теккизгандан кейин уни Ҳайит амин томонига буриб, боланинг юзига қараб бир жилмайди. Мажлис томонидан қаттиқ ва узоқ чапак чалинди. Бу чапакдан мулланинг боягидай жаҳли чиқмаган бўлса ҳам, уялиб, юзи шолғомдай қизариб кетди.

Мулла чилим чекиш учун рухсат берган бўлса ҳам, Полвон араб унинг ҳурматини сақлаб, чилим чекиш учун даҳлизга чиқди. У ерда чилим чеккандан кейин қандайдир бир иш учун эшикка чиқиб кетди. У чиқиб кетгандан кейин Ҳайит аминга қараб мулла:

— Мен сизнинг сўзингизни қайтармаслик учун чилим найини лабимга теккизиб,— деди,— бойдан жуда уялдим. Чунки унинг чилим чекканини кўриб неча марта қаттиқ сўккан эдим. Зеро, амри маъруф муллалар гарданида фарз.

Ҳайит амин мулланинг хижолатини босиш учун:

— Қани, бўлмаса, бир амри маъруф қилинг, эшитайлик, тақсир!— деди.

— Менинг сизларга биринчи насихатим шуки,— деди мулла сўзга киришиб, бутун меҳмонхонадагилар эшитарлик баланд товуш билан,— сизлар қачонки зафар топсангизлар, жаноби олийнинг келишларини кутиб турмасдан, ким бўлса бўлсин, ҳукуматларга бир марта бўлса ҳам салом берган одамларни осинглар...

— Бу жудда қаттиқ амри маъруф-ку,— деб Ҳайит амин мулланинг сўзини кесди,— муллалардан ҳам ҳукуматларга салом берганлар, ҳатто замонасозлик қилиб хушомад қилганлар ҳам кўп, демак, уларни ҳам ўлдириш керак. У ҳолда туманда бирон киши ҳам қолмайди.

— Ким бўлса бўлсин дедим-ку,— деди мулла, яна жаҳли чиқиб,— ҳукуматларга хушомад тўйлик қиладиган мулла бадтарини муртадлардандир. Масалан, менинг эшитишимча, Соқтаре қишлоғининг хатиби ҳар ерда ҳукуматларни мақтаб юрар эмиш. Қўрбоши мулла Қаҳҳор тўй қилганда, унинг тўйига бормаган эмиш, ҳатто «унинг тўйи ўғирлик молдан бўлган, унинг оши ҳаром» деб ўз қавминин ҳам у мужоҳиди фисабиллло тўйига боришга қўймаган эмиш. Мана шунақа муллаларни ҳам «мулла» деб соғ-саломат қўя берасизларми?

— Албатта, унақа муллалар биринчи навбатда отиладилар,— деган Исмоил мироҳўр мулланинг димоғини жуда ҳам чоғ қилиб юборди.

Димоғи чоғланган мулла яна сўзга киришди:

— Ундан кейин...

Аммо унинг бу сўзини ҳовлиқиб меҳмонхонага кириб:

— Жуда қизиқ бир ҳодиса-ку,— деган Полвон арабнинг товуши кесди.

— Нима гап?

Бу товуш гўё бутун меҳмонхонадагиларнинг ҳаммаси оғзидан барабар чиққан эди.

— Мен ҳовли юзига чиқдим,— деб титрагани ҳолда сўзга киришди Полвон араб,— меҳмонхона супасида бир қора кўринди. «Кимдир у?» деганимда, у қора ирғиб туриб ўзини супадан ташлаб ичкари ҳовлига қараб қочди. Шу вақт шайтон ярамас гапларни эсимга солди. Мен ҳам ичкари ҳовлига кириб хотинлар уйини бир бошдан қидириб чиқдим, ҳатто сандиқларнинг ичларигача қарадим. Аммо у ерларда ҳеч ким йўқ экан. Сўнгра чиқиб ошхонани ва ошхона ёнидаги уйчани ҳам кўрдим, унда ҳам ҳеч ким йўқ. Маълум бўладики, бизнинг устимизга тилчи кирган.

Йигитлар кигиз ва гиламлар остидаги бешотарларни қўлларига олдилар.

— У мени кўргач, томга чиқиб ташлаб қочган,— дэвом қилди Полвон араб,— мен бўлсам хотинларнинг уйини ахтариш билан овора бўлибман. Ҳозир ҳам йигитлар кўчага чиқсалар топадилар, бўлмаса хароб бўламиз. Аскар келтириб бизни босадилар...

Урмон полвоннинг:

— Дарров чиқинглар, йигитлар!— деган командаси Полвон арабнинг сўзини кесди. Яроғланган йигитлар ирғиб туриб кўчага чиқиб кетдилар.

— Энди мен нима қиламан?— деган мулла, арслондан кўрқиб бошини қамишлар орасига тиқиб турган эшакдай калласини сандалга тиқди... Аммо сандалнинг ичини тўлдирган тутуннинг исига чидай олмай, бир неча минутдан кейин, бошини яна сандалдан чиқарди. Меҳмонхона ичи ҳам тутун билан тўлмоқда эди.

— Бу ниманинг тутуни?— деб сандалга қараган Ҳайит амин у ердан мулланинг салласини олди.

Салла қоп-қора тутун чиқариб, куймоқда эди. Полвон араб югуриб келиб Ҳайит аминнинг қўлидан куяётган саллани олиб ташқарига чиқариб отмоқчи бўлганда, мулла унга қараб:

— Сизнинг уйингизга келиб бир салладан айрилдим. Энди товонини беринг,— деди.

— Тақсир, салла нари турсин, ҳали каллангиз кетади,— деган Ҳайит амин уни жуда ҳам қўрқитди.

Мажлисни жимлик босди...

Аммо бу жимликни ҳовли теварагини бўш-бўшга ахтариб қайтган йигитларнинг келиши бузди. Тилчидан дарак йўқ эди. Босмачилар қочнишга ҳозирландилар. Узун ва кенг чопонларни кийиб, яроғларини уларнинг остиларидан тақиб яширдилар...

Отланиб дарвозадан чиққан босмачиларнинг энг олдида бўлган Урмон полвон тўрт томонга қараб ҳуштак чалди. Қишлоқ теварагига босмачилар томонидан қўйилган қоровуллар ҳам орқадан етиб келдилар.

Босмачилар чўлга қараб қочмоқда эдилар...

Бу кечани қўрқиш ва уйғоқлик билан ўтказган Полвон араб эрта билан:

— Муҳаббат, таҳорат суви келтир!— деб чақирди. Муҳаббатдан ҳеч бир жавоб эшитилмади. Бой уни ахтариб ҳам тополмади...

Кун ойдинлашгандан кейин қўрғон орқасига чиққан бой, девор остида, нам қум устида, бири катта ва бири кичик икки одам изини кўрди, изни олиб нарироққа бориб, икки одам сигарлик бир чуқурни топди. Излар у чуқур бўйидан ўтиб қум хомалари устига қараб кетган эдилар.

Бу излар Муҳаббат билан Сафарқулнинг излари бўлиб, Муҳаббат, бой зиндонидан абадий қутулган ва у бойнинг бутун сирларини олиб қочган эди.

Полвон араб бўлса:

— «Оҳ, кўрнамак, қул! Бадраг қул! Ота-бобом хоназодлари авлоди бўла туриб ахир бошимга сув қуйди. Қулларга, етимларга, оёқялангларга ишониш сира тузук эмас»,— деб ҳасратланмоқда эди...

VII

Ғиждувоннинг Чорсувси — усти ёпиқ бозордаги катта савдогарлар дўкон ва саройларини ёпиб, сарой ва дўконлар олдидаги супачаларда икки-икки, тўрт-тўрт бўлиб ўтириб қайси бир иш тўғрисида пичирлашиб бир-бирларини билан гапиришмоқда эдилар. Аммо бугдой бозори то-

монидан келаётган бир милиционернинг кўриши билан бу пичирлашиш кесилди. Милиционер ўтирган савдогарларнинг олдидан ўтаётганида, улардан бири унга:

— Қани, нима хабар? Бирон яхши хабар борми, тутибдиларми?— деди.

— Ҳали-ку ҳеч хабар йўқ, албатта тутадилар-да,— деди милиционер ва Чорсувдан ўтиб қўрғон томонига бурилди.

— Шундай бўлсин-э, биз ҳам суюнчиларни тайёрлаб турибмиз,— деди у савдогар милиционер эшитарлик баланд бир товуш билан ва қўйнидан соатини чиқариб унга қарагани ҳолда:

— Намози аср ҳам яқинлашиб қолибди, таҳорат қилиш керак,— деб ўрнидан турди. Салла, чопонини ечиб дўкон супаси устига қўйиб, таҳорат олиш учун рўд бўйига тушмоқчи бўлган у савдогар Чорсувнинг ўрта белига боргач, икки устун орасида, шифтга яқин бир ерда кўндаланг миҳланиб қўйилган бир хомага тикилиб қолди.

— Ҳа, нима кўрдингиз?— деди бошқа бир савдогар унга.

— Ҳеч нарса кўрмадим, лекин ўлишимдан бурун бу хомага осилган бир нарсани кўраман деган умидим бор.

— Эрта шу вақтда кўрасиз.

— Мен унга чидай олмайман. Мен шу кеча, ё эрта билан кўришни истайман,— деган савдогар рўд бўйига қараб кетди...

Қўрғон томонига бурилган милиционер милиция идорасига келганда уни у ерда милтиқ тутиб қоровуллик қилаётган бошқа бир милиционер:

— Ҳа, нима хабар?— деб қарши олди.

— Иш, ёмон,— деди келган милиционер,— кўписи машқ кўрмаган, ҳали милтиқ отишни билмайдиган милиционерлар қўлидан нима келар эди!

— Айниқса уларга бир савдогар бола бошлиқ бўлса,— деб қоровулда турган милиционер ўз ўртоғининг сўзини қувватлади ва қўшимча қилди:

— Энди сен келиб тур, мен бир оз чўзилай.

Келган милиционер идорага кириб милтиғини олиб чиқди ва ўртоғининг ўрнида қоровулликда турди.

Қоровулликдан бўшаган милиционер милтиғини боши остига қўйиб ерга чўзилди.

— Хайр, ҳар нимаики тақдир қилинган бўлса, ўшани

кўрамиз,— деди ва кўзини ботаётган офтобнинг девор бошидаги сарғиш нурига тикди. У бир оз жим тургандан кейин яна сўзга киришди:

— Тақдир!!! Бизнинг тақдиримиз шу савдогар бола милиция бошлиғи бўлган кунда ҳал қилинган эди,— деди.

— Бу гапинг жуда тўғри,— деди қоровулда турган милиционер,— мен ҳозир Чорсувдан ўтиб келаётганимда савдогарларни кўрдим — авзолари жуда бежо эди. Мен уларга яқинлашгач, ясама бир қувонч билан мендан «хурсандлик хабарларини» сўрадилар. Гўё улар яхши хабар келтирган кишига бериш учун суюнчи тайёрлаётган ҳам эмишлар.

— Келувчилар учун тортиқ тайёрлаётгандирлар,— деди ётган милиционер.

— Ажаб эмас...

Ётган милиционердан бошқа сўз эшитилмади. У уйқуга кетган эди...

* * *

Кун ботган, бутун атроф қоронғилашган эди. Қоровулликда турган милиционер ётган милиционерни:

— Урин ака!.. Урин ака!..— деб чақирди. Унинг уйқуси қаттиқ элтган эди, учинчи чақиришда уйғониб:

— Ҳа!— деган ҳолда эринибгина зўрга бошини кўтарди. Лекин бошини кўтарган ҳамон уйқуси қочди; ўз ўртоғидан нега уйғотганини сўрашга ҳам эҳтиёж қолмади: Ёждувон қўрғонининг шарқи-шимол ва ғарб томонларидан чиқаётган:

— Урҳо-ур!.. Олҳо-ол!.. Босҳо-бос!— деган гулгулали товуш ҳавони титратмоқда эди.

— Келдилар,— деган ҳолда, ётган милиционер милтиғини олиб ирғиб ўрнидан туриб, ўртоғининг қаршисида, милицияхона дарвозасининг бериги бурчагида қоровул бўлиб турди...

Товуш яқинлашмоқда, ора-сирада отилган бешотар садоси билан аралашмоқда эди. Қоровуллар қўлларидаги милтиқларни яна бир карра кўздан кечириб, эҳтиётий патронларни ҳозирладилар. Қўп кутишга ҳожат қолмади, гулгулали товушдан ажралган бир товуш милицияхонага яқинлашди. Шовқинлашиб келаётган йигирма

бештача отлиқ, милицияхона дарвозаси кўрингач, жим бўлиб тўхтадилар. Улардан бири баланд товуш билан:

— Қимдир у?— деб сўради.

— Ажал!.. Урин наркалла!— Бу жавобни уйқудан уйғониб қоровулликда турган милиционер берган эди.

— Урин ака, бундай қилма, бизга қўшил, бутун юрт бизга қўшилди,— деди отлиқлардан бири тўхтаган еридан.

— Мен сенларнинг амирингизга қўшилмадиму, унинг сийдиги бўлган сенларга қўшиламанми?— деди Урин наркалла.

Бу сўзнинг жавобида:

— Ана ол, бўлмаса,— деган товуш орқасидан йигирма беш милтиқ бирдан бўшалди.

Бу милтиқлар садосидан титраган ҳаво тинчимасдан, милицияхона томонидан бўшалган икки милтиқ ўқи билан отлиқлардан бир одам ва бир от ерга йиқилди.

Отлиқлар кўзга кўринмай қолдилар, милицияхона томонидан чиққан иккинчи ўқлар бўш қолган кўчадан визиллашиб ўтдилар.

Бутун қўрғонни ғулғула босган, ҳар томондан айрим-айрим ва бирдан отилган милтиқ садолари келмоқда эди.

Милицияхона олдидаги бўш кўчанинг деворлари остидан пусиб ўрмалаб келаётган қатор қоралар кўринди. Милицияхона томонидан ўқ отила бошлади, аммо бу ўқлар ўрмалаб келаётганларнинг бошлари устидан ўтиб, деворга урилмоқда эди.

Милиционерлар ҳам ерга ётдилар, яна отдилар, яна тегмади.

Ўрмалаб келаётганлар яқинлашдилар. Милиционерлар милтиқ сарнайзасини ишлатишга ҳозирланмоқда эдилар. Шу чоқда милицияхона тоmidан тушиб орқадан келган бир неча киши ерда ётган милиционерларни босдилар.

— Яшасин инқилоб! Йўқолсин босмачилар!— деган ҳолда ўзларини босган кишиларни устларидан олиб ташлаётган милиционерлар биқин ва қоринларига урилган пичоқлар зарбидан яна ерга йиқилдилар. Қоринларидан яшил сувга аралашган қон билан ичаклари тўкилган эди...

Ғиждувонни босмачилар олган эдилар...

Ғиждувоннинг қўрғонида, бозор жойида ва Чорсувсида ғулғула давом қилмоқда эди. Отган милтиқлар товуши орқасидан:

— «Вой дод-эйй, унинг нима гуноҳи бор эдийй»— деган хотинлар товуши ичида «чирқиллаб» йиғлаган ёш болаларнинг овозлари ҳам эшитилмоқда. Бу турланиб чиқаётган товушлар орасида амир замонидан қолган таблдовуллар гоҳ гум-гумлаб, гоҳ тинг-тинглаб товуш бермоқда эдилар. Бу товушлар кун чиққангача қамишзордаги қурбақаларнинг вақирлашидай давом қилди.

Кундуз бўлгач, кўчалар саллаларини катта қилиб ўраган муллалар, белларини оқ фўта билан боғлаган сипоҳлар, янги чопонларини кийиб камарчаларини тукан бойлар билан тўлган эди.

Ғиждувоннинг эски амлоқдорхонаси олдида телпак кийиб, белларини боғлаб, кифтларига бешотар осилган қисқа чопонли йигитлар яёв ҳолда ўз отларининг жилловини тутиб қаторланган эдилар. Бу йигитларнинг орқаларида, девор остида, худди амирнинг арки олдида тургандек қўл қовуштирган ҳолда нелар бўлишини кутиб томошабинлар турмоқда эдилар.

Амлоқдорхона дарвозасидан саллаларига ёрлиқ қистириланган ҳолда чиққан тўрт кишини кўриб томошабинлар:

— Э, жаноби олий қайтиб келганми?— деб бирдан қимирлаб қолдилар.

— Шерик! Қани, нима гап, сиз нима бўлдингиз?— деб сўради томошабинлар қаторида турган бир мулла ёрлиқлиларнинг биридан.

— Мен Ғиждувон туманига қози бўлдим.

— Сиз-чи?— томошабин мулла бошқа бир ёрлиқлидан сўради.

— Мен раис.

— Булар-чи?

— Бу киши амлоқдор, бу киши миршаб,— деган ҳолда қози бўлган киши қолган икки йўлдошини бир-бир кўрсатди.

— Ёрлиғингизни олиб кўрсак мумкинми?— деб томошабин мулла қози бўлган мулланинг бошига қўл узатди.

— Марҳамат қилинг.

Томошабин мулла ёрлиқни унинг бошидан олиб кўз-

дан кечирди. Ерлиқ амир отидан ёзилиб, Урмон полвои ва мулла Қаҳҳор томонларидан икки муҳр бөсилган эди.

— Жуда яхши,— деди томошабин мулла,— «асойи пир — ба жойи пир» дегандай, жаноби олий келмаган бўлсалар ҳам, беклар у кишининг ишларини қилмоқдалар,— деди томошабин мулла, бир оз ўйлаб тургач, қўшимча қилди:

— Муборақ бўлсин. Қувониб «Қутлуғ бўлсин» дейишни ҳам унатганман,— деди.

— Худо мубораки хайр қилсин, сиз ҳам тезроқ бирор мансабга эга бўлинг.

— Шундай бўлсин-э,— деди томошабин мулла.

Дарвоза олдида қаторланган ёрлиқлилардан раис бўлган киши ўз мансабдошларига:

— Мен ҳозир келаман,— деган ҳолда бир томонга қараб югуриб кетди.

Ёрлиқлилар орасига ўзини тиқиб олган томошабин мулла, раис кетгандан кейин, қозига қараб паст товуш билан:

— Ўзингиз қози бўлибсиз, мен унга ҳеч нарса демайман, ҳеч бўлмаганда мени раисликка тўғри қилсангиз бўлмасми эди. Мен-ку сизнинг шеригингиз, у бўлса паст қадам.

— Худо бирдирки,— деди қози,— менга маслаҳат солган эмаслар, бўлмаса албатта сизни тақдим қилар эдим. Ҳали ҳам сиз қуруқ қолмайсиз, умидим борки, сизни Вобкент қозилигига тўғри қилсам.

— Э, Вобкент ҳам олиндимми?— деб қувониб сўради томошабин мулла.

— Бугун олинади.

Амлокдорхонадан беқасам чопон устидан белини боғлаб, бошига сур телпакни якшоха қўйган бир боланинг югуриб чиқиши муллаларнинг бу «мазалик» суҳбатларини тўхтатди.

Бола йигитларга қараб:

— Отланинглар, ҳаммага хабар берингларки, отланинлар,— дегач, қайтиб амлокдорхонага кириб кетди.

Болани кўриб оғзининг суви оқа бошлаган томошабин мулла, лабларини арта-арта, қозидан:

— Бу офтоб ким?— деб сўради.

— Урмон полвоининг маҳрами?

— Худо бермоқчи бўлса отанг ким деб сўраб ўтир-

мас экан-да, вақтида жаноби олийнинг қўлларига ҳам шундай чиройли маҳрам тушмаган эди.

— Ҳали бу нима,— деди қози,— бекларнинг ҳар бирларида битта-иккита бундан ҳам чиройлироқ маҳрамлар бор...

Раис келди, унинг қўлтиғида тўрт қават қайишни устма-уст тикиб, қисқагина сопга ўтқизилган бир нарса бор эди, бу раисларнинг яроғи бўлган дарра эди.

— Бунни қаердан топдингиз?— деб сўради томошабин мулла ундан.

— Жаноби олий замонларидаги раис қочгандан кейин раисхона таланганда мен шу даррани олиб бир ерга яшириб қўйиб эдим, бугун керак бўлди,— раис томошабин муллага жавоб бергандан кейин томошабинлар қаторига кўз солиб улар орасидан бировни имлаб чақирди. Бу одам югуриб келганда даррани унинг қўлига бериб:

— Сен менинг дарра дастим,— деди раис.

У одам:

— Қуллуқ!— деган ҳолда даррани раис қўлидан олиб ўз қўлтиғига қистирди ва раиснинг орқасига ўтиб қўл қовуштириб турди.

— Жуда яхши танладингиз,— деди томошабин мулла раисга.— Ун беш йилдан бери раисларда дарра дастлик қилиб келган қаттиқ қўлли... эпчил одам...

— Юрҳо-юр!.. Юрҳо-юр!.. Юрҳо-юр!..

Ҳамма жойдан барабар чиқа бошлаган бу товуш Фиждувонга ғулғула солди. Бу товуш орқасидан амлоқдорхонадаги беклар отланиб чиқдилар. Мулла Қаҳҳор ва Урмон полвон олдин бўлган ҳолда орқадан эски қўрбошилар қаторида босмачиликка янгидан қўшилган Ҳазратқулбек ва Донибек каби туманнинг «обрўли» кишилари ҳам кўринмоқда эдилар.

Қози, раис, амлоқдор, миршаб «беклар»нинг олдиларидан яёв чопмоқда эдилар...

«Беклар» Чорсувга келганда олдинда бораётган мулла Қаҳҳор отини тўхтатиб орқасига қараб:

— Наим полвон!— деб ўз инисини чақирди. Ҳамма отини тўхтатди ва Наим полвон отини йўрттириб акасининг ёнига келди.

— Сен ўз йигитларинг билан бор,— деди мулла Қаҳҳор Наимга.

— Соктарелик Муҳиддинхўжани ўлдириб уйини тала, ўғлини ҳам ўлдир ё асир қил, сўнгра хатчадаги комсомол

болани ота-оналари билан бирга ўлдир. Бу ишларни бит-казгандан кейин орқамиздан Вобкентга етиб бор.

— Хўш!— деган ҳолда отининг бошини орқага қайтариб чоптирди Наим.

Мулла Қаҳҳор ўз олдида қўл қовуштириб турган қози, раис, амлоқдор ва миршабга қараб:

— Энди сизларга жавоб,— деди,— туманни яхшигина саришта қилиб туринглар; қолган-қутган большевиклар, «иғвогарлар» ва «боши бузуқларни» рўйхат қилиб менга юборинглар; биз уларнинг ҳукмини муҳрлаб, ўлдириш ва молларини олиш учун одам юборамиз,— деган мулла Қаҳҳор,— дуо қилиб туринглар,— деб сўзни тугатиб, отини олдинга қаратиб сурди.

Қози, раис, амлоқдор ва миршаб чўккалаб «беклар» ни дуо қилгандан кейин қайтдилар ва Чорсувнинг ўртасидаги супада ўтириб рўйхат қилиш ишига киришмоқчи бўлдилар.

Дўконларнинг олдида турган савдогарлардан бири югуриб саройга кирди, у ердан бир гиламни кўтариб олиб чиқиб янги чор ҳокимнинг остиларига тўшади, ўзи Чорсувнинг шифтидаги ходага осилган табллар ва таблқўбларни миршабга кўрсатиб:

— Шукур, буларни ўз ерларида кўрдим. Энди жаноби олийни ҳам ўз тахтларида кўрсайдим, армонда қолмас эдим,— деди.

— Худо хоҳласа кўрарсиз,— деди миршаб...

Энди «юрҳо-юр» товуши узоқлашган ва бора-бора бутунлай ўчиб, Гиждувон қўрғонини жимлик босган эди. Фақат бу жимликни уйлари таланиб, хотинларнинг, етим бўлиб ота-оналарининг қонларига беланиб ётган ёш болаларнинг йиғи-сиғилари бузмоқда ва ҳокимлар бўлса бу йиғи-сиғиларни яна ҳам кўпайтириш учун «шубҳали» одамларни рўйхатга олмоқда эдилар.

VIII

Зарафшоннинг энг охирги тармоғи бўлган Қоракўл дарёси Самарқанд водийларида ёга бошлаган март ёмғирлари билан анчагина тўлиб-тошган эди. Бу дарё устида Вобкент билан Бухоро орасида қурилган Меҳтарқосим кўпригининг икки томонида ерлашган икки лагерь бир-бировларига ҳужум қилиш учун кўприкдан ўтишни

муносиб кўрмаганларидек, дарёдан босишга ҳам ботина олмас эдилар.

Дарёнинг шимолида — Вобкент томонида ерлашган босмачилар, кўприкнинг нариги бошида — Бухоро томонига қўйилган пулемётлардан қўрқсалар, дарёнинг жанубида — Бухоро томонида қароргоҳ қурган Бухоро қизил аскарлари, қизил партизанлари, ишчи-деҳқон кўнгиллилари ва буларга ёрдам бериш учун келган рус командирлари кўприкдан ўтишни ҳарбий эҳтиёт юзасидан мувофиқ топмас эдилар. Бу хусусни кўприк бошидаги эгаси қочиб кетган бир самовархонада бўлаётган ҳарбий мажлисда:

— Ажаб эмаски, душманлар кўприк остига портлайтурган моддалар қўйган бўлсалар,— деб рус командирларидан бири изоҳ этди. Аммо унинг сўзини:

— Бизнинг душманамиз нодон босмачилар, уларда на портлайтурган моддалар бор ва на унақа нарсаларни ясайтурган одамлар,— деб рад қилмоқчи бўлди кўнгиллилардан бири.

— Бизнинг орамизда,— деди бояги командир кўнгиллининг жавобида,— рус ишчи-деҳқонлари бўлганидек, уларнинг — босмачиларнинг ораларида ҳам оқ гврадиячи рус офицер ва инженерлари бор. Шунинг учун эҳтиёт лозим.

— Балки уларнинг ораларида Англия империализмининг намояндалари ҳам топилар, бу уруш синфлар уруши,— деб у командирнинг сўзига қўшимча қилди бошқа бир командир.

— Э валло!— деб бу командирнинг сўзини тасдиқлади Бухоро кўнгиллиларидан Ҳасани кабуд.

— Ғиждувон билан Қизилтепа орасидаги темир кўприкни куйдириб бузган ҳам шу босмачилар, уларга «нодон» деб қараш ўз-ўзини алдаш бўлади,— деб командирларнинг сўзини қувватлади кўнгиллилардан Сафарқул.

— 1918 йилда Колесов воқеасида Чоржўйдан Зирабулоққача темир йўлни бузишга раҳбарлик қилганлар ҳам рус оқ инженерлари ва Англия намояндалари эди,— деди бошқа бир кўнгилли.

— Хўп,— деди партиийний дружина бошлиғи Мирсоби.— кўприкдан ўтиш муносиб эмас экан, дарёдан босиш керак; гапни чўзиб ўтирсак вақт ўтади, кундуз бўлади, босмачилар бизнинг озлигимизни кўрарлар, у вақтда ишимиз оғирлашади.

— Биз қандай оз,— деди партийний дружин нафарларидан бири,— биз икки юз эллик киши!

— Икки юз эллик киши тўрт минг босмачи муқобилида албатта оз,— деди Мирсаид.

— Партия таълимоти билан суғорилган икки юз эллик киши сувдан, ўтдан дунёча бўлса ҳам душмандан, ўлимдан қўрқмайин олға босиши керак,— деди бояги партийний дружин нафари.

— Албатта, ўлимдан қўрқмаслик керак,— деди бир кўнгилли,— лекин беҳуда ўлимнинг ҳам ҳеч кераги йўқ. Беҳуда ўлимни истаган одам ўз уйида ётиб ҳам ўла беради, ўз кўкрагига тўппончани қадаб отиб ҳам ўла олади. Биз учун шундай ўлим керакки, у билан Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти қувватлансин. Агар шу икки юз эллик нафарнинг ўлими билан Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти зафар топса, мен рози.

— Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти ўлмайди,— деди партийний дружин бошлиғи Мирсобит,— модомики, Бухоро меҳнаткашлари уйғонган, модомики, дунёда рус пролетариат синфи тирик, модомики, Россия ва Туркистонда Шўролар ҳукумати барқарор, Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти ўлмайди ва ўлмас. Балки у Бухоро социалистик Шўролар жумҳуриятига айланиб, СССР га аъзо бўлиш учун ҳуқуқ қозонади. Бу тўғрида заррача шубҳа қилиш дуруст эмас. Ҳарбия ноziри Ориповнинг душман лагерига қочиши, марказий ижроия қўмитасининг раиси Усмонхўжанинг исён қилиши Бухоро Халқ Шўролар жумҳуриятини заифлаштиради, балки унинг қувватланишига йўл очди. Буларнинг хиёнатини билан бизнинг кўзимиз очилди, ҳукумат апаратыни, партия ташкилотини ва шўро идораларини тозалашга киришдик: у ердаги чириган парчаларни кесиб ташлаб, улар ўрнига соғлом аъзолар пайванд қилмоқдамиз. Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти албатта зафар топади. Шунинг ила барабар урушларда керакли тадбирларни қўлдан бермаслигимиз зарур. Шунинг учун мен таклиф қиламанки, фурсатни қочирмасдан кеча қоронғилигидан фойдаланиб, ўзимизни сувга урайлик ва душманларимизни ўт остига олайлик.

— Менинг фикримга бир тадбир келди,— деди Сафарқул.

— Қандай тадбир?— сўради мажлис раиси ундан.

— Мен ўз бошимча бир иш қилмоқчи бўламан...

— Бу ерда ўзбошимчалик бўлмаслиги керак,— деб қизиган ҳолда мажлис раисидан рухсат олмай Сафарқулнинг сўзини кесди Мирсобит,— бунда ҳар бир иш ҳарбий мажлиснинг қарори билан қилинади.

— Хўп, бу ўртоқнинг сўзини эшитайлик, сўнгра фикрингизни баён қиларсиз,— деди раис Мирсобитга ва Сафарқулга қараб:

— Давом қилинг, ўртоқ!— деди.

— Мен ўзбошимчалик қилмоқчи эмасман,— деди Сафарқул,— фақат ўйлаган тадбиримни мажлис қабул қилса, ишга оширмоқчиман.

— Хўп, тадбирингизни айтинг, ўртоқ!— деди раис.

— Тадбирим шуки,— деди Сафарқул,— шу ердан тахминан бир тош йўл қўйроқда яхшигина гузар бор, мен ўз одамларим билан бориб ўша гузардан ўтаман. У гузардан ўтгандан кейин ширинилар қишлоғига борадиган йўл чиқади. Мен у ерларни қарич-қарич биламан, чунки менинг ширинилар билан бориш-келишим бор эди, улар жуда қизиқ одамлар, уларнинг ораларида қизиқ-қизиқ ҳикоялар жуда кўп, чунончи...

— Ҳикояни қўйинг, ўртоқ,— деб раис унинг сўзини бўлди,— уни зафардан кейин гапириб берарсиз, аввал ўйлаган тадбирингиздан гапиринг!

— Ўйлаган тадбирим шуки,— деб такрорлаб Сафарқул давом этди,— мен ўша йўлдан бориб ширинилар қишлоғи усти билан босмачиларнинг орқаларидан чиқаман. Биз орқадан ҳужум қиламиз, сиз олдиндан, қоронғи кечада икки ўт орасида қолган босмачилар телбаланиб қочишдан бошқа чора тополмаслар. Биз тинчлик билан ўз лагеримизни дарёдан ўтказамиз, дарёдан ўтдингми— Вобкент, Шофирком, Гиждувон ва меҳнаткаш деҳқонлари бизга қўшилиб қувватимизни орттирадилар.

— Сизнинг одамингиз неча киши?— сўради раис Сафарқулдан.

— Йигирма киши.

— Бу тадбир ёмон эмас,— деди бир командир,— бу тадбирни бир оз тузатиш билан қабул қилиш керак.

— Қандай тузатиш?— сўради мажлис раиси ундан.

— Бу ўртоқ, босмачилар орқасидан чиққандан кейин дарров уларга ҳужум қилмасдан, улардан узоқроқ бир ерда туриб шиллик қилсин (залл берсин). Бу биз учун сигнал бўлади. Биз бу сигналдан бу ўртоқнинг орқада ҳозирланганини билиб дарёдан ўтишга киришамиз. Бу

Ўртоқ биринчи шилликдан тахминан ўн беш минут ўтказиб яна бир шиллик қилиб ҳужумга бошласин. Бу энди бизнинг босмачилар билан тўқинишган вақтимизга тўғри келади. У ҳолда босмачилар ўйлаганимиздан ортиқроқ қирилишга ва улгурганлари телбаланиб қочишга мажбур бўладилар...

Мажлис бу тадбирни бир оғиздан қабул қилиб, амалий ишга киришди...

* * *

Сафарқул йигирма кишилик ўз дастаси билан дарёдан ўтиб ширинилар қишлоғига яқинлашганида, у қишлоқдан чиқаётган «дод-бедод» ва «войдод» садолари уни жуда ҳайратга солди. Икки юз уйликдан ортиқ бўлган бу қишлоқнинг эру хотини, қатта-кичиги, қизу ўғли томларга чиққан ҳолда чувиллашиб дод демоқда эдилар.

Сафарқул ўз тўдаси билан дара томонидан бир ҳовлига яқинлашиб:

— Қани, нима бўлди, нега дод дейсизлар?— деб сўради томдагилардан.

Томдагилардан бири аста том лабига келиб яроғлиларни кўргач:

— Босмачи, бу томондан ҳам босмачи келди,— деб ўзини орқага отди.

— Босмачи, босмачи, уйинг куйгур босмачи, уйимизни куйдирди, босмачи,— деган товуш бирдан ўнларча оғизлардан чиқиб, ғовурни яна ҳам орттирди.

— Уй оғайнилар!— деди Сафарқул,— биз босмачи эмасмиз, биз ҳукуматлар томонидан, босмачиларни қуллаб юрибмиз, қани, кўрсатинг, босмачи қаерда? Биз адабини берайлик.

— Сен ҳукуматлар томонида бўлсанг,— деди ширинилардан бири,— бор, тут, босмачи қишлоқнинг ана у томонида,— қўли билан қишлоқнинг жануб томонини кўрсатди.

— Бирингиз томдан тушинг, биз билан юринг, кўрсатинг, ахир, босмачи қайси ҳовлида?— деди Сафарқул.

— Биз томдан тушмаймиз, ўлсак, ўз молимиз устида ўламиз, сен ҳукуматларнинг одами бўлсанг, ўзинг бориб босмачини топ,— яна ғовур бошланди.

Сафарқул ўз дастаси билан қишлоқнинг шимол томонидан кирди. Эгри-бугри тор кўчалар ёнига қурилган

кичкина-кичкина ҳовлилар чўп суқилган ари уясидай гувиллашмоқда эди...

Даста қишлоқнинг нариги бошига яқинлашганда, узоқдан кўчада қатор қилиниб боғланган отлар кўринди ва бир милтиқ товуши ҳам эшитилди.

— Ана шулар,— деди Сафарқул паст товуш билан. У секингина отдан тушиб, ўз йўлдошларини ҳам отдан тушишга буюрди. Булар отларини бир тор кўчага киргизиб, дарвоза устун гўшалари ва ҳалқаларига боғлаб, икки кишини уларнинг олдига қоровул қўйдилар. Қолган ўн саккиз киши кўчанинг икки томонидан пусиб босмачиларнинг оти кўринган ёққа қараб йўналди. Даста отлар турган жойга яқинлашганда отларга қоровуллик қилиб турган икки одам ҳам кўринди.

— Кўчанинг нариги томондагисини сен от, беридагисини мен отаман,— деди Сафарқул ўз орқасидан бораётган ўртоғига,— бошқалар милтиқ бўшатмасин, токи бизнинг ўртоқлар бирдан кўп милтиқ товушини эшитиб алданмасинлар.

Икки милтиқнинг садоси эшитилган ҳамон икки босмачининг гавдаси ерга йиқилди ва Сафарқулнинг:

— Оёққа!— деб берган пастгина командаси билан даста ирғиб турди.

— Илгари!— деган иккинчи команда билан даста ҳурккан отлар, питирлаб ётган гавдалар орасидан ўтиб у ердаги очиқ дарвозани тутди ва ҳовлининг ичидан дарвозага қараб югуриб келаётган уч йигитдан икkitаси даста томонидан устма-уст отилган уч ўқдан йиқилди. Ўзига қараб отилган ўқдан қутулган йигит ичкари ҳовлига қараб қочди.

Дастанинг ярмиси ичкари-ташқари ҳовли орасидаги раҳравни тутган ҳолда ярмиси бир-бирига пуштак туриб ўзини томга олди. Товуқ катаги устидан томга чиқмоқчи бўлаётган босмачиларнинг икkitаси томдан устма-уст отилган ўқлардан йиқилди. Тўрт киши катак устидан тушиб раҳравга қараб югурди ва раҳрав олдига келиб биттадан ўқ отиб ташқари чиқмоқчи бўлганда қаршидан отилган ўқлардан яна иккиси йиқилди. Қўрқиб орқага қайтган босмачи ҳам томдан отилган икки ўқ билан йиқилди ва ҳовлини жимлик босди; лекин қишлоқдан чиқаётган дод-фарёд товушлари бу отишмалар таъсири билан яна ҳам ортган эди.

Томда турган Сафарқул томдаги ўз ўртоқларини олиб

ичкари ҳовлига тушди, у ерда юмалаб ётган гавдаларни кўздан кечирди, улардан иккиси ҳали ҳам тирик эди.

— Буларнинг ишини битказайлик,— деди дастадан бири.

— Йўқ,— деди Сафарқул,— бизга «асирлар билан ярадорларни ўлдирманг» деганлар. Ётсинлар, ўлсалар ўларлар, ўлмасалар зафар топгандан кейин касалхонага юборармиз.

Сафарқул супага чиқди. У ерда ҳам титилиб ётган кўрпа-ёстиқлар, бўхчалар орасида бир одам гавдаси, унинг нарироғида бели синиб ўлар ҳолда ётган бир қўй бор эди.

— Бу одам босмачига ўхшамайди,— деди Сафарқул ўз ўртоқларига,— бу киши оёқяланг, бир қават чопон билан ётибди.

— У менинг эрим,— деди қўрққан бир товуш билан уй ичидан бир хотин.

— Қўрқманг, хола,— деди унга Сафарқул,— биз босмачи эмасмиз, биз ҳукуматлар одами, сизнинг уйингизни босган босмачиларнинг барисини ўлдирдик. Қани, айтиб беринг-чи, сизнинг бошингизга не балолар келди, эрингизни нега ўлдирдилар?

— Ургулсин холанг,— деб хотин ҳикоя қила бошлади,— босмачилар Вобкентни олиб халқни талаётганларини, кўмилган молларни ҳам топиб олаётганларини эшитдик. Биз «агар босмачилар бизнинг қишлоққа кириб қолсалар молларимизни қандай қутқазамиз, ерга кўм-сак топиб олар эканлар» деб маҳмаданамиздан¹ сўраддик. У, «молларингизни томга чиқариб яширинглар, агар босмачилар қишлоққа кира қолсалар ўзларингиз ҳам томга чиқиб, молларингизни қўриқлаб туринглар» деб маслаҳат берди. Кўп қатори биз ҳам уй анжомимизни томга чиқардик. Босмачиларнинг қишлоққа келишини эшитгач, мен билан эрим ҳам томга чиқдик. Босмачилар бизнинг ҳовлига кирдилар. Томда турган эримга дўқ қилиб, «нарсаларингни томдан ташла» дедилар. Эрим ботир одам эди. «Мен ўз қўлим билан ташламайман, зўр бўлсангиз чиқиб олинг» деди. Босмачиларнинг бири «мана бўлма-са» деб милтиқ отди. Эрим йиқилди. Сўнгра менга «нарсаларни ташла» деб дўқ қилдилар. Мен қўрққанымдан

¹ Ширинилар ўз оқсоқолларини «маҳмадана» дер эдилар. ва унинг маслаҳатидан ҳеч чиқмасдилар.

хамма нарсани ташладим. «Бечора эрим ўлган бўлса жағини боғлай, тирик бўлса ярасини» деб ўзим ҳам томдан тушдим. Шу вақт кўчадан милтиқ товуши эшитилди. Мен қўрқиб, уйга кирдим. Бу ёғи ўзларингиз қилган ишлар, нималар бўлганини билмайман.

— Қўйнинг белини ким синдирди?— деб сўради хотиндан Сафарқул.

— Унинг бели синганми?— деб хотин йиғлаб юборди ва давом қилди:

— Биттагина қўйимиз бор эди, уй-анжомимизни томга чиқарганда, уни ҳам арқонга боғлаб эр-хотин юз бало билан тортиб томга чиқарган эдик. Эримга отилган милтиқ товушидан у ҳам ўзини эрим билан бирга томдан отган эди. Мен уни ўз чарху дугимдан пайдо бўлган пулга сотиб олиб эдим. Шундай ҳалол пул билан олинган мол ҳаромга кетмас деб ўйлаган эдим...— Хотин яна йиғлади.

— Хайр, зарари йўқ, хола,— деди Сафарқул,— биз ҳукуматларга айтамиз, сизга ёрдам қиладилар. Ҳозир қишлоқ халқига буюрэмиз, эрингизнинг ўлигини кўтарсинлар...

— Ҳали эрим ҳам ўлганми?— деган хотин,— вой уйим куйди,— деб уйни бошига кўтарди...

* * *

Сафарқул ўлжа милтиқларни ўз одамларига кўтариб кўчага чиқди. Келишлари эҳтимол бўлган босмачиларга қарши ўз одамларини кўчага қоровул қўйиб ўзи яна қишлоққа кирди. Қишлоқ ҳали ҳам тинчланмаган, ҳали ҳам «дод, босмачининг дастидан» деган фарёд кўкка чиқмоқда эди.

Сафарқул бир-икки ҳовли олдига бориб:

— Босмачиларни ўлдирдик, энди қишлоғингизда босмачи қолмади, энди томдан тушинглар,— деб қанча гапирса ҳам, унинг сўзини эшитадиган одам топилмади — хамма барабар дод демоқда эди.

Сафарқулнинг эсига бир одам келди, «ўшани бориб кўриш керак» деди ўз-ўзига.

Бир тор кўчага кириб бориб бир ҳовлининг томига қараб:

— Носир ширини, ў Носир ширини!— деб чақира бошлади.

— Ҳа, нима дейсан?— деди том ўртасида турган одам, «дод босмачининг дастидан» деяётган фарёдини кўя қолиб.

— Мени танидингми, берироқ кел!

— Йўқ, сен ким?

— Мен сени ўша фарқ бўлишдан қутқазган Сафарқулман.

— Иби, мен ўлай, сен ҳам босмачи бўлдингми?

— Худо сақласин, мен ҳукуматлар томонидан келдим; сизнинг қишлоғингизга кирган босмачиларни ўлдирдим,— деди Сафарқул.

— Э, оғзингдан ўпай,— деган Носир,— ўй халқ! Эшитмадим деманглар, босмачи қочди!— деб қичқира бошлади,— дод, босмачининг дастидан.

Сафарқул товуш берди:

— Йўқ, қочолган эмас, ҳаммаси ўлдирилган.

Носир ширини яна қичқирди:

— Ўй халқ, босмачи ўлди, босмачи гўрга кирди, энди томдан тушинглар: агар мен бўлмасам, ҳаммангизни босмачи ўлдирарди. Дод, босмачининг дастидан.— Ўн минутда томлар устида ҳеч ким қолмаган эди. Халқ томдан тушиб кўчага оқиб чиқди. Носир ширини ҳам томдан тушиб ўзини ўлимдан қутқазган эски ошнаси билан кўришди.

— Лекин,— деди,— ошнам, ҳозир уйда нон йўқ, «барибир босмачи олиб кетади» деб бугун нон пиширмаган эдик.

— Менга нон керакмас,— деди Сафарқул,— менга одам керак. Биз босмачиларни ўлдирдик. Улардан ўн от билан ўн милтиқ ўлжа олдик. Сен ўн бўз бола йигит топиб бер, биз уларни шу отларга мингизиб, милтиқларни қўлларига бериб ўзимиз билан бирга олиб кетамиз. Босмачиларнинг катта тўдаси ҳозир кўприк бошида, бизнинг аскарлар кўприкнинг нариги томонида. Биз босмачиларни бу ёқдан босамиз, улар у ёқдан босади. Бир соат ичида қолган босмачиларни ҳам йўқотамиз.

Носир ширини ўйлаб қолди...

— Бор, Носир!— деди Сафарқул,— «маҳмадананг»ни кўриб, ундан маслаҳат сўраб, дарров бу ишни бажар, бўлмаса босмачи яна қишлоғингизни босиши ажаб эмас.

— Менинг ўзим «маҳмадана» бўлганман,— деди Носир ширини.

— Ундай бўлса, жуда яхши, халқ сенинг сўзингдан чиқмайди, дарров ўн бўз болани ажрат.

— Хўп,— деган ҳолда Носир ширини қишлоқ ичига кириб кетди. Сафарқул ўз дастаси олдига келиб, от ва яроғларини ҳозирлата бошлади...

Кўп вақт ўтмади, Носир ширини ўн бўз болани олди-га солиб олиб келди. Сафарқул уларнинг қўлига битта-битта милтиқ бериб, биттадан от топширди.

— Отланинг!

Бу команда билан даста отланди. Дастага янги қўшилган ширинилар ҳам эскиларга қараб отларга миндилар.

Аммо дастанинг эски одамларидан бир киши дөворга суяниб ўтирмоқда эди; у ўрнидан турмади.

— Сен нега турмайсан?— деди Сафарқул унга.

— Мен қўлимдан яраланганман, кўп қон кетди, мадорим қолмади,— деди у.

— А,— деган ҳолда отдан тушди Сафарқул ва бориб унинг қўлини кўрди. Унинг енги қон билан тўлган эди. Аммо тирсакка теккан ўқ гўштни узиб ўтган экан.

— Зарарсиз,— деди Сафарқул ва дарров у йигитнинг чолвори чўнтагига қўл тиқиб у ердан бир парча оқ латта олди.

— Бу билан ярангни дарров боғлатишинг керак эди,— деди унга,— бу латталарни сизларга дастрўмол қилиш учун эмас, шундай вақтларда ярани дағров боғлатиш учун берилган.

Сафарқул ярадорнинг ярасини боғлагандан кейин Носир ширинига қараб:

— Маҳмадана,— деди,— буни суяб олиб бориб уйингга ётқиз. Овқат еб чиққан, эртагача нон емайди. Эрта доктор келиб олиб кетади. Ўзинг тез қайтиб келиб, бу йигитнинг отига миниб, милтиғини қўлингга ол, бизнинг дастани тўлдир.

— Йўқ, бўлмайди,— деди Носир ширини,— агар мен босмачилар қўлида ўлсам, маҳмаданасиз қолган халқ ўз ишини ким билан маслаҳатлашади?

— Йўқ, сен ўлмайсан,— деди Сафарқул унга,— сени сувга ғарқ бўлишдан қутқазган, қишлоғингни босмачилар қўлидан қутқазган Сафарқул сени ўлимдан ҳам қутқазади...

«Маҳмадана» иккилана-иккилана охир рози бўлди, у ярадорни ўз уйига қўйиб келиш учун уни суяб олиб

кетди. Сафарқул ўз йигитларини узатиш учун тўпланиб келган халққа:

— Биз кетамиз,— деди,— сиз бу ердаги босмачилар ўлигини йиғиб бирон чуқурга кўминг; бу ҳовли эгасининг жанозасини кўтариш учун унинг хотинига ёрдам қилинг...

— Вой у ўлганми?— деб бирдан дод деб юборди халқ.

— Ўлим босмачиларга!!!— юзларча оғизлардан бирдан чиққан бу товуш бутун қишлоқни гулғулага солган эди.

Отланишиб турган даста Носир ширини келиши билан йўлга тушди. Даста беш минутда қишлоқдан узоқлашган эди...

IX

— Улар кечикди, бирон фалокатга учраган бўлма-синлар,— деди Мирсобит, ҳужум учун отрядни тайёрлаб турган командирга.

— Масалан, қандай фалокатга? Босмачилар лагерику аввалгидай тинч ётмоқда,— сўради командир.

— Масалан, босмачиларнинг у томонлардаги — Сафарқул ўтмоқчи бўлган томонларнинг разведкалари билан тўқиниш, боя узоқдан чиққан милтиқ товушлари ҳам шу фикрни қувватлайди...

Командир ҳеч нарса демади, унинг хаёлида ҳам Мирсобит ўйлаган нарса гавдаланмоқда эди.

Бир оз жим тургандан кейин Мирсобит яна сўзга киришди:

— Майли, ҳужумга киришайлик, бундан ҳам кечик-сак, кун оқаради, унда ишимиз бутун харобланади.

— Ҳарбий мажлисининг қарорига муҳолиф?..

— Лозим бўлса яна қисқагина бир мажлис қурай-лик...

Командир яна оғиз очмади...

Атрофни жимжитлик босган эди; дарё бўйида этик-лари ечилган, эгниларида ёлғиз бир гимнастёрка бўлган ҳолда қўлларида милтиқлари билан узаниб ётган отряд ҳеч кимнинг кўзига кўринмас эди...

Ниҳоят, бу жимжитликни босмачилар лагери орқасидан чиққан шиллик товуши бузди, дарё бўйида ётган

отряд ҳам қимирлай бошлади. Аммо командир ҳали ҳам қимирламасдан жим турмоқда эди.

— Яна нимани кутамиз?— дейиш билан Мирсобиб уни сўзга киргизди.

— Бу шилликда отилган милтиқларнинг саноғи оз. Бизникилар йигирма милтиқни бирдан отсалар керак эди.

— Бояги эҳтимол тутилган тўқинишда, ажаб эмаски, бизникилар ўн кишини қўлдан берган бўлсалар, қолган ўн киши босмачи разведкасини тор-мор келтириб ўз вазифасини адо қилган бўлса...

Бу фикр командирга ҳам маъқул бўлди; паст товуш билан оғзаки берилган команда оғиздан-оғизга ўтиб, бир минутда бутун отрядга ёйилди. Отряд ўзини дарёга отди...

* * *

Қўрбошилар учун қурилган чодирларнинг бирида ётган Наим полвон шиллик товушини эшитгач:

— Тур, тур, дарров тур!— деб ўз жияни Омонни уйғотди.

Уйқусираб зўрға бошини кўтарган Омон:

— Ҳа, нима дейсиз, тоға?— деди, яна бошини ўз милтиғи устига қўйиб, уйқуга кетди ва ухлагани ҳолда:

— Комсомол бола қилич билан қийма-қийма қилинди. Шундай кофирни тўратган мўйсафиднинг соқоли ўз қонига бўялди — боши кесилди. «Қорнимда болам бор» деб ёлворган комсомолнинг онасига «сен тирик қолиб, яна бир комсомол бола туғиб бермоқчимисан» дедимда милтиқ сарнайзаси билан қорнини ёрдим. Уй таланди, комсомолнинг форма кийими менга жуда соз келди...

Омон жим бўлди, ундан хуриллаш товуши эшитилмоқда эди.

— Жуда яхши қилибсанлар, Муҳиддинхўжа¹ нима бўлди?— Наим полвон кула-кула Омонни туртгани ҳолда ундан сўради.

— Уни дарахтга боғлаб отдик, ёвожинлик Рўзи отди. Хотин-болаларини бир уйга қамаб ўлдирмоқчи эдик, лекин мўйсафид хўжалар келиб ялиндилар, ўзларини

¹ Босмачилар ўлдирган Муҳиддинхўжа Айнийнинг акасиدير.

у уйга тиқиб, «бўлмаса ҳаммамизни ўлдилинг» дедилар. Хотин-болаларини мўйсафидларга бағишладик, тўғриси, хўжаларнинг тўғ кўтариб ётган боболари арвоҳидан қўрқдик, қўлимиз титради. Уйини, бир хас қолдирмай таладик. Ўзига кафан қилиш учун Муҳиддинхўжанинг ёлғиз бир эски салласини қолдирдик. Уни ҳам хўжаларнинг ёлворишидан безор бўлиб қолдирдик...

Омон яна жим бўлди. Лекин Наим полвон уни жуда қаттиқ-қаттиқ туртиб уйғота бошлади. Омон ўрнида туриб ўтириб кўзини уқалагани ҳолда.

— Нима дейсиз, тоға?— деди.

— Сени ухлатиб гап сўраш керак экан,— деди Наим полвон унга, кула-кула,— мен особий отделга хабар берай, қачонки қўлга тушсанг, сени яхшигина ухлатиб, гап сўрасин. Унда сен ҳеч бирини, ҳатто қўлингнинг титраганларигача қолдирмасдан айтиб берасан.

— Нима бўлди-я, тоға?— деб сўради Омон ажабланиб.

— Ҳали бу гаплар учун фурсат йўқ, сен дарров туриб милтигингни олиб ташқарига чиқ. Милтиқ товушлари эшитилди. Афтидан, ширинилар қишлоғини адаблашга борган йигитлар келаётирлар. Хабардор бўл, ҳамма қимматли нарсаларни Урмон полвон одамлари унинг чодирига элтиб тикмасинлар. Агар чиройли хотин-қиз ё бесоқол бола келтирган бўлсалар, бирини бу ерга олиб кел. Агар қиз, хотин, ё бесоқол биттагина бўлса, уни ҳеч кимга бермасдан бу томонга торт. «Наим тоғам ҳозир хизматдан келди, унга керак» де. «Мулла¹ шундай буюрган» де...

Омон тайёрланиб чодирдан чиққанда яна шиллик товуши эшитилди. Бу босмачилар лагери чегарасига яқинлашиб отилган милтиқларнинг товуши эди.

— Омон!— деб чақирди Наим полвон уни ва ўзи кета бошлади. Омон қайтди:

— Ҳа, нима дейсиз?

— Бу бизнинг йигитларнинг шиллиги эмас, бу товуш жуда кўп милтиқдан бирдан чиққан ва орқаси узилмасдан битта-битта чиқаётган товуш. Бизни орқадан босдилар, афтидан. Қўрбошиларни уйғот, қўшинга жар сол, тайёрлансинлар...

Лекин Омоннинг босмачиларни уйғотишига эҳтиёж

¹ Мулла Қаҳҳорни ўз одамлари қисқартиб «Мулла» дер эдилар,

қолмаган эди. Қўрбошиларнинг ўзлари ганграб уйғониб кетиб чодирлардан чиқмоқда. Муллалар азонни бемаҳал айтмоқда. Йигитлар милтиқларини қўлга олиб отланмоқда, отланганлар қароргоҳнинг шимол томонига қараб от чоптирмоқда эдилар. У томондан устма-уст чиқаётган милтиқ товуши у ёқда катта ҳодисалар бўлаётганидан хабар берар эди.

Ўз чодирдан чиқиб отланган мулла Қаҳҳор шимол томонга қараб от чоптираётган йигитларга:

— Бу томонга, бу томонга! Бу ёқдан босдилар!!!— деб дарё бўйини — жануб томонни кўрсатди.

Дарёбод томонидан қандайдир бўғишма садолари эшитилмоқда. Унда-мунда отилган милтиқлар товуши орасидан бир-бирига тегиб шақирлаган қилич ва сарнайзалар садоси, бўғилиб дод деган одамлар товуши эшитилмоқда. Ердан кўтарилиб, қайтиб йиқиляётган гавдаларнинг қораси кўринмоқда эди. Бу бўғишмалар босмачилар қароргоҳини ярим доира шаклида ўраб, қўрбошилар чодирга яқинлашмоқда эди. Шимол томондан милтиқ товушлари яна ҳам шиддатлироқ эшитилиб, гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашмоқда эди...

— Бир томондан эмас, ҳар томондан, ҳамма ёқдан бизни ўраб олдилар,— деган Митон полвоннинг товуши эшитилди. У гўё «бу томонга» деб қичқирган акаси мулла Қаҳҳорга жавоб берган эди.

Босмачи йигитлари ганграб гоҳ бу томонга, гоҳ у томонга от чоптирмоқда; от чоптираётган чоқларида баъзилари, чақмоқдай чақилиб дарров ўчган бир олов орқасида эгардан отилиб ерга юмаламоқда; баъзи отлар йнқилиб, йнқилган эгалари устига ағанамоқда эдилар.

Кўприк боши томондан:

«Та-та-тата...» товуши чиқиб босмачилар лагерининг бу вақтгача саломат қолган у томонини ҳам титратди. Пулемётлар ишга киришган эдилар.

— Ўзини қутқазиб саломат қочмаган йигит номард!!!

Бу товуш босмачилар қароргоҳининг кунчиқар томонида — катта йўл устида туриб кўприкни сақлаётган Ўрмон полвоннинг товуши эди.

Бу товуш эшитилгач, ҳалигача ганграб ҳар томонга от чоптираётган босмачи йигитлари бир томонга — шарқи-шимолий томонга қараб от чоптира бошладилар.

Босмачилар лагери гулгулага келди. Лекин бу гал «юрхо-юр, олхо-ол, босхо-бос» эмас, «қочхо-қоч! Қочхо-қоч!» деб бақирмоқда эдилар.

Босмачилар қочмоқда эдилар...

* * *

Кун ёришиб офтоб чиқа бошлаганда босмачилар лагериди қонларига буланган гавдалар, инграётган ярадорлар, ҳар томонда ётган яроғлар, бузилган чодирлар ва қоқилган қозиклардан бошқа нарса кўринмас эди. Қон ва қиличлар устига тушган офтоб нури қизил, яшил ва кўк тусда аксланмоқда эди. Майдонни жимлик босган, бу жимликни гуриллаб учиб, қўниб, ўликларнинг кўзларини ўяётган қарғаларнинг қағқағлашлари бузмоқда эди...

Инқилобий отряд босмачиларни қувлаб кетган, фақат бир неча командирлар бир неча нафарлари (оддий аскарлар) билан бирга босмачилардан қолган ганиматларни йиғмоқда ва қароргоҳни Вобкентга кўчириш учун ишламоқда эдилар.

— Мени нега ўз дастамдан ажратиб қолдирдилар?— деди бир чеккада от устида — ўзи шириниллар қишлоғидан олинган янги одамлар билан турган Сафарқул ўз олдидан унга қарамасдан ўтаётган бир командирга.

— Сени ҳарбий судга бермоқ учун тўхтатганлар,— деди командир унга.

— Мен босмачиларни бутун эзмай туриб отдан тушмайман деб аҳд қилган эдим. Бирон гуноҳим бўлса ҳам, уни курашнинг охиригача қўйиш керак эди.

— Хайр, зарари йўқ,— деди командир,— махсус сенинг ишингни текшириш учун партиийний дружин бошлиғи ўртоқ Мирсобит қолган. У ҳозир келиб сендан сўроқ қилади...

Кўп ўтмай Мирсобит қўлида дафтар-қалам билан Сафарқулнинг олдига келди ва унга қараб:

— Қани, ўртоқ, отдан тушинг, сиздан сўраладиган бир неча оғиз гап бор.

— Мен босмачиларни бутун эзмай туриб, отдан тушмайман деб аҳд қилганман. Менга рухсат беринг, ҳозирча уларнинг орқаларидан тушай, сўрайдиган гапларингизни сўнгра сўрайсиз.

— Йўқ, бўлмайди,— деди Мирсобит.— Бу ҳарбий

мажлисининг қарори. Бу қарор ҳеч бир сўзсиз ижро бўлиши керак.

— Хайр, майли,— деди ишдан қайтиб келиб Мирсобитнинг ёнида турган бояги командир,— от устида тургани ҳолда сўрай бер.

— Хўп,— деди Мирсобит, Сафарқулга қарагани ҳолда,— ҳозир сизнинг таржимаи ҳолингизни суриштириш учун фурсат йўқ, ҳозир ёлғиз ишдан сўраймиз, сўнгра таржимаи ҳолингизни сўраб ишингизга қўшамиз.

— Хўп, сўранг, тезроқ.

— Сиз, не учун бу кеча кечикдингиз? Кечикишингиз сабабидан кундуз бўлаёзган эди, агар кун оқариб қолса биз хароб бўлар эдик.

Сафарқул бу сўроққа жавобан ширинилар қишлоғида бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди ва ўз сўзи учун ўз ёнида турган Носир ширини ва ширини қишлоғидан териб олинган бошқа йигитларни гувоҳ қилиб кўрсатди. Улар ҳам Сафарқулнинг сўзини бир-бир тасдиқ қилдилар.

— Хўп,— деди Мирсобит,— бу ҳарбий нуқтаи назардан қочиб бўлмайдиган бир тасодиф. Агар сиз ширинилар қишлоғини босган босмачиларни ўз ҳолларига ташлаб уларнинг лагерига келсангиз эди, эҳтимол, улар орқангиздан босиб дастангизни бутун маҳв қилардилар. Унда ишимиз ҳам ёмонлашар эди. Бу тўғридан сиз гуноҳкор эмассиз... — Мирсобит бир оз жим тургандан кейин яна сўрай бошлади:

— Энди айтинг, ўртоқ, босмачилар лагерига яқинлашганингиздан кейин, нега йигирма милтиқни бирдан оттирмасдан, озроқ милтиқ оттирдингиз? Ҳарбий мажлисининг қарорига муҳолиф бўлган бу ҳаракатингиз бизни алдаёзган эди. Агар алдансак, бутун маҳв бўлар эдик. Бу тўғрида нима дейсиз?

— Биз,— деди Сафарқул,— ширинилар қишлоғида босмачиларнинг ўн йигитини маҳв қилиб уларнинг лагерига яқинлашганимизда бошимга шундай фикр келдики, ўзимизни босмачиларга ўз одамлари қилиб кўрсатайлик, токи яхшироқ алдансинлар. Шунинг учун мен биринчи шилликдан йигирма эмас, ўн милтиқдан оттирдим. Ҳақиқатан ҳам босмачилар у милтиқларнинг товушини ўзлариники деб ўйладилар, шунинг учун иккинчи шилликкача ўринларидан қимирламидилар. Иккинчи шилликда бўлса йигирма эмас, ундан ҳам кўпроқ мил-

тиқни оттирдим. Бунга энди босмачилардан ганимат олинган ўн милтиқ қўшилиб ўттизта бўлган эди. Бу шиллик сизнинг дарёдан ўтишингизга тўғри келди, босмачиларни ўйлагандан ортиқроқ телбалантирди.

— Дуруст,— деди Мирсобит,— бу сизнинг гуноҳингиз хайр билан натижаланган бўлса ҳам, бизни маҳв қилдираёзган катта гуноҳингиз; бу тўғридан сиз ҳарбий судга бериласиз.

— Хўп,— деди Сафарқул,— бу гуноҳимни мен бўйнимга оламан, ҳарбий судга берилишга, ҳатто отилишга ҳам розиман. Лекин ҳозирча рухсат берингки, курашга қўшилаёй.

— Йўқ, бўлмайди, ўртоқ!— деди Мирсобит.

Сафарқул кўзида ёш айлангани ҳолда, у ерда туриб, сўроққа қўшилмаган командирга қаради.

Шунча уруш, курашларда оқмаган кўз ёши синфий курашдан маҳрум бўлаётган чоқда оқиши, ҳарбий йўсинда тарбияланиб, ҳарбий тартибларни жорий қилишда ҳеч юмшалмаган командирнинг кўнглини юмшатди. У сўзга қатнашди:

— Менимча,— деди у Мирсобитга,— албатта, Сафарқул бу тўғрида гуноҳкор, ҳарбий мажлиснинг қарорини ҳеч бир ўзгартмасдан ижро қилишга мажбур эди.— Сўнгра Сафарқулга қараб командир ўз сўзини давом эттирди:

— Сен, ўртоқ, шундай катта хато қилдингки, бизнинг отрядни Бухоро Халқ Шўролар жумҳуриятининг обрўи билан бирга тагсиз чуқурга тушираёзган эдинг. Аммо бизни бу чуқурга тушишдан ўртоқ Мирсобитнинг большевикча очиқ кўзлиги сақлаб қолди...

Командир бир оз жим тургандан кейин Мирсобитга қараб сўзга киришди:

— Шундай бўлса ҳам бунинг бу қўпол гуноҳини тасодифан чиққан хайрли натижасига бағишлаш, бундан кейин шундай хато қилса қаттиқ жазо кўришини унга тушунтириш, шу билан бу ишни ёпиш, шунинг ила барабар унинг қўлига хат бериб юбориш керакки, у орқадан етиб бориб, Эргаш ота қўлига вақтинча топширилган ўз дастасини қайтиб олсин ва курашга қўшилсин.

— Менинг дастам Эргаш акага топширилганми?— деб сўради командирдан Сафақул.

— Ҳа, вақтинча,— жавоб берди командир.

— Менимча,— деди Сафарқул,— у дастанни унинг қў-

лидан қайтариб олиш, қарилиги чоғида ёшариб ғайратга кириб охиригача синфий душмандан ўч олишга бел боғлаган у чолнинг кўнглини синдириш сира тузук эмас. Менинг учун шу кеча териб олганим ширини йигитлари етарли.

— Булар милтиқ отишни ва бир даража уруш ишини ўрганганми?— сўради командир.

— Йўқ,— деди Сафарқул,— бу кеча буларга мен милтиқ отишни ўргатдим, иккинчи шилликда қатнаштирдим. Лекин биз билан баравар отолмадилар. Шилликдан кейин ҳар қайсиларини тўртта-тўртта — биттадан бўшаттирдим. Аъзойи баданлари тол баргидай титрар эди. Шундай бўлса ҳам, бу кечадаги урушдан бирмунча тажриба олдилар. Милтиқ товушидан титрамайдиган бўлдилар. Бир ҳафтагача буларни яхши нишончи қилиш мумкин. Булардан бошқа яна янги қувватлар топиб ўз дастамни кенгайтираман.

— Бу чол нега керак?— деди командир, Носир ширинини кўрсатиб.

— Жуда керак,— деди Сафарқул,— биринчидан, шунинг учун керакки, бу шириниларнинг «маҳмадана»си. Агар бу ақл ўргатиб турмаса, ширини йигитлари ҳеч иш қила олмайдилар. Иккинчидан, бу менинг эски ошнам; бир марта мен буни сувга ғарқ бўлишдан қутқазиб ўзимдан миннатдор қилган эдим. Яна истайманки, уни кунда неча марта ўлим дарвозаси олдидан қутқазай ва ўзимдан яна ҳам кўпроқ миннатдор қилай. Буни сувдан қутқазганимнинг ҳикояси ҳам жуда қизиқ, истасангиз айтиб берай.

— Йўқ,— деди командир,— ҳозир фурсат йўқ, бошқа вақт ҳикоя қилиб берарсан. Ҳозирча буларни олиб от чоптириб тезроқ отрядга ет...

Йўртиб кетаётган отларнинг туёқ садолари беш минутдан кейин эшитилмай қолди. Аммо отлиқлар томонидан айтилаётган ашула товуши эшитилмоқда эди:

Ҳаводаги тоңг юлдуз,
Ҳаводаги тоңг юлдуз
Кечани қилди кундуз,
Кечани қилди кундуз.
Бизнинг байроқ юзида
Чизилган қизил юлдуз.
Ҳаводаги ҳулкармиз,

Ҳаводаги ҳулкармиз
Шўроларда аскармиз;
Камбағални яйратиб,
Буржуйларни эзармиз,
Босмачини қирармиз.

Бу ашулани Сафарқул ўз дастаси билан айтмоқда
ва йўлни чангитиб от чоптирмоқда эди...

Х

Ўрмон полвонни қувиб юрган отряд нечанчи марта-
дир унинг ҳовлисини ахтарди. Ахтаришда халқ вакили
сифатида олдин тушган оқсоқол ҳовлидаги бедаларнинг,
шоҳ ғарамларининг остлариягача ва сомонхонадаги со-
монларининг оралариягача кўрсатди.

Бу ахтаришдан ҳеч бир натижага эришмаган отряд
бошлиғи Иван Ивановични узатаётганда, оқсоқол унга
ғолибона кулимсираш билан қараб деди:

— Наинки мен халқ вакили бўла туриб Халқ Шўро-
лар ҳукуматига хиёнат қилсам ва била туриб босмачини
яширсам? Бундан буён сиз ўзингизни ва аскарларингиз-
ни кўп чарчатманг! Қаердаки мен босмачининг қорасини
кўрсам, ўзим дарров бориб сизга хабар бераман. Менга
ишонинг. Баъзи бировлар ўзларини сизга ва ҳукумат-
ларга «яхши киши қилиб» кўрсатмоқ учун ёлғон маълу-
мотлар бериб, сизни ва аскарларни беҳудага овора қи-
ладилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг: агар тунов кун ё бир
кун бу ерлардан босмачилар тўдаси ўтган бўлсайди, ҳеч
бир аломат қолмаганда ҳам кўчаларда от изи қоларди.
Кўрмайсизми, шундай чанг кўчаларда бирорта ҳам от
изи кўринмайди.

— Яхши, яхши!— деб оқсоқолнинг гапига жавоб
берган Иван Иванович ўз отрядини бошлаб Деҳнав
қишлоғига қараб йўналди...

Отряд Деҳнав қишлоғининг кунчиқар томонидаги
даханасига етганда кўнгилли дасталардан бирининг
бошлиғи бўлган Эргаш Иван Ивановичга у ердаги на-
мозгоҳни кўрсатиб.

— Шу ерга қўнсак-чи!— деб таклиф қилди маслаҳат
оҳанги билан.

— Нега?— сўради командир.

— Чунки,— деди Эргаш,— менинг эшитишимча, шу кунларда ҳеч бир қишлоқда ўзи учун йўл ва чўлда овқат тополмаган Урмон полвон кўпинча ўз қишлоғига келиб ўз уйида, ёки ўз уйининг теварагида яшириниб ётади. Жумладан, шу бугун тонг қоронғисида у ўз қишлоғига келган, ҳалигача кетгани йўқ. Аммо оқсоқол, ҳукуматга хиёнат қилиб, била туриб уни биздан яширди. Шунинг учун шу ерга қўниб, пусиб унинг йўлини кузатиш керак.

Отряд командири — Иван Иванович Эргашнинг бу таклифини маъқуллади ва унинг фикрини қувватлаб:

— Оқсоқолнинг то кўчада от изи йўқлигигача кўрсатиб ўзини оқлашга уринишидан мен ҳам шубҳага тушган эдим,— деди ва қўнишга буйруқ берди.

Отряд атрофи девор билан ўралиб олинган намозгоҳга кириб отдан тушди, ҳар ким ўз отини у ердаги дарактлар шохига қантариб боғлади.

Аскарлар, кўнгилчилар, қизил партизанлар — ҳар ким ўз бўқтарига боғланган нонини олиб ея бошлади. Носир ширини ҳам шинели остидан боғланган катта қизил белбоғини ечиб, ичидан бир бурда нон синдириб олгач, қолганини яна унга ўраб белига боғлагандан кейин нон ейишга киришди.

Носир ширинининг ҳар бир ишини қизиқиш билан кўздан кечириб турган командир Сафарқулга қараб:

— «Маҳмадана»нинг ҳар бир иши ҳикматсиз, сабабсиз бўлмаганидек, нонни сўктарга боғламасдан белига боғлаганининг ҳам бирон ҳикмати бордир?— деди.

— Ҳикмати маълум,— деди Сафарқул,— у шундай ўйлаганки, «агар мени босмачи отиб ўлдирса, бўқтарга боғланган нондан маҳрум бўламан, аммо агар ноним белимда бўлса, ўзим билан бирга мазорга кетади», шириниларга хос бўлган «тежаш»ни билган киши бунинг сирини тез тушунади.

Ҳамма кулди. Сафарқул Носир ширинига:

— Гапим дурустми?— деди.

— Дуруст,— деди Носир, ўзи ҳам кулгани ҳолда ва илова қилди:

— Агар ширинилар сенинг шу гапингни эшитсалар, мени бекор қилиб ўрнимга сени «маҳмадана» кўтарар эдилар.

— Энди ширинилик шириниларнинг маҳмаданалиги йўқолди, қайтиб келмайди,— деди Сафарқул,— уруш

ва инқилоб даврида ширинилар ҳам доно бўлдилар; кўнгилли бўлиб биз билан чиққан ширини йигитлари бу икки йиллик кураш орасида хат-саводларини ҳам чиқариб олдилар; милтиқни бошқа йигитлардан яхшироқ бўлмаса ҳам, ёмонроқ билмайдилар. Носир акам бўлса бир дастага командирлик қила оладиган даражага етишди.

— Бу ишларнинг ҳаммаси Октябрь инқилобининг самараси, ишчи-деҳқон ҳукуматининг шарофати, партия раҳбарлигининг хосияти ва буюк Ленин тарбиясининг таъсири,— деди командир,— энди шириниларнинг соддалиги тўғрисида тўқилган латифалар эски афсоналар қаторига ўтди,— командир Сафарқулга қараб:

— Сен,— деди,— шу собиқ маҳмадана билан ора-ларингда бўлган бир воқеани ҳикоя қилмоқчи эдинг, агар ҳавсаланг бўлса, ҳозир вақти.

— Бизнинг орамизда,— деди Сафарқул,— «Сухан аз даҳани Луқмон хуш» («сўзни Луқмоннинг ўз оғзидан эшитиш яхши») деган бир гап бор. Шунинг учун мен сўрар эдимки, у воқеани Носир акамнинг ўзи ҳикоя қилиб берса.

— Сўраймиз, сўраймиз...

Ҳамма кўзлар Носир ширинига тикилди.

— Йўқ, мен уяламан,— деди қизаргани ҳолда Носир ширини.

— Утмишдан уялиб унинг устини очмаган киши,— деди командир, жиддият билан,— келажакда ўзини етиштира олмайди. Шунинг учун агар келажакда ҳақиқий доно бўлиш ниятида бўлсанг, собиқ «маҳмадана»лик ҳикояларингни қўрқмасдан, уялмасдан айта бер.

Носир ширини қизариб-бўзариб ҳикоя бошлади:

— Мен,— деди у,— бир вақт қишлоғимиздан эшакка икки кажаву узум ортиб шаҳарга — Бухорога олиб бормоқчи бўлдим. У вақтларда ўзоғ йили босмачилар билан устида урушганимиз Меҳтарқосим кўприги тошдан эмас, ёғочдан қурилган эди. Мен кўприк бошига келиб кўрсам, дарё тошган, кўприкнинг афти ҳам бежо, устидан отлиқ, эшаклик ўтганда титрайди. Узум кажаваларини эшакдан тушириб, уни кўприкка оёқ бостириб кўрдим, кўприк титради; ўзим ҳам оёқ босиб кўрдим, титради, «ўзим йиқилсам гўрга-ку-я» дедим, ўз кўнглимда: «аммо бу икки пуд бугдой бўладиган узумни бу кўприкдан ўтказаман деб сувга тушириш жаҳолат — нодонлик

бўлади» дедим-да, кажаваларни яна эшакка юклар қишлоққа қайтдим ва тўғри у вақтдаги «маҳмадана» мизнинг олдига бориб, узумни қандай қилиб дарёдан хатарсиз ўтказиш тўғрисида маслаҳат сўрадим. «Маҳмадана» мени «мен ўлгандан кейин нима қиласизлар шу ишга ҳам одамнинг ақли етмайдими?» деб хўп койгандан кейин, «бундай тошқин вақтида титрама кўприк устидан ўтиш албатта хато, сен эшагингни олдин солиб тўғри дарёдан ўта бер» деди.

Мен ҳам шундай осон ва қулай фикр эсимга келмай, шунча овора бўлиб юрганым учун ўзимни ўзим койиб, қайтиб дарё бўйига бордим-да, эшакни гузардан дарёга солдим. Эшак унамади, орқасидан итардим, юз бало билан ишқилиб эшакни сувга туширдим. Эшак сувга киргандан кейин нариги қирғоққа қараб эмас, сувнинг оқиши билан Қорақўлга қараб йўл солди. Мен бир нав қилиб эшакнинг олдига ўтиб, бошидан тутиб, уни қирғоққа қараб қайтардим. Шу вақт сув мени, эшакни, узумни ағдарди. Мен юмалаб оқаётган эшак ва кажавадан қўлимни узмай улар билан бирга гоҳ шўнғиб, гоҳ юзиб кета бердим...

Бир вақт кўзимни очиб қарасам, бир отлиқ белимдан арқон солиб арқонни тақимига босиб кўпкарида улоқни тўддан тортиб чиқараётгандай мени зўр билан тортиб сувдан чиқармоқда; қўлим бўлса кажавадан ажралган, «вой узум қўлдан кетди» деб бир дод дедим. Сўнгра нима бўлганини билмайман. Кўзимни очиб қарасам, оёғим юқори, бошим қуйи бўлиб бир жарликда осилиб ётибман. Оғзимдан тор оғизли кўзачадан чиқаргандай «булуқ-булуқ» этиб сув чиқмоқда; отлиқ бўлса отини бир томонга боғлаб қўйгани ҳолда менинг олдимда тикка турмоқда. Кўзим очилганини кўргач, у одам менга: «Энди қутулдинг» деди; мен зардаланиб, «мен қутулмасам гўрга эди; узумни қутқазмиш керак эди» дедим. У одам ҳеч нарса демасдан юқорига — жар бўйига чиқди, оёғимга боғланган арқонни кўкатдан ечиб олиб, мени юқорига тортди, юқорига тортилганимдан кейин мен тахтага олинган ўликдек ҳаракатсиз ётиб қолдим. У одам қамчини олиб ҳадеб мени ура бошлади, қамчи ўтмас эди менга, мен кўнглимда «нега мени қутқазиб, узумни қутқазмадинг деганимда, бу одамнинг аччиғи келган: «хайр, майли, ура берсин, қамчиси юмшоққина экан» дедим. Кўп ўтмади, баданим жизиллай бошлади.

Ўзим ҳам ўрнимдан ирғиб турдим; «тавба қилдим, укажон, узум кетган бўлса, майли» дедим. У одам кулди: «Энди бутунлай қутулдинг» деди.

Носир ширини ўз саргузаштини шу ергача ҳикоя қилгандан кейин:

— Ана ўша отлик йигит ҳозирги севикли ўртоғимиз шу Сафарқул эди,— деб уни кўрсатди ва илова қилди:

— У мени икки дафъа қутқазди, биринчи дафъада дарёга ғарқ бўлишдан қутқазган бўлса, иккинчи дафъа мени «ширинилик»— соддалик гирдобидан қутқазиб менга онг, билим бериб, мени синфий кураш майдонига чиқарди.

— Хўп,— деди командир,— қандай бўлдики, сен «маҳмадана»лик мансабига киришдинг.

— Бу ҳам жуда қизиқ воқеа,— деб Носир ширини ҳикоя бошлади:

— Амир,— деди,— ғазо қиламан деб юртдан от йиға бошлади. Бизнинг қишлоғимизда бештагина от бор эди. Бу отлар ёзда ўз эгаларига ишласалар ҳам, қишда улардан бутун қишлоқ фойдаланар эди: катта лойгарчилик бўлиб, эшаклар ярамай қолганда бозорда иши бўлган қишлоқдошларимизнинг ҳар бириси у отлардан бирини миниб бозорга бора берар эди. Ана шундай аҳволда амирнинг қишлоқдаги отларини зўрлик билан олиш тўғрисидаги хабари келиб бутун қишлоқни мотам-хонага айлантирди. «Агар амир одамлари келиб қишлоғимиздаги отларнинг ҳаммасини олиб кетсалар, қиш келиб лойгарчилик бўла қолса биз бозорга қандай борамиз?» деб бутун қишлоқ халқи йиғи-сиғига киришди. Эски «маҳмадана» ўлган, унинг ўрнини босиб «маҳмадана»лик қила оладиган, халқнинг бундай оғир кунда унга йўл кўрсатадиган бирор «ақлли» киши йўқ эди. Халқ бу балодан қандай қилиб қутулишни, кимдан маслаҳат сўрашини билмай чувиллаб йиғлашдан бошқа чораси йўқ эди. Нохос лоп этиб бир чора менинг эсимга келди: «Халқ! Йиғламанг, мен иложини топдим» дедим. Халқ бирдан кўзини очиб менга қулоқ солди: «Отларни,— дедим,— бирон девоғи баландроқ дарвозалик ҳовлига киритиб боғлаймиз, дарвозани отлар устидан қулфлаймиз, кўчадан шох судраб отларнинг изини йўқотамиз. Амир одамлари келса бизнинг қишлоқда от йўқ деймиз, улар ҳовлиларни бир-бир кўриб чиқсалар ҳам,

отлардан дарак топа олмайдилар, кўчаларда бўлса от изи йўқ. Амир одамлари от боғланган ҳовлини ахтармоқчи бўлиб, буни очинглар, десалар, калиди йўқолган деймиз, шу билан отлар қутуладилар»; менинг бу маслаҳатим халққа жуда маъқул тушди. Ҳамма бирдан менга ёндошди: «Сен энди бизда маҳмадана бўл» деди. Мен ҳам халқнинг юзидан ўтолмай қабул қилдим, «маҳмадана» бўлиб қолдим.

Бу ҳикояни эшитган командир фикрга чўмиб кетди, мажлисни жимлик босди, лекин бир йигит:

— Шу билан ўша отлар қутулдиларми?— деб яна Носир ширинини сўзга киргизди.

— Йўқ,— деди чўзиб Носир ширини,— амир одамлари келди, биз уларга ўйлаб қўйган жавобимизни айтдик. «Дорвозанинг калиди йўқолган» деганимизда, улар: «Маҳмаданаларинг ким?» деб сўрадилар. Мен «ана ман» деб бордим. Улар мени ерга босиб қамчи билан ура бошладилар. Қамчи жонимдан ўтгач, мен калидни чиқариб амир одамларига бердим. Улар мени қўйиб, дарвозанинг қулфини очиб, отларни етаклаб олиб кетдилар. Мен халққа қараб:

«Зарари йўқ, отларингиз кетган бўлса ҳам, мен каби зўрға топган маҳмаданангиз қамчидан қутулди» дедим. Халқ ҳам юпанди...

Шу вақтда Болоирўд томонидан бир милтиқ товуши эшитилиб Носир ширинининг сўзи кесилди. Ўйлаб ўтирган командир ўрнидан иргиб туриб:

— Отларинглар! Ўрмон полвон қочмоқда,— деди. Отряд отланди. Бу вақтда теварак қишлоқлардан ҳам якка-якка отилган ўн-ўн беш милтиқнинг товуши эшитилди.

— Булар Ўрмон полвон йигитлари,— деди командир,— унинг берган сигналига булар ҳам сигнал бериб йўлга чиқдилар.

Отряд Маҳмадбоқи қишлоғи усти билан Болоирўд томонига қараб от чоптирди. Болоирўд қишлоғида Ўрмон полвондан асар топмагач, чўлга қараб югурди. Отряд Жилвон бўйига етганида, кенг ва дол-дарахтсиз текис чўлда узоқдан мушук каби югуриб бораётган бир неча нарса кўринди. Бу қочқин Ўрмон полвон билан йигитларининг қораси эди...

Энди уни қувлаш фойдасиз эди. Отряд қайтди. Болоирўд қишлоғи билан Ўрмон полвон қўрғонининг орқаси-

дан чиқмоқчи бўлди. Йўлда қандайдир бир чуқурни кўмаётган оқсоқол дуч келди. Унинг олдида бир эшакка осилтириб ортилган икки боғ шох бор эди.

— Ҳа, оқсоқол,— деди Эргаш унга.— Урмон полвонни қочириб тинчландингизми?

— Мен Урмон полвонни кўрганам йўқ, у бу томонларга келган эмас. Агар келган бўлса қани отининг изи?— деб жавоб берди оқсоқол.

— Отнинг изи бўлмаса ҳам,— деди командир,— шонинг изи бор. Сен бу «шириниларча» қилган ҳунаринг билан ишчи-деҳқон қизил аскарари қўлидан қутулолмайсан.

— Бу чуқурни нима қилмоқчисиз, оқсоқол?— деб сўради Сафарқул ундан.

— Бўшаган сабзи ўраси эди, кўммоқчиман.

— Қани, бир сабзи ўрангизни кўрай?— деб Сафарқул, чуқурнинг ичига киргач:

— Э, ҳейй,— деб юборди. У ўранинг орқасида усти ёпиқ яна бир кенг чуқур кўринди. Сафарқул унга ҳам кирди, унинг ичиде бир неча одам ётарлик ва от боғларлик жой бор эди. У ернинг бир томонида бир неча отнинг янги ташлаган тезаги бўлганидек, бошқа бир томонида янги палови бўшалган товоқ, ҳам йиғиштирилмаган дастурхон турмоқда эди.

Сафарқул чуқурдан чиқиб изоҳ берди:

— Урмон полвон бу махсус ясалган чуқурга бир неча одами ва отлари билан кириб яшириниб ётган. Оқсоқол чуқурнинг кириш жойини сабзи ўрасидай қилиб кўмган. Йўлларда шох судраб изларни барҳам берган. Бугун Урмон полвон қочгандан кейин оқсоқол аввал эшакка шох ортиб унинг изини йўқотган. Энди «сабзи ўрасини» кўмаман деяётганида қўлга тушган.

— Олдинга туш,— деди оқсоқолга командир,— сен бориб пролетариат суди олдида жавоб беражаксан...

Бир милтиқ товуши эшитилди. Оқсоқолга пролетариат суди олдида жавоб бериш насиб бўлмади. У икки шонаси орасидан кириб кўкрагидан чиққан ўқдан йиқилган эди.

— Аскарый интизомга муҳолиф ўзбошимчалик қилиб бир одамни ўлдирганим учун оқсоқолнинг ўрнига пролетариат суди олдида мен жавоб бераман,— деди уни отган киши.

Отилиб йиқилган оқсоқол қалъачи Абдураҳимбой-

нинг ўгли бўлганидек, отувчи ҳам унинг хоназод қули Раҳимдод — Некқадам — Қулбобонинг ўгли Эргаш эди. Кураш давом қилмоқда эди...

XI

1923 йил. Ёзнинг мия қайнатувчи қизгин кунлари ўтган, кузнинг ғамли чучмал ҳаволари охирланган, аммо қишнинг қор-ёмғирли, бўронли кунлари ҳали бошланмаган эди.

Ёз ва кузни бошидан ўтказган Тикай чўлида одамни қизиқтирарли, тирикчиликка ярарли бирор нарса қолмаган эди. Қуриган ёвшонлар, қоврилган шўралар, барглари тўкилган янтоқлар, синиб эзилган шибоғлар бу чўлнинг бу мавсумдаги табиий «зийнатлари» саналар эди.

Ҳалигача қиш уйқусига ётмаган типратиканлар, юморлар, илонлар, чаёнлар бу чўлнинг тирикчилик орқасидан югуриб юрган жонзотлари ҳисобланар эди. Бўри, қашқир каби йиртқич ҳайвонлар тўпланиб юришларини қаттиқ очиқиш чоқларигача — чўлни қалин қор босиш вақтигача қолдирган эдилар.

Бу кунларда бу чўлда инсонлар жамиятидан қувилган икки оёқли ваҳший ҳайвонлар тўпланган эди. Бу ваҳший ҳайвонлар ваҳшийликлари сабабли инсонлар жамияти томонидан қувилган бўлсалар ҳам, икки оёқли бўлганлари сабабли улар учун тўрт оёқли ваҳший ҳайвонлар — бўрилар, қашқирлар, айиқлар, чўчқалар орасида йўл йўқ эди. Буларни тарих (содда таъбир билан айтсак) «икки жаҳон овораси» қилган — инсон олаmidан қувган, ҳайвон оламига йўл бермаган эди.

Булар ишчи-деҳқон қизил аскарлари, қизил партизанлари, қизил таёқчилари қиличидан қочиб Тикай чўлини ўзлари учун энг охирги паноҳгоҳ қилиб олган Шофирком туманининг босмачилари эди.

Булар жамиятдан қувилган, ажратилган, ажралган бўлсалар-да, ҳали ҳам устларида «беклик» аломатларини ташимоқда эдилар. Бошларида ҳали ҳам саллалари бор эди, лекин бу саллалар қоп-қора кирга бўялган эди; эгниларида ҳали ҳам парча гулли мебельний сатиндан тикилган чопонлари бор эди; лекин бу чопонлар яғир эшаклар устига ёпилган терликлардай парча-пар-

ча қон ва йиринг билан буланган эди; уст тўнлари ҳали ҳам катта жиякли эди, лекин бу энли жияклар қуртлаган туянинг қорнига тортилган айилдек, жийган гўшт тусини кўрсатар ва исини берар эди.

Овқатлари ҳам аввалгидай устма-уст қайнатилган қази, қиздирилган қўзи, қовурилган қўй гўшти эмас эди. Чунки булар учун энди меҳнаткаш деҳқонларнинг уйларини, қўйларини, қўзи ва тойларини талаш йўли боғланган эди. Чунки меҳнаткаш деҳқонлар пролетариат раҳбарлиги, ишчи-деҳқон ҳукуматининг амалий ёрдами соясида бирлашган, қувватланган, ваҳший ҳужумлардан ўзини сақлаш кучига эга бўлган эди.

Буларнинг бу кунлардаги овқатлари катта ер эгалари ва чўлда оралаб юриб халқдан талаб олган, чўпон ва батрақлар меҳнати билан йиғилган молларининг амниятини босмачилардан кутган катта чорвадорлар ҳимматига боғлиқ эди. Улар бўлса, ўз молларини босмачиларга бутунлай егизмас, уларга овқат бериш тўғрисида қўй рамаларини қўриқлайдиган итга қиладиган муомалаларини қилар эдилар. Қўй рамаси эгасининг ўз итига берадиган овқати чала чайналган суяк ва бир парча кўмачдан ортиқ эмасди. Ҳолбуки, катта ер эгалари, катта чорвадорлар, ўз итларининг — босмачиларнинг келажакдаги муваффақиятларидан ўз умидларини узган, Шўро ҳукуматига қарши очиқдан-очиқ босмачилик йўли билан мубораза қилишдан қўл тортишга мажбур бўлиб яширин кураш йўлини изламоқда эдилар. Бунда босмачиларнинг кундалик овқати бир кафт талқон ва бир бурда могорлаган кўмач нондан ошмас эди.

Босмачилардан ҳатто ўзларининг содиқ йигитлари ҳам умидларини уза бошлаган эдилар. Улар қочиб, ҳукуматнинг марҳаматига сизиниб таслим бўлмоқда ёки бирон бурчакда чакана ўғирлик қилмоқда эдилар. Шунинг учун Тикай чўлида ерлашган босмачилар сони авваллари минг нафардан ошиқ бўлгани ҳолда, кейинги кунларда беш юз нафар бўлиб қолган эди.

Босмачиларнинг бу кунлардаги тирикчилиги ҳам жуда кўнгилсиз, ўлимни кутиб турган бир тирикчилик эди. Уларнинг бир-бирлари билан қиладиган ҳазил-мазахлари ҳам кўпинча шу яқинлашган ўлим устида эди. Хусусан, булардан бирининг бу тўғридаги ҳазили ўлим кутишга қараганда ўлимни афзалроқ қилиб кўрсатмоқ-

да эди. У шутқари-қизиқчи босмачи қоровуллик нав-
батыда кунда неча марта от чоптириб келади:

— Туринглар, отланинглар, қочинглар, аскар кел-
ди!— дейди. Босмачилар бириси бош яланг, оёқ яланг,
бириси кийинмаган, бириси шимининг почасини кийган
ҳолда отланадилар, қочадилар. Усиз ҳам ориқлаб қол-
ган отларини уриб, ўн-ўн беш чақирим йўл босиб чар-
чатгандан кейин, ҳалиги шутқари:

— Ҳазил қилган эдим, ҳеч нарса йўқ, қайтинглар,
муҳтарам қўрбошилар,— деб уларни қайтарарди. Қай-
тишда чарчаган ориқ отларда устларидаги одамларни
кўтариш нари турсин, салт ҳолда қадам босиш учун ҳам
куч топилмасди. Қўрбошилар олдинда, йигитлар орқа-
дан яёв юриб отларини судраб қайтишга мажбур бўлар
эдилар.

Бу ҳолнинг кунда неча марта такрорланишидан зе-
риккан Бозор амин Ҳайит аминга:

— Бундан кейин,— деди,— мен бу йигитнинг гапи
билан сира ўрнимдан қимирламайман, бунақа бўш-бў-
шига неча марта ўлимдан қўрқиб қочишдан кўра, аскар
қиличи билан ўлдирилиш беҳроқ.

— Мени,— деди Бозор амин сўзини тасдиқлаб Ҳайит
амин,— тунов кунги қочиш жудаям азоблади. Мен олов
ёқиб кийимларимнинг битларини қоқмоқда эдим...—
«бит» сўзини эшитиш билан суҳбатда ўтирган Бозор
амин, Ўрмон полвон, Нор қоровулбеги, Нормурод пол-
вон, Исмоил мирохур ва бошқа бир неча йигитлар қўл-
ларини енгларидан ичкари суқиб баданларини қаший
бошладилар. Ҳайит амин давом этди:

— Эгнимда биргина қалами ятак бор эди. Бирдан
у шум товуш шутқари келиб:

— Қочинглар! Аскар келди!— деб бақирди. Қуруқ
эгарга шимсиз, иштонсиз яланғоч ҳолда миндим. Бир
ярим тошлиқ йўлгача қочиб боргандан кейин бу хабар-
нинг ёлғонлигини эшитиб отни тўхтатиб қарасам,
бутимнинг ораси жизиллаб оғримоқда. Бит чақиши
билан қавариб қичитма касалига айланган икки оёгим-
нинг ораси қуруқ эгар устида қип-қизил гўштга айлан-
ган.

— Зарари йўқ,— деди Ўрмон полвон,— бу жаноби
олийнинг суннатлари. Жаноби олий билан бирга қочиб
афв умумийдан фойдаланиб қайтиб келган жаъфарилик
Абдулла бойваччанинг сўзига кўра, жаноби олий Ғижду-

вондан, унинг ҳовлисида отга миниб қочганда Қарноб тоғига боргунларича муборак бутларининг териси шилиниб маймуннинг бутидай қизариб кетган.

— Бундан кейин,— деди Исмоил мирохур,— аскар келиш хабарини эшитсак, қочмасдан, мардларча урушиш керак.

— Сизнинг бу гапингиздан,— деди Исмоил мирохурга Нормурод полвон,— инглизларнинг бизга қилган муомалаларининг ҳиди келади. Улар аввалда кўп ваъдалар билан бизни майдонга чиқардилар, аввалларда ҳақиқатан ҳам кўп ёрдамлар қилдилар. Аммо Шўро ҳукумати қувватланиб ишимиз олдин босмаганини кўрганларидан кейин, ўзларини билмасликка солиб, бўйинларини қашиб кета бердилар. Сиз ҳам бизни тўхтаб урушишга далолат қиласиз, аскар келиб қолса нарироққа бориб қараб турасиз. Енгилишимизни кўргач, ҳаммадан бурун ўзингиз қочасиз.

— Тўғриси,— деди Нор қоровулбеги,— бизнинг шу кунларда кечираётган ҳолимиз, бегона боғда қамалиб қолган итга ўхшайди. Ит узум ўғирлаш учун бегона боғқа кирази, унча-мунча узум ҳам ейди. Бир вақт боғ эгаси хабар топади, ўз бола-чақаларини ҳам уйғотади, кўпчилик бўлиб, биргалашиб у итни уришга, қувишга киришадилар. Ит бир томонга қараб қочади, у томондан қаттиқ бир калтак ейди, у ёқдан юз ўгириб, бошқа томонга қараб қочади. Яна таёқ, яна калтак. Ит омбордан чиқиб қочмоқчи бўлади, аммо чиқолмайди, омбор торлик қилади. Девордан ошмоқчи бўлади, девор баланд, ошолмайди, ё ошаман деяётганида бир таёқ билан урилиб қайтиб йиқилади, юмалаб кетиб, яна ўрнидан туриб бошқа бир томонга қочади. Баъзан орқасига қараб ҳужум қиладигандай бўлиб ҳам кўринади, лекин шу билан баравар бир ёқлама бўлиб яна қочади... бизнинг шу кунлардаги ҳолимиз худди шу итнинг ҳоли. Мен бу ҳолдан қандай қутулиб чиқиш йўлини ҳеч тополмайман.

— Бу ҳолдан қутулишнинг бирдан-бир йўли,— деди йигитлардан бири,— ҳеч бир шартсиз, сўзсиз Шўро ҳукуматининг марҳаматига сизиниб таслим бўлишдир.

— Таслим?...— деди Бозор амин,— «ўтмишдаги ҳузур-ҳаловатларни эсдан чиқар, от миниб халқ устида ҳукм суриб юрганларингни эсдан чиқар-да, тунов кун ўзиниш буюриб, ош десалар тош бериб юрганнинг оёқяланг-

лар олдига бўйин эгиб бор» демакдир. «Таслим» сўзини фақат ҳукуматга сотилган агентлар айта оладилар...

— Агент, агент...— деган товушлар чиқиб Бозор аминнинг сўзини кесди. «Таслим» маслаҳатини берган йигит тутилиб бир неча қадам нарироққа судралди. Бир милтиқ товуши эшитилиб қоронғи кечада, кўз юмиб очгундай қисқа бир фурсатда, кўз олдида бир ойдинлик кўринди, сўнгра теваракни аччиқ бир тутун қоплади. Йигитни судраб борган қўрбошилар қайтиб келиб, аввалги ўринларига ўтирдилар. Нарироқда ердан кўтарилиб йиқилаётган бир қора теваракка қон сачратмоқда эди. Бу «таслим» сўзини тилга олган йигитнинг гавдаси эди. Аммо бу гавданинг жон узаётган чоқдаги ҳаракати қўрбошиларни кайфлантирмоқда эди...

* * *

Тонг чоғи, бутун чўлни жимжитлик қоплаб олган эди; чўлда кечаси билан қуриган янтоқ ва шибоғлар орасида пиширлашиб юрадиган майда ҳашаротлар ҳам тинчланган эдилар. Очликдан кечани оёқ қоқиб ўтказган отлар ҳам энди ҳар бир нарсадан умидларини узиб, оёқларини қимирлатмасдан, мудраб ухламоқда эдилар. Саҳаргача баданларини қашиб битлар билан олишиб чиққан босмачилар ҳам энди қаттиқ уйқуга толган эдилар. Ердан, кўкдан ҳеч бир нарсанинг садоси эшитилмас эди.

Бозор аминнинг капаси олдида ўн олти-ўн етти яшар бир бола қўлида обдаста билан унинг халодан қайтишини кутиб турмоқда эди. Бола аминнинг қўлига сув қуйгандан кейин обдастани унга узатди. Бир қўли билан обдастани ушлаган амин иккинчи қўли билан боланинг билагидан ушлаб:

— Берароқ кел!— деди.

Бола аминнинг таклифига унамай, оёқларини ерга тираб, ўзини орқага тортди. Амин обдастани ерга қўйиб, икки қўллаб болага ёпишиб, уни қапага қараб судради.

Шу вақтда шутқари йигитнинг:

— Туринглар, отланинглар, қочинглар!!! Аскар келди!— деган товуши эшитилди.

— Эшитмаяпсизми, амин бобо? Мени қўйиб юборинг,— деб бола оёқларини ерга тираб ўзини қутқазिशга уринди.

— Парво қилма, бу Шоҳимнинг кундалик ҳазилла-

ри,— деди ва болани яна зўр билан судрай бошлади. Шу вақтда бир милтиқ товуши эшитилиб, унинг ўқи Бозор аминнинг боши устидан ўтиб, капани тешиб кетди.

Энди амин ҳам англаган эдики, бу ҳазил кундалик навбатдаги ҳазиллардан эмас экан, балки бу «уйим куйди» ҳикоясида бўлганидек, кундалик ҳазилларнинг оқибати экан.

Ҳикояга кўра бир ёлғончи бор экан... Ҳар кеча халқ ётгандан кейин томга чиқиб «ўй халқ, менга ёрдам беринг, уйим куйди!!!» деб бақирар экан. Ширип уйқудан уйғонган халқ кўзаларни, пақирларни кўтариб ёнгин чиққан томонга қараб югурар экан. Аммо у ерга бориб қарасалар — тинчлик.

— Ҳа, нима гап, қаер ёнди?— сўрар экан халқ томдаги ёлғончидан.

— Ҳеч гап йўқ, мен шундай бир ҳазил қилган эдим...

Шундай ҳазиллар билан бир неча марта алданган халқ, охир бунақа ҳазиллар билан ўз тинчлигини бузмайдиган бўлган.

Бир кеча ёлғончининг уйига чиндан ўт тушган. Аммо у қанча «уйим куйди» деб дод деса ҳам ҳеч бир киши келмаган, натижада, уйи бутун ёниб кул бўлган.

Шу ҳикоядагидай «кундалик ҳазил» деб Шоҳимнинг ганига қулоқ солмаган амин беш минутда ҳақиқатан уйнинг куяётганини англади: аввал бир-бир отилган милтиқлар, кўплаб отила бошладилар. Энди «Отинглар, қочинглар!!!» товуши ёлғиз бир шутқари йигит томонидан эмас, балки ҳар томондан эшитилмоқда эди.

Ишнинг жиддийлигини англаган амин, болани қўйиб юбориб, югуриб бориб ётган отни турғизиб минди. Аммо яна отдан тушиб қапага қараб югурди. У ердан милтигини олиб бўйнига тақди, қиличининг тасмасини кечалик кийими устидан белига боғлаб қайтиб келиб яна отга минди. Устма-уст қамчи еган от чопишга интилса ҳам, қадам босолмас, боши қоziқ томонига эгилиб қолар эди.

Отни устма-уст уриб юрита олмаган амин нўхта боғининг қоziқда боғлиқ бўлганини кўрди-да, қилични суғуриб у билан нўхтани кесди. От чопа бошлади.

Бошқа қўрбошилар ҳам отланиб қочмоқда эдилар. Аммо босмачилар қароргоҳининг у томонидан жон аччиқ қичқиришлар эшитилмоқда ва «қочҳо-қоч!..» товушларини кўплаб отилаётган милтиқларнинг гумбурлаши босмоқда эди. Ёриша бошлаган кунни қоп-қора тутун

қоллаб олган эди. Отларига ирғиб минган йигитларнинг суръат билан юмалаб тушганлари от ўйнидаги манзарани кўз олдига келтирарди. Қочаётганда ўқ еб бир оёқлари узангига илиниб, отнинг нариги томонида осилиб қолган йигитларнинг гавдалари ҳам худди от ўйнидаги кўринишлардан бирини кўрсатарди...

Иш «помардларча» милтиқ урушидан эски қаҳрамонлик дostonларидагидек «мардларча» ёқалашиш, муштлашиш, қилич билан чопиш, пичоқ билан сўйиш, ханжар ва найза билан суқишга ўтди...

Милтиқ отиш тўхтагандан кейин тутун ҳам тарқалиб, чиқа бошлаган офтоб дунёни ёритди. Энди майдонда ёрилган бошлар, чопилган бўйинлар, кесилган оёқлар, тешилган қоринлардан бошқа нарса кўринмас эди.

Босмачилар бу майдонда ўнлаб ўлик қолдириб қочган ва уларни таъқиб қилиш давом этмоқда эди...

ХИ

Ойсиз, юлдузсиз, булутли қоронғи кеча, кўз кўзни кўрмас эди. Босмачи ахтариб чўлма-чўл кезиб юрган қизил аскарлар, қизил партизанлар, қизил таёқчи меҳнаткаш деҳқонлар тўдаси бир қишлоққа қараб йўналмоқда эдилар. Атроф жимжит эди. Шивалаб ёғаётган ёмғирдан намланиб чанги босилган тупроқли йўл отларнинг туёғи сасини ҳам чиқармас эди. Бу жимжитликни отларнинг ора-сирадаги пишқирини, қиличларнинг қини учидаги темирнинг узангига тегиб шиқирлаши бузса ҳам, қоронғиликни ҳеч бир нарса бузмас эди; бу кеча ҳатто гугурт чақиш, папирос чекиш ҳам тақиқ қилинган эди. Отряд қум хомалари билан ўралган бир қишлоққа келди. Отряд қишлоқни айланиб унинг орқа томонига ўтганда ҳаммадан олдинда бораётган Сафарқулга унинг ёнида бораётган ўн етти-ўн саккиз яшар бир бола девори анчагина баланд бир қўрғонни кўрсатиб:

— Ана шу ерда!— деди.

— Бу қўрғон мешга жуда таниш,— деган Сафарқул отнинг жиловини орқага бурди ва орқасидан келаётган командирга қараб қўлини чаккасига тутгани ҳолда:

— Шу қўрғонда эканлар,— деб рапорт берди.

Командирнинг паст ва оғзаки берилган буйруғи билан отряд отдан тушди. Отряднинг ярмиси қўрғон тева-

рагига қоровул қилиб қўйилди, қолган ярмиси команда кутиб турмоқда эди.

Сафарқул командирни ўзи билан бирга олиб қўрғон девори олдига борди. Деворни ярмигача босган қумни унга кўрсатиб:

— Муҳаббатни мен шу ердан оширган эдим,— деди.

— Жуда соз ер,— деган ҳолда орқага қайтди командир. Ҳозирланиб турган отрядни иккитадан қатор қилди, ўзи олдин тушиб, «илгари, марш!» ишорати билан отрядни девор олдига олиб келди.

— Биров пуштак турсин, олдин мен чиқай, чунки мен бу ҳовлининг ҳамма жойини яхши биламан,— деди Сафарқул командирга.

— Унинг орқасидан мен,— деди қатор олдида турган Эргаш,— бу ҳовлини яхши билишда мен ҳам Сафарқулдан қолишмайман.

— Хўп!— деди командир,— ким пуштак туради?— деб сўради қатордан.

— Мен!— деган Носир ширини қатордан чиқиб, қўлини чаккасига тутиб, буйруқ кутиб турди.

— Шу ерда ҳам ширинилик муғомбирлигини ишлатдингиз-да, Носир ака,— деб кулимсираган Сафарқул командирга:

— Ҳовлига тушиб босмачилар ўқига учрамай деб шу бурчакда пусиб ётмоқчи,— деди.

— Йўғ-э,— деди Носир ширини,— бўйим бошқаларникидан узун бўлгани сабабли бу иш учун бошқалардан мен авлороқ.

Командир қабул қилди. Носир ширини пуштак турди: унинг устига аввал Сафарқул, сўнгра Эргаш, ундан кейин командир чиқиб, бир-бир ўзларини томга олиб, у ерда пусиб ётдилар.

Командир қаторда тизилиб турган аскарларга ишорат билан:

— Юқори чиқа бер!— командасини берди. Бошқалар ҳам чиқа бошладилар.

Сафарқул, Эргаш ва командир кетма-кет таңдир устидан ичкари ҳовлига тушдилар. Бошқалар ҳам туша бошладилар.

Сафарқул ичкари ҳовлидан ташқари ҳовлига қараб йўл бошлади. Ҳовли жимжит эди. Ёмғирнинг шовиллаши бу жимликни бузса ҳам, ҳовлида одам юрганини ҳеч кимга сездирмас эди.

Ташқари ҳовлига чиққан отряднинг бир қисми Сафарқулнинг кўрсатиши билан ичида одам борлиги эҳтимол тутилган сайисхона, сомонхона ва етимхонадек жойларнинг эшигига, ичкари-ташқари ҳовлиларнинг ораларига қоровул қўйилди.

Отряднинг қолган қисми супага чиқарилиб, меҳмонхонанинг эшиклари орқасида тизилтирилди. Кўпроқ қувват дарпардаси ёпиқ бўлиб, ўзи очиқ турган даҳлиз эшиги олдига қўйилди.

— Аввал ким киради?— деган командирга:

— Мен!— деб олдин келган Сафарқулни ушлаб, ундан олдин ўтиб:

— Мен, мен, мени қўрқоқлик ва муғомбирликда айбладинг, ўзимни оқлаш учун аввал мен кириб отилай,— деди Носир ширини. Жаҳли чиқиб ғайратга келган Носир ширини бу гапларни у мавқеининг талабидан ортиқроқ баланд товуш билан айтди.

— Кимдир у?— деб дарпардани очиб меҳмонхонадан даҳлизга чиққан бир одам, бошини ташқари чиқарган ҳамон, бир ўқ билан ўз сўроғига жавоб олиб остона устига йиқилди. Гугурт чақиб унинг юзини кўрган Сафарқул:

— Полвон арабнинг ўзи,— деди.

Полвон араб орқасидан чиққан икки яроғли йигитнинг бириси ҳам отилди, яна бириси қайтиб меҳмонхонага кириб:

— Бизни босдилар, хароб бўлдик, ҳовли тўла аскар, энди ҳазил эмас, чин!— деб бақирди. Бунинг ҳазил эмас, чинлигини ташқаридан отилган икки милтиқнинг товуши ҳам тасдиқлаган эди.

Босмачилар телбаланиб кигиз ва гилам остидан милтиқларни олиб ирғиб турдилар. Меҳмонхона тўрида ўтирган мулла бошидаги ямоқ салласини бир томонга отиб, тахмондаги кўрпаларни ағдариб, остига кириб яширинди. Телбаланган босмачилар нима қилишларини билмай милтиқларини даҳлизга қаратиб бўшатдилар. Бирдан отилган милтиқлар зарби билан деразалар шақирлаб кетди, шифтдаги қирқинчи лампалар ўчди, меҳмонхона қоронғи гўрга айланди. Қоронғиликда қолган босмачилар бир-бирларига туртилиб, деворларга суйкалиб, кўрпаларга қоқилиб йиқилиб, у ён-бу ёнга фойдасиз югурмоқда эдилар.

Кўрпаларга қоқилиб йиқилган бир босмачи уларни

бир чеккага отмоқчи бўлганда кўрпа остида ётган мул-
ланинг:

— Мен кўрпалар остига яширинганман, буларни тор-
тиб устимни очманглар!— деб бақириниши ўлим олдида
турган босмачиларни кулдирмасдан қўймади.

Ташқари ҳам безовта эди. Биринчи милтиқларнинг
овозидан уйғонган хотинлар, болалар, етимлар, хизмат-
чилар: «нима гап?» деб ташқари чиқмоқчи бўлганлари-
да қоровулларнинг, милтиқни кўрсатиб жим ётинг,
бўлмаса отиласиз дейишлари билан жим бўлган бўлса-
лар ҳам, қишлоқнинг узоқ бир бурчагидан бирдан
отилган бир неча милтиқ отрядни ҳаяжонга келтирган
эди.

Ўз ҳаяжонини босиш учун қўли билан кўкрагини қис-
ган командир Сафарқулга қараб:

— Бу нима гап?— деди милтиқ отилган томонга боши
билан ишора қилиб,— бу бола бизни алдаб тузоққа ту-
ширган бўлмасин, босмачилар катта қувватларини бош-
қа жойга қўйиб, бизни бу ҳовлига киргизиб, ташқаридан
ўраб олмоқчи бўлган бўлмасинлар.

— Бу тўғрида хотиржам бўлинг,— деди Сафарқул
командирга совуққонлик билан,— бу бола зўрланиб, хўр-
ланиб номусига тегилиб Бозор аминнинг қўлидан қоч-
ган бир бола, агар бундан бир хиёнат чиқса, ҳаммадан
бурун мен ўз бошим билан жавоб бераман.

— Бўлмаса у отилган милтиқлар кимлар томони-
дан?— деб сўради командир.

— Бағишлайсиз,— деди Сафарқул,— бу бола берган
маълумотнинг бир бўлагини сизга айтишни унутганман.
Бу болага Ўрмон полвон маҳрамбаччаси айтишича, ке-
йинги кунларда босмачилар бир ҳийла ўйлаб чиқарган-
лар. Бу ҳийлага кўра, қўрбошилар ва атоқли йигитлар
бир ҳовлида ерлашадилар, ундан узоқроқда бўлган ик-
кинчи бир ҳовлига бир неча йигитни қўядилар. Қўрбо-
шиларни отряд босган тақдирда узоқдаги йигитлар мил-
тиқ ота бошлайдилар; шу билан отрядни ўз томонларига
тортиб қўрбошиларнинг қочиб қутулишлари учун йўл
очган бўладилар, ҳеч бўлмаса отрядни иккига бўлиб
заифлатиб, баъзи кишиларнинг қутулишига йўл ҳозир-
лайдилар. Аввалдан тайёр бўлиб турганликлари сабаб-
ли четдан туриб ўқ отганларнинг ўзлари ҳам қочиб қу-
туладилар.

— Дуруст,— деди командир,— лекин шундай муҳим

маълумотни унутиб ўз вақтида менга айтмаганлигинг учун сенга иккинчи танбеҳ.

— Қабул,— деди Сафарқул қўлини чаккасига қўйиб тургани ҳолда ва илова қилди:

— Ишни бошлайлик!

— Бошлаймиз...

Бир фасл жим бўлган меҳмонхона ичида яна тапур-тапур, тўполон бошланди, босмачилар меҳмонхона ичида у ён-бу ён югурмоқда эдилар...

— Тинчланинг, тутдик,— деган бир товуш эшитилди, Бунинг орқасидан:

— Кўрмайсанларми? Кўзларинг йўқми, мен бола эмасман, мулламан, ишонмасанглар соқолимни ушлаб кўринглар,— деган бир бўғиқ товуш эшитилди.

Бир минут тинчланган меҳмонхонадан яна тўполон чиқа бошлади. Бу тўполон икки минут давом қилар-қилмас бир боланинг товуши эшитилди:

— Ёш бошимга раҳм қилинг, онам билан синглимнинг кўз ёшларидан қўрқинг...

— Онанг билан синглингнинг фалонига фалон қилай,— боланинг товушини кесган бу сўкиш орқасидан:

— Ал-аёзу билло, бу қандай хилофи шаръ иш,— деган бир бўғиқ товуш чиқиб давом этди:

— Она билан қизини бир одамнинг фалон қилиши шариат юзасидан асло тузук эмас. Мана шундай хилофи шаръ ишларингизнинг касофатидан бундай кунларга тушдингиз...

— Уринг, бу шариатчи муллани,— деган товуш орқасидан кўрпа-ёстиққа тепилган этикларнинг «тап-тапи» эшитилди. Яна бўғиқ товуш эшители бошлади:

— Тавба қилдим. Мен шундай «амри маъруф» қилган эдим.

«Тап-тап» товуши босилди. Лекин боланинг ялинган-ёлворган товуши ҳали ҳам эшитилмоқда эди. Борган сайин бола товуши бўғила борди ва охирда:

— Уртоқлар, ёрдам!— дегандан кейин бутун кесилди.

«Уртоқлар, ёрдам» товушини эшитган отряд қайнади ва ҳар томондан:

— Эшикларни синдириб босиб кирамиз,— деган гулгула чиқди.

— Йўқ!— деди командир,— эшикларни тешинг ва у ердан отинг!

Бу команда икки минутда ижро қилинди. Меҳмонхонанинг қатор уч эшиги милтиқ мили сигарлик ўлчакда бир неча жойдан тешилди. Милтиқлар у тешикларга қўйилиб отила бошлади. Ичкаридан ҳам жавоб чиқа бошлади. Аммо ташқаридан қоронғи уйга қараб отилаётган ўқлар бекорга кетганидек, ичкаридан отилган ўқлар ҳам деворга, эшикка тегиб ташқаридагиларга ҳеч бир зарар етказмас эди...

Ярим соатча давом қилган бу фойдасиз отишмадан кейин меҳмонхона ичидан отиш товуши эшитилмай бошлади. Командир ҳам:

— Отишни тўхтат!— командаси билан отиш тўхтади.

— Фойдасиз қон тўкилмасин, бўш-бўшига ўлиб кетманглар, Шўро ҳукуматининг марҳаматига сизиниб таслим бўлинглар!— деди командир меҳмонхонадагиларга.

Бу таклифга жавобан ичкаридан эшикка қаратилиб яна бир ўқ отилди.

— Ҳаҳ-ҳа!— деди командир,— булар ўзлари учун эҳтиёт ўқ сақлаганлар.

Носир ширини қўлини чаккасига қўйгани ҳолда командирнинг олдига келиб:

— Рухсат этинг,— деди,— мен даҳлиз эшигидан босиб кириб тутаман, отилсам ҳам майли, ўзимни оқлай.

— Йўқ!— деди командир,— ўлимга берилмасдан ишни бажариш мумкин бўлган жойда ўз ихтиёринг билан ўзингни ўлимга отиш ҳарбий нуқтаи назардан жиноятдир.

— Қабул!— деган Носир ширини ўз ўрнига бориб турди.

Командир ўрта эшик олдида турганларга:

— У эшикни бир бутилка сигарлик тешинг,— деди.

Бу команда ижро қилингандан кейин тешикдан меҳмонхона ичига бир бутилка керосин сепилди. Бу чоқда ичкаридан тешикка қаратиб ўқ отилган бўлса ҳам, керосин бутилкасини синдиришдан бошқа зарар еткиза олмади.

Керосин орқасидан гугурт чақилди. Меҳмонхона ёна бошлади. Ут ва тутун ичида қолган босмачилар яроғларини ташлаб, қўлларини юқори кўтарган ҳолда эшик-

дан чиқиб, таслим бўлдилар. Таслим бўлган босмачиларни соқчилар ўраб олганда, улар орасидан йигирма-йигирма икки яшар бир йигит:

— Мен босмачи эмасман!— деб ўзини соқчилар ўривдан ташқари олишга интилди.

— Босмачи бўлмасанг, босмачилар орасида нима қиласан?— деди командир Иван Иванович унга.

— Мен бойнинг хизматчиси. Бой эшигида азоб чеккан бир киши, ётадиган жойим молхона. Меҳмонларга чой қуйиб бериш учун мени бу кеча меҳмонхонага киргизиб эди. Мени Сафарқул акам билади,— деди ҳалиги йигит.

Командир Сафарқулни чақириб, йигитчани унга кўрсатиб, ундан кимлигини сўради.

— Мен,— деди Сафарқул,— бу йигитчанинг тагу тубини тузук билмайман. Мен бу ердан қочгандан кейин бойнинг эшигига келган. Номи (ёки лақаби) Сотмақул. Бойнинг хизматчиси бўлгани рост, лекин қора хизматчи эмас, балки қароллар ва чўпонларга иш буюриб юрадиган гумашта.

— Хўп, ҳозирча қамоққа олинсин,— деди бир оз ўйланиб тургандан кейин командир, — шаҳарга боргандан кейин текшириб кўрамиз. Ҳақиқатан босмачилик ишига қатнашмаган бўлса озод бўлади.

«Меҳмонхонада бошқа киши қолмадимикин?» деб даҳлиз эшигидан ичкари қараган Носир ширини ёнаётган кўрпалар остида нималардир деб ғурунглаётган бир бўғиқ товушни эшитиши билан ўт, тутун орасига уриб кирди. Оёғи бир гавдага қоқинганда:

— Сафарқул, тез кел, буни чиқар!— деб ёнаётган кўрпа остига қўл тиқиб бир кишини судраб чиқди. Югуриб кирган Сафарқул ҳам у кўрсатган гавдани судраб чиқиб қўлга тушган босмачилар олдига ташлади.

Бу гавда ўн етти-ўн саккиз яшар бир боланинг гавдаси эди.

— Ким ўлдирди буни?— деб сўради командир босмачилардан.

— Мен,— деб жавоб берди Ўрмон полвон.

— Нега?

— Қишлоқнинг нариги чеккасидан отилган милтиқларга алданмаганликларингизни кўргач, «бизнинг тадбиримиздан сизларни шу бола хабардор қилган-

дир» деб ўйладим ва тириклик чоғимда ундан ўчимни олдим.

— Бу,— деди командир,— сенинг энг охирги жиноятингдир!

Супанинг нариги томонида, ёнаётган кўрпалар орасидан тортиб чиқарилган одамнинг куяётган кийимларига сув қуйиб ўчираётган Носир ширини:

— Буни кўринглар. Бу жуда қизиқ бўлган,— деб товуш берди.

Ҳамма у ерга борди, у ерда соқоли, сочи, киприги ва қошлари куйган бир одам қисқа-қисқа нафас олмоқда ва Носир ширини унинг куяётган кийим ва баданига сув қуймоқда эди.

— Сен ким бўласан?— деб сўради командир у одамдан.

— Мен мулла!— деди у одам, нафаси тугила-тутила,— менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ!

— Гуноҳинг бўлмаса ва тўғри бўлсанг, бу қонхўрлар орасида нима қиласан?— такрор сўради командир.

— Мен, «амри маъруф қилиш», бу бадбахт гумроҳларни тўғри йўлга ундаш учун булар олдига келиб эдим.

— Тўғри йўлга ундашинг билан булар бирор гуноҳдан тийилдими?

— Йўқ!

— Ундай бўлса сен буларнинг гуноҳига шоҳид бўлиб юрган экансан-да.

— Ҳа, шундай, шунинг учун мени худо урди, соқолимдан ажралдим.

— Зарари йўқ,— деди Эргаш у муллага,— тирик қолсанг, соқолимни сенга бераман.

— Вой, ҳали мени ўлдирмоқчимисизлар? Худо ҳақи, ҳеч бир гуноҳим йўқ. Менга тега кўрманглар! Илоҳи икки дунёнгиз обод бўлгай, шери худо камарингизни боғлагай...

— Босмачиларни ҳам шундай дуо қилиб эдингми?— деб Носир ширини муллани дуодан тўхтатди.

— Албатта, дуо қилиб эдим.

— Босмачиларни дуо қилиш гуноҳ эмасми?— сўради командир.

— Ахир буларнинг ҳақиға қилган дуоларимнинг бирортасини ҳам худо қабул қилмади-ку. Қабул бўлма-

ган дуо учун мени гуноҳкор санайсизларми? Бу дуруст эмас, бу шариятга тўғри келмайди...

Мулланинг бу сафсаталарига аскарлар қиқирлашиб кулмоқда эдилар. Бу орада қўлга тушган босмачиларни конвой билан йўлга солдилар: Урмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин, Исмоил мирохур, Нор қоровулбеги, Нормурод полвонлар олдинда бўлганлари ҳолда босмачи йигитлар уларнинг орқаларидан саф тортдилар.

Ҳаво соф, ёмғир тўхтаган, ой чиққан, тонг яқинлашган эди. Музаффар отряднинг биринчи сафида — командир Иван Иванович орқасидан Сафарқул, Эргаш, Қулмурод ва Носир ширини тизилиб қуйидаги зафар таронасини куйлаганлари ҳолда йўлга тушдилар:

Биз йиқитдик бутун босмачилар уйин,
Биз ўқиймиз зафар, ғолибият куйин!

Бизни ўтмишда кўп эдилар, сиқдилар,
Бизни ўлдирдилар, ёқдилар, йиқдилар,
Бизни зиндону обхонага¹ тиқдилар,
Бизга қарши жаҳон бойлари чиқдилар,

Биз йиқитдик бутун босмачилар уйин,
Биз ўқиймиз зафар, ғолибият куйин!

Бизни қўрқитмади босмачи подаси,
Бизни алдаёлмади буржуа ваъдаси.
Бизга ёрдамчидир ишчилар тўдаси,
Бизга йўлбошчидир коммунист фирқаси,

Биз йиқитдик бутун босмачилар уйин,
Биз ўқиймиз зафар, ғолибият куйин!

Биз эрурмиз у эски замон қуллари,
Биз отардик у эски ёмон йўллари,
Бизни тортди Ленин бобомнинг йўллари,
Қўллади бизни меҳнат эли қуллари,

¹ Обхона — Бухоро амирининг арки (саройи) ичига бино қилинган махсус қаттиқ қамоқхона.

Биз йиқитдик бутун босмачилар уйин,
Биз ўқиймиз зафар, голибият куйин!

Биз денгизларда, кўлларда юзмоқдамиз,
Биз ҳаволарда, чўлларда кезмоқдамиз,
Биз бутун эски дунёни бузмоқдамиз,
Биз бўлак — янги оламни тузмоқдамиз.

Биз йиқитдик бутун босмачилар уйин,
Биз ўқиймиз зафар, голибият куйин!



БЕШИНЧИ БУЛИМ

I

Қишнинг охирлари эди; ҳали баҳор бошланган бўл-маса ҳам, устма-уст келаётган офтобли кунлар офтоб-тиғалардаги қорларни эритган; чуқур кўчалар, катта йўллар, кузда шудгор қилиниб қўйилган ерлар ҳали оёқ боса оларлик даражада қотган бўлмасалар ҳам, девор остлари, офтобли кўчалар, шудгор қилинмаган ерлар, йўнғичқапоя ва буғдойпоялар бир даража қуриган эди-лар.

Кўча бошидаги офтобрўяларга боғланган сигир, бу-зоқ каби ҳайвонлар олдиларига ташланган хашакларга оғиз урмай ўзларини ялаб ётишлари, йўнғичқапоялар-га қўйиб юборилган эшаклар яғирларини қарғалар чўқишига қарамасдан мудрашлари бу ҳайвонларнинг офтобни қанчалик соғинганликларини кўрсатмоқда эди.

Чивинларнинг офтобрўяда ўтирган одамларни ғинг-ғиллаб нотинч этишлари, текис кўчаларда ишти ўйна-ётган йиғитларнинг шов-шувлари, қишлоқнинг кенг май-донида аккал-чулак ўйнаётган болаларнинг зумлашиб югуришлари кўпдан бери қиш жимжитлигида кўмилиб ётган қишлоқда кўринган ҳаёт ҳаракатлари нишонаси эди.

Чанғалоқ ва янтоқ оловининг тутунида қиш бўйи са-сиб келган зах хоналардан хотин-қизлар супага пўстакча тўшаб бешикларини, чарху дукларини, чиғириқларини

олиб чиққанларидек, эркаклар ҳам қўлларидаги майда-чуйда ишларини олиб кўча бошига чиққан эдилар...

Қишлоқнинг энг серофтоб ва қуруқ ерларидан бўлган Бобомурод такламачининг дарвозаси олдига тўпланган одамлардан бири ўз олдидаги саватдан ғўза олиб чувур экан:

— Бу қиш ишлайдиган қиш бўлаётир-да,— деди,— яна бир-икки кун шундай офтоб бўлса гўнгларни ёвонга ташиб, ҳовлиларни тозалаб, баҳор экинига тайёрланар эдик, ҳатто кузда шудгор қилинмай қолган ерларни сура бошласак ҳам бўла беради.

— Қишнинг бундай иссиқ келиши яхши аломатлардан эмас,— деди одамлар тўпидан ажралиб ўз дарвоза-хонасининг супачасида гилам тўшаб чой ичиб ўтирган Бобомурод такламачи,— олти ой қор, ёмғир ёғса, қиш қишлигини қилса, у вақтда деҳқон ердан бир нарса ундириб олади. Аммо қиш қуруқ келса, ёзда экинлар қо-вурилиб кетади.

— Дуруст,— деди тикка туриб урчуқ йигираётган бир киши,— агар қиш ёғишли бўлмаса, албатта ҳосил бўлмайди, лекин бу қиш унақа қуруқ қишлардан эмас, икки ой туташ керакли миқдорда ёғди, энди бир оз тўхтаб туриб гўнғ ташиш ва қўш қўшишга йўл берса ҳам зарар қўлмайди. Баҳорда бўлса яна баҳор ёмғирлари ёға беради.

— Худо кўрсатмасин,— деди чопонини бошининг остига қўйиб офтобда чўзилиб ётган бир чол, такламачига қараб,— агар сиз айтгандай бизнинг юртда олти ой қиш бўлса, деҳқончилик ишларимиз бажарилмай қолади. Биз пахтакор, обчакор, боғдор деҳқонлармиз. Бизда мезон, ақраб ва қавс¹ ойлари қуруқ бўлиши керак, бўлмаса кузги ҳосилни, айниқса ғўза-пахтани йиғиштириб ололмаймиз, кузда ерни шудгор қилолмаймиз. Шунингдек бизда ҳут оғи иссиқ бўлмаса ер етилмайди, пахтани, сабзи-пиёзни ўз вақтида эколмаймиз. Менинг олтмиш йиллик тажрибамга кўра, бу қиш бизда бўладиган қишларнинг энг яхшиларидан бўлди. Куз қуруқ келди, ҳосил бутун йиғилди, ерлар шудгор қилинди, ўз вақтида ёғиш бошлаб, яхшигина ёғди. Яна ўз вақтида иссиқ ҳаво бошланаётир. Сиз айтгандай, қиши олти ой ё ундан ҳам узинроқ бўладиган юртлар ҳам бор экан, лекин уларнинг

¹ Сентябрь, октябрь, ноябрь ойлари.

экинлари ҳам ўз юртларига мувофиқ, буғдой, арпа, тарих каби нарсалар экан. Унақа донлик экинлар учун ёғиш қанча кўп бўлса ўшанча яхши.

— Бой акамнинг дардлари деҳқончилик устида эмас, бошқа жойда,— деди эски бир этикнинг остига янги кўндан так қўйиб тикаётган бир киши,— бизнинг қишлоқ халқининг ярмиси деҳқон, косиблар. Булар қиш вақтида бой акамнинг хизматларини қиладилар. Бой бозорлардан, ёки ўз гумашталари орқали қишлоқлардан эски этикларнинг соқларини бир сўмдан пул бериб тўплайди. Ҳар бир этик учун бир сўмлик масаллих — материал ҳам сарф қиладилар. Уни мен каби тикувчига бериб бир сўм билан тиктириб оладилар. Мана шу уч сўм харажат билан тайёрланган таклама этикни бозорга элтиб йигирма сўмга сотадилар ва бу ишдан бу кишининг чўнтақларига ўн етти сўм холис фойда киради. Ҳаво қизиб деҳқончилик ишлари бошланса бир таноб, икки таноб ери бор косиблар ўз бечорачиликларига чиқадилар ва бой акамнинг ишлари қолади. Чунончи, мен шу ҳафта тикувчиликни қўйиб деҳқончилик ишига чиқмоқчи эдим. «Шу ҳафтада ҳам ишла, қўлингдаги ишларни битказ, янаги ҳафта ихтиёринг ўзингда» деб юз солганларидан кейин юзларидан ўтолмай ишлаётиман.

— Сенинг бир ҳафта ортиқ ишлаганингдан, ёки ишламаганингдан менга нима нафу, нима зарар?— деди бой аччиғи келган ҳолда,— қўлингдаги ишлар чала қолмасин дедим-да. Ишласанг ўз фойданг учун ишлайсан.

— Менинг бир ҳафта ортиқ ишлашимнинг сиз учун катта фарқи бор, бой ака,— деди тикувчи, суққан бигизини тортмасдан бойга қараб,— мен бир ҳафтада олти таклама этик тикиб сиздан олти сўм баҳраманд бўламан. Аммо сиз шу олти такламадан юз сўм топасиз. Менинг бир ҳафта ишламаслигим сизни юз сўм фойдадан маҳрум қилса, йигирма косибнинг деҳқончилик ишига чиқиб кетиши сизни ҳар ҳафтада икки минг сўм фойдадан ажратади. Мана шунинг учун сиз бошқаларга ёқимли бўлган иссиқ ҳаводан куяётирсиз.

— Ҳисобни ёлғиз бойлар биладилар деманг,— деди гапга қўшилмай кулимсираб қўлидаги дафтарга қараб ёзиб-чизиб ўтирган соқоли қирқик бир йигит,— Шўролар ҳукумати шарофатидан ёлланиб ишловчилар ҳам ҳисобдон бўлган.

— Мен,— деди бой бир оз юшмагани ҳолда,— бу ишларни фойда учун қилмайман, балки шунақа,— тикувчини кўрсатиб,— бу кунни топиб, эртасини тополмайдиган қишлоғимиздаги камбағаллар ишсиз қолмасинлар деб қиламан. Бўлмаса шу замонда фойданинг бўлишидан бўлмагани беҳроқ.

— Қани, қани, замон нима бўлган?— деб сўради бойдан дафтарига қараб ўтирган йигит.

— Замона кундан-кун баттар бўлаётир,— деди бой,— жаноби олий қочдилар, у кишининг ўринларига «хукуматлар» келдилар. Хўп, улар ҳам ғанимат эканлар, ҳар нима бўлса ўзимизники эдилар. Лекин уларни ҳам худо кўп кўрди. Бухоро Туркистонга қўшилиб қўлдан кетди. Ҳозирданоқ халқ ўз ер-сувидан ажралди, билмасам яна нималар бўлур?

— Ҳар гапни биласизку-я,— деди соқоли қирқилган йигит, қўлидаги дафтарни ёпиб бир томонга қўйгани ҳолда,— лекин биладиган гапларингизнинг устини ёпиб гапирасиз; гапингизга халқни ҳаяжонга келтирадиган сўзларни ҳам қўшиб юборасиз. Албатта, «жаноби олийингиздан» ажралгандан кейин сиз учун Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти ғанимат эди, чунки ҳукуматга суқилиб кирганлар сизнинг ерингизга, сувингизга тегмас эдилар. Сиз аввалгидай этик жаллоблигингизни қила берардингиз, ер-сувингизни кўпайтирардингиз. Бу сиз учун жуда катта ғанимат эди. Аммо камбағаллар, ерсизлар, ёлланиб ишловчилар эскича қолиб, сизнинг ишингизни ишлай берардилар. Бу сиз учун иккинчи катта ғаниматлардан эди. Лекин Бухоро Халқ Шўролар жумҳуриятининг Бухоро Социалистик Шўролар жумҳуриятига айлангани, Ўрта Осиёда миллий чегараланиш амалга оширилиб, Ўзбекистон Социалистик Шўролар жумҳурияти пайдо бўлгани сизнинг кайфиңгизни қочирди. Чунки у декрет чиқариб ер-сув устидан хусусий мулкياتни кўтарди, ер олди-сотдисини тақиқ қилди. Шу билан сизнинг ер кўпайтириш йўлингизни боғлаганидек, камбағаллар қўлларида қолган бир таноб, ярим таноб ернинг ҳам сиз каби бойларга соғилиб кетишини тўхтатди. Энди сиз бунини «Бухоро қўлдан кетди» деб халққа тушунтирмоқчи бўласиз. Бухоро қаерга кетди? Бухоро ўз жойида. Бухоро кўзи очила бошлаган, яшнаётган меҳнаткашлари билан бирга ўз жойида. Ерга хусусий мулкياتни барҳам берган декретга «халқнинг ер-суви қўлидан олинди» деб маъно

берасиз. Кимнинг ер-суви қўлидан олинди? Балки қўлида қолган бир-икки таноб ернинг ҳам бугун ё эрта қўлидан олиниши аҳтимол бўлган Нормурод акадек кишиларнинг ерлари ўз қўлларидан сира кетмайдиган қилиб қолдирилди.

— Тўғри,— деди ғўза чувиётган киши соқоли қир-қилган йигитнинг сўзини кесиб,— менинг отамдан ўн таноб ер қолган эди. Амир вақтида молиятда қарздор бўлиб икки танобни шу бой акамга,— Бобомурод такламачини кўрсатиб,— сотган эдим. Сўнгра хотиним ўлди, яна икки танобни сотдим. Янгидан уйланганда қарздор бўлиб яна икки танобни сотдим. Инқилобдан кейин яна шу бой акамдан икки ботмон буғдой олиб, икки танобини сотдим. Энди қолган икки танобини ҳам сотиб ўғлимни тўй қиламан деяётганимда ҳалиги декрет чиқди. Энди тўй ҳам қилмайман, еримни ҳам сота олмайман, бу декрет шарофатидан икки таноб ерлик бўлиб қолдим.

— Тўғриси,— деди урчуқ йигираётган киши,— шу декрет чиққунча оз ерлилар қўлидаги ерлар Машраб девонанинг эшагидай эди.

— Ернинг эшакка қандай муносабати бор?— деди Бобомурод такламачи кулиб.

— Оз ерлилар қўлидаги ерларнинг Машраб девонанинг эшагига катта муносабати бор эди,— деб урчуқчи ўз сўзини изоҳ қилиш йўлида ҳикоя бошлади:

— Машраб девона,— деди у,— Намангандан бир ориқ эшакни миниб Балх шаҳрига бормоқчи бўлиб йўлга чиққан. Мирзачўлга келганда, унга сури-сури қўйлар, пода-пода қорамоллар, қатор-қатор туялар, гала-гала йилқилар дуч келган.

— Булар кимники?— деб сўраган молбоқарлардан у.

— Хўжа Аҳрорники,— деб жавоб берганлар улар.

Зомин, Жиззах, Янгиқўрғонларда пишиб ётган буғдойларни кўрган.

— Булар кимники?— деб сўраган.

— Хўжа Аҳрорники,— деган жавобни олган.

Самарқандга келган, бутун шаҳар теварагини ўраб олган боғлар, бўстонлар, хиёбонлар, тегирмонлар, обжувозларни кўрган.

— Булар кимники?

— Хўжа Аҳрорники.

Шунингдек Қарши, Ғузор, Шеробод, Термизлар-

да ҳам экинзорлар, подалар, рамалар галаларини кўриб:

— Булар кимники?— деб сўраганида:

— Хўжа Аҳрорники,— деган жавобни ола берган.

Охирида Машраб девона ўз эшагидан тушиб, сағриси-га бир шапалоқ уриб:

— Бор, сен ҳам Хўжа Аҳрорники бўл-э,— деб ҳайдаб юборган ва ўзи яёв кетаверган.

Урчуқчи ўз ҳикоясини тугатиб илова қилди:

— Шунга ўхшаш,— деди у,— шу декрет чиққангача оз ерлиларнинг ерлари истар-истамас кўп ерлиларнинг ерларига қўшилиб кетар эди. Энди бирон киши ўз ерини Машраб девонанинг эшагидай қилиб ўз ихтиёри билан ҳайдаб юборса ҳам, ҳеч ким ололмайди. Чунки декрет ерни бировга бағишлашни ҳам тақиқ қилган.

— Шундай,— деди соқоли қирқилган йигит,— Ғафур акамнинг ҳикоялари жуда тўғри,— ва чала қолган сўзини тугалламоқчи бўлиб давом этди:—Халқнинг ер-суви қўлидан олинган эмас. Лекин, эҳтимол, келажақда сиз каби бойларнинг ерлари қўлларидан олинса, ўшанда ҳам у ерларни биров кўтариб кетмайди, балки у ерлар ўзларининг ичида ярим оч, ярим тўқ ишлаб юрган мардикорлар, етимлар, қуллар, қароллар ва чоракорларга бўлиниб берилади. Сиз мана шундан қўрқасиз ва шу қўрқишингизни «билмасам, яна нималар бўлур?» деган усти ёпиқ сўзлар билан изҳор қилиб, айни замонда, халқни ҳам қўрқувга солмоқчи бўласиз. Лекин шуни билингки, энди меҳнаткаш деҳқонлар сизнинг сўзингизга алданмайди, алданса ҳам дарров шубҳадан чиқарилади. Чунки унга ёрдам қиладиган ишчилар синфи ва ишчилар синфининг партияси бўлган коммунистлар партияси бор.

— Ер ҳеч кимнинг қўлидан олинган бўлмаса,— деди бой,— нега мачит ёнидаги мактабнинг вақф ери олинди, мактаб ёпилди? Қишлоқ болалари шундай ўқиш вақтида умрларини бекорга ўтказмоқдалар.

— Дуруст,— деди соқоли қирқилган йигит,— мактаб вақфи бўлган ер олинди, лекин уни ҳеч ким кўтариб кетмади, балки унинг ичида ишлаб, пешона тери тўкиб мактабдор муллани тўйғизиб келган оч деҳқонга берилди. Халқнинг миясини айнитадиган мактаб вақфдан маҳрум бўлганидан кейин ўз-ўзидан ёпилди. Лекин унинг

муқобилида қишлоқ шўроси олдида йилда мингларча сўм харажат билан яшайдиган билим уйи — шўролар мактаби очилди.

— У мактабга,— деди бой,— халқ боласини юбор-маса, ундан халққа нима фойда?

— Халқ боласини юборади ва бир қанча меҳнаткашлар болаларини юборган ҳам, лекин сиз қўймайсиз, сиз ва сизнинг муллангиз «шўро мактаби болаларни кофир қилади» деб халқни йўлдан урасизлар...

Қишлоқ шўроси томонидан от чоптириб келган йигитнинг улар олдига келгач, отини тўхтатиши соқоли қирқилган кишининг сўзини бўлди. Чопар хуржунидан бир қоғозни чиқариб:

— Суяр ака, буни ўқиб, халққа тушунтиринг,— деган ҳолда у қоғозни соқоли қирқилган кишига узатди ва ўзи яна отини чоптириб бошқа қишлоққа кириб кетди.

Чопар томонидан Суяр хитобланган соқоли қирқиқ киши қоғозни бошидан оёғигача бир неча марта кўздан кечиргандан кейин, юзида ва кўзида шодлик аломати пайдо бўлгани ҳолда, ўқий бошлади:

«Ушбунинг билан ерсизлар, оз ерлилар ва умуман, меҳнаткаш деҳқонларга эълон қилинадирким, Шўролар ҳукумати Шофирком туманида янги қурилишнинг биринчи меваси қилиб кўмилиб кетган тарихий Жилвон рўдини янгидан қаздириб унга сув чиқармоқчи бўлди. Бу сувдан суғориладиган янги очилган ерлар ерсиз, оз ерли ва умуман, деҳқончилик қилмоқчи бўлган меҳнаткашларга бўлиб берилади. Ишчилар синфининг ёрдами ва СССР пролетариатининг техника кучи ҳам рус олимларининг раҳбарлиги билан мазкур рўдни қазиш иши бошланди: қазиш ишида ишламоқни истаган меҳнаткашларга кунлик беш сўм иш ҳақи ҳам етарли нон ва иссиқ овқат берилади. Асос: район орқали олинган Бухоро округи ер-сув бўлимининг қарори...»

Бу эълоннома ўқилиб бўлгач этик тикувчи «яша... яшасин Шўролар ҳукумати!» деган ҳолда ўрнидан ирғиб турди, қўлидаги чала тикилган бир тоқа этикни қолипга тортиб қўйилган бошқа бир тоқаси билан бирга Бобомурод такламачи томонига отиб юбориб:

— Олинг, бой ака, бу «матоингизни»,— деди,— мен ёнимдан еб сизда ишлаб кунда бир сўм олиш ўрнига, юртни обод қилиб, ерсизларни ерли қиладиган Жилвонга

бориб ишлаб, еган-ичганимдан бошқа, кунда беш сўм оламан.

Таҳқирланган бой ўрнидан туриб:

— Бадраг, қул,— деб тикувчини сўкиб, қолипланган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди. Этикчи бошини эгиб бу ҳамлани рад қилди, бўлмаса боши тарс ёрилар эди.

— У қул бўлса, мен ҳам қул,— деган ҳолда урчуқчи урчуғини бойнинг бошига қаратиб отди.

Урчуқ тегиб пешонаси ёрилган бой кўзи устига оқиб тушган қонни арта-арта югуриб бориб урчуқчининг ёқасидан тутди ва бир-бирларини муштлай бошладилар. Тикувчи келиб бир қўли билан бойнинг соқолидан ушлаб, бошқа бир қўли билан унинг бошига мушт сола берди. Нормурод келиб:

— Қўйинг, бой ака, уриш яхши эмас,— деб бойнинг қўлини тутди. Шу билан ора-сирада бирон мушт урадиган бойнинг иши энди ёлғиз мушт ейиш бўлиб қолди.

Оёқ остида қолишдан қўрқиб, бориб деворга суяниб ўтирган чол:

— Оғримайдиган ерига урманглар!— деб «насихат» бермоқда эди...

Шаллоқ еяётган бойнинг ерга йиқилганини кўрган Суярқул ишга аралашиб:

— Урманг, қонун юзасидан бу дуруст эмас, «бадраг, қул» деб сўккани тўғрисида акт тузиб судга берамиз,— деди ва бойни уларнинг қўлидан ажратди.

Боши ганграб ўрнидан турган бой яна йиқилиб нишаблик билан юмалаб кетиб кўчанинг ўртасидаги лойга тушди. Лойгарчилик кунларда маст бўлиб йиқилган пьянисталардай юзи, кўзи лойга булгангани ҳолда зўрға ўрнидан туриб, қайси томонга қочишни билмай турган бойга, Суярқул:

— Бой ака, ҳовлингиз мана бу томонда, боринг, мен буларни тутиб турибман,— деди.

Кўзлари устидаги қонга аралашган лойни артиб, Суярқулнинг Самад билан Нормуродни ушлаб турганини кўрган бой, қочган ит каби қўрқа-қўрқа ўз ҳовлисига келди-да, жон аччиғи билан ичкари кириб дарвозани шақирлатиб занжирлагандан кейин:

— Бадраглар, қуллар, гушнапурзўрлар...— деган ҳолда ичкари ҳовлисига қараб қочди...

Қишлоқда синфий қураш бошланган эди...

Қуриди қулларнинг моши, тариғи,
 Оқарми, оқмасми Жилвон ариғи?
 Жилдираб оқса ҳам кўзим ёшидек,
 Ювилмас у билан юзим сариғи.

Шунақа ашулаларни айтишга сабаб бўлган Жилвон бўйи ўз манзарасини ўзгартирган эди. Жилвон ариғи энди кўз ёшидай жилдираб эмас, ҳақиқатан Жилвон рўднаҳр бўлиб тўлқинлаб оқмоқда эди. Жилвон бўйида энди ҳикоямизнинг бошларида тасвир қилиниб кўрсатилган тошлоқлардан, қумлоқлардан, қизил қум хомаларидан асар қолмаган эди; уларнинг ўрнида қазилган ариқлар, режалаб бўлинган ерлар, қаторлаб экилган пахталар, трактор билан сурилган қитъалар, янги ўтқазилган дархтлардан пайдо бўлган ўрмонлар кўринмоқда эди.

Жилвон рўдини энди қуллар, қароллар, батрақлар, етимлар, ерсизлар йилда бир неча марта тирмалаб қазиб, унга кўз ёшидай сув оқизиб, унинг бўйига мош, тариқ каби экинлар экиб юрмаслар. Тирмалаб қазилган у ариқни қум босиб, кўз ёшидай оқадиган суви ҳам қуриб, экинлари қовирилиб сарғайиб қолганда:

Қуриди қулларнинг моши, тариғи,
 Оқарми, оқмасми Жилвон ариғи?
 Жилдираб оқса ҳам кўзим ёшидек,
 Ювилмас у билан юзим сариғи,—

деб ғамгин-ғамгин куйламаслар. Энди Жилвон ариғи қум босишдан, лойқаланиб қолишдан омонда эди. Янги техникани ишга татбиқ қилиб қазилган Жилвон рўд бошдан оёғигача баланддан-пастга қараб шариллаб оқмоқда. Энди уни қум босиш, лой босиши нари турсин, агар ўз ҳолига қўйилса сувнинг ўзи уни керагидан ортиқроқ ҳам чуқурлатиб юборар эди. Шунинг учун ҳар бир неча чақиримлик масофада янги техникага мувофиқ дарғотлар қурилган, остоналар ясаб ясама шаршаралар вужудга кетирилган. Шундай қилиб оқиш табиий ҳолатда сақланилган. Шу билан барабар ундан шохобчаларга сув олганда рўдни тупроқ билан боғлаб қирғоқларни бузиб юборишдан омонда сақланилган, чунки сув боғлаш ва очиш дарвоза усули билан бажариладиган бўлган эди.

Жилвон устига қурилган бир дарғотдан сув олиб, Тезгузар ва Боғи Афзал қишлоқларига қараб оқадиган шу номдаги ариқлар бўйларига ўтқазилган қатор толлар илгари сассиққаворазор бўлган биёбонга бошқача бир гўзаллик бермоқда эди.

Энди Жилвон бўйидан фойдаланадиган меҳнаткаш деҳқонлар:

Жилвон бўйи — гулбоғчага айланди.,

Ул боғчада — меҳнаткашлар жойланди..

деб ашула айтар эдилар.

* * *

Куз фасли, йиғим-терим вақти эди. Жилвон бўйидан ер олиб унда деҳқончилик қиладиган собиқ қуллар, қароллар, батраклар, етимлар, ерсизлар хотин ва болалари билан бирга йиғим-терим ишига чиққан эдилар.

Кузнинг «хомпаз» аталган қизғин кунда эртадан-оқшомгача ишлаган деҳқонлар кечқурун Тезгузар ариғи бўйига йиғилиб овқат қилгандан кейин ўша ерда чўзилдилар, эрта билан яна ишга киришмоқчи бўлиб, уйларига қайтмадилар.

Янги чиқаётган ойга қараб ётган бир чол бошқаларга:
— Биронта ашула айтсанглар-чи, жуда зерикдик-ку,— деди.

— Айт, айт;— деб ёшлардан бири бошқа бирисини ниқтади.

— Сен айт,— деди у,— сен ҳар вақт ашула айтиб юрасан, мен ашулани не билай.

— Лакалак қиламиз,— деди бошқа бириси.

— Лакалак... лакалак... лакалак...

Бу товуш ҳар томондан эшитилди.

— Хўп, лакалак қилинглар,— деди чол, ашуласи ҳам ичида бўлади.

Ёшлар тўғаракланиб ўтириб «якка қарс» ҳавосида қарсак чала бошладилар. Бир ашула айтишга киришди:

Ҳасанми-е, Ҳусанми-е,

Лакалакда ўйнасамми?

Бу байт қарсак чалаётган кўпчилик томонидан так-рорланди.

Ҳасанми-е, Ҳусанми-е,
Лакалакда ўйнасамми?

— Уйновчиларни турғизинглар!— деди чол чўзилиб
ётган еридан.

— Фотима, тур!— деди ёшлардан бири.

— Менинг бирон жойда ўйнаганимни кўриб эдинг-
ми?— деди қиз бир оз уялгани ҳолда зардаланиб.

— Юзларингизни очиб юрганларингизни ҳам кўрма-
ган эдик,— деди чол,— Шўролар ҳукуматининг шарофа-
ти билан қора пардадан ва уй зиндонидан қутулдинглар.
Энди эркаклар билан бирга дуппа-дуруст ишлаб юриб-
сизлар. Дам олиш вақтида ўртоқлар билан бир оз ўйнаб-
кулиб ўтиришнинг нима зарари бор?

— Аввал Муҳаббат опам туриб бошлаб берсин, бўл-
маса Фотима уялади,— деди бир йигит.

— Дуруст,— деди чол.— Муҳаббат қизил партизан-
нинг хотини, ўзи ҳам бойларга, босмачиларга қарши
курашган. Паранжига ҳужум бўлганда аввал очилиб чиқ-
қан, ўйин-кулгини ҳам у бошлаб бериши керак.

Муҳаббат кўп нозланиб ўтирмади.

— Хайр, майли,— деди у,— сизларнинг хурсандчили-
гингиз шу билан бўлса мен бошлайин.

— Бошлайлик,— деди йигитлардан бири.

— Бошла!

Қарсақ чалиниб ашула айтила бошлади. Муҳаббат
ўйинга тушди. Бир киши:

— Ҳасанми-е, Ҳусанми-е,
Лакалакда ўйнасамми?

Ҳамма жўрлаб:

— Ҳасанми-е, Ҳусанми-е,
Лакалакда ўйнасамми?

Муҳаббат:

— Ҳо лайли, лайли-е,
Ҳар ким ўзининг майли.

Ҳамма жўрлаб:

— Бизни қувонтирмоқдадир,
Йигим-теримнинг сайли.

Муҳаббат:

— Уйнайлик-э, куйлайлик-э,
Жилвон рўдин бўйлайлик.

Ҳамма жўрлаб:

— Жилвон рўдин бўйлайлик-э,
Булбул каби куйлайлик.

Муҳаббат:

— Уйнайлик-э кулайлик-э,
Пахта, гўза терайлик,

Ҳамма жўрлаб:

— Уйнайлик-э кулайлик-э,
Шўроларда яшайлик.

Муҳаббат:

— Шўроларда яшайлик-э,
Бойлар бошин ёрайлик,

Муҳаббат бу кейинги байтини ўқиганда кўпчилик қар-
сак чалиб олқишлади.

Бир киши:

— Бойлар юзу, кўзига-е,
Урчуқ билан урайлик...

Бу киши ҳам «яша, яшасин Ғафур урчуқчи?» деган
овоз билан чапак чалиниб олқишланди.

— Мен,— деди бошқа бир киши,— агар Бобомурод
такламачининг қўлини тутмаган бўлсайдим, у Ғафур-
нинг бошини уриб ёрар эди.

— Хайр, бўлмаса Нормурод акам ҳам яшасин,—де-
ди бориб ўтирган еридан Муҳаббат.

— Яшасин, яшасин... (кулги.)

— Энди Фотиманинг навбати,— деган товуш эши-
тилди ҳар томондан.

— Бўлмаса,— деди Фотима,— Ҳасан билан бирга
биз лапар айтишамиз.

Қаттиқ чапак билан аралашган «дуруст-дуруст» то-
вуши Фотиманинг бу таклифини қувватлади.

Фотима билан унинг ёнида ўтирган ўн беш-ўн олти

яшар бир бола қўл ушлашиб ўринларидан турдилар. Лакалак чапаги бошланди. Ҳўйинчилар тўгарак орасини оёқ ўйини билан бир айлангандан кейин ўрта белда бир-бирларига юзма-юз турдилар.

Фотима бошлади:

— Гулбоғчада гулим бор-э,
Қўлимда булбулим бор.

Ҳасан:

— Бойлар нозин чекмайман-э,
Энди ерим, сувим бор.

Яна бир пайт оёқ ўйини ўйнаб тўгаракни айлангандан кейин, Фотима деди:

— Гулбоғчада гулим бор-э,
Қўлимда булбулим бор,
Ишлаганда ҳормайман-э,
Темир каби қўлим бор,

Ҳасан унга жавоб берди:

— Гулбоғчада гулим бор-э,
Қўлимда булбулим бор,
Гулларингни теришга-э,
Чаққон, чевар. қўлим бор...

— Яша, яша, яшасин Ҳасан Эргаш!— деган товушлар ва унга қўшилган чапақлар ҳали ўн беш ёшини тўлдирмаган Фотиманинг юзини қизил гулдек қизартириб юборган эди. Лекин чолнинг:

— Э... Нима гап? Менинг остимга сув келди-ку,— деб ўрнидан ирғиб туриши ва унга қарши йигитларнинг:

— А... туш кўрдингизми, Собир ота?— деб ундан қиқирлашиб кулишлари диққатни Фотима ва Ҳасан томонидан чолга тортди.

Ешларнинг кулишларидан аччиғи келган чол, оёғи остига келган сувни шапиллатгани ҳолда:

— Туринглар, ҳозир ўзларингизни ҳам сув босади,— деди жиддият билан.

Чолнинг оёқ уриши билан сувнинг шапиллашини эшитган ёшлар ажабланиб ўринларидан туриб қарадилар: қуриб тўкилган ғўза баргларини, даладаги хас-хашақларни суриб келаётган сувнинг боши кўринмаса

ҳам, даланинг нарироғидаги очиқ ерлар кўлдай лапилламоқда эди.

— Бу иш,— деди Нормурод,— тезгузарликларнинг бепарволикларидан юз берган; улар ариқни тўлдириб сув олган, орқасидан хабардор бўлмаган, сув ариқ увотини кўтариб бизнинг экинзорга ўтган, ҳамма жойни сув босган, ҳаммани хароб қилган.

— Тезгузар ариғида-ку бу кеча сув йўқ эди,— деди Самад этикчи ва ариқ бўйига бориб унга қарагандан кейин қўшимча қилди:

— Ҳали ҳам бунда сув йўқ...

— Буни сўнгра текшираамиз,— деди Собир ота хитобланган чол,— ҳозир Нормурод билан Самад уч-тўрт йигит билан бирга кетмонларни олиб бориб сув урган жойни боғласинлар. Бошқалар терилиб тўпланган пахталар билан ўрилиб хирмон қилинган тариқларни сувдан чиқариб бирон қуруқроқ ерга ёйсинлар...

Деҳқонлар орасида шошилич ҳаракат бошланди. Нормурод билан Самад этикчи йигитларни эргаштириб, кетмонларни кўтариб, Тезгузар ариғи бўйлаб сув бошига қараб йўналдилар, бошқалар қопча ва арқонларни олиб хирмонларга югурдилар.

Ариқ бўйлаб кетган йигитлар юқориоққа бориб қарасалар, Тезгузар ариғи икки жойни урган, бутун суви экинзорларга қараб оқмоқда. Бу ҳолни кўрган Нормурод:

— Оҳ, тезгузарликлар,— деди,— очкўзлик қилиб рўднинг сувини бутунлай ўз ариқларига ағдарган, сичқон уяси орқали сув биз томонга ўтган, сув зўрлик қилиб увотни кўтариб кетган, бизнинг уйимиз куйган...

— Ишни бошла,— деди Самад этикчи унинг сўзини кесиб,— тезгузарликлар билан қиладиган жанжалингни эртага қўй! Ҳозир сувни боғлаш керак.

— Яланғоч бўл,— деди Самадга Нормурод,— биз сувга кирамиз, йигитлар ариққа тупроқ-лой ағдара берсинлар...

Нормурод билан Самад яланғоч бўлиб кўтармалардан бирига кириб ёнбошладилар. Бошқалар уларга тираб тупроқ торта бошладилар... Шундай қилиб биринчи кўтарма боғланди. Иккинчи кўтармага ҳам шу тадбирни ишлатдилар. Лекин унда бу тадбир иш бермади. Биринчи кўтарманинг суви ҳам бунга оғиб, кучайиб, боғлаб бўлмаслик даражага етган ва кўтармага

тортилган тупроқлар қайнаётган қозонга сепилган туздай эриб кетмоқда эди. Зўр бериб кетмон чопаетган йигитларда куч қолмай, қўллари титрай бошлади.

— Биз жуда аҳмоқлик қилаётибмиз-да,— деди этикчи ўрнидан туриб,— аввал бориб дарғотни тортишимиз керак эди.

— Шошибмиз-да,— деди кулиб ўрнидан турган Нормурод.

Йигитлар ҳам ишдан тўхтаб нафасларини ростладилар. Ҳаммалари рўд бўйига — дарғот бошига қараб йўналдилар...

— Эҳ, сувни тезгузарликлар ўғирлаганлар,— деди ҳаммадан бурун дарғот бошига чиққан Нормурод.

— Энди уларнинг жинояти икки бўлди,— деди Самад,— бири, сув ўғирлаш, иккинчиси, камбағал деҳқонларнинг ҳосилини сув бостириш.

Ҳақиқатан дарғот тахталарининг кулф банди жойида, дарвоза юқори кўтарилган. Лекин дарвоза остига хода боғлаб, кигиз босиб, Жилвоннинг ҳамма суви Тезгузар ариғига ағдарилган эди.

— Бизга бир кигиз ҳам ганимат тушди,— деди кигизни сувдан тортиб олган йигитлардан бири,— бундан буён Жилвон бўйида қўниб қолсак шу кигиз устида ётамиз.

Кигиз тортилиб олинган ҳамон бутун сув Жилвоннинг қуйисига қараб оқди. Тезгузар ариғида бир томчи ҳам сув қолмади...

Кўтарма бошига қайтиб келган йигитлар унга ярим соатда тупроқ босиб, оёқлари билан шиббалаб, сув бузолмайдиган қилиб қўйдилар.

Сувчилар қайтиб келганда ҳосилни сувдан чиқариш учун борган кишилар ҳам ишларини битказиб кетган эдилар.

— Қани, терилган пахталарни бутун қутқаздингларми?— деб сўради Самад улардан.

— Ярим-ёрти қутқаздик-да,— деди Муҳаббат,— титлиб кетмаганларини тўплаб олдик, аммо сувга ёйилиб кетганлари эртага қолди...

* * *

Ишдан чарчаб қайтган деҳқонлар ҳатто гапиришга ҳам ҳафсалалари бўлмай ариқ бўйидаги баланд увот-

га чўзилдилар, ҳали кўзларини юмгунча йўқ эдиларки, узоқдан ариқни бўйлаб келаётган бир отлиқ кўринди.

— Келди, тезгузарликлардан бири,— деди ўрнидан туриб ўтирган ҳолда Нормурод.

— Сув ёқалаш учун келгандир,— деди эринибгина Самад ўрнидан қимирламасдан.

— Келсин-чи,— деди Нормурод,— онасини кўрсатарман. Булар бизнинг шунча ҳосилимизни, экинимизни нобуд қилдилар. Кундуз ишлаб чарчаганимиз озлик қилган экан-да, буларнинг касофатидан кечаси ҳам дам олмасдан сув ичида юриб ишлашга мажбур бўлдик.

Отлиқ яқинлашди. Нормурод ҳам уришишга тайёр бўлиб турди. Отлиқ келиб тушиб, отини бир бутага боғлаб:

— Ҳа, ўртоқлар, ҳорманглар, ишлар қандай бораётир?— дейиши билан Нормуроднинг уриш учун тикандай бўлиб сикланган туклари сусайди, у юмшади, келувчи сувчи эмас, Сафарқул эди.

— Емон эмас,— деди Нормурод унга жавобан,— лекин тезгузарликлар сув ўғирлаган эканлар, экинимизни сув бостирдилар. ҳосил ҳам нобуд бўлди, ишмизнинг ҳам бели синди...

Сафарқулнинг товушини эшитиш билан хотин-қизлар қаторида бир чеккада ётган Муҳаббат ирғиб туриб бориб унга ёпишди:

— Қани, хотиржамликми, Сафарқул жоним? Бундай вақтсиз келишингиз сабабсиз бўлмаса керак?— деди.

— Сени соғиниб келдим,— деди Сафарқул, увот устига ўтириб.

— Тўғриси айтинг,— деди Муҳаббат,— юрагим ёрилаёзди. Бу келишингизнинг албатта бир сабаби бор.

— Юрак ёриладиган эмас, қувонадиган сабаби бор— ер ислоҳоти учун комиссия келди...

Бу сўзни эшитиш билан уйқулар қочди, тезгузарликлар масаласи ҳам унутилди.

Ҳамма ўрнидан туриб:

— Комиссия қачон келди?

— Қачон иш бошлайди?

— Бобомурод такламачининг ерини кимларга бўлиб бераркин?

— Шербек гуручфурушнинг ерини ҳам кесар?..

Сафарқул жавоб беришга улгуролмай устма-уст ёғилган сўроқлар остида гангиб қолган эди.

Ҳамма «қаттиқ ухлаган» деб ўйлаган чол ҳам ўрнидан турди ва Сафарқулга яқинлашиб:

— Бобомурод такламачининг ерларидан ҳовлимнинг орқасидаги икки танобни менга берсанглар бўлади,— деди,— бундан йигирма йил бурун ўша ерни қозининг ноибига пора бериб талбис васиқа ясаб қўлимдан олиб эди. Мен ҳам қариллик чоғимда уйимдан узоқ бўлган Жилвон бўйида овора бўлиб юришдан қутулай.

— Хўп, кўнглингиз истаганча бўлади,— деб сўроқлардан ёлғиз чолникига жавоб бера олган эди Сафарқул.

Ҳамма Сафарқулнинг теварагига тўпланди.

— Комиссия келган бўлса нега сиз улар билан ишламасдан бу ёққа келдингиз?— сўради Муҳаббат Сафарқулдан.

— Комиссия кечқурун келди,— жавоб бера бошлади Сафарқул,— ярим кечагача камбағал, батрак ва қизил партизанларни йиғиб мажлис қилдик. Комиссия билан бирга ишлаш учун бир неча кишини сайладилар. Хотин-қизлардан сени сайладилар. Эрта билан иш бошланади. Ишга ўз вақтида етиб борайлик деб кеч бўлган бўлса ҳам сени олиб қайтишга келдим.

Муҳаббат кийина бошлади. Йигитлардан бири Сафарқулга қараб:

— Собир отага-ку,— деди,— Бобомурод такламачи еридан ваъда бердингиз, биз нима қиламиз; биз яна аввалгидай очиқ чўлда, Жилвон бўйида ётиб, деҳқончилик қилиб ҳафта, ўн кунда бир марта қишлоққа бориб келиб юрамизми, ё бизларга ҳам ўз ҳовлимизга яқинроқ жойдаги бойлар еридан кесиб берасизларми?

— Биз,— деди Сафарқул,— эрта тонгдан иш бошлаб пешингача ишлаймиз; асосий касби деҳқончилик бўлмай, кўп ерни қўлга киргизган савдогарларни, судхўрларни, ерлари нормадан ортиқ бўлган бой деҳқонларни ерсиз, батрак, камбағал, оз ерли деҳқонларни рўйхат қиламиз, пешиндан кейин камбағалларнинг умумий мажлисини чақирамиз. У вақтгача сиз ҳам етиб боришингиз керак. Сўнгра кўпчиликнинг қарори билан амалий ишга киришамиз. Ерларни бўлиб бера бошлаймиз. Албатта умри етимлик, мардикорлик, батраклик билан ўтган кишилар қуруқ қолмайдилар.

— Тезгузарликларнинг ишини нима қиламиз?— деб сўради Сафарқулдан Нормурод.

— Тезгузарликларнинг қандай ишини?

— Ҳай, ҳай, ҳай. Ҳали сиз Муҳаббат опа билан эвора бўлиб менинг бояги гапларимни тушунмаган экансиз-да. Тезгузарликлар бу кеча дарғотга кигиз босиб сув ўғирлаганлар, лекин сувнинг орқасини ёқаламаганлар. Ариқнинг увотини сув кўтарган, териб қўйган пахталаримиз, ўриб қўйилган тариқларимиз, ердаги экинларимизни бутун сув босган.

— Бу иш устидан акт тузиб судга бериш керак,— деди Сафарқул.

— Бобомурод такламачи бизни «бадраг, қуллар» деб сўкканида ҳам Суярқулнинг маслаҳати билан уни судга берган эдик. Аммо суд бирон иш қилмади, «бугун, эрта» деб ишни чўзиб, охир бости-бости қилиб юборди.

— У вақтда,— деди Сафарқул,— район судининг аппаратига суқилиб кириб олган баъзи жадидлар бор эди. Улар бойнинг қўзи ва қазилари билан томоғи ёғлашиб ишни ёпиб юборган эди. Ҳозир ер ислоҳоти муносабати билан район суди тозаланган.

Сафарқул папиросдонидан папирос олиб чека бошлаб сўзини давом эттирди:

— Лекин,— деди у,— бу ишни тезгузарликлар қилган бўлмасалар керак, чунки улар сув ўғирлаб ичмаслар, ўғирлаганда ҳам парвосизлик қилиб сувни қочириб юбормас эдилар. Бу ишни, менинг фаҳмимча, хоҳ тезгузарликлардан бўлсин, хоҳ бошқа қишлоқдан, бирон ё бир неча синфий душман қилган, билмасдан эмас, қасдан қилган.

Сафарқул иккинчи гугуртни чақиб, ўчган папиросини ёндирганда гугурт олови ёруғида унинг олдида бир пой этикни кўрган Самад:

— Сафарқул ака! Бизга этик келтирдингизми?— деб сўради.

— Ҳа,— деди Сафарқул ва изоҳ берди,— йўлда от бир қорани кўриб ҳуркди. У нима экан деб қарасам, бир пой этик экан. Тушиб олдим. Бирон ўтинкаш ўтинига қистириб бораётган бўлса, тушиб қолгандир. Шунда турсин, эрта эгаси излаб келса берарсизлар,— деб этикни нарироқ суриб қўйди Сафарқул.

Самад қўл узатиб этикни олиб у ёқ-бу ёғига қараб:

— Бечора, ўтинкаш,— деди,— сувга ботган экан,

этик ҳўл бўлгандан кейин ечиб ўтинига қистирган. Эрта уйинга бориб қараса, кўрадики, бир пой этиги йўқ. Агар эгаси чиқмаса менга қолсин. Тузукми, Сафарқул ака?

— Майли.— деди Сафарқул,— бир пой этикни нима қиласан?

— Бобомурод такламачи билан уришганимда қолипга тортилган бир пой этикни мени урмоқчи бўлиб мен томонга отган эди. У гаёқ еб қочгандан кейин ўша бир пой этик менда қолди, у ҳам сўрамади, мен ҳам бермадим. Агар шу бир пой этикнинг эгаси чиқмаса ўша билан жуфт қилиб кия бераман.

— Дуруст,— деди Сафарқул.

— Энди бу этик,— деди Самад,— ўзимники бўлишга яқинлашди. Қани, гугуртингизни бу ёққа беринг, чақиб қарай-чи, кийинга ярайдими?

Сафарқул гугурт қутини узатди. Самад гугурт чақиб этикнинг у ёқ-бу ёғига қаради.

— Тузуккина кўринади-ку.— деди,— ўзи ҳам ўзимнинг қўлимдан чиққанга ўхшайди. Қани, Юсуф, сен гугурт чақ, мен дурустроқ қарай, этикни кимга тикиб берганим эсимга келар.

Юсуф гугурт чақди. Самад дуруст қаради ва бирдан:

— Вой... ўша этикнинг жуфти-ку,— деди,— мен этикларни: «Олинг бу матонгизни» деб бой томонига отганимда у қолипга тортилган этик билан мени урмоқчи бўлиб уни менга отган ва чала тикилгани ўз дарвозасининг остонаси олдида қолган эди. Маълум бўладики, биз тарқалиб кетгандан кейин бой буни топиб олган, чаласини бошқа кишига тиктириб бировга сотган.

— Эҳтимол,— деган ҳолда Сафарқул ўйлаб кетди.

— Сир очилди,— деб ўрнидан туриб Сафарқулга яқинлашган чол ҳамманинг диққатини ўз томонига тортганидек, Сафарқулни ҳам ўзини тинглашга тайёрлади.

— Менга қара, Сафарқул,— деб чол ўз сўзини давом эттирди,— энди мен сенинг гапларингга ишона бошладим. Бурун сен ҳар бир ишда «бунда синфий душманнинг қўли бор» деганингда мен ўз кўнглимда «бу энди Сафарқулда бир касал бўлиб қолган, у ҳар бир ишда бойлардан бадгумон бўлиб юради» деб ўйлар эдим. Боя сен «бу ишни синфий душман қилган» деганингда ҳам, мен «яна Сафарқулнинг эски касали қўзиди» деб ўз кўнглимда сендан кулган эдим. Лекин мен ҳозир

аниқ билдимки, бу ишни Бобомурод гакламачи қилган. Чунки мен ўша чала тикилган этикни унга келишмаган бошқа бир пой этик билан унинг оёғида неча марта кўрган эдим. Агар топилган этик Самад чала тикиб ташлаган ўша этик бўлса, албатта, Бобомуроддан тушиб қолган, бу ишни ҳам ўша қизиғар қилган бўлиб чиқади.

— Бу этик, ўша этик, энди ўзимники бўлди,— деди қувонгани ҳолда Самад этикчи.

— Бу этик ўша этик бўлсин, бу энди сеники ҳам бўлсин, аммо бу ишни у қилганлиги қайдан маълум?— деди Нормурод.

— Бу ёғи энди маълум,— деди Сафарқул,— Жилвон бўйи очилиб ҳамма такламадўзлар ва камбағаллар ерлик, сувлик бўлиб, унинг ишини ҳеч ким қилмаганда у чидай олмаган ва бу ишни қилиб ҳамма нарсани сувга бостирган.

— Этикнинг ҳўллиги ва сувга ботганлиги ҳам,— деди чол,— бу ишни Бобомурод қилганини кўрсатади: у Жилвон сувини бизнинг экинзорга ағдаргандан кейин ҳўл бўлган этикни ечиб қўлига олган, олдидан отлиқ (Сафарқул) чиқиб қолганида ҳадиксираб қочиб мана шу бир пой этикни қўлидан тушириб қолдирган.

— У, падар лаънат-эйий,— деди Нормурод бир қўлини ҳавога кўтариб силкита-силкита,— душман бу ерда экану, мен ким-кимлардан бадгумон бўлиб юрибман. У падар лаънат бизнинг экинимиз бошига сув қуйган бўлса, биз унинг бошига ўт ёқамиз.

— Аввал ерларини бутун деҳқончилик асбоблари ва қўш ҳўкизлари билан бирга қўлидан оламиз,— деган Сафарқул, қишлоққа қайтиш учун ҳозирлана бошлади...

III

Бобомурод такламачининг меҳмонхонаси тўрида қишлоқ имоми кўнқайиб ўтирган эди. Унинг олдида дастурхон ёйилган бўлиб бир томонида бойнинг ўзи, иккинчи томонида бойнинг икки еtimi — Шодим ва Истадлар ўтирган бўлиб, биринчи марта бой ва имом билан бир товоқдан палов емоқди эдилар. Дастурхоннинг энг қуйнисида, ҳатто етимлардан ҳам қуйроқда бойнинг катта ўғли Шомурод ўтирар эди.

Қоринлар тўйиб фотиҳа ўқилгандан кейин, дастурхон, товоқни олиб чиққан Шомурод тоза дамланган чой-

ни киргизиб яна етимлардан пастроқда ўтирди. Етимлар уялганлари ҳолда ўринларидан туриб:

— Бойвачча, сиз юқорига ўтинг,— деб Шомуродни қанча қистасалар ҳам у ўтмади.

— Сизларнинг ёшларингиз мендан катта, сизлар менинг акам ўрнида, сизлардан юқори ўтиб ўтиришим айб бўлади,— деди.

Имом сўзга қўшилиб, етимларга қараб:

— «Меҳмон — отангдан улуғ» деганлар,— деди,— сизлар бойнинг еtimi ва хизматчиси бўлсанглар ҳам, у ўз жойида, ҳозир сизлар меҳмон. Бойвачча сизларни иззат қилиши лозим.

Шомурод чойнинг биринчи пиёласини имомга узатган бўлса, иккинчисини етимларнинг юқорида ўтиргани бўлган Шодимга узатди.

Шодим қизариб-бўзариб Шомурод қўлидаги пиёлани олгани ҳолда уни ҳозир пиёлани бўшатиб берган имомга, у рад қилгандан кейин бойга, у ҳам рад қилгандан кейин ўзининг ёнида ўтирган Истадга, у ҳам рад қилгандан кейин чой қуяётган Шомуродга узатди. Имом яна ишга аралашди:

— Уялмасдан ича бер, Шодим ука!— деди,— бой, бундан бурун сизларга билмасдан гоҳо қаттиқроқ муомала қилган бўлсалар, энди етимларга қандай муомала қилиш лозим бўлганини тушунганлар. Етим деган «бойнинг давлат шериги» бўлади. Бой билан сизнинг орангизда ҳеч фарқ йўқ. Бой сизларнинг уйингизга кириб борсалар сизлар у кишини қандай иззат қилишларингиз лозим бўлса, сизлар бойнинг меҳмонхоналарига кириб ўтирганларингизда, бу киши ҳам сизларни ўшанча хурмат қилишлари лозим.

— Бизнинг уйимиз йўқ,— деди уялибгина Истад.

— Бундан бурун уйларингиз бўлмаган экан, бундан буён уйлик, жойлик, ҳатто ерлик, сувлик ҳам бўласизлар. Агар бой ўз ерларидан ўз ихтиёрлари билан ҳар қайсингизга тўрт таноб, беш таноб ер ажратиб берсалар, сизлар у ерларни бойнинг ўз қўш хўкизлари билан посара тартибида экиб кўтарсанглар, бойнинг давлатлари кам бўладими?

— Ҳатто,— деди бой,— қишлоққа яқин бўлган ерларимдан бир танобини иккига бўлиб, баланд қўрғон солиб, буларнинг иккаласи учун икки дангиллама ҳовли ҳам қуриб бермоқчиман.

— Баракалла, ҳимматингизга,— деди имом бойга ва етимларга қараб сўзини давом эттирди:

— Лекин бой сизларнинг ҳақларингизга шунча неқлик қилмоқчи бўлганда, сизлар ҳам ўтмишда бойдан еган нон-тузларингизни, ҳозир йиғиштирилиб олинган дастурхон ҳурматини риоя қилиб, баъзи бир кўрнамак етимлар, диндан чиққан оёқяланглардай кофирларга таяниб бойнинг ер-сувидан зўр билан олмоқчи бўлмаглар ва бойнинг сирини комиссия олдида оча кўрманглар.

Имом жим бўлиб олдидаги чойни олиб ича бошлади, етимлар имомга «ҳа» ё «йўқ» демасдан, шубҳали тарзда, ерга қараб жим ўтирмоқда эдилар...

Бу жимликни бой бузиб сўзга киришди ва имомга қараб:

— Тақсир!— деди,— қишлоққа яқин бўлган мана у Нормуроддан олганим тўрт таноб ер билан Собир ота ҳовлисининг орқасидаги икки таноб еримни Шодимнинг отига шу мажлиздаёқ хат қилиб беринг. Ўз ҳовлимнинг орқасида бўлган олти таноб энг яхши еримни Истаднинг номига хат қилинг.

— Тузукми?— деди имом, етимларга қараб.

— Майли,— деди Шодим имомга ва Истад ҳам бош ишораси билан тасдиқ жавобини берди.

— Гап бундай бўпти,— деди имом қувонгани ҳолда ва илова қилди:

— Шариатга, худо, пайғамбарнинг айтганларига қарши келиб, бировнинг мол-мулкани босиб олиш қаерда-ю, бировнинг ўз розилиги билан бағишланган олти таноб ерига бирдан эга бўлиш қаерда.

— Ҳолбуки,— деди бой,— агар сизлар кофир бўлиб диндан чиқиб кетган бошқа оёқялангларга қўшилиб кетсанглар, ҳар бировинга икки таноб ҳам ер тегмайди.

— Дуруст,— деди имом, бойнинг сўзини таъкидлаб ва ҳикоя бошлади:

— Бир вақт,— деди у,— Бухоро амири — амир Шоҳмурод аркдан тушиб ўз аркони давлатлари билан бирга Лабиховузи Девонбегига қараб бораётганда Тўқимдўзлик ҳаммомининг рўбарўсига келганда ҳаммом гўлахи ичидан:

— Амир! Тўхта! Менинг сенга даъвом бор!— деган товуш эштилган.

Амир қизиқсиниб отини йўлдан буриб гўлах олдига келиб қараса, бутун тан-бадани яланғоч бўлиб, белига-

ча кулда кўмилиб ётган бир киши уни чақирмоқда экан.

— Сенинг менга қандай даъвои бор?— деб сўраган ундан амир.

— Мерос даъвоси!— жавоб берган гўлахи.

— Кел бўлмаса, даъвои айт, эшитай.

— Ўрнимдан турсам уятли жойларим очилади, сўнг-ра сенинг раисинг «авратингни очиб хилофи шаръ ишладинг» деб мени бир кам қирқ дарра уради. Шунинг учун агар тингламоқчи бўлсанг, даъвои ётган еримдан айта қолай.

— Айта қол!— деган амир.

— Мен сенинг бир туққан уканг бўламан, отамиздан қолган меросни бўлиб, менинг ҳаққимни бер!

— Бу даъвои қандай далил билан исбот қилсан?

— Мен ҳам, сен ҳам Одам Атонинг болалари эмасмизми!.. У ҳолда нега сен шунча давлат, ҳашамат эгаси-ю, нега мен оч, яланғоч гўлахда, кул орасида ётаман? Дарров меросни бўлиб бер!

— Жуда яхши,— деган амир, қўлини чўнтакка тиққани ҳолда,— мен ҳалигача бу воқеадан хабарсиз эдим. Сенинг ҳаққингга жабр бўлган экан,— ва чўнтагидан икки қора пул чиқариб у киши томонига қаратиб отган! Ярим тийинга баравар келадиган икки қора пулни кўрган у киши норозилик қилган.

— Шунча давлат, ҳашаматдан менинг ҳаққим шу бўладими?— деган,— инсоф қил, ҳеч бўлмаса тўртдан бирини бер менга.

— Ҳали бу ҳам кўп,— деган амир унга,— шу икки қора пулни ол, жим бўл, бошқалар эшитмасинлар. Агар Бухородаги бутун оёқяланглар сенинг бу даъвои исбот қилганингни эшита қолсалар, улар ҳам даъвогар бўлиб келадилар, уларга ҳам бир нарса-бир нарса беришга тўғри келади: у ҳолда сенга бир қора пул ҳам тегмайди...

Имом ўз ҳикоясини тугатиб илова қилди:

— Шунга ўхшаш, агар бойнинг ерларини қишлоқдаги бутун камбағал, етим, ерсиз қуллар, қаролларга бўлиб беришга тўғри келса, албатта, сизларга икки танобдан ҳам тегмайди. Ҳолбуки олти таноб ҳалол йўл билан қўлга кирган ер, юз таноб талаб олинган ердан беҳроқ...

Имом қоғоз-қаламни тўғрилаб хат ёзишга киришганда, бойнинг дарвозасидан бир милиционер кириб:

— Бой ака, дарров боринг, сизни ер ислоҳоти комиссияси чақиради,— деди.

Кути учиб, томоғи қуриган бой Шодим ва Истадга қараб:

— Сизлар ҳам орқамдан етиб боринглар, керак бўлса, сизларни ўзим учун гувоҳ қилиб кўрсатаман,— деди.

Бой кийиниб кетарга ҳозирлана бошлади. Имом ошгич суратда хат ёзмоққа киришди...

* * *

Қишлоқ шўросининг ҳовлиси халқ билан тўлган эди. Бир томонда камбағаллар, ерсизлар, оз ерлилар қувониб бир-бирлари билан чақчақлашиб турган бўлсалар, иккинчи томонда бойлар, катта ер эгалари қутлари учган ҳолда девор остига суяниб ўтириб, кўзларидан ғазаб оловлари сочиб, бир-бирлари билан пичирлашмоқда эдилар.

Қишлоқ шўросининг бир хонасида ерлашган «камбағаллар уюшма»сининг кабинетида ер ислоҳоти комиссияси ўтириб бойлар ва кўп ерлиларнинг ерларини рўйхат қилмоқда эди. Коммисия ҳар бир кишининг ери ва деҳқончилик асбобини рўйхат қилганда аввал бошлаб унинг ўзидан гап сўрар, холис гувоҳларнинг ҳам сўзларини эшитгандан кейин у одамнинг ери ва деҳқончилик асбобини аниқланган миқдорда рўйхатга олар эди...

Навбат Бобомурод такламачига келганда у комиссия олдига киргизилди. Коммиссия раиси ундан сўради:

— Отингиз нима?

— Бобомурод.

— Отангизнинг оти?

— Мирзамурод.

— Касбингиз?

— Деҳқончилик.

— Бошқа касбингиз борми?

— Йўқ.

— Елғон!— деди бурчакда ўтирган Самад,— такламажаллоблик қилади.

— Нима дейсиз бунга?— сўради комиссия раиси.

— Гоҳо қиш вақтларда битта-яримта эски этик олиб тикиб сотаман ва шу билан нафақаи аҳлу аёл қиламан.

— Ёлғон!— деди Самад яна,— йигирматадан кўпроқ дўзандаси бор эди. Уларга ҳар бир этик учун бир сўм сийми кор бергани ҳолда ўзи ҳар бир этикдан ўн-ўн беш сўм фойда қилар эди. Ҳар бир этикдан йигирма сўмгача ҳам фойда қилган вақтлари бор.

Ҳар томондан:

— Тўғри, тўғри...— деган товуш чиқиб Самаднинг сўзини тасдиқлади.

— Мен ёлғон айтмайман,— деди Самад.— Жилвон бўйи очилиб, ерсиз дўзандалар у ердан ер олиб деҳқончиликка киришгандан кейин, бой акамнинг фойдалари бир оз камайди.

— Хўп,— деди комиссия раиси,— қанча ерингиз бор?

— Қирқ таноб.

— Ёлғон!— деди Нормурод,— саксон танобдан кўпроқ ери бор. чиқиб ўлчаб кўрсанглар маълум бўлади.

— Сендан ҳеч ким гап сўрагани йўқ, ўзи келди қул,— деди Нормуродга бой.

— Мен сизни огоҳлантириб ўтаманки,— деди комиссия раиси бойга,— сиз бу гапингиз учун суд жавобгарлигига қоласиз. Шўро ҳукуматида халқ икки асосий белги остида ажралади: «Одам ёллаб ишлатувчи», «ёлланиб ишловчи».

— Нега ёлғон айтасан, Бобомурод?— деди Собир ота,— бир товуқни сўймоқчи бўлсалар «ҳаром нарса емасин» деб бир кун боғлаб қўядилар. Сенинг ҳам бугун сўйиладиган, яъни ер-сувинг қўлингдан олинадиган кунинг. Шу кунгача айтган ёлғонларинг, қилган талбисларинг, еган ҳаром-ҳаришларинг бас. Энди ўлаётган чоғингда, яъни халқдан босиб олган ерларингни ўзига қайтариб бераётган чоғингда кўп ёлғон гапирма. Шўро ҳукумати ёвонда очик турган ерларингнигина эмас, ер остида ўрмалаб юрган жониворларни ҳам билади.

— Тўғри, тўғри. Бобомуроднинг ери саксон танобдан ҳам ошиқ...

Ҳар томондан чиққан бу товуш бойнинг сўзини кесди.

— Собир ота ҳам қулми? Бу говурлашган камбағаллар ҳам қулми?— деди Сафарқул, бойга.

— Еримнинг қанчалигини,— деди бой,— эшигимда ишлаб юрган етимларимдан сўранг. Бу аффойи одамлар менинг еримни нима билсин?

— Узингиз иқроор қилдингиз,— деди комиссия раиси,— одам ёллаб ҳам ишлатар экансиз-да.

— Мен,— деди бой,— Шўро ҳукумати қонунининг чегарасидан чиқмадим. Пахта экинни учун битта-иккита одам ёллаб ишлатишга Шўро ҳукумати рухсат берган.

— Сиз пахтакорми?— деди Собир ота, бойга қараб.

— Йигирма таноб пахта учун ҳукумат билан шартнома бор,— деди.

— Тўғри,— деди Собир ота,— йигирма таноб ерга пахта эсмоқчи бўлиб ҳукумат билан шартнома боғладингиз, уруғлик ва бўнакларни ҳам олдингиз. Лекин уруғлик учун олинган чигит жувозга кириб мой ва кунжара бўлди. Пул бўлса этик жаллоблик дастмоесига қўшилди. Ерни чала-чулпа бир суриб тўрт таноб пахта эккан бўлсангиз-да, на уни чоптирдингиз ва на суғордингиз.

— Хўп,— деди комиссия раиси,— масала англашилди. Шундай бўлса-да, сизнинг гувоҳларингиздан ҳам сўрайлик. Етимларингизнинг отлари нима?

— Бири Шодим, иккинчиси Истад.

— Шодим билан Истад ким? Олдин келсинлар.

— Биз,— деб икки киши олдин ўтди.

— Сизлар Бобомурод бойнинг етимларими?

— Ҳа!

— Неча йилдан бери бу кишининг эшигида ишлайсизлар?

— Беш йилдан бери.

— Бойингизнинг ери қанча?

— Ўттиз таноб бордир,— деди Шодим.

— Сен нима дейсан?— сўради комиссия раиси Истаддан.

— Шунча бўлса керак.

— Бой!— деди комиссия раиси,— сиз қирқ таноб деб эдингиз, булар ўттиз таноб дейдилар-ку?

— Бой ўргатган гапни булар унутган,— деди Самад.

— Булар,— деди бой,— ўттиз таноб тахмин қилган, ўзимнинг тахминимга кўра, қирқ таноб чиқса керак. Тахминда бир таноб-икки таноб сав бўлади-да.

— Хўп, сиз чиқинг,— деди бойга комиссия раиси.

Бой чиқди ва комиссия раиси Шодим билан Истадни қайта бошдан сўради. Улар ҳалиги жавобларини таъкидлаб, бойнинг ерини ўттиз таноб кўрсатдилар.

— Сотилганлар,— деди Самад.

— Уларни ундай дейиш дуруст эмас,— деди Сафарқул,— булар алданганлар. Буларни бой алдаган, буларга ўз синфий манфаатларини тушунтириш, янглиш йўлдан чиқариш керак.

— Бойнинг ерларини,— деди комиссия раиси,— аввал сизларга бўлиб берамиз, қолганини ўзингиздай камбағал ва етимларга берамиз, нега бойнинг иғвосига тушиб ёлғон гапирасизлар?

— Бизга кишининг моли керак эмас,— деди Шодим,— биз худодан қўрқамиз.

— Сизларга нима бўлди,— деди камбағаллар уюшмасининг раиси Эргаш,— сизлар-ку ўтган кун олдимга келиб бойнинг ерларидан яхшироқ жойни бизга бўлиб беринг, деб сўраган эдингизлар. Бугун худодан қўрқадиган бўлиб қолдингизлар?

— У вақт,— деди Шодим,— бизни шайтон йўлдан чиқарган эди. Энди тавфиққа келдик.

— Хўп,— деди комиссия раиси,— сизлар чиқинг, сизлар худодан қўрқсангиз, худодан қўрқмай бойнинг ерини оладиган камбағаллар кўп.

— Мен худодан қўрқадиган бўлсам ҳам,— деди Собир ота,— ҳовлимнинг орқасидаги икки таноб ерни оламан. Чунки у ерларни бой мендан талбис хати билан олган эди...

Бобомурод такламачи масаласи тугади. Комиссия бошқа бойларнинг иши устига ўтди...

IV

Комиссия ўз ишини тугатди. Бойлар, катта ер эгаларининг ерларини деҳқончилик асбоблари билан бирга қуллар, қароллар, етимлар, камбағаллар, чорикорларга бўлиб берди. Деҳқончиликдан бўлак иши бўлмай, лекин ери нормадан ортиқ бўлган кишиларнинг ерларини бўлса ортиқчасини кесиб, ерсизларга берди. Оз ерли деҳқонлар ҳам бу тақсимотдан қуруқ қолмадилар; кўп ерлиларнинг нормадан ортиқ ерлари кесилганидек, оз ерлиларга ҳам ерлари нормага мувофиқ даражага етгунча қўшимча ер берилди.

Комиссиянинг иши тугаган кунда, унинг энг охири мажлисида камбағаллар уюшмасининг бошлиғи Қулбобо ўғли Эргаш бўлиб ўтган ишлардан доклад қилди

ва келажакда қандай иш олиб бориш, ер-сув эгаси бўлган камбағалларга қандай ёрдам бериш, ғазабланган бойларнинг эҳтимол бўлган ҳужумларидан камбағалларни қўриқлаш йўлида қандай чоралар кўриш кераклиги тўғрисида ўз фикрини айтди. Жумладан, Бобомурод такламачи устида тўхтаб, деди:

— У бир умрини жаллоблик, қаллоблик билан ўтказган одам. Бунинг устига камбағаллар, ерсиз, ё оз ерли этикдўзлар Жилвон бўйидан ер олиб унинг ишини ташлаганда уларнинг Жилвон бўйидаги экинларини сув бостириб қанча ҳосилларни нобуд қилган. Унинг бу жинояти йўлда тушириб қолдирган бир этиги ва Жилвон дарғотига босиб қолдирган бир кигизи билан собит бўлган. Жилвон бўйини сув бостирган кечада йўлдан топилган этикнинг уники эканлигини Собир ота билан Самад этикчи таниганларидек, дарғотга босилган кигизнинг ҳам уники эканлигини Юсуф таниган. Чунки бу кигиз аввал Юсуфники бўлиб, ўтган йил уни икки қадоқ зигир мойга бойга сотган экан. Бобомурод такламачининг энг охирги жинояти шуки, ер ислоҳоти масаласи чиққач бир жуфт ҳўкизини сотган, бир жуфтини сўйиб нобуд қилган. Ерлари деҳқончилик асбоблари билан қўлдан олиниши муқаррар бўлганини эшитиб қолганда бир жуфт ҳўкизини ҳам Шодим ва Истадлар билан Гиждувон томонига қочириб юборганида у ҳўкизлар йўлда қўлга тушган. Бунинг устига омоқ, дандонамола ва бўйинтуруқ каби деҳқончилик асбобларини куйдириб нобуд қилган, поза-тишларини синдирган ва бошқалар. Бундай одамдан келажакда ҳам, камбағаллар ҳақида яна ҳам каттароқ жиноят воқе бўлиши ажаб эмас. Шунинг учун мен таклиф қилар эдимки, эҳтиётий чора тартибида бугундан эътиборан Бобомурод такламачи қўлга олиниб, ишлари прокурорга топширилса эди.

Яна бир неча киши Эргашнинг сўзини қувватлаб гапиргандан кейин Бобомурод такламачини қўлга олишга қарор қилиниб ижросига киришилди...

* * *

Қоронғи кеча эди. Бобомурод такламачининг ҳовлиси олдида бир неча милиционерлар билан бирга турган камбағаллардан бири дарвозани тақиллатди. Аммо ичкаридан ҳеч бир жавоб бўлмади.

— Девордан ошиб кирамиз,— деди Сафарқул,— бўл-маса қочади.

— Дуруст,— деди бошқа бир камбағал,— нарвон топиш керак.

— Нарвон керакмас,— деди Сафарқул,— бир киши пуштак турса, унинг устига битта-битта чиқиб ўзимизни томга оламиз ва ҳовли юзига тушамиз.

— Бу бизнинг эски ҳунаримиз,— деб Сафарқулнинг таклифини қувватлади Муҳаббат.

— Э, сизлар ўғрилик ҳам қилганмисизлар?— деди Муҳаббатга бир камбағал.

— Биз ўғрилик қилганимиз йўқ, лекин ўғри бойлар ва босмачилар устига шундай йўл билан кирганмиз,— деб Сафарқул жавоб берди Муҳаббат томонидан.

Бир киши пуштак турди, ҳаммалари бир-бир томга чиқиб ҳовли юзига тушдилар. Бойнинг ташқари ҳовлисида ҳеч бир жонзот йўқ эди, меҳмонхоналар қулф, сайсхона ва молхона бўш, етимхона кимсасиз, эшиги очиқ эди.

— Шодим билан Истад ҳам йўқ-ку,— деди меҳмонхонага қараган бир камбағал.

— Бойнинг иғвосига алданган бечоралар икки жаҳон овораси бўлди,— деди Сафарқул,— бойнинг ер-суви қўлидан олинганидан кейин улар учун бойнинг эшигида ниш қолмади. Ҳўкиз билан қўлга тушганларидан кейин биздан ҳам бутун ажралдилар.

— Бойга сотилган «бечоралар» бутун унинг лойқасига ботиб шўнғиб кетдилар,— деди Самад...

Камбағаллар, ташқари ҳовлидан бирон киши топилмагач, Фуломгардга¹ бориб ичкари ҳовлига кириладиган ўрта эшикни тақиллатдилар.

Кўп кутишга тўғри келмади, бир кишининг оёқ саси эшитилиб:

— Ҳа, дарров қайтдингизларми, отаси?— деган хотин овози чиқди.

— Отаси эмас, биз,— деди Сафарқул,— биз отасини ахтариб келдик. Бой ака қаерда?

— Билмайман,— деди хотин.

¹ Фуломгард — ичкари ва ташқари ҳовлилар орасидаги муюлиш. Қул сақлаш замонларида бойларнинг қуллари ўша ергача бориб ундан у ёққа ўтолмас эдилар, шунинг учун у ер «фуломгард», яъни «қул қайтиш жойи» деб аталган.

— Ҳозир «дарров қайтдингизми?» дедингиз-ку,— деди Сафарқул,— қайдаликларини билмасангиз, нечук «дарров қайтдингизми» деб сўрайсиз?

— Икки кун бўлди: «Ғиждувонга бораман, эҳтимол, бирон ҳафта қолсам» деб кетиб эдилар. Сизларни у киши гумон қилганим учун «дарров қайтдингизми?» деб тааж-жубландим.

— Катта ўғиллари қаерда?

— У ҳам отаси билан кетган.

— Хўп,— деди Сафарқул,— бўлмаса, рухсат беринг, Муҳаббат кириб ичкари ҳовлини кўздан кечирсин. Ичкари ҳовлига эркаклар кириб сизни хафа қилмасинлар, деб Муҳаббатни бирга олиб келган эдим.

— Майли, кирсин, кўрсин,— деди хотин...

Ичкари ҳовлида ўн беш минутча юриб ҳамма жойни кўздан кечирган Муҳаббат бойдан дарак тополмай қайтиб чиқди.

— Хайр, бўлмаса хола, биздан хафа бўлманг, биз кетдик, дарвозани бекитинг,— деди Сафарқул ва камбагаллар тўдаси кўча бошига чиқди.

Сафарқул ўз ўртоқларини бир бурчакда тўхтатиб:

— Мен,— деди,— бу хотиннинг жавобларидан шубҳага тушдим. Менинг фикримча, бой унинг ҳақида бўлган кейинги қарорни сезган. Биз келмасдан бурунроқ ўғлини олиб уйдан чиқиб бир томонга яширинган «саҳар, одамлар ухлагандан кейин келиб ҳозирланиб бир томонга қочамиз» деган. Аммо хотин бизни ўз эри ва ўғли фаҳмлаб, «дарров қайтдингизларми» деган. Хотиннинг «эрим ўғлим билан икки кун бурун Ғиждувонга кетиб эди» деган жавоби бутун ясама, чунки бойни кеча қишлоқда кўрган одамлар бор.

— Ўғлини ҳам мен кеча кўчада кўриб эдим,— деди Юсуф,— «ҳозир сизларнинг даврингиз, қўлингиздан келганини бизнинг ҳақимиздан аяманг. Бир кун яна бизнинг давримиз келар» деб менга дўқ қилиб эди.

— Мана,— деди Сафарқул,— Юсуфнинг сўзидан ҳам маълум бўлдики, бой ҳали қишлоқда. Шунинг учун бойнинг ҳовлиси олдига битта яширин пойлоқчи қўямиз. Ўзимиз бирон бурчакда пана бўлиб турамыз. Бой келиб, ҳовлисига киргач, пойлоқчи бизга бориб хабар беради. Биз келиб бойни тутиб оламыз. Бўлмаса бой эртагача қочади.

— Узимиз Собир отаникига бориб, чолнинг биронта чойини ичиб ўтирамыз,— деди Самад.

— Дуруст,— деди Сафарқул,— ким қолади пойлоқчиликда?

— Мен,— деди Юсуф,— менинг ҳовлим бойнинг ҳовлисига яқин. Мени бу теваракда бирон киши кўриб қолса ҳам, мендан бадгумон бўлмас.

— Дуруст,— деди Сафарқул. Юсуф қолди, бошқалар Собир отанинг ҳовлисига қараб йўналдилар...

Камбағаллар тўдаси Собир отанинг ҳовлисига яқинлашганда унинг ҳовлисидан зорланиб жавраётган бир товушни эшитдилар.

— Чол кампирни ураётибди шекилли,— деди Сафарқул,— дарров кирайлик, Муҳаббат ичкари ҳовлига кириб кампирни чолнинг қўлидан ажратиб олсин, бўлмаса баджаҳл чол кампирни ўлдириб қўяди.

Собир отанинг бир тавақали кичкина эшиги ичкаридан заржирланган эди. Аммо унинг ҳовлисига кириш учун пуштак керак бўлмади. Бир ярим пахсали деворчадан ҳаммалари ҳатлагандай ошиб ўтдилар. Бўғиқ товуш жон аччиғи билан қичқирмоқда эди.

— «Оҳ, бечора хотинлар! Бу золим эркакларнинг қўлидан қачон қутуладилар?»— деган ҳолда эшиксіз раҳравдан чолнинг ичкари ҳовлисига уриб кирди Муҳаббат. Аммо бир минутдан кейин икки қўли билан кўкрагини қисган ҳолда қайтиб чиқди ва калта-калта нафас олиб:

— Бир неча киши бир кишини босиб ураётибди. Босилган одамнинг «кампиримни ўлдирдингиз, энди мени ҳам ўлдиринг, мен бу дунёда тирик қолиб ёлғиз ўзим нима қиламан» деганини, босаётганлардан бирининг «шошма, сени ҳам ўлдирамыз, лекин у дунёда ҳам эсингдан чиқмайдиган қилиб азоб бериб ўлдирамыз» деб жавоб қайтарганини эшитдим.

— Босинг!— деди Сафарқул ва ўзи наганини қинидан чиқариб олдин ўтди. Муҳаббатдан бошқа ҳаммалари ичкари ҳовлига кирдилар.

— Ураб олинглар!— деб Сафарқул ўз йўлдошларига команда берди. Жиноятчилар милиционерлар ва камбағаллар томонидан ўралдилар.

— Қўлларингизни кўтаринглар,— деган ҳолда ҳавога қараб бир ўқ отди Сафарқул.

Жиноятчиларнинг қўлларидан пичоқ ва ошпичоқлар

ерга тушди, қўллари ҳавога кўтарилди. Улар бир-бир тутулиб энгил-бошлари ахтарилди. Улар бариси тўрт киши бўлиб, учтасининг чўнтагидан учта хат чиқди. Сафарқул гугурт чақиб бир боғ янтоқни ёқиб ёруғида хатларни кўздан кечирди. Хатларнинг иккитаси Бобомурод такламачи отидан Шодим ва Истадлар отига олти танобдан бағишланган ернинг имом томонидан ёзилган вақтинча васиқаси бўлиб, учинчиси «бировларнинг мол-мулкани очиқдан-очиқ босиб олган кишини ўлдирган одам гуноҳкор бўлмайди» мазмунидаги бир хат эди.

Жиноятчилар — Бобомурод такламачи, унинг ўғли Шомурод ва унга сотилган Шодим билан Истад бўлиб, баданлари тилиниб қонга бўялиб ётган мажруҳ — етмиш яшар Собир ота эди ва ундан икки қадам нарироқда боши ошпичоқ билан чопилиб ўлдирилган Собир ота хотинининг гавдаси ётмоқда эди.

— Собир ота-ку,— деди Сафарқул Бобомурод такламачига қараб,— ерингни «босиб олиб», «қони сенга ҳалол» бўлган экан, аммо бу кампирнинг гуноҳи нима эдики, уни ҳам ўлдирдинг?

— Биз,— деди бой,— Собир отани йиқитганда у келиб бизга ёпишди, бизни таниди, шунинг учун уни ўлдиршдан бошқа иложимиз йўқ эди, бўлмаса сиримиз очилар эди.

— Эрта имомининг олдига бор, бу тўғрида ҳам сенга бирон фатво топиб берар,— деб бойга жавоб қайтарган Сафарқул, икки кишини бирон арава топиб Собир отани дарров касалхонага олиб боришга, бир милиционер, Муҳаббат опа ва Самадни райондан терговчи келгунча Собир ота хотинининг ўлиги устида қоровул бўлиб туришга буюрди.

Жиноятчилар конвой остида қишлоқ шўросига ҳайдалдилар. Соқчилар қаторида қўлларини ҳавога кўтариб бораётган Нормуродни кўрган Сафарқул унга:

— Сен нега икки қўлингни юқори кўтариб бораётибсан?— деб сўради.

— Йўлга чиқаётганимизда «агар бирон ерда тўқиниш бўлиб қолса, мен қандай команда берсам ҳеч бир сўзсиз амалга оширинглар» демаган эдингми?! — деди Нормурод.

— Шундай деган эдим. Хўш?

— Собир отаниннг гавдаси устига борганимизда «қўлларингизни юқори кўтаринглар!» деб команда бердинг.

Мен ўша чоқдаёқ қўлларимни кўтардим, ҳали ҳам кўтармоқдаман ва тушириш учун иккинчи командангни кутаман.

Нормуроднинг бу ҳолати ва бу жавоби шунча қонли фожиа устидан кутилмаган чоқда чиқиб қайғуга ботган камбағаллар тўдасини кулдирмасдан қўймади. Сафарқул ҳам кулгани ҳолда:

— Менинг у командам ўзимизникиларга эмас, жиноятчиларга эди. Хайр, бўлмаса, «қўлларингни тушир энди!» Бу сенинг учун иккинчи команда,— деди.

Тўда қишлоқ шўросига яқинлашганида тонг ёриша бошлаган эди.

V

1929 йил охирларида қишлоқда зўр шов-шув қўзғалган эди. Гап колхоз устида борар эди. «Колхоз бўлганидан кейин ҳамма нарса, ҳатто товуқлар ва қозон-товоқларгача умумий бўлар эмиш» деган овозалар чиқиб хусусий мулкчилик кайфиятини жуда ҳам юқори кўтарган эди...

Молхонасига кириб сигир ва ҳўкизларига хўрак солган Содиқ чамбаршоҳ, бўйни йўғон, кўҳани туяникидай баланд бўлган олти яшар қора қундуз ҳўкизининг кўҳанидан сағрисиғача бир сийпалади ва кўзидан бир-икки томчи ёш томгани ҳолда:

— «Йўқ, бўлмайди,— деди ўз-ўзига,— ўзим ўз қўлим билан туғдириб, ўзим бўйнига бўйинтуруқ босиб, ўзим уни қўшга ўргатиб, бир кунда бир таноб ерни дураҳа қила оладиган даражада вояга етган ҳўкизимни ўз қўлим билан аллакимларнинг қўлига топшириб юборар эканман... Йўқ, бўлмайди, мен ўз ихтиёрим билан топширмайман, зўр билан олмоқчи бўлсалар... Бир иложини қиламан...»

Содиқ ҳўкизининг бошини яна бир марта силагандан кейин:

— Ҳали вақт бор,— деди ўз-ўзига,— кўпчилик мажлисиғача халқнинг қулоғини товлаш, кўпроқ камбағал ва батракларни йўлдан уриш керакки, колхоз бўлишга рози бўлмасинлар. У вақтда ўзим ҳам қутуламан, ерим ҳам қутулади, ҳўкизим ҳам қутулади... Агар камбағаллар ер ислоҳотидагидек бирлашиб ҳаракат қилсалар, ўзим ва ўзим кабиларни колхоздан қутқазиб қолиш учун

чоллашман... Бу ҳам бўлмаса-чи?.. У вақтда ҳўкизининг иложини қиламан. Борсинлар, камбағаллар бўйинтуруқни ўз бўйинларига солиб ер ҳайдасинлар...

Кейинги ўйлари билан ўзини бир оз юпатган Содиқ молхонадан чиқиб ичкари ҳовлига кирди, чигириқ орқасида ўтириб пахта тозалаётган хотинини:

— Онаси, бери кел!— деб эшикка чақирди. Хотин қўлидаги ишни қўйиб эри олдига чиққанда, Содиқ унга:

— Катта чипор она товуқни тутиб боғлаб қўй: кеч-қурун сўйиб бераман, тузлаб қўясан, эрта бир шўрва пиширасан,— деди.

— Нега?— деб хотин таажжубланди ва сўзини давом эттирди:

— Чипор товуқ шу кунларда етилган, юзи қизариб келган, қақиллаб юрибди. Бугун-эрта туға бошлар. Шундай вақтда уни сўйиб нобуд қилиш нега керак?

— Биргина уни эмас, бошқаларини ҳам шу бир ҳафта — ўн кун ичида сўйиб битказамиз.

Хотиннинг таажжуби ошди ва ранги қути учган ҳолда:

— Уй товуқсиз бўлармикин? Болаларга тухум қайнатиб берамиз, гўшт топилмаган чоқда ўзимиз ҳам тухум қовуриб еймиз. Кузда йиғилган тухумлар битаёзди. Энди умидим товуқларнинг туға бошлашларига қараб қолган эди. Шундай вақтда нега товуқларга қирғин солмоқчи бўласиз?

— Хотин,— деди Содиқ,—«сенинг сочинг узун, ақлинг қисқа»; сен билмайсан, бугун-эрта колхоз бўлиб қолса, бу товуқларнинг ҳаммасини бизнинг қўлимиздан олиб кетадилар. Қўлдан чиқариб юборишдан кўра ўзимиз сўйиб есак яхшироқ эмасми?

— Ким бизнинг қўлимиздан товуқларимизни олиб кетади?

— Колхоз.

— У ким?

— Шу камбағаллар, оёқ яланглар-да.

— Ер ислоҳоти вақтида бойларнинг қўлидан ерларини тортиб олганлар десангиз-чи?

— Улар ҳам бор, улардан бошқалари ҳам бор. Айниқса бу ишни большевик бўлганлар, комсомоллар бошлаб уларнинг орқасидан эргашган умри етимгарчилик, мардикорлик, батраклик билан ўтганлар қизитиб юрибдилар. Шербек гуручфурушнинг сўзига кўра, бу иш ҳам-

ма нарсани ҳукумат қўлига йиғиштириб олиш йўли эмиш.

— Ўрта ҳол деҳқонларга ҳукуматнинг иши йўқ, ҳатто уларга ёрдам беради деб юрар эдингиз-ку?

— Ҳозиргача шундай эди. Ҳақиқатан ҳам ҳукумат бу вақтгача ўрта ҳол деҳқонларга кўп ёрдам берди. Пахта устидан бўнак ва уруғлик берган вақтда камбағалларни бир-бирларига кафил қилиб уларга пул бергани ҳолда, ўрта ҳол деҳқонларнинг пахта экадиган ерларига қараб ўз отларига пул бера берди. Ҳукуматнинг шунақа ёрдами орқасида бир ҳўкизим иккита бўлди, сигирлик бўлдим. Лекин бу кунда буларнинг ҳаммасини қўлимдан тортиб олсалар, ўтмишдаги ёрдамларидан менга нима наф?..

Содиқ эшикка суяниб тургани ҳолда хаёлга чўмиб кетди. Нима қилишини билмай эшик олдида турган хотини унга:

— Ҳар нимаики худо тақдир қилган бўлса ўша бўлади,— деди,— ичкари кириңг, сандалнинг олови бор, исининг.

— Йўқ,— деди хаёлдан ўзига келган Содиқ,— бир жойга бормоқчиман...

Яна бир оз хаёл суриб тургандан кейин Содиқ сўзга киришди:— раҳматли Бобомурод такламачи тўғри айтган экан:

— Нима деган эди?— деб сўради хотин, яна хаёлга чўмиб кетган эридан.

— Ер ислоҳоти вақтида кўп ўрта ҳоллар камбағаллар томонига ўтиб, бойларнинг сирини очиб бера бошлаганларида бир кун у йўлда менга дуч келиб: «Содиқ ука, ҳали-ку сизлар ҳукумат ваъдаларига қизиқиб камбағаллар томонига ўтиб бизнинг сиримизни очаётирсизлар. Бир кун келарки, ўз бошларингизга ҳам бизнинг бошимизга тушган ишлар тушар. У вақтда Бобомурод рост айтган экан» дерсизлар деган эди.

— Ҳа, дия,— деди хотин,— агар унга худонинг бирон эзги қулининг назари тушган бўлмаса эди, у ўшанча мулку асбобга эга бўлармиди?

— Унинг ёмон ишлари ҳам кўп эдику-я,— деди Содиқ,— судхўрликда жуда инсофсизлик қилар эди. Юз сўмни бир ойда юз йигирма сўмга фойдага қўяр эди, ботмон бугдой уруғини икки ботмонга берар эди. Шу йўллар билан бечора деҳқонларнинг ерларини ўз қўлига

киргизар эди. Амир вақтида бўлса талбис ясама хатлар билан ҳам бир қанча одамларнинг ерини олган эди. Худо бағишласин, ўлар чоғида ҳам тинч кетмади, бир кампирни ўлдирди, бир чолни ўлар даражасида урди, у ҳам ўлди...— Содиқ жим бўлиб яна бир оз ўйлаб тургандан кейин:

— Хайр, мен кетай,— деб кифтини эшик ёнидан узди.

— Шундай совуқ ҳавода қаерга кетасиз?

— Хўжаназар аканикига бориб бир оз дардлашайлик, юрагим жуда қисилиб кетяпти.

* * *

Сандал ўрик ўтин олови билан қизитилган эди. Унинг бурчагида телпак устидан тивит салла ўрагани ҳолда устига серпахта чопонини тортиб Хўжаназарбой ётмоқла эди. Ярим уйқу, ярим хаёлга толган бой меҳмонхона даҳлизидида бир кишининг висир-висирлашганини пайқаб:

— Кимдир у?— деди.

— Мен Содиқ!— деб жавоб берди даҳлиздаги киши.

— Кел! Нима қилиб турибсан унда?

— Мен сизнинг фароғат қилаётганингизни кўриб қайтиб кетаётир эдим.

— Шу замон фароғат қиладиган замонми? Кел, тўрт оғиз гаплашайлик.

— Мен ҳам бир оз гаплашиб кўнгил очайлик деб келган эдим,— деган ҳолда кириб сандалнинг бир бурчагига ерлашди Содиқ.

— Сандалингиз жуда қизиган экан,— деб сандалнинг ичига узатган оёғини тортиб олди Содиқ.

— «Колхозга ўтиб нобуд бўлганидан ўзим ёқиб нобуд қилсам афзалроқ эмасми?» деб чорбоғдаги мевали дарахтларни йиқита бошладим. Бошлаб ўн туп ширпайвон ўрикларни йиқитиб ўтин қилиб олдим.

— Демак, колхоз бўлиши аниқ-да?

— Ҳали-ку аниқ бўлганча йўқ, лекин бўлади. Чунки большевиклар оғздан чиққан гапларнинг биронтаси ҳам бўлмай қолган эмас. Модомики, улар «колхоз бўлади» деб юрибди, бўлади.

— Кўпчилик истамаса зўр билан қиладиларми?

— Кўпчилик истайди,— деди бир оҳ чеккан ҳолда Хўжаназарбой,— чунки халқнинг кўпчилиги оёқланг,

камбағал, «юртдан чиққан боши бузуқлар» колхоз бўлган билан булардан нима кетади. Кўп кетса, ер ислоҳотида бойлардан тортиб олган уч-тўрт таноб ерлари кетади.

— У ҳам ҳаммаларидан эмас,— деб Хўжаназарнинг сўзини қувватлади Содиқ,— чунки ер ислоҳотидан ер ололмай қолган ерсизлар ҳам кўп.

— Аммо бизнинг ҳамма нарсамиз кетади,— деб бир оҳ тортди Хўжаназар,— шунинг учун «ҳар нима бўлса бўлсин, еб қолганим ғанимат» деб шу кеча бир ғунажини сўйдим.

— Мен ҳам ўз хоназод ҳўкизим — қора қундузни сўймоқчи эдим, лекин кўзим қиймади. Жуда бўлмаса бирон қассобга сотиб юборарман.

— Ҳали,— деди Хўжаназар,— биз камбағал-оёқ-яланглардан нолиб юрибмиз, ерли, сувли эски деҳқонлар орасидан ҳам бузилганлари кўп. Йўлдошнинг ўғилларини кўрмайсанми? Бир-иккитаси ҳукумат мактабларига бориб ўқиб жудаям бузилиб кетибдилар. Улар агрономми, машиначими, билмасам, нима бало бўлган эмишлар. Улар ўз инилари Маҳмудни ҳам бузиб юборибдилар. У бир қўлсиз чўлоқ кўп деҳқонларни «колхоз бўламиз» деб йўлдан чиқарган. Агар ўрта ҳол деҳқонлар бузилмасалар эди, ёлғиз камбағаллар ҳеч нарса қилолмас, колхоз ҳам туза олмас, тузган билан ҳам уни манзилга олиб бора олмас эдилар.

— Шунинг учун,— деди Содиқ,— мен ўйлайманки, мажлис бўладиган кунгача бир иш қилиб деҳқонлардан бир қисмини йўлдан чиқарсак, эҳтимол, колхоз бўлмай қолса.

— Бир ўрта ҳолларнигина эмас, агар гапга қулоқ соладиган бўлса камбағалларни, айниқса, ер ислоҳотидан ер олганларни ҳам йўлдан уриш керак. Лекин бу иш жуда қийин, чунки халқ «бузилган». Ҳар нима бўлса «ётиб қолгунча, отиб қол» дегандай бир уриниб кўриш керак...

Хўжаназар ўйланиб, кўзини юмиб хаёлга кетди. Сўнг-ра бирдан, бир нарса эсига келгандай, телбаланиб кўзини очди ва қўлини сандалга тиққани ҳолда:

— Сенга чой қуйиб беришни ҳам унутганман,— деди. Сандалдан чиқарилган чойнақдан бир пиёлага чой қуйиб Содиққа узатди ва сўзга киришди:

— Ер ислоҳотидан,— деди у,— мен унча зарарлан-

маган эдим. Ерларимдан бир қисми қўлимдан олинган бўлса ҳам, қолган ерларимдан яна аввалгича ҳосил ола берган эдим. Чунки ерим камайган бўлса ҳам, ишловчиларимни ва қўш ҳўкизимни камайтирмадим. Бунинг устига ер ислоҳотидан ер олган камбағалларнинг кўпчилиги аввалгидай менга муҳтож бўла берди. Бирисининг ҳўкизи йўқ, бирисининг омов, дандона ёки эшаги йўқ. Мен ўзимга муҳтож бўлиб келган камбағалларнинг ҳожатларини иш ва ҳосил бадалига чиқара бердим. Шу билан ер ислоҳотидан ер олган камбағалларнинг бир қисми яна менга чоракордай бўлиб қолдилар. Бунинг устига ишимни ҳам ишлаб бердилар...

Хўжаназар яна хаёлга чўмиб кетди. Бир фаслдан кейин яна кўзини очиб сўзга киришди:

— Аммо,— деди у,— бу колхоз деган балоси қутулиб бўлмайдиган бир бало, бунга кирсанг ҳам бир бало, кирмасанг ҳам бир бало. Кирсанг бутун молу мулкинг қўлдан кетади; унинг устига ўзинг ўзингнинг ювинди-хўринг бўлган камбағаллар қаторига кириб ишлашга мажбур бўласан. Қошки мен умримда бирон кетмон урган одам бўлсам. Колхозга кирмасанг ҳам ишингда барака қолмайди, чунки бутун етимлар, камбағаллар, мардикорлар, батрақлар колхозга кириб кетади, сен учун ишлайдиган одам қолмайди.

— Мен-ку ишлашдан қўрқмайман-а,— деди Со-диқ,— лекин менга шу отамдан қолган беш-олти таноб ерни, айниқса, шу хоназод қора қундуз ҳўкизимни қўлдан чиқариб юбориш ёқмайди. Бир ёқдан, бу, иккинчи ёқдан, кўпчилик билан бўладиган ишнинг мазаси бўлмайди. Биттаси ишласа, юзтаси ишламайди.

— Сен,— деди Хўжаназар жиддийлашиб,— менга шу колхоз деган балодан қутулиш йўлини сўрамоқчи бўлиб келгансан, шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Ундай бўлса эшит: тулкининг боласи ўз онаси-дан: «Бўридан қутулиш йўли қандай?» деб сўраган экан. Онаси унга: «Бўридан қутулиш йўли кўпку-я, лекин энг яхшиси унинг юзини кўрмаслик ёки бўри бўлиш» деб жавоб берган. Шунга ўхшаш бир иш қилиб колхознинг юзини кўрмаслик, яъни уни бўлдирмаслик йўлини топиш керак. У бўлмаганда, колхозга кириб бўри бўлиш, яъни уни ичкаридан туриб бузиш керак. Уни бузиш йўллари ҳам кўп, лекин энг яхши, яқин ва

осон йўл унга кириб ишламаслик ва ишловчиларни ҳам ишламасликка ундашдир. Сен колхозга қандай қарши-ки, унга киргандан кейин ишлашни ўйлайсан?

— Мен,— деди Содиқ,— етти яшарлигимдан бери ишлаб келаман, иш вақти бўлганда, айниқса, ишнинг устига борганимда, ишламасдан тура олмайман...

Томоғини қира-қира даҳлизга кириб «бисмилло» деб кавушини ечган имомнинг келиши Содиқни сўздан тўхтатди. Имомни Хўжаназар ва Содиқ ўринларидан туриб, сандалдан қўйига тушиб қарши олдилар. Имом саломлашгандан кейин тўғри сандалнинг тўрдаги бурчагига ўтиб ўтирди. Фотиҳа ўқигандан кейин:

— Шоназарникига бориб эдим,— деб сўз бошлади...

— Ҳозир...— деб Хўжаназар ўрнидан туриб эшикка чиқди ва:

— Наврўз! Чой, дастурхон келтир,— дегандан кейин қайтиб келиб ўрнига ўтирди.

— Ҳар нима етимларингиз қобилми? Шундай бузуқ замонда етим ёмон бўлса, одамни анча ташвишга қолдиради,— деди имом.

— Менинг етимим йўқ,— деди Хўжаназар,— мен «етимлар договор билан ишлатилсинлар» деган закон чиққандан бери етим сақлашни тугатган эдим. Шунинг учун ер ислоҳотида бир бўлак ерим ўз қўлимда қолди.

— Бўлмаса,— деди имом,— ҳовлингизга кириб-чиқиб ишингизни қилиб юрадиганлар кимлар?

— Наврўз билан Ҳамидни айтарсиз, улар қайиниларим,— деди Хўжаназар ва кулимсираб давом этди:

— Дунёда,— деди у,— ўлимга илож топиб бўлмайди, бошқа ҳар нарсанинг иложи топилади. Сиз бизнинг қишлоққа янги келгансиз, менинг бошимдан ўтганларни билмайсиз. Ҳукумат етимлар тўғрисида закон чиқаргангача менинг ҳар вақт учта-тўртта етимим бўлар эди. Етимлар билан договор қилиш керак деган гаплар чиққандан кейин мен уларнинг ҳаммасини қувиб юбордим. Эркаклик қувватим қолмаган бўлса ҳам, сотиб олгандай қилиб бир камбағалгина қизни ўзимга никоҳладим. Унинг икки ақаси бор эди: Наврўз билан Ҳамид. Шулларни опкелиб етим ўрнида ишлата бердим. Буларнинг бегона етимлардан фарқлари шуки, бегона етимларга бериладиган озми, кўпми етим ҳақини ҳам буларга бермайман, ёлғиз кийим ва овқатлари бандалига ишлаб юрадилар.

— Яхшики,— деди имом,— эски хотинларингиз «ёш хотин олдинг» деб говур кўтармабдилар. Бўлмаса бу ҳам катта жанжалга сабаб бўлар эди. Чунки ҳукумат хотин кўпайтиришни, қари одамнинг ёш хотин олишини ман қилган.

— Хотинларим,— деди бой,— менда эркакликдан бирор нарса қолмаганини биладилар, уйланишимдан улар учун бирон зарар йўқ. Балки, ёш хотин рўзгорнинг бутун оғир ишларини ишлагани сабабли уларга фойда, тинч ёта берадилар.

Хўжаназар Наврўз келтирган чой, дастурхонни олиб сандал устига ёйди, нонни синдирди, меҳмонларни нон ейишга таклиф қилиб, чойни қайтараётган ҳолда:

— Ҳали сиз Шоназарникига бориб эдим деган эдингизми?— деб сўради имомдан.

— Ҳа, Шоназарникига бориб эдим. У мени хафа қилиб юборди.

— Нега хафа қилди, қандай хафа қилди?— сўради бой.

— У мендан: «Қани, домулло, гапиринг, дунёда нима гаплар бор?» деб сўради. Мен унга: «Қолхоз гапидан бошқа гап йўқ» деб жавоб бердим. У яна: «Сизнинг фикрингизча, қолхоз бўлсак бўладими?» деб сўради. Мен: «Худодан қўрқмасанглр, қолхоз бўла беринглр» дедим. У: «Бу ишга худонинг нима дахли бор?» деди. Мен: «Қолхоз бўлиш шарият юзасидан тузук эмас, чунки буни пайғамбаримиз ман қилган, шунинг учун Россияда қолхоз бўлганларнинг экинлари куяётган эмиш, ҳайвонлари ёрилиб ўлаётган эмиш. Ғиждувонда қолхоз бўлганларни ер қомига тортган эмиш» дедим. У менинг бу жавобимга аввал қулди, сўнгра бир оз қизиган ҳолда: «Пайғамбар вақтида қолхоз йўқ эдики,— деди,— уни ман қилсин. Қолхоз инқилобдан кейин, кейинги йилларда, ёлғиз Шўролар Иттифоқида чықди. Россияда қолхоз бўлганларнинг экинларини куйдирган, ҳайвонларнинг қорнини ёриб ўлдирган «худо» эмас, балки бойлар ва сиз каби бойларга сотилган поплар. Бойлар, поплар қолхозчиликка қарши туролмагандан кейин қолхоз экинини куйдирган, қолхоз ҳайвонларига дори бериб, ёрилиб ўлишларига сабаб бўлган. Аммо Ғиждувон қолхозчиларини ер қомига тортган деган гапингиз бўлса олти яшар бола ҳам ишонмайдиган аҳмоқона ёлғон

гап. Туринг, йўқолинг, дафъ бўлинг»,— деди. Мен жуда хижолатда қолдим, ер ёрилмадики, кириб йўқолсам. Терга ботиб, зўрга туриб қочдим.

— Гиждувонга борсангиз эди,— деди кулиб Хўжаназар,— колхозчилар қаторида сизни ҳам ер ютар эди, Хижолатдан қутулар эдингиз...— сўнгра Хўжаназар ҳикоя бошлади:

— Эски замонларда,— деди у,— бир қишлоқда жуда доно бир табиб бор экан. У ҳар бир касалнинг нима еганини топар экан. Бир кун табибнинг ўзи касал бўлган. Қишлоқ халқи «касалкўрди»га келган. Қасалнинг ҳолини оғир топган қишлоқ халқи унинг олдидан қайғуланиб чиққан ва унинг ўғлидан «отангиз ўз илмларини сизга ўргатганларми?» деб сўраган. Ўғил «йўқ» деб жавоб берган; «табибликка қобилиятинг йўқ деб менга ўргатмагандилар» деган. Қишлоқ халқи «бу киши ўлиб қолса биз табибсиз нима қиламиз» деб маслаҳатлашгач, табиблик тўғрисида ўғлига фотиҳа беришни сўрамоқчи бўлиб эртаси тагин унинг олдига кирган. Халқ табибга «биз умид қиламизки, ўзингиз соғайиб халнинг ҳожатини аввалгидай чиқара берасиз. Шундай бўлса ҳам дунёда икки табиб кўплик қилмайди. Биз сўрар эдикки, ўғлингизга ўз илмингизни ўргатиб, табибликка фотиҳа берсангиз эди» деган. Табиб «хўп» деган, «лекин менинг ўғлимнинг имоматчиликдан бошқа нарсага қобилияти йўқ. Шундай бўлса ҳам сиз, қадрдонларнинг сўзларингизни синдирмай уни ўргатиб, фотиҳа бериб қолдираман» деб халқни хурсанд қилиб узатган. Халқ кетгандан кейин табиб ўғлини ёстиғи бошига чақириб, унга: «Менинг,— деган,— ҳақиқатда табибликдан ҳеч бир хабарим йўқ. Фақат халқни қандай қилиб алдашни биламан. Мени бирон касал устига олиб борсалар, касал ётган ҳовлига киргач, тева-ракка кўз соламан. У ерда қовун-тарвуз пўчоғими, узум ё тоза чайнаб ташланган суякми кўринса, касал бошига борганимда бир оз унинг томирини тутиб туриб «э, вой, сиз бежо қилибсиз-ку» дейман, масалан, «нега қовун едингиз» (агар қовун пўчоғини кўрган бўлсам) ёки «нега гўшт едингиз, унақа нарса сизга ёқмайди» деб уни ва касал боқувчиларни жеркийман. Сўнгра бир оз хас-хашакни бериб, «мана буни қайнатиб ичкизинглар» деб қадам ҳақимни олиб чиқиб кела бераман. У касал ўлган тақдирда ҳам, «касал нима еганини ва у нарсанинг унга зарар қилганини» топганим учун халқнинг менга ихлоси

ортади. Ана, менинг барча ҳунарим шу, аммо сенинг ақлинг оз, бу усулни ишлатолмайсан деб қўрқаман. Хайр, ҳар нима бўлса майли, бор, табиблик қила бер, худо сенга бахт берсин» деган...

Табиб ўлган. Унинг ўгли «отам ўз илмини менга ўргатди» деб халққа эълон қилган. Биринчи дафъа уни бир касал устига олиб борилганда у касал ётган ҳовлига кириб у ён-бу ёнига қараганида кўзига эшак тўқимидан бошқа бирор нарса кўринмаган. У касалнинг ёстиғи бошига ўтириб унинг томирини бир оз тутиб тургандан кейин: «э, вой, нега сиз эшак гўшти едингиз, у сизга ёқмайди» деган. Улим тўшагида ётган касал бирдан жаҳли чиқиб, ўрнидан ирғиб туриб, табибнинг бошига бир мушт солган. Касал боқувчилар ҳам уни ура-ура қувиб юборганлар.

Хўжаназарбой ўз ҳикоясини тугагиб, қўшимча қилди:

— Ҳалиги табибнинг ўглига ўхшаш сизнинг ҳам, домулло,— деди,— имоматчиликдан бошқа ишга қобилиятингиз йўқ. Сиз дунё ишига аралашсангиз, уни бузиб юборасиз. Нега сиз Шоназардек Шўро мактабида ўқиб бузилган бир кишининг олдига бориб бу гапларнинг устини очдингиз. Нега сиз Ғиждувондай ўзимиздан саккиз чақиримлик жойда бўлган бир ерда «колхозчиларни ер ютган» деб мен ўргатган гапларга ақл қабул қилмайдиغان нарсани қўшиб айтдингиз? Шоназар сизни босиб урмаганига ҳайронман.

— Ғиждувон колхозчиларини ер ютишини нега ақл қабул қилмасин? «Чаро жоиз нестки» уларни ҳам Лут қавмидай ер ўз комига тортса...— деб имом ўзини оқлаётганида қишлоқ сўфиси томонидан айтила бошлаган намози аср азони эштилди. Имом жим бўлиб бошини эгиб, кўзини юмиб пичирлаб, азонга жавоб бера бошлади. Бой шифтга қараб икки қўлини кўтариб:

— Худоё худовандо, шу азони Муҳаммаднинг ҳурмати, бизни колхоз балосидан сақлагайсан?— деб дуо қилди. Имом бошини кўтармасдан:

— Азон вақтида гапириш дуруст эмас,— жеркиди бойни. Шу вақтда «ўй деҳқонлар, ўй ўрта ҳол, камбағал деҳқонлар, ўй етим, мардикор, батрақлар, ўй ерсиз-сувсиз эски қуллар-қароллар! Эрта билан қишлоқ шўросига йиғила беринг, унда колхоз тўғрисида кенгаш бор!!!» деган товуш чиқиб азон овозини босди. Имом мачитга

қараб югурди. Содиқ ўз-ўзига «кеч бўлмасин, тезроқ бо-
риб товуқни сўйай» деб меҳмонхонадан чиқди. Бой бўлса
меҳмонларнинг чиқиб кетганларидан хабарсиз даражада
ганграб қолган эди.

VI

Қишлоқ шўроси биносида ўша қишлоқ шўросига
қарашли деҳқонлар йиғилган эдилар. Сўз колхоз тузиш
устида борар эди. Райондан келган раҳбар колхознинг
олдинги, яккахўжаликнинг ҳеч вақт унга баравар келол-
маслиги тўғрисида жон куйдириб гапиргандан кейин:

— Мен таклиф қиламанки,— деди,— сизнинг қишлоқ-
даги халқ юз процент тўпланиб гигант бир колхоз қур-
синлар.

— Қолхозга кириш ихтиёрийми, мажбурийми?— деб
савол берди унга бир деҳқон.

— Ихтиёрий,— деб жавоб берди раҳбар.

— Ихтиёрий бўлса,— деди у деҳқон,— биз колхозга
кирмаймиз, биз ота-бобомиздан қолган расмни буз-
маймиз...

Сафарқул у деҳқоннинг сўзини кесиб сўзга киришди:

— Сен,— деди,— Содиқ ака, «биз» деб кимни айта-
сан? Агар «биз» дейишингдан мақсаднинг ўзинини ҳам
қўшганинг ҳолда бойлар, қулоқлар бўлса, биз бой ва
қулоқни ҳеч вақт колхозга йўлатмаймиз. Агар мақсаднинг
бутун жамоат бўлса, мен гумон қиламанки, ҳеч ким
сени вакил қилган йўқдир. Агар мақсаднинг ўзинг бўлса,
«мен» деявер, «биз» деб халқни янглишга солма, агар
сен колхозни истамасанг, колхозга кир деб ҳеч ким сени
зўрламайди.

— «Мен» «биз» де,— деди Содиқ,— халқнинг кўпчи-
лигини айтаман. Мен кўп кишидан «колхоз қурмаймиз»
деган гапни эшитдим...

— Ёлғон, биз колхоз қуришни истаймиз,— деб тўрт
томондан чиққан товуш Содиқнинг сўзини кесди.

— Орқада, пана-пастқамда гапириш бекор, ҳар ким
колхозни истамаса, мана бу ерда — жамоат олдида га-
пирсин,— деган товуш чиқиб Содиққа яна бир дўқ отди.

Қизариб-бўзариб ўрнига ўтирган Содиқ, ёнида ўтир-
ган Нормуродни туртиб пичирлаб «сен туриб гапир»
деди.

— Халқни нега қўрқитасизлар, гапиргани қўймайсизлар,— деб товуш чиқарди Нормурод, ўтирган еридан.

— Сен-ку қўрқмайсан,— деди Сафарқул унга,— сен тур, кўнглингдагини гапир!

— Мен нимадан қўрқаман?— деган ҳолда Нормурод ўрнидан ирғиб туриб сўзга киришди:

— Мен,— деди у,— амир замонида кўп жабру зулм кўриб, ерларимдан ажралганман. Яна бир бўлак ерим инқилобдан кейин ҳам қўлимдан кетган. Қўлимда икки таноб ерим қолганда ер ислоҳотидан икки таноб ер олдимки, ҳаммаси тўрт таноб бўлди. Мен бу тўғрида Шўролар ҳукуматидан миннатдор. Лекин энди ўзим ишлаб, ўз бошимча тирикчилик қиламан деганимда, шу тўрт танобгина ерни ҳам қўлимдан олиб қўяман десанглар, мен рози бўла олмайман,— халққа қараб бир таъзим қилгандан кейин, терлаган манглайини енги билан арта-арта ўз жойига ўтирди.

— Сенга бу гап айб,— деган ҳолда камбағаллар уюшмасининг раиси Эргаш ўрнидан турди ва Нормуродга қараб гапира бошлади:

— Сен ҳақиқатан амир даврида зулм кўрган одам. Ёлғиз сенгина эмас, сенинг ота-бобонг ҳам зулм кўриб келган одамлар. Ёлғиз амирдангина эмас, бутун эски турмушдан зулм кўриб келган одамлар: менинг ва сенинг ва бу ерда ўтирган бир неча ўртоқларнинг ота-боболари қул қилиниб сотилган, қул бўлиб ишлаган одамлар. Сен камбағаллар уюшмасининг аъзоси бўла туриб ўзингнинг манфаатингга, камбағалларнинг манфаатига ва бутун меҳнаткаш халқнинг манфаатига қарши гапиринг кутилмаган бир нарса. Гап колхоз устида эди, сен бўлсанг «тўрт танобгина еримни қўлимдан оласизлар» деб зорланасан. Ким «сенинг қўлингдан ерингни оламан», деди. Ҳеч бир киши қўлингдан ерингни олиб сени қувиб юбормайди. Дуруст қулоқ сол, Нормурод, ҳали сенинг қўлингда тўрт таноб еринг бор. Лекин уни ҳайдайдиган битта эшагинг ҳам йўқ. Ундан-бундан қўш тилаб, ёки бойлардан қўш кира қилиб, у ерларни тирмалагандай қилиб экасан, йиғим-теримда унга қилган харажатинг ё унади, ё унмайди.

Томоғи қурий бошлаган Эргаш стол устида турган стаканга сув қуйиб бир қултум ичиб яна сўзини давом эттирди:

— Колхоз бўлгандан кейин кўп қатори сенинг еринг

ҳам яхшигина ҳайдалиб экилади. Чунки колхозда халқнинг қўш ҳўкизи бирлашиб ишлатилганидек, ҳукумат ҳам плуг, трактор беради. У вақтда шу хароб бўлаёзган тўрт таноб ерингдан ўн таноб ернинг ҳосили унади... Мен ўйлайманки,— деди Эргаш, яна бир қултум сув ичгандан кейин,— сен колхоз нима эканлигини билмайсан ва билмасдан қарши гапирасан...

— Нега билмас эканман? Биламан,— деди Нормурод ўтирган еридан.

— Билсанг, қани айтиб бер-чи, колхоз нимадир? — Эргаш Нормуроддан сўради унга тикилиб.

— Колхоз ер ислоҳотидай халқнинг молу мулкини қўлидан олиш йўли.

Эргаш қиқиллаб кулгандан кейин:

— Бир одамдан сўраган эканлар,— деди,— «балиқни биласанми, балиқ қанақа нарса?» у одам «ҳа, биламан, балиқнинг туядай икки шохи бор» деб жавоб берган экан. Сен ҳам ўша одамдай на ер ислоҳотидан бир нарса англагансан, на колхоздан. Ер ислоҳотида халқнинг ери олинмади, балки ерга ҳеч муносабати бўлмаган, бошқаларни ишлатиб ернинг ҳосилини, яъни бошқаларнинг қўл кучидан пайдо бўлган ҳосилни еб келган бойлар, савдогарлар, судхўрларнинг қўлидаги ер олиниб, сен каби ўзи ишлайдиган камбағалларга, яъни ернинг ҳақиқий эгаларига берилди. Колхоз бўлса, мана шу ерда меҳнат қиладиган меҳнаткаш деҳқонларнинг якка-якка эмас, бирлашиб ишлашларидан иборатдир. Колхозда шу меҳнаткаш деҳқонларнинг ўзлари бирлашиб ишлаганларидек, иш ҳайвонлари ҳам бирлаштирилиб ишлатилади. Сен буни «молу мулкнинг қўлдан олиниши» деб тушунгансан.

— Уни бойлар, қулоқлар алдаган,— деган товуш чиқди бир чеккадан.

— Ҳатто мени ҳам йўлдан урмоқчи, колхозга қарши қилмоқчи бўлдилар, имомни менга юбориб колхозга қарши ташвиқот қилдилар,— деб у одамнинг сўзини қувватлади Шоназар.

— Менга сўз беринглар,— деб ўрнидан турган Қулмурод,— бизнинг қишлоғимизда,— деб сўзга киришди,— бир неча катта чорвадорлар, кўп ерли бойлар бўлганидек, буларга ишлаб келган чўпонлар, етимлар, эски қуллар, оз ерли, ёки ўрта ҳол деҳқон ва чорвадорлар ҳам бор. Биз қишлоқдаги большевиклар, бултур қизил

аскарликдан қайтган ўртоқларнинг маслаҳатлари билан «Қизил чорва» номида бир қоракўл қўй артели туздик. Қишлоқдаги майда чорвадорлар, чўпонлар, қуллар, қароллар ўз қўйларини бу артелга бирлаштирдилар. Ҳаммаси бўлиб юз одам орасида бир минг олти юз бош қўй бирлаштирилди. Бу қўйлардан тўраган қўзиларнинг эллик проценти сўйилиб давлатга берилиб план бир юзу ўттиз процент бажарилган ва гўшт солиғи юз процент берилгани ҳолда бир минг олти юз бош қўйимиз бир йилда икки минг икки юз бош бўлди. Бойлар, катта чорвадорлар бўлса, шу бир йил орасида ўз қўлларидаги қўйларни сотдилар, қирдилар, бошқа томонларга қочирдилар, нобуд қилдилар, шу билан ўзларини ҳам, давлатни ҳам, мамлакатни ҳам шундай серманфаат ҳайвондан маҳрум этдилар. Бизнинг «Қизил чорва» артелимизда қўйларни боқиш учун аъзоларнинг беш-олти нафаридан ортиқ одам машғул бўлмайди, ҳар бир аъзога бир йилда икки ойдан ортиқ навбат тегмайди. Меҳнат ҳақиға келганда, давлатга берилган қўзи терилари бадалига олинган бугдойдан (қанд, чой, газлама ва нақд пулдан бошқа), ёлғиз бугдойдан ҳар бир аъзога юз пуд тегди. Артель бўлишдан бурун шу юз кишининг ҳар бири ўн-ўн беш қўй орқасидан йил — ўн икки ой судралиб, овора бўлиб юргани ҳолда бу фойданинг ярмисини ҳам қўлга киргизолмас эди. Бизнинг бу ютуғимизни кўрган қишлоқ меҳнаткашлари энди ер ва иш ҳайвонларини ҳам бирлаштириб, чорва артели билан қўшилиб, катта бир колхоз қурмоқчи. Менинг фикримча,— деди сўзининг охирида Қулмурод,— колхознинг афзаллигида ҳеч бир шубҳа йўқ. Ҳеч бир сўзсиз дарров колхоз бўлиш керак.

— Эшак миниб социализмга етиб бўлмайди,— деб сўзга киришди Суярқул,— биз,— деди у,— социалистик жамият қурмоқчимиз. Икки таноб ер битта эшак, ёки тўрт таноб ер битта от, кўп бўлса, саккиз таноб ер битта ҳўкиз билан социалистик жамият қуриб бўлмайди. Мен ишчиман, умрим пахта заводида ишлаш билан ўтган. Пахта заводига кирмасимдан бурун чиғириқ билан пахтакашлик қилар эдим. Чиғириқ билан пахта тозаланда бир киши бир кеча-кундуз тинмасдан ишласа, чиғириқдан бир пуд пахта ўтказади. Ҳолбуки заводда бир кеча-кундузда юзтача одам тўрт вагон, яъни тўрт минг пуд пахта тозалайди. Бу киши бошига қирқ пуддан тушади. Чиғириқ билан ишлаганида, шу юз киши бир

жойда тўпланиб ишласалар ҳам юз пуддан ортиқ пахта тозалай олмас эдилар. Заводда меҳнат унумининг бундай кўплиги қаердан келган... Техникадан! Мана шунинг учун ҳам колхоз бўлиб ишлашнинг афзаллиги ёлғиз бирлашиб, иш ҳайвонларни ҳам бирлаштириб ишлашдангина иборат эмас, колхознинг якка хўжаликдан афзаллиги колхозда техникани амалга ошириш учун имконият борлигидадир. Якка хўжаликда бўлса, ҳар икки таноб ер учун бир сеялка, тўрт таноб ер учун бир трактор, саккиз таноб ер учун бир культиватор ва бошқаларни олиш ва ишлатиш мумкинми?.. Албатта йўқ. Якка хўжалик умрининг борича шу яғир эшак орқасидан судралиб юриш, колхоз бўлса, қишлоқни иш ва ҳосил жиҳатидан завод, фабрика даражасига кўтаришдир...

Суярқулнинг сўзи жуда қаттиқ чапак ва олқишлар билан қарши олинди.

— «Яшасин завод, фабрика даражасига кўтарилган қишлоқ!!»— деган товуш кўкни гулдурадди. Раис:

— Колхоз қуришга ким тарафдор, ҳар ким тарафдор бўлса, қўлини кўтарсин,— деди.

Қўллар ҳавога кўтарилди.

— Туширинглар... Ким қарши бўлса, қўлини кўтарсин.

Раис мажлисни кўздан кечирди. Нормуроднинг юқори кўтарилган икки қўлидан бошқа қўл кўринмас эди. Раис ундан:

— Сен колхозга қаршимиз?— деб сўради.

— Йўқ, бошқалар бир қўл билан тарафдор бўлган бўлсалар, мен икки қўлим билан тарафдор бўлдим.

— Сен ҳали, қаршиликда қўл кўтариб ётибсан-ку,— деди раис.

— Йўқ,— деди Нормурод ва изоҳ берди:

— Мен «тарафдорлар қўл кўтарсин» деганингизда қўл кўтариб эдим. «Туширинглар» деганингиздан кейин бошқалар қўлларини туширган бўлсалар ҳам мен туширмадим. Шу билан мен қаттиқ тарафдорлигимни, бояги янгилишимни тузатганлигимни кўрсатмоқчи бўлдим.

Мажлис аҳли қаҳ-қаҳлашиб кулишдилар.

VII

Содиқ, колхоз тўғрисида бўлган умумий мажлисдан қайтиб келиб, хотинига:

— Товуқларнинг барисини тутиб боғлаб қўй,— деди ва ўзи қайтиб дарвозага қараб кета берди. Хотинининг:

— Қолган товуқларни ҳам сўясизми? Нима бало?— деган гапини эшитмагандай бўлиб кўчага чиқиб кетди.

Хотин болаларининг йиғи-сиғиларига қарамасдан, ўн икки товуқни тутиб, икки тўплам қилиб, оёқларини бойлаб ташлади. Ошхона хизматини ўтайдиган айвончага кириб олови ўча бошлаган ўчоққа иккита мол тезаги тиққанидан кейин, косовни олиб ҳали ҳам жим бўлмаган болаларини:

— Ҳа... жувонмарг бўлмагурлар, ҳа... товуқлар ўрнига қирилиб ўлмагурлар,— деб урмоқчи бўлиб уларни қува бошлади. Болалар қўрқиб кўчага қочиб кетгандан кейин, хотин уйга кириб, оёғини сандалга тиқди: «ё эрим жинни бўлган, ёки колхоз бўлгувчилар» деган ҳолда ёстиққа ёнбошлади...

Содиқ уйга қайтиб келганда офтоб ботган эди. У кўчадан ўзига эргашиб:

— Отажон, айланай отажон, товуқларни сўйманг,— деб йиғлаб эркаланиб келган болаларини:

— Жим бўлинг, бўлмаса қулоқларингизни кесаман,— деб қўрқитди-да:

— Онаси, пичоқ билан қайроқни келтир,— деб товуш берди. *

«Қулоқларингизни кесаман» деган сўздан қўрққан болалар «пичоқ» отини эшитгач, қочиб уйга кирдилар ва сандал кўрпасини бошларига тортиб яшириниб ётдилар.

Пичоқ ва қайроқни олиб чиққан хотин:

— Ҳали товуқлар бир кун боғланиб ҳалолланган эмаслар-ку,— деди.

— Мен домла имомдан сўрадим,— деди Содиқ,— «шундай зарур вақтда товуқни боғлаб қўймасдан сўйса ҳам бўлади» дедилар.

— Шошилиш нега керак? Эрта сўясиз-да.

— Эртагача фурсат йўқ. Колхоз бўлиш аниқланди. Мен ҳам колхозга киришим керак, чунки кўпчилик кирди ва колхозга кирмаганларга кўпчилик ёмон кўз билан қарайдиганга ўхшайди.

— Товуқларни ҳам бирлаштирамиз дедиларми?

— Товуқ устида сўз бўлгани йўқ. «Иш ҳайвонлари бирлашади» дедилар. Лекин «ҳар ким колхозга кирман

деса бутун молу мулкени ёзиб кўрсатсин, ҳар ким ўз нарсасини яширса, жавобгар бўлади» дедилар. Шунинг ўзи «ҳар бир нарса колхозники» деган гап-да. Шунинг учун бу кеча буларни сўйиб битказиш керак. Ариза ёзган вақтимда қўлимда нимаики қолган бўлса, ўшани ёзиб кўрсатаман-да.

— Сигир билан бузоқ ва ҳўкизларни нима қиламиз, эшагимиз нима бўлади?

— Эшак билан биронта ҳўкизни кўрсатмасам бўлмайди. Бошқаларининг иложини қиламиз. Қассобни тайин қилиб келдим.

— Уларни ҳам сўймоқчисизми? Бирдан сўйилган шунча молларнинг гўшти сасиб қолади-ку?

— Кўп гапирма, сочи узун,— деди Содиқ, аччиғи келган ҳолда,— ҳар бир ўйлаган ишимни бирма-бир сенга айтиб ўтиришим керакми? Ҳозир ўзимнинг жоним чиқаётир.

Хотин бошлаб сўйилган товукнинг патларини юлаверди. Содиқ манглайини буриштиргани ҳолда товукларни бир-бир сўйди, сўйилган товукнинг жони чиққандан кейин уни хотини олдига отди, яна бошқасини сўйди...

Бутун товукларни сўйиб бўлгандан кейин Содиқ қўлини ювиб яна кўчага чиқа бошлади.

— Тўхтанг, шўрва тайёр. Ёш экан, икки бош қаёнаганда пишди. Ичидан катта-кичик юзгача етилмаган тухум чиқди,— деган хотинига Содиқ қисқача:

— Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди,— деди-да, дарвозага қараб кетди...

* * *

Содиқ орқасидан бир одамни эргаштириб қайтиб келганда вақт ярим кечага яқинлашган эди. У ўзи билан бирга келган одамни молхона олдига қўйиб, ичкари ҳовлига кирди. Учоқ бошида керосин билан шишасиз ёнаётган жинчироқни ёқиб ташқари олиб чиқди. Ўзи олдин тушгани ҳолда:

— Қани, кининг!— деб у одамни молхонага киргизди. Ҳайвонларни бир-бир кўзидан кечирган у одам бошлаб қора қундуз ҳўкизнинг олдига борди. Унинг бошини, думини сийпалагандан кейин биқинига, бутига ҳам қўл тиқиб кўрди. Ундан кейин бошқа бир ҳўкиз ва си-

гирни ҳам синчиклаб, чамалаб кўздан кечирди. Сўнгра Содиққа қараб:

— Қани, гапиринг, ҳар уччовига нима берай?— деди.

— Тўрттови денг, бузоқ ҳам бор,— деди Содиқ.

— У партов-да,— деди у одам,— бир қоп қовун олсангиз, иккита-учта партов қиладилар. Мен шунча молни олмоқчи бўлсам, битта бузоқни партов қилмай-сизми?

— Хайр, майли,— дегандан кейин ўйланиб қолган Содиқ:

— Хаёлим бошимда эмас, ўзингиз бир нарса айтинг,— деди.

— Хайр, бўлмаса,— деди у одам қора қундуз ҳўкизни кўрсатиб,— бу жувонангиз беш юз сўм, ана униси тўрт юз сўм, сигир бўлса икки юз сўм.

Бу таклифни эшитиб ўйланиб қолган Содиқ:

— Инсоф қилинг-да, Раҳим ака,— деди,— буни сиз жувона дедингиз, жувона эмас, олти яшар бўлган катта ҳўкиз. Икки ойдан бери қўшга қўшилмайин бекор ётган бўлса ҳам, кунжарадан ажралган эмас. Ҳар кеча беш қадоқ кунжарани еб ётибди. Агар очиқ бозорда сотсайдим минг сўм берар эдилар. Оёғи лойга ботган одамни қўлидан тортмасангиз ҳам, елкасидан босиб юборманг-да.

— Рози бўлмасангиз,— деди Раҳим,— молингиз ўзингизга насиб қилсин. Мен ҳам буларни осонлик билан сув қилолмайман, яширин сўяман, яширин сотаман. Қўлга тушиб қолсам уч-тўрт ҳўкизининг пулини штрафга бераман.

Раҳим қассоб молхонадан чиқмоқчи бўлганда Содиқ унга:

— Хўп,— деди,— сиз айтганча бўлсин. Боя менга кўрсатган ориқ қари ҳўкизни қанча ҳисоблайсиз?

— У ҳам беш юз сўм,— деди қассоб.

— Мени жинни фаҳмлайсизми?— деди Содиқ, бир оз қизиган ҳолда,— мен у ишдан чиққан ҳўкизни беш юз сўм ҳисоблаб олиб колхозга бергунча шу қора қундузимни берсам, бўлмайдими? Мен бу ишни бирон нарса манфаат кўраманми, деб қилаётибман.

— Хайр, ана тўрт юз сўм.

— Йўқ, бўлмайди, бунинг ўрнига мана у қора қундузининг жуфтани бераман.

— Хайр, бўлмаса, қўлингизни беринг,— деди қассоб ва Содиқнинг қўлини олиб қисиб силкита-силкита:

— Боринг, барака топинг, у уч юз сўм. Мен ҳозир бу молларни олиб кетаман. Тонг қоронғисида сизга у қари ҳўкиз билан саккиз юз сўм пул келтириб бераман, тузукми?

— Хайр, боринг, барака топинг,— деган ҳолда Содиқ сиқилиб оқарган қўлини қассобнинг қўлидан ажратиб олди...

Қассоб молларни етаклаб дарвозадан чиқараётганида қора қундузнинг думини бир қўли билан сийпалаб, иккинчи қўли билан кўзидан томган ёшини артаётган Содиқ ичкари ҳовли раҳравида туриб: «Вой сигиргинам, эсиз сигиргинам, уч ойда туғар эди, ўн икки коса сут берар эди» деб йиғлаётган хотинининг товушини эшитиб тезлик билан дарвозани бекитиб, унинг олдига келди:

— Жим бўл, сочи узун, ақли қисқа хотин, келган бало ўшанга урсин,— деган ҳолда ўзи ҳам ҳўнграб йиғлаб юборди...

* * *

Колхозга кириш тўғрисида берилган аризалар тулак вақтида каптарлардан тўкиладиган пардек ёғмоқда эди. Лекин аризаларда ёзилган нарсалар қаторида иш ҳайвонининг номи оз кўринар эди. Колхознинг муваққат идораси томонидан аризаларни қабул қиладиган котиб ариза бергувчидан:

— «Нега омочингизни аризада ёзганингиз ҳолда ҳўкизингизни ёзмадингиз?» Ёки «Нега ҳўкизингиз биттагина, ерингиз кўп-ку, шунча ерни биргина ҳўкиз билан ҳайдармидингиз?!» деб сўраганда:

— «Мен камбағал, менда ҳўкиз нима қилсин» ёки «бор бисотимда биргина ҳўкизим бор эди. Шуни ҳам-ку колхозга пешкаш қилдим. Яна менга нима дейсиз?»— деган жавобни эшитар эди...

Хўжаназарбой бирдан уч аризани котибга берди. Котиб у аризаларни кўздан кечиргандан кейин:

— Бу аризаларнинг бириси-ку,— деди,— ўз номингиздан ёзилган. Бу иккитаси кимларники?

— У аризаларда ном ёзилган эмасми?

— Ёзилган, бирисига Наврўз, бошқа бирисига Ҳамид деганнинг номидан ёзилган.

— Ана ўшаларники-да,— деди бой.

— Уларнинг ўзлари ким, ўзлари қани?

— Улар менинг қайиниларим, камбағал, уятчан кишилар, ўзлари келишдан уялиб аризаларини мендан юбордилар.

— Яхши,— деди котиб,— сизнинг аризангизда биттагина ҳўкиз ёзилган, омоч, поза-тиш, дандона-мола ва бошқа деҳқончилик асбоблари биронта ҳам йўқ. Ёки сиз ҳам камбағалми?

— Мен ўзимни камбағал деёлмайман,— деди бой,— лекин замонанинг қаттиқлиги мени ҳам камбағалларга яқинлаштирган. Бир ҳўкизим ва сигиримни кузда сотиб еган эдим. Бир жувонамни қишда сўйиб едим. Эшагим ўлди, туям лойда йиқилиб оёғи синди. Уни сўйиб хом-талаш¹ қилдим, қиш...

— Бас қилинг энди, бой бобо,— деди у ерда қўлида ариза тутиб навбат кутиб турган Нормурод,— мен қўрқаманки, ҳали «ўзим ҳам колхоз хабарини эшитиб юрагим ёрилиб ўлдим» деб қоларсиз.

Котиб кулганидан кейин:

— Омоч, дандона-мола нима бўлди?— деди.

— Бу гапиришга қўймайди-ку,— деб Нормуродни кўрсатганидан кейин бой,— қиш қаттиқ келди. Қуруқ ўтин йўқ эди. Уларни ёриб тутантириқ қилишга мажбур бўлдим..

Хўжаназарбойдан кейин Нормурод ўз аризасини берди. Унинг аризасида битта чигириқ, битта чарху дук, битта пахта сават, битта чўян офтоба, битта қулоғи синган чўян қозон, битта чўмич ҳам ёзилган эди.

Котиб Нормуроднинг аризасини баланд товуш билан ўқиганидан кейин:

— Бу нарсалар нега керак, ўртоқ?— деди кулимсираб.

— Билмасам,— деди Нормурод,— «бор нарсаларингни ёз» дедилар, барисини ёза бердим-да. Колхоз бўлгандан кейин менга қозон-товоқ нега керак? Ҳар кун колхоз идорасига келиб ошимизни еб кетаверамиз-да.

— «Қозон-товоқ бирлашади» деб сенга ким айтди?— деди бир бурчакда ўтирган Эргаш.

— Билмасам, кўчада шундай овозалар бор-ку.

¹ Хом талаш — бир қорамолни сўйиб гўштини халққа хомлай садақа йўли билан беришдир.

— Бу гап бойлар, қулоқларнинг иғвоси, халқни колхозга қарши қўзғатиш учун шунақа гапларни чиқарадилар. Қамбағаллар уюшмасининг ағзоси бўла туриб кўча гапларига ишониб юриш сенга айб,— деди Эргаш.

— Хайр, қозон-товоқ бирлашса ёмонми? Уйда ташвиш тортиб юрганча тайёр ошни еяберамиз-да.

— Ҳар ким сендай ўйламайди-да,— деди Эргаш.

— Чиғириқ билан чарху дукни олиш керак,— деди у ерда ўтирган бир қўли йўқ ёш йигит.

— Нега керак?— деб сўради у йигитдан котиб.

— Ҳозир,— деди у йигит, жиддийлашиб,— биз коммунистлар пахтанинг маҳалларда чўкиб қолишига қарши кураш олиб бораётормиз. Чиғириқ билан чарху дук — пахтани маҳалларда нобуд қилиш асбоблари. Биз комсомол ва пионерлардан махсус отрядлар тузиб, чиғириқ ва чарху дуқларни йиғиб олишни уларга буюрмоқчимиз.

— Мени пионерликка қабул қилинглар,— деди Нормурод у йигитга қараб,— кунда юзта чиғириқ ва чарху дук топиб берай. Хўжаназар акамнинг уйларида ҳам ўнта чиғириқ ва чарху дук бордир.

— Сизни пионерликка қабул қилиш керак, синфий курашда ғайратли кўринасиз, майли, эллик яшар пионер ҳам бўлсин, нима зарари бор?— деб бир қўллик йигит Нормуродга жавоб бергандан кейин, Хўжаназарга қараб:

— Бой бобо, сиз омов ва дандона-мола каби деҳқончилик учун керакли нарсаларни ёриб ёққунча шу чиғириқлар билан чарху дуқларингизни ёқсангиз бўлмасмиди?— деди.

— Уртоқ Йўлдошев,— деди бой у йигитга қараб, захарханда билан,— сизнинг отангиз раҳматли Йўлдош ака жуда бечора, мулойим, ҳеч кимга озор бермайдиган яхши одам эди. Сиз нега мунча ҳар бир ишнинг тагини кавлайверасиз?

— Сизлар,— деди йигит,— оталаримизнинг ўша бечоралигидан, мулойимлигидан фойдалангансизлар-да. Бизлар энди ўша бечора, мулойим оталаримизнинг ҳақларини сизлардан талаб қиламиз.

Котиб Содиқнинг аризасини олиб қараётганида, Хўжаназарбой унга:

— Бағишлайсиз, «афандим», мен сиздан бир гапни сўрамоқчи эдим,— деди.

— Сўранг,— деди котиб, аризани столга қўйиб.

— Мен,— деди бой,— колхозга йигирма таноб энг

обод ерим билан бир хўкизимни бердим. Нормурод бўлса, тўрт таноб хароб ердан бошқа нарса бера олмади. Энди йиғим-теримда мен билан Нормурод барабар ҳақ оламизми?

Эргаш, бу саволдан шошиб қолган котибга ёрдамга келиб сўзга киришди:

— Ҳали,— деди у Хўжаназарга қараб,— бу тўғрида ўзимиз ҳам ҳеч нарса билмаймиз. Қўлимизда бирон йўл-йўриқ йўқ. Ҳали биргалашиб ишлай берамиз, йиғим-теримгача райондан бирон йўл-йўриқ келар, ёки ўзимиз кенгашиб кўпчиликнинг фикри билан бирон иш қилармиз.

Бу «оғир» саволдан «осонлик» билан қутулган котиб терлаган манглайини енги билан артиб Содиқнинг аризасини ўқиди. Унинг аризасида бир хўкиз, бир эшак, бир омов, бир молача, бир дандона-мола бир тиркиш, бир поза-тиш ва битта бўйинтуруқ ёзилган эди.

— Ҳаммадан сен баобрў чиқдинг-ку,— деди Эргаш Содиққа.

— Мен ўртаҳолдан пастроқ, у ўртаҳол,— деди сўзга аралашиб Хўжаназар.

— Энди бу киши сиздан кўпроқ ҳақ олишлари керак бўлади-да,— деди Йўлдошев аталган бир қўллик йигит, Хўжаназарга.

— Нега?— сўради Хўжаназар.

— Чунки бу киши колхозга сиздан кўпроқ нарса бердилар.

— Бунинг бир эшаги мендан ортиқ бўлса ҳам, менинг ерим уникидан ортиқ. У колхозга саккиз таноб ер берган бўлса, мен йигирма таноб бердим,— деди бой.

— Ҳақиқатан,— деди Йўлдошев,— Содиқ аканинг эшаги сиздан ортиқ.

Йўлдошевнинг Хўжаназарга урган бу ништарини колхоздан қандай қилиб кўпроқ ҳақ олиш фикри билан банд бўлган бойнинг ўзидан бошқа ҳамма англаган эди. Ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулди. Кулги сабабини тушуна олмаган бой ҳар кимга ҳайрон-ҳайрон қарамоқда эди.

Бошига кўк салла ўраб фашини узун қилиб орқасига ташлаган бир киши котибга ариза берди.

Бир у одамга, бир аризага қараган котиб:

— Сиз имом эмасмидингиз?— деб сўради у одамдан.

— Мен,— деди у,— инқилобнинг бошидан бери имоматчиликни ташлаганман, баъзи вақт савоблик учун

халқнинг намозини, бировнинг жанозасини ўқийман. Шу ҳам гуноҳ ҳисобланг диган бўлса, бундан буён буни ҳам қилмайман.

— Колхозчилар ўлиги учун жаноза нега керак?— деди бой пичинг қилиб...

Имомдан кейин ранги-қути учган бир киши ариза берди. Котиб унинг аризасини кўздан кечиргандан кейин, ундан:

— Сизнинг асосий касбингиз нима?— деб сўради.

— Мурдашўйлик,— жавоб берди у одам.

— Деҳқончилик ҳам қилганмисиз?

— Йўқ.

— Колхозга кириб энди деҳқончилик қилмоқчимисиз?

— Кўпнинг хизматидан — ўлик ювишдан бўшасам, ишласам ишлай бераман. Лекин шу кўпнинг хизмати ҳам колхознинг иши-да.

— Сиз,— деди гапга қўшилиб Йўлдошев,— мурдашўйлик қилиб колхоздан ҳақ олмоқчимисиз, шундай эмасми?

— Ҳа.

— Ундай бўлмайди,— деди Йўлдошев,— масалан, мен ўлсам мен учун мурдашўй керак бўлмайди. Чунки мен коммунист. Агар сиз мурдашўйлик қилиб колхоздан ҳақ олсангиз бошқаларнинг меҳнатидан, масалан, менинг меҳнатимдан фойдаланган бўласиз. Мурдашўйлик кўпнинг хизмати эмас, истаган айрим кишилар учун керак бўладиган бир иш...

«Колхозчилар учун мурдашўй ҳам керак бўлмас экан» деб ўз-ўзича ғурунглаган ҳолда бой эшикдан чиқиб кетди.

Котиб Йўлдошевга қараб:

— Ундай бўлса, бу кишининг аризаларини қабул қилмаймизми?— деб сўради.

— Қабул қиласиз, ҳар бир аризани қабул қиласиз,— деди Йўлдошев,— лекин аризани қабул қилиш, колхозга қабул қилиш эмас. Колхозга қабул қилиш умумий мажлиснинг қарори билан бўлади. Ҳалиги олган аризаларингизнинг бир нечасини ҳам умумий мажлис рад қилса керак...

Кўчадан ғовур-ғувур товуши чиқиб ҳамманинг диққатини мурдашўйнинг аризасидан кўчага тортди. Кўчадан:

— «Колхозга кирганларни ювмасдан, жаноза ўқи-

масдан кўмар эканлар. Бизга бундай колхоз керак эмас...» деган товуш ўнларча одам оғзидан барабар чиқмоқда эди.

Эргаш, котиб, Йўлдошев, Нормурод халқни бости-бости қилмоқчи бўлиб югуриб кўчага чиқдилар. Халқ ҳеч бир нарсага қулоқ солмай вағирлашмоқда эди. Халқнинг орасида Хўжаназарбой кўринмас, у «керосин бочкасига гугурт чаққанидан кейин» қочган эди...

VIII

Қишлоқда бир неча майда колхозлар қурилиб, уларда халқнинг гўё барчаси бирлашган, иш ҳайвонлари ҳам бирлаштирилган, ҳатто сигир, бузоқ, эчки каби уй ҳайвонларини ҳам бирлаштиришга ҳаракат бормоқда эди. Аммо умумлаштирилган иш ҳайвонларини тартиб билан боғларлик молхона ва уларни тўйдирарлик ем-хашак йўқ эди. Тор ҳовлиларга қамалган эшаклар эшаклар билан, отлар отлар билан, ҳўкизлар ҳўкизлар билан уришиб катта ғавғо кўтармоқда, бир-бирларини тепиб майиб қилмоқда эдилар.

Ем-хашак масаласи қийин бир тус олган эди, чунки колхозга бирлашган деҳқонлар иш ҳайвонларининг ярим-ёртисини бериб, қолганини нобуд қилиб юборган бўлсалар, ем-хашакларни гўёки ҳеч бермаган, уларни ўчоқларга ёққан, яширган, ёки яширинча сотган эдилар.

«Юз процент пахта экилсин» деб бўлаётган ташвиқотлар, ҳатто пахта экиш вақти ўтган бўлса ҳам пахтадан бошқа экин экилган ерларнинг экинларини зўр билан бузиб ташлашлар келажақда ҳам ем-хашак учун бирон умид қолдирмаган эди.

«Большевиклар халқни моллари билан бирга очликдан ўлдирадилар, ишлаб азоб чекиб ўлгандан кўра, ишламасдан тинч ётиб ўлиш беҳроқ» деган мазмунда бойлар, муллалар, қулоқлар ва, умуман, аксилинқилобчилар томонидан бўлаётган ташвиқот халқни ишдан қочириб, руҳини сўндирмоқда эди.

Ҳатто Шўролар ҳукуматига садоқат билан кўнгил боғлаган камбағаллардан ҳам баъзилари: «Ҳукумат учун пахтадан ҳосил олиш эмас, балки хоҳ ҳосил берсин, хоҳ йўқ, ҳамма ерга юз процент пахта экиш керак экан» деб бир-бирлари билан дардлашмоқда эдилар...

Лекин райондан, марказдан устма-уст келаётган раҳ-

барларнинг йўл кўрсатишлари ва амалий ёрдамлари билан ишлар ўз йўлига кира бошлади. Айниқса, саноат марказларида ВКП(б)нинг директиви билан қишлоққа чиққан машҳур йигирма беш мингчилар қишлоқларда амалий раҳбарликка киришганларидан кейин қишлоқда янги руҳ кўрина бошлади.

* * *

— Ҳа, отаси, сиз ҳам колхоздан чиқдингизми?— деб ориқ қари хўкизи билан маслуқ эшагини судраб келган Содиқни хотини қувонгандай бўлиб қарши олди.

— Йўқ, чиқмадим,— деб жавоб берди.

— Ундай бўлса, нега молларни олиб келдингиз?

— Молхона ҳам ем-хашак тўғрисида қийинчилик чиққани учун умумийлаштирилган ҳайвонларни вақтинча эгаларига топшириб қўйиш маслаҳат топилди.

— Кўп кишилар колхоздан чиқаётирлар-ку, сиз ҳам чиқсангиз бўлмасмиди?

— Мен,— деди Содиқ,— шу уйнинг куйгур Хўжаназарбойнинг қастига колхоздан чиқмадим. Вақтида мени колхозга қарши игво қилди, бутун молларимнинг нобуд бўлишига, айниқса, қора қундуз хўкизимнинг жувонмарг бўлишига сабаб бўлди...

— Эсиз сигиргинам, эсиз товуқларим,— деб эрининг сўзини кесган хотин эрининг ҳасратига қўшилди.

— Шунга айт-а,— дегандан кейин Содиқ сўзини давом эттирди:

— Хўжаназар мени ва бошқаларни колхозга қарши игво қилиб, ўзи уч хўжалик бўлиб ҳаммадан бурун колхозга кириб олди. Энди менинг қўлимда ҳеч бир нарса қолмагач, яна мени «колхоздан чиқ» деб игво қила бошлади.

— Хўжаназарнинг ўзи колхоздан чиқдими?— деб сўради хотини эридан.

— Йўқ, уни колхоздан қувмасалар, ўз ихтиёри билан чиқмайди, чунки ҳозирча колхоз унинг учун бир соғим сигир. Лекин бошқаларни колхоздан чиқишга далолат қилади... Шу йўл билан бир ёқдан колхозни бузмоқчи бўлса, иккинчи ёқдан шу вақт колхоз омборига келиб тиралган ун, буғдой, қанд, чой, керосин, совун ва газлама каби моллардан кўпроқ улуш олмақчи бўлади. Мени «колхоздан чиқ» деб игво қилганида, мен унга «ўзингиз

ишламасдан уч хўжалик бўлиб колхоз омборидан ҳақ олганингиз ҳолда менинг ишлаб бир хўжалик учун ҳақ олишимни кўра олмайсизми?» дедим ва бошқа гапирмадим.

— Қолхоздан чиқсангиз эди, аввалгидай тўрт-бешта товуқ қилиб, сигир олиб, тинчроқ тирикчилик қилар эдик,— деди хотини.

— Бугунги мажлисда гапирилган гапларга кўра,— деди Содиқ,— колхозчи бўла туриб ҳам товуқ сақлаш, бирорта сигир боқиш учун ҳар кимга йўл очиқ... Лекин,— деди Содиқ бир оз ўйлаб тургандан кейин,— бу шум бойларнинг иғволаридан қишлоқда товуқ, сигир деган нарса қолмаганидай, молга берарлик ем-хашак ҳам қолмади.

— Бизнинг бир сигирга етарлик сомонимиз бор-ку. Қассобга сотилган молларнинг пулини ҳам тугиб қўйибман. Биронта сигир олсангиз бўлмайдимиз?

— Аввали шуки,— деди Содиқ,— қассобга сотилган уч молнинг пулига ҳозир бир сигир ҳам олиб бўлмайди; иккинчидан, бор сомонни бу қари ҳўкиз билан маслуқ эшакка егизишим керак, бўлмаса, булар ишлай олмайдилар, ҳатто очдан ўладилар.

— Яшириб қўйган сомонингизни колхоз молига егизиш учун сақлаб эдингизми?

— Мен,— деди Содиқ,— сомонни шу Хўжаназарнинг қасдига сақлаган эдим. У ўз сомон-бедаларини яширинча Ғиждувон бозорига олиб бориб сотди. Бошқаларнинг ҳам сомонларини арзон нарх билан қўлга киргизиб, сотиб катта фойдани ўз чўнтагига тикди. Менга ҳам «сомонларингни сот, бозорга чиқаришдан қўрқсанг, ёки улов тополмасанг, менга бер, мен пул қилиб бераман» деб гапира бошлади. Лекин мен бойларнинг берадиган маслаҳатларининг бариси ўз фойдалари ва меҳнаткаш деҳқонларнинг зарарлари йўлида бўлганини мажлисларда Сафарқул ва Эргаш ака каби одамларнинг гапирган гапларидан тушуна бошлаган эдим. Шунинг учун унинг бу гапига қулоқ солмадим-да, сомонхонанинг эшигини шуваб олдига шох босиб қўйдим. Мана ўша сомон бугун иш берди, бўлмаса саҳар туриб колхоз ерларида қўш қўшганим ҳолда кундуз ажриқ ковлаб, хашак териб бу қари ҳўкизни боқишга мажбур бўлар эдим.

— Бу ҳўкиз колхозники бўлса, унинг тўйганидан сизга нима нафу, оч қолганидан нима зарар? Сомонни си-

гир олиш ниятида сақланг, ҳўкиз учун ажриқ ҳам ков-
лаб юрманг.

— Сенинг сочинг узун, ақлинг қисқа, гапни тушун-
майсан,— деб хотинини бир оз жеркигандан кейин давом
қилди Содиқ:

— Аввали шуки, аравакаш билан қўшчи ўзи оч қолса
ҳам, ўз ҳамкори бўлган от билан ҳўкизини тўйғазишга
интилади. Бу улар учун бир касал. Мен ҳам эски бир
қўшчи бўлганим учун қўлимга топширилган ҳўкизни
тўйдиришга мажбурман. Иккинчидан шуки, умумийлаш-
тирилган иш ҳайвонларини вақтинча илгариги эгаларига
топширганда, уларни у ҳайвонлар учун жавобгар қилиб
қўйдилар. Агар менга топширилган бу қари ҳўкиз оч-
ликдан ўлиб қолса, сигир олиш ниятида тугиб қўйган
пулингни бунинг товонига беришга мажбур бўламиз.
Шунинг учун ҳам мен бу қари ҳўкизни тўйғазиб туришга
мажбурман.

— Хўп,— деди хотин,— тайёр сомонни колхоз ҳўки-
зига егиза қолинг. Лекин ёз бўлиб, ўт-беда кўпайганда,
бир сигирни боқолмайсизми?

— Колхозда Шошмақул деган бир киши бор. У ҳуку-
мат катталарининг бири билан қалин ошна экан. У Тош-
кентга кўп бориб келади. Яқинда Тошкентга бориб ўз
ошнаси бўлган ҳукумат каттасидан «Бугун йўнғичқа-
пояларни бузиб юз процент пахта экишга, арпа, бугдой
каби экинларга ҳеч бир йўл қўймасликка, молларга ем-
хашак бўладиган жўхори ва алафи гав каби экинларни
колхоз ерларига яқинлаштирмасликка йўл-йўриқ олиб
келди. Ҳозир йўнғичқапояларни бузаётирлар. Бу аҳвол-
да сигиринг нари турсин, колхоз моллари ҳам очликдан
ўлади.

— Илоҳий тавба!— деди хотин таажжубланиб,—
ахир, колхоз катталари ем-хашаксизликдан колхоз мол-
ларининг ўлишини тушунмайдиларми?

— Ҳаммаси тушунади. Фақат ишни ўша Шошмақул
бузаётир.

— Шошмақулингизга гапирадиган бирон одам йўқ-
ми, ахир?— деди хотин яна ажабланиб.

— У ҳукумат каттасининг номидан гапиргандан ке-
йин гапини ким қайтара оларди. Ҳар ким унга қарши
гапирса: «Сен ҳукуматга қарши, сени судга бериш ке-
рак», деб дўқ уради.

— Хўп,— деди хотин,— ҳамма ерга юз процент пахта

экмоқчи бўлсинлар. Бу оз қолган қўш ҳўкиз ва оғлар билан қандай қилиб ҳамма ерга пахта эка оладилар. Ҳолбуки «пахта экиш учун ерни уч-тўрт марта яхшилаб ҳайдаш ва дандона-мола қилиш керак» дер эдингиз-ку.

Содиқ хотинининг бу саволига жавоб беришдан илгари кўчадан қийғос ва говур-ғувур товуш эшитилиб, эр-хотиннинг суҳбатини тўхтатди. «Нима гап экан?» деб Содиқ югуриб кўчага чиқиб кетгани каби, хотини ҳам ирғиб тандир устига чиқиб у ердан ўзини томга олди.

* * *

Кўчада район томонидан иккита тасмачарх трактор келмоқда ва бу тракторларнинг орқасидаги бир неча араваларга турли моллар ортилган эди. Тракторлар, ннкоҳ кечасида келинникига бораётган куёвдек, соллана-соллана виқор билан юрмоқда эдилар. Уларнинг олдида ноғора, сурнай ва дўмбира чалиб бораётган қишлоқ пионерлар тўдаси биринчи келган тракторларни ҳақиқатан ҳам эски замоннинг «куёв келди» маросимига айлантирган эдилар.

Қишлоқдаги бутун халқ кўчага отилган бўлиб, оломоннинг кўплигидан тракторлар зўрға йўл топиб юар эдилар. Чоллар «илоҳи тавба!» деб ёқаларини ушлар, ёш болалар чувиллашиб югуришиб пионерларнинг парадига халъл бермоқда эдилар.

Тракторлар қишлоқ совети олдидаги колхоз идорасига келиб тўхтадилар. Уларга шатакляб келтирилган араваларнинг юклари колхоз омборига туширилгандан кейин митинг бошланди. Митингда Сафарқул, Эргаш Қулмурод, Шошмақул ва бошқалар тракторнинг қўш ҳўкиздан неча даража ортиқлигидан ва у билан бир кунда неча гектар ерни чуқур қилиб ҳайдаш мумкинлигидан гапирдилар. Митингдан кейин тракторчилар курсини ўша кунларда тамомлаб келган Муҳаббат тракторлардан бирини миниб, ҳайдаб кўрсатиб, тўпланган одамларни ҳайратда қолдирди.

Муҳаббат тракторларни бир-бир колхоз саройининг айвонига киргизиб қўйди. Томоша учун тўпланган оломон тарқалди ва колхоз фаоллари кўклам экинининг иш планини ишлаб чиқиш учун колхоз идорасига кирдилар. Сафарқул томоша учун тўпланган халқ орасидаги Содиқни ҳам чақириб ундан иш плани тузишга иштирок қилишини сўради.

— Сиз кўп тажрибали деҳқонсиз. Сизнинг бой тажрибангиздан колхоз манфаати ва халқ манфаати учун фойдаланиш керак,— деди.

Колхоз идорасида иш қизиб бораётганда, кўчадан яна қийғос, яна говур-ғувур товушлар эшитила бошлади. Кўп одам бирдан «биз тракторни истамаймиз» деб дод демоқда эдилар.

Сафарқул бошда бўлган ҳолда мажлисдагилар кўчага чиқдилар.

— Нега тракторни истамайсиз?— деб сўради Сафарқул, дод-фарёд қилаётган одамлардан.

— Трактор билан ҳайдалган ер мурдор бўлади, ҳосил бермайди, меҳнатимиз куяди,— деди у одамлардан бири.

— Тракторни шайтон чиқарган, биз одам чиқарган омон ва тишдан ажралмаймиз,— деб бир неча киши аввалги одамнинг гапини қувватлади.

Сафарқул бу гапларни эшитиб аввал кулди, сўнгра жиддий вазият олиб, овози борича бақириб одамларни жим қилди-да, уларга:

— Менинг орқамдан юринглар!— деб ўзи олдин тушиб одамларни бошлаб колхоз омборига олиб борди.

Омбор бугун тракторлар тортиб келган моллар билан тўла эди; бир томонда шифтгача устма-уст терилиб қўйилган ғалла тўла қоплар; бир томонда той-той газламалар, бир ёқда яшик-яшик чойлар, совунлар, бир ёқда бочка-бочка оқ мой, керосин ва бошқа саноат ва озиқ-овқат моллари турарди.

Сафарқул молларни оломонга бирма-бир кўрсатиб:

— Агар трактор билан ҳайдалиб экилган ер, қўш ҳўкиз ва омон, тиш билан ҳайдалиб экилган ердан кўпроқ ҳосил бермаса, мен шу молларнинг ҳаммасини сизга бепул бўлиб бераман,— деди.

Молларни кўриб кўзлари қамашган одамлар, Сафарқулнинг гапларига унча ишонмаган бўлсалар ҳам, бир даража юпаниб тарқалдилар...

* * *

Колхоз идорасида бўлган иш плани тузиш мажлисини тугатиб уйига келган Содиқ хотинини бир бурчакда ўралиб ётган ҳолда кўрди — хотин юз-кўзига ва бошига қалин латта ўраб, устига серпахта бир кўрпани

тортиб ётмоқда эди. Бу аҳволдан чўчиб кетган Содиқ хотинидан:

— Бу не ҳол, онаси, хайрликми, бирон жойинг оғрийдими?— деб сўради ажабланиш оҳанги билан.

— Ўтиб кетдим, ё ҳали ҳам шундами?— сўради хотин, эрининг сўроғига жавоб беришдан бурун.

Бу муносабатсиз саволдан, Содиқ яна ҳам ортиқроқ қўрқди: «Бу хотин ақлдан озган бўлмаса яхши эди. Агар шундай фалокат юз берган бўлса, мен бу ёш болалар билан қандай кун кечираман», деди ўз кўнглида ва хотинига:

— Ниманинг ўтиб кетганини, ё турганини сўрайсан? Тушуна олмайман,— деди.

— Дажжол эшагини сўрайман,— деди хотин, эрини яна ҳам ортиқроқ таажжубда қолдириб.

— «Дажжол эшаги» деганинг нима? Мен сенинг гапларингни тушунмайман. Ёки сенга бирор нарса бўлганми? «Худоё худовандо, ўзинг ўз паноҳингда сақла!»— деди Содиқ, сўзининг охирида ўз-ўзига.

— Ўзингиз ҳам орқасидан югуриб юрган ва ногора, сурнай билан кўчадан ўтган дажжол эшагини сўрайман-да, нега тушунмайсиз?

— Тур-э, сочи узун, ақли қисқа хотин!— деди Содиқ кулги аралаш, хотинининг жинни бўлмаганидан қувонгани ҳолда, сўнгра жиддий оҳанг билан давом этди,— дажжол эшаги деб ўйлаган нарса трактор — қўш ўрнида ер ҳайдайдиган машина эди.

Бу гап билан хотиннинг кўнглидан шубҳа йўқолмаган бўлса ҳам, эрига бўлган сўзсиз итоати ва унинг газабидан қўрқиши сабабли истар-истамас ўрнидан турди.

— Очиб ташла бу латта-путталарингни!— деб Содиқ дўқ урганда хотин юзу кўзини оча бошлади. Қалин латталардан бошқа хотинининг қулоқларига пахта ҳам тиқилган экан, уларни ҳам олиб ташлади. Аммо ҳали ҳам унинг ранги қути ўчган ва оқарган лаблари қўрқувдан титрамоқда эди.

— Қани айт-чи, тракторни сенга ким дажжол эшаги деди? Юзу кўзу, бошингни қулоқларинггача нега бекитдинг?— деб сўради Содиқ.

— Сиз кўчага чиқиб кетгандан кейин, «кўчада нима бало бўлган экан, кўриб қолай» деб мен ҳам томга чиқдим,— деб ҳикоя бошлади хотин,— кўчада, оёқлари ма-

талларда айтиладиган рўдафонинг оёқларидай, бир-бирига ўралиб бораётган қўрқинчли бир ажойиб нарсани кўрдим. Шу вақтда қўшнимиз гуручфуруш Шербекнинг ҳовлисидан кўп хотинларнинг бировни чақираётган товушлари эшитилди. У томонга қарасам, биби халфа билан бир неча хотин мени чақирмоқда эканлар. Улар томонига бориб, том бошида туриб, мени нега чақирганларини сўрадим.

— «Худодан қўрқмайсанми, дажжол эшагини томоша қиласан?— деди биби халфа менга.— Ҳар ким дажжол эшагини томоша қилса, тўғри дўзахга тушади». Мен дажжол эшаги номини эшитганимданоқ, ҳушсизланиб йиқилаёздим. Лекин «бисмилло, бисмилло» деб ўзимни тутиб, бир бало қилиб томдан тушиб уйга кирдим. Кичкина бола вақтимда катта онам менга дажжол эшаги воқеасини ҳикоя қилиб: «Ҳар ким уни кўрса ёки ногора, сурнайнинг товушини эшитса, тўғри дўзахга боради» деган эди. Шунинг учун мен юзу кўзларимни қулоқларим билан бирга бекитдим. «Уни билмасдан бир марта кўрганимни ва ногора, сурнайини эшитганимни худо бағишлар, бундан буён уни кўрмайин ва ногора товушини эшитмайин» дедим ўз кўнглимда.

— «Сочи узун, ақли қисқа»,— деб хотинини яна жеркигандан кейин, Содиқ давом этди.— биби халфа ва Шербекнинг хотини каби хотинларнинг мақсадлари маълум. Улар ўз эрлари каби колхозга қарши. Шунинг учун улар трактор келиб, колхоз иши олдинга боришини истамайдилар ва колхоз тўғрисида бўлмағур гаплар чиқарадилар. Аммо сен кабилар уларнинг гапларига алданасанлар.

Энди хотиннинг ранги қути жойига келган ва башарасидан қўрқинч аломати бутунлай йўқолган эди. У эрига илжайиб қараб туриб:

— Отаси! Сиздан бир гап сўрамоқчи эдим, агар аччиғингиз келмаса, сўрайин,— деди.

— Сўра,— деди Содиқ, хурсандлик оҳанги билан.

— Нега сиз мени ва бошқа хотинларни ҳар вақт: «Сочи узун, ақли қисқа» деб сўкасиз?

— Бу гапим тўғри,— деди Содиқ, жиддий оҳанг билан ва давом этди:— мен авваллари бу гапни муллардан эшитиб айтар эдим. Аммо бора-бора бу гапнинг тўғрилигини ўз тажрибам билан билдим.

— Қандай?— деб сўради хотин ажабланиб.

— Бунинг мисоли ҳозирги воқеадир: Сиз «сочи узуну, ақли қисқа» хотинлар тракторни «дажжол эшаги» деб ундан қўрққанларингиз ҳолда сочини кесиб қисқартган Муҳаббат опа трактордан қўрқиш нари турсин, уни миниб ер ҳайдаб кўрсатиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди. Муҳаббат опа-ку кўпни кўрган, партизанлик қилган ўрта ёшли хотин. Фафур урчуқчининг қизи — Фотимагинани кўрмайсанми? Комсомол бўлиб, сочини қисқартган бу қизча катта ёшли эркаклардан ҳам донороқ бўлган. У бойларнинг ҳийла-найрангларини ҳаммадан олдин билиб олади ва одамларга айтиб беради. Мен Хўжаназарнинг ивгогарлигини аввал шу қизчадан билиб, тушуниб олдим,— ва яна қўшимча қилди:— Кейинги вақтларда колхоз ишининг бир оз олдин борганлигидан, озиқ-овқат ва бошқа молларнинг кўп келганлигидан, айниқса, икки тракторнинг бирдан бизнинг колхозимизга келишидан мен ҳам жонланиб яшара бошладим.

IX

Кўк юзини кул ранг булут қоплаган. Ҳаво совуқ, қор учқунламоқда эди. Ҳавонинг шундайлигига қарамасдан теримчилар пахта даласида эдилар.

Теримчиларнинг ишларини кўздан кечириб пахта майдонларини айланиб юрган Сафарқул бир тўда теримчилар олдига келиб:

— Бугун колхозчилар қаёққа кетган-а? Аъзоларнинг ярмиси ҳам теримда кўринмайди,— деди.

— Тўйга,— деди теримчилардан бири ва ўз сўзига изоҳ қилиш йўлида қўшимча қилди:

— Боғиафзалда бир бой уч сўқим сўйиб, катта тўй қилган. Атроф қишлоқларни жамоат-жаппа чақирган. Эргаш аканинг қўлига тушмаган ҳамма колхозчилар ана ўша тўйга кетганлар.

— Синфий душманларнинг навбатдаги ўйинлари,— деган ҳолда бошқа майдонга қараб кетди Сафарқул.

— Синфий душманларнинг навбатдаги ўйини эмиш?— деди у одам узоқлашган Сафарқулни мазахлаб,— агар Эргаш аканинг қўлига тушмасайдим, мен ҳам тўйга борар эдим.

— Синфий душманнинг тўйигами?— деди Нормурод, унга пичирлаб.

— Унинг синфий душманлигидан нима зарару, бошқаларнинг синфий дўстликларидан нима наф? Мен учун «така бўлсину, сут берсин».

— У синфий душман сенга қачон сут берган?— деб сўради Нормурод у одамдан.

— Мана шундай совуқ ҳавода тўй қилиб халқнинг қорнини тўйғизгани сут-да,— деди у одам,— сизлар синфий дўст бўла туриб, шундай совуқ ҳавода пахта тердирасизлар. У бўлса, сўқим гўшти ва зиғир мойи билан иссиққина палов пишириб егизади.

— Аввали шуки,— деди Ғафур урчуқчи сўзга қўшилиб,— бойнинг тўй қилиши сени ва бошқаларни тўйғизиш учун эмас, балки сизларни ишдан қолдириб, пахта теримига халал бериб, шу восита билан ҳам колхозга, ҳам колхозчиларга, ҳам меҳнаткаш якка хўжаликларга, ҳам давлатга зарар етказиш учундир. Иккинчидан, сен пахтани биз учун эмас, ўзинг учун терасан.

— «Ҳаво-ю ҳавас» деганлар,— деди у одам,— пахтани териш керак экан, ҳавонинг яхшилигида териб тугатсанглар бўлмасмиди?

— Биз икки ойдан бери пахта тераётирмиз,— деди Нормурод,— шу муддатга сен ва бошқа дангасалар биз қатори ишласайдинглар, қачонлар теримни тугатардик. Ҳолбуки шу икки ой орасида мен сени теримда тўрт-беш мартадан ортиқ кўрганим йўқ.

— Хотиним-чи?— деди у одам аччиғланиб,— мен бозор билан овора бўлиб юрганимда, теримга хотиним чиққан, у уй иши билан саргардон бўлганда, мен чиққанман. Фойдаки хўжалик бошига бўлинадиган бўлса, ишга ҳам ҳар хўжаликдан бир киши чиқади-да.

— Мен хўжалик бўлиб ҳақ оламанмики, ҳам ўзим ишлаб келдим, ҳам хотиним, ҳам қизим,— деди Ғафур урчуқчи.

— Сиз,— деди Ғафурнинг қизи отасига,— СССРнинг пахта мустақиллиги йўлида қандай ишлаш кераклигини тушунган одамсиз. Мавлон акам бўлсалар тушунмаган. Бу кишига ҳам тушунтириш керак. У вақтда «Бойнинг тўйдан қолдим» деб афсусланмасдан, ҳавонинг совуқлигидан нолимасдан теримга чиқаберардилар.

— Мен ҳам,— деди Содиқ,— бир хўжалик ҳисобла-

наман, шундай бўлса ҳам, теримда хотиним билан бирга ишладик. Хўжаназарбой уч хўжалик ҳисобидан ҳақ олиб келгани ҳолда на экишда, на чопиқда ва на теримда пахта увотига оёқ босган.

— Хўжаназар,— деди Фотима,— пахта увотига қадам босган бўлмаса ҳам, колхоз идорасидан оёғини узмади. Эски мирзалардан бирини колхозга хўжалик мудирини қилиб қўйибди. Сафарқул акамлар ишга чиқиб кетгандан кейин у колхоз идорасига боради, хўжалик мудирини олдида ўтириб, гап сотади, мол олади. Сафарқул акамлар даладан далага, уйдан уйга югуриш билан овра, дангаса аъзоларни қамоққа олгандай, битта-битта тутиб ишга соладилар, у бўлса, идорага бориб, ўз ишини қилмоқда.

— Сен-ку,— деди Фотимага Содиқ,— ҳар бир гапни тушунадиган қизсан. Шу гапларни Сафарқулга айтсанг бўлмайдим? Биз гапирсак, «группабозлик қилманглар, колхозни бузасизлар» деб сўкадилар. Сен бўлсанг, комсомол аъзоси, сенинг гапингни тинглайдилар.

— Мен шу тўғрида Сафарқул акамга бир неча бор гапирдим,— деди Фотима.— «Ҳали бу гапларни қўя тур, ҳозир дала ишини йўлга солиб ҳосилни йиғиштириб олайлик, сўнгра идора ишини тартибга соламиз» дедилар.

— Дала ишини йўлга солиш шуми? — деди Содиқ жаҳли чиқиб,— мен хотиним билан бирга ҳар кун ишлай-ю, Хўжаназар бир кун ҳам ишламасдан, аммо ҳақ олганда «тайёр ошга баковул» бўлиб ўтирсин, бундай иш одамга жуда алам қилади-да.

— Мен-чи?— деди Хўжаназарнинг катта қайинисини Наврўз,— поччам ишга чиққан бўлмасалар ҳам, мен у кишининг томонларидан ишламоқдаман-ку.

— Сенинг ўзинг бир хўжалик ҳисобланасан,— деди Ғафур урчуқчи унга,— сен ўзинг учун, уканг Ҳамид ҳам ўзи учун, поччанг ҳам ўзи учун ишлашларинг керак. Сенинг ора-сира чиқиб ишлашининг поччангга нима дахли бор?

— Мен қандай бир хўжалик ҳисобланаманки,— деди Наврўз,— на менинг ва на укамнинг «бир парча еримиз йўқ», на мен ва на укам бу кунгача колхоздан бир кафт бугдой ёки бирон пуллик мол олганимиз ҳам йўқ. Биз «поччамнинг ош-нонларини еб» колхозда ишлаб юрибмиз.

— Бу,— деди Фотима,— эксплуатациянинг энг қабоҳатли шакли. Қолхозчиликдан бурун бойлар ўз етимларига озми-кўпми етим ҳақи бериб ишлатиб, эксплуатация қилиб келган бўлсалар, колхозчилик даврида «сенлар менинг ош-нонимни еб колхозда ишлаб юрибсанлар» деб уларни ўзларидан миннатдор қилганлари ҳолда ҳеч нарса бермасдан эксплуатация қилмоқдалар... бу бечораларнинг синфий онгини очиш ва колхозни бу расволикдан қутқазиш керак...

Фотима пахта билан тўлган қопчасини бўшатиб келиш учун кўтариб увот томонига йўналди. Теримчилар қаторидан орқада қолиб, ёш болалар кесак ўйнагандай, этагидаги ғўза барглари билан ифлос қилиб терган пахтасини ўйнаётган Мавлоннинг олдидан ўтаётганида, унинг:

— Фотима, сен нега бунча жон куйдириб ишлайсан, фақир халқ ҳукуматини шу билан бой қилмоқчимисан?— деганини эшитмагандай бўлиб ўтиб кетди...

Фотима пахта қопчасини бўшатаётганида ноғорасурнай чалиб райондан келаётган комсомол ва пионерлар узоқдан кўринишлари билан унинг хит бўлган табиати очилди. Қопчасини пахта чоши устига ташлаб, ҳашарчиларни қарши олишга югурди...

Комсомол ва пионерлар иш бошига келиб пахтани кўп териш, хас-хашаклар билан булғатмасдан териш, очилган пахталарни чаноғида қолдирмасдан териш шартлари билан ўзаро социалистик мусобақа боғлаб, бригадаларга бўлиниб далага ёйилдилар. Мавлон билан Наврўз ўз иссиқ жойларини ташлаб шундай совуқ ҳавода ўзларига ҳеч дахли бўлмаган колхознинг пахтасини ғайрат билан тераётган ёшларнинг ишларидан ҳайрон қолмоқда. Нормурод ўрнидан туриб, «менга ҳам бўйинбоғ беринглар, мен ҳам эллик яшар пионер» деб ҳаммани кулдирмоқда. Фотима бўлса, бир бригадага қўшилиб:

Уйнайлик-э, кулайлик-э,
Шўроларда яшайлик.
Шўроларда яшайлик-э,
Оқ олтинни терайлик...

деб ашула айтиб, пахта термоқда эди...

— Шу ўн кунлик штурм натижасида,— деди колхознинг партия ташкилотчиси Сафарқул, колхоз активлари мажлисида,— биз пахта топшириш планини зўрага 70 процентга етказдик. Бу ҳол биз учун чидаб бўлмайдиган шармандалик. Бу тўғрида фаоллар фикр олишиб, бу қолоқликнинг сабабини топишлари ва амалий чора кўришлари керак...

— Менинг ҳисобимча,— деди Эргаш,— биз бу йил бир неча сабабларга кўра (колхозимизнинг янгилиги, меҳнат интизомининг йўлга қўйилмаганлиги, экишнинг ўз вақтидан кечикишидан) планни тўлдира олмаслик ҳам, бу даража орқада қолмаслигимиз керак эди. Чунки, трактор ерларимизни якка хўжаликлар учун муяссар бўлмайдиган бир тартибда чуқур ҳайдаб берди. Агрономлар чигитни саралаб, дорилаб бердилар ва ҳар турли ёрдам ва раҳбарлик қилдилар. Меҳнат интизоми тўла амалга оширилган бўлмаса ҳам, камбағаллар, виждонли ўртаҳол деҳқонлар «ўзимиз қурган ниҳол (колхоз) вояга етсин» деб кучлари борича яхши ишладилар. Шундай қилиб, ҳосил мўл бўлмаса ҳам, ўртача бўлди...

— Мен, как партийний, айтаманки, терим кўнгилдагидай уюштирилмади,— деб Эргашнинг сўзини бўлди Шошмақул.

Мажлисида раислик қилаётган Сафарқул Шошмақулни огоҳлантириб:

— Ўртоқ Шошмақул! Сен «как партийний» шу кун бўлиб ўтган партия мажлисида кўп гапирдинг, партия аъзоси бўлган ўртоқлардан жавоб ҳам эшитдинг. Энди активлар мажлисида тинчгина ўтириб, гапириш учун навбат кутиб, гапираётган ўртоқларнинг гапиришларига йўл қўйсанг яхши бўлар эди,— деди ва Эргашга қараб ўз сўзини давом қилдиришни сўради.

Эргаш давом қилди:

— Терим бошида бир оз бўш бошланган бўлса ҳам, партия ташкилотининг раҳбарлиги соясида кейинчалик иш қизиб кетди. Комсомол ва пионерлар ҳам катта ёрдам қилдилар. Шундай қилиб, терилмаган бир донга ҳам кўрак қолмади. Аммо, шундай бўла туриб план тўлмай қолди. Менинг фикримча, пахта қишлоқда чўкиб қолган.

— Мен, как партийний, партия ташкилоти тузук иш-

ламаган дейман,— деди Шошмақул, яна ўтирган жойдан.

Сафарқул яна Шошмақулга қараб:

— Гапирадиган бўлсанг туриб гапир, бўлмаса ўтирган ўрнингдан гап отиб мажлис интизомини бузма,— деди.

— Мен, как партийний, гапирадиган гапимни гапирдим. Алоҳида сўз сўрамайман,— деди Шошмақул ўтирган жойдан.

Мажлис раиси гапирмоқчи бўлган Муҳаббатга сўз берди.

— Ишдан қочиб юрган баъзи колхозчиларнинг ва якка хўжаликларнинг ҳовлиларида,— деди Муҳаббат,— чарху дук, чиғириқ ва тўқимачилик дўконлари ишламоқда. Бундай нарсалар, бир томондан, колхозда меҳнат интизомининг бузилишига сабаб бўлсалар, иккинчи томондан, гайёр бўлган пахтанинг нобуд бўлишига сабаб бўладилар. Менинг фикримча, бутун чарху дук, чиғириқ ва тўқимачилик дўконларини қишлоқдан йиғиб олиш ва йўқотиш керак.

— Вақтида мен,— деди сўзга чиққан Нормурод,— «чарху дук билан чиғириғимни колхозга топшираман» деганимда ўртоқ Йўлдошевдан бўлак ҳаммаларингиз мендан қулган эдингизлар. Энди билдингларми, чарху дук ва чиғириқдан колхоз пахтасига қандай зарар келар экан.

— Мен, как партийний, айтаманки,— деди Шошмақул,— пахта плани тўлмаганининг асосий сабаби чарху дук ва чиғириқда эмас...

Сафарқул Шошмақулни яна бир марта огоҳлантиргандан кейин, колхоз раиси Йўлдошевга сўз берди.

— Чарху дук, чиғириқ ва тўқимачилик дўконлари,— деди Йўлдошев,— биргина пахта плани тўлмаганлигининг асосий сабаби бўлиб қолмай, социализм қурилишига ҳам ҳар тарафлама зарар етказди: бир томондан, бу нарсалар бир қисм колхозчиларни ўз томонларига тортиб социалистик меҳнат интизомининг бузилишига сабаб бўлсалар, иккинчи томондан, ўғрилиқка, учинчи томондан, спекуляцияга йўл очадилар,— нотик бу гапларни изоҳлаш йўлида давом этди:

— Чунки бириси пахтани чигитлик ҳолида ўғирлаб сотса, иккинчиси чиғириқдан ўтказиб, тозалаб сотади, учинчиси йиғириб, ип қилиб, тўртинчиси тўқиб мато қи-

либ сотади, энг охирида бу ўғирлик йўли билан пайдо бўлган мато спекуляция йўли билан бутун республикани, ҳатто қўшни республикаларни ҳам «саёҳат» қилиб чиқади. Шунинг учун тездан бу балонинг олдини олиш керак.

— Мен ҳайронманки,— деди колхознинг сўзга чиққан хўжалик мудирини,— халқ силлиқ ва чидамли сурп, чит ва сатинларни олмай, қўпол ва дағал бўз, ва қалами орқасидан югуради,— хўжалик мудирини ўз сўзини изоҳлаб давом этди:— Бизга от-арава, трактор ва тракторчи расми туширилган бир неча той сатин келган эди. Колхозчилар ўшандан бир метр ҳам олмадилар.

— Менинг эшитишимча,— деди Ғафур урчуқчи,— ўша сатин тўғрисида Хўжаназар: «унда от, одам каби жонли нарсаларнинг сурати бор, сурат бўлган уйга малойика кирмайди ва сурат бўлган жойда намоз ўқиш ҳам тузук эмас» деб гап тарқатган, шунинг учун баъзи одамлар олмаганлар.

— Майли, у бор жойда намоз ўқиб бўлмаса ҳам,— деди хўжалик мудирини Нормурод,— менга ўшандан бир неча метр бер, битта кўрпа қилиб олай.

— Тамом бўлди,— деди хўжалик мудирини,— колхозчилар олмагач, хусусий одамларга сотиб тугатдим.

— Гап,— деди мажлис раиси Сафарқул,— пахта планини қандай қилиб тўлдириш, пахтанинг чўкиб қолиш ва у билан спекуляция қилиш йўлини қандай қилиб тўсиш устида борар эди. Бора-бора фаоллар мажлиси кооператив дўконига айланди. Ўртоқлардан асосий мақсад тўғрисида гапиришни сўрайман.

Яна бир неча киши бу масала устида гапиргандан кейин:

— Гап кўп бўлди,— деди Эргаш,— мен таклиф қиламанки, сўзни тўхтатиб, қандай чора кўриш тўғрисида таклиф киргизилсин.

— Как коммунист, мен таклиф қиламанки,— деди Шошмақул,— халққа «чарху дук ва чигириқларингизни келтириб топширинглар» деб эълон қилинсин.

— Бу таклифингни «как коммунист» партия мажлисида қилиб етарли жавоб олган эдинг,— деди Шошмақулга раис.

— Яна кимнинг таклифи бор?— деб мажлисдагиларга қаради.

— Мен ўртоқ Шошмақулнинг таклифларига қўшиламан,— деди колхознинг хўжалик мудирини.

— Бундай эълон ҳеч натижа бермайди,— деди Йўлдошев,— бундай эълон билан бир одам чарху дугини келтириб берса, ўнтаси яширади ва талаб қилсанг, «чарху дугим йўқ» дейди, қўяди.

— Хўжаназар бўлса,— деди Нормурод Йўлдошевнинг гапини қувватлаб,— колхозга кирган вақтида «хўкизимни сўйиб едим» дегани каби, «Оч қолдим, йил қаттиқ келди, чарху дугимни «сўйиб» едим» дейди.

— Бир иш қилиш керакки,— деди Эргаш, Нормуроднинг гапи билан бошланган кулги пасайгандан кейин,— ҳам чиғириқ ва чарху дуклар қўлга кирсин, ҳам яширилган пахталар топилсин. Шунинг учун мен таклиф қиламанки, махсус бир бригада тузилиб, ҳовлилар ахтарилсин.

— Мен бу таклифга бир нарса илова қиламан,— деди Ҳасан,— бу бригада пионерлар отрядидан тузилсин. Чунки баъзи кишилар катта одамларни ҳовлиларига киритмай, жанжал чиқариб, фурсатдан фойдаланиб чарху дук ва пахталарни яширишлари мумкин.

Бу таклиф кўпчилик овоз билан қабул қилиниб, пионерларни тўплаш Эргаш ўғли Ҳасанга топширилди.

— Аввал менинг ҳовлим ахтарилсин,— деди Нормурод.— Лекин чопонимга солиш учун беш қадоқча пахта яшириб қўйганман, ўшани олманглар.

— Бир грамм бўлса ҳам оламиз,— деди Сафарқул,— чопон, кўрпа-ёстиқ учун пахта керак бўлса, кооператив истаганингча линтер етказиб беради.

— Ҳозир ҳам уч той линтер пахта бор,— деди хўжалик мудирини.

— Мен таклиф қиламанки,— деди Фафур урчуқчи,— аввал Хўжаназар каби ўтмишда савдо-сотик билан шугулланган одамларнинг ҳовлиси ахтарилсин, чунки Нормурод каби камбағал колхозчи «чопонга соламан» деб беш қадоқ пахта яшириб қўйган бўлса, савдо-сотикқа ўрганган одамлар «тўғри келса сотаман» деб қоплаб яшириб қўйишлари мумкин. Агар бундай одамларнинг ҳовлиси иккинчи навбатга қолдирилса, улар фурсатдан фойдаланиб, яширган пахталарини сира топиб бўлмайдиган бирор жойга тикарлар.

— Менинг фаҳимча,— деди хўжалик мудирини, бир оз қути учгани ҳолда,— аввал уч-тўрт камбағал деҳқонларнинг уйи ахтарилиб, сўнгра ўрта ҳоллар устига борилсин, бўлмаса улар «колхознинг камбағал аъзолари

Ўрта ҳолларни қисадилар, таҳқир қиладилар» деб ра-
йонга боришлари мумкин.

— Правильно,— деди Шошмақул,— мен, как комму-
нист, бу таклифни ёқлайман, чунки менга Тошкентдаги
хўжайин «ўрта ҳол деҳқонларни, айниқса, Хўжаназар
каби обрўли кишиларни йўқ-бор баҳоналар билан ран-
житманглар» деб топшириқ берган.

— Бу фикр тўғри,— деди Сафарқул Йўлдошевга қа-
раб маъноли бир тарзда бир кўзини қисиб,— ўрта ҳол
деҳқонларни ранжитмаслик керак.

Мажлис тугади. Пионерларни тайёрлаш учун бора-
ётган Ҳасанга икки қўлини бошига кўтаргани ҳолда
Нормурод:

— Эллик яшар пионер бунда тайёр, мени унутиб
отряддан чиқариб қўйма,— деди.

Мажлисадагилар кула-кула қолдилар.

* * *

Нормурод Хўжаназарнинг ташқари ҳовлисида бел-
боғини пионерларча бўйнига туккани ҳолда ичкари ҳов-
лига кирган пионерларнинг иш натижасини кутиб тур-
моқда экан:

— Нормурод амаки, чопинг, ичкари киринг,— деган
товуш-эшитилиши билан югуриб ичкари ҳовлига кирди.
У ичкарига киргач, кўзига учраган манзарадан шошиб
қолиб ишни қаердан бошлашни аниқлай олмай, ҳовли-
нинг ўртасида бир фасл қотиб турди.

Ҳовлининг бир чеккасида катта бир чуқур қазилган,
чуқурга бир неча чиғириқ ва чарху дук ташланган, чу-
қурнинг лабида қўлларида кетмон, Наврўз билан Ҳамид
уни кўймоқчи бўлиб турмоқда. Супанинг устига пахта-
пўстак ёйилган, унинг устига ярим савалган пахта, пах-
танинг устига бир неча қўл саватчўп ташланган. Супа-
нинг бир бурчагида устма-уст ёйиб қўйилган пахталар
устига бир неча хотинлар билан пионерлар талашмоқда.
Бу тортишувлардан пахта ҳеч кимнинг қўлига кирмай,
қўлдан қўлга ўтиб узилиб титилмоқда. Супанинг нариги
бурчагида Хўжаназарнинг қўлидаги янги пахта солин-
ган, ҳатто чоки тикилмаган бир кўрпага пионерлар
тиш-тирноқлари билан ёпишган, кўрпанинг ярмисини
бути орасига қистирган Хўжаназар кўрпанинг ўртаси-
дан тутамлаб қўлдан чиқармасликка уринмоқда эди.

Бу аҳволдан шошиб қолган Нормурод: «Аввал пахтани қўлга киргизайми, ёки чиғириқ ва чарху дукларни?» деб ўзига савол берди. Сўнгра «Йўлдошев чиғириқ ва чарху дук пахта планининг тўлмаганига асосий сабаб» деб эди. «Шунинг учун аввал чиғириқларни қўлга киргишим керак» деб ўзича ҳукм қилди ва ўзини ичи чиғириқ ва чарху дуклар билан тўла чуқурга ташлагани ҳамон:

— Вой, ўлдим,— деб дод солди. Оёғига чархдан ажратилмай чуқурга ташланган бир дукнинг учи санчилган эди.

Нормуроднинг чуқурга тушганини кўрган пионерлар вожатийси унга қараб:

— Амаки, эсингиз бошингиздами, унда нима қиласиз?— деди,— бу ерга келинг, бу кўрпани қутқазайлик, бунинг ичига икки пуд пахта тиққанлар.

— Мен қайдан билай, пионерлик қийин экан,— деган ҳолда Нормурод чуқурдан чиқмоқчи бўлиб бир марта орқаси билан чиғириқлар устига йиқилгандан кейин, иккинчи дафъа авайлабгина чуқур лабига ёпишиб ўзини юқорига олди. Бир қўлида бир пой кавуши, иккинчи қўли билан белини ушлаган ҳолда қони оқаётган оёғини судраб, «вой-вой»лаб супа томонига қараб йўналди.

— Сен кимнинг буйруғи билан хотинлар устига босиб кираётирсан?— деб Нормуродга дўқ урди Хўжаназар.

Пионерлар унинг қўлидан кўрпани тортиб олган эдилар.

Хотинлар Нормурод ичкари кирган ҳамон дарчадан қўшни томонга қочиб ўтиб кетган эдилар. Оёғини судраб супага чиққан Нормурод эшикдан уй ичига қараб ўзича «Эҳ-ҳе» дегандан кейин:

— Чоп, Ҳасан!— деди,— отанг, Сафарқул амакинг ва башқа активларни чақириб кел. Мунча пахтани нобуд қилмай йиғиштириб олишга биз, пионерларнинг кучимиз етмайди,— деди.

Бола югуриб кетди. Нормурод кейин Хўжаназарга қараб:

— Қани, гапиринг, Хўжаназар ака,— деди,— каноп топилмагани учун сатиндан қанор тиктирдингизми?

— Бу қанор эмас, кўрпа,— деди Хўжаназар аччиғланиб.

— Кўрпага шунча пахта соладиларми? Бунга пахта ни қанорга жойлагандай жойлабсиз-ку?

— Қарибман, ўзимга биттагина юмшоқ кўрпа қилай дедим-да.

— Улар-чи?— деди Нормурод, ҳовли юзидаги пахта солиниб ҳали чоклари тикилмаган кўрпаларни кўрса-тиб.

Кўп вақт ўтмай, раҳравдан оёқ товуши эшитилиб Ҳасан Эргаш, Эргашнинг ўзи, Сафарқул, Гафур урчуқчи, Йўлдошевлар қишлоқ камбағаллари билан кириб келдилар.

— Нега қанор келтирдингизлар. Хўжаназар акам сатиндан қанор тиктириб қўйган эканлар-ку,— деди келувчиларнинг қўлларида қанорни кўрган Нормурод.

— Ҳақиқатан қанор,— деди бошлаб супага чиққан Сафарқул, пахта жойланган кўрпани кўриб.

Пионерлар супа устида титилиб ётган пахталарни териб қанорга жойлай бердилар.

Эшикдан бош тиқиб уй ичини қараган Йўлдошев:

— Уҳў, гап бу ерда экан-ку, бу ерга келинглар,— деб уйга кирди. Орқасидан бошқалар ҳам киришди. Уйда қанордай қилиб пахта жойланган, лекин ҳали чоклари тикилмаган бир неча кўрпа бор эди. Тахмонга ҳам шунақа кўрпалар йиғилган эди. Уйнинг бир бурчагида машинада чала тикилган бир кўрпанинг авраси турар эди. Машина ёнида кўки узилиб ёйилган бир тўп сатин устида бир қайчи ётар эди.

Кўрпаларни ва сатинни кўздан кечирган Гафур урчуқчи:

— Одам ва от расми туширилган, трактор тамғали сатиндан тикилган кўрпани сизнингча намоз ўқиладиган уйга киргизиш тузук эмас эди-ку, ёки энди намозхонликни бас қилдингизми?— деб Хўжаназарга ўшқирди. Аммо, супада ўтирган Хўжаназардан ҳеч бир жавоб эшитилмади.

— Бу кўрпалар,— деди Йўлдошев,— уйда сақлаш учун эмас, сотиш учун тайёрланган. Шундай эмасми, Хўжаназар амаки?— дегандан кейин сўзини давом эттирди:— Чунки пахта ни темир йўл орқали ҳеч ерга олиб бориб бўлмайди. Қанордай қилиб пахта жойланган кўрпаларни «уй-рўзғор буюми» деб бемалол темир йўл орқали ҳар томонга олиб бориш мумкин.

— Мен,— деди Сафарқул,— «эски авра-астарга то-

за пахта солиб ҳар томонга жўнатар эмишлар», деб эшитган эдим. Хўжаназар бўлса авра-астарни ҳам янги қилган.

— Хўжаназар амаким,— деди Йўлдошев,— қатлама еб ўрганган-да. Бу ерда ҳам қатлама фойда емоқчи бўлган бўлсалар керак: бир фойда пахтадан, бири колхоздан арзон нарх билан олинган сатиндан.

— «Ҳеч ким олмаган» сатинларни хўжалик мудирини шу кишига сотган экан-да,— деди Эргаш.

— Унинг ҳам иложини қиламиз,— деди Сафарқул...

Пионерлар сочилган пахталарни қанорга жойладилар, кўрпаларга жойланган пахталар шу ҳолича кўтарилди. Чиғириқ ва чарху дуклар ҳам чуқурдан олинди...

* * *

Қолхозчилар раҳравга қараб бораётганда улар ораларидан Сафарқул бошини Хўжаназар томонига буриб:

— Хайр, хўш, амаки, бундан кейин ҳам пахталарни чиғириқдан ўтказиб қўйингки, завод ташвиш чекмасин,— деб пичинг қилди.

Ҳали ҳам супа устида деворга суюниб ўтирган Нормурод:

— Мени кўтариб олиб кетинглар, ахир, мен инвалид бўлдим, юролмайман!— деб бақирди.

— Унга нима бўлган?— деган ҳолда йўлидан қайтди Сафарқул. Бошқалар ҳам тўхтаб қолдилар.

— Чуқурга йиқилганларида оёқлари бир нарсага тегиб қонабдими, нима бало бўлибди,— деб Сафарқулга жавоб берди Ҳасан Эргаш.

— Аввали шуки,— деди Нормурод жаҳли чиққани ҳолда,— мен чуқурга йиқилганим йўқ, балки чиғириқларни кўмишдан бурун қўлга киргизай деб ўз ихтиёрим билан чуқурга тушдим. Иккинчиси шуки, оёғим бир нарсага тегиб қонамаган, балки дук тешиб, уни ишдан чиқарган.

— Оёғингда кавушинг йўқ эдими?— деб Нормуродга яқинлашди Сафарқул.

Бошқалар ҳам афсусланиб унинг теварагини ўраб олдилар.

— Хайриятки,— деди Нормурод,— кавушим оёғимдан чиқиб ўзимдан бурун чуқурга тушган экан, бўлма-

са тешилиб нобуд бўлар ва уни яматиш учун бир-икки сўм пул ҳам кетарди.

— Хайр, зарари йўқ,— деди Эргаш,— оёғинг тешилган бўлса ямоғи ўзидан, бир кун тузалиб қолади, уни «яматиш учун» пул сарф қилишинг керак бўлмайди.

— Қани, ярангни кўрайлик-чи,— деб Сафарқул унинг оёғидан белбоғини ечмоқчи бўлганида:

— Воҳ-воҳ-воҳ! Тега кўрманг, жуда ёмон оғрийди!— деб Нормурод икки қўли билан ўралган оёғини маҳкам ушлади.

— Э, ўласанми?— деб Фафур урчуқчи Нормуроднинг қўлини ушлаб ерга босди.

Сафарқул белбоғни очиб қараса, унинг оёғи кафтига дук учи арпа бўйича санчилиб қайтиб чиққанини, аввал қонаган бўлса ҳам ҳозир қони тўхтаганини кўрди.

Фирибнинг усти очилганини кўрган Нормурод ўрнидан туриб:

— Сизларни сира алдаб бўлмас экан-да,— деб кулган ҳолда йўлга тушди. Бошқалар кулишиб йўналдилар. Аммо, Наврўз билан Ҳамид нима қилишларини билмай, ҳали ҳам чуқур бўйида гангиб турмоқда эдилар...

XI

Қишлоқ коммунист, комсомол ва активларининг қўшма мажлисидан Фотима билан ёнма-ён чиққан Ҳасан Эргаш ундан:

— Қани, бу мажлисдан қандай таассурот олдинг?— деб сўради.

— Мажлис ҳақиқатан актив мажлиси бўлди,— деди Фотима ва изоҳ қила бошлади:— Қулоқларни синф сифатида тугатиш, майда артелларни бирлаштириб катта колхоз қуриш, умумлаштирилган ҳайвонларни умумий молхоналарга тўплаш, уларнинг устига жавобгар молбоқарлар қўйиш... Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан муҳим ва зарур масаладир.

— Ҳа, яна фойда тақсимида қулоқ текисчилигини барҳам бериш, социалистик мусобақа ва зарбдорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш каби масалаларни демайсанми?— деди Ҳасан Эргаш,— бу ишлар колхоз-

ни ташкилий ва хўжалик жиҳатдан мустаҳкам қиладиган ишлардир...

— Хайр, хўш, бўлмаса, ҳовлига қайтарсан?— деб Ҳасан Эргашга қўл узатди Фотима.

Ҳасан ўзи томонига узатилган иссиқ, кучли ва тўлиқ қўлни тутгани ҳолда:

— Аввал сени уйинггача узатиб бораман, сўнгра ўз ҳовлимга қайтаман,— деб Фотима билан юра бошлади...

Қоронғи кечада бўш кўча билан бу икки ёш бир-бирларининг қўлларида тутганлари ҳолда жимжит бормоқда эдилар. Ўн саккиз ёшини тўлдирган Фотиманингни кўнглида йигирма ёшдан ошган Ҳасан Эргашнинг қўли қандайдир бир ҳис қўзғатганидек Ҳасан ҳам ўз ичида курашаётган икки ҳиснинг кураш натижаларини ўйламоқда эди, Ниҳоят, бу жимликни Фотиманингни:

— Мен Шошмақулнинг гапларини хушламадим,— дегани бузди.

— Қайси гапини?— сўради Ҳасан.

— Ҳар бир гапини,— деган Фотима шарҳлашга киришди.— Аввал шуки, Шошмақул Содиқни қулоқ деди. Содиқ қандай қулоқ? У ўрта ҳол деҳқондан чиққан ишчан бир колхозчи. Ишни баҳолаб бериш, қулоқ текисчилигини йўқотиш, социалистик мусобақа ва зарбдорлик каби тадбирлар уни яна ҳам фаоллаштирди. Бирон вақт киши кучидан фойдаланмаган шундай одамни қулоқ деб бўладими?

— Шошмақулнинг,— деди Ҳасан,— Содиқни қулоқ дейишининг бошқа бир сабаби бор.

— Қандай сабаби?

— Сенга ҳам маълумки, Шошмақул юз фойиз пахта экишининг қизғин тарафдори эди. Содиқ: «Ҳамма ерга пахта эксак ерлар ҳам ишдан чиқади, ҳайвонлар ҳам эмсиз-хашаксиз қолади» деб унга қарши чиққан эди. Шошмақул яна ўз фикри устида қинғирлик қилганда, Содиқ уни: «Сен чўпонликдан чиққансан, деҳқончиликни билмайсан» деб сўккан эди. Шошмақул унга: «Мен коммунистман, сенинг бу сўзинг коммунистларни таҳқирлаш» деб унга ёпишган эди. Сўнгра отам, Сафарқул амаким ва Йўлдошевдай коммунистлар Шошмақулни койиб бу жанжални бости-бости қилиб юборган эдилар. Сўнгра, партиянинг директиви билан олмошлаб экиш амалга оширила бошлади. Содиқнинг фикри тўғ-

ри чиқди. Шошмақулнинг бўйни эгилди. Шундай бўлса ҳам ўз ичида Содиққа қарши хусумат сақлаб юрмоқда. Ҳар бир иш устида унинг соқолига, салласига ёпишмоқда, жумладан, бу кеча унга қулоқ деб ҳам ёпишди.

— Шошмақулнинг бу ҳаракати,— деди Фотима,— бир томондан, ҳар бир ишни бузадиган шахсий душманчилик бўлса, иккинчи томондан, ўрта ҳол деҳқондан чиққан бир фаол колхозчига қулоқ деб ёпишиш қулоқлар тегирмонига сув қуйишдир. Ҳолбуки Содиққа қулоқ деб ёпишган Шошмақул Уринбой қалъачини ёқлаброқ гапирди.

— Унинг бу гапига ҳеч ким қулоқ солмайди,— деди Ҳасан,— бизнинг томонда юзта қулоқ бўлса, биринчиси Уринбой қалъачи, агар битта қулоқ бўлса, ёлғиз унинг ўзи.

Ҳасаннинг бу гапидан руҳланиб кетган Фотима унинг қўлини қаттиқроқ қисиб:

— Унинг қизи-чи?— деб сўради.

— ...Мен унинг қизини,— бир оз ўйлаб тургандан кейин деди Ҳасан,— қулоқ дея олмайман...

Бу сўзни эшитиш билан Фотиманинг қўли бўшашди, Ҳасаннинг қўлини қўйиб юбораёзди. Лекин Ҳасан унинг қўлини қаттиқроқ қисиб сақлагани ҳолда ўз сўзини давом эттирди:

— Фотима! Сен бировнинг ҳақида бир ҳукм қилганда ўз ҳиссиётингга алданма. Мен биламанки, менинг ҳалиги гапим сенга ёқмади. Лекин мен сенга ёқсин деб ҳақиқатдан юз ўгиролмайман...

— Фалсафа сотиш бас,— деб Ҳасаннинг сўзини кесди Фотима,— сўзни қисқа қил, тезроқ ўша «ҳақиқатингни» гапир!

— Ҳақиқат шуки.— деди Ҳасан,— Уринбой қалъачи қулоқ, савдогар, ҳар тарафлама синфий душман, аммо унинг қизи Қутбия қулоқ эмас.

— Қулоқнинг оила аъзоси қулоқ бўлмайдими?

— Қулоқнинг оила аъзоси қулоқ бўлади, агар унинг таъминотида, унинг таъсирида бўлса. Ҳолбуки Қутбия ота-онасидан ажралган, бир меҳнаткаш бева хотин бўлган холаси билан туради, совет мактабида ўқимоқда...

— У холаси билан турган билан, совет мактабида ўқиган билан ота-онасининг таъсиридан қутулган дейсанми?

— Қутулган деб ўйлайман,— деди Ҳасан.

— Қандай далил билан сен шундай деб ўйлайсан?

— Далил шуки,— деди Ҳасан,— у очиқ юради, агар у ота-онасининг таъсирида бўлсайди, ҳеч вақт очилмас; паранжи ташлаш вақтида очилган меҳнаткаш хотинларга қарши эрларини иғво қилиб ҳужум эттирган Уринбой ўз қизини очилиб юришга қўймас эди.

— Унинг бу иши бирон комсомол аъзосини овлаш учун эмасмикан?

— Ана шунинг учун мен ўйлайманки, сен ўз ҳиссиётингга алданасан,— дегандан кейин бир оз қизиган ҳолда Ҳасан ўз сўзини давом эттирди:

— Бир ёшнинг,— деди у,— бир ёшни севиши, ёки бир ёш билан бир ёшнинг турмуш қуриш фикрига тушиши овлаш ёки овланишми? Ота-онасининг таъсиридан қутулган бир қулоқ қизи турмуш қурмоқчи бўлганида бориб бирон қулоқ ўғлига тегсинми?.. Қандай комсомол аъзоси эканки, унга овланиб ўз комсомоллик виждонини сотар экан.

— Кечирасан, Ҳасан,— деди Фотима, совуққонлик билан,— сен менинг сўзимни тушунмадинг. Мен «овланиш» билан «сотилиш»ни бошқа-бошқа маънода ишла-таман, сен икковини бир маънода тушуняпсан...

Ўз ҳовлиси олдига келган Фотима ҳалигача Ҳасаннинг қўлида бўлган қўлини тортиб олди:

— Бундан буён мен билан сенинг орамизда бу тўғрида гап бўлмаслиги керак,— деган ҳолда ўз ҳовлисига кириб кетди...

* * *

Фотима уйига киргандан кейин кўчада ёлғиз қолган Ҳасан Эргаш ўзини оғир бир юк остида ҳис қилмоқда эди. Ўз уйига бориб ётсинми, ёки чойхонага бориб уни учратсинми?.. Ўзига ўзи берган бу саволларга ўз кўнглидан аниқ бир жавоб топа олмас эди...

Юраги торланиб ёрилаёзган Ҳасан Эргаш учун қишлоқнинг эгри-бугри кўчалари торлик қилди, кўйлагининг ёқасини очиб ташлаган бўлса ҳам кўнгли очилмади. У Фотиманинг қишлоқнинг бир бурчагидаги ҳовлиси орқали ўтиб далага чиқди. Даланинг соф ва ёқимли шамоли, янги очила бошлаган ўрик гулларининг ҳиди унинг қисила бораётган юрагини бир оз очди. Тоза ҳаво билан

жонланган ўпкаси кенг-кенг нафас олишга йўл берди. У ўзининг тақдири тўғрисида ўйлаб бир қарорга келиш учун ўзида бир қувват ҳис қилди. Кенг далада қора бир чодирдай бўлиб турган қайрағоч дарахти остига бориб суяниб ўтирди ва ўйлаб кетди:

— «Хўп,— деди ўз-ўзига,— аввал ўйлаб кўрай, Фотиманинг менинг бу ишимдан норози бўлишга ҳаққи борми?..» Ўзича «ҳаққи бор!» деб жавоб берди бу сўроққа. «Чунки у менга кўнгил боғлаган, ўз кўнглида мен билан турмуш қуришни муқаррар қилган, шунинг учун менинг бошқа томонга оғишимни кўргач куяди, кунлашади».

Ҳасан Эргаш Фотиманинг куйишига, кунлашига ҳақ бергандан кейин ўз тўғрисида фикр қила бошлади: «Аммо, мен,— деди у,— Фотимани бир иш йўлдошим, кичикликдан бери бирга ишлаб келган ўртоғим деб севиб келган бўлсам ҳам, у билан турмуш қураман деб бир қарорга келган эмас эдим. Тузук, у билан турмуш қуриш фикри бир «фикр» ҳолича баъзи вақт кўнглимдан ўтар эди. Лекин мен бу фикрни на унга ва на бошқа кишига ҳеч вақт изҳор қилган эмасман. Чунки бу тўғрида ўзим узил-кесил бир қарорга келмаган эдим. Шунинг учун мен на қонун юзасидан, на виждон юзасидан Фотимага боғлиқ эмасман».

Ҳасан Эргаш шундай муҳокама билан ўзини Фотиманинг қўлидан қутқазгандан кейин Қутбия тўғрисида фикр юрита бошлади: «Қутбия мени жуда қаттиқ севган, унинг севгиси менинг юрагимда ҳам севги ўтини алангалантирган, турмуш қуриш севгига боғлиқ бир иш... Энди ўйлаб кўрай: у билан турмуш қуришдан менга, менинг ленинчилик маслагимга бирон зарар келадими?..» Ҳасан бу тўғрида ўйлади ва ўзича жавоб берди: «Йўқ, минг марта йўқ. Чунки мен уни севаман, лекин ленинчилик, комсомолликни ундан ортиқроқ севаман. Агар у билан турмуш қурганимдан кейин у менинг маслагимга — мафкурамга таъсир қиладиган бирон ҳаракат кўрсатса, ундан ажраламан, ўз маслагимга содиқ қоламан...»

Ҳасан Эргаш шундай муҳокама қилиб, қулоқ қизи билан турмуш қуришини оқлагандан кейин: «Менинг шундай турмуш қуришимда севгимдан, ўзимнинг кўнгил истагимдан бошқа бирон манфаат борми?!»

Ҳасан ўз-ўзига берган бу сўроғига яна ўзича «Бор!» деб жавоб берди. «Чунки у мени севган, ота-онасининг

баҳридан ўтиб менга берилган. Агар у билан турмуш қурсам уни ишчан бир колхозчи, социалистик қурилишнинг фаол бир иштирокчиси қилиб тарбиялайман. У ҳолда мен социалистик қурилишда яна бир иштирокчини орттирган бўламан...»

Ҳасаннинг кўнглида курашаётган икки ҳиснинг бири си енгди, у бориб Қутбияни учратиб унга узил-кесил қабул жавобини бермоқчи бўлиб ўрнидан туриб жўнади...

* * *

Ҳасан Эргаш даладан қишлоққа тушиб қизил чойхонага яқинлашганида чойхонанинг деворига ёпишиб турган бир «қора» қоронғи кечада, тор кўчада йўловчиларнинг олдини тўсадиган хулиганлардай тезлик билан кўча ўртасига ўтиб, унинг йўлини тўсди. Аммо бу «қора»нинг қўлида хулиганларникидай пичоқ, ханжар ёки тўппонча йўқ эди, унинг қўли ҳам уларникидай қаттиқ, қўпол эмас эди.

Ҳасан ўз олдини тўсган «қора»ни кўриши билан даставвал «бирон синфий душман ҳужумига учрадимми» деб қўлини чўнтагидаги тўппончаси сопига узатган бўлса ҳам, димоғига урган ҳуш исли атирнинг ҳиди, Бухоро шойисидан янги тикилган кўйлакнинг шалдираши, очиқ кўкрагига тираб сийпалаган нозик қўлнинг юмшоқлиги уни ўз жойида қотиб қолишга мажбур қилди. Бу «қора» Қутбия эди.

Юраги тепаётган Ҳасан унга:

— Ҳали ҳам сен шунда экансан-да,— деди.

— Мени ўлим ёки тириклик, саодат ёки фалокат кутадиган бу кечада қаерга кетар эдим?— деган Қутбия ўз сўзини давом эттирди:

— Сени кўриб кўнгилдагидай жавоб олиш ёки тўппатўғри мозорга кетиш учун тайёрланиб турмоқда эдим.

— Мозорга ота-онанг кетсин, синфий душманлар кетсин, аммо чин кўнгил билан бизга берилган сен, ҳаётнинг гул боғчаларида яшашга ва яшнашга ҳақлисан.

Ҳасандан шундай мақбул жавобни эшитган Қутбиянинг қўли унинг кўкрагидан сийрилиб қўлтиғига кирди. Ҳасаннинг тўппончани олиш учун ҳалигача чўнтагида турган қўли ҳам у ердан чиқиб унга жавоб берди: Ҳасаннинг қўли ҳам Қутбиянинг белига чўзилган эди. Шу ҳолда Ҳасан:

— Юр, биров келиб қолмасин,— деб дарахтларнинг остидаги қалин қоронғилик орқали, келган йўли билан уни далага олиб чиқди...

Бир-бирлари билан қўлтиқлашиб, оғиз-тилларини қисиб, кўнгил тиллари билан сўзлашиб бораётган икки ёш, беш минутдан кейин Ҳасаннинг тақдири ҳал бўлган қайрағоч остида жим ўтирмақда эдилар. Ниҳоят, бу жимликни Ҳасаннинг:

— Сен мени чойхонада кутиб ўтирмақчи эдинг-ку, нега кўчага чиқиб турдинг?— деган саволи бузди.

— Мен мажлисларингиз тугагунча чойхонада эдим. Мажлисдан қайтган одамлар билан чойхона тўла бошлагач, «сен билан хилватроқ жойда кўришай» деб кўчага чиқдим. Сен тезликда келмадинг, мен ўша кутганимча кутиб қолдим,— деган Қутбия Ҳасандан.— Сен нега мунча кечикдинг?— деб сўради.

— Мен,— деди Ҳасан,— мажлисдан чиққанда мен билан Фотима бирга чиқди. Синфий душманлар активлашган бир вақтда қоронғи кечада, хилват кўчада уни ёлғиз юбориш тузук эмас эди. Шунинг учун уни уйигача узатиб қайтиб келдим.

— Ҳалигача сен Фотимадан кўнгил узмаган экансанда?— деди нозли бир оҳанг билан Қутбия.

— Мен,— деди Ҳасан,— унга кўнгил боғлаган эмасманки, ундан кўнгил узиш керак бўлиб қолсин.

— Ҳар ким сени: «Фотимани севади» дейди-ку?

— Тўғри,— деди Ҳасан,— мен уни севаман, лекин бир иш йўлдоши, маслак ўртоғи деб севаман, қўлимдан келганда ёки лозим кўрилганда унга ёрдам қиламан, аммо у билан турмуш қурмоқчи бўлганим йўқ.

— Мен уни хушламайман,— деди Қутбия, норозилик оҳанги билан.

— Чунки сен,— деди Ҳасан жиддият билан,— қулоқ қизи, мешчанкасан, у бўлса меҳнат қизи, комсомол аъзоси; сен билан унинг ораларингизда узоқ йўл бор. Сен ҳам менинг тарбиямга кириб меҳнатга ўргансанг, мешчанлик одатларингни ташласанг, у вақтда Фотиманинг қандай қиз эканлигини биласан, уни севасан...

— Хўп,— деди Қутбия умидсизроқ бир оҳанг билан,— ахир менга қандай жавоб бермоқчи бўлдинг?

Ҳасан Қутбиянинг бу саволига кўп муқаддима қилиб ўтирмасдан:

— Сен билан турмуш қуришга қарор бердим, фақат

илгари қилган шартларимни яна бир марта такрорлайман,— деди.

— Қандай шартлар эди улар?— сўради Қутбия қувонч билан.

— Ота-онангдан алоқангни узганинг узган бўлсин, уларни бутунлай унутасан, бу бир. Керак бўлган вақтда коллектив олдида ота-онангнинг сирларини очиб берасан, бу икки. Учинчи шартим шуки, мешчанлик одатларингни ташлаб, менга иш ва меҳнат йўлдоши бўласан.

— Ҳасанжоним,— деган ҳолда Қутбия қўлини унинг бўйнига узатди.— Сенинг учун, сенинг қора қошинг учун, қора кўзинг учун, чертса қон томадиган қизил юзинг учун, ўткир сўзларинг учун ўзимни жарга, қудуққа, ўтга, сувга отишга ҳам тайёрман. Сенинг бу шартларинг менга буларнинг ҳаммасидан осонроқ...

Қутбиянинг Ҳасаннинг бўйнига ўралган нозик, ингичка қўли уни ўз томонига тортмоқда эди. Ўзини тута олмаслик ҳолатига келган Ҳасан сўнг ғайратини йиғиб:

— Ҳар иш бўлса эрта кеча — рўйхатдан кейин бўлади,— деди.

— Тайёр ошни сузишдан бурун таъмини татиб кўриш керак,— деган ҳолда Қутбиянинг юпқа лаблари Ҳасаннинг лабларига ёпишган. Ҳасан ҳам ихтиёрини қўлдан берган ҳолда:

— «Бир мешчанкани социалистик қурилишга тортдим»,— деб қувонмоқда эди.

XII

Колхоз даласида шу кунгача кўрилмаган бир ҳаракат бошланган. Бутун колхоз аъзолари — эр, хотин, ёш ўсмирларгача бригадаларга бўлиниб қитъаларга ёйилган эди. «Ҳар бригада бир қитъага боғланиб, у қитъанинг ҳар бир ишига жавобгар бўлади» деган қарор бутунлай амалга оширилган. Ҳар бир бригада ўзига топширилган қитъани меҳр билан ишламоқда эди. Ҳар бригадир ўзига топширилган қитъадан ўз қўли остидаги бригада аъзоларидан уруш майдонидаги командирлардай хабардор эди.

Колхозлар бир-бирлари билан социалистик мусобақа боғлаганларидек, бригадалар орасида ва ҳар бригаданинг ўз ичидаги звенолар орасида ҳам социалистик мусобақа боғланган эди.

Социалистик мусобақада ютиб чиқиш учун бўлаётган

курашда зарбдорлар ҳал қилувчи мавқени ишғол қилиб ишламоқда ва қолоқ аъзоларни ўз иш намуналари билан олдинга тортмоқда эдилар.

Далага ёйилган тракторлар темирйўл станцияларида маневр қилаётган паровозлардай гуриллашиб ҳаракат қилмоқда, эсаётган шамол уларнинг тутунларини суриб ҳавонинг софлигини сақламоқда эди. Янги кўкара бошлаган сабзалар, янги очила бошлаган чечаклар, янги барг очган толларнинг хуш ислари, трактор ёриб ташлаётган нам ердан чиқаётган буғ ҳидлари билан қўшилиб димоғларни тозаламоқда. Кўкракларга қувват бермоқда, кўнгилларни шодлантирмоқда. Тракторчилар чекаётган махорка тутунлари соф ҳавода, кенг денгизда ўйнаб юрган кўк балиқчалардай юзиб юрмоқда эдилар.

Чумчуқлар чирқилламоқда, кур-кур карраклар қурилламоқда, мусичалар, гурраклар кукуламоқда, қаргалар экилган ерлардан дон ахтармоқда, чумолилар ёмғир суви билан ҳўлланган уяларидаги донларни ташқарига ташиб чиқариб шамоллатмоқда. Қисқаси, ҳар бир жонзот ҳаракатда, айна кўклам экин кампанияси вақти эди.

Трактор етишмаган ерларни ҳайдаётган ҳўкизлар эски ҳаракатсиз замонга муносиб бир оғирликда ўйлаб-ўйлаб қадам босганлари ҳолда гуриллаб ерни ёриб кетаётган тракторга ора-сира ҳасрат кўзи билан қараб гўё ҳол тили билан:

«Сен бутун ишни бизнинг қўлимиздан олиб, бизни қассоб пичоғидан бошқа ишга ярамайдиган бир ҳайвон қилиб қўядиганга ўхшайсан-ку», демоқда эдилар.

Плугга қўшилиб кенг ерни дарёнинг гирдобидай қилиб айлантириб ҳайдаётган от ҳўкизнинг у фикр ва ҳасратини сезгандай унга қараб гўё:

«Трактор социалистик қурилишга муносиб тараққий қилган деҳқончилик асбоби бўлгани учун кўпайиб бутун экиладиган ерларни ўз ҳукмронлиги остига олиши керак ва олажак ҳам: лекин то трактор кўпайиб бу даражага етгунча биз иш ҳайвонларининг меҳнатимиз ҳам кераклидир. Шунинг учун ҳали трактор ёнида ҳормасдан, умидсизликка тушмасдан ишлашимиз керак», дер эди.

* * *

Якка хўжаликлардан мерос қолган, ораларига эгрибугри ариқлар, баланд-баланд увотлар, марзалар тортилган, бир-бирларидан баланд-паст бўлган ерчаларни

бу йил биринчи марта трактор ҳайдаб, увотларини, ариқларини бузиб ҳаммасини бир-бирига қўшиб катта бир ер қилиб ташлаган эди. Трактор бирлаштирган бу баланду паст ерларни, увотларни, марзаларни, ариқларни текислаб обдавини тўғрилаб суғориш учун мувофиқ бир ҳолга келтирмоқчи бўлиб унда бир тўда колхозчилар ишламоқда эдилар.

— Трактор ясаб, уни бизга юбориб, бизни ва иш ҳайвонларимизни оғир меҳнатдан қутқарган рус олимлари баланд ерларни чуқур ерларга ағдариб текислаш учун ҳам бирон машина чиқарсайдилар, яна ҳам меҳнатимиз енгиллашган бўлар эди,— деди бир колхозчи.

— Қим билар эдики,— деди бошқа бир колхозчи унинг сўзига жавоб юзасидан,— трактор деган бир машина чиқади-ю, бир қўш ҳўкиз билан ўн кунда қилиб бўлмайдиган ишни бир кунда қилади деб. Мана шундай машинани чиқарган рус ишчилари ва инженерлари сен ўйлаган машинани ҳам чиқарсалар ажаб эмас.

— Тракторнинг афзаллиги,— деди бошқа бириси,— ишни кўп ва унумли қилишдагина эмас, бундан бошқа унинг ерни чуқур ҳайдаш ва ағдариб ташлаш каби катта хосиятлари ҳам бор.

— Ерни чуқур ва ағдариб ҳайдашдан нима фойда?— деди соқолини тарошлаб, мўйловини товлаб, қисқа кийим кийиб олган бир йигит.

— Чуқур ҳайдалган ерда ғўза пояси керакли даражада ёйилади. Ағдариб ташланган ерда ўтган йилдан қолган ахлатлар ернинг остида қолиб, экинга зарар етказмасдан, чирийди, ғўнг бўлади, ҳамда ернинг остки қатлами юзага чиқиб офтоб ва шамолдан ўзига керак бўлган озиқни олади ва буларнинг ҳаммаси ҳосилнинг мўл бўлишига сабаб бўлади,— деди у колхозчи.

— Лекин,— деди соқоли тарошланган йигит,— сеялка бир пулга ҳам арзимас экан. Мен бултур машинада ишлашни ҳавас қилиб сеялкани ўргандим, у билан бир неча гектар ерни экдим, аммо у ерлар яхши унум бермади, жуда сийрак чиқди. Мени бу ишда айбдор қилмоқчи ҳам бўлган эдилар. Лекин Шошмақул акамнинг воситачилиги билан қутулдим, ундан кейин машинани отиб, кетмонга ёпишдим.

— Сен янглишасан,— деди унга бошқа бир колхозчи,— экиш учун сеялканинг афзаллигига ҳеч бир шакшубҳа йўқ. Қўл билан экканда уруғ ҳеч вақт бирдай

тушмайди, бир жойга қалин, бошқа бир жойга сийрак тушади. Қўл билан экилган пахтанинг чопиғи ҳам қийин бўлади. Унга культиватор ишлатиб бўлмайди. Аммо, сеялка билан экилган пахтани кетмон билан чопиш осон бўлганидай, культиватор ва оқучник билан ишлаш ҳам қулайлашади.

— Машина-трактор кўпайса,— деди бир колхозчи,— Суярқул ака айтгандай, колхоз далалари фабрик-заводдай бўлиб қолади. Мен бир вақт Суярқул ака билан бирга бориб пахта заводини томоша қилган эдим, унда ҳар бир иш машина билан ишланади, ишчилар ўша машиналарга қарашиб юришдан бошқа иш қилмайдилар. Машиналаштирилгандан кейин бунда ҳам трактор ер ҳайдайди, мола босади, сеялка экади, культиватор жўяк тортади, оқучник юмшатади. Эшитишимча, терим учун ҳам машина чиққан, шундай бўлгандан кейин завод билан дала ўртасида нима фарқ қолади?

— Машина-тракторларнинг колхоз далаларига ёйилиши ҳосилни мўл қилиб, колхозларни большевик колхози, колхозчиларни давлатли қилишга ҳам катта ёрдам беради,— деди бир колхозчи.

— Албатта,— деди Шоназар,— бунга партия аллақачон замин тайёрлаб қўйган.

— Хотинларни ишга солишни айтмайсанми?— деди нарироқдаги ерда ариқ бўйидаги гўнг аралаш тупроқни замбар билан ташиётган хотинлар тўдасини кўрсатиб бир колхозчи,— улар хирмондан дон ташиган чумолидек тизилиб, ғайрат билан гўнг ташимоқдалар. Эски замонда улар қозон-товоқ, тикиш-ямоқдан бошқани билмас эдилар.

— Бой хотинлар бўлса фақат сақич чайнаб юрар эдилар,— деди бошқа бир колхозчи.

— Менинг хотиним,— деди нос чекиб ўтирган Нормурод,— яна бир ишни билар эди, ўзига бирон нарса керак бўлиб қолса, мен олиб бера олмасам, уйдаги овқатдан ўғирлаб сотиб, сотиб олар эди. Шундай ишлар устида мендан кўпинча калтак ҳам ер эди. Аммо бултур қарасам, мен 150 меҳнат куни ишлабман, у бўлса 200 меҳнат куни ишлабди. Ўзининг кийим-кечаги нари турсин, рўзгорнинг баъзи камчиликларини ҳам тугаллаб менинг юкимни анча енгиллаштирди.

— Агар сиз шундай ишламасдан нос чекиб ўтира берсангиз, бу йил сизнинг нафақангизни ҳам хотинингиз берадиган бўлади,— деди Шоназар.

— Бугун мен ишласам ҳам, ишламасам ҳам барабар,— деди Нормурод,— чунки биз бу ишни саккиз киши бўлиб баҳолаб олган эдик. Мен ишламасам-да, иш битаёзди.

— Лекин,— деди текисланган ерларни қайта бошдан текислаб келиб дам олиб ўтирган соқоли қирқиқ йигит,— хотинларни озод қиламиз деб уларни чўридай ишлашга мажбур қилдинглар-да...

— Сен,— деди у йигитга қарши Шоназар,— соқолинг-ни қирқиб, қисқа кийим кийиб, «Ҳамдамформа» деб от кўтариб юрган бўлсанг ҳам, бир пуллик илминг йўқ экан. Буржуазия мамлакатларидаги хотинлар «озодлиги» билан бизнинг социалистик малакатимиздаги хотинлар озодлиги бошқа-бошқа. Уларнинг «хотинлар озодлиги» хотинларнинг эрларнинг кайфу сафосига қурбон қилишдан бошқа нарса эмас. Унда хотинлар иқтисодий асирликда, эҳтиёжнинг мажбурияти билан ҳар бир фалокатга учрашга маҳкум. Аммо биздаги хотинлар озодлиги иқтисодий озодлик, меҳнат озодлиги. Биздаги хотинларнинг умумий социалистик меҳнатга қатнашишлари буларни ҳақиқий озодликка чиқарди.

— Бунинг мисоли,— деди Нормурод,— менинг хотинимнинг ўғирликдан қутулиши ва шунинг натижасида, менинг калтагимдан қутулишидир.

— Тўғри,— деди Шоназар,— бунга Хўжаназарнинг кичик хотини Ҳадича ҳам яхши мисол бўла олади. Ҳадича Хўжаназарнинг қўлида сотилган бир чўридай ишламоқда эди. Шундай бўлса ҳам, усти тузуккина кийим кўрмас, қулоғи сўкишдан тинчимас, бадани таёқдан қутулмас эди. Унинг қўлидан қутулгандан кейин Ҳадича бир зарбдор колхозчи бўлиб майдонга отилди. Бултур 250 меҳнат куни ишлади, ўзи учун бир ҳовли ҳам қуриб олди. Унинг бошидаги фаранг рўмоли, эғнидаги духоба камзули, оёғидаги локи ботинкаси, айниқса, унинг шунча яسانيшига сабаб бўлган йиллик 250 меҳнат куни дангасалиги сабабидан колхоздан қувилган Эрназарни ўзига тортган. Лекин Эрназар уни олмоқчи бўлиб киши қўйганда: «Энди мен социалистик меҳнат нима эканлигини, ҳақиқий озодлик қаерда эканлигини тушундим. Мен турмуш қурмоқчи бўлсам, ўзимга яраша бирон зарбдорни танлаб олишни жуда яхши биламан. Эрназар дангасага айтинглар, менинг томонимга қарамасин, мен унақа одамдан безорман!» деган.

— Ундай бўлса мен ҳам шу кундан бошлаб зарбдор бўламан,— деди Нормурод.

— Ҳадичага уйланмоқ учунми?— деди Шоназар кулимсираб.

— Албатта,— деди Нормурод,— бир йилда 250 меҳнат куни ишлайдиган ёш хотинни кимнинг кўнгли тиламайди.

— У сиздай қари бир одамга тегар эканми?— деди Нормуродга бир колхозчи.

— Мен нега қари бўлай,— деди жиддият билан Нормурод,— эллик яшарлигидан пионер бўлган одам эллик уч яшарлигида куёв бўлиш учун қариллик қиладими?

— Сиз шу кундан бошлаб зарбдор бўлинг, мен ҳам шу кундан бошлаб сизга «эллик уч яшар бўйдоқ куёв» деган лақаб бераман,— деди Шоназар.

— Ундай бўлса, мен ҳозирдан бошлаб зарбдор бўлдим,— деган ҳолда Нормурод ўрнидан туриб кетмон чопа бошлади.

— Нормурод ака, ҳорманг, бизнинг келганимизни кўриб ишлай бошлагинизми?— деган товуш уни ишдан тўхтатди.

— Ўртоқ Йўлдошев, сизнинг қўлингиз битта бўлса ҳам, кўзингиз тўртта экан-да, менинг ишламай турганимни узоқдан қандай кўрдингиз?— деган Нормурод урган кетмонни ердан кўтармай ўтириб қолди-да,— ишни битказиб дам олиб ўтирган эдик,— деб қўшимча қилди.

Йўлдошев билан бирга келган ҳосилот шўросининг раиси текисланган ернинг бир бурчагида бошини ерга эгиб тўрт томонга қарагандан кейин, ўрнидан туриб:

— Бу ишни қабул қилиб бўлмайди,— деди.

— Нега қабул қилиб бўлмас экан?— деди қути учган Ҳамдамформа унга.

— Чунки,— деди ҳосилот шўросининг раиси,— ер текисланмаган.

Йўлдошев ҳам ерда чўккалаб ўтириб, унинг ҳар томонини кўздан кечиргандан кейин, ҳосилот шўро раисининг сўзини тасдиқлаб:

— Сизлар баландликларни пастликка ағдариб текислаймиз деб баландликларни чуқур қилиб юборгансизлар,— деди.

Ҳосилот шўросининг раиси акт ёза бошлади. Ишнинг брак бўлганини кўрган Нормурод жаҳли чиқиб Ҳамдамформага қараб:

— Сен ишни бузясан демадимми? Сен соқол-бурут-ни текислашни яхши биласан, аммо ер текислашни билмайсан,— деди.

— У бузган бўлса, сиз тузатсангиз бўлмасмиди?— деди Йўлдошев Нормуродга.

— Мен тузатмоқчи бўлдим, аммо у гапга қулоқ солмади, маҳмаданалик қилди. «Ичи бузуқ бир бузоқ бутун подани булғатади» деган гап рост экан. Бир бузмакорнинг касофатидан бизнинг ҳам кунлик ишимиз нобуд бўлди.

— Сиз ҳеч бир ишлаган эмас эдингизки, ишингиз нобуд бўлган бўлсин,— деб кулди бир колхозчи Нормуродга қараб.

— Мен бу ишнинг бузилишини аввалдан билган эдим, шунинг учун жўрттага ишламадим. Нега текинга ўз ишимни нобуд қилдирай? Баҳузур дам олиб ўтира бердим-да...

Акт ёзилди. Ҳосилот шўросининг раиси билан колхоз раиси Йўлдошев унга қўл қўйдилар. Қитъанинг бошқа томонига кетган бригадир иш устига етиб келиб ҳалиги актга қўл қўйгандан кейин:

— Мен ҳам бу тўғрида айблیمان,— деди,— бу ишнинг нарядини олиб келганимдан кейин ишловчиларга бўлиб бериб булар ўртасида социалистик мусобақа боғлатишим керак эди. У вақтда иш ҳам унумли, ҳам пухта бўлар эди.

— У вақтда мен ҳам дам олиб ўтирмасдан ишлар эдим,— деди Нормурод.

— Ҳали ҳам шундай қилиш керак,— деди бригадирга Йўлдошев.

Бригадир ишларни ер текисловчиларга бўлиб бериб бошқатдан ишлашга буюрди ва бир-бирларини мусобақага чақиришни уларга маслаҳат берди.

Мусобақа боғланди. Нормурод ҳам номус кучи билан ишга тушди. Лекин ҳар беш-олти кетмон ургандан кейин бўйнини тиклаб, белини уқалашга мажбур бўлар эди. Аммо унинг ёнида ишлаётган Ҳандамформа унга ёрдамлашди.

— Нормурод ака,— деди у,— сиз ишни буздинг деб мени койидингиз, эҳтимол билмасдан, тажрибасизликдан бузган бўлсам. Лекин агар менга ўргатиб турсангиз тузук ишлай оламан, ҳатто сизнинг ишингизга ҳам ёрдам бераман.

— Баракалла,— деди Нормурод унга,— агар шундай қилсанг, ишчан ва ишбилармон колхозчи бўлиб оласан. Бўлмаса сени «бузмакор» деб колхоздан қувадилар...

Кечқурун қабул комиссияси келиб ер текисловчиларнинг ишларини дуруст топди. (Нормурод билан Ҳамдамформанинг ишларини бошқаларникидан яхшироқ топди.)

XIII

Ҳамдамформа яхшигина фаоллашган эди. Нормуроднинг гумонича, ер текислаш кундаги унга урилган зарбадан ва ўзи томонидан «Сен ишбузармон» деб қилинган таънадан, ҳам ўша кун у бузган ишлар ўзи томонидан тuzатилганидан у уялган ва ғайратга келган, ҳали зарбдор бригадирлик даражасига кўтарилган бўлмаса ҳам, бригада ичида бирор звенога бошлиқ бўлиб ишни мустақил олиб борарлик даражага эришган эди.

Ҳамдамформанинг сўзига кўра, унинг фаол бир колхозчи бўлишига Нормуроднинг аччиқ, лекин тўғри ва фойдали сўзлари сабаб бўлган эмиш.

Бир кун Ҳамдамформа ўзига топширилган ариқни ўз қўл остидаги тўда билан қазийганида у ердан ўтаётган Нормурод бирпас тўхтаб унинг ишини кўздан кечиргандан кейин:

— Ҳамдам,— деди,— энди одам бўлганга ўхшайсан, бугунги ишинг жуда пухта. Балли!

— Одам бўлган бўлсам,— деди Ҳамдамформа,— сизнинг шарофатингиздан. Сизнинг сўкишларингиз, аччиқ сўзларингиз менга гина-гина (хинин)нинг безгак касалига даво бўлганидай даво бўлди. Мени нодонлик, хуш-ёқмаслик касалидан қутқазди. Мен сиздан миннатдорман

— Гап бундай бўпти-да,— деди Нормурод фахрланиб,— ўзингдан бир кўйлак ортиқ йиртган кишининг сўзига қулоқ солсанг, унинг насиҳатларини тингласанг, албатта одам бўласан. Соқолни қирқиб, сочи тараб юришдан бир иш чиқмайди; ўзингга топширилган ишни гўзаллаштиришга чолиш; у вақтда ҳар кимдан «балли» эшитасан, меҳнат ҳақинг ҳам ортади.

Ҳамдамформа Нормуродга:

— Шундай, шундай,— деб шодлик билан жавоб берган бўлса ҳам, унинг кейинги сўздан юзида қандайдир

бир қайғу аломати пайдо бўлганини ўзи сезди ва бу аломатни бошқалардан яширмоқчи бўлиб сўз жиловини бошқа томонга бурди-да:

— Ўзингизнинг ишингиз қалай, яхши зарбдорлар қаторига ўтиб, Ҳадичага уйланишга ярайдиган ҳунар кўрсата олдингизми?— деб сўради Нормуроддан ҳазил билан.

— Емон эмас,— деди Нормурод унга жавобан жиддият билан,— кунлик нормани битта-ю чорак бажараётиман. Ишимнинг сифати ҳам тузук. Энди ер текислаш устаси бўлиб қолдим. Қайси кун агротехник келган эди, менинг қўл остимда текисланган ерларни кўриб жуда хурсанд бўлди. «Сен текислатган ерларда бир томчи сув нобуд бўлмайди, бир туп ғўза ҳам сувдан қолмайди, ҳаммаси барабар сув ичади, балли!» деди.

— Демак, яқинда куёв бўлар экансиз-да?— деди кулимсираб Ҳамдамформа.

— Ҳали куёв бўлиш вақтини аниқлай олмаган ва Ҳадичанинг розилигини ололмаган бўлсам ҳам ёшлар мени «Нормурод ака» ёки «Нормурод амаки» демасдан «Нормурод куёв» дея бошладилар. Бир қари одамга «куёвлик» отини бериш ҳам уни куёв бўлгандай қувонтиради,— деди Нормурод ва ҳаммани кулдириб ўтиб кетди...

Нормуроднинг мақтовидан қувониб ўз кўнглида «энди ишлаш керак» деган Ҳамдамформа:

— Ҳа, шоввозлар!— деб тўдани ғайратга келтиргани каби ўзи ҳам ғайрат билан кетмон ура бошлади...

Ҳамдамформа тўдаси қазиётган ариқ колхознинг асосий ариқларидан бўлиб, ярим чақирим масофагача ўзига сув берадиган рўд (наҳр) билан ёнаша борар эди. Илгарни рўд билан бу ариқ ўртасида арава ўтарлик бир йўл бўлса ҳам, Ҳамдамформа бу йўлни кераксиз санаб, ариқни рўдга яқинлаштириб қаздирди. Йўл ҳисобидан олинган ерни ҳам ариқнинг бу томонидаги колхоз ерларига қўшиб юборди!

Ариқнинг рўдга бу даражада яқинлашганини кўрган қазувчилардан бири, Ҳамдамформага:

— Аригимиз тик, тўғри бўлдику-я, лекин йўл барҳам еди-да,— деди.

— Бу йўлнинг ҳеч кераги йўқ эди,— деди Ҳамдамформа,— қулоқларнинг ернинг қадрини билмасликларидан бу ер йўл бўлиб қолган, бўлмаса, қадимги йўл

наридаги катта йўлдир. Ариқни рўдга яқинлаштириб қазишимиз натижасида уч метр ер ортди. Ярим чақиримча чўзилган бу уч метр ер колхоз майдонини бир неча гектар орттиради. Бундан унадиган пахтадан колхоз учун анча фойда ортади...

Ҳамдамформа ариққа кириб яна рўд томонидан лабшон ура бошлади, ўзи лабшон уриб ташлаган ўлчакда ариқни яна ҳам рўд томонига суришни буюриб:

— Яна ярим метрча ер топдик,— деб қувонди...

* * *

Ҳамдамформа ариқни тик-тўғри қаздириб ўзи истаганча рўдга яқинлаштириб бўлганидан кейин ариқ қазишнинг охири кунда ишдан қайтиб уйига кириб овқат еди. Овқатдан кейин қизил чойхона томонга борди. Қирқинчи лампалар ёқиглиқ қизил чойхона колхозчилар билан тўлган эди. Ҳамдамформа қизил чойхона яқинидаги йўгон тут дарахти панасига ўтиб, чойхонадагиларни бирма-бир кўздан кечиргандан кейин:

«Буларнинг ораларида у кўринмайди-ку, ҳали келмаганга ўхшайди. Бир оз кутсам келиб қолар» деди ўз-ўзига ва колхозчиларнинг чақчақларига қулоқ сола бошлади. Колхозчиларнинг сўзлари бугунги ишлар устида борар, улар ўз ютуқларини сўзлаб, ўз тажрибаларини бир-бирлари билан ўртоқлашмоқда эдилар. Бу орада колхознинг музика тўдаси томонидан чалинган най, дутор, тамбур, доира, думбак садолари ва ашула овозлари билан эшитилмай қолган чақчақ товуши, музика тўхташи билан яна эшитила бошлади.

— Ўз ютуқларидан маълумот бериш учун сўз Нормурод куёвга берилади,— деган товуш эшитилган ҳамон Ҳамдамформа қулоқларини чойхона томонга қаратиб сихлаб тинглай бошлади.

— Бугун биз ўн икки гектар ерни текислаб чигит экишга тайёрладик,— деган Нормуроднинг товушини эшитган Ҳамдам қайғуланиб бармоқларини қулоғига тикқар даражага келган бўлса ҳам, унинг:

— Менинг ютуқларим ўзим билан ўз қўл остимдаги тўда билан чегараланиб қолмади, балки менинг ғайратга келишим, зарбдорона ишлашим Ҳамдамформа каби ишбузармон дангасаларни ҳам ғайратга келтирди...— деган сўзи уни қувонтирди ва қулоқларини тик-

лаб, диққат билан тинглай бошлади. Нормурод ўз сўзида давом қилиб:

— Менинг бугун Ҳамдамформа қаздираётган ариқни кўриб оғзим очилиб қолди. Омон бўлгур, ариқни ўзининг оғзидан кенг, ўзининг кўзидан чуқур, ўзининг соқолидай текис, ўзининг бурнидай тик қилиб тортган,— деганида унинг бу ғалати ўхшатишидан колхозчилар қиқирлашиб кулганларида Ҳамдамформанинг ўзи ҳам лабини илжайишдан сақлай олмади.

— Яша! Эллик уч яшар куёв!— деган Ҳасан Эргашнинг товуши бутун чойхонадагиларни гулдуратиб кулдириб юборди. Бу товушдан Хадичанинг юзи бир оз қизарган бўлса ҳам, ўзини билмасликка солиб у ҳам кўп қатори кулмоқда эди.

«Нормуроднинг,— деди ўз-ўзига Ҳамдамформа,— бунақа жон куйдириб ишлаш билан куёв бўла олмаслиги аниқ бўлса ҳам, менинг куёв бўлишим эҳтимол... Эҳтимолгина эмас, балки аниқ. Нормурод каби соддадилларнинг мени мақташлари соясида кўпчиликнинг муҳаббатини ўзимга тортсам, ҳар бир «ишим» учун йўл очилади. У вақтда Қутбиянинг ингичка белидан йўғон билакларимни ўтказиб, ҳали Нормурод масхаралаган кенг оғзим билан унинг қизил гул гунчадай юмулиб турган лабларидан висол шарбатини сўриб олишим аниқ... Оҳ... Қутбияжон!..»

Ҳамдамформани ширин хаёлдан Шошмақулнинг унинг ҳақида сўзлаётган сўзи ўз томонига тортди:

— Мен бир вақт «Ҳамдамформа жуда яхши колхозчи» деганимда Сафарқул билан Эргаш акамлар мендай кулган, мени ноҳушёрликда айблаган эдилар. Энди унинг таърифини Нормурод акамдай тўғри сўзли бир кишидан эшитиб юзлари қизарсин,— деди Шошмақул.

Шошмақулнинг бу гапларини эшитган Ҳамдамформа ўз-ўзига: «Ахир, агар мен Уринбой қалъачининг гумаштаси ва «кўрпа кўтардиси» бўлсам, Шошмақул ҳам босмачиларнинг ташкилотчиларидан бўлган Полвон арабнинг ишбошиси ва «кўрпа кўтардиси». У ўзини «чўпон» кўрсатиб партияга кириб олган билан мен каби ўз тенгдошидан узоқлаша олмайди ва муносабат чиққанда ён босади ва ён босиши керак»,— деди.

— «Жўжани кузда санаш керак»,— деди Шошмақулга қарши Сафарқул.— Ҳамдамформанинг яхши колхозчи бўлганлиги йиғим-терим вақтида билинади. Бир

ишни яхши бажариш ёинки бир ариқни яхши қазиш ва қаздириш билан бир одам яхши колхозчи бўла олмайди. Колхозчи баҳордан йиғим-теримгача, куздан экин вақтигача ҳар ишда ўзини кўрсатиши керак. Ушандагина у яхши колхозчилик сифатини олишга арзийдиган бўлади...

«Бу қингир оёқяланг Сафарқулни сира ром қилиб бўлмайди-да,— деди Ҳамдамформа ўз-ўзига, Сафарқулнинг сўзини эшитиб:— Ҳар ҳолда ариқ қазишдаги ҳунаримни у ҳам тасдиқ қилиши мен учун катта ютуқ».

Ҳасан Эргаш сўзга чиқди. Ҳамдамформа у ўтирган жойига қанча диққат билан қараса ҳам, у ерда Қутбия кўринмади. Фурсатдан фойдаланиб, унинг олдига бориб, уни ёлғиз учратиб, бу кунги, ҳеч киши томонидан инкор қилинмаган ариқ қазишдаги «муваффақиятидан» унга рапорт бермоқчи бўлди; ўз-ўзига: «Булар ўз тажрибаларини ўртоқлаша берсинлар, биз ҳам ўзимизникини ўртоқлашайлик» деган ҳолда, келган йўли билан қайтиб кетди. У қайтиб кетар экан, девор остлари, дарахт орқаларидан пусиб юриб, йўлда биров учраб қолса, ўзини кўрсатмасликка чолишар эди...

* * *

Ҳамдамформа қишлоқнинг чеккасига чиққандан кейин энг охирги ҳовлининг ёни билан явон томонга бурилди. Ҳовлининг орқасига ўтиб, явонга қараб очиладиган оқ пардали бир деразани тирноғининг орқаси билан бир-икки чертди. Ичкаридан ҳам чертиш товуши эшитилгандан кейин ердан бир кесак олиб деразага катта ҳарф билан «Мен» сўзини тескари ёзди. Пардани кўтариб деразага қараган чиройли бир қиз чироқ нури остида очиқ кўринган «Мен» сўзини ўқиб, деразани яна бир чертди ва шошиб кийина бошлади.

Кейинги чертишни эшитган Ҳамдамформа деразага ёзгани «Мен» сўзини қўли билан артиб ташлагандан кейин кўча томонга қараб йўналди. Бораётганида:— «Биби, мен қизил чойхонага бораман, Ҳасанжон кечикди, уни бирга олиб қайтаман», деган товушни эшитиб қадамни яна ҳам тезлатди...

Кўчанинг бир ёнидан тортилган ариқнинг икки томонидаги эски, йўғон, сершоҳ, балхи тут дарахтлари кеча қоронғилигини ваҳимали бир кўринишга айлан-

тирган, бир-бирларига ўралиб, кўчанинг устини қоплаб олган дарахт шохлари юлдузлардан тушадиган ярим ойдинлик йўлини ҳам тўсган эдилар. Кўчага югуриб чиққан Ҳамдамформа ариқ билан ҳовлилар девори орасидаги тор йўлчага ўтиб, бир дарахтга суяниб турди. Кеча жимжит, шамолсиз, сассиз-садосиз эди. Ҳамдамформанинг қулоғига эшитилаётган ўз юрак тепишидан бошқа сас бу жимликни бузмас эди...

Ниҳоят, бир дарвозанинг очилиб ёпилишидан чиққан ғижирлаш садоси, кейин шипиллаб келаётган нозик бир оёқ шарпаси кеча жимжитлигини ҳар ким сезарли даражада бузди. Лекин бу кеча кўчада Ҳамдамформадан бошқа бу товушни сезадиган ҳеч ким йўқ эди.

Кўп ўтмади, оёқ шипиллашига янги — оҳорли кийимларнинг хиширлаши қўшилди. Бу нозик товушлар орқасидан босиб келган кучли атир ҳиди қишлоқ кўчасига атторлик магазинининг кайфиятини берди.

Ниҳоят, шипиллаб бораётган «қора» Ҳамдамформанинг рўпарасига келганида унинг «Мен» дейиши билан тўхтади ва товуш келган томонга кўз солиб ҳеч нарсани кўрмагач:

— Қаердасан?— деб сўради «қора».

— Бу ердан, дарахт тагида,— жавоб берди Ҳамдамформа.

— Сира кўринмайсан-ку?.. Қаердан ўтай?

— Ана у кўприкчадан.

Бу жавобни берган Ҳамдамформа қўлини чўзиб ўздан беш қадам нарироқдаги бир дарвоза рўпарасига солинган бир кўприкчани кўрсатди.

— Ана энди қўлингни кўра олдим,— деган «қора» тезлик билан кўчадан бурилиб, кўприкдан ўтиб, дарахт тагига қараб йўналди.

Ўзини дарахт билан девор орасига олган Ҳамдам орқасини деворга бериб, икки қўлини ҳам чўзиб деворга ёпишиб турган эди.

Дарахт билан девор орасидан ўтаман деб қадам босган «қора»:

— Оҳ, Қутбияжоним,— деган товушни эшитиши билан кучли қўллар томонидан қучоқланиб олинганини кўрди.

Қутбия юзини Ҳамдамформанинг оғзи остига элтиб ёпиштиргани ҳолда:

— Қўйиб юбор, у келиб қолмасин,— деди.

— Ҳали ҳам кўнглинг ундами, ҳали ҳам унинг хотирини риоя қиласанми?— деди Ҳамдам аразлаган оҳанг билан.

— Аслида ҳам кўнглим унда йўқ эди, ҳали ҳам йўқ; лекин ажралгунча унинг хотирини риоя қилишга мажбурман, бўлмаса ишимиз бутун бузилиб кетади,— деган Қутбия:— Утир, гаплашайлик, вақт ўтади; унинг қайтадиган вақти яқинлашди,— деди.

Ҳамдамформа бир қўлини очиб, иккинчи қўли билан Қутбиянинг белидан ушлагани ҳолда деворга суяниб ўтирди. Енида ўтирган Қутбия бошини унинг кўкрагига қўйди.

Ҳамдамформа ғижим рўмол остидан чиқиб турган қора сочларини сийпалагани ҳолда сўзга киришди:

— Мен қўрқаманки,— деди у,— деразали, каравотли, печкали уй, Бухоронинг асл шойисидан тикилган хишиллама кўйлақлар қора соч, қора қош, қора кўз, қизил юз ва оқ тсмоққа ярашадиган гулоби ва яшил ғижим рўмоллар, нозик оёқларга мос келган ипак пайпоқлар, амиркони ботинкалар сенинг кўнглингни унга иситган бўлмасин.

— Деразали, печкали, билмасам, яна нима балоли уйлар умрида уй-жой кўрмаган қуллар, қароллар, камбағаллар ёки уй-жойи молхонадан фарқсиз бўлган деҳқонлар кўзига кўринади. Аммо, ичкари, ташқари, ўн-ўн икки кабза — фурумон хонали ҳовлида ўсган Уринбой қалъачи қизининг кўзида бунақа русча уйларнинг нима қурби — манзилати бор?.. Шойи кийимлар бўлса, уларни мен янги кийган эмасман, отамнинг уйида зарбофларини ҳам кийганман.

— Ундай бўлса, сен Ҳасаннинг нимасига учиб унга тегдинг?

— Замона бузилиб колхоз деган бало тўраб, бойларга ҳужум бошлагач, ўз хонадонимизни қутқазиб қолиш йўлига тушдим, бирон нуфузли партийний ёки обрўли комсомол аъзосига эрга чиқмоқчи бўлдим. Мен ҳаммани бир-бир синаб кўрганимдан кейин Ҳасанни ҳаммадан тажрибасизроқ, соддароқ топиб шуни овлашга киришдим. Ўзимни унга, ўз жонимдан ортиқроқ севадиган қилиб кўрсатдим. У овланди. Лекин иш рўйхат устига келгач, «Сенинг ижтимоий чиқишинг менга тўғри келмайди» деб рўйхат қилишдан тортинди. Мен бунинг ҳам йўлини топдим, ота-онамнинг розиликлари билан

улардан ажралиб холамникада турдим ва Ҳасанга «Энди нима дейсан?» дедим. «Ота-онанг билан бориш-келиш қилмасликка сўз берсанг, майли» деди у. Мен сўз бердим. Мен рўйхат қилиниб бир ёстиққа бош қўйганимиздан кейин уни ўз йўлимга киргиза оламан деб ўйлар эдим. Аммо мен билмаган эканманки, бу содда кўринишли, юмшоқ муомалали боланинг кўнгли тошдан ҳам қаттиқроқ экан. Рўйхат қилиндик. Мен уни қанча сўйгандай бўлиб кўринсам, у мени ундан ҳам ортиқроқ сўйгандай бўлиб кўринар эди. Лекин шуни иқрор қилишим керакки, менинг севгим ясама — сохта бўлса ҳам, унинг севгиси соф қалбдан келган ёшлик севгиси бўлгани биллиниб турар эди. Шунинг билан барабар мен ҳар вақт отамдан сўз очдимми, соф қалбдан келган у севги ўрнида бир кин, бир ғазаб, бир нафрат пайдо бўлар, ўрнидан ирғиб турар, ёлвориб узатилган қўлимни итарар ва:

— Сен билан меники шу ергача эди, сен аҳдингни буздинг, мен ҳам бузсам айб қилма ва айб қилишга ҳақинг йўқ, деб уйдан чиқиб кетмоқчи бўлар эди. Мен қайтадан ясама бир вазият олиб, ота-онамдан абадий ажралганимни, ҳалиги гапларим қуруқ бир ҳазил эканлигини юз турли ишва билан унга тушунтириб, уни яна аввалги ҳолатига қайтарар эдим...

Бу ўйинни неча марта ўйнаб кўрган бўлсам ҳам, унинг тош кўнглини юмшата олмадим. Отамнинг бутун молу мулки мусодара қилинди, ўзи онам ва ёш укаларим билан бирга сургун этилди. Ҳовлимиз мактаб бўлди, кабзафурумон, ганжкори уйларимизга қора печкалар ўтқазилди. Аммо мен истамаганим ҳолда унинг қўлида қолдим...

Қутбия ўз саргузаштини бу ергача сўйлаб ишвабозлик билан юзини Ҳамдамформанинг кафтига сурди, кўзидан оқа бошлаган ёшнинг бир-икки томчисини жўрттага унинг қўлига томизиб, унинг ошиқона бир кайфият билан қайнай бошлаган юрагини ўзига раҳмшафқат билан ҳам тўлдирмоқчи бўлди.

Ҳамдамформа бу ҳолатда сўзни қаердан бошлашни билмас эди. Лекин ўзини унга бутунлай таслим қилаётган қизга кўп муқаддима қилиб ўтиришни лозим билмай, тўппа-тўғри.

— Ундай бўлса, ундан чиқ ва мен билан рўйхатдан

ўт, шу шарт биланки, рўйхатдан кейин имомни чақириб бир никоҳ ҳам ўқитамиз,— деди.

— Худо бизни ўша кунга етказса, албатта никоҳ ўқитамиз-ку-я,— деди Қутбия ва жим бўлди.

— Худо бизни ўша кунга етказишига яна қандай тўсиқ бор? Шўро ҳукумати ажралиш ва никоҳланишни осон қилган. Сен уни истамас экансан, эрта билан рўйхат шуъбасига бор, ундан ажрал, у бириси кун мен билан рўйхат қилдир. Иш тамом, вассалом. Бундай кўз ёши томизиб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Сўзингни синдириб, ота-онагни ҳимоя қилмаган бу боладан шундай қилиб ўчингни ол.

— Менинг,— деди қиз бошини кўтариб, жиддият билан,— ёлғиз Ҳасандан ўч олишим билан кўнглим тинчмайди; хонадонимизнинг хароб бўлишига, етимларимизнинг, қулларимизнинг, қаролларимизнинг, чорикорларимизнинг, чўпонларимизнинг рўёбга чиқиб, ўзларига хўжалик яшашларига сабаб бўлган колхоздан ҳам ўч олишим керак; бунинг учун мен ҳозирча фаол бир комсомол аъзосининг хотини бўла туриб сенинг бу қудратли қўлларингдан фойдаланишим лозим...

Қутбия бу кейинги сўзини сўзлаётганида, Ҳамдамформанинг енгини юқори суриб, тирсагигача очиқ бўлган бидагузукли қўлини унинг билагига суйкаб тургани ҳолда жим бўлди.

Ҳамдамформа ўз навбатида юзини Қутбиянинг юзига сочилиб тушган сочларига суйкаб:

— Колхоздан ўч олиш тўғрисида,— деди у,— сенинг биринчи ёрдамчинг мен бўла оламан.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

— Энди бу ўйингдан қайтдингми?

— Қайтганим йўқ, агар қайтган бўлсайдим, сени ўзим билан учрашишга чақирмас эдим; лекин қайтаёздим, чунки кейинги кунларда сенинг фаол бир колхозчи бўлганингни эшитаётирман.

— Уринбой қалъачининг,— деди Ҳамдамформа бошини қимирлата-қимирлата,— мирзаси, унинг инобатли гумаштаси ва «кўрпа кўтардиси» бўлган бир кишиси фаол колхозчи бўлмас!.. Мен аввал янглиш йўлга кириб очиқдан-очиқ дангасалик, бузмакорлик қила бошлаган эдим. Лекин менинг бу ўйиним ўтмади, сирим очилаёзган эди, дарров юзимни беркитдим-да, «фаолиятга» киришдим. Менга зўр бир ишни буюрган эдилар, уни му-

ваффақият билан бажардим. Шу билан мен «фаол колхозчи» номини олдим. Лекин менинг «фаол колхозчи» бўлиб чиқишим сенинг фаол комсомол аъзосининг хотини бўлиб туришингдан фарқсиздир.

— Бўлмаса бузмакорликни қачон бошлайсан?

— Шу муваффақият билан битказган ишимнинг ўзи бузмакорликдир.

— Қандай?— деб қувонгани ҳолда Қутбия бир қўлини Ҳамдарформанинг бўйнига солди ва иккинчи қўли билан унинг шилим урилиб юқорига қайтарилиб товланган бурутини сийпалай бошлади.

— Менга бир ариқни қаздиришни буюрган эдилар, уни шундай қаздирдимки, суғориш вақтида остидан бир чўп суқий билан уни бузиб юбориб бўлади. У вақтда у ариқдан суғориладиган пахталар бутунлай сувдан қонмасалар ҳам, бир ҳафта — ўн кун биринчи суғоришдан қолиб ҳосиллари 50 процент камаяди. Шу билан барабар пахта чопиғининг энг қизғин вақтида колхозчиларнинг катта бир тўдаси у ариқни янгидан қуриш билан овора бўладиларки, бу ҳам колхоз учун катта зарар бўлади.

— Ҳаммаси шуми?— деди Қутбия норозилик оҳанги билан қўлини унинг буртидан ажратиб.

— Йўқ, яна бор.— деди Ҳамдам, Қутбия томонидан бузилган бурутини товлаб юқори қайтариб қўйгани ҳолда.

— Нималар?— деди Қутбия хурсандлик билан.

— Экиш учун ер бошига элтиб қўйилган бир қопча тоза чигитнинг ярмисини ўғирлаб, ўрнига пучак чигитни қўшиб қўйдим. Булардан бошқа чопиқда, маъданий ўғит сепишда ўйлаб қўйган планларим борки, агар ишим шу «фаол колхозчи» номи остида бора берса, уларни ҳам осонлик билан бажарарман.

— Ундай бўлса, қулоқ сол,— деди Қутбия жиддий бир вазият олиб,— Ҳасан сеялка, культиватор ва шу каби машиналар билан ишлайди. Ўзининг сўзига кўра, ҳали бу ҳунарни унча ўзлаштирган эмас. «Сен фаол колхозчи» номидан фойдаланиб унга яқинлаш, эски сеялкачи сифатинг билан унга «маслаҳатлар» бер, шу билан фурсат топиб унинг ишларини бузиб юбор. Агар бу ишни қила олсанг, бир ўқ билан икки қушни урган бўламиз. Бири шуки, колхознинг иши бузилади, иккинчиси, Ҳасаннинг иши бузилиб, нодонлик ёки зараркунандалик

билан от чиқариб бадном бўлади. Комсомол ва партия ишига жону дил билан берилган, колхоз учун жонкуяр бўлган шунақа кишиларнинг ишларини бузиш — колхозни бузиш, ҳатто Шўролар ҳукуматига халал етказиш демакдир.

— Бу иш менинг биринчи планимда,— деди қувонгани ҳолда Ҳамдамформа.— Мен бир иш қилайки, Ҳасан эккан чигит сира чиқмай, уни бузиб қайтадан экиш керак бўлсин ёки сийрак чиқиб ораларига кетмон билан экишга тўғри келсин.

Қутбия Ҳамдамформага яна ҳам зичроқ бўлиб унинг қоши, кўзи ва бурутини сийпалаган ҳолда:

— Мен сени севардим,— деди,— лекин ёлғиз бу қора қош, қора кўз, қора ипакдай товланган бурутгинангини эмас, балки бу зоҳирий кўринишларингдан бошқа сенда ўзим аниқлай олмаган қандайдир бир гўзаллик кўриб севар эдим. Энди аниқлаётиманки, сен тамом менинг ички сирларимга мувофиқ ҳаракат қиладиган бир йигит экансан... Бир ўқ билан икки қушни уриш — бу менинг мақсадимга тамоман мувофиқ бир ишдир.

Ҳамдамформа ўзига бутунлай берилган қизни бағрига босгани ҳолда:

— Менинг,— деди,— отган ўқларим икки қушнинггина эмас, балки ундан ҳам кўпроқ қушларни урадилар. Кўрмайсанми? Мен ўз ишларимни кўпинча машиналар ва пахтачиликни ривожлантирадиган бошқа янги тадбирлар устидан бошлайман. Бу иш ҳам ҳосилни камайтиради, ҳам машина ва янги тадбирларга тарафдорлик қилиб гапирадиган раҳбарларнинг обрўйларини тўкади, ҳам ҳали машина ва янги тадбирларга одатланмаган, ҳатто уларга шубҳа билан қараган халқни улардан қайтаради; натижада колхоз тузатиб бўлмаслик даражада бузилади...

— Ҳамдамжон, Ҳамдамжоним,— деган ҳолда Қутбия ўз қўлини унинг белидан ўтказди ва давом қилди:— Менинг дунёда,— деди у,— икки мақсадим бор. Бириси — колхознинг бузилишини кўриш, иккинчиси — бу қувватли белни ўзимники қилиш.

Аммо қизил чойхона томонидан кўриниб келаётган чироқ шуъласи бир-бирларига илондек чирмашаётган Қутбия билан Ҳамдамни ажралишга мажбур қилди. Ҳамдамформа ариқ бўйлаб девор ости билан юриб қа-

ёққадир кўздан ғойиб бўлди. Қутбия бўлса, кийимларини тузатиб кўприкчадан катта кўчага ўтди ва чойхонага қараб зипиллаб юра бошлади, йигирма-йигирма беш қадам босар-босмас қўлларида фонус кўтариб келаётган одамларга дуч келди. Уларнинг ораларида Ҳасанни кўргач:

— Ҳасанжон, нега мунча кечикдинг?— деган ҳолда унинг ёнига ўтиб, у билан бирга қайтди.

Ҳасан Эргаш Қутбия узатган қўлни қўлтиғига қис-тириб:

— Бу кеча,— деди,— чойхонада суҳбат жуда қизиқ кетди. Социалистик мусобақа ва зарбдорлик ўз натижасини кўрсата бошлаган; бундан бурун дангасалик билан ном чиқарган колхозчилар ҳам ишчан бўлганлар. Мана шу тажрибалар тўғрисида гапирилди ва ютуқлар ўртоқлашилди.

Хотини билан сўйлашиб тўдадан орқада қолган Ҳасан уни юпатмоқчи бўлиб:

— Хўш, қани бошгинангнинг оғриғи қолдими?— деб ундан ҳол сўради.

Қутбия ишвакорона бир тарзда бошини эрининг кифтига суяб:

— Бошимнинг оғриғи қолди, лекин унинг ўрнига жон оғриғи бошланди: сен кечикдинг, жоним қисилди. Уйқум келмади. Ночор сенга қараб югурдим-да,— деди.

— Қутбия, сен ҳақиқатан мени севасанми?— деб сўради Ҳасан жиддий.

— Сени севмасам ярим кечада, қоронғи кўчада, ёлғиз бошим билан орқангдан югуриб юармидим?!

— У ҳолда ота-онангни унутганингдек улардан ўзингга юқиб қолган мешчанлик одатларини ҳам ташлашга урин, фаол бир колхозчи бўл, у вақти мени рози қила оласан.

— Оҳ... Тош кўнги...— деган ҳолда Қутбия Ҳасаннинг бўйнига сарилди, Ҳамдамформанинг қўли билан чулғаниб бузилган сочларини унинг туксиз юзига суйкаб, қитиқлай бошлади...

Одамлар тарқалиб уйма-уй кириб кетган, фонарь ҳам кўздан йўқолган эди, бўлмаса, Ҳасан Қутбия ўзига эркаланаётгани ҳолда унинг кўз қири беш минут бурун Ҳамдамформа билан бирга ўтирганлари дарахт тубига ҳасратланиб тикилганини кўрар эди.

XIV

Ҳаво соф, осмон кўм-кўк бўлиб ялтирамоқда. Офтоб ёйилиб, бутун далани яшнатмоқда эди. Трактор билан ҳайдалиб, дандона-мола бостирилиб сеялка билан экилган колхоз пахта майдони яшил тирмагул тикилган чодиршаб (чойшаб)дай кўзларни қамаштирмоқда эди. Бўйи ердан тўрт энлик кўтарилган ғўза ораларига ёйилган хотин-қизлар гулга қўнган асаларидек ғайрат билан ишламоқда, пахта ораларидаги ёт ўтларни термоқда эдилар. Саф тортиб чопиққа киришган колхозчиларнинг кетмонлари офтобнинг акси билан машқ майдонидаги қизил аскарларнинг қиличларидек ярқилламоқда эди. Эндигина ердан бош кўтариб себарга-чорбарга бўлган пахта ниҳолларини дугона-ягона қилаётган колхозчилар, моҳир кўз докторидай, авайлаб ишламоқда эдилар. Сувчилар ариқларни тозалашмоқда, молбоқарлар йўнғичқа ўрмоқда, кашшачилар пахта ниҳолларига сепиладиган, гард учун керак бўладиган гўнг ва эски тупроқларни арава юролмайдиган тор йўл ва марзалардан эшаклар билан ташимоқда эдилар...

Аммо пахта экилган бир қитъа ер устида тўпланган бир неча колхозчилар ўртасида қизгин баҳслашув бормоқда эди.

Баъзи жойи жуда сийрак кўкарган, ҳатто баъзи жойлари бутунлай бўш қолган ва баъзи жойлари бўлса жуда ғўли, ҳатто бир-бирига ёпишиб ўсган пахта майдонини айланиб чиққан агротехника Сафарқул:

— Бу, иккинчи экишимиз,— деди,— экиш мавсумининг бошларида бир марта экдик, баъзи жойи жуда сийрак кўкариб, баъзи жойи бўш қолди. Вақт ўтмасин деб сизга кўрсатмасданоқ бузиб бошқатдан экдирдик. Ана энди шу ҳолда ўсди. Қани, сиз айтиб беринг-чи, бунинг сабаби нима?

— Бунинг сабаби,— деди агротехник,— сеялкада, сеялкани билмасдан ёки атайин бузиб ишлатишда...

Агротехник папирос қутисини олиб Сафарқулга тутгандан кейин бир папиросни олиб Сафарқул чаққан гугурт билан ёндирди ва бир-икки қуллаб чеккандан кейин:

— Сеялкачиларингиз ким?— деб сўради Сафарқулдан.

— Мана бу бола!— деб у ерда қути учиб турган Ҳасанини кўрсатди Сафарқул.

— Кимнинг ўғли бу?— деб сўради агротехник, Ҳасанга шубҳа кўзи билан қарагандан кейин.

— Менинг ўғлим!— деди колхозчилар орасида ташвишланиб турган Эргаш.

— Жуда яхши, бўйи бўйингиз билан барабар келадиган катта ўғлингиз бор экан,— деди агротехник.

— Узи фаол комсомол,— деб Сафарқул Эргаш берган жавобни тугаллаштирди.

— Отинг нима? Яқинроқ кел,— деди агротехник Ҳасанга.

— Ҳасан!— деган ҳолда у агротехникка яқинлашди ва агротехник узатган қўлни сиқиб кўришди.

— Сеялка созлашни яхши ўрганганмисан?— деб сўради агротехник Ҳасандан.

— Ўрганганман,— жавоб берди Ҳасан.

— Иш бошлашдан бурун сеялкани синаб кўрибмидинг?

— Синаб кўриб эдим, жуда соз эди,— деди Ҳасан.— Синаш вақтида эски сеялкачи Ҳамдам акам ҳам бор эдилар,— деб ўз сўзига Ҳамдамформани гувоҳ қилиб кўрсатди.

— Тўғри, синов устида мен бор эдим,— деди Ҳасаннинг жавобини тасдиқлаган Ҳамдамформа.— Сеялканинг ўзи жинни машина экан. Бултур мен эккан пахталарнинг бир қисми ҳам шундай алағда чиққан эди.

Агротехник Ҳамдамформанинг кейинги гапини кулимсираб эшитгандан кейин:

— Албатта, айб машинанинг «жиннилигида» эмас, бунда ё ўртоқ Ҳасаннинг бир хатоси бор, ёки у билмай қолгани ҳолда бирор ёт қўл ишга аралашган.

Агротехникнинг кейинги сўзини эшитиб қути учган Ҳамдамформа офтобга қараб:

— Э, кун пешин бўлаёзди-ку, мен бориб ўз нормамни ишлай,— деб кетмоқчи бўлди.

— Тўхта, қаерга борасан?— деди Ҳамдамформага Шошмақул,— сен комиссия аъзоси-ку. Текширишни битказганимиздан кейин актга қўл қўйиб, сўнгра ўз ишинга борасан.

— Бузиб қайтадан пахта экиш учун вақт қолмаган. Энди нима қиламиз, бузиб бошқа бирон экин экамизми, ёқ шу ҳолича қолдириб, сийрак кўкарган жойларга кетмон билан чигит экамизми?— деб маслаҳат сўради агротехникдан Сафарқул.

— Менинг фикримча,— деди агротехник,— бузганда кўп пахта нобуд бўлади, шу ҳолича қолдириб, сийрак чиққан жойларига кетмон билан экиш керак.

— Менинг фикримча,— деди Ҳамдамформа,— шундай сийрак пахталарнинг ҳаммасини бузиб жўхори экиш керак. Кўп ер ва меҳнатни нобуд қилиб арзимас пахта кўтарганимиздан кўра, жўхори экиб ишламайча ҳар гектаридан юз қоп ҳосил олишимиз яхши эмасми? Бу ерларнинг пахтаси бузилган билан планимиз тўлмасдан қолмайди, чунки бу йилги пахтамыз ва уларда бораётган иш ҳар йилгидан 50 процент яхшироқ.

— Зараркунанда фикр,— деди Йўлдошев юзини буриштирган ҳолда...

— Бу фикрда...— деди унга қарши Шошмақул,— эҳтимол хато қилгандир, лекин комиссия аъзоси бўлган бир колхозчини бундан буён фикрини айта олмайдиган қилиб жеркиб ташлаш тузук эмас.

— Гапириш мумкинми?— деб олдинга ўтди Содиқ.

— Гапиринг,— деди унга Йўлдошев.

— Биз бултур,— деди Содиқ,— сийрак кўкарган пахталарнинг ораларига кетмон билан чигит ташлаб жуда катта хато қилдик. Кетмон билан кейин экилган пахталар кечикиб қолиб тузук ҳосил бермаганларидай ўз ёнларидаги барвақт кўкарган пахталарнинг яхшироқ новда ёзиб, шохлаб, кўсак боғлашларига ҳам йўл қўймадилар. Бунинг устига, эртаги ва кечки пахтанинг бир ерда аралаш кўкариши сугориш, чопиқ қилиш ва бошқа ишларни ҳам бузиб юборди. Натижада, ўша ерлардан унган ҳосил билан шартномамизни бажара олмадик...

— Хўп, сиз ҳам бу ерларнинг пахтасини бузиб бошқа экин экамиз дейсизми?— деб Содиқнинг сўзини бўлди Шошмақул.

— Сабр қилинг, ҳали мен «бердисини» айтганим йўқ,— деди Шошмақулга Содиқ.

— «Бердиси» не деган сўз?— деб сўради агротехник Сафарқулдан.

— Бир вақт,— деди Сафарқул изоҳ қилиш йўлида,— бир мулла Машраб девонадан: «Отинг нима?» деб сўраган. У «Худой...» деб жавоб берган. Бу жавобни эшитган мулла Машраб девонани «Қофир бўлдинг» деб ура бошлаган. Шатта остида қолган Машраб девона «Нега мени урасиз, мен «отим Худойберди» демоқчи эдим. Аммо сиз ҳовлиқмалик қилиб «бердиси» оғзимдан чиқ-

масданоқ мени ура бошладингиз деган. Мана шу ҳикоядан олинган «бердиси» сўзи бировнинг сўзини кесиб, унга қарши гапирган вақтда ишлатилади.

— Яхши ўхшатма,— деди Содиққа қараб агротехник,— давом қилинг!

— Менинг фикримча,— деди Содиқ,— бутунлай бўш қолган жойларга кўчат ўтқазиб, ўртача сийрак кўкарган пахталарни ўз ҳолича қолдириб яхши ишлаш, тўрт мартагина эмас, беш-олти марта чопиш, ёт ўтларни кўринган ҳамон териб туриш, маъданий ўғитдан бошқа ҳар чопиқда куйган гўнгдан гард сепиш керак. У вақтда гўзалар бўш қолган жойларга қараб шохлаб ҳар тупда юзта кўсак боғлайдиган бўлса, икки юзта кўсак боғлаб, кутганимиздан кўпроқ ҳосил беради. Қийинлиги шундаки, оддий пахталарга қараганда, икки-уч марта кўпроқ иш қилиш керак бўлади.

— Сиз,— деди Шошмақул аччиғлангани ҳолда Содиққа,— сийрак кўкарган пахталар ўз ҳолига қўйилган тақдирда, бу йилги шартномамизга мувофиқ, ҳар гектардан керакли ҳосилни беришга жавобгар бўла оласизми?

— Иши ўз қўл остимда бўлгани тақдирда шартномада кўрсатилган миқдордан бир ярим баравар ортиқ ҳосил олишга мутасадди бўламан,— деди Содиқ жиддий билан.

— Айтганингиздан кам ҳосил берса, сизни зараркунандалиқда айблаймиз!— деб дўқ урди Содиққа Шошмақул.

— Ҳосилни кўпайтириш йўлида амалий фикр берган тажрибакор бир колхозчини қўрқитиш!— деди Йўлдошев кулимсираган ҳолда агротехника қараб,— мўл ҳосил олиш учун бўладиган ташаббусни бўғишдир.

— Мен,— деди агротехник,— Содиқ аканинг таклифига қўшиламан, бу ўртоқнинг фикри илмга мувофиқ, шунинг учун сизларга маслаҳат берар эдимки, гўза сийрак кўкарган ерларнинг ишини Содиқ аканинг ўзига топшириб, бир тажриба қилиб кўрсангизлар эди.

— Тўғри,— деди Сафарқул.

Пахтаси сийрак кўкарган участкаларнинг иши шу мажлисдаёқ Содиққа топширилиб, бу ишни олиб бориш учун ўзи истаган одамлардан алоҳида бир звено ташкил қилиш ҳам унга ҳавола қилинди...

Комиссия раиси сифати билан:

— Бу иш битди,— деган Сафарқул,— энди, пояхушк

бўлган пахталарнинг устига борамиз,— деб таклиф қилди аъзоларга.

Комиссия пояхушк бўлган пахта майдонига бораётганда хаёлга чўмиб орқадан келаётган Ҳасанни кўрган Сафарқул унга:

— Сен энди ўз ишингга бор, культиваторингни қўшавер,— деди ва ўзи комиссиянинг олдига тушиб, йўл бошлади.

* * *

— Бу ер кузда шудгор қилинганми?— деб сўради пояхушк бўлган пахта ерни кўрсатиб агротехник.

— Шудгор қилинган,— жавоб берди ҳосилот шўрсининг ранси Самад этикчи.

— Трактор биланми?

— Ҳа.

— Қавсоб, чиллаоб берилганми?

— Берилган.

— Маҳаллий гўнг солинганми?

— Ариқдан қазилган тупроққа гўнг қўшиб солинган.

— Маъданий ўғит-чи?

— У ҳам солинган.

— У ерга-чи?— деб сўради агротехник, пахтаси ўсмай оқдалак бўлиб қолган бир ерни кўрсатиб.

— У ҳам,— деди бригадир,— шу ер билан баравар кузда шудгор қилинган, қавсоб, чиллаоб берилган, гўнгли тупроқ солинган, иккови бир вақтда экилган ва икковига бир ўлчакда маъданий ўғит солинган.

— Шундай жавоб берасанки,— деди бригадирга қараб агротехник,— кишининг бу пахталарнинг бундай бўлиши «худодан» ёки «шайтондан» дегуси келади...

Агротехник қутидан папирос чиқариб, Сафарқул чекаётган папиросдан ёндириб, бир-икки чеккандан кейин ўз сўзини давом эттирди:

— Бир хил шароитда ишланиб, бир хил шароитда экилган ва тупроғининг табиати бир хил бўлган икки ер турлича бўлмайди. Буларнинг орасида қандайдир бир айирма бор.

Агротехник ўйланиб турган ҳолда папиросни чека бошлади.

— Менинг фаҳмимча,— деди Ҳамдамформа,— айб маъданий ўғитда. Эшитишимча, Гиждувон томонларида ҳам маъданий ўғит кўп пахталарни куйдириб юборган.

— Менинг қўл остимдаги пахталарни маъданий ўғит нега куйдирмади?— деб унга қарши чиқди Ғафур урчуқчи.

— Тўғри,— деди Йўлдошев ва бригадир Абдига қараб:

— Эсингда борми? Маъданий ўғитни агротехникага мувофиқ ўлчаб сепганмисан? Ё кам-зиёд қилганмисан?— деб сўради.

— Албатта эсимда бор,— деди бригадир,— омбордан бир юз қирқ тўрт килограмм ўғитни ўз қўлим билан ўлчаб келтириб, шу ерда баб-баравар иккига бўлиб, шу икки ерга септирдим.

— Тахминан бўлдингми? Амир вақтидаги «тахминан ўн ботмон»дай бўлган бўлмасин? — деб сўради бригадирдан Эргаш.

— Тахминан эмас, сатил билан бўлдим. Бўлган вақтимда Ҳамдам ҳам бор эди,— деди бригадир.

— Тўғри,— деб Ҳамдамформа унинг сўзини тасдиқ қилди.

— Бу ерда қандайдир бир англашилмовчилик бор,— деди агротехник ерга ташлаган папиросни оёғи билан эзиб, унинг ўтини ўчирган ҳолда.— Менинг фикримча, бу пояхушк бўлган ерга маъданий ўғит ҳаддан ошиқ кўп солинган, аммо бу оқпалак бўлаёзган ерга бўлса жуда оз сепилган.

— Буларни тузатиш учун сиз қандай маслаҳат бера-сиз?— деб сўради агротехникдан Сафарқул.

— Албатта,— деди агротехник,— ўлган одамни тирилтириш мумкин бўлмаганидек, қуриган ғўзаларни кўкартириш ҳам мумкин эмас. Аммо, бу оқпалак бўлаёзган ерни культиватор билан юмшатиб, унга йигирмайигирма беш кило ўғит сепилса, авжланиб кетиши мумкин

— Оқпалак бўлаёзган пахтани ўғит сепиш билан соғайтириш мумкин бўлса, пояхушк бўлган пахтани унга солинган ўғитни озайтириш билан тузатиш мумкин бўлур,— деб фикр юритган Нормуроднинг гапига ҳамма кулиб юборди.

— Кулманглар!— деди агротехник,— унинг фикри асосан тўғри, модомики, ўғит кўп солингандан касал бўлган экан, уни камайтириш билан соғаяди. Лекин гап шундаки, тупроққа аралашган ўғитни қандай қилиб ажратиб олиш мумкин?

Агротехник Нормуроднинг фикрини қувватлаб, унинг кўнглини кўтаргандан кейин:

— Бу тўғрида ўзингизнинг фикрингиз қандай, қайси йўл билан унинг ўғитини озайтириш мумкин?— деб сўради Нормуроддан.

— Пояхушк бўлган ернинг,— деди Нормурод,— тупроғини қазиб чиқариб, ўрнига тоза тупроқ соламиз.

— Бу иш жуда қийин,— деди агротехник,— тупроқни қазиб чиқарганингизда соғ қолган ғўзаларни ҳам қуришингиз мумкин. Фақат чолиқ вақтида соғ қолган ғўзаларнинг тубига оз-оз тоза тупроқ солинса, уни соғайтириб юборар, ҳар ҳолда қуриган ғўзалар қайтиб кўкармайдилар.

— Кўрдингизларми?— деди комиссия аъзоларига Нормурод,— сиз масхаралаган менинг фикрим агротехник томонидан қандай маъқулланди. Сизларнинг ҳаммаларингиз нодон.

Нормуроднинг бу фахрланишига қиқирлашиб кула бошлаган комиссия аъзоларини:

— Сафарқул ака, культиватор йўқ, йўқолибди,— деб келган Ҳасаннинг сўзи ҳайратда қолдирди.

— Қандай йўқ, қаерга йўқолган?!— деб сўради Сафарқул таажжуб билан ундан.

— Кеча кечқурун,— деди Ҳасан,— ишдан кейин отни ечиб олиб, «тагин тонг билан келиб ишга тушарман» деб культиваторни ер бошида қўйиб кетган эдим. Ҳозир бориб қарасам, ўз жойида йўқ.

— Бирон киши ўғирлаб кетгандир-да,— деди Ҳамдамформа.

— Культиваторни ким ўғирлайди?— деди унга қарши Сафарқул.

— Беш сўм турмайдиган бир кетмонни ўғирлайдилару, ўттиз-қирқ сўмга арзийдиган культиваторни ўғирламайдиларми?..— деди Ҳамдамформа.

— Бу,— деди Йўлдошев,— оддий ўғрининг иши эмас. Зараркунанда синфий душманнинг иши...

— Ўй, Сафарқул ака!! Сафарқул ака, ўй!! Бу ёққа келинлар, ўй! Янги қазилган ариқ кўтарилиб рўд билан бирлашиб кетди,— деб узоқдан туриб қичқирган бир сувчининг товуши комиссия аъзоларининг диққатини культиватор масаласи устидан у томонга тортди. Ҳамма шошиб-пишиб бузилган ариқ томонга қараб югурди...

Халқи бутун деярли ишга чиқиб кетган қишлоқ бўм-бўш, жимжит эди. Ҳеч кимга билдирмай, комиссиядан ажралиб қишлоққа келган Ҳамдамформа, маълум бир ҳовлининг орқасига ўтиб ўзига таниш бўлган бир деразадан ичкарига қаради. Офтоб билан тўлган кенг деразали уйнинг ичи ёп-ёруқ, деворга суяб қўйилган одам бўйлик бир ойнадан тушаётган офтоб бу равшанликни яна ҳам орттирган эди. Дераза ёнига қўйилган сим каравот устида чўзилиб ухлаган Қутбия Ҳамдамформанинг ақлу ҳушини тортди. Пар ёстиқ қўйилган тўшак устида оқ маркетдан узун бир қават қўйлак кийиб оқ чойшаб ёпиниб ётган Қутбиянинг кўриниши ҳақиқатан ҳам дилрабо эди. Ёқаси очиқ оқ қўйлак остидан кўриниб турган биллур каби сийнаси, тоза ювилиб, таралиб, кўкраги устига ёйиб ташланган қора сочи, тос қалпоғи остидан чиқиб, бир қоши, бир кўзи усти билан қулоғига қараб қайрилган печчаси, гажакланган зулфи остидан гулоби гул баргидай бўлиб кўриниб турган қулоғи, тирсагигача очиқ оқ қўллари, ёқут қошли олтин узук тақилган бармоқлари Ҳамдамформани тоқатсизлантирадиган бир вазиятда эди.

Ҳамдамформа оғзининг сувини оқизиб, Қутбиянинг жозибали жамолини бирпас томоша қилганидан кейин бу кунгача ичини кўрмаган бу уйнинг ҳар томонини кўздан кечирди: озода ва соддагина безатилган бу уй ярим европача эди. Ости тахта пол бўлгани ҳолда полнинг устига қизил пат гилам ташланган, икки ён деворга ҳам қизил гиламчалар қоқилган эди.

Уйнинг бир деворида шарқча қилиб тортилган дор устида Қутбиянинг кийимлари қаторида Ҳасаннинг ҳам беқасам тўни, сатин яктаги, шойи белбоғи, мовут костюми ёйилган эди. Дор бошидаги қозикқа Ҳасаннинг ёқасига қоракўл териси тикилган мовут пальтоси осилган бўлиб, унинг устига сур қоракўл терисидан бухорича қилиб тикилган сағобий лабакилик телпаги илинган ва бошқа бир қозикқа бир жуфт хром этик осилган эди.

Уйнинг бошқа бир томонида стол, стул, сиёҳдон, қалам, қоғоз, дафтар, газета, журнал, тоқчада терилиб қўйилган катта-кичик китоблар кўринмоқда эди.

Уйнинг даҳлиз томонидаги девори қора печкадан бу

уйнинг эски тартибда ёғочдан эмас, европача қилиб гиштдан қурилганлиги билиниб турар эди...

Уйнинг озодалигини, тинчлигини, керакли асбоб ва кийим-кечаклар билан тўлганлигини кўрган Ҳамдамформа ўз-ўзига:

«Оҳ...— деди,— умрида уй-жой, кийим-кечак кўрмаган, чайлада туғилиб мол оғилида, ёки қўй қўрасида ҳайвонлар қаторида ўтган қуллар, қароллар колхоз шарофати билан шундай тинч турмушга эга бўлганларидан кейин уларни колхозчиликдан қайтариб бўладими?..»

Бундай тинч турмушни Қутбиянинг отаси ҳам кўрмаган эди. Дуруст, у бой эди, унинг давлатидан мен ҳам бир бойдай яшамоқда эдим, лекин бизнинг бойлигимиз турмушни тинчитиб учун эмас, балки тўй, кўпқари, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўладиган бесўнақай чўпқори иморатларга кетар эди...»

Ҳамдамформа қизғанч-ҳасад билан тўлиб-тўлиб тоша бошлаган кўнглини яна хаёлланиб юпата бошлади. «Бундан кейин агар мен яна давлат эгаси бўлсам, мана шундай бир турмуш тузаман. Лекин колхозчилик йўли билан давлатли бўлишим мумкин эмас, негаки, бунинг учун меҳнат, мунтазам меҳнат, ҳалол меҳнат қилиш керак; аммо мени худо меҳнат учун эмас, балки бошқаларга иш буюриб бойлик тўплаш учун яратган. Бошқалар меҳнатидан фойдаланиш колхоз бор бўлган вақтда мумкин эмас. Шунинг учун колхозни бузишим, колхозни йўқотишим, ҳеч бўлмаганда, унга зарар етказиб туришим керак. У вақтда ҳам меҳнатсиз тинч турмушга эга бўларман, ҳам шундай нозанинни қўлга киргизарман...»

Ҳамдамформа ўз хаёлида гавдаланган «умид» ўти билан равшанлаша бошлаган кўзини маркизет кўйлак остидан ярим кўриниб турган Қутбиянинг баданига ташлаб: «Мана шундай нозанин ҳам мени колхозни бузишга буюрган» деб уни уйғотиб бугун қилган ишларидан унга маълумот бермоқчи бўлиб деразани тирноғининг орқаси билан бир-икки чертди. Лекин қаттиқ уйқуга толган Қутбия уйғонмади.

Нариги уйда ёки даҳлизда бўлиши эҳтимол тугилган Қутбиянинг қайнасаннинг хабардор бўлиб қолишидан қўрққан Ҳамдамформа деразани қаттиқ тақиллатишни муносиб кўрмай, эгилиб ердан бир кесакни олди-да, у кесак билан деразага:

**«АРИҚ БУЗИЛДИ»,
«КУЛЬТИВАТОР ЙУҚОЛДИ»**

деган сўзларни ёзди. «Уйғониб тургандан кейин ўқиб кўриб деразани очиб артиб ташлар» деди ўз-ўзига ва келган йўли билан қайтиб кета бошлади...

Ҳамдамформа ҳовлини айланиб қишлоқ кўчасига чиқаётганида хаёлга чўмиб келаётган Ҳасан унга дуч келиб:

— Ҳа, Ҳамдам ака, бу томонларда нима қилиб юрибсиз?— деб сўраган бўлса ҳам, унинг:

— Ҳа, шу ёқда бир ишим бор эди,— деган жавоби-ни эшитмагандай бўлиб, ўз ҳовлисига кириб кетди.

Ҳамдамформа парвосиз ўтиб кетган Ҳасаннинг ҳеч бир шубҳага тушмаганлигидан хотиржам бўлган бўлса ҳам, деразага ёзган сўзларидан қўрқувга туша бошлади. «Агар Ҳасан уйга киргунча уйғониб у сўзларни деразадан артиб ташламаган бўлса, унга бу тўғрида нима жавоб беради?» деб ўйлай бошлади. Лекин унинг бу ўйини бузилган ариқни тузатмоқ учун ёппасига ҳашарга бораётган колхозчиларнинг шовқин-суронлари бошидан қочирди. У ҳам бир «фаол колхозчи» суратида ҳашарчиларга қўшилиб кетди.

XVI

Сентябрь ойининг ёқимли офтоби дала ҳавосини баҳор кунлари ҳавосига айлантирган эди. Ғўзалар пахтазорга гулзор тусини бермоқда, терилиб, чошлаб ташланган пахта хирмонлари офтобли баҳор кунларида узоқ уфқдан кўринадиган қалин оқ булут парчаларидай кўзларни қамаштирмоқда эди.

Пахта теримига чиққан эркак, хотин, қиз, ўғил — катта-кичик теримчилар бутун пахта даласини қоплаб олган эдилар.

— Уртоқлар, овқатга!— деб чақирган бригадир— Муҳаббат опанинг товуши ҳамма теримчиларни дастурхон бошига тўплаган бўлса ҳам, Фотима бу товушни эшитмагандай бўлиб ўз ишини давом қилдирмоқда эди. У кандир пешгир (фартуғ) этагини белбоғига қистиргани ҳолда икки қўллаб пахта териб этагини тўлдирар ва пахта билан тўлган этагини қопчага бўшатган ҳамон дам олмасдан яна ишга киришар эди.

Овқат бошида Фотимани кўрмаган Муҳаббат опа ўрнидан туриб пахтазорга қаради, унинг ҳали ҳам пахта тераётганини кўргач:

— Овқатга кел, Фотима!— деб чақирди.

— Мен бугун овқатни иш бошида ейман,— деб бошини ишдан кўтармасдан жавоб берди Фотима.

— Сен кунда мусобақани ютиб келаётибсан-ку. Келиб овқатингни е, кўрқма, бугун ҳам ютасан.

— Иш ёлғиз бир кишининг мусобақани ютишида эмас, бригада ҳам мусобақада ютиб чиқиши керак,— деб жавоб берди Фотима.

— Бизнинг бригада ҳам,— деди Муҳаббат опа,— кундалик ҳисобга кўра кейинги беш кунликда мусобақани ютади.

— Бу билан ҳам иш битмайди,— деди Фотима,— колхозимизнинг ҳам қўшни колхозлар билан боғлаган мусобақадан ютиб чиқиши учун ишлаш керак; бу ҳам қўлга кирса, районимизни бошқа районлардан олдин суриш керак бўлади, у ҳам қўлга кирса, республикамизнинг Озарбайжон республикаси билан боғлаган мусобақасида ютиши учун ишлаш керак бўлади, бу ҳам қўлга кирса, СССРнинг пахта мустақиллиги учун виждон билан ишлаш керак бўлади. Қисқаси, социалистик мусобақа ва зарбдорлик шундай методки, бу билан СССР бутун дунёда мусобақани ютади. Бунинг учун фарди мусобақаларда ютиб чиқиш билан қаноатланмасдан, кўпчиликнинг мусобақада ютиши йўлида ҳар бир фард ҳормасдан ишлаши керак.

— Замонага мувофиқ қизил сўзлар,— деди Қутбия нозик қўлларига суқилиб қолган чанғалоқ учларини суғуриб олаётган ҳолда.

— У ким учун ва нима учун замонасозлик қилади?— деди Муҳаббат опа овқат бошига ўтириб.— У комсомолка, у зарбдор, у уч йилдан бери колхозда бир аъзогина бўлиб эмас, бир қурувчи, бир ташкилотчи бўлиб ишлаб келган бир қиз.

— Ҳар нима бўлса ҳам, мен уни ҳеч хушламайман,— деди Қутбия, ярим кирланган қўлини оқ шойи рўмолчаси билан арта-арта.

— Чунки унинг қўли,— деди Муҳаббат опа,— сизнинг қўлингиздай нозик эмас, у билан кўришиб қолсангиз, унинг қўли сизнинг қўлингизга чанғалоқдан ҳам дағалроқ тегади.

Табиати хитланган Қутбия ҳаммадан бурун дастурхон бошидан туриб нарироққа бориб бир тол дарахтига суялди, оқ сурпдан тикилган пешгирни белидан ечиб қоқди, унга ёпишиб қолган пахта гардларини, хас-хашакларни қўли билан териб ташлаб, пешгирни яна белига боғлади. Пахта териш учун гулоби остидан махсус тикиб пахта теримига кийиб чиққан кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб билакларини шойи рўмолча билан арта бошлаганида:

— Ҳорманглар, ҳорманглар, Муҳаббат опа!— деган товушни эшитиш билан бирдан шундай қаттиқ сесканиб кетдики, агар дарахатга суянган бўлмасайди, йиқилиб кетиши аниқ эди.

Қутбия ўзига яқинлашиб келиб товуш чиқарган одамнинг Ҳамдамформа эканлигини кўргач, сесканганидан, титраган юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади.

— «Ҳорманг... ҳорманг»,— деб келган Ҳамдамформа теримчиларнинг «Бор бўлинг», деган жавобларига қулоқ солмасдан, дарахатга суяниб қотиб қолган Қутбиянинг олдига келиб навозишкарона бир эҳтиром билан бошини эгиб:

— Сиз ҳам ҳорманг, эсонмисиз,— деди ва Қутбиянинг тепаётган юраги устидан қўлнинг ихтиёрсиз ўз томонига узатилиши билан унинг биллагидан ушлади, қонсиз, ингичка билакни бир-икки уқалагандан кейин қўлини сийриб панжага туширди ва лўхтақларнинг бармоғидай ингичка бармоқларни қисгани ҳолда:

— Сиз ҳам теримга чиқиб бу нозик бармоқларингизга озор берибсиз-да. Эсиз,— деди.

— Кўп қисманг, қўлимда мадор қолмаган,— дегандан кейин Қутбия товушини бошқалар эшитмаслик даражада пастлатиб деди:— Нима қилай, қўймади, «мен теримга чиқмайдиган бир хотин билан яшай олмайман, ё мени де, ё мешчанликни» деб масалани узил-кесил қўйди...

Қутбиянинг табиати хитланишига сабаб бўлган дастурхон устидаги теримчи қиз унинг Ҳамдамформа билан қўл ушлашиб турганини кўргач, Муҳаббат опага қараб:

— Форманинг қўли унга дағаллик қилмасмикан?— деди кулимсираб.

— Асли унинг қўлига,— деди Муҳаббат опа,— Форманинг қўли мос келади, Уринбой қалъачининг қизи учун Уринбой қалъачининг гумаштаси муносиб эди. «Тенг

тенги билан, тезак қопи билан» демаганларми. Аммо бизнинг Ҳасанжон тажрибасизликдан тузоққа тушди, ҳам ўзини куйдирди, ҳам Фотимани.

— Дарвоқе. Ҳасаннинг иши нима бўлди? У зараркунандаликда айбланган эди, афтидан?— деб сўради Муҳаббатдан қиз.

— Албатта,— деди Муҳаббат, — Ҳасанжонни зараркунандалик билан айблаш Шошмақуллардай ҳовлиқма кишиларнинг иши эди. Мен ўйлайманки, Ҳасанжон кўрабила бирор зараркунандалик иш қилмаган. Аммо, шу мешчанканинг касофатидан бирон тузоққа тушган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳасанжонни масъулиятли ишлардан чиқарган бўлсалар ҳам, комсомоллигини, ота-бобосининг қул бўлиб келганлигини, отасининг қизил партизанлигини назарда тутиб, ишини бости-бости қилиб юборган эдилар. Лекин яқинда МТСнинг сиёсий бўлими томонидан келган Қулмурод ака бу ишни бошқатдан қўзғатди. «Зараркунда ким бўлса бўлсин, фош этилиши керак» деб янгидан текшираётир. Агар текшириш натижасида Ҳасанжон бу ишга илинган бўлиб чиқса, у ҳам нобуд бўлади, бу мешчанка ҳам жазосини тортади...

Орқада пичирлашиб ўзи билан Қутбия ҳақида гапираётганларни сезган Ҳамдамформа Қутбиянинг қўлини тутиб тургани ҳолда орқага қараб:

— Эски қадрдоним, хўжайинзодам билан гапиришатибман. Аммо бу киши фаол бир комсомолнинг ўртоғи бўлганларидан бери эски хизматчиларини унутган, бизни назарлари илмайди,— дегандан кейин яна Қутбия билан пичирлаша бошлади.

— У масалани узил-кесил қўйган бўлса,— деди Ҳамдамформа,— сен ҳам узил-кесил қўйиб тезроқ унинг қўлидан қутулиш йўлига кирсанг бўлмасмиди? Қачонгача халқ олдида пичирлашиб, пастқамларда кўришиб юрамиз, барвақтроқ рўйхат қилдириб ишни расмийлаштиришимиз керак эди.

Теримчи аёлларнинг тўриб ишга кетганларини кўрган Қутбия тинчланиб узун бир нафас олгандан кейин:

— Ҳали бир оз сабр қилишим керак,— деди.

— Яна не учун сабр қилиш керак?— деди Ҳамдамформа озорланган оҳанг билан.— Мен шартларимни ўрнига келтирдим, колхозни бутун буза олмаган бўлсам ҳам, унга анчагина зарар етказдим. Ҳасаннинг бўлса бошига сув қуйдим ҳисоб. Энди унинг илгариги обрўйи,

эътибори қолган эмас. Агар сен ундан чиқсанг, ҳозир сени ҳеч ким айбламайди. Биз рўйирост бирлашгандан кейин колхозга тагин ҳам кўпроқ зарар етказишимиз мумкин...

Теримчи аёлларнинг узоқлашганларидан хотиржам бўлган Қутбия ҳалигача Ҳамдамнинг қўлида бўлган бармоқлари билан унинг кафтини юмшоққина тирнаб қитиқлагандан кейин қўлини секингина унинг қўлидан тортиб олиб, қулочларини ёзиб, кўкрагини кўтариб бир эснади. Сўнгра икки қўлини Ҳамдамнинг икки кифтига ташлаб:

— Утир!— деди ва ўзи дарахтга суяниб ўтирди. Ҳамдамформа ҳам кўзлари қизариб кетгани ҳолда унинг олдига, нам тупроқ устига чўккалаб ўтирди ва кифтдан ажралган нозик қўлларни тиззасининг устига олиб уқалай бошлаб:

— Қани, жоним, менинг таклифимга нима дединг?— деб сўради.

— Ўзимнинг ҳам,— деди Қутбия,— сабр қилишга тоқатим қолмагани ҳолда сенга яна бир оз сабр қилишни таклиф қилишга мажбурман.

— Нега?

— Чунки кўп вақт ўтмайин унинг қўлидан катта бир обрў билан қутулишга умидим бор.

— Қандай умид?

— У ва унинг ота-онаси ҳар бир сирларини мендан яширсалар ҳам, мен унинг ишининг боришини англаётиман.

— Кимдан, қандай сирни англадинг?— деб сўради Ҳамдамформа қувонгани ҳолда.

— Нормуроддан,— деди Қутбия ва давом этди:— Нормурод фаол бир колхозчи бўлса ҳам, соддагина бир одам, ундан ҳар сирни олиш мумкин; мен уни кунда ё кун ора бир учратаман. «Қалайсиз, куёв амаки?» деб у билан кўришаман, «Қани, Хадичага қачон уйланасиз?»— деб сўрайман, шу билан очилиб кетади. Сўнгра уни Ҳасаннинг иши тўғрисида гапиртириб, ўзи сезмагани ҳолда ундан ҳар бир сирни пайқаб оламан. Унинг айтишича, Ҳасан сеялкани қасддан бузиш, культиваторни зараркунандалик фикри билан йўқотишда айбланмоқда, шу яқинларда судга берилиши аниқ эмиш.

— Биз,— деди Ҳамдамформа,— унинг судга берилишини кутиб тураемизми?

— Судга берилиши керак эмас,— деди Қутбия,— унинг айби аниқланиб колхознинг умумий мажлисида муҳокама қилинган ҳамон мен майдонга отиламан. Отам ёт унсур бўлса ҳам, ўзим бутунлай Шўро ҳукуматига берилган, шунинг учун мен бир комсомол аъзосига эрга чиққан эдим. Энди эримнинг зарарқунандалиги аниқланди, мен бу билан яшай олмайман, ундан ажраламан дейман. Шу билан ундан ажраламан. Ҳар коммунист, ҳар комсомол аъзоси ва ҳар бир «фаол колхозчи» менинг бу ҳаракатимни мақтайди. Сўнгра мен катта обрў билан бир «фаол колхозчини» танлайман. У ҳам бўлса, сен бўласан.

Ҳамдамформа қўлини Қутбиянинг бўйнига солиб унинг бошини олдин тортгани ҳолда:

— Кел, кел, шу сўзни сўзлаган у асал каби тилдан битта ўпиб олай,— деди.

Қутбия бошини кейинга тортиб:

— Қўйгин, биров кўриб қолмасин,— деб унинг бу талабини рад қилганидан кейин ўзи ўз гапидан ҳуркиб, бўйинини чўзиб теваракка қаради. Унинг бу ҳаракатидан шубҳаланган Ҳамдам ҳам атрофга қарагандан кейин:

— Хотиржам бўл,— деди,— одам бўйича ўсиб, тўрт томонга шох отиб, кўсак боғлаб, колхознинг мустаҳкам-ланишига ва колхозчиларнинг давлатли бўлишига сабаб бўладиган бу шум ғўзалардан ҳеч хушланмасам ҳам, шу вақтда бизнинг шундай лаззатли суҳбатимизнинг устини ёпиб тургани учун булардан миннатдорман. Бу ғўзаларнинг шарофатидан олдимизга келиб қолмагунча ҳеч ким бизни кўролмайди.

— Шунинг учун,— деди Қутбия, озорланган оҳанг билан,— мен сенинг ишларингдан қаноатланмайман-да, сеялкани бузиб бир неча гектар ернинг пахтасини сийраклаштирдигинг, лекин ҳормасдан қилинган меҳнат соясида уни зарарсиз қилиб ўтказдилар. Муҳаббат опанинг сўзига кўра, ўша ерлар планда кўрсатилгандан икки баравар ортиқ ҳосил берган. Чигитни алмаштирдигинг, унинг ҳам иложини топдилар, чигит ерда куйиб чиқмагач, дарров бошқатдан экдилар; культиваторни йўқотдинг, дарров бошқасини топиб келтирдилар; у тўғридан колхоз кассасидан кетган бир неча сўмдан бошқа ҳеч иш бўлмади; лекин шундай яшнаб кетаётган колхоз учун бунақа арзимас харажатларнинг нима зарари бор? Энди сенинг катта умид боғлаганинг ариқ устига келсак, у ҳам

сен ўйлаганча бир ҳафта — ўн кун бузилиб қолмади, балки ҳаммани ҳашарга чақириб бир кунда тузатиб, пахталарни ўз вақтида суғордилар. Бунда ҳам колхозчиларнинг бир кунлик умумий меҳнатларидан бошқа зарар бўлмади...

— Маъданий ўғит устида ишлаган ишларим-чи?— деди оғир таъналар остида қолган Ҳамдамформа Қутбиянинг сўзини кесиб.

— У тўғридан бир оз зарар бўлди,— деди Қутбия,— лекин саккиз гектар ернинг озроқ ҳосил бериши икки юз эллик гектардан ортиқ серҳосил пахтаси бўлган бир колхоз учун кўзга кўринарлик зарар эмас. Колхозга шундай зарба уриш керакки, у тубдан бузилиб кетсин, у вақтда биз тинчланамиз.

— Хўп,— деди Ҳамдам,— Ҳасаннинг бошида қўзғатган фалокатларим-чи.

— Бу дуруст, унга урилган зарбадан ота-онам сургундан қайтиб келгандай қувонмоқдаман, чунки комсомол, коммунист, камбағал ва ҳар бир ўрта ҳолдан чиққан фаол колхозчининг бошига урилган зарба колхоз қурилишидан бир гишт қўпориб ташлаган билан барабардир; агар шулар бўлмасайдилар, сен ўйнаган ўйинларнинг ҳар бири ҳам катта натижалар берар эди, шуларнинг ғайратлари соясида у ўйинларнинг гўёки барчаси зарарсиз ўтди. Лекин ёлғиз биргина Ҳасаннинг бошига урилган зарба оз, шундай зарбаларни кўпайтириб, уларнинг бошларига ўз қўллари билан сув қуйиш керак...

Қутбия сўздан тўхтаб яна бир эснагандан кейин қўллари Ҳамдамнинг тиззасига ташлаб уни сийпалагани ҳолда ишвакорона бир вазиятда сўзини давом қилдирди:

— Ҳамдамжоним, сен менинг ҳақиқий ҳамдамим бўлганингдек, яқинда никоҳли ҳамдамим ҳам бўласан, қани, айтиб бер-чи, у вақтда зараркунандалик ишини давом қилдира оласанми?

Ҳамдамформа бу илтифотдан илжайиб кетган лабларини зўрға йиғиштириб:

— Бу қора кўзларга, бу қора қошларга, бу қора холларга гирифтор бўлган бир киши айниқса булар билан бирлашгандан кейин улар буюрган ҳар бир қора фикрни бажаришдан ўзини сақлаб қола оларми?— деди.

— Сенинг,— деди Қутбия, унинг тиззаси устидан қў-

лийн тортиб олиб,— ярамаслигинг ана шу сўзларингдан билиниб турибди. Ҳасан Эргаш ҳам менинг қора кўзим, қора қошим, қора сочим, қора холимга сендан озроқ гирфтор эмас. Мен уни севмасам ҳам, у мени сендан озроқ севмайди. Лекин гап колхоз, қулоқ, партия, комсомол устида бордими, ҳалиги севгиларнинг ҳаммасини унутади. «Мен колхозни ҳам севаман, сени ҳам, лекин агар сен колхоздан хушланмасанг, мен ҳам сендан хушланмай бошлайман» дейди. Агар сен ҳам Ҳасан Эргашлар колхозни мустақкам қилиш йўлида қаттиқ тургандай, тура олсанг, бир иш қила оласан. Агар сен ёлғиз менинг қора кўзим, қора сочим... учун ишламоқчи бўлсанг, бу ишни манзилига етказа олмайсан.

— Қутбияжоним, мени багишла,— деб ёлворган ҳолда Ҳамдам унинг қўлини тутиб, сўзини давом қилдирди:— Мен сенинг ишқинг, сенинг севгинг билан тўлиботошганим учун ҳар бир ишимни мана шу севгига келтириб боғлайман. Бўлмаса колхозга зарар етказиш, колхозни бузиш ишларини сен билан тил бириктиришганимиздан бурун ҳам қилар эдим. Мен колхозга аъзо бўлиб кирганимдан бери озгина колхоз аъзоларини дангасаликка тортган, озгина колхоз пахтасини ўғирлаб сотган, озгина колхоз ҳайвонларининг сўйилиб нобуд бўлишларига сабаб бўлган эмасман. Менинг шу кейинги икки йил орасида колхозга етказган зарарларим Хўжаназарниқидан кўп бўлмаса ҳам, оз эмас. Ўзинг ўйлаб кўр, мен отангнинг давлатидан озгина ҳузур-ҳаловат топганми! Колхозчилар ҳар бир ҳузур-ҳаловатни, ҳар бир давлатни меҳнатлари соясида топсалар, мен отангнинг эшигида «Ёғ еб ялангоч ётиб», унинг қулларини, қаролларини, етимларини, чоракорларини, чўпонларини, мардикорларини эшакдай ишлатиб, қўлимни совуқ сувга урмасдан давлат топар эдим. Бу ҳам отангнинг шарофатидандирки, «оз ерли, умри бойлар эшигида ўтган» киши сифати билан колхозга кириб олдим ва ўч олишга йўл топдим. Фалакнинг гардишидан менинг асосий мақсадим бўлган колхозни бузиш билан сенинг ишқинг бирлашди. Мен умидворманки, бу кўнгил бирлиги соясида айниқса танимиз ҳам бирлашгандан кейин бирлашган мақсадимизга тезроқ етамиз.

— Бўлмаса гап шу,— деб Қутбия қўлини Ҳамдамнинг оғзи томонига узатиб унинг ўпишига йўл қўйгандан кейин ўрнидан ирғиб турди ва осмонга қарагани ҳолда:— Эй,

кун жуда кечиккан-ку, теримга бориш керак,— деб Ҳамдамдан ажралмоқчи бўлди.

— Сенга менинг келишимдан кўп зарар бўлди, бугун нормани эллик процент ҳам бажара олмассан,— деди Ҳамдамформа.

— Менда нормани бажариш қаерда?— деди Қутбия,— Уринбой қалъачининг қизи учун меҳнат нормасини бажариш ор. Бир кунлик норма қирқ кило бўлгани ҳолда тунов кун ўн кило терган эдим, бугун бўлса етти кило ё бўлар, ё бўлмас...

— Бу ҳам зараркунандаликнинг бир йўли,— деди Ҳамдам.

— Бугунги камайган уч килонинг савобини сенга бағишлайман,— деган ҳолда Қутбия теримчилар томонига қараб кетди.

Ҳамдамформа ҳам:

— Сенинг бу марҳаматингга раҳмат,— деб бошқа томонга йўналди...

XVII

Муҳаббат опа овқат қилиш вақтида бир бош узум билан бир бўлак нонни «Бу Фотиманинг ҳақи» деб бир рўмолчага тугиб қўйиб эди. Дастурхон йиғиштирилгандан кейин у Фотимага:

— Сен ёлғиз ўзинг шу ернинг пахтасини шу кун тера оласанми ёки ёнингга одам юбормайми?— деб товуш берди.

Фотима ўрнидан туриб ернинг пахтаси терилмаган томонига бир кўз солгандан кейин:

— Бошқа одам керакмас, ёлғиз ўзим битказаман,— деб жавоб берди.

Муҳаббат опа нон, узум тугилган рўмолчани Фотимага элтиб бергандан кейин, теримчиларни бошқа участкага олиб бориб теримга солди. Ўзи ҳам бир зарбдор сифати билан теримга киришди.

Фотима Муҳаббат опа келтириб берган тугунчакни бир ғўзанинг остига қўйиб, ўз-ўзига: «Мен бу ернинг пахтасини бугун ёлғиз ўзим териб битказаман деб сўз бердим, бу сўзимни большевикларча амалга оширишим керак» деб ғайрат билан ишга киришди. Унинг меҳнат билан пишган бели, ҳаракат билан етилган мушаклари (мус-

куллари), резинкадан ясалган чандир қўллари ўз ғайратини амалга оширишга ёрдам бермоқда эдилар. Бошда сийрак кўкариб, кейиндан қилинган меҳнатлар натижасида шох ёйиб, кўсак боглаб очилган ғўзалар ҳам унинг меҳнатининг унумли бўлишига сабаб бўлмоқда эдилар, ҳар бир бутадан Фотима энг ози йигирма-йигирма бештадан очилган пахтани териб бошқа бутага ўтар эди.

«Бечора Ҳасан,— деди ўз-ўзига,— сен эккан пахталар шу даражада серҳосил бўлар экану, сени бошда айбдор қилаёзган эдилар. Айбдор қилувчилар бир даражада ҳақли ҳам эдилар. Аммо сен у айбдан коллективнинг соясида қутулдинг... қутулдинг... Аммо коллективнинг шунча ортиқ сарф бўлган меҳнатига сен жавобгарсан... Сенинг бу жавобгарлигингни культиваторни йўқотганинг ҳам қувватлади...»

Фотима пешгири этагидаги пахтани қопчага солиб панжаларигача осилиб тушган чорхона нилоби сарфинкадан тикилган кўйлагининг енгларини тирсагидан юқоригача шимариб яна ишга киришди. Унинг олтин тусли балиқдай семиз, қизил, ялтироқ билаклари яшил қизил барглар, сарғайган кўсаклар, қизара бошлаган кўрақлар орасида осилиб турган оппоқ пахта бандчаларини териб олишда ажаб бир дилрабо манзарани кўрсатмоқда эди. Пўлат каби қаттиқ қўллар тезлик ва интизом билан ғўза шохлари орасига кириб чиқмоқда эдилар. Ҳақиқатан ҳам Фотима машинадай ишламоқда эди...

У яна хаёлга чўмиб кетди. Айбдор бўлган Ҳасаннинг келишган бўйини, мрамар устунчадай қаттиқ босиб турадиган оёғини, қайиш билан қисиб боғланган белини, кенг ва кўтарилган кўкрагини, ҳали тарошга муҳтож бўлмаган, чертса қон томадигандай етилган ва анордай қизариб турган юзини, қора ёлқинли кўзини, айниқса, юмшоқ ва лекин жиддий сўзларини хаёлига келтириб: «Йўқ, сен айбдор эмассан» деди. «Сен коллектив олдида айбдор саналсанг ҳам, виждонинг олдида айбдор эмассан. Мен сенинг комсомоллик виждонингни, колхоз қурилишида, умуман социалистик қурилишда соф виждон ва қаттиқ ирода билан ишга киришганингни биламан. Сен мендан узоқлашган, ёки узоқлаштирилган бўлсанг ҳам мен сенинг ички сирингни, ҳақиқий тилагингни ўзимнинг ички сирларимдай ипидан-игнасигача биламан. Мен сени била туриб колхоз қурилишига, социалистик қурилишга

хиёнат қилмаслигингни ва бундай хиёнатга большевикларча йўл қўймаслигингни биламан. Аммо...»

Фотиманинг пахта билан тўлиб-тошган этаги ўз хаёлини давом эттиришига мене бўлди. У ўрнидан туриб терган пахталарини қопчага жойлаб келиб яна ишга киришганидан кейин хаёлини давом эттирди: «Аммо, мен тушуна олмадимки, шундай соф виждон, пўлатдай ирода, менга қарши тошдай қаттиқ бўлган кўнгил қандай бўлдики, синфий жиҳатдан ўзига ярашмаган бир лўхтак олдида енгилди, темирдай қаттиқ бўлган қўллар поғачўпдай сарғайган билакларни тутишга таназзул қилди, иш ва меҳнат ўти билан чақнаган қора кўзлар ишсиз ётишдан қонсиз, тузсизлашган юздан нима жавоб олди...

Фотима ўз хаёлига берган саволларига жавоб тополмай, яна хаёлий мусобақасини давом эттирди:

Золим, раҳмсиз, тошкўнгил! Эсингдами, мен билан сен ёшгина бола эдик. Жилвон бўйида биргалашиб пахта терар эдик. Дам олиш чоғидаги ашула ўтиришида мен сен каби бир ўртоқ, бир йўлдош, бир ишдошга эга бўлганимдан фахрланиб:

«Гулбоғчада гулим бор,
Қўлимда бубулим бор»

деганимда, сен:

«Гулларингни теришга
Темир каби қўлим бор»,—

деб кўнглимни ўзингга боғлаган эдинг. Бизнинг ана шундай меҳнат билан сугорилиб, меҳнатда озиқланиб ўсган ва тобора ўса борган муносабатимиз бирдан узилди. Менинг гулимни, менинг булбулимни қўлимдан олдилар, менинг гулим, менинг булбулим ётлар боғига кетди...»

Ҳасратланиб кўнгли бузилиб кетган Фотима ортиқ хаёлий дардлашув, ич-ичдан сомондай тутаб қўйишга чидай олмади, ичида тўпланган ҳижрон аламлари ер остида йиғилган газлардай ташқарига отилди. Фотима юракларни тирновчи, баданларни титратувчи ҳазин бир товуш билан «Гирён қозоқ» ҳавосида ашула айта бошлади:

Гулим кетди, гулим кетди,
Қўлимдан булбулим кетди,

Мени ёлғиз қўйиб охир
Тиканларга, гулим кетди..

— Ашулани, айниқса, сенинг ёқимли товушинг билан айтилган ашулани жуда яхши севсам ҳам «Гирён қозоқ» ҳавосида айтилган ашулани ҳеч хушламайман,— деган товуш билан сесканиб орқасига қараган Фотима боши устида тик турган Ҳасанни кўрди ва дарров юзини ундан ўгириб, кўзидан тома бошлаган ёшларни унга билинтирмасдан артгандан кейин:

— Сенга,— деди,— албатта, «Гирён қозоқ» ҳавоси ёқмайди, сенга ўйин-кулги керак.

— Бизнинг давримиз,— деди Ҳасан ўзини билмасликка солиб,— социалистик қурилиш, социалистик ҳужум, синфий кураш даври. Бундай даврга қадим замондан қолган, у замоннинг йиғлатувчи ҳолларига муносиб бўлган ашулалар, куйлар ярашмайди. Биз учун шавқ, ғайрат, жасорат берадиган, ғалабага, зафарга олиб борадиган, тўғриси, зафарларимизга, ғалабаларимизга мос келадиган ашулалар, ҳаволар керак.

— Мафкура сотиш,— деди этагидаги пахтани қопчага бўшатиб келаётган Фотима.

Олдидан ўтаётган Фотимага Ҳасан:

— Кўришайлик,— деб қўл узатганида у қўл бермасдан:

— Сенга кунда ўн марта хуш исли совун билан ювилиб, ҳеч бир нарсага теккизилмайдиган нозик қўллар керак. Менинг меҳнат билан кирланган, дағалланган қўлларим сенга муносиб эмас,— деди ва енгини шимариб яна пахта теришга киришди.

Бундай аччиқ пичингга жавоб қайтариш йўлини тополмаган Ҳасан бориб унинг рўпарасида ўтириб:

— Кел бўлмаса, жиддий сўйлашайлик,— деди.

— Жиддий ишлар бўлиб ўтди, ғишт қолипдан кўчди, энди на жиддий сўз керак, на ҳазил.

— Фотима!

— ...

— Фотима!

— ...

— Менга қара!

— ...

— Фотима, мени бағишла!

Ҳасаннинг «Фотима... Менга қара...» деган сўзларига

қулоқ солмайин, жавоб бермайин пахта тераётган Фотима унинг «Мени бағишла!» деган сўзини эшитгач бирдан қизиди, қўли ишдан тўхтаб унга тикилиб:

— Ҳасан,— деди,— бўлмаса, жиддий гапирай. Сенинг бу сўзинг бир комсомолецнинг бир комсомолкага айтадиган сўзи эмас. Бунақа занбазона гапларни бориб бой қизларига айт.

— Фотима, мен ўз янглишимни тузатмоқчи бўламан.

— Тушунмайман. Тушунмайман,— деди яна ишга бошлаган Фотима.— Мени бирон жиноятга чақирмоқчи бўлаётирсанми?

— Мен сени жиноятга эмас, балки...

Терилган гўзаларнинг тоза терилган-терилмаганликларини кўздан кечириб, йўлида дуч келган узум-нон тутилган рўмолчани қўлига олиб:

— Фотима, ҳалигача овқат қилмадингми?— деб Муҳаббат опанинг келиши Ҳасанни сўздан тўхтатди.

— Йўқ,— деди Муҳаббат опага Фотима.— Бир томондан, кўнглим овқат тиламади, иккинчи ёқдан, териб битиришга сўз берганим пахтани териб битказай дедимда, овқат қилмасдан ишни давом эттирдим.

Фотиманинг олдига етиб келган Муҳаббат опа унинг қаршисида ўтирган Ҳасанга кўзи тушиб:

— Эй, ҳали ҳам сен шунда экансан-да,— деди ва сўзини давом эттириб:— Уни учратдингми?— деб сўради.

— Ҳа.

— Иккаласини бир ердами?

— Ҳа...

— Нима дединг?

— Мен уларни кўрган бўлсам ҳам, улар мени кўрмадилар. Мен ҳам ўзимни кўрсатмасликка тиришдим. Қизиқсиниб: «Қани, нималар гапирар эканлар» деб гўзалар орасида пусиб ўтирдим.

— Нималар гапирдилар?

— Ҳеч ўйламаганим, кутмаганим ҳар бир нарсани гапирдилар.

— Мумкин бўлса айтсанг-чи!

— Вақти билан айтаман, ҳаммадан илгари сиз билан Фотимага айтаман. Лекин ҳозирча сир тутушим керак. Чунки у гапларнинг кўписи менинг устимда бораётган терговга дахлдордир.

— Сенинг устингда бораётган тергов ҳали ҳам битган эмасми? Қўлмурод ишни чала ташлаб кетдимми?

— Ҳозирча битди. Қулмурод бир натижа чиқариб кетди.

— Қандай натижа?

— Мен учун қувончсиз, аммо Ҳамдамформа ва Шошмақуллар учун қувонарли натижа.

Ҳасаннинг бу жавобидан Фотима хафаланган ҳолда қўлини ишдан тўхтатиб, унинг томонига диққат билан қулоқ сола бошлаганидек, Муҳаббат опа ҳам қути учиб телбалаган ҳолда:

— Очиқ айтсанг-чи, қандай натижа ахир?— деб сўради.

— Натижага қараганда, сеялкани бузиб чигит экиш ҳамда культиваторни йўқотиш тўғрисида ҳозирча мен гуноҳкор. Менинг масаламни умумий мажлисга қўйиб бошқаларга ибрат бўлсин деб муҳокама қиладилар. Менинг ўзимдан гап сўрайдилар, мени мажлисда яхшилаб уриб расво қилгандан кейин колхоздан чиқариб судга берадилар.

Ҳасаннинг бу изоҳига қарши:

— Мумкин эмас,— деб Фотима ўз ишини давом қилдирганидек, Муҳаббат опа ҳам:

— Кутилмаган бир натижа,— деб ажабсингандан кейин:

— Умумий мажлис қачон бўлар эмиш?— деб сўради.

— Шошмақул эрта-индин умумий мажлис чақиртирмакчи эди. Аммо, Сафарқул, Йўлдошев ва бошқа коммунистлар «Ҳозирча умумий мажлис чақириш пахта теримига халал беради. 7 ноябргача — Октябрь революциясининг XVI йиллик байрамигача планимизни 100 процент тўлдириб, зарбдор колхозчилар слётига иштирок қилиш ҳуқуқига эришишимиз керак. Унақа жанжалли умумий мажлисларни теримни енгиллаштиргандан кейин чақирамиз» дедилар. Шундай қилиб, умумий мажлис чақириш номаълум вақтгача кечиктирилди.

— Хайр, мен сизларнинг суҳбатларингизга халал бердим, бағишланглар, мен кетай энди,— деган ҳолда Муҳаббат опа ўрнидан турди.

— Бизнинг сиздан яширарлик ёки сизнинг келишингиз билан халал топарлик хусусий суҳбатимиз йўқ эди,— деб Ҳасан ҳам ўрнидан турди ва Муҳаббат опага қараб фақат Фотима эшитарлик бир товуш билан сўзини давом эттирди:

— Фотима,— деди у,— кўп вақтдан бери мендан ха-

фа. Мен уларни узатгандан кейин йўл ўтгучи бўлиб бу ердан ўтаётганимда Фотимани кўриб тўхтадим, гапдан гап чиқиб мен бунга узр айтмоқчи бўлдим, аммо у мени яна қаттиқ койий бошлади.

— Бировни койимоққа менинг ҳаққим йўқ,— деди Фотима аччиғлангани ҳолда,— сўзларингга мувофиқ берган жавобларимни сен койиш фаҳмлаган бўлсанг, янглишгансан, ўртоқ Ҳасан.

— Фотиманинг сендан койимоққа ҳаққи бор. Бошда сен унинг кўнглини синдирдинг. Синган кўнгил қуруқ узр-маъзурлар билан тузалмас,— деган Муҳаббат опа,— юр кетайлик,— деб йўлга киришди.

— Мен умид қиламанки,— деди Ҳасан юра бошлаб,— менинг бу узр-маъзурим қуруқ узр-маъзур бўлиб қолмас...

Фотимадан узоқлашган Муҳаббат опа билан Ҳасаннинг қулоқларига унинг ҳазин овоз билан:

Синган шиша тузалса-да,
Синган кўнгил тузалмас.
Аммо маҳкам боғланган дил
Бузилса-да узилмас...

деб айтаётган ашуласи эшитилмоқда эди.

XVIII

Колхознинг ҳовлиси колхозчилар билан тўлган эди. Еш-қари, эркак-аёл, қиз-йигит қўлтиқларида қоплар, қопчалар, халталарни қистирганлари ҳолда у ён-бу ён ҳаракат қилмоқда, бир-бирлари билан чақчақлашмоқда эдилар.

Тунов кунги саводсизларнинг идорада ўтириб шақирлатиб чўт уриб ким нималарнидир дафтарларга, қоғозларга ёзишлари ҳеч кимнинг диққатини ўз томонига тортмас эди, чунки колхозчиларнинг кўпчилиги ёзувчизув нима эканлигини тушуниб олган, хатли, саводли ва ҳисобдон бўлган эдилар.

Омборчи ўз қўл остидаги югурдаклар билан қопчаларга солинган ғаллаларни бир томонга териб, тарозини созлаб, келадиган янги ғаллаларни ўлчаб олишга ҳозирлик кўраётганидек, кооператив дўконининг мудри ҳам

Ўз қўл остидаги мол сотувчиси билан дўконнинг қолдиқ молларини ҳисобламоқда, бугун келадиган саноат молларини қабул қилишга тайёрланмоқда эди.

Узоқдан, қишлоқнинг нариги бошидан «гумбур-гумбур» садоси эшитилиши билан ёш болалар шовқинлашиб кўчага отилиб чиққанларидай, катта одамлар ҳам бир-бирларига «Қарвон келди» дейишиб илжайишдилар.

Кўп вақт ўтмади, қишлоқни бошига кўтаргудай бўлиб гумбурлашиб келаётган садо колхоз ҳовлисига яқинлашиб, қаторланган туялар ҳовлига кирдилар.

Қизил жағоз, қизил пордум, қизил пешбанд, қизил нўхта, қизил шавшулак ва пўпаклар билан ясантирилган қизилча жунли портуяларни кўрган Эргаш:

— Худди эски замон қалъачи бойларининг карвонларидай,— деди.

— Аммо бир фарқ борки,— деди Сафарқул,— қалъачи бойларнинг туялари ёлғиз у бойларнинг ўз чўнтақлари учун хизмат қилган бўлсалар, бизнинг туялар кўп учун — бутун колхозчилар учун — у замонларда қул, қарол бўлиб юрганлар учун ишляптилар.

— Яна бир фарқ бор,— деди белбоғига қўш пичоқ жуволдиз, сардўз, чилвирларни осиб, елкасида — чопонининг ёқаси остида узун халачўпни қистириб туяларни «чиххх» деб чўктираётган туячи,— у замонлардаги туялар қалъа сафаридан бошқа яна кеча-кундуз калта кира билан овора бўлиб ориқлаб, яғир, қўтирдай балоларга гирифтор бўлар эдилар, аммо бизнинг туялар бўлса колхоз давлатидан, айниқса, олмошлаб экиш амалга оширилиб ем-хашак, кўкбош кўпайгандан бери бўрдоқи қўйлардай семириб кетдилар.

— Эсиз қишлоқдаги туялар,— деди бошқа бир туячи,— колхозчилик ҳаракати бошланганидан кейин қанчасини бойлар сўйиб нобуд қилдилар. Гўё ёлғиз юк ташиш учун тўраган шундай озорсиз ҳайвонлар, гўштлари бадбўй бўлганига қарамай, бойларнинг раҳмсиз пичоқларидан қутулмадилар. Бўлмаса колхознинг юк ташиш ишининг ярмисини туялар бажара олар эди...

Чўктирилган туяларнинг устларидаги ғалла қоплари туширилиб омборга ташилди. Уларнинг ўрнига қанорларга жойланган пахталар туяларга ортила бошлади.

Пахталар ҳали ортилиб бўлгунча йўқ эдики, колхоз дарвозасидан бир юк автомобилининг гуриллаб келиши билан ҳурккан туялар жағозларига тиралган, лекин ҳа-

ли арқони тортилмаган, ёки ярим боғланган юкларни отиб ташлаб ҳаллослаб ҳар томонга қоча бошладилар. Туяларнинг ҳайқириб бақиришларидан уларнинг жуда қаттиқ қўрққанликлари билиниб турар эди.

— Ваҳшониятнинг маданиятдан қочиши,— деди Эргаш.

— Техниканинг табиий воситалар устидан ғалабаси,— деди Сафарқул.

— Техника табиий воситалар устидан нега ғалаба қилмасинки,— деди Йўлдошев,— туяларга юк ортилиб қишлоқдан чиқарилгунча, автомобиль пунктга етиб ўз юкини тушириб, яна юк ортиб қишлоққа келади.

— Автомобилнинг яна бир ортиқлиги шундаки,— деди Юсуф,— икки кун неча одам, неча туя овора бўлиб станциядан келтирилган юклардан кўпроқ юкни бир соатда келтиради, буларга ортиладиган пахтадан кўпроқ пахта ортиб, яна булардан олдин кетади. Яна бир юк автомобилимиз бўлсайди, юк ташиш ишимиз анча енгиллашар эди.

— Юк автомобиллига эга бўлиш осон,— деди Йўлдошев,— келаси йилда ҳам зарбдорона ишлаб, планни вақтидан бурун ошириб бажарсак, республика мукофотини қозониб яна бир автомобилга эга бўламиз-қоламиз-да.

— Бундан бошқа,— деди Сафарқул,— ҳар бир ишда биздан моддий ва маънавий ёрдамни аямаган СССР пролетариати ва буюк рус халқи биз учун юзларча автомобиль, машина, тракторлар ясамоқда. Хўжалик ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланаётган колхозимиз ўз ҳисобидан битта-иккита юк автомобили ва бошқа машиналарни олишга ҳам қодир.

-- Пул ҳам бор, машиналар ҳам тайёр,— деди Йўлдошев,— фақат машиналарни кўз қорачиғидай асрай билишимиз ва улардан керагича фойдаланишимиз лозим.

— Сеялкани бузмаслигимиз, культиваторни йўқотмаслик керак,— деб қўшимча қилди Ҳамдамформа.

— Зараркунандалик фикридан воз кечишимиз керак,— деб Ҳасан Эргашга пичинг отди Шошмақул.

Ҳасан бу пичингни эшитмагандай бўлиб Шошмақулнинг ёнида турган Ҳамдамформага қараб кўз учуриб кулимсиради...

Ун беш минутда юкни тушириб бўлиб пахта ортган автомобиль кетгандан кейин туяларга ҳам пахта орти-

либ, улар ҳам ҳовлидан чиқарилдилар. Туялар колхоз идорасидан узоқлашмайча эгарлари қошига қоқилган темир шақилдоқларини шақиллатиб юк ортилган аравалар етиб келдилар. Араваларнинг ғалла ортилганлари колхоз омбори олдида қаторланганларидек, газлама, қанд, чой, совун, керосин, оқмой, гугурт каби саноат моллари юкланганлари кооператив дўкони олдида тиралдилар.

Араваларни кўздан кечирган Эргаш:

— Илгари замонларда,— деди,— саноат моли ортилиб қаторланган араваларни Гиждувонда бойларнинг саройлари олдидагина кўрар эдик. Улар у молларни икки тумандаги деҳқонларга сотиб, барг-барг пул қилар эдилар. Бизнинг Шофирком туманимизда бўлса, кўплаб мол сақланадиган сарой ҳам йўқ эди. Энди колхоз шарофати билан қишлоғимизнинг ўзгинаси бир катта бозор тусини олди.

— Албатта,— деди Йўлдошев,— районимизнинг маркази шаҳарга, қишлоқлари бозорга, майда-тарқоқ хўжаликлари бирлашиб фабрик- завод тусига, меҳнаткаш деҳқонлари мунтазам ишлаётган корхона ишчилари шаклига айланишлари керак эди; мана шу бўла бошлади...

Ғалдалари бўшатилган араваларга колхознинг айвони остидаги энг охириги пахта қанорлари ортила бошлади. Колхозчилар орасидан «Ғалла қачон бўлиниб берилар экан?» деб пичирланган сўзлар эшитила берди. Йўлдошевга яқин турган Фотима ундан:

— Уртоқ Йўлдошев, ғалла қачон бўлиниб берилади?— деб сўради.

— Ҳозир, аравалар узатилсин, бошлаймиз,— деб жавоб берди Йўлдошев.

— Ҳар меҳнат кунига қанчадан тегади?— сўради Фотима.

— Ҳали аниқ ҳисобланган эмас, тахминий ҳисобга кўра ҳар меҳнат кунига саккиз кило буғдой, олти-етти сўм пул тегади. Ҳозирча ҳар меҳнат куни учун олти килодан буғдой, беш сўмдан пул берилади. Қолгани пахталаримизнинг охириги ҳисобини пункт билан баравар қилиб колхоз ҳисобини аниқлаганимиздан кейин берилади.

Колхозчилар меҳнат дафтарчаларини кассаларидан чиқариб, унга қараб, бармоқларини букиб, кўтариб

ҳисоблаша бошладилар. Фотима ўз дафтарчасини очиб унга қараб турганини кўрган Ҳасан унинг олдига яқинлашиб:

— Қани, Фотима, сенинг йиллик меҳнат кунинг қанча бўлган?— деб сўради.

— 235 кун.

— Шунча ишлаган бўлсанг ҳам нега шу сарфинка кўйлагингни, қайроқи маҳсингни бошқа қилмайсан, ясашиб юрмайсан? Ёки пулларингни омонат кассага қўяётибсанми?— деб ҳазиллашди Ҳасан.

Ҳасаннинг бу сўзидан фахрланиб кетган Қутбия ўз эғнидаги шойи кўйлак, духоба камзул, локи ботинкага ғурур билан бир қараб қўйди.

— Омонат кассага қўйган пулим ҳам бор, қават-қават шойи кўйлакларим, духоба камзулим, гижим рўмолим, тос қалпоғим, зардўзи пешонабандим ҳам бор, жуфт-жуфт ботинкаларим ҳам бор,— деб жавоб берди Фотима ва давом қилди:— Лекин мен бой қизларидай аҳмоқ эмасманки, иш вақтида ҳам, юк ташиш учун келганда ҳам шойи кўйлак кийиб юрай.

Фотиманинг бу зарбасига чидай олмай қизариб кетган Қутбия яна Ҳамдамформага қараб заҳарханда билан лабини илжайтириб ўз юкни бир оз енгиллаштирди. Эҳтимол, шунақа зарбалар яна Қутбиянинг бошида давом қилар эди, лекин омборчининг:

— Уртоқлар, келинлар, ғаллаларингизни олинглар, биринчи навбатда зарбдорлар қаторлансинлар,— деб чақириши билан зарбдорлар қаторида Муҳаббат, Фотима ва бошқалар омбор томонига қараб йўналганларида, Ҳасанин Сафарқул бир бурчакка олиб бориб нима хусусдадир у билан гаплаша бошлаганида, Қутбия учун тинч нафас олишга, озод гапиришга фурсат топилди. У атир сепилган рўмолчасини чиқариб кўз, қулоқ, бетларини арта-арта Ҳамдамформага яқинлашиб:

— Кўрдингми?— деди,— бу юзсиз, чўридан туғилган чўри қандай пичинглар отади. У 235 кун ишлаган меҳнат кунига ғарқо. Оҳ... Агар бурунги замон бўлсайди, мен бунақа чўрибаччаларга сув ташишни ҳам буюрмас эдим. Энди у менга пешхезлик қилади.

— Қўлидан келганини қила берсин,— деди Ҳамдамформа Қутбияни юпатмоқчи бўлиб,— кўп ўтмаски, Ҳасаннинг бошига тушган бало унинг бошига ҳам тушар.

— Ҳасаннинг иши шу кун битадими?— деб сўради қувончли оҳанг билан Қутбия.

— Битади,— деб жавоб берган Ҳамдам,— бизнинг ҳам ишимиз шу кун битиши керак,— деб илова қилди.

— Унинг иши битгандан кейин,— деди Қутбия,— мажлиснинг охирида «Бундай зараркунанда» билан бундан буён яшамаслигимни очиқдан-очиқ айтиб, сенинг ёнингга ўтаман. Шу билан бизнинг иш ҳам битган ҳисобланади, рўйхат ишларини бўлса эрта бажарамиз.

— Эй худойим, мажлис тезроқ бошланса,— деб панжаларини панжаларидан ўтказгани ҳолда қаттиқ бир эснаганидан кейин, Ҳамдам у ён-бу ён қараб ўзидан бир неча қадам нарироқда турган Шошмақулнинг олди-га бориб:

— Ўртоқ, мажлис қачон бошланади?— деб сўради ундан. Шошмақул Ҳамдамга қараб:

— Ҳозир келиб айтаман,— деб ўзини имлаб чақирган Сафарқул ёнига борди.

Шошмақул бориши билан Ҳасан у ердан узоқлашди ва Сафарқул Шошмақулга:

— Ҳасан: «Қулмурод келмасдан мажлис қилсанглар, мен ҳеч бир жавоб ҳам бермайман, унақа мажлиснинг қарорига рози ҳам бўлмайман, чунки мен керакли материалларни МТСнинг Сиёсий бўлимига топширганман, Сиёсий бўлим бу ишнинг гафтишини Қулмуродга буюрган, мажлис тўғри йўл билан бориши учун Қулмуроднинг маълумоти ва фикри керак» дейди.

— Рози бўлмаса бўлмасин. Колхознинг умумий мажлиси ҳар бир колхозчи ҳақида ўз фикрини айтади ва қарор чиқара олади

— Дуруст,— деди Сафарқул,— мажлис қарор чиқара олади, лекин шу чиқариладиган қарор тўғри бўлиши учун ҳам чора кўриш керак. Шунинг учун мен ҳам Қулмуроднинг келишини кутишни маслаҳат кўраман.

— Сен қандай коммунистки, ячейканинг қарорини бузмоқчи бўласан?!— деган ҳолда Шошмақул бақирди ва Сафарқулнинг:

— Шошма, шошма ўртоқ, гапга қулоқ сол,— деганига қулоқ солмасдан ўз ўрнига қайтиб борди ва ўз сўроғига жавоб кутиб турган Ҳамдамформага қараб:

— Ҳозир мажлис бўлади, колхозчилар ғаллаларини олиб бўлганларидан кейин мажлисни бошлаймиз,— деди ва муштини кўкрагига ургани ҳолда:

— Мен коммунистман, мен колхоз моллини нобуд қилувчилар ва колхозга зарар етказувчиларнинг ишларини бир минут ҳам кечиктиролмаймаман,— деб қўшимча қилди...

XIX

Колхозчилар умумий мажлисга тўпланган эдилар. Сафарқул, Эргаш, Йўлдошев, Муҳаббат опадай матонатли коммунистлар ички сирларини билдирмай ўтирган бўлсалар ҳам, бошқаларнинг кўнгилларидан нима ўтганлиги ўз башараларидан аксланиб турмоқда эди.

Шошмақул каби қизил сўз, ичи қора ва енгилроқ кишилар уларнинг ўйича топилган ва аниқланган «колхоз зараркунандасини» бир минут буруноқ фош қилишга сабаб бўлиш ғурури билан кайфланаётганлари фарфар учаётган юзларидан, ихтиёрсиз ҳар замонда оғизларидан чиқиб ўз лабларини ялаётган тилларидан билиниб турар эди.

Кўпчилик ўзи қазиган ариқни бузган, культиваторни йўқотган, чигитга паст чигит қўшган, маъданий ўғитни кам-зиёд қилган, сеялкани бузган жинояткорга қарши ғазаб билан тўлган ҳолда у жинояткорнинг аниқланишини деҳқонларга яраша бир вазминлик билан кутмоқда эди.

Баъзилар, колхозга етган зарарлардан хафаланмаганликлари башараларидан билиниб тургани ҳолда, бармоқлари билан бир-бирларига Ҳасанни кўрсатиб масхаралаб кулишмоқда эдилар.

Ҳамдамформа бўлса, мажлисда ўтириб, кўзини юмуб, маркизетдан тикилган бир қават кўйлак кийиб каравотга чўзилган Қутбия билан бирга ётганини хаёлидан кечириб ҳозирданоқ кайфланмоқда эди.

Қутбия ҳозир бошланадиган мажлиснинг натижасида бугунгача яширин ишлаб келган одами билан очиқдан-очиқ бирлашганидан кейин, қандай қилиб у «юзсиз қиз» (Фотима)нинг бошига сув қуйиб, шу билан ундан ҳам, колхоздан ҳам ўч олиш планини чизмоқда эди.

Бутун хаёли Ҳасаннинг иши билан банд бўлган Фотима ҳар вақтдагидай ўз кўнглида ҳеч бир шубҳага йўл бермай, ўз-ўзига: «Мумкин эмас, ота-бобоси қўл бўлиб келган, виждони соф Ҳасан каби бир комсомолец жинояткор бўлиб чиқмас» деб ўзини ишонтирмоқда эди.

Бу мажлисининг қаҳрамони бўлган комсомолец Ҳасан айбдорлардай ерга қараб ўтирган бўлса ҳам, ўз кўнглидан нималар ўтганини ҳеч кимга билдирмасликка уринмоқда эди.

Ниҳоят Йўлдошевнинг:

— Ўртоқлар!— дейиши билан кўзлар қизил чойхонанинг тўрига қўйилган стол, стуллар томонига тикилди ва унинг:

— Олдинроқ ўтиринглар, умумий мажлис бошланади,— дейиши билан халқ гуриллаб туриб, бир-бирини сиқиб олдинроқ бориб ўтирди.

Йўлдошев сўз бошлаб колхознинг бу йилдаги ютуқ ва камчиликларидан умумий маълумот берганидан кейин:

— Ўртоқлар,— деди у,— бизнинг ютуқларимиз қанча ўсган бўлса, синфий душманнинг активлиги ҳам шунча ўсган. Биз қулоқларни синф сифатида тугатган бўлсак ҳам, уларнинг қолдиқлари ўз ишларини «хўжа билмас» йўл билан давом эттирмоқдалар. Жумладан, бу йил бизнинг колхозимизда ҳам баъзи жиноятлар бўлди. Бу жиноятларни қилган киши топилмаган бўлса ҳам, шубҳа остида бўлган баъзи кишиларнинг ишларини умумий мажлисда кўрмоқчи эдик. Лекин менинг эшитишимга кўра, МТС Сиёсий бўлими бу тўғрида яхши ишлаб жиноятнинг юзини очган. Правление бу масалани Сиёсий бўлим томонидан бу иш ўзига топширилган Қулмурод ака келгунча умумий мажлисга қўймоқчи эмас эди. Аммо баъзи ўртоқларнинг тақозолари билан қисқагина маълумот бериб ўтиш ва масаланинг узил-кесил ҳал бўлишини Қулмурод аканинг иштироки билан бўладиган мажлисга қолдириш муносиб кўрилди. Бу тўғрида қисқагина маълумот бериш учун сўз ўртоқ Сафарқулга берилади.

Йўлдошевнинг таклифи билан Сафарқул гапирмоқчи бўлиб ўрнидан тургани ҳамон Шошмақул ҳам ўрнидан ирғиб туриб:

— Мен коммунистман, биринчи сўз менга берилсин, партияни, Шўро ҳукуматини ҳурмат қилиш керак!— деб бақира бошлади.

Йўлдошев ўрнидан туриб:

— Ўртоқ, шошма, Сафарқул гапиргандан кейин томонинг йиртилгунча бақириб гапирасан,— деди.

Лекин Шошмақул: «Партияни ҳурмат қилиш керак.

Шўро ҳукуматини ҳурмат қилиш керак, мен коммунистман...» деб бақирмоқда эди.

— Сендан бошқаям коммунистлар бор,— деди унга қарши Йўлдошев.— Сафарқул, Эргаш акалар сендан кўра эскироқ коммунист, коммунистлик бундай бўлмайди, тартибни сақлаш керак...

— Сўз берилсин.

— Уртоқ Шошмақулга сўз берилсин...

Мажлиснинг бир неча жойидан чиққан бу товушларни эшитган Йўлдошев:

— Хўп, хўп, ўртоқ «коммунист» гапир!— деди Шошмақулга.

— Уртоқлар!— дегандан кейин Шошмақул бир-икки йўталиб рўмолчасига туфлади. Сўнгра ўша рўмолча билан оғзи, бурни, юзи, кўзини артиб сўзга киришди.

— Уртоқлар!— деди такрор у,— партияни ҳурмат қилиш керак, Шўро ҳукуматини ҳурмат қилиш керак. Қишлоқда энг олий идора қишлоқ шўроси. Эсларингда бўлса керак, биз бу масалани неча марта ишлаб чиққанмиз...

— Уртоқ Шошмақул!— деди Йўлдошев, унинг сўзини бўлиб,— сен колхозда бўлган жиноятлар тўғрисида гапирмоқчи эдинг. Мана шу тўғрида гапир.

— Қандай гапиришнинг йўлини биламан. Менга ўргатиш керак эмас. Партияни, Шўро ҳукуматини ҳурмат қилиш керак. Мана менинг гапим шунда...

— Сиз Ҳасаннинг жиноятларидан гапирмоқчи эдингиз,— деб ўриндан биров луқма берди унга.

— Вот. Гап шунда. Мен, как коммунист, биламанки, Ҳасан ариқни бузиб пахталарни сувдан қолдирган. Бузилган ариқни тузатишга ҳашарга чиқмасдан ўз уйида хотини билан ётган...

— Тўғри,— деган бир-икки товуш эшитилди ўринлардан.

— Бу тўғрида гувоҳ бор,— Шошмақул давом қилди,— бу гувоҳлардан бири энг фаол колхозчи Ҳамдамформа.

— Тўғри,— деди Ҳамдамформа, бошини кўтармайин ўз ўрнидан.

— Вот, гувоҳ,— деб Шошмақул ўз сўзини давом эттирди,— мен коммунист, мен как коммунист, гувоҳларнинг ҳаммасини ёзиб тегишли жойга бердим. Гувоҳлар менга сўз бердиларки, суд олдида Ҳасаннинг жино-

ятларини очадилар. Ўзи коммунист бўлмай туриб коммунистларга пешхезлик қилади, уларга гап ўргатмоқчи бўлади. Вот, гап шунда...

— Ҳасаннинг жиноятлари яна нима?— деб бир киши ўрнидан луқма ташлади.

— Вот, ҳозир айтаман...

Шошмақул сўздан тўхтаб терга ботган бетини артаётганида:

— Культиватор-чи, сеялка-чи?— деб биров ўрнидан сўз отди.

— Вот, вот, шу,— деб Шошмақул сўзини давом эттирди,— культиваторни йўқотган, сеялкани бузган, яна кўп жиноятларни қилган. Вот, мен, как коммунист, тўғриси айтмаман.

— Маъданий ўғитни нима қилган?— деб тагин бир киши сўради ўрнидан.

— Вот, яна бир гувоҳ. У маъданий ўғитларни кам-зиёд қилиб септирган, шунинг учун пахта нобуд бўлган. Бу масалани агротехник тасдиқ қилган эди...

— Таклифингиз нима?— деб сўради ўрнидан бир киши.

— Таклифим шуки,— деди Шошмақул,— как коммунист, партияни, Шўро ҳукуматини ҳурмат қилиш керак.

— Ҳасан тўғрисида?— деди ўриндан товуш.

— Ҳасан как жиноятчи колхоздан чиқарилиб, судга берилсин. Вот, коммунистларни ҳурмат қилмайдиган бир комсомол аъзоси учун муносиб жазо...

Саноқли бир неча киши мажлисининг ҳар томонидан чапак чалди. Буларнинг ораларидан Ҳамдамформа чапагининг товуши узунроқ давом этди.

— Маълумот учун сўз ўртоқ Сафарқулга берилди,— деди Йўлдошев,

— Ўртоқлар!— деб сўзга киришди Сафарқул,— колхозимизда қулоқ қолдиқларининг ҳаракатлари давом қилмоқда. Бу факт. Бу йил колхозимизда бир неча жинояткорона ишлар бўлди. Жумладан, экиш вақтида сеялкани буздилар, культиваторни ўғирладилар, уруғликка пучак чигит қўшдилар, маъданий ўғитни кам-зиёд қилдилар ва бошқалар. Лекин гап шундаки, бу жиноятларни ким ёки кимлар қилган?..

— Ҳасан Эргаш,— деди ўтирган ўрнидан Шошмақул.

— Тўғри,— деб унинг сўзини ўриндан бир неча киши тасдиқлади.

Сафарқул давом этди:

— Бу жинойтлардан,— деди у,— культиваторнинг йўқолиши билан сеялканинг бузилиши тўғридан-тўғри Ҳасаннинг қўли остида бўлган...

Сафарқулнинг бу сўзидан мажлис бирдан чувиллашиб кетиб, кўзлар бошини эгиб ўтирган Ҳасан томонга тикилди.

— Президиумда ўтирган Шошмақул ўрнидан ярим тургани ҳолда мажлисга қараб:

— Шундай кишини ҳозирданоқ колхоздан чиқариб, судга бериш керак эмасми?!

— Дарров колхоздан чиқарилсин,— деган овоз эшитилди мажлисдан...

Сафарқул ўз сўзини давом эттириб:

— Ўртоқлар,— деди у,— менинг сўзимни яхши тушунмадингизлар ёки ўзим тушунтира олмадим. Гап шундаки, Ҳасаннинг қўли остидаги культиватори йўқолган, унинг қўли остидаги сеялка у ишлаб турган чоқда бузилган. Лекин культиваторни унинг ўзи йўқотганми? Сеялкани унинг ўзи билла туриб бузганми? Ишнинг шу ери ҳали очилмаган...

— Ҳасаннинг қўл остидаги сеялкани,— деди Шошмақул Сафарқулнинг сўзини кесиб,— шайтон бузганми? Ҳолбуки партия дунёда шайтон йўқ дейди. Сафарқул ака эски коммунист бўла туриб партиянинг мана шундай нозик масалаларини билмайди. Биз бу масалани неча марта ишлаб чиққанмиз. Как коммунист, айтиш керакки, сеялкани албатта Ҳасаннинг ўзи бузган.

— Бу тўғрида,— деди Сафарқул, сўзини давом эттириб,— албатта Ҳасаннинг ўзи жавобгар бўлиши керак эди, биринчи текширишда бу жинойтларда ташқаридан қатнашган қўлнинг изи топилмагач, Ҳасанни жавобгарликка тортишга қарор ҳам қилинган эди...

— Уша қарорни, как коммунист, бажариш керак,— деди Шошмақул.

— «Тўғри, тўғри»,— деган бир-икки овоз унинг сўзини тасдиқлади.

Сафарқул давом этди:

— Лекин кейинги кунларда жинойтнинг изи топилган, керакли материаллар Сиёсий бўлимга топширилган. Сиёсий бўлимнинг ходими бўлган Қулмурод бугун келиб бу тўғрида сизга маълумот бермоқчи эди. Лекин қандайдир сабаб биландир у кечикди. Шунинг учун мен

таклиф қиламанки, ўртоқ Қулмурод келгунча бу иш қолдирилсин...

— Бу қандай иш? Жиноятнинг устини ёпиш, очиқдан-очиқ жиноятчини ёқлаш, қулоқларга ён босиш,— деб Сафарқулнинг таклифига қарши чиқди Шошмақул.

— Бу қандай тартибсизлик,— деди Йўлдошев Шошмақулга қараб,— бировни гапиришга қўймайсан, таклифни эшитишга йўл бермайсан, мажлисда гапириш бундай бўлмайди, тартибга риоя қилиш керак...

— Жиноятчини ёқлаш керак, халқни гапиришга қўймаслик керак. Ана бу ўртоқ Йўлдошевнинг тартиби,— деб Йўлдошевнинг сўзига қўшимча қилди Шошмақул.

— Уй, президиум, уй президиум,— деб ўрнидан турган Нормурод ўзига қараган Йўлдошевга:

— Агар тартибсизлик бўлмаса, менга сўз беринг,— деди ва унинг рухсатига қарамасдан сўзга киришди:— Мен Ҳасанни ўз ўғлимдай севаман. Уни ишчан бир комсомол деб биламан. Унинг отаси Эргаш ака ҳам менга акадай. Лекин шундай бўлса ҳам мен колхозни Ҳасандан кўпроқ севаман. Чунки мен Ҳасандан бир пуллик манфаат кўрмаганим ҳолда колхоздан икки юз меҳнат куни ишлаб, ундан етмиш беш пуд бугдой олдим, хотиним мендан кўпроқ ишлаб, кўпроқ бугдой олди. Мана менинг шундай колхозимни бузмоқчи бўлган Ҳасан Эргаш ҳозирданоқ колхоздан чиқарилсин. Менинг бошқа гапям йўқ,— деб ўтирди. Унинг сўзи қаттиқ қарсақ билан қарши олинди. Нормурод қайта бошдан ўрнидан туриб халққа қўшилиб ўзи ҳам ўз сўзини қарсақлагандан кейин президиумга қараб:

— Менинг гапим ҳам тартибсизлик бўлдими?— деб пичинг қилиб ўз ўрнига ўтирди.

— Менга сўз берилсин,— деб ўрнидан турди Содиқ ва Йўлдошевнинг:

— Марҳамат қилинг,— дейиши билан сўзга киришди.

— Мен,— деди Содиқ,— Ҳасанни колхозга хиёнат қиладиган бир бола деб ўйламайман. Колхозда жон куйдириб ишлаган ва бошқаларни ишчанликка ўргатган бир бола бўла туриб, колхозга хиёнат қилмаган бўлса керак. Шунинг учун мен таклиф қиламанки, Ҳасаннинг иши ҳозирча қолдирилсин.

— Ана, эшитдингларми бу қулоқнинг сўзини?— деб ўрнидан турди Шошмақул.— Сафарқул ака «колхозда

қулоқларнинг қолдиқлари бор» дейди. Аммо кўзи ўтирган қулоқни кўрмайди.

— Мен қайси қулоқни кўрмаган эканман?— деб сўради Сафарқул.

— Ана шу Содиқни,— деган Шошмақул ўз сўзини давом эттирди:— Бир вақтлар у ўз қулоқлигини яширмоқчи бўлиб эски чопон кийиб юрган бўлса ҳам, ҳозир унинг чопони Хўжаназарникидан тозароқ, қорни Раҳим қассобникидан каттароқ, соқоли Тўрақул ёғчиникидан бўлиғроқ ҳам мойлироқ. Улар қулоқ қилинганлари ҳолда, бу нега колхозчи бўлиб юради, нега жиноятчиларни яширмоқчи бўлади? Содиқ қулоқ. Унинг сўзини маъқуллаганлар ҳам қулоқ. Мен, как коммунист, тўғриси айтман,— деб Шошмақул ўтирди.

— Масала овозга қўйилсин,— деган говуш эшитилди.

— Овозга қўйилсин, овозга қўйилсин,— садолари такрорланди.

— Хайр, бўлмаса, масалани овозга қўямиз,— деб Йўлдошев ўрнидан туриб, халққа қараб:

— Ҳасан ҳозирча колхоздан чиқарилмасин, деганлар қўлларини кўтарсинлар,— деди.

Мажлиснинг ярмисидан кўпроғи қўл кўтарди.

— Йўқ, бўлмади,— деб ўрнидан турди Шошмақул,— аввал менинг таклифимни овозга қўй. Нега аввал қулоқнинг таклифини овозга қўясан? «Ҳасан ҳозирданоқ колхоздан чиқарилсин, судга берилсин деганлар, қулоқ бўлмаганлар, қулоқнинг сўзига кирмайдиганлар қўлларини кўтарсинлар» дейиш керак.

— Хўп,— деди зерикиб қолган Йўлдошев: «Ҳасан дарров колхоздан чиқарилсин, судга берилсин» деганлар қўлларини кўтарсинлар.

Бу галда ҳам мажлиснинг ярмидан кўпроғи қўл кўтарди.

— Масала ҳал,— дегани ҳолда Шошмақул ўрнидан туриб чапак чала бошлади. Бунга қўшилиб мажлиснинг бир қисми ҳам чапак чалди. Ҳамдамформа ўтирган ўриндан хурсандлик товушлари ҳам эшитилди.

Қутбия ўрнидан туриб, президиумга қараб:

— Арзим бор,— деди,— мен бир жиноятчи билан яшаб юришни истамайман, мен шу кундан бошлаб ўзимни Ҳасандан ажралган, деб ҳисоблайман...

Қутбиянинг сўзи Ҳамдамформа ўтирган ўрнидан қарсак, хурсандлик товушлари билан қарши олинди.

— Ҳасаннинг жиноятларини очиб берганларга раҳмат!— деган Қутбия, бошини Шошмақул томонига эрканидан кейин, бориб Ҳамдамформанинг олдида ўтириб, у билан самимиёна кўришди.

— Мумкин эмас,— деб Фотима ўрнидан турди.— Ҳасан жиноятчи эмас, Ҳасан колхоздан чиқарилмайди...

— Масала ҳал, мажлис ёпиқ,— деб Шошмақул унинг сўзини кесди ва мажлисдагилар гуруллашиб ўринларидан турдилар...

Хали халқ чойхонадан чиққанча йўқ эдики, Муҳаббат опанинг:

— Қулмурод, Қулмурод ака келди,— дейиши билан ҳамма жой-жойида тўхтаб қолди...

XX

Тўрт киши келиб қизил чойхона олдида оддан тушди. Буларнинг бири Қулмурод, иккинчиси район терговчиси, қолган икки киши яроғли милиционер эди.

Милиционерларга кўзи тушган Қутбия оғзини Ҳамдамформанинг қулоғига, уни ўпадигандай яқинлаштириб:

— Уни шу ердан тўппа-тўғри қамоқхонага узатадилар, афтидан,— деди қувониб.

— Албатта,— деди Ҳамдамформа унинг сўзини тасдиқлаб ва бошқалар эшитарлик баланд овоз билан:

— Жиноятчини қўймасларки, комсомоллик номидан фойдаланиб, ўз жиноятини давом этгирса,— деб илова қилди.

— Мумкин эмас, Ҳасан жиноятчи эмас!!!— деди унинг сўзини эшитган Фотима.

— Ундан кейин сенинг навбатинг,— деди биринчи ютуқдан ботирланган Қутбия, Фотимага қараб.

— Агар Ҳасан жиноятчи бўлса, мен ҳам жиноятчи бўла қолай, сизлар колхозни истаганларингча бузинглар,— деди Фотима. Қулмуроднинг чойхонага кириши уларни сўздан тўхтатди. Қулмурод билан терговчи қўлларидаги сумка ва портфелни стол устига қўйиб, президиум аъзолари билан кўришгандан кейин, ўтирдилар.

— Уртоқ Қулмурод, сиз Сиёсий бўлимнинг намоёндаси, сиздан фавқулодда бир саволим бор, рухсат берсангиз сўрай,— деди Шошмақул.

— Қани, гапиринг!— деди кулимсираб Қулмурод.

— Ҳозир қулоққа колхозга йўл бериш мумкинми?— сўради Шошмақул.

— Ҳозир ҳам мумкин эмас, бошда — колхоз янги тузилган чоғларда ҳам йўл бериш мумкин эмас эди,— деб жавоб берди Қулмурод.

— Бизнинг колхозда ҳали ҳам бир қулоқ бор.

— Биттагина эмас, балки кўпдир,— деди сумкасини очиб қоғозларни кўздан кечираётган Қулмурод.— Агар сизнинг колхозингизда қулоқ ёки унинг қолдиқлари бўлмаса эди, мунча жиноятлар бўлмас эди, Сиёсий бўлимнинг бир иши мана шу қулоқ ва қулоқ қолдиқларини топиб фош қилиш ва колхозни мустаҳкамлашдир.

— Ҳозир мана шу мажлисимизда колхозчилик оидан фойдаланиб ўтирган бир қулоқ бор. Мен таклиф қилар эдимки, у мажлисдан чиқарилсин.

— Ким экан у?— деди бошини кўтарган Қулмурод таажжубланиб.

— Манови ипак чопон кийган, қорни катта, соқоли бўлиғ одам,— деб Содиқни кўрсатди Шошмақул.

— Содиқ акани айтасанми?— деб сўради Қулмурод.

— Ҳа, ўша настояший қулоқ.

Содиқнинг қути учиб, бадани титрай бошлади. Ҳамдамформа оғзини Қутбиянинг қулоғи тагига келтириб:

— Яна бири юмалади,— деди пичирлаб.

— У ҳам коммунистми?— деб сўради Қутбия паст овоз билан.

— Коммунист бўлмаса ҳам, колхозда бир коммунистдай жон куйдириб ишлайди. Агар унинг ишчанлиги бўлмасайди, Ҳасан эккан пахталарнинг ҳаммаси нобуд бўларди, у вақтда, бир томондан, Ҳасаннинг жинояти оғирлашса, иккинчи томондан кўпроқ зарар тегарди. Агар биз ўнта шунақа ишбилармон, ишчан колхозчиларни юмалата олсак, колхоз бузилди деябер...

Қулмурод Шошмақулнинг сўзини эшитиб, кулимсирагани ҳолда папирос қутисидан папирос олиб, стол устидаги гугурт билан ёқиб чека бошлаб сўзга киришди:

— Содиқни мен танийман,— деди у,— мен уч ойдан бери сизнинг колхозингиз теварагида ишлаб юрибман. Мен Содиқ акани жонкуяр, фаол, ишбилармон, агротехника чораларига қарайдиган бир колхозчи деб топдим. Уни ҳеч бир далилсиз туриб қулоқ дейиш мумкин эмас.

— Бошда у эски чопонга бурканиб колхозга кирган бўлса, ҳозир қорни, салласи, соқоли ҳам биз қулоқ қилган Хўжаназарбойлар ва Раҳим қассоблардан фарқсиз, шунинг учун мен, как коммунист, таклиф қиламанки, у ҳозир мажлисдан чиқарилсин ва қулоқ саналиб, колхозда ишлаб топган сигири, бузоғи, қўйи, уйига солинган пат гиламлари, сатиндан тикилган кўрпа-кўрпачалари мусодара қилинсин. Партияни ҳурмат қилиш керак, қишлоқ шўросини ҳурмат қилиш керак. Қишлоқда энг олий идора — қишлоқ шўроси...

Шошмақул бошда Қулмуродга кўрсатган эҳтиромни бир оз камайтириб кейинги сўзларини ўзича «мантиқли» қилиб чўзаётган эди. Лекин Қулмуроднинг:

— Бас, кўп вайсама,— дейиши уни сўздан тўхтатди. Қулмурод давом қилди:

— Эҳтимол, сен бир вақт партияга киргандирсан, эҳтимол, чўнтагингда партия билетинг бўлса, лекин сен коммунистликдан ҳеч нарсани тушунган эмассан.

— Нега тушунмаган бўлар эканман, тушунганман,— деб Қулмуроднинг сўзини кесди Шошмақул.

— Жим бўл, бас қил, сенинг вайсашларингни эшитишдан кўра муҳимроқ ишимиз бор,— деб Шошмақулни жеркигандан кейин. Йўлдошевга қараб,— менга сўз беринг,— деди.

Йўлдошевнинг:

— Марҳамат,— дейиши билан Қулмурод ирғиб ўрнидан турди ва:— Ўртоқлар,— деб сўзга киришди,— бутун СССР даги колхозлар каби сизнинг келхозингизнинг ютуқлари ҳам кўз олдида, уларни шарҳлаш керак эмас.

Мен тўғридан-тўғри сизнинг колхозингизда бўлган жиноятлар устига ўтаман. Сизнинг колхозингизда бўлган жиноятларнинг устини очиб, у жиноятларни қилган жиноятчи ёки жиноятчиларни топиш учун МТС нинг Сиёсий бўлими кўп ишлади, тезликда жиноятчи топилмади. Лекин Сиёсий бўлим ҳормасдан ўз тафтишини давом қилдирди. Охир чигал ечилди...

Қулмурод ўз олдига қўйилган чойдан бир-икки қултум ичгандан кейин сўзини давом қилдирди:

— Воқеа мана бундай бўлган,— деди у,— колхозингизда бу йил бир неча гектар ер учун сараланиб ер бошига олиб борилган чигит, экиш вақтида паст-пучак чигитга алмаштирилиб экилган. У ернинг пахтаси

кўкармагач, бузиб, бошқатдан экканларки, бу иккинчи экиш май ўрталарига тўғри келган. Бу жуда оғир зарар. Бошқа бир участкада экиш вақтида сеялкани бузганлар, натижада, яна пахта сийрак кўкарган. Ишнинг айна долу зарбида бир культиваторни ўғирлаганлар. Бошқа бир участкани суғорамиз деб ариққа сув олганда у ариқни бузиб юборганлар...

Қулмурод олдидаги пиёлани олиб чой ича бошлаганидан фойдаланиб, Шошмақул.

— Бу жиноятларга сабаб бўлган Ҳасан бугун колхоздан чиқарилди, судга берилди,— деди.

— Мумкин эмас, Ҳасан жиноятчи эмас,— деди президиумга яқинроқ жойга келиб ўтирган Фотима. Қулмурод ўз сўзини давом эттирди:

— Бу жиноятларнинг баъзи бирига, масалан, сеялканинг бузилишига, культиваторнинг йўқолишига Ҳасан сабаб бўлган бўлса бўлгандир...

— Худога шукур,— деди Ҳамдамформа Қутбияга, Қулмуроднинг сўзини эшитиши билан,— бу ҳам Ҳасаннинг жиноятини тасдиқ қилди.

— Лекин,— деди Қулмурод ўз сўзининг давомида,— Сиёсий бўлим бу жиноят орасида бир робита топмоқчи бўлиб кўп ишлади, кўп текширди, натижада, маълум бўлдики, культиватор йўқолган кечанинг эртасига ариқ бузилган, ариқнинг бузилганини эшитган бригадирлар ҳамма бригадаларни ҳашарга ундаб юрган вақтда бир киши қишлоққа келиб бир уйнинг деразасига кесак билан:

«АРИҚ БУЗИЛДИ»
«КУЛЬТИВАТОР ЙЎҚОЛДИ».

деган сўзларни ёзган. Икки минутдан кейин уйига келган уй эгаси деразага ёзилган ҳалиги сўзларни кўрган бўлса ҳам, унга эътибор бермаган. «Воқеани эшитган бирон бола ёзиб қўйгандир-да» деб ўйлаган. Уй эгаси уйга кирмасдан бурун кўча бошида бировни кўрган бўлса ҳам, ундан ҳеч бир шубҳаланмаган...

Қулмурод кесак билан деразага ёзилган сўзни ҳикоя қилганида қути учган Ҳамдамформа унинг кейинги сўзидан яна тинчланиб узун бир нафас олди.

— Бир вақт,— деди Қулмурод ўз сўзининг давомида,— ҳалиги уй эгаси ҳалиги кўча бошида кўрилган одамнинг бир хотин билан сўзлашиб ўтирганини кўр-

ган. Гап йўқолган культиватор, ариқ, маъданий ўғит, сеялка устида борар экан. Уй эгаси бу сўзлашмадан ўзича ўз уйининг деразасига ёзилган сўзлар орасида бир робита топган ва шу робитадан у сўзларни ёзган одам билан жиноятчини бир киши деб ҳукм қилган.

Қулмуруднинг бу сўзидан Ҳамдаформанинг юраги ёрилар даражага келган бўлса ҳам, Қулмуруд сўзининг давомида:

— Лекин бу далиллар Сиёсий бўлим учун етарли эмас,— деганидан кейин нафасини сал ростлаб олди.

— Бизнинг учун,— деди Қулмуруд,— жиноятчини очиб кўрсатадиган гувоҳлар керак эди.

— Жиноятчи Ҳасан эканлиги тўғрисида мен сизга бир неча гувоҳлар кўрсатиб эдим-ку,— деди Қулмуруднинг сўзини кесиб Шошмақул.

— Шошма, сенинг гувоҳларинг тўғрисида ҳам гапираман,— дегандан кейин Қулмуруд яна сўзини давом эттирди:

— Биз учун моддий далиллар керак эди, шундай далиллар топилгунча Ҳасан жиноятчи бўлиб қолар эди.

Қулмуруднинг бу сўзига қарши Шошмақул:

— Мен ҳам Ҳасан жиноятчи бўлиб қолади деган эдим,— дейишидан Ҳамдамформанинг юзида ҳам қувонч аломати кўрина бошлади.

Қулмуруд ўз сўзини давом эттирди:

— Бугун мен,— деди у,— сизнинг мажлисингизга келаман деб тайёрланаётганимда бир хабар эшитдим: Шофирком рўдининг қуйнисида сув ичадиган деҳқонлар рўднинг ариқ бузилишидан кўмилиб қолган жойларини қазийётганларида лойқалар орасидан бир культиватор чиққан. Мен бу хабарни эшитган ҳамон терговчи билан у иш устига бордим. Культиваторни кўрдик, у топилган жойни қаздириб текширдик. Натижада, учига темир қадалган бир таёқ ҳам топилди. Биз бу қуролни ариқнинг увотини тешиб, ариқни тамоман бузиш учун атайин ясалган бир қурол эканини пайқадик. Бу қуролни ким ясаганини билмоқчи бўлиб, темирчиларга кўрсатдик. Саттор темирчи: «Бу қуролни Нуъмон ўғли деган бир йигит тандирга косов қиламан деб мендан ясашиб олган эди» деди...

Қулмуруд бир қултум чой ичиб, нафасини ростлаб олгандан кейин, яна давом этиб:

— Ўртоқлар,— деди у,— бу далилларнинг ҳаммаси-

дан маълум бўлишича, жиноятнинг ипи бориб «Нуъмон ўғли» деган йигитга боғланди.

Қулмурад сўзини тугатиб ўтиргач, портфелидан бир қоғоз чиқариб кўзидан кечириб, мажлисдагилардан:

— Нуъмон ўғли ким?— деб сўради.

Халқ Нуъмон ўғли кимлигини аниқлай олмади, бир-бирларидан пичирлашиб сўраётганида орадан бир чол туриб, пусиб ўтирган Ҳамдамформани кўрсатиб:

— Кейинги вақтларда қишлоғимизга келиб, Ҳамдамформа деб ном чиқарган мана шу йигит сабзикорлик Нуъмон қаллобнинг ўғли,— деб жавоб берди терговчига.

— «Ҳамдамформа» деб ном чиқарган Ҳамдам Нуъмон ўғли колхоз жиноятчиси сифатида қўлга олинди,— деган терговчи,— милиционер!— деб чақирди.

Чойхонага кирган милиционерлар Ҳамдамформани ўрнидан турғизиб олдин сурдилар.


Мажлисдагилар бу кутилмаган воқеадан ҳайратда қолиб, ҳар томондан Ҳамдамформага тикилмоқда эди.

— Мен қачонлар — ер текислаш вақтида «Бу тўти-бурут йигитнинг қўлидан бузмакорликдан бошқа иш келмайди» деган эдим. Охирда мен айтган гаплар тўғри чиқди!— деб бақирди Нормурад.

Фотиманинг:

— Яшасин партиямиз ташаббуси билан ташкил топган МТСларнинг Сиёсий бўлимлари!— дейиши билан оёққа турган мажлис қайнаб кетди. Партия ва ҳукумат шарафига айтилган хитоблар, табриклар ва «ура» садосидан чойхонанинг дераза ойналари титрарди.

Аммо бу ерда икки киши ҳеч бир ҳаракат қилмас эди: буларнинг бири — туси ўлик тусидай бўлиб ерга йиқилиб қолган Қутбия бўлса, иккинчиси — ғолиб, лекин ўз ғалабасидан эсанкирамаган қаҳрамон ғолиблардай қўлларини костюмининг чўнтакларига тиқиб табасум қилиб турган Раҳимдод — Некқадам — Қулбобонинг невараси Ҳасан Эргаш эди.



ИЗОҲ

Устод Садриддин Айний «Қуллар» романини 1932—1934 йиллар ўртасида ёзди, «Қуллар» 1934 йилда ўзбек тилида, 1935—1949 йилда тожик тилида нашр этилди. Романнинг айрим боблари ўзбек тилида «Қулбобо», тожик тилида «Фуломтозий» ва «Фуломфурший» деган номлар билан китобча шаклида босилиб чиқди. «Қуллар» романи СССР халқлари тиллари ҳамда бир қанча чет эл тилларига таржима қилинган. Бу нашрга автор қайтадан кўрган ва 1952 йилда ўздавнашрда босилиб чиққан нусха асос қилиб олинди.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим	7
Иккинчи бўлим	111
Учинчи бўлим	147
Тўртинчи бўлим	245
Бешинчи бўлим	327
Изоҳ	470

На узбекском языке

Садриддин Айни

**СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ
В ВОСЬМИ ТОМАХ**

ТОМ III. РАБЫ

Рассом *Шчировский*

Расмлар редактори *Г. Бедарев*

Техн. редактор *В. Шуклинова*

Корректор *М. Абдушукурова*

* * *

Босмахонага берилди 11/IV-1964 йил. Босишга рухсат эгилди 17/VIII 1964 й. Формати 84×108/32. Босма л. 14,75. Шартли босма л. 24,19. Нашр. л. 24,8. Индекс *к/л*. Тиражи 15000. "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30, Шартном № 5—64

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот Давлат Комитетининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида гайёрланган матрицадан 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кучаси, 21. Заказ № 304. Баҳоси 95 т.

Айний Садриддин

Асарлар, 8 томлик. Т. 3.

"Тошкент" бадий адабиёт нашриёти. 1964.

Т. 3. Қуллар. Роман. 472 бет.

Айни Садриддин. Сочинения в 8-томах. Т. 3.

С (Тож.)